

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ТИЛИ**

**II жилд**

**СИНТАКСИС**

**Тошкент  
“МУМТОЗ СЎЗ”  
2011**

**Замонавий ўзбек тили: Морфология** / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррирлар Ҳ.Ғ.Неъматов, Р.Сайфуллаева. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. – Тошкент.: Мумтоз сўз, 2011.

Истиқлол туфайли юзага чиққан имониятлар тил билимларининг юксалишига ҳам сабаб бўлди. Замонавий тилшунослик талабларида бажарилган ушбу тадқиқот икки жилддан ибрат. Унинг ушбу иккинчи жилдида ўзбек тилининг синтактик хусусияти структур тилшуносликнинг субстанциал тадқиқ йўналиши методологияси ва тадқиқ усуллари асосида яратилди.

Дарслик олий ўқув юрти талабалари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва соҳа қизиқувчиларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:

филология фанлари доктори, профессор  
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор  
филология фанлари доктори, профессор

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқув-методик кенгашининг 2011 йил .....даги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган (5-сонли баённома)

*Атоқли олим, ўзбек субстанциал тилшунослигининг асосчиси, беназир инсон профессор Ҳамид Ғуломович Неъматовнинг қутлуғ 70 ёшига миннатдор шогирдларидан тухфа*

## МУҚАДДИМА

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида тилнинг фонетик, лексик ва грамматик сатҳлари лисон–нутқ дихотомияси асосида тадқиқ этилиб, яхлит субстанциал таълимот яратилди. Тилшуносликда тор йўналиш сифатида иш бошлаган субстанциал лингвистика бугунги кунда жаҳон тилшунослиги томонидан эътироф этилди ва, ҳатто, унга таъсир ҳам кўрсата бошлади. Ўзбек тили лисоний қурилишига берилган янги илмий-назарий баҳо қатор монография, дарслик ва қўлланмаларда ўз ифодасини топди. Ушбу дарслик шундай манбалардан бирidir.

Ўзбек тили морфологик қурилишининг назарий талқинини ўз ичига олган “Замонавий ўзбек тили. Морфология” дарслиги ўзбек тили субстанциал грамматикасининг 1-жилди сифатида 2008 йилда “Мумтоз сўз” нашриётида чоп этилган эди. Қўлингиздаги “Замонавий ўзбек тили. Синтаксис” унинг мантиқий давомидир.

Китоб муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган. Унинг “Ўзбек синтактик таълимоти ва унинг тараққиёти” қисми проф. Ҳ.Неъматов, “Синтаксиснинг тадқиқ манбаи ва предмети” мавзуси проф. Б.Менглиев ва Р.Сайфуллаева, “Лисоний синтактик қолип” мавзуси проф. Б.Менглиев, “Валентлик ва синтактик алоқа” мавзуси проф. М.Қурбонова, “Содда гапнинг лисоний қурилиши” проф. М.Қурбонова ва доц. М.Абузалова, “Сўз бирикмаси” мавзуси Б.Менглиев ва доц. С.Назарова, “Содда гапнинг таркиби” мавзуси проф. Б.Менглиев, “Гап бўлаклари” мавзуси Б.Менглиев ва доц. Ш.Акрамов, “Сўз ва гап кенгайтирувчиларининг мувофиқлашуви ва фарқланиши”, “Гапда ажратилган сўзшакллар”, “Содда гапда тенг боғланиш”, “Ундалма” мавзулари проф. Б.Менглиев, “Гапнинг кириш ва киритма кенгайтирувчилари” мавзуси проф. Б.Менглиев ва

филология фанлари номзоди Н.Саъдуллаева, “Йиғиқ гап” мавзуси проф. Б.Менглиев ва филология фанлари номзоди Н.Йўлдошева, “Қўшма гап” мавзуси проф. Р.Сайфуллаева ва доц. Л.Раупова, “Уюшган гап” мавзуси проф. Р.Сайфуллаева, “Синтактик бирликларнинг нутқий воқеланишида сатҳлар ҳамкорлиги” мавзуси проф. Б.Менглиев, “Пунктуация” бўлими проф. Б.Менглиев ва доцент Б.Баҳриддинова томонидан ёзилди. “Хулоса” проф.Б.Менглиев ва доц. Л.Раупова томонидан тайёрланди.

## 1-BO'LIM

### O'ZBEK SINTAKTIK TA'LIMOTI VA UNING TARAQQIYOTI. SINTAKTIK QOLIP

#### Tayanch tushunchalar

*Sintaksis, sintaktik birlik, nominativ birlik, kommunikativ birlik, sintaktik ta'limot, formal yondashuv, substansial yondashuv, mazmuniy sintaksis, sintaktik derivatsiya, transformatsiya, tipologiya, sistem-struktur tahlil*

Sintaksis tilning mustaqil atov birliklari bo'lgan so'zlarning o'zaro birikib, yangi turdagi nutqiy:

- a) nominativ birlik (so'z birikmasi);
- b) kommunikativ birlik (gap)

hosil qilish usul va qoidalari – mohiyatan tilning barcha sath birliklari birgalikda, chambarchas bog'lanishda ma'lum bir aniq moddiy shakl qabul qilgan holda voqelanishidir. Demak, tilning bevosita yashashi va fikr almashish, aloqa-aralashuv vositasi bo'lishi (kommunikativ vazifani bajarishi) sintaksis bilan uzviy bog'liq. Shu sababli sintaksis, bir tomondan, tilshunoslikning eng asosiy va birlamchi tadqiq manbai bo'lsa, ikkinchi tomondan, u murakkab nutqiy birliklar bilan aloqador bo'lganligi bois ko'pincha tadqiqotchi diqqatidan chetda qolib keladi. Chunki sintaktik qonun-qoidalarning bevosita voqelanishi bo'lgan sintaktik hosilalarning tarkibiy qismlari, odatda, tilshunoslikning turli-turli bo'limlardai – fonemalar (tovush va harflar) fonetika/fonologiya/grafikada, morfemalar (qo'shimcha va so'zshakllar) morfemika va morfologiyada, leksemalar (so'zlar) leksikologiya va semasiologiya va stilistikada – sistema sifatida o'rganiladi va sintaksis ularning soyasida qolib ketadi; substansiya ayrim qismlarining ajratilgan tavsifi butunlikni yaxlit ko'rishga monelik qiladi. Shuning uchun aytish mumkinki, bir tomondan, tilshunoslikka bag'ishlangan hech bir tadqiqot sintaktik tahlildan xoli bo'lolmaydi, ikkinchi tomondan, sintaksis tavsifiga bag'ishlangan maxsus ishlar soni sanoqli. Tilshunoslik tarixidan ma'lumki, til sathlari birliklari orasida sintaktik hodisalarni alohida ajratish va o'rganish boshqa sath birliklari tadqiqidan ancha orqada. Lingvistik bilimlar silsilasi taraqqiyotida Arastudan boshlab, XX asr boshlarigacha sintaktik qurilish tadqiqi fonetika,

morfologiya va leksikani o'rganish soyasida qolib keldi. Yevropada zamonaviy nazariy (ilmiy) tilshunoslik ibtidosi deb sanaladigan qiyosiy-tarixiy tilshunoslik (komparavistika)da ham, undan ancha oldin rivojlangan arab tilshunosligida ham, qadimgi hind tilshunosligida ham tadqiqotchining diqqat markazida tilning tovushlari, so'zning shakllari, so'zning o'zi turar edi. Shuning uchun turkiy tillarning o'rganilish tarixi masalalari bilan chuqur shug'ullangan akademik A.N.Kononov turkiy tillar sintaksisini ilmiy ravishda izchil o'rganish XX asrdan boshlanganligi haqida yozib, " bu davrdan oldingi ishlarda ayrim turkiy tillarning sintaksisi haqida uzuq-yuluq malumotlarga berilganligi " ni alohida ta'kidlaydi. Bu fikr haqiqatga yaqin. Zero, turkiy tillarni ilmiy asoslarga o'rganish o'z ibtidosini XI asrdan (Mahmud Koshg'ariyning " Devonu lug'otit turk " asaridan) boshlab hozirga qadar uzluksiz davom etib kelayotganligiga qaramay, XI-XIX asrlarda sintaksis tahlili va talqiniga bag'ishlangan birorta ham maxsus ishni sanab o'tolmaymiz. Vaholanki, fonetika, leksika, hatto morfologiya bo'yicha yuzlab tadqiqot va tavsiflar mavjud. To'g'ri, Mahmud ibn Husayn ibn Muhammad Koshg'ariy o'z "Devon"ida o'zining sintaksisga bag'ishlangan maxsus asari – "Javohiru-n-nahv fi lug'oti-t-turk " ( " Turkiy tillar grammatikasi (sintaksisi) javohirlari " ) borligini alohida ta'kidlaydi. Bu asar hozircha ma'lum bo'lmasa ham, ayta olamizki, uning materiallari sintaksisning hozirgi zamonaviy talqinidan ancha yiroq va, asosan, arab tilshunosligi an'analari muvofiq ravishda, morfologik shakllarning qo'llanilish tavsifi bilan chegaralangan bo'lishi mumkin. Chunki, birinchidan, Mahmud Koshg'ariy o'zi mansub bo'lgan arab tilshunosligi tamoyillaridan ko'p ham uzoqqa borolmas edi. Ikkinchidan, arab tilshunosligining o'zida nahv termini ikki ma'noda – "umuman grammatika" (ya'ni, morfologiya, so'z yasalishi va sintaksis birgalikda) va " sintaksis " ma'nosida qo'llaniladi. Uchinchidan, muallifning o'zi "Devon" ning o'zbekcha nashri 62-betida "Javohir..." ning mazmuni "birlik, ko'plik, oshirish, chog'ishtirish, kichraytirish, kelishiklar masalasi " dan iboratligi haqida gapiradi. Bunday masalalar esa hozirgi kunda morfologiya doirasida o'rganiladi. Shuning uchun faraz qilish mumkinki, Mahmud Koshg'ariy ikki asarini arab tilshunosligida ajratilgan tilshunoslikning ikki katta qismiga – "Javohir..." ni grammatika tavsifiga, "Devon"ni esa lug'at va so'z yasalishi masalalariga – bag'ishlagan.

Arab tilshunosligida sintaksisga – soʻz birikmalari va gap qurilishi tahliliga – kam eʼtibor berilganligi bois Mahmud Koshgʻariy ham, oʻrta asrning boshqa turkiyshunoslari ham sintaksisining maxsus tavsifini, odatda, chetlab oʻtadilar va sintaksisga doir qator masalalarni morfologik shakl (qoʻshimcha) va yordamchi soʻzlarning qoʻllanilishi bilan bogʻliq ravishda sharhlaydilar. Tabiiyki, ontologik-metodologik nuqtai nazardan bunday yondashish grammatikaning umumiyligi hamda uni morfologiya va sintaksisga ajratish koʻp hollarda oʻta shartligi bilan bogʻliq.

Komparativistika va yosh grammatiklarning qiyosiy-tarixiy tilshunosligida ham sintaksis muammolari “ikkinchi darajali” tadqiq manbai edi; bu yoʻnalishlarda soʻz va qoʻshimchalar ifoda tomonining taraqqiyoti diqqat markazida edi. Shu sababli Yevropa (asosan, rus) turkiyshunoslarining XIX asrning oxiri – XX asr boshlaridagi tavsifiy ishlarida ham sintaksis boʻyicha maʼlumotlar umuman yoʻq, yoki morfologiya boʻlimiga singdirib yuborilgan. Shuning uchun oʻzbek tili sintaksisi boʻyicha ilk maxsus tavsif sifatida biz hozircha Abdurauf Fitratning birinchi nashri 1925 yilda amalga oshirilgan “ Oʻzbek tili qoidalari toʻgʻrisida bir tajriba. Ikkinchi kitob - Nahv” asarini tilga ola olamiz, xolos. Haqiqatan ham, bu ish oʻzbek tili sintaktik qurilishining izchil tahlilini boshlab beruvchi ham tadqiqot, ham tavsif – oʻquv qoʻllanmasidir. Tilshunos A.Nurmonov “ hali oʻzbek tili sintaksisining mundarijasi belgilanmagan, sintaktik tushunchalarni ifodalovchi atamalar izga solinmagan bir davrda bu asarning vujudga kelishi oʻzbek tilshunoligi tarixi uchun katta voqea edi,” – deb unga yuksak baho berganida toʻla-toʻkis haqdir. Fitrat oʻzbek sintaksisi talqiniga soʻz uyushmasi (soʻz birikmasi, soʻz qoʻshumi), gap, uning asosiy qismlarini atovchi kesim, ega, toʻldirgich (gap tarkibidagi ega va kesimdan boshqa boʻlaklar, ikkinchi darajali boʻlaklar), kirish soʻz, turush belgilari (tinish belgilari) kabi oʻnlab atama va tushunchalarni olib kirdi. Olim ilk qadamdanoq turkiy tillar (jumladan, oʻzbek tili) sintaksisining Gʻarbiy-Yevropa tillari sintaktik qurilishidan tub farqlarini:

a) kesimning gap qurilishida alohida mavqe egallashini – “soʻz qoʻshumini gapga aylantiradigan” qism ekanligini;

b) gap va soʻz birikmalari tarkibida tobe–hokim tartibi mutlaqligini ilgʻay va sharhlay oldi.

Oʻzbek tilshunosligi Fitratning bu xizmatini (olim tuzgan

kesim atamasiday) hech qachon unutmaydi.

Davr talabi bilan bog'liq ravishda muallif bu asarida turush belgilari (tinish belgilari) ustida juda mufassal to'xtaladi, zero bu belgilar (ularning qo'llanilishi bilan bog'liq bo'lgan gapning ma'no xususiyatlari va bo'linishi, qismlari orasidagi munosabat, matnda gapning alohida ajratilishi v.h.) arab imlosi uchun tub yangilik, lekin Yevropa tilshunosligining ulkan yutug'i edi. Shuning uchun jadid ma'rifatparvarlari, xususan, Ashurali Zohiriy arab imlosiga tinish belgilarini olib kirishni zo'r berib targ'ib etganlar. 1921 yildagi yozuv islohoti bilan bog'liq ravishda imloga kiritilgan bu belgilar ulkan yangilik va sintaksis tadqiqi uchun debocha edi, zero tinish belgilarini qo'llash sintaktik tahlil va talqin bilan uzviy bog'langan. Fitrat ham ilk zamonmaviy o'zbek grammatikasida shuni nazarda turgan.

Fitratning bu asari o'zbek tili sintaksisi bo'yicha 1940 yilgacha – tilshunosligimizning A.G'ulomov taraqqiyoti davrigacha – amalda bo'lgan va turli mualliflar tomonidan yaratilgan keyingi darsliklarning tuzilishi, mazmuni va atamalariga kuchli ta'sir ko'rsatdi.

Butun o'zbek grammatik ta'limotida bo'lgani kabi sintaktik talqinlarning ham navbatdagi taraqqiyot bosqichi tilshunoslikda formal tahlil (zamonaviy tillarning sinxronik formal tavsifi) metodi "shakldan mazmunga" yo'nalishining yoyilishi va uni ommalashtirganlar – A.K.Borovkov, A.N.Kononov, YE.D.Polivanov, V.Reshetov, Ulug' Tursunov, Ayyub G'ulomov kabi mumtoz o'zbek tilshunosligi darg'alari faoliyati bilan bog'liq. Jumladan, prof. Ayyub G'ulomov bu yo'nalishning akademik V.V.Vinogradov talqini asosida ommalashgan va S.G.Barxudarovning rus tili bo'yicha o'rta maktab darsliklarida qonuniylashtirilgan shakli asosida o'zbek tili sintaktik qurilishining mohiyatan yangi tavsifini berdi. Abdurauf Fitratning bir qator atamalari saqlangan bo'lsa-da (chunonchi, kesim, ega, kirish so'z, to'ldiruvchi, aniqllovchi v.b.), ular ko'p hollarda tamoman boshqa mazmun-mohiyat kasb etdi. Jumladan, kesim tushunchasiga gapning "mutlaq hokim bo'lak sifatidagi egaga tobelangan va u haqda ma'lumot beradigan bo'lak" maqomi berildi, ya'ni formal tahlilda mantiqiy grammatikaning (logitsizmning) salbiy ta'siri bo'lgan xato o'zbek tilshunosligiga ham ko'chirildi; mantiqda haqiqatan ham hukmda subyekt (ega, mavzu, substansiya) – hokim, predikat (kesim, mahmul, aksidensiya) – tobe qism sanaladi. Ayni munosabat tilga



ham aynan ko'chirildi, sodda va qo'shma gap talqini asosini tashkil etdi. Bu mohiyatan Abdurauf Fitrat talqinlaridan bir qadam orqaga chekinish va rus grammatik talqinlariga ikki qadam yaqinlashish edi. Taqlidchilik, rus grammatik talqinlariga yaqinlashish shu darajaga yetdiki, masalan, Yaxshi bola yaxshi o'qiydi kabi qurilishli gaplarda yaxshi nafaqat bir o'rinda aniqlovchi, ikkinchi qo'llanilishda hol sifatida talqin etildi, balki leksik-grammatik omonim so'z – sifat va ravish deb e'tirof etildi. O'zbek tilida sodda va qo'shma gap qurilishi shu asosda talqin etildi.

So'z birikmasi masalasida olim formal tilshunoslik ajratgan moslashuv, boshqaruv va bitishuv aloqalari asosida nutqiy nominativ birlik hosil qilish va bunda tobe qism shaklini belgilashda hokim qismning yetakchiligi tamoyilini olib kirdi. Shu asosda so'z birikmalari turlarini aniqlash va yangicha tavsiflashning tamal toshlarini qo'ydi.

O'zbek formal grammatik talqinlari asoslarini Ayyub G'ulomov "Синтаксис ва пунктуация бўйича машқлар тўплами" (–Т.: Ўздавнашр, 1938; 1939; 1947), "Ўзбек тили грамматикаси. 2-қисм. Синтаксис" (–Т.: Ўздавнашр, 1940), "Ўзбек тилида аниқловчилар" (–Т.: Ўздавнашр, 1941), "Ўзбек тили грамматикаси. 2- қисм. Синтаксис" ((–Т.: Ўздавнашр, 1944 – 1960), "Содда гап. Ҳозирги замон ўзбек тили курси бўйича материаллар" (–Т.: ЎзФА нашр., 1955) va, nihoyat, Mazluma Asqarova bilan hamkorlikda yozilgan, o'zbek formal sintaktik ta'limotining mukammal sharhi bo'lgan, yaqingacha oliy ta'lim tizimi uchun eng mukammal darslik sanalib, akademik G'anijon Abdurahmonov yetakchiligida tuzilgan qo'llanma bilan bir qatorda hozirgacha ham amaliyotdan tushmagan (uchinchi nashri 1987- yilda amalga oshirildi) "Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис (–Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1960) kabi asarlari orqali keng ommalashtirdi.

XX asrning o'rtalarida ustoz Ayyub G'ulomov ommalashtirgan so'z birikmalarida hokim bo'lak, gap qurilishida ega yetakchiligi haqidagi talqini asosida o'zbek tili sintaksining alohida (oldingi tilshunoslar juda kam e'tibor bergan) sohasi – qo'shma gap sintaksisi tadqiqiga alohida diqqat qaratildi. Akademiklar G'anijon Abdurahmonov va Mazluma Asqarovalarning doktorlik dissertatsiyalari (1960 va 1963- yillar), qator monografiya, risola va o'quv qo'llanmalarida, juda ko'p ilmiy maqolalarida, o'nlab shogird va izdoshlarining dissertatsion ishlarida bu masala tadqiq,

tahlil va targ'ib manbai bo'ldi. Bu talqinlarda gap qurilishining talqini markazida ega turganligi va ega-kesim munosabati mantiqiy predikatsiya (subyekt-prekikat) aloqasi bilan deyarli tenglashtirilganligi sababli *Salimjon kelgach/kelgandan keyin/kelishi bilan axborot berdi, Salimjon o'qidi, yozdi* turidagi qurilmalar bir xil egali bo'lganligi bois sodda, ikki va undan ortiq eksplitsit (gap qurilishida moddiy shaklda ifodalangan) egali (aniqrog'i, ega emas, balki subyektli, bajaruvchili, foilli) qurilmalar (*Салимжон келгач/келгандан кейин/келиши билан, у/Раҳимжон ахборот берди, Салимжон ўқиди, у/Раҳимжон ёзди.*) qo'shma gaplar sifatida baholandi. Mana shu metodologik tamoyillar asosida qo'shma gapning bog'langan, ergash gapli, bog'lovchisiz, murakkablashgan kabi turlari ajratildi.

Keyingi yillarda sodda va qo'shma gap qurilishi, so'z birikmalari va ularning ko'rinshlari talqini bilan bog'liq bo'lgan juda ko'p juz'iy masalalar F.Abdullayev, G'.Abdurahmonov, M.Asqarova, A.Borovkov, F.Kamolov, Sh.Rahmatullayev, V.V.Reshetov, U.Tursunov, A.G'ulomov singari olimlar ishlarida va rahbarligida amalga oshirilgan A.Abdullayev, J.Omonturddiyev, I.Rasulov, A.Ahmedov, D.Ashurova, S.Usmonov, F.Ubayeva, A.Sayfullayev, A.Berdialiyev, V.Egamberdiyev, M.Sharipov, Z.Sulaymonov, A.Mamajonov, M.Mirzayev, M.Mujdaboyev, I.Toshaliyev, B.To'ychiboyev, D.Muhamedova, X.Abdurahmonov, F.Ibrohimova, I.Tursunov, X.Ismatullayev, B.O'rinboyev, A.Hazratqulov, X.Komilova, A.Ma'rupov, S.Ravshanova, K.Shoazizov, S.G'oyibov, T.Hayitmetov, T.Akramov, O.Amirova, S.Solixo'jayeva, E.Shodmonov, H.Abdullayev kabi olimlar tadqiqotlarida muhokama etildi, muayyanlashtirildi. Pirovardida, o'tgan asrning 70-yillariga kelib, formal tahlil usuliga tayangan o'zbek sintaktik nazariyasi va o'zbek tili sintaktik qurilishining talqini tugal shakllandi, 1976- yilda nashr etilgan ilmiy grammatika (*Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксис. – Т.: Фан, 1976*) da umumlashtirildi, formal tahlil yutuqlari asosida o'zbek tili sintaktik qurilishining boshqa tadqiq metodlari, jumladan, sistem-struktur tahlil usullari bilan chuqurlashtirish, formal tavsif asosida qator ustqurma tahlillarda tilimiz sintaktik qurilishidagi turli-tumn paradigmalarni va paradigmatic munosabatlarni ochish ishlariga zamin hozirlandi.

Mana shunday ustqurma tahlillardan biri gapning aktual

bo'linishi va gap qurilishining uslubiy xususiyatlarini o'rganish bo'ldi. Bu yo'nalishda A.Safoyev, R.Qo'ng'urov, S.Karimov, J.Omonturdiyev, A.Mamajonov, A.Abdusaidov, R.Abdusamatov,... A.Hayitmetov kabi olimlar ishlab, jiddiy yutuqlarni qo'lga kiritdilar, o'zbek matn lingvistikasi va uslubiyati rivojiga katta hissa qo'shdilar.

Formal sintaktik tavsif natijalariga tayanib, o'zbek tili sintaksisi bo'yicha amalga oshirilgan va katta ilmiy samaralar bergan yo'nalishlar sifatida sistem-struktural tahlil usullariga tayanib olib borilgan semantik sintaksis va valentlik bo'yicha tadqiqotlarni alohida sanab o'tish lozim. Bu sohalarda N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Berdialiyev, D.Lutfullayeva, A.Ahmedov, I.Qo'chqortoyev, R.Rasulov, M.Qurbonova, A.A.Salkalamanidze, S.Sultonsaidova, S.Muhamedova, H.Usmonova kabi olimlar erishgan yutuqlarning ilmiy salohiyati o'zbek tilshunosligidagina emas, slavistika va germanistika – umuman til qurilishi tahlil nazariyasida o'ziga xos ahamiyatga molikligi, mustaqilligi bilan ajralib turadi.

*Sintaktik birliklarning tipologik o'rganilishi.* “ O'zaro qarindosh yoki uzoq, bir-biri bilan uzviy bog'lanishda bo'lgan yoki bo'lmagan tillar ichki strukturasi, ma'lum bir ma'no va vazifalarni aks ettirishdagi o'xshashlik (umumiylik) va xususiyliklar (farqlar)ni chog'ishtirib tekshirish metodiga asoslangan yo'nalish bo'lib, u bilan qiyosiy-chog'ishtirma, mantiqiy grammatika, qiyosiy-tarixiy usul va glossematika tushunchalari qorishib ketadi.”<sup>1</sup> Uning asosiy tamoyillari poydevori aslida Alisher Navoiyning “Muhokamatul-lug'atay n” asarida, qolaversa, F.de Sossyurning “Umumiy tilshunoslik kursi” da lisoniy qiymat tushunchasi asosida qo'yilgan edi. “Uning asosiy kategoriyalari t i l u s t i l i k (metatil, metayazik) va lingvistik u m u m i y l i k lardir. Lingvistik u m u m i y l i k lar boshqa yo'nalishlarning ong (tafakkur) kategoriyalariga qisman to'g'ri keladi. Tilustilik (metatil) deganda tabiiy tildan yuqori turgan va nutq ijtimoiy faoliyatida ifodalanishi zarur bo'lgan tushuncha, aloqa-munosabat va vazifalar majmuasi tushuniladi. Bu tushuncha, aloqa-munosabat va vazifalarning har biri alohida olinganda lingvistik u m u m i y l i k sanaladi”<sup>2</sup>.

Bu yo'nalishda bajarilgan ishlarda tipik hodisa sifatida

<sup>1</sup>Неъматов Ҳ. Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари. –Бухоро, НС, 2005. –Б. 70-103.

<sup>2</sup>Неъматов Ҳ. Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари. –Бухоро, НС, 2005. –Б. 70-103.

olinayotgan sintaktik birliklardagi tipiklikning ifodalanishi, ularning semantik va funksional qiymati taqqoslanadi, bu tillarning sintaktik tizimidagi o'ziga xos xususiyatlari haqida ma'lumotlar beriladi<sup>1</sup>. Bu sohada U.Ahtamova, M.Mamatov, Ertug'rul Yomon, Mustafo Chetin, Z.Xudoyberganova, R.Mo'minova kabilar tadqiqotlari ham e'tiborga molik.

*Sintaktik birliklarning transformatsion o'rganilishi* distributiv tahlil usuli doirasida shakllangan bo'lib, oddiy sintaktik qurilmalardan murakkabroqlarini, bir turdagi sintaktik qurilmadan boshqa turdagisini ma'lum qoidalar asosida hosil qilish yo'llari hamda vositalarini tadqiq va tahlil etishga mo'ljallangan. Bu tahlil usulida markaziy (asosiy, ilk sodda) birlik (odatda, aniqlik mayli, umumiy zamon, umumiy shaxs-son shakl va ma'nolaridagi gap yoki, masalan, aniq nisbatli qurilma va h.k.) tanlanib, shu qurilmadan boshqa ma'noli va vazifali qurilmalarning hosil qilish chizmalari (chunonchi, ko'chirma gapli qurilmalardan o'zlashtirma gapli qurilmalar hosil qilish) aniq belgilanadi, kodlashtirilib, modellashtiriladi. Samarali avtomatik (mashina, kompyuter) vositasida ma'lum bir dastur asosida bir qurilmadan ikkinchisini to'g'ri hosil qila olishi bilan belgilanadi. Sintaktik birliklarning transformatsion usulida nutqiy sintaktik birliklarni boshqa boshqa sintaktik birliklarga aylantirish masalasi tadqiq qilinmoqda. Bu borada S.Mahmatqulov, N.Turniyozov, Sh.Turniyozov, A.Madaminov, M.Muhamedova, S.Nizomiddinova, M.Muhammadiyeva ishlari alohida e'tiborga molik.

*Sintaktik derivatsiya* bugungi kunda ma'lum darajada shakllangan yo'nalish bo'lib, u tilshunosligimizda filologiya fanlari doktori, professor N.Turniyozov va uning shogirdlari tomonidan rivojlantirilmoqda.

Sintaktik derivatsiya bir qarashda transformatsion tahlil yo'nalishiga o'xshaydi. Ammo asosiy tushunchalari hamda nozik bir jihati bilan farqlanadi. Transformatsion yo'nalishdagi *transformatsiya, transforma, transformator, transformant* atamalari derivatsion tahlil usulida faol qo'llanuvchi *derivatsiya, operator, operand, derivat (hosila)* atamalari bilan muvofiqdek tuyuladi. Ammo asosiy farq

---

<sup>1</sup>Бўронов Ж., Юсупов У., Ирискулов М., Содиқов А. Инглиз, ўзбек ва рус тиллари грамматик структураси: (Олий ўқув юртлари учун). – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 312 б.; Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2006. – Б.12.; Саидова М.Р. Сравнительно-типологическое исследование односоставных предложений в русском и узбекском языках: Автореф. дисс. ...канд. филол.наук. – Ташкент: ТашГУ, 1996. -24 стр.

shundaki, transformatsion tahlilda bir nutqiy sintaktik hodisa qolipidan yana qanday hosilalar beruvchi qoliplar kelib chiqishi, ulardagi statik genetik bog'lanishlar tahlil etilsa, derivatsion tahlilda bir nutqiy sintaktik hodisadan qanday sintaktik hodisa kelib chiqishi, ular orasidagi dinamik genetik bog'liqlik yaxlit matn asosida tahlil etiladi.

Sintaktik derivatsiya nazariyasi Praga tilshunoslik maktabining yirik namoyandalaridan biri YE.Kurilovich tomonidan ilmiy asoslab berildi. Uning 1936 yilda chop etilgan "Leksik derivatsiya va sintaktik derivatsiya" nomli maqolasida *sintaktik derivatsiya* atamasi ilk bor qo'llangan edi<sup>1</sup>.

Leksik va sintaktik derivatsiya farqlanadi. Sintaktik derivatsiya so'z birikmalari, gap va matnga tegishli bo'lib, hosilalarning vujudga kelishida morfologik omillarning roliga alohida e'tibor qaratishi va dinamik hodisalar diqqat markazida turishi bilan xarakterlanadi. Leksik derivatsiyada esa yangi leksema va so'zlarning vujudga kelishidagi asos-hosilaviylik munosabatlari tahlil etiladi.

Sintaktik derivatsiyada **operator** sintaktik operatsiyani hosil qiluvchi bosh unsur sanaladi. "Uning ishtirokisiz derivatsiya vujudga kelmaydi va shu bois uni derivatologiyada derivatsiyaning mutlaq hokim unsuri deb yuritiladi"<sup>2</sup>.

Operand – derivatsiyaning material asosi, hosila strukturani vujudga keltiruvchi xomashyodir.

Derivat esa derivatsiya mahsulidir.

O'zbek tilshunosligida derivatsion yo'nalishda sanoqli ishlar bajarilgan bo'lsa-da, uning alohida yo'nalish sifatida shakllanganini ko'rsatish uchun yetarli asoslar mavjud.

*Sistem-struktur tahlil* tilni nazariy o'rganish yo'nalishi bo'lib, u dunyo tilshunosligida ilg'or ratsional tadqiq usuli sifatida mashhur. Tilshunoslikda bu yo'nalishning barcha tilshunoslar tomonidan e'tirof etilgan quyidagi ko'rinishlarini ajratish urf bo'lgan:

- 1) deskriptiv yo'nalish;
- 2) glossematik yo'nalish;
- 3) funksional yo'nalish;

---

<sup>1</sup>Kurilovich J. Derivation lexicale et derivation syntaxique. –BSI., 1936.p.72-92.; Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 2006. –Б.12.

<sup>2</sup>Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 2006. –Б.12.

#### 4) generativ yo'nalish.

“Bir-biridan mutlaqo farqlanuvchi va maqsadu vazifalari bilan ajralib turuvchi bu yo'nalishlarning asosiy umumiy belgilari quyidagi masalalarda kesishadi:

- tilni ijtimoiy-ruhiy hodisa sifatida tushunish;
- til, lison va nutqni izchil farqlash;
- lisoniy birliklar mohiyatini ularning sistemaviy munosabatlaridan qidirish, shu bilan birgalikda tildagi oppozitivlik va paradigmatic tahlil hamda tavsiflar ustuvorligi;
- lisonga semiotik, ya'ni shartli belgilar (ishoralar, ramzlar) sistemasi sifatida yondashish;
- asosiy diqqatni lisoniy birliklarning material-moddiy tomoni emas, balki semantik-funksional tomoniga qaratish.”<sup>1</sup>

O'zbek tilshunosligida ushbu tamoyillarga asoslanuvchi struktur yo'nalish o'zbek tili dalillarini tahlil qiluvchi mustaqil yo'nalish sifatida e'tirof etilmoqda. Fanimizda ushbu yo'nalishga asos solgan olimlar sifatida Sh.Rahmatullaev, I.Abdurahmonov, I.Qo'chqorto'ev, R.Yunusov kabi tilshunoslarni tan olish lozim. O'zbek tilining struktur sintaksisini rivojlantiruvchi namoyanlar sifatida A.Nurmonov, N.Mahmudov, R.Sayfullayeva, M.Qurbonova va boshqalarni sanash mumkin. R.Sayfullayeva va M.Qurbonovalar struktur sintaksis tahlil usullari asosida substansial sintaksisni shakllantirishga xizmat qildilar.

Fanimizda sintaktik birliklarning struktur tahlili asosida o'sib chiqqan *substansial sintaksis* jadal rivojlanmoqda. Bu borada R.Sayfullayeva, M.Qurbonova, M.Abuzalova, Sh.Akramov, R.Bobokalonov, S.Muhammadjonova, B.Yorov kabilarning doktorlik va nomzodlik dissertatsiyalarini ushbu yo'nalishda yaratilgan muhim tadqiqotlar sifatida sanash mumkin. “Sovetskaya tyurkologiya” jurnalida 1984, 1986 yillarda e'lon qilingan “Formal-funksional sintaksis tezislari” da ushbu yo'nalishga asos solingan edi.

“Formal-funksional tahlil yo'nalishining o'ziga xosligini Praga strukturalizmdagi (funksional lingvistikadagi) lison-nutq, lisoniy birlik-nutqiy birlik tushunchalarini dialektikaning umumiylik, mohiyat, imkoniyat, cabab (UMIC) va yakkalik, hodica, voqelik, oqibat (YAHVO) kategoriyalari bilan to'ldirish tashkil etadi. Shuning uchun formal-funksional tahlil yo'nalishining asosiy tamoyili tadqiq jarayonida

---

<sup>1</sup>Неъматов Ҳ. Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари. –Бухоро, НС, 2005. –Б. 70-103.

dialektik tahlil ucullaridan ongli va izchil foydalanish tashkil etadi. Dialektika shakl va mazmun aloqadorligini tan olgan holda mazmunga ko'proq e'tibor qaratganligi bois formal-funksional tahlil yo'nalishida birliklari ikki planli bo'lgan lekcika, morfologiya va sintaksis sohalaridagi tadqiqotlar ustuvordir.”<sup>1</sup>

Substansial tahlil yo'nalishida tilshunoclikning eng acociy tushunchalari til-lison-meyor-nutq munosabati quyidagicha tushuniladi:

“ Til - cof inconiy qobiliyat va imkoniyat. U tafakkurni shakllantirishga (kodlashtirishga), xotirada qat'iy cictemaga tizib caqlashga, axborotni uzatish va qabul qilishga imkoniyat beruvchi eng muhim (birlamchi) inconiy ijtimoiy-ruhiy bevocita va bilvocita kommunikatsiya vocitacidir. Til lison~meyor~nutqning dialektik butunligidan iboratdir. Unda bosh ichki ziddiyat atash (nominativ) va ifodalash (ekcprecciv) vazifalarning dialektik birligidadir. ”<sup>2</sup> Bunda tilning lison, meyor va nutqni o'zida mujassamlashtirgan nisbatan mukammal va yangicha ta'rifi o'z aksini topgan. Ta'rifni tilga berilgan milliy ta'rif sifatida baholash mumkin. Imkoniyat, tafakkurni shakllantirish, bilimni saqlash, axborotni uzatish vositasi, ijtimoiy-ruhiy xususiyatlilik kabi belgilar ta'rifni shakllantiruvchi tayanch unsurlardir.

Lisonga berilgan quyidagi ta'rifda esa uning UMIS xarakteridagi xususiyati o'z aksini topgan. “ Lison UMIC tabiatli liconiy birliklarning cerqirra, ko'p qavatli cathlaridan tashkil topgan barqaror, tashqi muhit ta'ciriga o'ta cezgir, o'zgarish, rivojlanish va moclashish immanent qobiliyatini o'z ichida mujaccamlashtirgan murakkab qurilishli ierarxik cictemacidir.”<sup>3</sup>

Lison va nutq dialektikasi e'tirof etilgan qarashlarda meyor ko'pincha chetlab o'tiladi. Sintaktik birliklarning nutqiy voqelanishida meyor muhim shart bo'lganligi tufayli uning zikr etilgan qo'llanmada berilgan ta'rifini keltirishni joiz deb bilamiz. “ Meyor liconning ichki qurilish tizimiga nicbatan tashqi omil bo'lib, liconiy imkoniyatlardan - cinonimik qatorlardan, liconiy birliklarning dublet, allovariant va

<sup>1</sup>Неъматов Ҳ. Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари. –Бухоро, НС, 2005. –Б. 70-103.

<sup>2</sup>Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Қурбонова М., Боқиева Г., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: ФТМ, 2009. –Б.33

<sup>3</sup>Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Қурбонова М., Боқиева Г., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: ФТМ, 2009. –Б.33

variantlari, cohaviy birliklaridan har birining voqelanish o'rinlari hamda xucuciyatlarini belgilaydi.”<sup>1</sup>

Lisoniy imkoniyatning subyektiv va moddiy voqelanishi nutq hisoblanadi. “ Nutq liconning meyor elagidan o'tgan muayyan moddiy (yozma, og'zaki, tacviriy (imo-ishora, signal v.h.) shakllaridan birida) voqelanishidir”<sup>2</sup>.

Boshqa lisoniy birliklarda bo'lgani kabi sintaktik birliklarning lisoniy mohiyatini ochishda ham “cubtansiallik”, “ ichki ziddiyatlik ”, “ ko'p qatorlilik ”, “ oraliq uchinchining mutlaqligi” acociy tamoyillari tahlilning asosiy tushunchalari hisoblanadi. Bu tamoyillar formal-funksional (substansial) tahlil yo'nalishining metodologik acoci tilshunos H.Ne'matov, B.Mengliyev va M.Qurbonovalar tadqiqotlarida bayon etilgan<sup>3</sup>.

“ 1. **Cubctansiallik.** Liconiy birlik nutqda voqelantiruvchi barcha ma'no va vazifalarini o'zida ontologik mujaccamlashtirgan, yashirgan deb olinadi. Nutqda hech bir narca yaratilmaydi, balki liconiy birlikdagi imkoniyat faqat yuzaga chiqariladi, xoloc. Shuning uchun tilshunoclik oldida liconiy birlik voqelanishidagi nutqiy alohidaliklarni umumiy liconiy ma'noga birlashtirish hamda liconiy imkoniyat cifatida ongda va liconiy tizimda mavjud bo'lgan bu ma'noni nutqda muayyan ko'rinishlarda voqelantirish yo'llarini o'rganish vazifaci turadi.

2. **Ichki ziddiyatlik.** Liconiy birlikning umumiy liconiy ma'noci ontologik ziddiyatli, qarama-qarshilikli - turli tabiatli tomonlarning birlashishidan iborat bo'lgan dialektik butunlikdir. U hamisha cerqirradir.

3. **Ko'p qatorlilik.** Liconiy birlik ontologik ziddiyatli tabiati bilan boshqa liconiy birliklar bilan bir necha oppozitiv qatorga (munocabatlarga) - har bir qirraci bilan alohida-alohida ciralarga - paradigmalarga kiradi. Shuning uchun uning umumiy liconiy ma'noci bir necha oppozitiv ciralardagi (paradigmalardagi) differensial belgilarining yig'indici, mohiyatiga ega bo'ladi.


4. **Oraliq uchinci.** Liconiy birliklardagi qarama-qarshi ma'no va vazifalar, paradigmalardagi bir-birini inkor etuvchi

<sup>1</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Курбонова М., Боқиева Г., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: ФТМ, 2009. –Б.33

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Неъматов Ҳ., Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари. –Бухоро: НС, 2005. –Б. 80-120.

<sup>3</sup> Неъматов Ҳ. Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари. –Бухоро: НС, 2005. –Б. 80-120.; Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: филол. фан. докт. ... дисс. автореф. -Тошкент: 2002. -22 б., Курбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили: содда гап синтаксиси учун материаллар. Тошкент, 2002. –Б.8-9.



birliklar zid tomonlarni o'z ontologik tabiatida birlashtiruvchi hodica (birlik)da birlashadi va ikki qarama-qarshilik oracida birlashtiruvchi vocita – oraliq uchinchi mavqeida bo'ladi. Tabiatan ictagan liconiy birlik oraliq uchinchi mohiyatiga egadir”.

Sintaksisda lisoniy birlikning asosiy turlari qolip (qolip)lar ajratilib, qoliplarning morfologik (lug'aviy shakllar yasash, sintaktik shakllar yasash), derivatsion (sodda va qo'shma so'z yasash), sintaktik (nominativ birliklar – so'z birikmalari hosil qilish qoliplari, kommunikativ birliklar – gap hosil qilish qoliplari) turlari farqlanadi.

Umuman olganda, o'zbek tilshunosligida shakllangan sintaktik nazariyalar o'zbek tili grammatik qurilishini turli tomondan o'rganib, uning mohiyatini ochish borasida o'z tadqiq metodologiyasi va usullari asosida ulkan ishlarni amalga oshirdilar va oshirmoqda. Qo'lga kiritilgan ilmiy xulosalar garchi ziddiyatli bo'lsa-da, ular obyektiv serqirralik va ziddiyatlilik tabiatiga ega bo'lgan sintaktik qurilishning turli tomonlarini yoritishi nuqtai nazaridan bir-birini to'ldiruvchilar sifatida o'ta qimmatli. O'zbek tili sintaktik qurilishi mohiyatini idrok etish turli sintaktik yo'nalishlarga xos xulosalarni umumlashtirish asosidagina amalga oshiriladi.<sup>1</sup>

### **Savol va topshiriqlar**

1. Sintaksis so'zining ma'nosini sharhlang.
2. Sintaktik birlik nima?
3. Nominativ birlikni tavsiflang.
4. Kommunikativ birlikni tavsiflang.
5. Formal yondashuv haqida gapiring.
6. Substansial yondashuvning o'rganish obyekti nima?
7. Mazmuniy sintaksis haqida gapiring.
8. Sintaktik derivatsiya nimani o'rganadi?
9. Transformatsion yo'nalish qanday yo'nalish?
10. Sintaktik tipologiyani tavsiflang.
11. Sistem-struktur tahlil birliklari qaysilar va ular qanday mohiyatga ega?

### **SINTAKSISNING TADQIQ MANBAI VA PREDMETI**

---

<sup>1</sup>O'zbek sintaktik ta'limotiga doir ushbu fikrlarni yoritishda tadqiqotchi N.E.Yuldoshevaning "Yig'iq gapning formal-funksional t

## Tayanch tushunchalar

*Tadqiq manbai va predmeti, formal va substansial sintaksis, sintaktik birlik, lisoniy-sintaktik qolip, so'z birikmasi qolipi, gap qolipi, qolipning tarkibi*

**Sintaksis va uning tadqiq manbai.** Til o'z kommunikativ vazifasini sintaktik qurilma – gap vositasida amalga oshiradi. Tildagi barcha – fonetik, leksik, morfologik hodisa ana shu sintaktik qurilishga xizmat qiladi. Biroq bular sirasida leksika va morfologiyaning til grammatik qurilishidagi ishtiroki o'ziga xos. Zero, har qanday sintaktik hodisada so'z va morfologik ko'rsatkichni ko'ramiz. Shu boisdan sintaktik mohiyatni belgilashda leksik va morfologik omilga tayaniladi.

Sintaksis (gr. *sintaxys* – tuzish, qurish)ning asosi – gap haqidagi ta'limot. Gap, aslida, so'zning erkin birikuviga ham asoslanganligi tufayli so'zning bog'lanish qonuniyati, so'z birikmasi ham sintaksisda o'rganiladi. So'z birikmalarini o'rganish gap ta'limotining tarkibiy qismi, undan ajratilgan holda qaralishi mumkin emas.

Sintaksis so'zning har qanday birikuvini emas, balki hokim-tobelik munosabatiga kirishgan erkin nutqiy birikuvning lisoniy mohiyatini tekshiradi. Qaysidir yo'sindagi so'zning birikuvi bo'lgan qo'shma so'z (*uchburchak, ertapishar, sotib olmoq*), frazeologik birlik (*ilonning yog'ini yalagan, po'konidan yel o'tmagan, ko'ngli bo'sh*) sintaksisning tadqiq doirasidan chetda qoladi. Chunki ular erkin bog'lanishga ega emas.

*Sintaksis* atamasi *grammatika* atamasining o'zi kabi ikki ma'noli:

- 1) tilning sintaktik qurilishi;
- 2) grammatikaning tarkibiy qismi.

Atamani ana shu ikkinchi ma'nosida qo'llab, birinchi ma'no ifodasi uchun *sintaktik qurilish* atamasini ishlatamiz.

**Asosiy sintaktik birliklar.** So'z birikmasi va gap – sintaksisning asosiy birliklari. Shunga ko'ra, sintaksis ikkida bo'linadi:

- 1) so'z birikmasi sintaksisi;
- 2) gap sintaksisi.

So'zning nutqda o'zaro aloqaga kirishuvidan so'z qo'shilmasi vujudga keladi. So'z qo'shilmagini ikki guruhga

birlashtirish mumkin:

- 1) gap (*Osmon tip-tiniq*);
- 2) soʻz birikmasi (*tip-tiniq osmon*).

Til jamiyatda aloqa qilish, axborot uzatish vositasi hisoblanadi. Axborot uzatish esa gap orqali amalga oshiriladi. Demak, gap fikr ifodalaydi. Soʻz birikmasi fikr emas, balki soʻz kabi tushuncha ifodalaydi. (Biroq soʻz birikmasi ifodalagan tushuncha soʻz ifodalagan tushunchadan farqlanadi.) Koʻrinadiki, sintaksisning bosh birligi gap, soʻz birikmasi soʻz kabi bevosita yoki bilvosita uning tashkil etuvchisidir.

Sintaktik birlik – gap va soʻz birikmasi – soʻzning qoʻshilishidan hosil boʻlishi, bu qoʻshilishning esa turli vosita (qoʻshimcha, yordamchi soʻz) va usul (masalan, tobe aloqaning turi) orqali yuzaga kelishi sintaksisning boshqa sathlar bilan zich aloqada ekanligini koʻrsatadi.

Demak, nutqda:

1) soʻzlar oʻzaro sintaktik aloqaga kirishib, tushuncha ifodalovchi birlik – soʻz birikmasi vujudga keladi. Soʻzlarning oʻzaro birikib, tushuncha ifodalovchi birlik hosil qilish qonuniyatini oʻrganish – soʻz birikmasi sintaksisining vazifasi;

2) soʻz fikr ifodalashga ixtisoslashgan nutqiy birlik – gapni shakllantiradi. Gap hosil qilish qonuniyati bilan gap sintaksisi mashgʻul boʻladi.

**Sintaktik birlikning ikki tomoni. LSQ tushunchasi.** Fonetika, leksika va morfologiyada boʻlgani kabi sintaksisda ham lisoniy va nutqiy jihat farqlanadi. Maʼlumki, lisoniy hodisa bevosita kuzatishda berilmaganlik (moddiylikdan xolilik), miqdoran cheklilik, takrorlanuvchanlik, ijtimoiylik va majburiylik belgisiga ega, u bevosita kuzatishda berilganlik, miqdoriy cheklanmaganlik, betakrorlik, individuallik, ixtiyoriylik sifatiga ega boʻlgan nutqiy hodisaga qarama-qarshi turadi.

Nutqiy sintaktik birlik sifatida nutqda qoʻllanadigan, sezgi aʼzolariga taʼsir qiladigan, oʻqish, yozish, aytish, eshitish mumkin boʻlgan soʻz birikmasi va gap tushuniladi. Lisoniy sintaktik birlik esa soʻz birikmasi va gap hosil qilish qolipi. Lisoniy sathga tegishli boʻlganligi uchun ularni *lisoniy sintaktik qolip* (qisqacha **LSQ**) deb ataymiz.

LSQ gʻisht qolipiga oʻxshaydi. Inson ongida ham soʻzlash, nutqni shakllantirish maqsadida leksemalarni soʻz birikmasi shakliga keltirish, gap hosil qilish qolipi mavjud. Ular *LSQ*,

*model, konstruksiya, qurilma* deb nomlansa-da, aslida bir tushunchani ifodalaydi. Masalan, *kitobni o'qimoq* kabi cheksiz birikmani chiqaradigan *ot*<sup>tushum kelishigi</sup> + *fe'l* so'z birikmasi qolipi qanday nomlanmasin, uning mohiyatiga ta'sir qilmaydi.

Qolip va nutqiy hosila (so'z birikmasi va gap)lar dialektik birlikda. Qolip nutqiy hosilasiz o'lik va jonsiz, nutqiy hosila esa qolipsiz bo'lishi mumkin emas. Quyida LSQ va nutqiy so'z birikmasi hamda gapning bir-biriga o'xshamaydigan, farqli xususiyatini bayon etamiz.

**1. LSQning moddiylikdan xoliligi va nutqiy hosilaning moddiy-ligi.** LSQ jamiyat a'zolari ongida mavjud bo'lib, kishilarning erkin birikma hosil qilish ko'nikmasi sifatida uzoq davr mobaynida shakllanadi. Bu ko'nikma bo'lmasa, inson birikma hosil qila olmaydi. Bunga quyidagi dalil asosida amin bo'lishimiz mumkin. Deylik, biror tilni, masalan, ingliz tilini o'rganmoqchi bo'lgan kishi ongida bu tilga xos birikma tuzish ko'nikmasi – LSQ shakllanmagan bo'lsa, masalan, o'zbekcha *kitob* va *o'qimoq* so'zining ingliz tilidagi *a book* va *to read* muqobilini bilsa-da, birikma hosil qila olmaydi yoxud o'zbek tiliga xos *ot*<sup>tushum kelishigi</sup> + *fe'l* qolipi asosida *a book to read* deya oladi, xolos. Ingliz tilida esa *kitobni o'qimoq* birikmasini hosil qiluvchi LSQ **to V+ the N** ko'rinishida bo'lib, undan *to read the book*, *to write the letter* kabi hosila paydo bo'ladi.

Ma'lum bo'ladiki, LSQ jamiyat a'zolari ongida yashaydi va moddiy qiyofaga ega emas. Uni sezgi a'zosi asosida bilib bo'lmaydi. Qolipdan chiqqan nutqiy hosilani esa aytish, eshitish, yozish va o'qish mumkin ekan, bu ularning moddiylikka egaligini ko'rsatadi .

**2. LSQning ijtimoiyligi va nutqiy birikmaning individualligi.** LSQ bir kishi tomonidan emas, balki shu tilda so'zlashuvchi jamiyatning barcha a'zolari tomonidan uzoq vaqt davomida shakllantirilgan. Shuningdek, ular bir kishi uchun emas, balki jamiyatning shu tilda so'zlashuvchi barcha a'zosi uchun birday xizmat qiladi. Bu LSQning ijtimoiy tabiatga egaligini ko'rsatadi.

LSQ asosida vujudga keluvchi nutqiy hosila har bir kishi nutqida o'ziga xos. Masalan, *kitobni o'qimoq* so'z birikmasi har bir so'zlovchi nutqida o'zgacha. Bu nutqiy hosilaning har biri kimning nutqiga tegishliligi, aytilgan o'rni va zamoni, aytilish maqsadi va sharoiti kabi qator belgisi bilan farqlanadi. Hatto bir kishi nutqida aytilgan ikkita (*kitobni*

*o'qimoq(1)* va *kitobni o'qimoq(2)*) so'z birikmasidan ikkinchisi birinchisining aynan takrori emas. Zero, bu nutqiy hosilalar hech bo'lmaganda, so'zlovchi shaxs, nutq vaziyati, zamoni bilan farqlanadi. Nutqiy hosilaning individualligi (alohidaligi)ni shunday tushunmoq lozim.

**3. LSQning takrorlanuvchanligi va nutqiy hosilaning betakrorligi.** Qolip har bir g'ishtda o'z izini qoldiraverganligi kabi LSQ ham har bir so'z birikmasi va gapda takrorlanaveradi. Lekin ikkinchi g'isht birinchi g'ishtning takrori bo'lmaganligi kabi, nutqiy hosilaga ham betakrorlik xos. Aslida borliqda bevosita kuzatishda berilgan birorta hodisada takroriylik yo'q. Kesilgan daraxtni qayta ekib bo'lmaganidek, qolipdan chiqqan so'z birikmasini takror aytish, yozish mumkin emas. Ikkinchi bor aytilgan yoki yozilgandek tuyulgan so'z birikmasi, aslida, boshqa hosila.

**4. LSQning cheklanganligi va nutqiy hosilaning cheksizligi.** G'isht qolipi bitta, undan chiqqan g'isht hisobsiz. Shuningdek, deylik, *ot*<sup>tushum kelishigi</sup> **+fe'l** qolipi bitta bo'lib, undan *kitobni o'qimoq, qalamni sotmoq* kabi ming-minglab so'z birikmasini hosil qilish mumkin. Bugungi kunda o'zbek tilida so'z birikmasi hosil qilishning 18 ta ustuvor qolipi aniqlangan (ular haqida «So'z birikmasi» faslida bahs yuritiladi). Bu qoliplardan chiqqan, chiqayotgan va chiqadigan nutqiy so'z birikmasi miqdorini tasavvur ham qilib bo'lmaydi. Gap qolipi va ularning hosilalari ham xuddi shunday.

**5. LSQning majburiyligi va nutqiy hosilaning ixtiyoriyligi.** O'zbek tilida so'zlashuvchi kishi nutq jarayonida so'z birikmasi tuzishga ehtiyoj sezar ekan, bunda LSQning yuqorida aytilgan 18 ta turidan foydalanishga majbur. Ularning LSQni o'zgartirishiga, yangi-yangi LSQ tuzishiga til «qonunchiligi» tomonidan yo'l qo'yilmaydi. Biroq nutqiy so'z birikmasi yaratishda so'zlovchi erkin.

Qolip va nutqiy hosila o'zida dialektikaning bir-biriga nisbatlanuvchi kategoriyalari munosabatini aks ettiradi. Buni quyidagicha tasavvur qilish mumkin (27-jadval):

*27-jadval*

LSQ	Nutqiy hosila
Umumiylik	Alohidalik
Mohiyat	Hodisa
Imkoniyat	Voqelik
Sabab	Oqibat

Bu jihatdan ham LSQ va nutqiy hosila munosabatini

sharhlashga harakat qilamiz.

**1. LSQ umumiylik va nutqiy hosila alohidalik sifatida.** LSQ umumiylik sifatida ko'plab nutqiy hosiladagi umumiy belgi-xususiyatni o'zida jamlaydi. Masalan, *kitobni o'qimoq, xatni yozmoq va qo'yni sotmoq* birikmasidagi *kitobni, xatni, qo'yni* tobe a'zosi quyidagi umumiy belgilarga ega:

- 1) ot turkumiga mansublik;
- 2) tushum kelishigi bilan shakllanganlik;
- 3) tobe a'zolik.

Bu uch umumiylik [**Ot**<sup>tushum kelishigi</sup> + **fe'l**] LSQning *ot* uzvida mujassamlangan. LSQning keyingi uzvi haqida ham shunga o'xshash fikrni aytish mumkin. Har bir nutqiy hosila esa boshqa nutqiy hosilaga mutlaqo o'xshamaydigan alohidalik. Aytilganidek, nutqda muayyan lug'aviy ma'noli birliklar aniq makon va zamonda muayyan qolip asosida erkin nutqiy birikma hosil qiladi.

**2. LSQ mohiyat va nutqiy hosila hodisa sifatida.** LSQ nutqiy hodisalar zamirida yashiringan, ularning ichki, barqaror, o'zgarmas mohiyati, u nutqiy hosiladagi rang-baranglikka befarq. Nutqiy hosila esa bu mohiyatni turli nutq sharoitiga mos ravishda rang-barang ko'rinishda aks ettiruvchi, biroq mohiyat chegarasidan tashqariga chiqq olmaydigan vaqtinchalik hodisa. Masalan, [**Ot**<sup>tushum kelishigi</sup> + **fe'l**] qolipi – o'zgarmas. Ammo uning hosilalari *uyini supurmoq, qog'ozni yirtmoq, xatni jo'natmoq, derazani bo'yamoq* kabi har xil ko'rinishda bo'ladi. Bu rang-baranglikning barchasi, u qancha ko'p bo'lmasin, «tushum kelishigidagi tobe ot va fe'l» doirasidan chetga chiqq olmaydi. Nutqiy hosila LSQning o'zgarmasdan turlicha namoyon bo'lishini ko'rsatsa, LSQ nutqdagi xilma-xil hosilani bir asosga birlashtiradi.

**3. LSQ imkoniyat va nutqiy hosila voqelik sifatida.** LSQ – voqelikka aylanmagan, namoyon bo'lishi uchun zarur shart-sharoit va ehtiyoj talab etadigan imkoniyat. Nutqiy hosila esa ana shu imkoniyatning yuzaga chiqishi, voqelikka aylanishi.

**4. LSQ – sabab, nutqiy hosila uning oqibati.** LSQ – bu o'ziga muvofiq keladigan biror natijani keltirib chiqaruvchi. Chunki sabab biror ta'sirning boshlanish nuqtasi bo'lib, u ma'lum bir natija, oqibatni yuzaga keltiradi. LSQ natijasida kelib chiqadigan oqibat – shunday hosila. Sabab oqibatdan oldin kelganligi kabi LSQ ham nutqiy hosilaning qanday bo'lishini belgilaydi.

**LSQning asosiy turlari.** Umuman, qolip asosida

birikuvidan vujudga kelgan nutqiy hosilani 3 guruhga birlashtirish mumkin:

- 1) yasama soʻz;
- 2) soʻz birikmasi;
- 3) gap.

*ishla* yasama soʻzi *ish* leksemasi va *-la* morfemasining, *kitobni oʻqimoq* nutqiy soʻz birikmasi *kitob* va *oʻqi* leksemalarining, *Oʻqidim* gapi esa *oʻqi* leksemasi va *-dim* kesimlik kategoriyasi shaklining birikishidan hosil boʻlgan.

*ishla* soʻzi [ot → la = asosdan anglashilgan narsa bilan shugʻullanmoq] soʻz yasash qolipi mahsuli boʻlsa, *kitobni oʻqimoq* soʻz birikmasi [Ot<sup>tushum kelishigi</sup> → feʼl] LSQi, *Oʻqidim* gapi esa [WP<sub>m</sub>] qolipi hosilasi. Bular sirasida soʻz yasash va soʻz birikmasi qolipi tushuncha ifodalovchi – atash (nominativ) vazifasini bajaruvchi hosilani beradigan qolip boʻlsa, gap qolipi fikr ifodalovchi (kommunikativ) hosilani tugʻdiruvchi qolip hisoblanadi. Soʻz yasash qolipi lisoniy boʻlsa-da, lekin sintaktik mohiyatga ega emas. Shuning uchun u lisoniy derivatsion qolip (LDQ) sifatida derivatsiya boʻlimida qoldirilib, sintaksisda erkin sintaktik hosila beruvchi, yaʼni soʻz birikmasi va gap qolipi tekshiriladi.

**Formal va substansial (struktural) sintaksis.** Formal sintaksis bevosita kuzatishda berilgan, nutqiy sintaktik hodisani oʻrganadi. Boshqacha aytganda, u alohidalik, hodisa, voqelik, oqibat sifatidagi nutqiy hosila bilan band boʻlib, umumiylik, mohiyat, imkoniyat, sabab sifatidagi lisoniy birlikni (nutqiy birlikning lisoniy tomonini) oʻrganishni substansial sintaksis hukmiga havola etadi. Shuningdek, formal sintaksis *kitob* va *oʻqimoq* soʻzlari orasidagi sintaktik aloqani ham tekshiradi. Zero, bundagi *oʻqimoq* feʼlining tushum kelishigidagi soʻzni boshqaruvi ham bevosita kuzatishda berilgan nutqiy hodisa. Lekin bu aloqa uchun *oʻqi* leksemasining biriktirish imkoniyati boʻlgan obyekt valentligi bevosita kuzatishda berilmagan. Bu esa substansial sintaksis tomonidan oʻrganiladi.

Substansial sintaksis tadqiqotlari uchun formal sintaksis tomonidan qoʻlga kiritilgan yutuqlar zamin, poydevor vazifasini oʻtaydi. Demak, formal sintaksissiz substansial sintaksisning boʻlishi mumkin emas. Formal sintaksis esa substansial sintaksissiz ham ish koʻraveradi. Zero, substansial sintaksis mohiyatni tadqiq etar ekan, buning uchun hodisalar jamlangan boʻlishi kerak. Hodisani jamlash uchun esa substansial sintaksis tiklaydigan mohiyatga

ehtiyoj sezilmaydi.

Har bir nutqiy parchada turli sath hodisasi qorishgan holda voqelanadi. Masalan, *Halim keldi* gapida fonetik (tovushlar tizimi, ohang), leksik (soʻzlar), morfologik (grammatik shakllar) va uslubiy (masalan, soʻzlovchining munosabati yoki uslubiy betaraflik) sathlar oʻz izini qoldirgan. Formal sintaksis nutqiy parchani shu holda, turli mohiyat zarralarining qorishmasi sifatida oʻrganadi va uning qorishmaligiga eʼtibor qaratmaydi. Substansial sintaksis esa nutqiy parchada qorishgan, sintaksisga daxldor boʻlmagan jihatlarni eʼtibordan soqit qiladi. Formal sintaksis keltirilgan gapni muayyan(aniq)lik sifatida eʼtirof etsa, substansial sintaksis unda turli hodisalar qorishganligi sababli mohiyatini anglash mushkulligini hisobga olgan holda mavhum (noaniq)lik sifatida qaraydi. Qorishliq hodisalar chetlashtirilgan mohiyat «tozalangan»ligi uchun substansial sintaksis tomonidan muayyanlik, bevosita kuzatishda berilmaganligi uchun esa u formal sintaksis tomonidan mavhumlik sifatida qaraladi.

Demak, formal sintaksis asosiy diqqatini hodisalarning zohiriy (bevosita kuzatishda berilgan) tomoniga, substansial sintaksis esa botiniy (bevosita kuzatishda berilmagan, ichki) tomoniga qaratadi. Ular bir-birini ham taqozo, ham inkor etadi. Formal sintaksis mutlaq hodisalar bilan, substansial sintaksis esa mutlaq mohiyat bilan shugʻullanadi, ularning vazifalarini butunlay qarama-qarshi qoʻyish mumkin emas. Chunki formal sintaksis mohiyatga intilganligi kabi substansial sintaksis ham faqat formal sintaksis toʻplagan hodisalargagina tayanadi. Bunda formal va substansial sintaksisning oʻrganish manbalari jihatdan qarama-qarshiligi soʻnadi.

**Ўзбек тили формал синтаксиси талқинидаги ва талқинидан четда қолган муаммолар.** Туркий тилларнинг грамматик қурилиши равишдош сифатдош, ҳаракат номи шаклларининг жуда кенг ривожланганлиги билан Ҳинд-Европа тиллари грамматик қурилишидан тубдан фарқ қилади. Бу фарқнинг характерли белгиларидан бири шуки, туркий тилларнинг равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари ўз бажарувчисига, ўз субъектига эга. Бундай хусусият Ҳинд-Европа тиллари оиласига кирувчи бирорта тилга ҳам хос эмас.

“Синтаксис байналмилалдир” деган хулосага



асосланган ўзбек тили синтаксиси кўп категорияларининг тақдири ўзбек тилининг грамматик қурилиши, ўзбек тилининг семантик структураси, ўзбек тилининг оҳанги, товуш темпи қурилиши табиатидин келиб чиқиб эмас, балки рус тилининг грамматик-семантик қурилиши табиатидан келиб чиқиб, “ағдармачилик” заминида ҳал қилина бошлади. Масалан, *Салим ўқиётганда мен келдим* гапи икки ярусли бўлиб, бир ҳукмни тасдиқлайди. Бу гапнинг биринчи яруси (*Салим ўқиётганда*) иккинчи яруси ифода этилган ҳаракатнинг бажарилиш пайтини кўрсатади. Пайт маъносини кучайтириш, таъкидлаш учун биринчи ярусини *пайт, вақт* сингари сўзлар ҳисобидан кенгайтириш ҳам мумкин. Бундай ҳолда *-да* унсури шу сўзларга ўтади: *Салим ўқиётган пайтда // вақтида мен келдим* каби. Бу хил вариантларда гап мазмунига ҳеч қандай путур етмайди.

*Салим ўқиётганда мен келдим, Салим ўқиётган пайтда мен келдим* сингари икки хил кўринишда ҳам биринчи ва иккинчи яруслар орасида қисқа пауза бўлади. Лекин уларда предикатив бирликларга, яъни қўшма гапнинг қурилиш материали бўлган содда гапларга хос оҳанг йўқ. Кўринадики, *Салим ўқиётганда мен келдим* қурилмаси (конструкцияси) қўшма гап эмас, балки содда гапдир. *Салим ўқиётганда мен келдим* гапининг биринчи яруси субъект-предикат заминида ташкил топган сифатдош оборот бўлиб, унинг гапдаги синтактик вазифаси ёйиқ пайт ҳолидир. Таҳлил қилинаётган гап сингари конструкцияларнинг миллий синтактик, миллий фонетик қурилишдан кўз юмиб, рус синтактик қурилиши асосида таржимага таянилди. Ва натижада *Салим ўқиётганда мен келдим* гапи *Когда Салим читал, я пришел* гапи сингари пайт эргаш гапли қўшма гап деб баҳоланди. Гарчи назариётчи тилшуносларга ҳар бир тил морфологиясининг бутун қудрати, тилнинг туб миллийлиги яққол шаклда синтаксисда рўёбга чиқиши маълум бўлса-да, ўзбек тилшунослигида анъанага айланган қўшма гап ҳақидаги таълимот қатор муаммоларни туғдирди. Бу муаммолар ўзбек тили синтаксисининг муаммолари эмас, чунки муаммо бўлиб келаётган ҳодисаларнинг бирортаси ҳам ўзбек тили синтаксиси учун ёт ёки бегона бўлган ҳодиса эмас. Буларнинг муаммолиги шундаки, улар анъанавий

қўшма гап ҳақидаги таълимотнинг талқин меъёрларидан четга чиқиши, синтаксис учун эмас, балки унинг талқини учун муаммодир. Қуйида шундай муаммолардан бир нечасини санаб ўтамиз.

1. Туркий тилларда ҳам ҳукм унсурлари бўлган бош бўлақлар (субъект ва предикатларга аналогик ҳолда) ҳар қандай гапнинг асосини ташкил этади, дейилади. Натижада тилшуносликдаги назарий концепциялар ва конкрет синтактик конструкцияларнинг хусусиятлари ўртасида турли чалкашликлар вужудга келади. Чунончи, ўзбек тилида содда гап доирасида кесим ҳамма вақт шахс-сон, майл, замон кўрсаткичлари билан шаклланган бўлади деб, уқтирилади ва бир предикатив марказдан иборат бўлган гап содда гап, икки ва ундан ортиқ предикатив марказдан иборат бўлган гап қўшма гап ҳисобланади. Лекин анъанавий синтаксисда қўшма гап таркибида қўлланган кесимлар ҳар доим ҳам шу кўрсаткичлар билан (шахс-сон, замон, майл кўрсаткичлари) шаклланган бўлмайди ва шунга қарамай, бу қисмлар қўшма гапнинг компонентлари – содда гап деб уқтирилади: *Сен келгач, мен кетаман* ва бошқалар. Ваҳоланки, *Сен келгач...*, *Сен келганда...*, *Сен келгандан кейин...* каби қурилмаларда содда гапларга хос бўлган на мазмун, на оҳанг тугаллиги, на грамматик шаклланиш (шахс-сон, замон, майл кўрсаткичлари) бор. Бундай англашилмовчиликни юзага келтирган омил юқорида кўриб ўтилган *Сен келгач, мен кетаман* гапининг рус тилида *Когда ты придешь, я уйду* деб эргаш гапли қўшма гап тарзида берилишидир. Чунки *Сен келгач, мен кетаман* типидagi гапларни қўшма гап сифатида баҳолашга имконият берадиган, юқорида келтирилган рус тили меъёридан бошқа ўзга асос йўқ; субъект-предикат муносабатлари ва уларни тўла-тўқис “эга-кесим” муносабатларига кўчиришдан ўзбек тилшунослиги 60- йилларнинг бошидаёқ воз кечган эди. Негаки, *Сен келгач* қабилдаги предикатив алоқа сен кеча кўрган таркибида ҳам бордир (*Сен кеча кўрган қизни биз бугун учратмадик*). Бу гапдаги ҳам субъект иккита – *сен* ва *биз*, предикат – ҳаракат ҳам иккита ва ҳар бир ҳаракатнинг бажарувчиси алоҳида *сен кўр – биз учрат*. Лекин бундай қурилмалар, яъни *Сен кеча кўрган қизни биз бугун учратмадик* гапи қўшма гап деб баҳоланмайди. Мантиқий субъект-предикат

муносабатлари тўппа-тўғри грамматик *эга-кесим* муносабатларига кўчирилганда бундай гаплар ҳам қўшма гап деб баҳоланиши лозим бўлар эди. Ваҳоланки, бу йўлдан, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек тилшунослиги воз кечди. Лекин *Сен қизни курганда, биз уни кузатаётган эдик* гапида (*сен бизни кўрганда ...*) қўшма гапнинг таркибий қисми деб баҳолаш четлатилмади. Ва бунинг боиси юқорида айтилган ягона асос: ўзбекча бу гапнинг қурилишига русча *Когда ты увидел девушку, ми её провожали* қўшма гапининг мос келишидир.

2. Туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида 40- йиллардан бери мантиқий предикат вазифасида ўз бажарувчиси (субъекти) билан келган равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шаклларининг мустақил содда гапларга тенг бўлмаслигини назарда тутган ҳолда гап кесими вазифасини ўтай олмасликлари кўп бора қайд этилди. Лекин назариялар ўзбек тили қўшма гаплари таҳлилига бевосита татбиқ этилмаганлиги учун амалда қўлланилмади. Ачинарлиси шундаки, равишдош, сифатдош, ҳаракат номларининг ўз субъекти билан келиб, кенгайтирилган бирикмалар ҳосил қилиши ҳатто ўрта мактаб дастур лойиҳаларидан ҳам жой олди, аммо илмий грамматика талқини бу масалаларни четлаб ўтди.

3. Қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапнинг бирикишидан иборат деб саналади. Бу *Сен келдинг, мен кетаман* каби гапларга нисбатан тўғридир, чунки уларнинг ҳар бири мустақил равишда гап бўлиб кела олади: *Сен келдинг. Мен кетаман.* Лекин *Сен келгач, мен кетаман* гапида бу қоида қўл келмайди. Чунки *Сен келгач* типигаги *гап* ўзбек тилида йўқ, у фақат қўшма гап таркибида ўзбек анъанавий грамматика илмидагина гап деб тан олинади, холос. Воқелик (ўзбек нутқи ва ўзбек онги) билан илмий грамматика орасида бундай зиддият фан учун безарардай кўринса-да (чунки бири фан, иккинчиси – онг), тадрис (методика) учун, ўзбек, тили қурилишини миллионлаб болаларга ўқитиш учун беқиёс мураккаблиklar туғдирди. Шунинг учун илмий грамматика бу чигалликни ҳал этиш чораларини ишлаб чиқди.

Анъанавий синтаксис, асосан, мазмунга таяниб иш кўрганлиги туфайли дарслик ва қўлланмаларда мисол

тариқасида берилган кўп қўшма гапларга бир томонлама ёндашилди. Натижада зиддиятлар туғилди. Эргаш гапли қўшма гап ҳақида фикр юритилганда, эргаш гап бош гапнинг бирор бўлагини изоҳлаб, унга муқобил бўлиб келади дейилади. Ва *Ким меҳнатни севса, унинг иши ривож топади* каби мисолларни таҳлил қилиб, эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган қаратқичли аниқловчини (*унинг*) изоҳлаб келган эргаш гапли қўшма гапни содда эргаш гап номустақил содда гаплик хусусиятини йўқотиб, ёйиқ қаратқичли аниқловчига ўтишини (*Меҳнатни севганнинг иши ривож топади*) таъкидлаймиз. *Душман таслим бўлмаса, уни йўқ қиладилар* типигаги гапларга келганда, юқоридаги фикрнинг аксини айтиб, яъни унга зид бориб, асосан, мазмунга таянган ҳолда шарт эргаш гапли қўшма гап дейилди. Нега буни воситасиз тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап дейиш мумкин эмас эди? Назаримизда, бу хил гапларга ё синкретик қўшма гапларнинг бир тури деб қараш керак ёки қандайдир бошқача баҳолаш (шакл ва мазмун планида иккига бўлиб ўрганиш) лозим.

4. Шарт майлининг қўшимчаси *-са* содда гапда шарт ҳолининг, қўшма гапда эса эргаш гаплар кесимнинг кўрсаткичи бўлиб келади. Мавжуд адабиётларда *-са* унсурунинг шарт эргаш гапли кўрсаткичи кесим бўлиб келишига урғу берилди. Аммо бошқа эргаш гаплар кесимнинг кўрсаткичи бўлиб келиши ёки кесим таркибидаги бирор сўзга қўшилиб келиши ҳақида ҳеч нима (баъзи бир эслатишлардан ташқари) дейилмади. Лекин бошқа (шарт эргаш гапли қўшма гаплардан бошқа) эргаш гапли қўшма гапларга берилган мисоллар орасида кесими шарт феъли шаклида бўлган гаплар учрайди. Масалан, шарт феълининг қуйидаги эргаш гапли қўшма гаплар эргаш гапининг кесими бўлиб келишига мисолларга кўп

1) эга эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Кимки ватанпарварлик ишқи билан ёнса, у, албатта, мақсадига эришади.* (Ойб.)

2) кесим эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Сен кимсанки, овозингга ҳамма уйғонса?;*

3) тўлдирувчи эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Кимда гумонинг бўлса, уни кўздан қочирма.* (Ойб.);

4) аниқловчи эргаш гапнинг кесими бўлиб келади:

*Қайси киши тиришиб ўқиса, у киши кўп нарсани билади,*

5) равиш эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Наҳотки ўз бухгалтери шундай қилса-я, дея кўнгли бузилди,*

6) чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапларнинг кесими бўлиб келади: *Бу ерда туғилган инсон қай йўсинда ўсса, Холмурод ҳам шундай ўсарди.* (П.Турс.);

7) сабаб эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Қаландаров Саиданинг зарбга бундай эпчиллик билан чап беришини сира хаёлига келтирмаган бўлса керак, ўзи шошиб қолди.* (А.Қаҳ.);

8) мақсад эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Фан чўққисини эгалласанг деб, мактаб сенга қучоғини очган,*

9) пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Василий мактаб саҳнасида болаларни машқ қилдирса, катта-кичик келиб чека-чекада томоша қилиб туришади.* (П.Турс.);

10) ўрин эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Гулсум қаерда ўйнаса, Холмуроднинг кўзи ҳам ўша ерда эди.* (П.Турс.);

11) тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Бошқалар ўзини, ҳар қалай, тугпиб олган бўлса ҳам, Онахон ҳамон тинчиёлмас эди.* (А.Мух.);

12) ўлчов-даража эргаш гапнинг кесийи бўлиб келади: *Ҳаётни қанча севсанг, бу сенга шунча гўзал кўринади.*

Назаримизда, *-са* қаерда бўлса, у ерда шарт маъноси бор. Лекин шу шарт маъносининг қудрати ҳамма жойда бир хил ёки тенг эмас. Унинг маъноси бир қурилма (конструкция)да кучли бошқа бир конструкцияда кучсиз. Субстанциал ёндашувгина қўшма гаплар бобида *-санинг* ана шу хусусиятларини очиб, унга ўз меъёрида тўғри баҳо берди, морфологик талқин билан синтактик талқин қиёсланиб, мавжуд зиддиятлар бартараф этилди.

5. Содда гаплар таркибига кўра икки – бир таркибли ва икки таркибли гапларга ажратилади. Кесимлари бир шахс, турли замонни кўрсатиб турувчи *Нима эксанг, шуни ўрасан* типигаги гаплар шахси умумлашган содда гап бўлиб, ҳар икки қисм (компонент)нинг ҳам эгаси ифодаланмаган. Шу ва шунга ўхшаш гапларнинг қўшма гап кўринишида эргаш гап эгасининг ифодаланмаслигига йўл қўйилмайди.

Масалан, *Экилса, шу ўрилади* каби гаплар ўзбек тили гап қурилишига хос эмас. Агар шу гапни *экилса, шу ўрилади* шартли ҳолида қўшма гап десак, унинг *экилса* қисми эргаш гап бўладими? Ҳа, бўлади. Айтайлик, худди шундай эгаси ифодаланмаган *Нима эксанг, шуни ўрасан* каби гапларни қўшма гап ҳисоблаб, унинг ҳар бир қисмини қўшма гапнинг бир қисми дейиш мумкин эмасми?

Табдил қилинаётган гап шахси умумлашган гап дейилади. Хўп, қайси кесимнинг (*эксанг, ўрасан*) шахси умумлашган?

Агар ҳар икки кесимнинг ҳам шахси умумлашган бўлса, нега бу гап шахси умумлашган иккита бир таркибли гапнинг бирикиши, яъни шахси умумлашган содда гапларнинг бирикишидан иборат бўлган қўшма гапнинг бир кўриниши, тури эмас?!

6. Эргаш гап турларини аниқлашда бош омил мазмун бўлиб қолганлиги учун бир хил қурилишли, лекин маъно бўёғи бошқача, фарқли бўлган гаплар қўшма гапларнинг турли хилларига киритилди. Чунончи, *Салим келса, дарс бошланади* гапида пайт бўёғи мавжуд бўлса, пайт эргаш гапли қўшма гап, шарт бўёғи бўрттирилса, шарт эргаш гап қўшма гап сифатида баҳоланди. Ваҳоланки, гапларнинг қурилиши тамоман бир хил. Шунинг учун ҳам синтактик тасниф қурилишга асосланиши керакми ё мазмунгами?! Ахир, *Бола туғилди* гапини пайдо бўлиш гаплари, *Бола ўлди ўлиш-йўқолиш* гаплари деб тасниф этмаймиз-ку? Бу ҳодиса – мазмун омили қўшма гап қисмлари (компонентлари) бир-бири билан турли-туман боғловчилар воситасида боғланиб келганда яққол кўзга ташланади. Қуйидаги қаторларни солиштиринг:

№	Биринчи гап	Боғланиш воситаси	Иккинчи гап
1	<i>Ўқитувчи келди</i>	,	<i>дарс бошланди</i>
2	<i>Ўқитувчи келди</i>	-ю,	<i>дарс бошланди</i>
3	<i>Ўқитувчи келди</i>	, <i>чунки</i>	<i>дарс бошланди</i>
4	<i>Ўқитувчи келди</i>	, <i>шунинг учун</i>	<i>дарс бошланди</i>
5	<i>Ўқитувчи келди</i>	, <i>натихада</i>	<i>дарс бошланди</i>

Жадвалда келтирилган гаплар синтактик нуқтаи

назардан тўрт хил баҳоланади (боғловчисиз қўшма гап, боғланган қўшма гап, сабаб эргаш гапли қўшма гап, натижа эргаш гапли қўшма гап).

Жадвалда акс этган гапларда синтактик ҳодиса – гап парадигмаси акс эттирилганми ёки морфологик ҳодиса – боғловчилар парадигмаси ўз аксини топганми? Агар бу ерда боғловчилар парадигмаси ўз аксини топган бўлса, нима учун бу боғловчилар хусусиятларини қўшма гап турларига кўчириш керак?

7. *Мен келдим, аммо уни кўрмадим* курилишли гаплар синтаксис талқинига кўра, уюшган кесимли содда гапдир. Ҳақиқатда ҳам *келдим* ва *кўрмадим* бўлаклари битта эга (*мен*) атрофида бирлашади ҳамда бу каби синтактик талқинда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Бу гап таркибида аммо зидлов боғловчиси мавжуд. Бу боғловчиларнинг вазифаси ўзбек тили анъанавий грамматикаларида қуйидагича белгиланган: “Гапнинг уюшиқ бўларларини ва содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар боғловчи дейилади.”<sup>1</sup> “Гап бўлаklarини ёки қўшма гап ичидаги содда гапларни ўзаро бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилувчи сўзлар боғловчи дейилади”.<sup>2</sup> “Боғловчилар гап бўлаклари ва айрим-айрим содда гапларни боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлардир”.<sup>3</sup> “Боғловчилар қўшма гап составидаги айрим содда гаплар ва уюшган бўлаklar орасидаги турли муносабатларни ифодалаш учун қўлланадиган ёрдамчи сўзлардир.”<sup>4</sup> Бевосита зидлов боғловчилари ҳақида қуйидаги фикрлар бор:

а) “зидловчи боғловчилар тилимизда уюшган бўлаklarни боғлаш вазифасида жуда кам қўлланадилар. Бу боғловчилар, кўпинча, айрим гапларни бир-бирига боғлаб келиб ёки гапнинг бошида келиб, ўзларидан олдин келган гапга нисбатан кейинги гапнинг зид, қарама-қарши қўйилганни кўрсатиш учун ишлатиладилар”;<sup>5</sup>

<sup>1</sup>Ғуломов А., Абдуллаев И., Маъруфов З., Омилхонова М. Ўзбек тили дарслиги. 5- ва 6-синфлар учун. Ю-Тошкент: Ўқитувчи. 1976. –Б. 258; Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент. Ўзфанакадемнашр, 1957. –Б.501

<sup>2</sup>Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 – қисм. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 359; Ўзбек тили грамматикаси. 1 том. Морфология. –Тошкент: Фан. 1975. –Б. 566.

<sup>3</sup>Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент. Ўзфанакадемнашр, 1957. –Б.501.

<sup>4</sup>Ўзбек тили грамматикаси. 1 том. Морфология. –Тошкент: Фан. 1975. –Б. 566.

<sup>5</sup>Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент. Ўзфанакадемнашр, 1957. –Б.506.

б) “Зиддовчи боғловчилар. Бундай боғловчилар содда гап ва боғланган қўшма гапларда қўлланиб, ҳодиса, иш-ҳаракат ёки бирор предметни боигқасига зид қўйиб, уларнинг орасидаги қарама-қарши муносабатни билдиради”;<sup>1</sup>

в) “Зидловчи боғловчилар. Булар маъно жиҳатидан бир-бирига зид, қарама-қарши бўлган уюшиқ бўлақларни ёки гапларни боғлашга қўлланади...”<sup>2</sup>

Мана шу таърифларда бир фикр ажралиб туради: бу боғловчилар “зид, қарама-қарши бўлган уюшиқ бўлақларни ёки гапларни боғлашда қўлланади”. Бу фикрни жуда тўғри дейиш қийин. Чунки зидловчи боғловчи баъзан маъно жиҳатдан қарама-қарши бўлмаган гап бўлақларини ҳам ўзаро боғлаши мумкин, чунончи, *гапираман, аммо ... ёзаман ҳам – гапираман, аммо ёзмайман* каби қатор гапларни келтириш мумкинки, бу каби (биринчи) ларда зиддият на мазмунда ва на шаклланишда бор. Шу каби гаплар ... *гапираман ва ... ёзаман ҳам* каби тузилмаларнинг бир кўриниши деб ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, эсда тутиш керакки, бошқа боғловчилардан фарқли равишда зидлов боғловчилари ҳукм билан боғлиқ, шунинг учун улар уюшиқ кесимлар (кенг маънода) билан қўлланади. Ўзбек тилининг анъанавий синтаксисида, юқорида кўрилганидек, зидлов боғловчилари уюшиқ бўлақларни, гап бўлақларини боғлайди деб қайд этилган-у, аммо шу каби таърифларга аниқлик киритилмаган: қайси уюшиқ бўлақларни ёки барчасиними? Бу ўринда зидлов боғловчилари уюшиқ кесимларни ўзаро боғлашга хизмат қилиши, аммо бошқа гап бўлақларини боғлашда роли йўқлигини қайд этиш лозим эди. Бу фикр, жумладан, аммо боғловчисининг гап бўлақлари – уюшиқ кесимларни боғлаши вазифаси ҳақидаги фикр анъанавий грамматикамизнинг морфология бобида ҳам қайд этилмаган. Кўриниб турибдики, ўзбек тили анъанавий грамматикасининг морфологик талқини билан синтактик талқини орасида зиддият юзага келган. Демак, анъанавий илмий грамматикада шу каби масалаларга аниқ ёндашилмаган, умумий фикрлар баён этилган, холос. Натижада юқоридаги каби ноаниқликлар вужудга келган. Умуман, боғловчилар

<sup>1</sup>Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. – Тошкент: Фан. 1976. –Б. 569.

<sup>2</sup>Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 – қисм. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 361.



билан боғлиқ масалаларни тўғри ва тўла ҳал этиш учун бевосита ўзбек тили далилларидан келиб чиқиш, боғловчиларнинг турларини белгилаш, уларни номлашда ўзбек тили боғловчиларининг маъно ва бошқа хусусиятларига асосланиш керак бўлади.

8. Асосий эътибор бир таркибли (бир бош бўлакли) гапларнинг эгасиз турига қаратилди. Аммо унинг кесим таркибисиз турига қаратилмади. Унинг кесим таркибисиз тури, кўпинча, мураккаб қўшма гап таркибидаги тури эса эътибордан четда қолади. Масалан, *У эшакни лойга топшириб, нарироқ борса, чўл, чўл ўртасида кўл, кўл лабида боғ, боғ лабида кичкинагина тоғ.* (“Ўзбек халқ эртаклари”) Бу гап беш компонентли боғловчисиз мураккаб қўшма гап бўлиб, унинг биринчи қисми (компоненти)ни икки таркибли (составли) десак (*у – борди*), қолган тўрттаси (*чўл, кўл, боғ, тоғ*) қўшма гапнинг эга таркибидангина (анъанавий синтаксис бўйича) иборат бўлган қисмларидир. Кесимлик аффикси *-дир*ни назарда тутган ҳолда кейинги тўртта қисмни от-кесим деб даъво қилувчилар бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу даъво ўринсиздек кўринади.

*Ҳар куни меҳмон, ҳар кун боғда уч супа улфатлар йиғилади, базм-зиёфат, ўлиб бўлдим, холажон* (Ойб.) Бу мисол тўрт қисмли боғловчисиз мураккаб қўшма гап бўлиб, биринчи, учинчи қисмлари эга таркибидангина иборатдир. Гапнинг умумий қурилишидан келиб чиқиб, эгадангина иборат бўлган қисмларнинг кесимларини келади (*ҳар куни меҳмон келади*), бўлади (*ҳар куни базм-зиёфат бўлади*) сингари феъллар орқали ифодалаш мумкин. Кўринадики, бундай мисоллар, яъни эга таркибидангина (анъанага кўра) иборат бўлган қўшма гаплар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам тез-тез учраб туради.

Умумтилшуносликда боғловчисиз қўшма гап эллиптик (ихчам) қўшма гап дейилади. Юқорида таҳлил қилинган мисоллар боғловчиларнинг, шунингдек, гап бўлақларининг (кесимларнинг) ифодаланмаслиги билан ихчамлашган гаплардир. Боғловчисиз қўшма гаплардаги бу хил ўзига хос бўлган ихчамлик ифодадаги таъсирчанликни, экспрессивликни оширади.

9. Анъанавий синтаксис таҳлил асосининг методологияси лисон ва нутқ ҳодисаларини, яъни

имконият ва воқелик, умумийлик ва хусусийликларни фарқламаганлиги сабабли нутқ ҳодисаларини (яъни бевосита кузатишда берилган оғзаки, ёзма шаклда воқеланган ҳодисаларни) ўрганишга алоҳида эътибор беради. Тилда имконият нуқтаи пазаридан ўзаро алоқадор бўлмаган ҳодисалар нутқда нутқий боғланишларга киришиши мумкин. Чунончи, иккита ўзаро боғланмаган, мустақил гапларни олиб кўрайлик: *Бизнинг оиламиз катта. Биз аёлмандмиз.*

Қурилиши, тузилиши ва барча бошқа хусусиятлари жиҳатидан мустақил бўлган бу гаплар ўзаро мазмундошликка эга. Бу мазмундошлик *оила, катта, аёлманд* сўзларининг маъно алоқадорлиги асосида юзага чиқади. Гаплар орасида синтактик қурилиш жиҳатидан боғланиш, синтактик алоқадорлик ҳар иккала гапларнинг ҳам кесими от (кенг маънода) билан ифодаланган икки таркибли гаплар эканлигидадир. Лекин нутқда ёнма-ён келган бундай икки гап маълум бир нутқий боғланишлар ҳосил қилиши мумкин. Формал синтаксис тил ва нутқ ҳодисаларини йўл-йўлакай фарқланганлиги учун бундай нутқий боғланишни тил сатҳига кўтариб чиқди. Чунончи, *Биз аёлмандмиз. Оиламиз катта. Қиёсланг, масалан, Тешабойга тўққиз жон қарар, олти боласи бор. Аёлманд.* (“Муштум”) Келтирилган мисолда иккита гап орасида мазмунан боғлиқлик мавжуд, лекин бу боғлиқлик синтактик босқичда эмас, балки мазмун босқичидадир. Синтактик қурилишга бу боғланиш алоқадор эмас, “Илова қурилмалар” сифатида синтактик нуқтаи назардан боғланган бу ҳодисалар том маънода гап доирасида юз берадиган ҳодиса эмас, балки матн (текст) доирасида содир бўладиган нутқий ҳодисалар ҳамда матн таҳлили – микротекст қурилишига оиддир. Шу боис булар гап қурилиш ҳақидаги таълимотда эмас, матн назарияси – микротекст ҳақидаги таълимотда таҳлил этилиши керак. Синтаксис сўзлар бирикмаси ва гап қурилиши ҳақидаги таълимот деб баҳоланади, лекин кўпгина ҳолатларда амалий синтаксис таълим жараёнида *шакл (форма), вазифа (функция), мазмун (содержание), тузилма (структура)* тушунчалари бир-бири билан қориштирилади. Бунинг ёрқин намунаси юқорида келтирилган муаммода кўрилди. Бундан бошқа ҳолатларда, хусусан, кесим шаклини белгилашда *шакл,*

*вазифа* ва *қурилиш* тушунчалари аралаштирилади. Чунончи, биринчи бандда кўрилганидек, содда гапнинг кесими албатга, шахс-сон, майллар, замон кўшимчалари билан шаклланган бўлиши зарур. Кўшма гап кесимларида эса бундай белги нозарурга айланиб қолади. Ёки кўшма гапларни содда гаплардан ажратишда иккита эга (субъект) бўлиши шарт деб тан олинса, *Биз учратган қиз келди* гапида эса бу асосдан воз кечилади. Шунингдек, *Салим келди, эшикни очди* гапи содда гап деб, *Салим келди, ўзи эшикни очди* гапи эса кўшма гап деб баҳоланади. Ваҳоланки, бажарувчилар – битта. *Ўқитувчи келди, натижада дарс бошланди* – натижа эргаш гапли кўшма гап. *Ўқитувчи келди, чунки дарс бошланди* эса сабаб эргаш гапли кўшма гаплар деб саналади. Бу икки гап орасида ҳеч қандай синтактик фарқ йўқ. Асосий фарқ – биринчисида натижа маъносига, иккинчисида сабаб маъносига ишора қилувчи сўзларнинг келганлигида. Бу ҳол синтактик қурилишга алоқадор эмас. Синтактик ҳодисаларни баҳолашда, синтактик моҳиятларни очишда соф синтактик белгиларга эмас, балки ҳали шакл, ҳали мазмун, ҳали вазифа асосларига таяниш синтактик, семантик ва морфологик ҳодисаларни аралаштиришга олиб келади.

10. Сўз бирикмаси фикрий ва оҳанг тугаллигига эга эмаслиги, шахс-сон, замон, майл кабиларни кўрсата олмаслиги, умуман, кишиларнинг ўзаро алоқа-аралашувларини йўлга қўйиш хусусиятига эга эмаслиги билан гапдан фарқ қилади. Бунинг устига у (сўзлар бирикмаси) гапнинг қурилиш материали ҳамдир. Бир-биридан тубдан фарқ қилувчи мана шу икки категория анъанада бир-бири билан очиқдан-очиқ қориштирилади. Жумладан, иккинчи даражали бўлак ва кесим муносабатидан ҳосил бўлган қурилма сўзлар бирикмаси дейилади: *Тоққа чиқдик. Табиатни кузатдик*. Келтирилган мисоллар кесим ва иккинчи даражали бўлаклардан иборат бўлиб, нисбий тугалланган фикрни ифодалайди ва ёйиқ содда гап жумласига киради. Бу мисоллар (*Тоққа чиқдик. Табиатни кузатдик*) фақат кесимдан иборат бўлса ҳам, гапдир. Қурилма, мана шу хусусиятлари ҳисобга олинмасдан, бошқарув йўли билан тузилган сўзлар бирикмаси дейилади.

Назаримизда, эга-кесим муносабатидаги қурилмалар

сўзлар бирикмаси бўлмаганидек, иккинчи даражали бўлақлар ва кесим муносабатидаги қурилмалар ҳам сўзлар бирикмаси бўлолмайди. Сўзлар бирикмаси эга ва иккинчи даражали бўлақлар доирасидагина мавжуд. Масалан, *Ёш болалар кенг далада яйраб ўйнашди* гапида иккита сўз бирикмаси бор: *ёш болалар, кенг дала*. *Болалар далада яйраб ўйнашди* қурилмаси эса гапдир. Бу муаммони ечиш ўзбек субстанциал тилшунослиги олдидаги вазифалардандир.

11. Ўзбек тили синтаксисининг энг чигал ва мураккаб масалаларидан бири – уюшган кесим масалаласи. Чунки уюшган бўлақларни ажратишда уларга қуйидаги талаблар қўйилади:

1) уларнинг ҳаммаси гапнинг маълум бир бўлагига бир типда боғланади;

2) санаш оҳанги билан айтилади;

3) сўз туркуми ва сўз шакллари жиҳатдан ҳам бир хил бўлади;

4) бир-бири билан тенгланмиш муносабати орқали боғланади.

Уюшган бўлақларни махсус ўрганган олимлар бу рўйхатдаги айрим ҳолатларни тузатдилар ва қуйидаги белгиларни илова қиладилар:

5) уюшиқ бўлақлар турли сўз туркумлари билан ифодалана олади;

6) гапда ҳар хил синтактик вазифани бажариши мумкин.

Уюшган кесим масаласига келганда аҳвол анча ўзгаради. Юқорида айтилган мезонлар *Пахтакорлар пахтани экдилар, суғордилар ва тердилар* гапида тўла-тўқис сақланган, лекин уюшган кесимлар тури юқорида келтирилганлар билан чекланмайди. Кесимларда уюшишнинг ўнлаб турлари мавжуд, буни бутун моҳияти билан англаган А.Ғуломов ва М.Асқарова кесимнинг яна бир ўзига хос хусусиятини айтиб ўтадилар: “Энг охирги кесим тўла шаклланган бўлиб (шуниси мустақил кесим саналади), бундан аввалгилари равишдош формасида келади: *Ўрганиб, билиб, кейин сўрай бошлади.*”<sup>1</sup> Бу гапда сўз ўйини ишлатилган: “... шуниси (яъни кейингиси – *сўрай бошлади* – муаллифлар) мустақил кесим саналади.”

<sup>1</sup>Ғуломов А, Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 141.

Қолганлари-чи?! Бу саволга синтактик мезон асосида эмас, балки морфологик омил асосида улар томондан “равишдош формасида келади” деган жавоб берилади. Морфология бобида – равишдош. Бунга шубҳа йўқ. Синтаксисда-чи?! Агар уюшган кесим бўлса, улар номустақилми? Чунки “энг охиргиси”, “тўла шаклланган”, “муस्ताқил” кесим саналади. Агар охиргиси “муस्ताқил”, ундан аввалгилари мантиқан “номустақил” бўлса, бу ерда уюшиш йўқ, негаки муस्ताқил ва номустақил бўлақлар уюшиши мумкин эмас. Агар берилган тавсифдан “муस्ताқил” белгисини чиқариб ташлаб, мисолда кўрсатилган ҳолатни, бор ҳақиқатни акс эттирган ҳолда тавсифламоқчи бўлсак, у қуйидаги шаклга эга бўлиши керак: “... феъл билан ифодаланиб келган кесимлардан охиргиси тўлиқ шаклланган, яъни тасдиқ инкор, майл замон, шахс-сон қўшимчалари ва маъноларини қабул қилган, ундан олдингилари эса равишдош шаклида келиши мумкин.” Бундай тавсиф эса, уюшиқ бўлақларнинг юқорида келтирилган учинчисига, яъни уларнинг сўз шакли бир хил бўлиши мезонига тўғри келмайди.

Уюшган кесимнинг бошқа гап бўлақлари уюшишидан фарқланиши бу ҳодиса талқинига киритилаётган айрим мулоҳазалардан кўриниб турибди: “... уюшиқ бўлақнинг кенгайган компоненти ўз ичида уюшиқ бўлақка эга бўлиши ҳам мумкин”.<sup>1</sup> “... Уюшиқ кесим қисмлари замон, даража, майл, бўлишли-бўлишсизлик жиҳатидан бир хил, баъзан эса ҳар йил, лекин шахс-сон жиҳатидан доим бир хил бўлади”<sup>2</sup> ва “маълум бир семалар бўйича умумийликка эга бўлиши мумкин.”<sup>3</sup>

Бош бўлақлар, жумладан, кесим талқинига бағишланган барча махсус тадқиқот ишларида, асосан, анъанавий синтаксисда мавжуд бўлган фикрлар ҳақида гап боради. Булардан хулоса қилиш мумкинки, уюшган кесим масаласи кесимни ва уюшган бўлақларни тадқиқ этиб келган барча тилшунослар учун “тўғаноқ” бўлиб келган. Чунки кесим уюшининг, яъни икки ва ундан ортиқ кесимнинг бир эгага тобеланишнинг шундай ҳолатлари борки, уларни тадқиқотчиларимиз тушунтира

---

<sup>1</sup> 169, 327 (P.C)

<sup>2</sup> 181, 329 (P.C)

<sup>3</sup> 189, 67-68 (P.C)

олмаганликлари учун “кўрмаганлар” ёки, аниқроғи кўришни хоҳламаганлар. Шулардан айримларини санаб ўтамиз:

1) уюшган кесимлар турли хил сўз туркумлари билан ифодаланди: *Ер. – Онаман, бағритга тортадирман. (Э.Воҳ.) Итингдурман, келибман остонангга. (Ҳув.) ... онаман, йиғлайман. (“Туркистон”)*

2) уюшган кесимлар бир-биридан батамом ажратилиши мумкин: *Мен китобларни олдим, уларни дасталаб, чангларни артиб, териб қўйдим. – Мен китобларни олдим. Уларни дасталадим. Чангларни артдим. Териб қўйдим,*

3) уюшган кесимлар тасдиқ инкор, майл замон шаклларига кўра турли хил бўлиши мумкин:

а) *Шоира келади, сизни кўради;*

б) *Шоира келади, сизни кўрмайди*

в) *Шоира келса сизни кўради;*

г) *Шоира келсайди, сизни кўради ва ҳ.;*

4) уюшган кесимлар бир-бири билан: а) тенг боғловчилар (*бироқ, лекин, ё, ёхуд, гоҳ-гоҳ* ва ҳ.) ёрдамида бирикади: *Мен келдим, аммо сизни кўрмадим. Сиз келдингиз, бироқ; гапирмадингиз. Ўлим ё келди, ё келмади,* б) эргаштирувчи боғловчилар (*агар, чунки, ...*) ёрдамида бирикади: *Агар сиз келсангиз, албатта, уни кўрасиз. Мен ғалаба қозонаман, чунки пухта тайёрландим,* в) *-у, -ю, -да* ва ҳ. юкламалари ёрдамида бирикади: *Лола бу гапни айти-ю, уйдан чиқди* ва ҳ.

Демак, ўзбек тилшунослигида анъанага айланган уюшиқ бўлақлар ҳақидаги таълимот ё асоссиз, ёинки кесим гап сатҳида, гап қурилишида тамоман бошқа мавқега эга бўлиб, унинг уюшиши бошқа гап бўлақларининг уюшишидан тубдан фарқ қилади.

Ўзбек анъанавий синтаксисида бундай муаммолар сирасини яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин марказида эга турган қўшма гап ҳақидаги таълимот синтактик ҳодисалар талқинига, юқорида кўриб ўтилганидек, қатор муаммоларни келтириши билан чегараланмайди, қатор масалалар, айниқса, қўшма гап ва содда гапларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган бир қатор муаммолар ўзбек тили анъанавий синтаксисида четлаб ўтилди, ўрганилмай қолди. Улардан асосийларини санаб ўтамиз:

1) содда гап кесими тасдиқ ёки инкор шаклда қўлланиши табиий. Худди шунингдек, қўшма гап кесимлари ҳам тасдиқ ва инкор шаклда келиши мумкин. Бунда, асосан, уч ҳолат бўлади:

а) қўшма гап барча қисмлари (компонентлари) нинг кесимлари инкор шаклда: *Сен бормасанг, баҳор бўлмайди, очилмайди боғларда гуллар. Қарағайлар барг чиқармайди, ўрмонларга келмас булбуллар.* (Ҳ.Олим.);

б) қўшма гап барча қисмларнинг кесимлари тасдиқ шаклда: *Хулқ-одобимизга тарбия зўр таъсир этади, тарбия нечоғли тўғри бўлса, хулқ-одобимиз шунчалик гўзал бўлади.* (Ойб.);

в) қўшма гап қисмларидан баъзи бирининг кесими тасдиқ, баъзи бирининг кесими эса инкор шаклда: *Кишининг ҳусни жамоли бўлмаса ҳам, сўзлари ширин бўлса, ундай одам элни ўз томонига торта олади.* (Нав.)

г) қўшма гапларда ҳам инкор -ма, эмас, йўқ, на-на каби унсурлар ва баъзан уларнинг аралаш ҳолда келиши билан ифодаланади: *У келган эмас, мен эса борган эмасман. У келган эмас, мен ҳам бормадим* каби.

д) худди содда гаплардагидек, қўшма гапларда ҳам баъзан оҳанг инкорни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, оҳанг ёрдамида *У келмаса, ҳа, кетасан* сингари гапларнинг иккинчи қисмидан инкор маъноси англашилади ва бу қўшма гап *У келмаса, кетмайсан, У келмаса, кетиб бўпсан* сингари қўшма гапига тенг келади;

2) содда гап йиғиқ ва ёйиқ шаклларда қўллангандек, қўшма гап қисмлари ҳам йиғиқ ва ёйиқ ҳолда қўлланиши мумкин. Йиғиқ қўшма гапларда айрим унсурлар қўлланмайди, масалан, иккинчи даражали бўлақлар, боғловчилар, кириш бўлақлар ва ҳ. Чунончи, *Айт, кирсин* – йиғиқ қўшма гап бўлиб, ҳар икки қисми биргина сўздан ташкил топган, демак, ҳар иккиси йиғиқ шаклда қўлланган. Айрим қўшма гапларнинг биринчи қисми (*Падаринг экан кўп фозил, отанг камолидин сенга не ҳосил*) баъзиларининг иккинчи қисми (*Акаларим қай аҳволда экан – билмадим*) (“Ўзбек ҳалқ эртақлари”) йиғиқ шаклдадир. Шу каби гапларнинг кенгайган варианты турли шаклларда бўлиши мумкин, чунки ҳар бир қисми чексиз равишда кенгайтириш имконияти бор;

3) қўшма гап қисмлари содда гапдек ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ ва ҳис-ҳаяжонга кўра ҳис-ҳаяжонли ва ҳис-ҳаяжонсиз бўлиши мумкин;

4) синтаксисга доир адабиётларда тўлиқсиз гапларда гапнинг зарур бўлаклари ифодаланмайди дейилади. Бу фикр тўғри эмас. Агар зарур бўлса, у албатга, ифодаланади. Аксинча, жуда зарур, муҳим бўлмаса, ифодаланмайди. Анъанавий синтаксисда фақат тўлиқсиз содда гаплар ҳақида фикр юритилади. Қўшма гап бобида эса тўлиқсизлик ҳодисаси деярли ўрганилмаган. Аниқроқ қилиб айтганда, у бутун бир гапнинг ёки унинг таркибларидан бирининг “тушиб қолиши” ни англатади. Худди ана шу “тушиб қолиш”, юқорида эслатиб ўтилганидек, ташқи ёки ички сабаблар орқали рўй беради:

– *Романяниннинг одамлари шунақа беандиша, пичоқ қўлга кирдими...*

– *Ишни пичоққа етказмаслик чорасини кўрса бўлар, –деб ўйлайман.* (Э.Л.Войнич) Кўриниб турибдики, бош гап рўёбга чиқмаган. Худди шуниндек, эргаш гаплар ҳам тушиб қолиши мумкинлиги таъкидланади ва тўлиқсиз қўшма гапларни турларга бўлиш қуйидагича кўрсатилади. Барча тўлиқсиз қўшма гапларни учта йирик гуруҳга тақсимланади:

- 1) тўлиқсиз боғланган қўшма гап;
- 2) тўлиқсиз эргашган қўшма гап;
- 3) тўлиқсиз аралаш типли қўшма гап.

Тўлиқсиз қўшма гаплар масаласига бошқача ёндашиш ҳам мавжуд. Маълумки, қўшма гап қисмлари ифодаланган воқеа-ҳодисалар бир-бири билан мазмунан боғлиқ бўлиши керак. Агар бу боғлиқлик бўлмаса, *Ҳаво исиб кетди, шунинг учун қор ёғди* деб бўлмаганидек, қўшма гап ҳосил бўлмайди. Юқоридаги фикр (мазмунан боғлиқ бўлиши шарт эмас), юзаки қараганда, кейинги фикрга (мазмунан боғлиқ бўлиши шарт) зид келади. Бу ерда масалага бир томондан эмас, балки икки томондан, яъни ҳам ташқи, ички томондан ёндашсак, бу зидликни аниқ тушунамиз. Яъни ташқи томондан қарасак, қўшма гап қисмлари ифодаланган воқеа-ҳодисалар бир-бири билан боғлиқ эмас, ички томондан қарасак, қўшма гап қисмлари бир-бирлари билан боғлиқ бўлмаса ҳам, қўшма гап қисмларининг ҳар бирида ўзича мазмун қандайдир бир ёки бир қанча



воқелик билан боғлиқ. У воқелик эса грамматик шаклламаган бўлади. Бу грамматик шаклланмаган имплицит ҳолатда бўлиб, қўшма гап қисмларни жипслаштириб, яхлитлик яратиб туради. Яхлитлик яратишда оҳанг (интонация) ва бир пайтликнинг ҳам роли бор. Ана шу юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, эксплицит ва имплицит мазмунни ҳисобга олган ҳолда қўшма гапни иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

а) тўлиқсиз қўшма гаплар;

б) тўлиқ қўшма гаплар.

Маълумки, оҳанг гап ҳосил қилишда, қўшма гап қисмларини бир-бири билан боғлашда муҳим роль ўйнайди. Шунга асосланган ҳолда анъанавий синтаксисда оҳанг қўшма гап қисмларни бирикитирувчи асосий воситалардан бири деб таъкидланади. Бу тўғри фикр. Лекин барча қўшма гапга нисбатан шундай баҳо бериб бўлмайди. Масалан, тўлиқсиз қўшма гапларда оҳанг бутунлигининг бўлиши шарт, аммо тўлиқ қўшма гапларда бундай оҳанг бутунлигининг бўлиши шарт эмас. Оҳангнинг мана шундай ролига қараб қўшма гапларни, тўғрироғи, тўлиқ қўшма гапларни иккига бўлиб текшириш мумкин:

а) қисмлари мазмун ва оҳанг жиҳатдан яхлитлик ҳосил қилувчи тўлиқ қўшма гаплар;

б) қисмлари фақат мазмун жиҳатдан яхлитлик ҳосил қилувчи тўлиқ қўшма гаплар. Бунда қўшма гапнинг ҳар бир қисми ўзининг тугалланган оҳангига эга бўлади;

5) гапнинг бир ёки икки таркибли бўлиши сўзловчи ёки ёзувчининг мақсадига, услуб талабига боғлиқ. Агар ҳаракат ва ҳаракат бажарувчисини, белги ва белги соҳибини таъкидлаш, ажратиш кўрсатиш лозим бўлса, гап икки таркибли бўлади. Агар булар кўзда тутилмаса ёки услуб талабига кўра ихчамлик ҳосил қилиш, бу ихчамлик билан таъсирчанликни ошириш лозим бўлса, гап бир таркибли бўлади. Бир таркибли гапларда бош бўлақлардан бири ифодаланмайди. Бу ифодаланмаган бўлақларни А.Ғуломов<sup>1</sup> ва И.Расулов, юқорида айтганимиздек, зарур бўлақ, муҳим бўлақ деб тушунадилар. Масалан, бир таркибли гаплар ўзининг одатдаги структураси билан тўлиқдир. Лекин нутқда,

<sup>1</sup>Ғуломов А, Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўқитувчи. 1987. –Б.127.

контекст ва ситуацияга кўра тўлиқсиз бўлиши, яъни зарур бўлаклардан бирортаси тушиб қолиши мумкин, тарзида.<sup>1</sup>

Анъанавий синтаксисда гапнинг бир ва икки таркиблилиги, асосан, содда гап материали асосида ўрганилади. Қўшма гап қисмларининг бир ёки икки таркиблилиги йўл-йўлакай тилга олинади. Бу ҳақда И.Расулов қуйидагича ёзади: “Бир составли гаплар қўшма гап компонентлари бўлиб келиш жиҳатидан ҳам айрим ўзига хос белгиларга эга. Икки составли гаплар қўшма гапларнинг ҳар икки компоненти (бош ва эргаш гап) бўлиб келаверади. Бир составли гапларнинг барча типлари ҳам бу хусусиятга эга бўлавермайди. Қўшма гап компонентлари бўлиб келиш структура асоси кесим бўлган гаплар учун характерлидир. Бош бўлаги эга бўлган бир составли гаплар эса баъзангина қўшма гап компонентлари бўлиб келади”.<sup>2</sup> Келтирилган матнда қўшма гапга доир бир ёки икки таркиблилик ҳақида аниқ бир фикр йўқ. Бунинг устига, бир таркиблиликда фақат эргаш гапли қўшма гаплар назарда тутилади. Қўшма гапнинг бошқа турлари ҳақида ҳеч нима дейилмайди. Булардан бошқа, бир неча жойда содда гаплар билан аралаш ҳолда қўшма гаплар ҳам мисол тариқасида келтирилади, лекин уларнинг қўшма гап эканлиги ҳақида ҳеч нима дейилмайди. Тўпланган фактик материаллар шуни кўрсатдики, қўшма гап қисмларининг бир ва икки составли бўлиши уч хил кўринишга эга:

а) қўшма гап қисмларининг ҳаммаси икки таркибли бўлади;

б) қўшма гап қисмларининг ҳаммаси бир таркибли бўлади;

в) қўшма гап қисмларининг баъзиси бир, баъзиси икки таркибли бўлади.

Ўзбек тилшунослигида бир таркибли гаплар олти турга бўлиб ўрганилади. Мана шу бир составли гапларнинг деярли ҳаммаси қўшма гап шаклида кела олади. Чунончи, *Ойдин кеча, ёқимли шабада. Танинг яйрайди, тўйиб- тўйиб нафас оласан.* («Шарқ юлдузи») *Қани гапир, тоққа чиқилдими?* каби гаплар қўшма гап таркибида унинг қисмлари сифатида қўлланади.

<sup>1</sup>Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. – Тошкент: Фан. 1974. –Б.63.

<sup>2</sup>Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. – Тошкент: Фан. 1974. –Б.63.

Гапнинг бир ва икки таркиблилиги назарияси анъанавий синтаксисга рус тилшунослигидан кирган ва бу концепция субстанциал йўналишидаги назариядан тубдан фарқ қилади.

б) ўзбек тили синтаксисада қўшма гап учга бўлиб ўрганилади:

- а) боғланган қўшма гап;
- б) эргаш гапли қўшма гап;
- в) боғловчисиз қўшма гап;

Бу тасниф жуда эътизорли бўлиб, қайси тамойил асосада тузилганлиги аниқ эмас. Бир қараганда, қисмларнинг ўзаро бирикиш усулига кўра тасниф қилинганга ўхшайди. Чунки боғланган қўшма гап деганда қисмлари тенг боғловчилар, эргаш гапли қўшма гап деганда қисмларнинг мазмунан бирикишига асосга олинандиган қўшма гаплар, учинчи турида эса тенг ва эргаштирувчи боғловчилардан бирортасининг ҳам қўшма гап қисмларини бириктиришда иштирок этмаслиги тушунилади. Тасниф шу тарзда тузилар экан, бир қанча қонуний саволлар туғилади. Чунончи, агар шу тасниф қўшма гап қисмларининг бирикиш усулига асосланиб тузилган бўлса, компонентлари бир пайтнинг ўзида ҳам тенг, ҳам эргаштирувчи боғловчи (...*ва...шунинг учун...*)лар ёрдамида бириккан қўшма гаплар қайси турга киради? Нега кесимлари ҳар хил грамматик шаклларда (- *ган*, -*иб*, -*са*, -*син...*) бўлиб, бош гапга боғловчиларсиз бириккан қурилмалар эргаш гапли қўшма гаплар дейилади? Қўшма гапнинг боғланган ва эргаш гапли деб иккига бўлинишида нега икки қисмли қўшма гаплар асос олинанди? Икки қисмли қўшма гапларнинг икки предикатив бирликнинг мазмун ва оҳангга кўра бирикувидан тузилган тури асосга олинди-ю, фақат оҳанг ёрдамида тузилган қўшма гапларга аҳамият берилмади;

7) қўшма гап ички турларига баҳо беришда ҳам эътирозли томонлар бор эди. Жумладан, эргаш гапли қўшма гапнинг мазмун турлари боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларга асоссиз равишда кўчирилди. Натижада қўшма гапнинг пайт мазмунидаги боғланган қўшма гап, сабаб мазмунидаги боғланган қўшма гап сингари турлари пайдо бўлди. Масалага бундай ёндашишдан кўра, анъанадан воз кечиб, қўшма гапларни мазмун жиҳатидан бутунича алоҳида ўрганиш

маъқул эди.

Баъзи бир атамалар, ибораларнинг бефарқ қўллангани натижасида синтактик категорияларни баҳолашда ноаниқликлар, чалкашликлар келиб чиқади. Буни боғловчисиз қўшма гаплар бобида кўриш мумкин. 1987 йилда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (Синтаксис) дарслиги мундарижасида “Боғловчи воситасиз бириккан қўшма гаплар” дейилади. Бу иборада, биринчидан, “компонентлари” ёки “қисмлари» шаклланган бўлиши, иккинчидан, “боғловчи воситасиз” демасдан, “компонентлари боғловчиларсиз бириккан қўшма гап” дейиш маъқулроқ эди. Чунки “боғловчи воситасиз” ибораси анча кенг бўлиб, сўз туркуми бўлган боғловчилардан бошқа воситаларни ҳам ўз ичига олади. “Компонентлари боғловчисиз бириккан қўшма гап” дейилганда, фикримизча, сўз туркуми бўлган боғловчи тушунилади, бошқа воситалар эса бунга кирмайди. Дарсликнинг шу мавзу ёритилган қисмида “Боғловчи воситасиз бириккан қўшма гап компонентлари ўзаро боғловчиларсиз ёки боғловчи вазифасидаги грамматик формаларсиз, фақат интонация билангина бирикиб, синтактик бутунликни ҳосил қилади” деб қайд қилинади.<sup>1</sup> Бу тезисдаги “фақат” сўзи назарда тутилса, “боғловчи” кенг маънода тушунилганга ўхшайди. Агар шундай бўлса, бунга қўшилиб бўлмайди. Чунки боғловчисиз қўшма гапларнинг компонентлари оҳангдан ташқари, бошқа кўп воситалар билан ҳам бирикади. Бу Ғ.Абдурахмонов асарларида асосли қайд этилган.

Юқоридалардан англашиладики, қўшма гап бобида ўзбек формал грамматикасида анча муаммолар мавжуд эди. Қўшма гап таснифидаги мана шундай ҳар хил зиддиятли талқинлар А.Н.Кононовнинг туркий тилларда қўшма гап шу вақтга қадар ҳамма эътироф қиладиган мақбул бир мезонга эга эмаслиги<sup>2</sup> ҳақидаги фикрини яна бир бор тасдиқлайди;

8) қўшма гапнинг ички талқинига келсак, бунда ҳам анча зиддиятли фикрлар берилган. Чунончи, эргаш гапли қўшма гап бобида унинг турлари бир-бирлари билан қориштирилиб таҳлил қилинади. Булардан

<sup>1</sup>Фуломов А, Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўқитувчи. 1987. –Б.223.

<sup>2</sup>Кононов А.Н. Актуальные проблемы тюркского язэмкознания // Советская тюркология. 1984, –№6. – С. 3-16.

айримларини кўриб ўтамиз.

Шундай қўшма гаплар борки, уларга турли томондан ёндашиш натижасида турли хил қўшма гап келиб чиқади. Ана шундай қўшма гапларга баъзан юзаки ёндашиб, қўшма гапнинг бир турини зўрма-зўраки бошқа турига қўшиб қўямиз. Худди шунингдек, баъзи бир ёйиқ бўлакларни ҳам эргаш гап деб санайверамиз. Бу ҳолат, кўпинча, равиш гапли қўшма гапларда учрайди.

Равиш эргаш гап бош гапдаги равиш ҳолини изоҳлайди, шу билан бош гапда ифода этилган ҳаракатнинг қандай ҳолатда, қандай равишда бажарилишини кўрсатади. Масалан, *Сиз шундай ёзингки, биз уни тушунайлик* гапининг биринчи компоненти бош, иккинчи компоненти эргаш гапдир. Бу гапдаги *шундай* (қилиб сўзини қўйиш ҳам мумкин) бўлаги равиш ҳоли. Эргаш гап ана шу равиш ҳолини изоҳлайди. Бу қўшма гапни содда гапга ўтказсак, эргаш гап ёйиқ равиш ҳолига ўтиб, “ёзмоқ” ҳаракатининг қандай ҳолда, қандай равишда бажарилишини кўрсатади: *Биз тушунадиган қилиб ёзинг* каби. Бу содда гапдаги *биз* бўлаги эга эмас, субъект бўлиб, ёйиқ равиш ҳолининг бир унсуридир.

Миқдор тушунчаси билан даража тушунчаси бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун аниқ (конкрет) битта гапни миқдор даража эргаш гапли қўшма гап деб бўлмайди. Миқдор деганда ҳаракатнинг бажарилиши миқдори (кўп ёки камлиги) тушунилса, даража деганда ҳаракат бажарилишининг кўп ёки камлиги эмас, балки шу миқдорнинг даражаси, қай даражада эканлиги тушунилади. Масалан, *Сен қай даражада билсанг, у ҳам шу даражада билади* гапида миқдорнинг кўп ёки камлиги ҳақида эмас, балки шу миқдорнинг даражаси ҳақида гап боради. Бошқача айтганда, бу гапда икки киши билим даражасининг тенглиги ҳақида гап боради. Лекин бу тенгликнинг кўплиги ҳам, камлиги ҳам аниқ эмас. *Кўп билсанг, кўп; кам билсанг, кам билади* маъносида. Масалан, янада ойдинлаштириш учун даража эргаш гапли қўшма гапларга бир-иккита мисол келтирамиз: *Қиладиган ишингиз, мақсадингиз қанчалик юқори, улутвор бўлса, ғайратингиз шунча қайнайверади.* (Р.Файз.) *Азизхоннинг жасорати қишлоқ аҳлини қанчалар қувонтирган бўлса, Турсунбойнинг қилмиши*

*шунчалик хафа қилган эди.* (С.Аҳм.)

Даража эргаш гапли қўшма гапларда *қанча-шунча, қанчалик – шунчалик, қай даражада – шу даражада* каби сўзлар қўлланади. Ўрни билан, *даража* сўзидан кейин *кўп, оз, кам, мўл* сингари сўзлар ҳам ишлатилади.

Даража эргаш гапли қўшма гапларнинг характерли белгиси *даража* сўзи бўлса, миқдор (ўлчов ҳам дейдилар) эргаш гапли қўшма гапнинг характерли белгиси *кўп, оз, кам, мўл* каби сўзлардир. Шунини айтиш керакки, *кўп, оз* сўзлари сингари сўзлар даража эргаш гапли қўшма гапларда ишлатилади. Аммо *даража* сўзи миқдор эргаш гапли қўшма гапларда деярли қўлланилмайди. Масалан, *Фурсат, қанча кутсангиз, шунча сабр-тоқат қилаверади* («Шарқ юлдузи») гапида *даража* сўзини ишлатиш қийин.

9) туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида эргаш гаплар билан синтактик оборотлар орқали ифодаланган ёйиқ иккинчи даражали бўлақлар қориштирилади.

Синтактик оборотлар (уларни *ярим предикатив конструкциялар* ҳам дейдилар) анча кенг бўлиб, уяга сифатдош, равишдош, инфинитив оборотлардан ташқари от, сифат, равиш, шунингдек, марказий унсури *бор, йўқ* сингари сўзлар билан ифодаланган оборотлар ҳам киради. Гапнинг барча бўлақлари, ҳатто ундалма ҳам синтактик оборотлар билан ифодаланган иккинчи даражали бўлақлар эргаш гап билан қориштирилади. Бу масалани ўрганиш ҳам тилшунос олимларимиз олдида турган вазифалардан биридир;

10) кириш конструкцияли, аниқроғи, кириш гап содда гаплар грамматик қурилиши жиҳатдан эргаш гапли қўшма гапларга ўхшайди. Шунинг учун бу икки категория деярли ҳамма вақт бир-бири билан қориштирилади ёки кишини иккилантиради. Бундай қориштиришларни бартараф этиш ҳақида шу масала билан бевосита қизиққан А.Р.Сайфуллаев томонидан айрим фикрлар айтиб ўтилади, чунончи, кириш гапли содда гаплар, кўпинча, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларга ўхшайди. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларни ёйиқ тўлдирувчи содда гапларга ўтказиш мумкин. Аммо кириш гапли содда гапларда бундай йўл тутиб бўлмайди.

Кириш гапларни бошқа сўзлар билан алмаштириш мумкин, аммо эргаш гапларни бирор сўз билан

алмаштириб бўлмайди. Чунончи, *Сиз шуни билингки, доим ёдимдасиз* тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапда бош гапни ҳам, эргаш гапни ҳам бирор сўз билан алмаштириб бўлмайди. *Айтайлик, Сиз бордингиз, иш усули ўзгардим?* гапи кириш гапли қўшма гап бўлиб, унинг кириш гапини (*айтайлик*) бирор сўз билан алмаштириш мумкин, жумладан, уни *хўп, масалан* сингари сўзлар билан алмаштира бўлади;

11) нутқимизда кенг истеъмолда бўлган қатор ҳодисалар борки, уларнинг ўрни грамматик қурилишда аниқ белгиланмаган. Шулардан бири таркибли кесимларга эга бўлган қўшма гап структурали нутқий ҳосилалардир. Бундай қурилмаларда предикативлик маънолари ҳар иккала кесим учун умумий бўлган тақдирда – предикативлик шаклини ўзида ташувчи унсур кўпинча “ихчамлик” мақсадида “қавсдан ташқарига чиқарилади”, яъни у умумий бўлак сифатида гапнинг охирида келиб ҳар иккала кесимга тегишли бўлади.<sup>1</sup>

12. Анъанавий грамматикада ундов, буйруқ ва ҳиссий баҳо ифодаладиган, тасдиқ ва инкорни, муомала одатларини билдирадиган гапларнинг ҳаммаси бир гуруҳга – бўлакларга ажралмайдиган гапларга мужассамлаштирилади.<sup>2</sup> Баъзи адабиётларда бундай гаплар сўз-гап деб ҳам юритилади.<sup>3</sup> Формал-функционал нуқтаи назардан ёндашганда бу сўзларда сўз туркумларининг бир-биридан ажралмаган, қоришиқ (диффуз) ҳолатларининг<sup>4</sup> қолдиғи ўз аксини топгани ва улар бир таркибли қоришиқ сўз-гапларнинг ташкил этиши кўзга ташланади.<sup>5</sup> Бундаги қоришиқ сўз-гаплар сўз туркумлари доирасида ҳам, содда ва қўшма гаплар таркибида ҳам қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шу каби ҳосилалар гап таркибида келганда дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар шаклида қўлланиши учрайди. Чунончи, – *Яхши келдингизми? – Раҳмат, шукур* гапининг икки қисми ҳам бир таркибли,

<sup>1</sup> Сайфуллаева Р. Уюшган гаплар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. – № 3. – Б. 21-26.

<sup>2</sup> Фуломов А, Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи. 1987. – Б. 137-139.

<sup>3</sup> Бабайцева В.В. Слова– предложения в современном русском языке // Труды Воронежского пединститута Т. XXII. - Воронеж, 1962. – С.312.

<sup>4</sup> Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 35.

<sup>5</sup> Мақсудова М. Сўз-гаплар ҳақида. Ўзбек тилигунослигигаоид тадқиқотлар. IV. Тошкент. 1992. Б. 53.

дарак мазмунидаги содда гаплардир. Мана шу қоришиқ сўз – гапларнинг оддий атов birlikлари билан шаклдошлиги, бундай сўз-гапларнинг маъно ва вазифага кўра турлари каби масалалар ҳанузгача ўз ечимини кутмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, содда гапнинг фақат ўзига хос бўлган хусусиятлари жуда оз бўлиб, улар содда гапни синтаксиснинг бир бўлими (содда гап синтаксиси) сифатида ўрганишга асос бўлмайди. Аммо қўшма гапнинг содда гап билан бўлган умумий хусусиятлардан ташқари, фақат ўзига хос бўлган хусусий томонлари кўп. Буни синтаксисни фақат “Қўшма гап синтаксиси” деб ўрганиш керак деб тушунмаслик керак. Умумий хусусиятлари уларни бирлаштириб туради. Бунда шуни қайд этиш керакки, содда гапга қараганда сўзлар бирикмасининг доираси кенг. Шунинг учун ҳам синтаксисни содда ва қўшма гап синтаксиси деб эмас, балки “Сўзлар бирикмаси синтаксиси” ва “Гап синтаксиси” деб иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Аммо сўзлар бирикмаси (синтактик) гап синтаксисида талқин қилинади. Сўзлар бирикмаси гап бирлиги, гапнинг қурилиш материалидир. Шунинг учун ҳам “Сўз бирикмаси синтаксиси”нинг “Гап синтаксиси”га нисбатан ички синтаксис деб ҳисобланиши табиийдир. Демак, “Сўзлар бирикмаси синтаксиси” “Гап синтаксиси” ичида ўрганилади.

Синтаксисда қўшма гап энг йирик категория, аммо охирги нуқта эмас. Ундан ташқари матн (текст) ҳам бор. Матн бир-бирига боғлиқ бўлган мураккаб мазмунларни ифодалайди. Бу мураккаб мазмунлар содда гаплар орқали ҳам, қўшма гаплар орқали ҳам юзага чиқади. Демак, матннинг қурилиш материали содда ва қўшма гаплардир. Матн бир ва бир қанча қисмлардан ҳам иборат бўлади. Матннинг содда ва қўшма гапларга, қўшма гапнинг турларига ажратиш қийин бўлади. Шунингдек, ажратиб бўлмайдиган кўринишлари ҳам учрайди. Бу қисқа маълумотдан кўринадики, матн содда ва қўшма гаплардан тубдан фарқ қилади ва синтаксисдаги йирик ҳамда мураккаб категория ҳисобланади. Шунга кўра, синтаксисни гап ва матн синтаксиси деб иккига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек тилшунослигида матн синтаксиси энди қўл



урилаётган соҳа бўлиб, ички синтаксис унга нисбатан анча кенг ўрганилган. Шундай бўлса ҳам, ички синтаксиснинг ўрганилишининг кечиктириб бўлмайдиган томонлари кўп. Буларни ўрганиб, бу синтаксис бўйича мукамал хулосаларга келиш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан биридир.

Бугунги кунда ўзбек формал (анъанавий) тилшунослиги заминида вужудга келиб, ўзига хос методология, методика ва методлари ҳамда тадқиқ тамойилларига эга бўлган ўзбек субстанциал тилшунослиги, хусусан, унинг таркибий қисми бўлган субстанциал синтаксис соҳаси кенг тараққий этмоқда. Ўзбек субстанциал тилшунослиги асосан ўзбек тилини тадқиқ этмоқда. Бироқ унинг тадқиқ тамойилларини ва ёндашув усулларини дунё тилларини текширишга ҳам жорий этиш дунё миқёсида тўла маънода Ҳинд тилшунослиги, Искандария тилшунослиги, Араб тилшунослиги, Немис тилшунослиги, Рус тилшунослиги қаторида Ўзбек тилшунослиги вужудга келишини таъминлайди.

### **Savol va topshiriqlar**

1. Sintaksisning tadqiq manbai va predmeti haqida gapiring.
2. Formal va substansial sintaksisning farqini tushuntiring.
3. Sintaktik birliklarni sanang va tavsiflang.
4. Lisoniy-sintaktik qolip haqida gapiring.
5. So'z birikmasi qolipi haqida haqida gapiring.
6. Gap qolipi haqida gapiring.
7. Qolipning tarkibi haqida gapiring.

### **LISONIY SINTAKTIK QOLIP**

#### **Tayanch tushunchalar**

*qolip, hosila, qolipning tarkibi, umumiylik, xususiylik, umumlashtirish, nosintaktik hodisa, qolipning shakliy tomoni, qolipning mazmuniy tomoni*

**Lisoniy sintaktik qolip.** LSQni aniqlashda ham LSQga daxldor bo'lmagan, bir qolipdan chiqqan nutqiy hosilalarning turli-tumanligini keltirib chiqarayotgan hodisalar LSQga bog'liq bo'lmagan nosintaktik hodisalar sifatida ahamiyatsiz deb qaraladi va e'tibordan soqit qilinadi. Masalan, *Gulnoraning kitobi* nutqiy hosilasining mohiyati, ya'ni LSQini aniqlamoqchi bo'lsak, shu ko'rinishdagi va turdagi so'z birikmalarini tasavvurimizda to'plab, saralaymiz. Shu usulda *Muniraning daftari, Sitoraning ruchkasi* kabi yuzlab nutqiy so'z birikmalarida

**[Ot<sub>atoqli</sub> → ot<sub>turdosh</sub> = otdan anglashilgan pred./shaxsga tegishli narsa]**

umumiyligini topgandek bo'lamiz. Biroq *mening kitobim, uning ruchkasi, bizning uyimiz, qizilning qizili, yashashning zavqi* nutqiy birikmasini oldingi so'z birikmalari bilan qiyoslash natijasida ularning farqli ekanligiga, qolipga solib ko'rish natijasida unga joylashmayotganligiga amin bo'lamiz. Zero, LSQning birinchi uzvi ot turkumiga mansub so'z bo'lishi kerak edi. Misollarda esa tobe uzvlar – olmosh. Shuningdek, LSQning ikkinchi uzvidagi egalik kategoriyasi III shaxs qo'shimchasi haqida ham shunday deyish mumkin. Yuqorida qoliplarning umumiylik tabiatiga ega ekanligini, unda nutqiy hosilalarning umumiy, bir xil belgilari o'rin olishini ta'kidlagan edik. Shuning uchun nutqiy hosilalardan farqlarni fikran chetlashtirib, umumiy belgilarni saqlab qolamiz. Keltirilgan birinchi (tobe) a'zoldagi umumiylik va farqlarni quyidagicha beramiz (28-jadval):

*28-jadval*

<b>Umumiylik</b>	<b>Farqlar</b>
1.1.Erkak kishining ismi + <i>qaratqich kelishigi</i>	<i>Halim</i> oti + <i>ning</i>
1.2.Qiz bola ismi+ <i>qaratqich kelishigi</i>	<i>Munira</i> oti+ <i>ning</i> , <i>Sitora</i> oti+ <i>ning</i>
1.3.I shaxs birlik kishilik olmoshi	<i>Men</i> olmoshi+ <i>ning</i>
1.4. II shaxs ko'plik kishilik olmoshi	<i>Biz</i> olmoshi+ <i>ning</i>
1.5.Sifat+ <i>qaratqich kelishigi</i>	<i>Qizil</i> sifati + <i>ning</i>
1.6.Harakat nomi+ <i>qaratqich kelishigi</i>	<i>Yashash</i> harakat

	nomi+ning
--	-----------

Farqlarni e'tibordan soqit qilib, olingan umumiylik asosida LSQning birinchi (tobe) a'zosini tiklaymiz. Nisbiy umumiyliklarni yana birlashtirib, quyidagi

[ **ism**<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ...

uzvi tiklanadi.

So'z birikmasining ikkinchi uzvidagi farq va umumiyliklarni ham shu asosda aniqlaymiz (29-jadval):

*29-jadval*

Umumiylik	Farqlar
2.1. O'quv vositasi oti + III sh. <i>egalik qo'shimchasi</i>	<i>kitob</i> oti + i
2.2. Yozish mumkin bo'lgan narsa oti + III sh. <i>egalik qo'shimchasi</i>	<i>daftar</i> oti + i
2.3. Rang sifati + III sh. <i>egalik qo'shimchasi</i>	<i>qizil</i> sifati + i
2.4. Mavhum ot + III sh. <i>egalik qo'shimchasi</i>	<i>zavq</i> oti + i
2.5. Joy oti + I sh. <i>Egalik qo'shimchasi</i>	<i>uy</i> oti + imiz
2.6. Yozuv quroli + III sh. <i>egalik qo'shimchasi</i>	<i>ruchka</i> oti + si

Bu a'zoda ham farqlarni chetlashtirib, umumiy belgilarni olib qolamiz. Natijada,

... → **ism**<sup>egalik qo'shimchasi</sup>]

umumiyliigi tiklanadi. Har ikkala a'zoni birlashtirish natijasida [**ism**<sup>qaratqich kelishigi</sup> → **ism**<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] umumiyliigi tiklanadi. Bu umumiylik LSQ bo'lib, so'z birikmalaridan chetlashtirilgan mazkur farqlar LSQga aloqador emas.

**LSQning shakliy tomoni.** LSQ mohiyatan riyoziy tenglamaga o'xshaydi va u butunlik sifatida tenglik belgisidan chap hamda o'ng tomonlardan iborat bo'ladi.

Yuqorida misol sifatida keltirilgan [**ism**<sup>qaratqich kelishigi</sup> → **ism**<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] = **qaratuvchi-qaralmish**] LSQi ham ikki – [**ism**<sup>qaratqich kelishigi</sup> → **ism**<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] va qaratuvchi-qaralmish qismlaridan tashkil topgan.

LSQning chap, ya'ni [**ism**<sup>qaratqich kelishigi</sup> → **ism**<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] qismi uning shaklini tashkil etadi.

LSQning shakliy tomoni umumiylik xususiyatiga ega. Chunki u nutqda voqelangan cheksiz birikmalar umumiy shaklining sintezi. Xususiy shakl sifatida nutqiy so'z birikmalari namoyon bo'ladi. Demak, xususiy shakl deganda

moddiy shaklda – soʻz va qoʻshimcha vositasida ifodalangan, oʻqilishi, yozilishi, aytilishi, eshinishi mumkin boʻlgan shakl tushuniladi.

**LSQning mazmuniy tomoni.** LSQning oʻng tomoni uning mazmuniy jihati. Yuqorida keltirilgan [**ism**<sup>qaratqich kelishigi</sup> → **ism**<sup>egalik qoʻshimchasi</sup> = **qaratuvchi-qaralmish**] qolipining oʻng, yaʼni mazmuniy qismini «*lisoniy tobe qaratuvchi va hokim qaralmish orasidagi rang-barang munosabatlar*» tashkil etadi. «Rang-barang munosabat» deganda har bir nutqiy soʻz birikmasidan anglashiladigan turli maʼno va munosabat tushuniladi. Masalan: *mening kitobim* – «qarashlilik» *stolning oyogʻi* – «butun-qism» *eʼtiborsizlik oqibati* – «sabab-oqibat» *yashashning zavqi* – «holat va uning natijasi».

Birikmalarning oʻng tomonida ularning xususiy maʼnoviy belgisi koʻrsatilgan. Ular qolipda «rang-barang maʼnoviy munosabat» deya birlashtirilgan. Maʼlumki, koʻpincha, maʼno deganda soʻz atayotgan narsa, predmet, miqdor, belgi kabilar haqidagi tushuncha ifodasi tushuniladi. Masalan, *kitob* leksemasi aytilganda, uning maʼnosi sifatida «varaqlardan tashkil topgan, bosma yoki qoʻlyozma holdagi asar» mohiyati tan olinadi. Lekin keltirilgan LSQ maʼnosi esa bunga oʻxshamaydi. Chunki *kitob* leksema boʻlib, uning maʼnosi leksik. Lekin LSQ – sintaktik hodisa. Shu boisdan uning maʼnosi ham sintaktik boʻlmogʻi darkor. Sintaksisda esa «tobe-hokim», «qaratuvchi-qaralmish», «toʻldiruvchi», «hol», «ega», «kesim» kabi tushunchalar ahamiyatli boʻlib, sintaktik munosabatni ifodalaydi. Bu munosabat esa sintaktik maʼno sifatida qaraladi. Nega yuqoridagi birikmalarning oʻng tomonida keltirilgan «qarashlilik», «butun-qism», «sabab-oqibat», «holat – uning natijasi» kabilar LSQning mazmuni boʻla olmaydi, degan savol tugʻilishi tabiiy. Toʻgʻri, ular birikmalarning maʼnolarini alohida-alohida aks ettiradi. Lekin LSQi bitta. [**ism**<sup>qaratqich kelishigi</sup> → **ism**<sup>egalik qoʻshimchasi</sup> = **qaratuvchi-qaralmish**] qolipining mazmuni esa cheksiz nutqiy hosilalarning maʼnolarini umumlashtiradi.

LSQning [**ism**<sup>qaratqich kelishigi</sup> → **ism**<sup>egalik qoʻshimchasi</sup>] shakliy tomoni birikuvchi soʻzlar munosabatidan umumlashtirganligi kabi mazmun tomoni ham nutqiy birikmaning alohida-alohida maʼnosini umumlashtirish natijasi boʻlmogʻi lozim.

Taʼkidlash lozimki, oʻzbek tilshunosligida har bir gap boʻlagi, soʻz birikmasining turli gap, matn va qurshovdagi maʼnolarini tavsiflashga koʻp eʼtibor qaratiladi. Masalan, *uyini*

*qurmoq* birikmasida *uyini* soʻzshaklining, yoki toʻldiruvchining maʼnosi «yaratiladigan, bunyod etiladigan narsa», *uyini buzmoq* birikmasidagi *uyini* soʻzshaklining maʼnosi «yoʻqotiladigan manba» tarzida taʼriflanadi. Lekin mulohaza yuritilsa, bu maʼnolar sintaktik emas, balki lugʻaviy boʻlib, aslida *buzmoq* va *qurmoq* soʻzlariga xos maʼnolar. LSQ esa cheksiz soʻz birikmalarining umumlashmasi. Shu boisdan ularning mazmun tomoni ham cheksiz soʻz birikmalarining alohida-alohida maʼnolaridagi xususiy, farqli jihatlarni chetlashtirib, umumiy, oʻxshash tomonlarni ajratish asosida tiklanadi. Demak, umumiy, lisoniy maʼno xususiy jihatlarni idrok etish asosida birlashtirishdir. Xususiy maʼno, yaʼni har bir soʻz birikmasidagi tezda anglanadigan, ilgʻanishi oson boʻlgan maʼno ular zamiridagi mohiyatni toʻsib turadi. Ana shu mohiyat anglanishi bilan tadqiqotchi koʻrinib turgan maʼnoning rang-barangligi «aldamchi» ekanligiga ishonch hosil qiladi.

**LSQni ajratishning ahamiyati.** Tabiatda sof narsa uchramaydi. Har bir modda turli-tuman narsalarning qorishmasidir. Biroq sof moddani ajratib olish maqsadida uzoq vaqtlar davomida tadqiqotlar olib borilgan. Shu tariqa tozalangan atom ximiya fanidagi buyuk «topilma» boʻldi. Bu D.Mendeleyev davriy jadvalida oʻz aksini topdi. Til hodisalarini ham «tozalangan» holda oʻrganish muhim ahamiyat kasb etadi. Tozalangan atomlardan tabiatda uchramaydigan, lekin zarur boʻlgan turli-tuman sunʼiy moddalar hosil qilinganidek, «tozalangan» LSQ ham boshqa «tozalangan» fonetik, leksik, morfologik hodisalar kabi, bugungi kunda tilni «mashinalashtirish», yaʼni kompyuter orqali matn tarjima qilish, tuzatish, tekshirish kabi zamonaviy «yumush»larda muhim qimmat kasb etadi.

### Savol va topshiriqlar

1. Qolip haqida gapiring.
2. Hosilaning xususiyatlari haqida gapiring.
3. Qolipning tarkibini tushuntiring.
4. Qolipda umumiylik va xususiylik dialektikasini bayon qiling.
5. Umumlashtirishda nimaga eʼtibor qaratiladi?
6. Nosintaktik hodisalarga nimalar kiradi?
7. Qolipning shakliiy tomoni haqida gapiring.
8. Qolipning mazmuniy tomoni haqida gapiring.

## VALENTLIK VA SINTAKTIK ALOQA

### Tayanch tushunchalar

*Valentlik, tobe valentlik, hokim valentlik, imkoniyat, sintaktik aloqa, leksik valentlik, sintaktik valentlik, morfologik shakl valentligi, gap, soʻz birikmasi, lison, nutq, umumiylik, xususiylik*

**Valentlik haqida tushuncha.** *Valentlik* aslida ximiyaviy atama, tilshunoslikda lisoniy birliklarning yuzaga chiqmagan birikuvchanlik-biriktiruvchanlik imkoniyati sifatida qaraluvchi lisoniy hodisaga nisbatan qoʻllanadi. Valentlikning ximiyaviy tavsifi quyidagicha. Masalan, kislorod (**O**) atomi boshqa turdagi yana ikkita atomni biriktirish imkoniyatiga ega. Bu uning elektron qavatidagi ikkita atomning boʻsh oʻrniga qarab belgilanadi. Suv molekulasida ( $N_2O$ ) da bu boʻsh oʻrinlar toʻldirilgan. Shuningdek, nafaqat kislorod, balki vodorod (**N**) ham valentlikka ega boʻlib, uning boʻsh oʻrni bitta. Demak, koʻrinadiki, suv molekulasida kislorodning ham, vodorodning ham valentlik imkoniyati voqelikka aylangan boʻlib, ular kislorodda biriktiruvchi, vodorodda esa birikuvchi tabiatga ega. Har ikkala atom (vodorod va kislorod) ham bir-biriga muvofiq boʻlgandagina birikma hosil qilishi mumkin. Masalan, vodorod va oltin atomlari birikib, molekula hosil qila olmaydi.

Atomning valentligi roʻyobga chiqmagan, namoyon boʻlishi uchun sharoit talab etiladigan imkoniyat. Lisoniy birlik ham ana shunday birikish-biriktirish imkoniyatiga ega, u (yaʼni valentlik) ham lisoniy birliklarning oʻzi bilan muayyan til jamiyati aʼzolari ongida yashaydi. Masalan, *oʻqi* leksemasi kishi ongida bir nechta boʻsh oʻrniga ega holda mavjud boʻladi va nutqda voqelanib, bir vaqtda oʻziga shuncha birikuvchini ham torta olishi mumkin. Uni chizmada quyidagicha tasavvur qilish mumkin (30-jadval):

<i>Kim</i>	<i>oʻqidi</i>
<i>Nimani</i>	
<i>Kimga</i>	
<i>Qanday</i>	
<i>Qachon</i>	
<i>Nima bilan</i>	
<i>Nima sababdan</i>	
<i>Qancha</i>	

Bunda so'roq olmoshlari *o'qi* leksemasiga birikish imkoniyatiga ega bo'lgan so'zlarga ishora qiladi. Bu imkoniyat bevosita kuzatishda berilmagan bo'lib, *o'qi* leksemasining mohiyatida yashiringan. Lekin *kitobni o'qimoq, har kuni o'qimoq, ko'p o'qimoq* nutqiy birikuvlarida bu imkoniyatlar bitta-bitta voqelangan. Quyidagi birikuvlarning birinchisida bir vaqtning o'zida bu imkoniyatdan ikkitasi, ikkinchisida esa uchta voqelikka aylangan, so'z birikmasi hosil qilingan:

- 1) *kitobni tez o'qimoq;*
- 2) *kutubxonada kitobni tez o'qimoq.*

*O'qi* leksemasining ongdagi birikish imkoniyati valentlik ekan, uning nutqiy voqelanishi sintaktik aloqa hisoblanadi. Demak, valentlik lisoniy, sintaktik aloqa esa nutqiy hodisa sifatida qaraladi. Ular lison va nutqning barcha qarama-qarshi belgilarini o'zida aks ettiradi:

<b>Valentlik</b>	<b>Sintaktik aloqa</b>
Umumiylik	Alohidalik
Mohiyat	Hodisa
Imkoniyat	Voqelik
Sabab	Oqibat

yoki:

<b>Valentlik</b>	<b>Sintaktik aloqa</b>
Moddiylikdan xoli	Moddiylikka ega
Ijtimoiy	Individual
Takrorlanuvchan	Betakror

Lisoniy birlikning valentligini to'ldiruvchi birlik *aktant* deb ham yuritiladi.

Yuqorida aytilganidek, kislorod atomi bilan birga vodorod atomi ham valentlikka ega bo'lganligi kabi *o'qi* leksemasiga birikuvchi leksema ham valentlikka ega. Biroq *o'qi* leksemasi hokim, tortuvchi mavqeda bo'lganligi sababli uning valentligi hokim valentlik, unga birikuvchi leksemaning valentligi esa tobe valentlik deyiladi.

Turli atom bir-biriga mos bo'lgandagina birika olganligi kabi lisoniy birlik ham ma'no va grammatik jihatdan muvofiq bo'lmog'i lozim. Boshqacha aytganda, biriktiruvchi leksema birikishi lozim bo'lgan leksemani nafaqat ma'no jihatdan, balki bir grammatik shaklda ham mos bo'lishini ham talab qiladi. Shunga ko'ra, valentlik lug'aviy va sintaktik qatlamga ajraladi.

**Lug'aviy valentlik.** Lug'aviy valentlik biriktiruvchi leksemaning ma'noviy jihatdan o'ziga mos birikuvchilarni tanlashi. Masalan, *hangra* leksemasi *qush* leksemasini o'ziga torta olmaydi, *qush* leksemasi *hangra* leksemasidagi birorta ham bo'sh o'ringa tusha olmaydi. Chunki ularda ma'noviy muvofiqlik mavjud emas. Leksemalar bir-biriga ma'noviy mos bo'lishi uchun ularning ma'no strukturalarida o'xshash ma'no bo'lakchalari – semalari bo'lmog'i lozim. Masalan:

<i>Qush</i>	<i>Sayramoq</i>
«parranda»	«ovoz chiqarish»
«uchadigan»	«qushlarga xos»
«sayray oladigan»	

Ko'rinadiki, *qush* leksemasi ma'no tarkibidagi «sayray oladigan» ma'no bo'lakchasi *sayramoq* leksemasida va undagi «qushga xos» ma'no bo'lakchasi *qush* leksemasida mavjud. Bu ularning birikma hosil qilishiga asos bo'la oladi.

Endi *qush* va *hangra* leksemalarini shu tarzda qiyoslab ko'raylik:

<i>Qush</i>	<i>Hangramoq</i>
«parranda»	«ovoz chiqarish»
«uchadigan»	«eshakka xos»
«sayray oladigan»	

Bu leksemalarda, yuqoridagidek, ma'noviy moslik kuzatilmaydi. Shu boisdan *hangramoq* leksemasi valentligini to'ldirish uchun *qush* leksemasini o'ziga torta olmaydi, *qush* leksemasi esa *hangra* leksemasidagi bo'sh o'rinni to'ldira olmaydi.

Leksemaning valentliklari tor yoki keng bo'lishi mumkin. Masalan: *hangramoq* leksemasining *nima* so'rog'iga javob bo'ladigan valentligi to'ldiruvchisi – *eshak*, *xo'tik*, *hangi* leksemalari. *kishnamoq* leksemasining bunday valentligini to'ldiruvchi unsurlar – *ot*, *toy*, *bedov*, *saman* leksemalari. Ba'zan birikuvchi yoki biriktiruvchi leksemalar ma'nolari muvofiq bo'lmagani holda ular nutqda birikuv hosil qilishi mumkin. Masalan, *Artist* «*hangradi*» kabi. Bunda endi me'yoriy valentlik buzilgan holda namoyon bo'lib, ko'chma, obrazli ma'no yuzaga chiqadi. Lekin bu sof nutqiy hodisa, *hangra* va *artist* leksemalarining lisoniy mohiyatidan joy olmagan. Chunki *artist* leksemasining ma'no tarkibi «*san'atkor*», «*qo'shiqchilik–teatr*ga xos» semalari bo'lib, unda «*hangra*» semasi yo'q, *hangramoq* leksemasi «*eshakka xos*», «*ovoz chiqarish*» ma'no tarkibiga ega, unda



«*san'atkor*», «*qo'shiqchilikka xos*» ma'no bo'lakchalari mavjud emas.

Lug'aviy valentlikni ot va fe'l turkumidan olingan namuna asosida dalillashga harakat qildik. Lekin lisoniy-lug'aviy valentlik nafaqat ot yoki fe'lga, balki boshqa so'z turkumlariga ham xos.

**Sintaktik valentlik.** Sintaktik valentlik leksema valentligining ikkinchi tomoni, u hokim mavqedagi leksemaning tobe leksemalarni o'ziga tortish uchun ularning ma'lum bir sintaktik shaklda – kelishik, ko'makchi, ravishdosh, sifatdosh qo'shimchasini olishini talab qilishi. Bu hokim leksemaning sintaktik mavqei, grammatik shakli tomonidan belgilanadi. Masalan, *Xatni yozdi*, *Xat yozildi* sintaktik qurilmalaridagi (*xatni*) va (*xat*) so'zlarining grammatik shakli bosh so'zning grammatik shakli bilan belgilangan.

Sintaktik valentlik lug'aviy valentlik bilan zich bog'langan, biri o'zgarsa, ikkinchisi ham o'zgaradi, biri yo'qolsa, ikkinchisi ham bo'lmaydi. Masalan, *yetakla* leksemasi jo'nalish kelishigidagi otni o'ziga tortmaydi (*Halimga yetakla* tarzida). Lekin *yetakla* leksemasi ortirma nisbat shakli *-t* bilan shakllansa, (*Halimga*) so'zshakli unga tortila oladi. Bunda *yetakla* leksemasining sintaktik valentligi o'zgardi.

Lug'aviy va sintaktik valentlik o'zaro bog'liq bo'lsa-da, ular tez-tez o'zgarishga uchrab turadi. Masalan, *Ashulachi «hangradi»* birikuvida sintaktik valentlik o'zgarmasdan voqelangan, ammo lug'aviy valentlik yangilangan holda yuzaga chiqqan. Bunday hol ko'chma ma'no yuzaga chiqqanidan dalolat beradi. *Xat yozildi*, *Xatni yozdi* birikuvlarida ma'noviy valentlik joyida, biroq sintaktik valentlik o'zgargan. Bu turlicha sintaktik shakllar voqelanganligini ko'rsatadi. Biroq aytilgan har ikkala o'zgarish ham bir yoqlama – yo ma'noviy, yo sintaktik tabiatga ega. Agar o'zgarish birdaniga ikki tomonlama – ham lug'aviy, ham sintaktik bo'lsa-chi? Bunda derivatsiya sodir bo'ladi. Dalil sifatida *ochmoq* fe'lining lug'aviy va sintaktik valentliklarini aniqlash orqali bunga amin bo'lish mumkin:

1. *Tergovchi jinoyatni ochdi.*
2. *Jinoyat tergovchi tomonidan ochildi.*
3. *Amerikani Vespuchchi ochdi.*
4. *Gul ochildi.*

1- va 2-misolda *ochmoq* fe'li valentliklarini to'ldiruvchi

soʻz (*tergovchi*) ning maʼnosi oʻzgarmagan, lekin sintaktik shakli (*tergovchi* – bosh kelishikda, *tergovchi tomonidan* – koʻmakchili) oʻzgargan. Demak, *ochmoq* leksemasining maʼnoviy valentligi oʻzgarishsiz saqlangan, sintaktik valentligi oʻzgargan. Bu oʻzgarish *ochmoq* feʼliga *-il* majhul nisbat qoʻshimchasi tomonidan kiritilgan. 3-misolda esa feʼning sintaktik valentligi oʻzgarishsiz qolgani holda maʼnoviy valentlik oʻzgarishga uchragan. Chunki *Amerika* soʻzining maʼnosi *ochmoq* feʼli maʼnosiga muvofiq kelmaydi. Ammo sintaktik shakli mos. 4-misolda esa ham maʼnoviy, ham sintaktik valentliklar butkul oʻzgargan. Chunki *gul* soʻzi *ochmoq* feʼliga maʼnoviy jihatdan mos emas. Bundan tashqari, birikuvchi soʻzning sintaktik shakli (*gul* – bosh kelishik) *ochmoq* feʼlga *-il* qoʻshimchasi qoʻshilishi natijasida oʻzgarishga uchragan.

Demak, maʼlum boʻladiki, leksemaning lisoniy valentligi ikkiyoqlama, maʼnoviy tomoni unga qanday leksema birika olishi meʼyori, chegarasini koʻrsatsa, sintaktik tomoni birikuvchi soʻzning qanday grammatik qoʻshimchani olishini belgilaydi.

**Grammatik shakl valentligi.** Leksemaga grammatik shakl qoʻshilganda ularning birikuvchilari sirasida jiddiy oʻzgarish yuz beradi. *Shoirman* soʻzshakli – *-man* shaxs-son qoʻshimchasi bilan birikmasdan oldin, yaʼni *shoir* leksemasi sifatida *men* olmoshi bilan birikish ehtiyojiga ega emas edi. Shaxs-son maʼnosini ifodalovchi (*-man*) qoʻshimchasini qabul qilgach, shunday ehtiyoj tugʻildi. Bu ehtiyoj, zarurat *-man* qoʻshimchasida mujassam, u II shaxs birlik son shaxs/son qoʻshimchasining sintaktik ehtiyoji, kengayish talabi, yaʼni valentligi.

Grammatik shakl oʻzi qoʻshilib kelgan leksemaning lisoniy (maʼnoviy va sintaktik) valentligini yo kengaytiradi, yoki cheklaydi. Masalan, egalik qoʻshimchasi oʻzi qoʻshilib kelgan ism turkumiga mansub soʻzga qaratqich kelishigi shaklida turgan boshqa ism bilan qaralmish-qaratuvchi aloqasiga kirishish imkoniyatini beradi. Demak, oʻzi qoʻshilib kelgan soʻzning sintaktik imkoniyatini kengaytiradi. Soʻzshakl maʼnoviy va sintaktik valentligi shu soʻzshakl uchun asos boʻlgan leksema lisoniy valentligidan keng. Shunday hodisani orttirma nisbat morfemasi bilan oʻtimsiz feʼl leksema birikishida koʻrish mumkin. Qiyoslang: *Mashina yurdi. Bola uxladi. uxla, yur* feʼllari vositasiz toʻldiruvchi bilan birika olmaydi. Lekin *Haydovchi mashinani yurgizdi, Ona bolani*

*uxlatdi* me'yoriy birikma. Vositasiz to'ldiruvchi bilan birika olish valentlik qobiliyatini *yur, uxla* leksemalariga orttirma nisbat morfemasi berdi, boshqacha aytganda, bu fe'lga qo'shilib kelgach, u morfema o'z valentligini olib keldi. Ayrim grammatik shakl o'zi qo'shilib kelgan leksemaning lisoniy valentligini toraytiradi.

Masalan, majhul va o'zlik nisbat shakli o'timli fe'lni o'timsizlashtiradi, uning vositasiz to'ldiruvchi bilan birikish imkoniyatini cheklaydi. Bunga amin bo'lish uchun *kitob* leksemasining grammatik shaklsiz va grammatik shakllangan holatida valentlik imkoniyatini taqqoslash kifoya:

<i>Qiziq</i>	<i>Kitob</i>
<i>Katta</i>	
<i>Badiiy</i>	
<i>O'nta</i>	
<i>Ko'p</i>	
<i>Qiziq</i>	<i>Kitobcha</i>
<i>Katta</i>	
<i>Badiiy</i>	
<i>O'nta</i>	
<i>Ko'p</i>	

Ayon bo'ladiki, yuqoridagi jadvalda *kitob* leksemasining birikuv imkoniyati ko'plik son shakli *-lar* va kichraytirish qo'shimchasi *-cha* hisobiga toraygan. Quyidagi gaplarda esa leksemaning biriktirish imkoniyati kengayganligiga amin bo'lamiz: 1. *Halim kitob o'qidi.* 2. *Halim ukasiga kitob o'qitdi.*

**Sintaktik aloqa.** Mustaqil so'zlarning nutq jarayonidagi erkin bog'lanishi *sintaktik aloqa* deyiladi: *Suvlar tiniq, toza havo.* Sintaktik birlik bir necha a'zoli bo'ladi. Faqat gap bir a'zoli bo'lishi mumkin. Nutqda so'zlarning bir-biri bilan bog'lanishi har bir tilning LSQ, leksemaning birikish imkoniyati asosida sodir bo'ladi.


So'zning sintaktik munosabatga kirishuvi natijasida hosil bo'lgan sintaktik qurilma *so'z qo'shilmasi* deyiladi. Bu so'zning bir-biriga ergashishi (*a'lochi o'quvchi*) yoki tenglashishi (*olma va anor*) shakllarida bo'lishi mumkin. *A'lochi o'quvchi* birikmasida bir so'z ma'noviy qobiliyatini namoyon qilish uchun boshqasiga ehtiyoj sezadi. Aniqrog'i, *o'quvchi* uzvi izohlanishga muhtoj. Shu boisdan *a'lochi* so'zi unga ergashib, izohlab keladi. Bu tobelanish aloqasi. Tobelanish aloqasi natijasida so'z birikmasi va gap hosil bo'ladi: *tiniq suv, Halim o'qidi.* O'zbek tilida keyin kelib, ma'nosi izohlanayotgan so'z hokim (bosh) so'z, hokim so'zga ergashish yo'li bilan bog'lanib, uning ma'nosini

izohlaydigan soʻz tobe (ergash soʻz) deyiladi. *Tiniq suv, Halim oʻqidi* birikuvlarida *tiniq* va *halim* soʻzlari tobe, *suv* va *oʻqidi* soʻzlari – Hokim aʻzo.

Nutqda soʻzlarning barchasi ham tobe aloqada bogʻlanavermaydi. Soʻzlar *olma va anor, nok va anjir, oʻqidi va yozdi* shaklida biri ikkinchisiga boʻysunmay, teng holda ham bogʻlanishi mumkin. Bu soʻz qoʻshilmalari aʻzolari teng huquqli boʻlib, biri ikkinchisining maʼnosini izohlamaydi.

Demak, soʻzlar orasidagi aloqa ikki xil: tenglashish va tobelanish. Ular esa uch xil hosilani beradi: soʻz birikmasi, soʻz tizmasi va gap. Tenglashish aloqasi asosida soʻz tizmasi hosil boʻlsa, tobelanish aloqasi asosida soʻz birikmasi va gap shakllanadi.

**Soʻz tizmasi.** Soʻz tizmasi (*olma va anor*) teng huquqli aʻzolaridan tashkil topadi. Ular orasida tobelik boʻlmaydi. Shunga muvofiq, soʻzlar orasida bir-birini izohlash, toʻldirish hodisasi ham yoʻq. Soʻz tizmasi tashkil etuvchilarining oʻrnini almashtirish ham mumkin: *anor va olma*. Bu ularning sintaktik mavqei va maʼnosiga putur yetkazmaydi. Soʻz tizmasidagi aʻzolar birgalikda boshqa soʻzga tobelanib, uni aniqlashi (*oq va sariq gullar*) yoki boshqa soʻz tomonidan izohlanib, birgalikda hokim aʻzo boʻlib kelishi mumkin (*shirin olma va anor*). Shuningdek, soʻz tizmasidagi har bir aʻzo oʻziga xos tobe uzvlarga ham ega boʻlishi mumkin (*oʻqiyotgan bola va yozayotgan qiz*). Uni chizmada quyidagicha berish mumkin:



Soʻz tizmasi aʻzolari teng bogʻlovchilar yordamida yoki bogʻlovchi vositasiz, faqat ohang yordamida bogʻlanishi mumkin: *bola, qiz* kabi. Soʻz tizmasi aʻzolari, asosan, bir soʻz turkumiga mansub leksemalar voqelanishi boʻladi: *olma* (ot) va *anor* (ot). Baʼzan ular turli turkumdan ham boʻladi: *Halim* (ot) va *men* (olmosh).

**Soʻz birikmasi** birikuvchi soʻzlarning hokim-tobelik munosabati asosida hosil boʻladi. Bunda izohlanuvchi aʻzo kengayuvchi, izohlovchi aʻzo kengaytiruvchi aʻzo deb ham yuritiladi: *kitobni oʻqimoq* (*kitobni* – izohlovchi, kengaytiruvchi, *oʻqimoq* – izohlanuvchi, kengayuvchi).

Tobelanish aloqasida hokim aʻzo hokimlik mavqei va

vositasiga, tobe a'zo tobelik mavqei va uni ta'minlovchi vositaga ega bo'ladi. *kitobni o'qimoq* birikmasida *kitobni* a'zosi oldin kelib, tushum kelishigi ko'rsatkichi bilan shakllangan bo'lsa, *o'qimoq* a'zosi hokimlik mavqei va shakliga ega.

A'zolarining hokim-tobeligini bildiradigan shakliy ko'rsatkich har doim ham bo'lavermaydi. Morfologik ko'rsatkich bo'lmaganda ham tobelik va hokimlik belgisi birikuvchi so'zlarning lug'aviy-grammatik tabiatidan, sintaktik o'rnidan hamda tartib va ohangdan bilinib turadi. Masalan: *tiniq suv* (tobe+hokim), *suv tiniq* (tobe+hokim).

Nutqiy birikuvda hokim-tobelik belgisini aniqlashda ohangga asoslanishning ahamiyati katta. Masalan, so'z tizmasida sanash ohangi mavjud bo'lsa (*qalam, daftar*), so'z birikmasida ko'tariluvchi (*kitobni o'qimoq*) va gapda pasayuvchi ohang (*suvlar tiniq*) amal qiladi. Biroq hokim-tobelikni aniqlashda morfologik ko'rsatkichga tayanish har doim ham to'g'ri bo'lavermaganligi kabi (chunki morfologik ko'rsatkichsiz ham so'z birikuvi hosil bo'laveraladi – *qizil qalam*), ohang va so'z tartibiga tayanish ham mutlaq asos emas. Chunki *kitobni o'qidi* nutqiy so'z birikmasi pasayuvchi ohang bilan aytilsa, *o'qidim kitobni* hosilasida hokim so'z oldin tobe so'z keyin kelsa-da, u so'z birikmasi sanalaveraladi. Umuman, tobelikning ko'rsatkichlari bo'lmaganda, tartib – hokim-tobelikning asosiy belgisi, bunday ko'rsatkich bo'lganda esa u o'z kuchini yo'qotadi.

Tenglashish uyushiq bo'laklar va ayrim qo'shma gap a'zolari orasida amal qilsa, bulardan boshqa bog'lanish – tobelanish aloqasi.

**Gap.** Gapning asosini ham tobelanish tashkil qiladi. Kesim gapning markaziy, uyushtiruvchi bo'lagi bo'lib, u barcha gap bo'lagini o'ziga bevosita yoki bilvosita tobelaydi.

**Sintaktik aloqani ta'minlovchi vosita.** Erkin birikmada so'zlarning bog'lanishi va unda sintaktik aloqa vositalari turlicha: *a'lochi o'quvchi, o'qituvchini tabrikلامoq, telefon orqali gaplashmoq, kitobning varag'i* va h.k.

So'zlarning turli vosita yordamida bog'lanishi ularning qaysi lug'aviy-grammatik tip (so'z turkumi) ga kirishiga, lug'aviy-grammatik xususiyatiga bog'liq. Zero, ayrim lug'aviy-grammatik tur, asosan, tobe a'zo vazifasida kelish uchun ixtisoslashgan (masalan, son, ravish, sifat): *besh o'quvchi, tez gapirish, a'lochi bola* kabi. Shuning uchun ular so'z birikmasida tobe a'zo mavqaida kelish uchun ma'lum bir

grammatik ko'rsatkichni talab qilmaydi. Ayrim so'z turkumi (masalan, ot, fe'l), asosan, hokim mavqe egallashga xoslangan: *issiq non, kitobni keltirmoq*. Shu boisdan ular tobe a'zo sifatida nutqda ishtirok etishi uchun asosan o'ziga xos grammatik shakl kasb etadi: *paxtani termiq, terilgan paxta*.

Sintaktik aloqani ifodalovchi vosita sintaktik shakl hosil qiluvchi qo'shimcha, yordamchi so'z, so'z tartibi va ohangdir.

**Aloqa-munosabat (sintaktik) shakllari** (sintaktik shakl hosil qiluvchi vosita) – kelishik, egalik, kesimlik ko'rsatkichlari. Aloqa-munosabat shakllari shakliy omil sifatida so'zlarning erkin bog'lanishida faol: *Men qishloqqa o'tdim* gapida *-ga* shakli *qishloq* so'zini *o'tmoq* fe'li bilan, *-dim* kesimlik shaklidagi *-m* ko'rsatkichi *men* so'zini *o'tmoq* fe'liga tobelash vazifasini o'tamoqda.

Egalik qo'shimchalari mustaqil so'zlarning hokim mavqeda kelishini ifodalab, uning tobe so'zga munosabatini ko'rsatadi (*sizning uyingiz*). Shuningdek, bog'lash bilan birgalikda, hokim va tobe so'zning shaxs va sonda moslashishini ham ta'minlaydi.

Kelishik – mustaqil so'zning barchasi uchun tobelikni ta'minlovchi formal ko'rsatkich. Masalan, bosh kelishik egani, tushum kelishigi to'ldiruvchini, qaratqich kelishigi aniqlovchini hokim bo'lakka tobelaydi.

Shaxs-son qo'shimchalari, kesimlikning boshqa shakllari bilan birgalikda, o'zi hosil qilayotgan hokim bo'lakni tobe bo'lak – egaga bog'laydi.

**Yordamchi so'z.** Sintaktik aloqani ifodalashda qo'llanadigan yordamchi vositalar (ko'makchi, bog'lovchi va bog'lama) birikuvlarda shakliy omil sifatida namoyon bo'ladi.

Ko'makchining bir so'zni ikkinchi so'zga tobelovchi vosita ekanligi, ma'no va vazifa jihatdan kelishikka o'xshashligi (*telefonda gaplashmoq – telefon orqali gaplashmoq*), shuningdek, so'zni sintaktik aloqaga kiritishda o'zi bilan birga uning biror kelishik shaklida bo'lishini ham talab qilishi ma'lum: *Marraga qadar bir tekisda yugurib borishdi*. (A.G'ul.).

Bog'lovchi odatda, so'z tizmalari, gaplarning a'zolarini bog'lash uchun xizmat qiladi. Masalan: *olma va anor. Men o'qidim va yozdim*. Teng bog'lovchi birinchi misolda so'z tizmasi a'zolarini, ikkinchi misolda esa qo'shma gap a'zolarini bog'lash uchun xizmat qilgan.

Bog'lama ot kesimni ega yoki boshqa tobe a'zo bilan bog'lash uchun xizmat qiladi: *Biz o'tgan yili talaba bo'ldik*.

Bunda *bo'ldik* bog'lamasi shaxs-son va zamon ma'nolarini ifodalagan hamda kesimni uning shaxs (*biz*), zamon (*o'tgan yil*) kengaytiruvchilari bilan bog'lagan.

**So'z tartibi.** So'zlar erkin birikuvda grammatik shakl asosida bog'langanda, so'z tartibi o'zgarsa-da, u ma'noviy munosabat yoki bog'lanishga ta'sir qilmaydi: *Sen kitobni keltirdingmi? Kitobni sen keltirdingmi? Keltirdingmi sen kitobni?* birikuvidagi so'z o'rne almashtirilganiga qaramay, *keltirdingmi* so'zshakli hokim, *sen* va *kitobni* so'zshakllari tobe a'zo sifatida qolavergan. Chunki ular sintaktik mavqeini ta'minlovchi vosita – morfologik ko'rsatkichga ega. So'zning hokim-tobeligi (sintaktik mavqe)ni ko'rsatuvchi vosita bo'lmaganda so'z tartibining qimmati oshadi (*achchiq olma*). Bunda so'zning gapdagi funksiyasi, asosan, tartibi bilan belgilanadi, tartib o'zgarsa, mazmun bilan birga, sintaktik holat ham o'zgaradi: *Hayot go'zal* (ega+kesim), *go'zal hayot* (aniqlovchi+aniqlanmish).

Gapda uslubiy maqsadlarda so'z tartibi o'zgarishi mumkin: *O'qituvchi intizom haqida gapirdi. Intizom haqida o'qituvchi gapirdi.* Tartibning bunday o'zgarishi a'zolarning hokim-tobeligiga ta'sir qilmaydi, biroq gapning uslubiy jihatiga, fikrdagi ma'no nozikligiga ta'sir ko'rsatadi.

**Ohang.** Ohang ham, yuqorida aytilganidek, birikuvning tabiatini ko'rsatuvchi nisbiy vosita. Gap tugallangan ohang bilan aytiladi, uning tarkibidagi ayrim birikuvlar sanash (*olma va anor*), ayrimlari ko'tariluvchi ohangga (*qizil qalam*) ega bo'ladi.

Ohang (pauza) birikuvning sintaktik bo'linishini ko'rsatadi. Masalan, *Ko'p qavatli uy* birikmasini ikki xil (*ko'p//qavatli uy* va *ko'p qavatli//uy* tarzida) aytish mumkin. Demak, sintaktik aloqani, unga bog'liq ravishda mazmuniy farqlanishni ifodalashda ohangning o'rne bor. Ya'ni *ko'p//qavatli uy* tarzida birinchi so'zdan keyin pauza qilinishi natijasida (*ko'p*) so'zshakli tobe va *qavatli uy* birikmasi unga hokim mavqeda bo'lib, bunda qavatli uylarning ko'pligi haqidagi ma'no anglashiladi. Ikkinchi holatda (*ko'p qavatli//uy*) esa *ko'p qavatli* birikmasi tobe, *uy* so'zshakli esa hokim mavqeda, birikmadan esa uyning qavatleri ko'pligi ma'nosi namoyon bo'lgan.

Sanash ohangi bir xil bo'lakning aloqasini ifodalaydi: *Oltin, kumush tosh bo'lar.* (Maq.)

Qo'shma gapning tarkibiy qismlari orasida ham turli: qarama-qarshilik (*Kunduzi issiq – kechasi sovuq*), shart (*Sen*

*kel – u boradi*), sabab (*Kecha borolmadim – mehmonlar kelib qoldi*) – ma’noviy munosabatlar mavjud.

Ko’rinadiki, ayrim o’rinda so’zlar va gaplarni bog’lashni ohangning o’zi bajaradi. Bog’lashni boshqa vositalar o’z zimmasiga olganda, ohangning roli kuchsizlanadi.

### **Savol va topshiriqlar**

1. Valentlik nima?
2. Tobe valentlik haqida gapiring.
3. Hokim valentlik haqida gapiring.
4. Valentlik va sintaktik aloqa haqida gapiring.
5. Leksik valentlik nima?
6. Sintaktik valentlik nima?
7. Morfologik shakl valentligi haqida gapiring.



## 2–BO‘LIM

### SODDA GAPNING LISONIY QURILISHI

#### Tayanch tushunchalar

*umumiylik, xususiylik, lison, nutq, lisoniy birlik, nutqiy birlik, qolip, hosila, andoza, kesim, kengaytiruvchi, lug‘aviy ma‘no, kesimlik kategoriyasi, kesimlik shakli, shakl, ma‘no, yig‘iq gap, yoyiq gap, bir tarkibli gap, ikki tarkibli gap, egali gap, egasiz gap, atov birligi*

**Gap qolipi.** Gap qolipi sintaksisning markaziy tushunchasidir. U qandaydir formal sxema emas, balki maxsus belgilardan iborat gap strukturasi ifodasidir. Tilshunos T.P.Lomtev ta‘riflaganidek, “gap qolipi – bu bir andoza, bu andoza asosida muayyan bir gap emas, balki bir necha har xil gaplar tuziladi...”<sup>1</sup>.

Gap qolipi – gapning asosiy grammatik va struktur xususiyatlarini o‘z ichiga olgan mavhum chizma. U gapning struktur elementlari orasidagi munosabatni ifodalab, umumiy grammatik ma‘nosini o‘zida mujassamlashtiradi. Gap qoliplarini berishda gap qurilishi hech qachon o‘zgarmaydi. *Gap qolipi* tushunchasining o‘zi ham bir struktura sifatida shart va zarur tarkibiy qismlardan tashkil topgan bo‘lishi lozim.

*Paxta mashinada terildi* gapining formulasi uchun asosiy tarkibiy qismlar, birinchidan, bosh kelishikdagi otning muayyan ega vazifasida kelishi, ikkinchidan, majhul nisbatdagi fe‘l-kesimning kesimlik vositalari bilan shakllanishi va o‘rin kelishigidagi muayyan ot bilan ifodalangan vositali to‘ldiruvchining kelishi. Buni shartli ravishda quyidagicha ko‘rsatish mumkin:  $[E_{ot}^{bosh\ kelishik} - T_{ot}^{o‘rin\ kelishigi} - K_{fe'l}^{majhul\ nisbat}]$ . Shunday qolip *Экин комбайнда ўрилди, Ҳосил машинада келтирилди, Хат компьютерда ёзилди* kabi ko‘plab gaplarda takrorlanadi. *O‘qituvchi kitobni o‘qidi* gapining qolipi yuqoridagidan farq qiladi:  $[E_{ot}^{bosh\ kelishik} - T_{ot}^{tushum\ kelishigi} - K_{fe'l}^{aniq\ nisbat}]$ . Bu qolip *Karim rasmni chizdi, Bola ovqatni yedi, Lola hovlini supurdi, Opam kinoni ko‘rdi, Ukam xatni yozdi, Tikuvchi ko‘ylakni tikdi* kabi gaplarda ro‘yobga chiqadi.

*Men kitobni o‘qidim* gapida yuqoridagi qolip juz‘iy farq

<sup>1</sup>Ломтев Т.П. Принципы построения формулы предложения // Филологические науки, – №51.

bilan takrorlanadi. Bu farq eganing ot bilan emas, balki olmosh bilan ifodalanganligida, ya'ni  $[E_{\text{olmosh}}^{\text{bosh kelishik}} - T_{\text{ot}}^{\text{tushum kelishigi}} - K_{\text{fe'l}}^{\text{aniq nisbat}}]$ .

Ko'rinadiki, bu qolip avvalgisidan qurilishi jihatdan emas, balki eganing ifodalanishi jhati bilan farqlanadi. Bir qolipda ega muayyan ot bilan, ikkinchisida esa olmosh bilan ifodalangan. Yuqorida keltirilgan misollardan xulosa qilish mumkinki, qolip – gapning mavhum chizmasi. Lekin ular tilning qurilish birliklarimi yoki nuqtdagi gaplarning qurilish qolipimi degan savol tug'iladi.

$[E_{\text{ot}}^{\text{bosh kelishik}} - T_{\text{ot}}^{\text{tushum kelishigi}} - K_{\text{fe'l}}^{\text{aniq nisbat}}]$  қолипи *U kitob o'qidi, Sarvarlar xat yozdilar* kabi gaplar bilan qiyoslansa, u nutqda voqelangan bir xil gaplarning qolipi ekanligi haqida xulosa chiqarish mumkin. Agar qolipni  $[E_{\text{ot}}^{\text{bosh kelishik}} - T_{\text{ot}}^{\text{o'rin kelishigi}} - K_{\text{fe'l}}^{\text{majhul nisbat}}]$  qolipi bilan solishtirsak va bu ikkala qolipni *Yangi ochilgan paxta terim mashinalarida tez va toza terildi, Ona tilidan yosh o'qituvchi kitobni qiziqib o'qidi* gaplarining qoliplari bilan taqqoslasak, keyingi gaplarning qolipi avvalgi qoliplarning kengaytirilgan ko'rinishi ekanligi ma'lum bo'ladi. Gaplarning bu turdagi qoliplari nutqdagi gaplarning qurilishini, ya'ni nutqda voqelangan gaplarning tipik tuzilishini aks ettiradi. Boshqacha aytganda, yuqorida ko'rib o'tilgan qoliplar nutqda voqelangan gaplarning mavhum chizmasi va nutqda gaplarning tuzilishi xilma-xil bo'lganligi sababli, bu qoliplar ham turli xil bo'ladi. Bu qoliplar nutqiy hosilalarning abstrakt sxemasi va lisoniy birlik bo'la olmaydi.

Formal-funksional tezislarda hozirgi zamon sistemaviy sintaksis tushunchalarini so'z valentligi nazariyasi bilan bog'lab qayta ko'rib chiqish turkiy tillar nazariy sintaksisi oldida yangi ufqlarni ochishi ta'kidlangan.<sup>1</sup> Quyida ko'rib o'tilgan qoliplarga shu nuqtai nazardan yondashishga harakat qilinadi.

*Men kitobni o'qidim, U xatni yozdi, Biz qushlarni ko'rdik, Siz bu gapni aytdingiz...* –  $[E_{\text{olmosh}}^{\text{bosh kelishik}} - T_{\text{ot}}^{\text{tushum kelishigi}} - K_{\text{fe'l}}^{\text{aniq nisbat}}]$  yoki *Ukam tarvuzni so'ydi, Dehqon urug'ni ekdi, O'qituvchi kitobni o'qidi...* kabi sodda yoyiq gaplar  $[E_{\text{ot}}^{\text{bosh kelishik}} - T_{\text{ot}}^{\text{tushum kelishigi}} - K_{\text{fe'l}}^{\text{aniq nisbat}}]$  qurilishini umumlashtirish asosida  $[E_{\text{ot/olmosh}}^{\text{bosh kelishik}} - T_{\text{ot/olmosh}}^{\text{tushum kelishigi}} - K_{\text{fe'l}}^{\text{aniq nisbat}}]$  qolipi hosil qilinganmi yoki shu, ya'ni  $[E_{\text{ot/olmosh}}^{\text{bosh kelishik}} - T_{\text{ot/olmosh}}^{\text{tushum kelishigi}} - K_{\text{fe'l}}^{\text{aniq nisbat}}]$  qolipi

<sup>1</sup>Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И. и др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (тезисы формально-функционального исследования) // Советская тюркология, 1984. – №5. – С. 3-9.

asosida *Salim kitobni o'qidi* tipidagi gaplar hosil qilinganmi degan masalani oydinlashtirish lozim. Agar qolip asosida gaplar hosil qilingan bo'lsa, bu qoliplar til birliklari bo'lib, o'zbek tili jamiyati a'zolari ongida tayyor butunliklar sifatida yashaydi va tilning qurilish (struktur) birliklari hisoblanadi. Aksincha, mohiyatan nutqiy hodisalar bo'lgan *Salim kitobni o'qidi, Men non yedim...* kabi gaplarning umumiy tomonlarini birlashtirish asosida  $[E_{ot/olmosh}^{bosh\ kelishik} - T_{ot/olmosh}^{tushum\ kelishigi} - K_{fe'l}^{aniq\ nisbat}]$  qolipi hosil qilingan bo'lsa, bu qolip lisoniy birlik emas, balki nutqdagi murakkab, ya'ni bir necha tarkibiy qismlardan iborat bo'lgan nutqiy hosilalarning umumiy chizmasi, tarhidir. Boshqacha aytganda, qoliplar gaplar asosida hosil qilinganmi yoki gaplar qolip asosida tuzilganmi degan savolga javob berish lozim. Buning uchun bir necha gaplarni va ularning qolipini qiyoslab ko'ramiz:

Gaplar	Qoliplar
<i>Salim/u kitobni o'qidi</i>	$[E_{ot/olmosh}^{bosh\ kelishik} - T_{ot}^{tushum\ kelishigi} - K_{fe'l}^{aniq\ nisbat}]$
<i>Salim/u akasidan qo'rqadi</i>	$[E_{ot/olmosh}^{bosh\ kelishik} - T_{ot/olmosh}^{chiqish\ kelishigi} - K_{fe'l}^{aniq\ nisbat}]$
<i>Salim/u maktabga boradi.</i>	$[E_{ot/olmosh}^{bosh\ kelishik} - H_{ot}^{jo'nalish\ kelishigi} - K_{fe'l}^{aniq\ nisbat}]$
<i>Salim/u maktabdan uyga qaytadi.</i>	$[E_{ot/olmosh}^{bosh\ kelishik} - H_{ot}^{chiqish\ kelishigi} - H_{ot}^{jo'nalish\ kelishigi} - K_{fe'l}^{aniq\ nisbat}]$
<i>Salim/u qizardi</i>	$[E_{ot/olmosh}^{bosh\ kelishik} - K_{fe'l}^{aniq\ nisbat}]$
<i>Moskvaga boriladi</i>	$[H_{ot}^{jo'nalish\ kelishigi} - K_{fe'l}^{majhul\ nisbat}]$
<i>Bu kitobni o'qisa bo'ladi</i>	$[A_{olmosh} - T_{ot}^{tushum\ kelishigi} - K_{fe'l}^{aniq\ nisbat}]$
<i>Otam-tajribal i o'qituvchi</i>	$[E_{ot}^{bosh\ kelishik} - A - K_{ot}]$
<i>Bu gul juda chiroyli edi</i>	$[A_{olmosh} - E_{ot}^{bosh\ kelishik} - K_{sifat}]$

Qoliplarni o'zaro qiyoslash ko'rsatadiki, barcha gaplar

uchun umumiy va zaruriy bo'lgan tarkibiy qism qaysi so'z turkumi va uning qanday shaklidan qat'i nazar, to'liq shakllangan (tasdiq/ inkor, mayl/zamon, shaxs/son ma'no va ko'rsatkichlarga ega bo'lgan) fe'l yoki ot bilan ifodalangan kesimdir.

Qoliplarning boshqa tarkibiy qismlari o'zgaruvchan, u yoki bu tarkibiy qism bo'lishi ham, bo'lmasligi ham mumkin. Bu fikr nafaqat aniqlovchi, to'ldiruvchi, holga, balki egaga ham tegishli. 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 8-, 9- gaplarda ot yoki olmosh bilan ifodalangan ega mavjud bo'lsa, 6-, 7- gaplarda ega umuman yo'q va bo'lishi ham mumkin emas. Vaholanki, *G'alabaga mana bu yo'ldan boriladi* tipli gaplar o'zbek nutqida bemalol ishlatiladi. 1-, 2- gaplar (*Salim kitobni o'qidi. Salim akasidan qo'rqadi*) ni o'zaro solishtirish asosida 1- gapda vositasiz to'ldiruvchining, 2- gapda vositali to'ldiruvchining kelishi gapda kesim vazifasida kelgan *o'qimoq* va *qo'rqmoq* fe'llarining boshqaruvi, lug'aviy ma'nosi bilan bog'liq ekanligi haqida xulosa chiqarish mumkin. 3-, 4-, 5-, 6- gaplarda to'ldiruvchi yoki hollarning bo'la olishi/olmasligi ham kesim vazifasida kelgan fe'llarning lug'aviy ma'nosi, ularning sintaktik va semantik valentliklari bilan bog'liq. *O'qimoq* fe'li o'z lug'aviy ma'nosi asosida *kitobni* so'zi bilan birikishni talab etsa, *bordi* so'zi *qayerga, qayerdan* kabi so'roqli hollar bilan birikishni talab qiladi. 1-, 2-, 3-, 4- gaplarning kesimida kelgan *o'qimoq, qo'rqmoq, bormoq, qaytmoq* fe'llari hosil qilgan qurilmalarni *қизармоқ* fe'li hosil qilgan qurilma bilan solishtirganda u yana ham aniq, ravshan bo'ladi. *Qizarmoq* fe'li o'z lug'aviy ma'nosi talabiga ko'ra hech qanday to'ldiruvchi bilan birikib kelolmaydi va faqat *kim, qachon, qayerda, nima sababdan...* so'roqlariga javob bo'lgan bo'laklar bilan birika oladi. Bu qizarmoq so'zining gapning kesimi vazifasida kelishi bilan emas, balki so'zning **lug'aviy ma'nosi** bilan bog'liq va *qizarmoq* so'zi gapda qanday vazifada kelmasin, shu kengaytiruvchilarga ega bo'la oladi. Chunonchi, *Qiz uning uyqusizligidan qizargan ko'zlariga qaradi*.

To'ldiruvchi va hollarning gapda mavjudligi kesim vazifasida kelgan so'zning sintaktik vazifasi bilan emas, balki lug'aviy ma'nosi bilan bog'liq ekanligi 1-, 7- misollarni 8-, 9- gaplar bilan solishtirganda yorqinroq namoyon bo'ladi. 8-, 9- gaplarda ham kesim mavjud, lekin to'ldiruvchilarning bo'lishi noaniq. Chunki bu gaplarning kesimi ot va sifat turkumiga mansub so'zlar bilan ifodalangan bo'lib, ot va

sifatlarning to'ldiruvchilar bilan birikishi cheklangan, ular aniqlovchilarni talab qiladi. Bu misollarni qiyoslashdan muhim xulosa chiqadi: Gap tarkibida u yoki bu turdagi to'ldiruvchi, hol va aniqlovchilarning bo'lish-bo'lmasligi gap kesimining qanday so'z bilan ifodalanganligi va bu so'zning lug'aviy ma'nosi bilan bog'liqdir.

Bundan gapning qanday bo'laklarga, ya'ni to'ldiruvchi va holga ega bo'lishi, aniqrog'i, qanday qolip hosil qilib, gapda kesim bo'lib kelishi kesim vazifasida kelgan so'zning lug'aviy ma'nosiga – semantik valentligiga bog'liqligi kelib chiqadi. Demak, **yuqorida ko'rib o'tilgan qoliplar tildagi gap qoliplari emas**, balki nutq birliklari bo'lgan, nutq hosilalari bo'lgan gaplarning tipik ko'rinishlari, qurilish tarhlaridir. Gaplar yuqorida ko'rsatilgan qoliplar asosida emas, balki qoliplar nutqiy hosilalarning abstraksiyasi, mavhum ko'rinishi sifatida hosil qilingan. Ko'rilgan qoliplar birlamchi, gaplar ikkilamchi emas, balki, aksincha, nutqiy hosilalar (gaplar) struktur sintaksisda gap qoliplari deb yuritiladigan umumlashmalarga nisbatan birlamchidir.

Lisoniy birlik hech qachon nutq birligiga nisbatan ikkilamchi bo'lolmaydi. Zero nutq lisonning voqelanishi, yuzaga chiqishidir. Shuning uchun lisoniy birlik nutqda turli ko'rinishda chiqadi va ular nutqiy ko'rinishlarning umumlashmasi bo'lishi mumkin emas. Bu esa yuqorida ko'rilgan qoliplarning ham lisoniy birlik bo'lolmasligini ko'rsatadi.

**O'zbek tilida qo'llaniladigan gaplardagi umumiylik.** Gaplar nutqiy hosila sifatida cheksiz ko'rinishga ega bo'lmasin, ular lisonda alohida umumiylikka ega bo'lishi va bu umumiylikning zarrasi nutqdagi istagan gapda mavjud bo'lishi shart va zarur. O'zbek nutqida qo'llanadigan gaplarda bu umumiylik nimadan iborat degan savol tug'iladi. Buning uchun yuqorida keltirilgan to'qqizta gap va ularning qoliplariga murojaat etamiz.

Barcha gaplar uchun umumiy va zaruriy bo'lgan hamda bu gaplarda ham mavjud bo'lgan tarkibiy qism nima?

1– jadvaldagi misollar asosida bu savolga javob berish qiyin emas. Gaplardagi zaruriy va umumiy bo'lak – kesim. Lekin uning o'zi gap tarkibidan aniqlanishi lozim. Shuning uchun “gap kesim va unga aloqador kengaytiruvchilardan iborat” deb ayta olmaymiz, chunki bu ta'rifda “kesim” va “ga p” tushunchalari bor bo'lib, ulardan kesim faqat gap orqaligina aniqlanishi mumkin, ya'ni kesimni aniqlashdan

oldin gapni aniqlash lozim degan fikr kelib chiqadi. Demak, kesimni gap asosida emas, balki gapdan tashqarida turgan boshqa bir hodisa orqali aniqlash zarur.

Gaplarning barchasi uchun umumiy bo'lgan kesimga diqqat qilib qaralsa, uning ikki tarkibiy qismdan iborat ekanligini ko'rish mumkin. Birinchi qism mustaqil so'z turkumiga mansub birlik bo'lib, u ma'lum bir lug'aviy ma'no – harakat-holat, narsa-buyum, belgi-xususiyat, son-miqdor ma'nolarini ifodalab keladi. Bu qismni "lug'aviy ma'no ifodalash qismi" deb ataymiz. Yuqorida keltirilgan to'qqiz gapimizda lug'aviy ma'no ifodalovchi qismlar quyidagilar: *o'qi-; qo'rq-; bor-; qayt-; qizar-; boril-; o'qisa bo'l-; o'qituvchi-; juda chiroyli-*.

Lug'aviy ma'no ifodalovchi qismdan keyin kesimlik kategoriyasining ko'rsatkichlari – gap kesimini shakllantirib, tasdiq/inkor, mayl/zamon, shaxs/son ma'nolarini ifodalab keluvchi vositalar keladi. Yuqoridagi gaplarimizda bular quyidagilar: *-di; -adi; -adi; -di;-adi; -adi; -dir; -edi*.

Buni quyidagicha jadvalda ko'rsatishimiz mumkin: (2-jadval)

Lug'aviy ma'noli qism	Kesimlik ko'rsatkichlari qismi
<i>o'qi-;</i>	<i>-di;</i>
<i>qo'rq-;</i>	<i>-adi;</i>
<i>bor-;</i>	<i>-adi;</i>
<i>qayt-;</i>	<i>-adi;</i>
<i>qizar-;</i>	<i>-di;</i>
<i>boril-;</i>	<i>-adi;</i>
<i>o'qisa bo'l-;</i>	<i>-adi;</i>
<i>o'qituvchi-;</i>	<i>-dir;</i>
<i>juda chiroyli -;</i>	<i>Edi.</i>

Agar biz lug'aviy ma'no ifodalovchi qismning mohiyatan so'zga teng ekanligini, bu so'z o'z sintaktik va semantik valentligiga ega bo'lib, nutqda kengayishi, turli so'z va grammatik shakl bilan birikib kela olish qobiliyatiga ega ekanligini hisobga olsak, kesimlikning lug'aviy ma'no ifodalovchi qismi o'z kengaytiruvchilari bilan quyidagi shaklga ega bo'ladi:

- 1) *kitobni o'qi-;*
- 2) *xudodan qo'rq-;*

- 3) *maktabga bor-*;
- 4) *maktabdan uyga qayt-*;
- 5) *qizar-*;
- 6) *Moskvaga boril-*;
- 7) *bu kitobni o'qisa bo'l-*;
- 8) *tajribali o'qituvchi-*;
- 9) *juda chiroyli-*.

Demak, kesimning ifodalovchi qismi soʻz yoki soʻz birikmasiga teng boʻladi. Keltirilgan misollarimizda, masalan, *qizar* – alohida soʻz, *juda chiroyli* – soʻzning analitik shakli (sifatning orttirma darajasi), *o'qisa bo'l* – qoʻshma fe'l, *tajribali o'qituvchi* – otli soʻz birikmasi. Maʼlumki, soʻz ham, soʻz birikmasi ham tilda bir xil – atash, nomlash vazifasini oʻtaydi va bu jihatdan soʻz va soʻz birikmasi birlashib ketadi<sup>1</sup>. Kesim tarkibida uning lugʻaviy maʼno ifodalovchi qismi sifatida alohida soʻzning ham, soʻz birikmasining, yaʼni tilning atash vositalari kela olishi sababli, kesimning bu qismini bir shartli belgi (ishora, ramz) bilan belgilash lozim boʻladi. Formal-funksional tezislar mualliflari kesimning bu tarkibiy qismini [W] bilan beradilar.<sup>2</sup> [W] soʻz va soʻz birikmasinigina emas, balki bir necha soʻz va soʻz birikmalarini ham oʻz ichiga olishi mumkin. Chunki [W] tarkibida keladigan har qanday soʻz oʻzining sintaktik va semantik valentligi asosida kengayishi, bu kengaytiruvchilarning oʻzi, oʻz navbatida, yanada kengayishi, kengayganlar esa yana kengayib ketaverishi mumkin. Bunda [W] ning tarkibi bir-biriga tobelangan, biri ikkinchisini kengaytiradigan soʻz va soʻz birikmalarining pogʻonali zanjiriga oʻxshab ketadi. Chunonchi, *Biz borini Vatan ravnaqiga tikkan, jon olib jon bergan kishilar toifasidanmiz* gapida kesimning lugʻaviy maʼno anglatuvchi qismi – *toifasidan* soʻzshakli. Lekin kesimning lugʻaviy qismi yakka holda emas, oʻzining kengaytiruvchisi *kishilar* soʻz formasi bilan, bu kengaytiruvchi esa *tikkan* va *jon bergan*, bular ham oʻz navbatida oʻz kengaytiruvchilari bilan kelgan va buni quyidagi chizmada berish mumkin:

<i>Toifasidanmiz</i>		
<i>kishilar</i>		
<i>Biz</i>	<i>tikkan</i>	<i>jon olib jon bergan</i>
	<i>ravnaqiga</i>	

<sup>1</sup>Soʻz birikmasi va soʻzning maʼno jihatdan atash vazifasini bajarishi tilshunosligimizda isbot talab qilmay hodisadir. Qiyoslang *старший брат – aka, младшая сестра – singil* kabi.

<sup>2</sup>Bu inglizcha *word* – soʻz, *word group* – soʻz birikmasi atamalarining bosh harfi.

	<i>borini</i>	<i>vatan</i>	
--	---------------	--------------	--

Chizmada quyida turgan birliklar yuqoridagi birlikning kengaytiruvchisi hisoblanadi. Lisoniy qurilish uchun [W] deb faqat *toifasidan* soʻz shaklini qabul qilishimiz yoki bu soʻzning kengaytiruvchisi (*kishilar*) ni, bu kengaytiruvchining navbatdagi kengaytiruvchilari (*tikkan, jon olib, jon bergan*) va h. ni berishimiz ahamiyatsiz. Chunki bularning barchasi *toifasidan* soʻzining kengaytiruvchilari, kengaytiruvchilarning kengaytiruvchilari va h. Bu kengaytiruvchilarning bor-yoʻqligi, bir yoki bir necha soʻz bilan ifoladalanligi gapning mohiyatiga, tildagi qurilish qolipi uchun ahamiyatsiz. Kengaytiruvchilarning boʻlish-boʻlmasligi gap qolipining nutqda voqelangan muayyan bir shaklga ega boʻlgan xususiy koʻrinishiga aloqador boʻlib, soʻzning nutqiy kengaytirilishi bir gap doirasida emas, turli sharoitlarda boʻlishi mumkin. Yuqorida keltirilgan gapning biroz boshqacha qurilishini olaylik:

1. *Borini Vatan ravnaqiga tikkan, jon olib jon bergan kishilar toifasi bor. Biz shu toifadan.*

2. *Odamlar borki, borini Vatan ravnaqiga tikadi, jon olib jon beradi. Biz shu toifadanmiz.*

3. *Jonini Vatan ravnaqiga tikkan, jon olib jon bergan odamlar. Biz shundaylar toifasidanmiz.*

4. *Biz borini Vatan ravnaqiga tikkan, jon olib jon bergan kishildanmiz.*

Birinchi gapda kesimning lugʻaviy qismi, yaʼni [W] *shu toifadan* birikmasi bilan berilgan, *shu* ning maʼnosi *borini Vatan ravnaqiga tikkan, jon olib jon bergan kishilar toifasi* birikmasi orqali gap tarkibida emas, balki mikrotekst doirasida ochiladi. Shuning uchun [W]ning bir soʻz bilan yoki bir necha soʻz bilan yoxud soʻz birikmalari zanjiri bilan berilishining til qurilishiga ahamiyati yoʻq. [W] bir soʻz bilan berilib, uning kengaytiruvchilari shu yoki boshqa gap tarkibida berilishi lisoniy qurilish uchun ahamiyatsiz. Shu sababli [W] deganda, yuqoridagi misolda faqat *toifasidan* soʻz shaklini ham, *borini Vatan ravnaqiga tikkan, jon olib jon bergan kishilar toifasidan* birikmalar zanjirini ham qabul qilish mumkin. Shuning uchun lisoniy umumlashmalar, til jamiyati uchun tayyor, majburiy va umumiy boʻlgan qonuniyatlar va imkoniyatlar bosqichida [W] ning alohida soʻz yoki soʻz kengaytiruvchilari bilan birgalikda kelgan soʻz va



uning kengaytiruvchilari silsilasining qabul qilinishi bir xil. Bunda asosiy shart [W] holatida istagan turdagi atash, nomlash vazifasini bajara oladigan minglab til vositalaridan bittasining kela olishidir. Shuning uchun subtansial tahlil jarayonida [W] faqat kesimning o'zinigina emas, balki kesim vazifasida kelgan so'zning kengaytiruvchilarini ham o'z ichiga qamrab olaveradi. Boshqacha aytganda, gapning aktual bo'linishi nazariyasida kesim tarkibi yoki rema deb ataluvchi qism mana shu [W] ga teng bo'ladi. Shunday qilib, 2-jadvalda "kesimning lug'aviy ma'no ifodalovchi qismi" deb atagan qismimiz, ya'ni *o'qi-, qo'rq-, bor-, qayt-, qizar-, boril-, o'qisa bo'l-, o'qituvchi-, juda chiroyli* - mohiyatan [W] ga to'g'ri keladi va yuqoridagi ma'noga ishora qilish uchun shu ramzdan izchil foydalanishga harakat qilamiz.

Kesimning tarkibiy qismlari keltirilgan 2- jadvaldagi birinchi qism (kesimning lug'aviy ma'no ifodalovchi qismi) [W] ga to'g'ri kelsa, uning ikkinchi tarkibiy qismi (kesimning kesimlik ko'rsatkichlari qismi) nimaga to'g'ri keladi? Jadvalda keltirilgan misollardan ko'rinib turibdiki, kesimning ikkinchi tarkibiy qismi tasdiq/inkor, mayl/zamon, shaxs/son ma'nolarini ifodalovchi qo'shimchalar bo'lib, ular yuqorida ko'rsatilgan ma'nolarni ifodalash bilan birga, o'zlari qo'shib kelgan so'z formalarining kesim vazifasida kelayotganligini bildiradi.

Kesimlik kategoriyasining turkiy tillar grammatik kategoriyalari ichidagi o'rni Sh.Shahobiddinova tomonidan maxsus o'rganildi va quyida uning nomzodlik dissertatsiyasi ilovasidagi kesimlik kategoriyasi haqidagi xulosalarini alohida keltiramiz:

1. **"Kesimlik kategoriyasi."**<sup>1</sup> Bu kategoriya shakllarining ma'nolari murakkab bo'lib, ularni quyidagicha ko'rsatish mumkin:

2. Shaxs ma'nosi.
3. Son ma'nosi.
4. Zamon ma'nosi.

---

<sup>1</sup> O'zbek tilshunosligida bu kategoriya maxsus ajratilmaydi va shuning uchun o'rganilmagan. Umumlingvistik adabiyotda (I.I.Meshanikov, A.I.Smurnitskiy va boshqalar) odatda, predikativlik kategoriyasi ajratiladi (qarang: Банару В.И.Очерк по теории предикативности. – Кишинёв: Штиинца, 1978. – Б. 42). Kesimlik kategoriyasi maxsus morfologik kategoriya sifatida formal-funksional tahlil tezislari da ajratilgan (Нигматов Х.Г. и другие. Структура предложения и актуальные вопросы тюркских языков // Совнтская тюркология. – №5. 1984. – С.3 – 9). Predikativlik kategoriyasini kesimlik kategoriyasi bilan aralashtirmaslik kerak. Predikativlik mantiqiy kategoriya bo'lib, harakat va uning bajaruvchisi, belgi va uning sohibi kabi voqelikdagi munosabatlarning inson ongida aks ettirilishidir. Kesimlik kategoriyasi esa sof morfologik kategoriya bo'lib, gap kesimini shakllantiradi.

5. Mayl-munosabat ma'nosi.

6. Tasdiq-inkor ma'nosi.

1) Kesimlikni shakllantirish va gapning egasi bilan bog'lash vazifasi.

2) Birinchidan beshinchigacha bo'lgan ma'nolar kesimlik kategoriyasi mohiyatining ma'noviy tomonini tashkil etadi. Oltinchi ma'no esa uning mohiyatida sintaktik tomonni tashkil etadi. Shu turdagi ikki xil ma'no birikishidan kesimlik kategoriyasining UGM (umumiy grammatik ma'no) si hosil bo'ladi. Bu UGM cheksiz xususiy ma'nolar shaklida nutqda voqelanadi.

3) Kesimlik kategoriyasining voqelanishi ikki guruh shakllar vositasida bo'ladi:

4) ismlarning kesim shakli;

5) fe'lning kesim shakllari<sup>1</sup>.

Olima xulosalaridan ko'rinib turibdiki, 2-jadvalda berilgan "kesimning kesimlik ko'rsatkichlari qismi" uyasida ko'rsatilgan qo'shimchalar mohiyatan kesimlik qo'shimchalari bo'lib, bu kategoriya fe'llarda tushlangan fe'l (verbum finitum – oxirgi fe'l, tugallangan fe'l) shaklini, ismlarda esa ismlarning kesim ko'rinishini shakllantiradi. Yuqorida keltirilgan "Tezislar" mualliflari bu morfologik kategoriya fe'llarda o'nlab turli usul va vositalar bilan ifodalashni mumkinligini eslatib o'tib, bu masala alohida tadqiqot manbai bo'lishini uqtirganlar.

Demak, turkiy tillar, jumladan, o'zbek tilida vositasiz to'ldiruvchini shakllantiruvchi tushum kelishigi, ot aniqlovchini shakllantiruvchi qaratqich kelishigi morfologik shakllariga kabi gap kesimini shakllantiruvchi maxsus morfologik ko'rsatkichlar sirasi borki, ular so'zning alohida bir sintaktik vazifadagi shaklini – kesimlik shaklini yasashga xizmat qiladi. Biz 1-jadvalda [WPm] ramzi bilan, 2-jadvalda – "kesimning kesimlik ko'rsatkichlari qismi" uyasida keltirilgan xilma-xil qo'shimchalar mohiyatan shu morfologik kategoriyaning turli shakllari bo'lib, turli mayl, zamon, shaxs-son ma'nolari bilan bir kategoriya – kesimlik kategoriyasi shakllarini yasashga xizmat qiladi. Bu morfologik kategoriya shakllarining umumiy belgisi sifatida tezislar muallifi [Pm] ramzini<sup>2</sup> таклиф этишган. Chunonchi, *Mard bo'lsangiz, maydonga chiqing!* gapida *mard bo'l* – bitta

<sup>1</sup> Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: Филол.фанлари номз. ...дисс. – Самарқанд, 1993.

<sup>2</sup> [Pm] ramzi "predikatsiya" va "marker" so'zlarining bosh harflaridan olingan.

[W] ga teng bo'lsa, – *sangiz* qismi [Pm] shaklidir, *maydonga chiqing* gapida esa *chiq* – [W] ga, – *ing* esa [Pm]ga teng. *Mard bo'lsangiz* gapida [W] *mard bo'l* kengaytiruvchisida kelgan, *maydonga chiqing* gapida esa bu [W] o'zining kengaytiruvchisi *maydonga* so'z shakli bilan kelgan. Bundan xulosa qilish mumkinki, yuqoridagi gapning qisqacha qolipi [1-WPm], [2-WPm] dir va bu yerdagi har bir [WPm] alohida bir gap shaklida voqelanuvchi ko'plab gaplarning eng kichik umumiy qolipi sifatida baholanishi mumkin. Faqat mana shundan keyingina biz gapga til birligi sifatida ta'rif berish, uning mohiyatini aniqlash imkoniyatiga egamiz. Gap til bosqichida atov birliklarining kesimlik kategoriyasi ko'rsatkichlari bilan shakllangan ko'rinishidir. Bu toifadagi "kesimlik kategoriyasi" iborasi sintaktik mohiyat – kesim tushunchasini o'z tarkibiga olganligi bilan o'quvchini shubhalantirmasligi kerak, chunki "kesimlik kategoriyasi" tushunchasi gapdan hosil qilinadigan kategoriya bo'lmay, so'zning ma'lum shaklini, ma'lum bir formasini yasaydigan morfologik vositasidir. Buni "kesimlik" demasdan, har qanday boshqa bir nom bilan atash mumkin edi. Lekin "kesimlik" atamasini ishlatish juda qulay, chunki kesim vazifasida kelish mazkur morfologik kategoriyaning sintaktik mohiyatini tashkil etadi. Bu jihatdan u mohiyatan "vositasiz to'ldiruvchi kelishigi", "ot aniqlovchi kelishigi" kabi atamalariga o'xshaydi. Zero, "vositasiz to'ldiruvchi kelishigi" tushum kelishigining sintaktik vazifasiga ko'ra nomlanishi bo'lsa, "ot aniqlovchi kelishigi" qaratqich kelishigining boshqacha atamasidir. Shuningdek, "kesimlik kategoriyasi" ham so'zning ma'lum bir formasini, shaklini shu formaga birlashtirilgan sintaktik vazifa jihatdan nomlashdir. Yuqorida berilgan ta'rifda til bosqichidagi gapning mohiyati – [WPm] sintaktik tushunchalar, gap qurilishi bilan aloqador bo'lgan birliklar asosida emas, balki tilning boshqa ikki sathi – atash, nomlash vositalari sathi va so'zni nutqqa kirgizish uchun maxsus ko'rsatkichlar bilan shakllantirish – morfologiya sathi birliklari asosida aniqlanadi. Bu yerda [W] tilning atash, nomlash sathi birliklariga teng bo'lsa, [Pm] so'zining maxsus morfologik shakli – kesimlik kategoriyasi ramzidir. Gap mohiyatini [WPm] sifatida belgilash nafaqat gapning tildagi mohiyatini ochib berishga, balki tilshunoslikdagi qator chigal muammolarni yechishga, sodda va qo'shma gaplar orasidagi farqlarni to'g'ri belgilashga, tilshunosligimizda nihoyasiga yetkazilmagan qator fikrlarni, kuzatishlarni asosli ravishda

xulosalashga imkoniyat yaratib beradi.

**[WPm] ning nutqda voqelanish turlari.** Gapning eng kichik qolipi, til birligi, imkoniyat va umumiylik sifatida ongda yashovchi [WRm] har qanday ong birligi sifatida bevosita kuzatishga berilmagan, ya'ni [WRm] ni butun xilma-xilligini hech qachon sezgi a'zolari bilan anglay olmaymiz. Faqat ong uni butun murakkabligi bilan qamray oladi. Zero ong [WRm]ni gapning umumiyliigi va imkoniyati sifatida umumlashtirar ekan, [WRm]ning tarkibiy qismlari bo'lgan [W] ning ham, [Rm]ning ham yuz minglab juz'iy xususiyatlaridan ko'z yumadi. Chunonchi, [W] vazifasida minglab o'zbekcha so'zlardan har qandayi kela oladi va har biri alohida xususiylik bo'lib, qator o'ziga xosliklarga egadir. Gapning umumiy qolipi shakllantirilganda shu so'zlarning juz'iy xususiyatiga (ma'nosi, turkumi, uslubi, bo'yog'i va h.k.) e'tibor berilmadi va barcha so'zlar uchun umumiy bo'lgan bitta xususiyat – nutqda atash, nomlash qobiliyatiga tayanildi. [WRm]ning [W] qismi o'rnida nafaqat oddiy so'zlar, balki so'zlarning xilma-xil birikishidan tuzilgan so'z birikmalari ham kelishi mumkin va bu so'z birikmalarining har birida o'ziga xos xususiyatlar bor. [WRm] qolipida [W] o'rnini egallay oladigan birliklar sirasiga so'z birikmalari ham kiritilar ekan, miqdoran cheksiz so'z birikmalarining har biri uchun xos bo'lgan juz'iy xususiyatlarni e'tiborga olmay, ularning bitta umumiy xususiyati, qobiliyati – atash, nomlash vazifasini bajara olishiga tayanildi. Bu fikrni [WRm]ning [Rm] qismiga nisbatan ham aytish mumkin. [Rm]ning o'zbek tilida yuzdan ortiq yuzaga chiqish shakllari mavjud. Har bir shaklning juz'iy xususiyatlarini e'tiborga olmay, barcha shakllar uchun umumiy bo'lgan tasdiq/inkor, mayl/zamon, shaxs/son ma'nolarining birgalikda ifodalanishiga tayanib, [Rm] bir butunlik sifatida olindi. [W] ham, [Rm] ham nutqda cheksiz ko'p turda voqelanadi. Ularning barchasini hech qachon qayd etib bo'lmaydi. Chunki o'zbek nutqida qo'llanilgan, qo'llanilayotgan va kelgusida (o'zbek tilida gapning yangicha qurilish qolipi rivojlanmaguncha) qo'llaniladigan barcha gaplarda [WRm] u yoki bu shaklda voqelanadi. [WRm] gapning eng kichik qolipi, til birligi sifatida nutqdagi yozma va og'zaki, imo-ishora va boshqa shakldagi gaplar sifatida voqelanadi. Lekin fonema va morfemalarning cheksiz nutqiy ifodalanish shakllarini ma'lum bir ko'rinish xillari, tiplariga, cheksiz xususiy grammatik ma'nolarni oraliq grammatik ma'nolarga birlashtirganimizdek (bunday oraliq birliklar

sistemaviy tilshunoslikda *allo* nomi bilan ataladi: *allofon*, *allomorf* va h.), [WRm] ning cheksiz nutqiy voqelanish shakllarini umumiylik bilan, ya'ni [WRm], uning muayyan voqelanishi – nutqdagi muayyan gaplar oralig'ida turgan [WRm] turlarini, ya'ni “allogap”larini ajratish va sanab o'tish mumkin.

[WPm] ning nutqda voqelanishida [W] vazifasida chiqq oladigan birliklarning ham, [Pm] o'rnini egallay oladigan birliklarning ham xususiyatlari hisobga olinishi zarur.

1. [W] ifodalanishi shakllariga ko'ra dastlab ikki turga bo'linadi:

a) [W] vazifasida ot, sifat, son, olmosh, ravish turkumiga oid so'zlar keladi;

b) [W] vazifasida fe'l keladi;

Kesimning ot yoki fe'l bilan ifodalanish xususiyatlari o'zbek tilshunosligida nutq bosqichida keng o'rganilganligi uchun bu masalaga to'xtalinmaydi. Shuning uchun [W]ning ifodalanish shakllariga ko'ra gap markazi fe'lli yoki otli kabi ikki an'anaviy turga ajratiladi.

2.[Pm] ifodalanishiga ko'ra 3 turga ega:

2.1.[Pm] ma'nolarining yig'iq ifodalanishi:

a) fe'l-kesimlarda: *Yoz!*, *Yozgin!*, *Borayva* h.k.

b) ot-kesimlarda: *O'qituvchiman*;

2.2.[Pm] ma'nolarining yoyiq ifodalanishi:

a) fe'l [W] li gaplarda: *Yozmasaydingiz*.

b) ot [W]li gaplarda: *O'qituvchidirman*.

2.3.[Pm] ma'nolarining tafsiliy usul bilan ifodalanishi:

a) fe'l [W] li: *Olgan bo'lsangiz*; *O'qisa bo'ladi*.

b) ot [W] li: *O'qituvchi esam*; *Bahor edi*.

Demak, [W] nutqda fe'l yoki ot tarzida ifodalanib, yig'iq, yoyiq yoki analitik tarzda shakllantirilgan bo'lishi mumkin va mana shu shakllarning birida nutqda yuzaga chiqadi. [WPm] o'zining yig'iq ko'rinishida gapning kesimida o'z aksini topadi. Shuning uchun gap qolipi [WPm] sifatida talqin qilinganda, kesimlik ko'rsatkichlari bilan shakllangan kesim vazifasidagi so'z gapning markazi, bosh bo'lagi sanalishi lozim. Uning eng yig'iq shakli moddiy jihatdan [Pm] ko'rsatkichlariga ega bo'lgan bir so'zga teng bo'ladi. Chunonchi, *Yoz!*, *Yozgin!*, *Keldim*, *Bahor*, *O'qituvchiman*, *Borish kerak*, *O'qisa bo'ladi*.

Yig'iq sodda gaplarning mohiyati shundan iboratki, bunday gaplar faqat bitta so'z bilan ifodalangan bo'lib, bir markazdan iborat bo'ladi. Shu bir so'z yoxud bir markazda

gapning gap bo'la olishi uchun zarur va majburiy bo'lgan barcha elementlar mujassamlangan bo'ladi.

Yig'iq gaplar nutq sharoitida fikr almashtirish jarayoni talablariga ko'ra kengayishi mumkin. Bu kengayish ikki omil hisobida bo'lishi mumkin:

1.[WPm] ning fikr va hukmga aloqador bo'lgan tasdiq/inkor, mayl/zamon, shaxs/son ma'nolari, ya'ni [Pm] asosida;

2.Kesimning lug'aviy ma'nosini ifodalab kelayotgan so'zning valentligi (ma'noviy kengaytiruvchilari) asosida.

**Yig'iq gaplarning [Pm] asosida kengayishi.** Ma'lumki, [Pm] ning ma'no tarkibi tasdiq/inkor, mayl/zamon, shaxs/son kabi tarkibiy qismlardan iborat. Bu tarkibiy qismlarning har biri asosida [WPm], uning nutqdagi eng qisqa ko'rinishi – yig'iq gaplar kengayishi mumkin. [Pm]ning har bir ma'no tarkibi asosida yig'iq gaplarning kengayishi o'z xususiyatlariga ega va, ko'pincha, mayl, zamon shakllarining ma'nolari bilan aloqadordir. Lekin [Pm] tarkibidagi bir ma'no turi, aniqrog'i, shaxs/son ma'nosi asosida yig'iq gapning kengayishi gap qurilishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bu ham bo'lsa, gap tarkibida eganing bo'la olish/olmasligi masalasidir.

Ma'lumki, ega gap qurilishida aniqlovchi, to'ldiruvchi, holdan boshqacharoq mavqega ega. Formal tilshunoslikda ikkinchi darajali bo'laklar deb ataladigan bu bo'laklarning in'ikosi (aksi, simvoli, ishorasi) [WPm] tarkibida yo'q. Lekin egaga ishora [Pm] tarkibida mavjud.

Qandaydir ishorasining gapning markazi, bosh bo'lagi bo'lgan kesimda bo'lishligi egani gap qurilishida boshqa gap bo'laklaridan farqli o'rin tutishini ko'rsatadi.

Ega gapning qurilishi uchun majburiy, zaruriy bo'lak mavqeini egallamasa ham, aniqlovchi, to'ldiruvchi, holdan yuqori mavqega ega, chunki uning belgilari [WPm] tarkibida mavjud. Shuning uchun [WPm] yig'iq ko'rinishda bo'lgan kesim gap markazi, gapning bosh bo'lagi deb baholansa, egani gapning birinchi darajali bo'lagi deb baholash mumkin. Yig'iq sodda gaplarda eganing bosh bo'lakda ishora orqali tiklash mumkin yoki mumkin emasligiga ko'ra yig'iq sodda gaplar ikki turli bo'ladi (ot markazli gaplar ham, fe'l markazli gaplar ham)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Quyida sodda gaplarning turlari bo'yicha bayon etiladigan barcha fikrlar ot markazli va fe'l markazli, kesimlik qo'shimchalari

Ҳар бир кейинги бўлинишда бу иккиланувчи ёки учланувчилар (ажратиладиган турларига кўра прогрессия асосида) кўпайиб кетаверади. Шунинг учун бу ҳамма вақт от кесимли, феъл кесимли йиғиқ-ёйиқ кесимлилик кўринишларига алоқадордир.

a) ikki tarkibli gaplar;

b) bir tarkibli gaplar;

Ikki tarkibli yig'iq sodda gaplarda kesim tarkibidagi shaxs/son ko'rsatkichlari asosida gapning egasi tiklanishi mumkin:

*Keldim* → *Men keldim*

*Boradi* → *U boradi*

1. Bir tarkibli yig'iq sodda gaplarda kesim tarkibida III shaxs birlik son ma'nosiga ishora bo'lsa ham, gapning egasini tiklash mumkin emas. Chunonchi, *Boriladi, O'qisa bo'ladi, Aytish mumkin, Bahor edi* va h.k.

2. Ega gapda ifodalangan va ifodalanmaganligiga ko'ra ikki tarkibli sodda gaplarning o'zi yana 2 turli bo'ladi:

3. a) ikki tarkibli egali sodda gaplar;

4. b) ikki tarkibli egasiz sodda gaplar;

5. Faqat ega bilan kengaygan ikki tarkibli sodda gapga nisbatan sodda yig'iq gap an'anaviy tushunchamizni ishlatishimiz mumkin.

6. Shunday qilib, gaplarning [W]ning, [Pm]ning ifodalanishi va [Pm] asosida kengayishiga ko'ra quyidagi turlarini berish mumkin (Qarang: 3-jadval).

7. I. Bir tarkibli gaplar.

8. 1. Ot markazli yig'iq kesimlik qo'shimchali yig'iq sodda gap.

9. 2. Ot markazli yoyiq kesimlik qo'shimchali yig'iq sodda gap.

10. 3. Ot markazli analitik kesimlikli yig'iq sodda gap.

11. 4. Fe'l markazli yig'iq kesimlikli yig'iq sodda gap.

12. 5. Fe'l markazli yoyiq kesimlikli yig'iq sodda gap.

13. 6. Fe'l markazli analitik kesimlikli yig'iq sodda gap.

14. II. Ikki tarkibli gaplar.

15. Ikki tarkibli egasiz ot markazli yig'iq kesimlikli yig'iq sodda gap.

16. Ikki tarkibli egasiz ot markazli yoyiq kesimlikli yig'iq sodda gap.

17. Ikki tarkibli egasiz ot markazli analitik kesimlikli yig'iq sodda gap.

18. Ikki tarkibli egasiz fe'l markazli yig'iq kesimlikli yig'iq sodda gap.

19. Ikki tarkibli egasiz fe'l markazli yoyiq kesimlikli yig'iq sodda gap.

20. Ikki tarkibli egasiz fe'l markazli analitik kesimlikli yig'iq sodda gap.

21. Ikki tarkibli egali ot markazli yig'iq kesimlikli sodda gap.

22. Ikki tarkibli egali ot markazli yoyiq kesimlikli sodda gap.

23. Ikki tarkibli egali ot markazli analitik kesimlikli sodda gap.

24. Ikki tarkibli egali fe'l markazli yig'iq kesimli sodda gap.

25. Ikki tarkibli egali fe'l markazli yoyiq kesimlikli sodda gap.

26. Ikki tarkibli egali fe'l markazli analitik kesimli sodda gap.

**Yig'iq sodda gaplarning [W] asosida kengayishi.** [W] asosida kengayish [W] vazifasida kelgan so'zning semantik valentligi asosida kengayishidir. Albatta, so'zning kengaytiruvchilari va gap bo'laklari orasidagi munosabatlar alohida tadqiqot manbai. Lekin gapning qurilishi, nutqda voqelangan gaplarning qoliplari haqida so'z ketganda, bu masalaga ma'lum darajada to'xtalish zarur. Nutq chiziq, tizma tabiatiga ega<sup>1</sup>. Nutqning tizimliliigi nutqda chiqqan har bir hodisaning ketma-ketligini talab qiladi. So'zning kengaytiruvchilari (so'zning semantik valentliklarining aktantlari) ham nutqda birin-ketinlik bilan – kengaytiruvchi (tobe) kengayuvchidan (hokimdan) oldin keladi va, albatta, gap qurilishida – voqelangan gap qolipida alohida bir o'rin olib, gapning voqelangan qurilishiga ta'sir etadi.

[W]ning kengaytiruvchilari mohiyatan so'z valentligining aktantlari bo'lganligi sababli, gap qurilishida ma'lum bir o'rinni egallaydigan bu kengaytiruvchilarning tabiati [W] o'rnida qanday so'z kelganligi bilan bog'liq. Shuning uchun [W] vazifasida ot yoki fe'lning kelishi gap qurilishida qanday bo'laklarning bo'la olishini belgilaydi. [W] ot bilan ifodalangan hollarda gapda, asosan, aniqlovchilar va qisman hollar, fe'llar bilan ifodalangan taqdirda esa hollar va to'ldiruvchilar bilan birga, keyingilar, ya'ni hol va to'ldiruvchi tarkibida aniqlovchilar ham kela oladi. [Pm] ifodasi bilan bog'liq bo'lgan ega vazifasida kelgan so'zning ham o'z kengaytiruvchilari bo'la olishi e'tiborga olinsa, [WPm] tarkibining [Pm] asosida kengayishi ega va hollarni olib kelsa, [W] asosida kengayishi to'ldiruvchi va aniqlovchilarni, ular tarkibida boshqa bo'laklarni olib keladi. Agar ega yoki

---

<sup>1</sup>Nutqda birin-ketinlik, hatto bir so'z talaffuzida ham birin-ketinlik mavjud. Birin-ketinliksiz nutq bo'lishi mumkin emas. Hatt



[W]ning kengaytiruvchilaridan bir sifatdosh, ravishdosh, harakat nomi kabi oborotlar bilan ifodalangan bo'lsa, ulap *murakkab* (G'.Abdurahmonov termini) yoki *murakkablashgan* (H.Boltaboyeva) sodda gap tiplarini beradi. Bu gaplar ham ikki xil:

a) umumiy bajaruvchili murakkab sodda gap (masalan, *Uyga qaytgach uni ko'rdim* – ikki tarkibli, fe'l markazli, yig'iq kesimlikli, egasiz, yoyilgan, umumiy bajaruvchili murakkab sodda gap);

b) xususiy bajaruvchili murakkab sodda gaplar (masalan, *Salim kelgach uni ko'rdim* – ikki tarkibli, fe'l markazli, yig'iq kesimlikli, egasiz, yoyilgan, xususiy bajaruvchili murakkab sodda gap).

Murakkab sodda gaplarning “umumiy bajaruvchili” va “xususiy bajaruvchili” turlariga ko'ra 3-jadvalda ko'rsatib o'tilgan sodda gapning to'rt ko'rinishi yana 72 turni beradi. Bular o'zbek tilida qo'llanilishi mumkin bo'lgan 72 turli murakkab sodda gapning mantiqiy-riyoziy turini tashkil qiladi. Bu kengaytirilgan bo'lak (oborot) ning egaga, [W]ning boshqa kengaytiruvchilari – hol yoki to'ldiruvchiga, bu kengaytiruvchilarning kengaytiruvchilariga rang-barang munosabati asosida bu 72 turli murakkab sodda gap o'z o'rnida yana bir necha yuz xil turlarni beradi (3-jadval).

<b>№</b>	<b>GAP TURI</b>	<b>MISOL</b>
	<b>I. Bir tarkibli gaplar</b>	
1	Ot markazli yig'iq kesimlikli yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Bahor</i>
2	Ot markazli yig'iq kesimlikli yoyilgan sodda gap.	<i>Fasli bahor</i>
3	Ot markazli yoyiq kesimlikli yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Bahordir</i>
4	Ot markazli yoyiq kesimlikli yoyilgan sodda gap.	<i>Fasli bahordir</i>
5	Ot markazli analitik kesimlikli yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Bahor edi.</i>
6	Ot markazli analitik kesimlikli yoyilgan sodda gap.	<i>Fasli bahor edi.</i>
7	Fe'l markazli yig'iq kesimlikli yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Borilsin.</i>
8	Fe'l markazli yig'iq kesimlikli yoyilgan sodda gap.	<i>Toshkentga borilsin.</i>
9	Fe'l markazli yoyiq kesimlikli yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Borilmasin</i>
0	Fe'l markazli yoyiq kesimlikli yoyilgan sodda gap.	<i>Bu yerga borilmasin</i>
1	Fe'l markazli analitik kesimlikli yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Borsa bo'ladi</i>
2	Fe'l markazli analitik kesimlikli yoyilgan sodda gap.	<i>Toshkentga borsa bo'ladi.</i>
	<b>II. Ikki tarkibli gaplar.</b>	
1	Ot markazli yig'iq kesimlikli egasiz yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>O'qituvchiman</i>
2	Ot markazli yig'iq kesimlikli egasiz yoyilgan sodda gap.	<i>Yangi o'qituvchiman</i>
3	Ot markazli yoyiq kesimlikli egasiz yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>O'qituvchidirman</i>
4	Ot markazli yoyiq kesimlikli egasiz yoyilgan sodda gap.	<i>Yangi o'qituvchidirman</i>
5	Ot markazli analitik kesimlikli egasiz yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>O'qituvchi bo'lay.</i>
6	Ot markazli analitik kesimlikli egasiz yoyilgan sodda gap.	<i>Yaxshi o'qituvchi bo'lay</i>

7	Fe'l markazli yig'iq kesimlikli egasiz yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Keldim</i>
8	Fe'l markazli yig'iq kesimlikli egasiz yoyilgan sodda gap.	<i>Kecha keldim</i>
9	Fe'l markazli yoyiq kesimlikli egasiz yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Kelmagandi m.</i>
0	1 Fe'l markazli yoyiq kesimlikli egasiz yoyilgan sodda gap.	<i>Kecha kelmagandim.</i>
1	1 Fe'l markazli analitik kesimlikli egasiz yoyilmagan yig'iq sodda gap.	<i>Kelmagan edim.</i>
2	1 Fe'l markazli analitik kesimlikli egasiz yoyilgan sodda gap.	<i>Kecha kelmagan edim.</i>
3	1 Ot markazli yig'iq kesimlikli egali yoyilmagan sodda gap.	<i>Men o'qituvchiman</i>
4	1 Ot markazli yig'iq kesimlikli egali yoyilgan sodda gap.	<i>Men yangi o'qituvchiman</i>
5	1 Ot markazli yoyiq kesimlikli egali yoyilmagan sodda gap.	<i>Men o'qituvchidirman</i>
6	1 Ot markazli yoyiq kesimlikli egali yoyilgan sodda gap.	<i>Men yangi o'qituvchiman</i>
7	1 Ot markazli analitik kesimlikli egali yoyilmagan sodda gap.	<i>Men o'qituvchi bo'lay</i>
8	1 Ot markazli analitik kesimlikli egali yoyilgan sodda gap.	<i>Men yaxshi o'qituvchi bo'lay.</i>
9	1 Fe'l markazli yig'iq kesimlikli egali yoyilmagan sodda gap.	<i>Men keldim.</i>
0	2 Fe'l markazli yig'iq kesimlikli egali yoyilgan sodda gap.	<i>Men kecha keldim</i>
1	2 Fe'l markazli yoyiq kesimlikli egali yoyilmagan sodda gap.	<i>Men kelmagandim.</i>
2	2 Fe'l markazli yoyiq kesimlikli egali yoyilgan sodda gap.	<i>Men kecha kelmagandim.</i>
3	2 Fe'l markazli analitik kesimlikli egali yoyilmagan sodda gap.	<i>Men kelmagan edim.</i>
4	2 Fe'l markazli analitik kesimlikli egali yoyilgan sodda gap.	<i>Men kecha kelmagan edim.</i>



**[WPm] ning nutqiy voqelanishi.** Yuqorida sodda gapning 24 va murakkablashgan sodda gapning 72 turi mantiqiy-riyoziy usul bilan hosil qilindi. Lekin bu 72 tur gapning qurilishi, kesimning ifodalanish materiali (ot, fe'l yoki frazema bilan berilishi), kesimlik qo'shimchalarining xususiyati (yig'maligi, yoymaligi, analitikligi), gap tarkibida eganing bor-yo'qligi, ikkinchi darajali bo'laklarning bo'lish-bo'lmasligi kabi xususiyatlar bilan aloqador. Shuning uchun yuqoridagi 72 gap turini asosiy olti qolipning [IWPmY], [IWPmYO],[YE+ IWPm Y], [YE+IWPm YO], [E-IWPmY], [E-IWPmYO] – [W], [Pm] ning ifodalanish xususiyatlari va gap tarkibida murakkablashtiruvchi vositalarning bor-yo'qligiga ko'ra voqelanishi deb qabul qilish zarur. Nutqdagi gaplar yuqorida ko'rsatilgan qurilish xususiyatlaridan boshqa yana o'nlab ko'rsatkichlarga – nutqiy va nutqiy ma'nolarga ega bo'lishi mumkin. Bulardan biri – ohang va u bilan uzviy bog'liq bo'lgan gapning ifoda maqsadiga ko'ra darak, so'roq, buyruq, undov, his-hayajon, so'roq-undov (ritorik) va hokazo ma'nolarga ega bo'lishidir. Bundan tashqari, gap nutqda, albatta, ma'lum bir modal ma'nosiga ko'ra neytral, gumon, ishonch, taxmin, taajjub kabi ma'nolarga ega bo'lishi mumkin; gapda bajaruvchi ega ifodalanmagan taqdirda, umuman, bo'lmasligi, majhul, aniq, umumlashgan va noaniq bo'lishi mumkin. Shu kabi ma'nolar gapning tildagi eng kichik qolipiga, umuman, aloqador emas. Shuningdek, o'zbek tilshunosligida vositali va vositasiz to'ldiruvchining 20 ga yaqin turi, holning 60 dan ortiq xili ajratiladi va nutqda bunday to'ldiruvchi yoki holning bittasi bilan kelgan gap hol va to'ldiruvchining ikkinchi turi bilan kelgan gapdan, albatta, farq qiladi. Lekin bu farqlar ham gapning tildagi kichik qolipiga – o'zbek jamiyati a'zolari uchun gap ramzi sifatida mavjud bo'lgan umumiy, zaruriy va majburiy bo'lgan birlik [WPm] va uning asosiy qurilish ko'rinishlari ([IWPm Y], [IWPmYO], [E+ IWPm Y], [E+ IWPm Y], [E- IWPm Y], [E- IWPm YO] larga aloqador bo'lmay, shu qurilish qoliplarining shaxsni tavsiflash, gap markazini, kesimlik ko'rsatkichlarini moddiy shaklda ifodalash, modal ma'nolarni berish, gapni ifoda maqsadiga ko'ra nutq sharoitiga moslashtirish, unga ohang tugalligi berish kabi tom ma'noda nosintaktik hodisalarning yuqorida sanab o'tilgan [WPm] va uning qurilish ko'rinishlarining ustqurmasidir. Bunday gap qurilishiga aloqador bo'lmagan hodisalar nutqdagi muayyan gaplarda nosintaktik

hodisalarning gap qurilishidagi aksi (in'ikosi, tajallisi) sifatida qaralishi lozim. Tajallilanuvchi bu ma'nolar nutqdagi gaplar uchun benihoya zarur va gap ulardan tashqari bo'lishi mumkin emas. Lekin ulardan birortasining ham gap qurilishida ahamiyati yo'q. Shuning uchun ayni bir xil qurilishdagi gap ifoda maqsadiga ko'ra darak ham, so'roq, buyruq ham, undov ham bo'lishi, modal ma'nosiga ko'ra qat'iy ishonch ham, neytral ham, taxmin ham bo'lishi mumkin. Shuning uchun lisoniy tahlilda lison va nutq bosqichlarini farqlar ekanmiz, sodda gapning lisoniy qoliplari nutqda voqelanishi uchun qaysi kategoriyalar prizmasidan o'tishini, bu o'tish jarayonida qanday ma'no-bo'yoqlarga "bo'yalib" chiqishini unutmaslik lozim. Shuning uchun aytgan fikrlarimizni quyidagi jadvalga umumlashtirish va sintaktik tahlilni shu asosda olib borish zarur:



*O'zbek tilida grammatik shakllangan sodda gaplarning turlari*

Bosqich	Gapning kichik qolipi	eng	<b>KO'RINISHLARI RAMZLARI</b>	<b>VA</b>
	i	Sodda gaplarning qurilish turlari) (struktur)	(ATOV BIRLIGI+KESIMLIK KO'RSATKICHLARI) [WPm] Bir tarkibli sodda gaplar [IWPm] Ikki tarkibli sodda gaplar [IIWPm]	
Tilda			egali egasiz yig'iq yig'iq yig'iq yoyiq	yoyiq yoyiq
			[IWPm] [IWPm] IIWPm ] [E+ IIWPm ] IIWPm ] [E- IIWPm ]	[E+ [E-
Tajallilar (nosintaktik hodisalarni)	Shaxsning tavsifi		Shaxs yo'q ifodalangan aniq-umumlashgan-noaniq	majhul
	[W]ning ifodalanish xususiyatiga ko'ra		ot fe'l kesimli leksema frazema kesimli	kesimli kesimli
	[Pm ]ning ifodalanishiga ko'ra		sodda tarkibli kesimli yig'ma yoyma	kesimli v.h.k. tafsiliy



	Murakkablashtiru vchi vositalariga ko'ra	murakkablashgan murakkablashmagan undal- ravish- v.h.k. mali doshli nomli	kirishli harakat	sifat- aralash doshli
	Modal ma'nolariga ko'ra	neytral gumon qat'iy v.h.k.		taxmin
	Ifoda maqsadiga ko'ra	darak his-hayajon v.h.k.		so'roq aralash
	Yana	boshqa tajallilari	hodisalarning	
Nu tada	Nutqiy hodisalilar	Yozma va og'zaki sodda gaplarning ko'rinishlari		nutqdagi muayyan

Quyida yuqorida ko'rsatilgan [WPm] ning olti ko'rinishidan har biri – [IWPmY]; [IWPmYO]; [E+ IIWPm Y]; [E+ IIWPm YO]; [E- IIWPm Y]; [E- IIWPm YO] jadvalda keltirilgan “bo'yoqxona” lar ta'siri ostida ko'rib o'tiladi.

Bir tarkibli sodda gaplar. Bir tarkibli yig'iq sodda gaplarning mohiyati shundan iboratki, bunday gaplar faqat bitta so'z bilan ifodalangan bo'ladi. Bir markazdan iborat bo'lib, shu bir so'z va bir markazda gapning gap bo'la olishi uchun zarur va majburiy bo'lgan barcha elementlar mujassamlangan bo'ladi. Bir tarkibli yig'iq sodda gaplarda shaxs ikki xil ko'rinishda: shaxssiz va shaxs mashhul bo'lgan holatda namoyon bo'ladi. Bir tarkibli yig'iq sodda gaplarning markazi ot (keng ma'noda) bilan ifodalanganda, odatda, bunday gaplar shaxssiz bo'ladi, ya'ni, umuman, shaxs yoki ega faraz qilinmaydi. Masalan: *Tun. Ko'cha. To'g'rida paxsa devor.*

1. Bir tarkibli yig'iq sodda gaplarning markazi fe'l bilan ifodalanganda esa shaxs majhul sifatda namoyon bo'ladi.

2. *Yechinish kerak. Charchadingiz...*

3. *Aytish kerak emasmikan? Bas-da endi.*

[IWP<sub>m</sub>Y] gaplarda [W] turli xil so'z turkumlari bilan ifodalangan bo'ladi:

1). Ot bilan: 1. **Shamol. Yoz tugagan.** 2. **Falak. Taqdir. Qazo. Oh, qandayin nom.**

2) sifat bilan: *Maktabdayam ko'zoynak taqib qo'yardi. Qiltiriq!*

3) olmosh bilan: **Sen e! SHo'ro hokimiyatiga qarshi odamsiz!**

4) fe'l bilan: 1. *E'tiborning niyati buzildi. Ketish kerak.* 2.

*Buvi chiqib ketgach, ona xayolot daryosiga g'arq bo'ldi.*

**Nima qilish kerak?**

[IWP<sub>m</sub>Y] gaplarda [Pm] yig'ma, yoyma va tafsiliy2 (analitik) ko'rinishlarga ega bo'lishi mumkin. Masalan: 1. **Oltin. Og'ziga siqquncha oshatilsin!** 2. **Haram. Sochlari parishon ozg'in Guli to'shakda yotibdi** kabi gaplarda [Pm] ning, ya'ni gapning kesimlik ko'rsatkichlari qismining yig'ma ifodasi bo'lsa, **Bahordir; O'qishdir; Chopilmasin; Foydalaniladi** tipidagi bir tarkibli yig'iq ot va fe'l markazli gaplarda [Pm]ning yoyma ifodasi mavjud.

1. **Hayot ekan. O'ziyam bola-chaqalik bo'lgandan keyin yoshlikda – yurak samimiy istaklar, ezgu-niyatlar bilan to'lib-toshgan paytlarda bergan va'dalar, ichgan qasamlar –**

*hammasi yoddan ko'tarilib, dunyoning ishlari bilan o'ralashib qolarkan.*

2. ***Aprel edi. Olam yam-yashillashib, gulu muattar islarga burkangan.***

3. ***Ehtiyot bo'lish kerak*** kabi gaplarda kesimlik qo'shimchalari tafsiliy usulda berilgandir.

Bir tarkibli yig'iq sodda gaplarda [Pm] turli xil zamon, mayl-modallik, tasdiq-inkor shakllarida kela oladi. Lekin hamma vaqt III shaxs shaklida bo'ladi.

Kesimi ot bilan ifodalangan yig'iq gaplar o'zbek tilshunosligida, ko'pincha nominativ gaplar deb yuritiladi va ularning ma'no, vazifasi, uslubiy xususiyati o'zbek tilshunosligida ancha batafsil o'rganilgan.

Kesimi fe'l bilan ifodalangan bir tarkibli yig'iq gaplarning [Pm] qismi o'ziga xos xususiyatga ega. U, asosan, harakatning bajarilishiga yo'l qo'yilishi yoki yo'l qo'yilmasligi, bajarish mumkin yoki mumkin emasligi, zaruriy yo zarur emasligi, harakatni bajarishning majburiyligi va shu kabilarni ifoda qilishi bilan ajralib turadi. Uning bosh bo'lagi, ko'pincha, tarkibli yoki murakkab kesimdan iborat bo'ladi. Kesim turli mayl, zamon, tasdiq-inkor shakllari bilan ifodalangan bo'ladi. Kesimi fe'l bilan ifodalangan bir tarkibli yig'iq gaplar quyidagicha ifodalanadi:

1. Majhul daraja shaklidagi fe'llar bilan: *Erishildi; Kirishildi; Foydalanildi; Chiqilmasin; Borildi* va hokazo.

Bunday gaplarning kesimi turli xil mayl, zamoni ifodalab keladi. Masalan: *Chiqilmasin! Kirilsin! Yotilsin!* tipidagi gaplar buyruq mayli, kelasi zamonda kelgan bo'lsa, *Turildi; Borilmaydi; Borildi* kabilar esa aniqlik maylida bo'lib, o'tgan va hozirgi-kelasi zamoni ifodalaydi.

2. – *bo'l* yordamchi fe'li ishtirokida. Bunda *bo'lmoq* bog'lamasi o'zidan oldingi ravishdosh, shart fe'li va boshqalar bilan birikib, tarkibli kesimni tashkil etadi: *O'qisa bo'ladi; Chidab bo'lmaydi; Yurib bo'lmaydi.*

3. Harakat nomlariga *kerak, zarur, mumkin, lozim, darkor* so'zlarining qo'shilishi bilan. Bu turdagi gaplar, asosan, hozirgi-kelasi zamonda, aniqlik maylida bo'ladi. Misol uchun:

1) ... ***Tekshirish kerak. U yerda o'tkir bolalar bor! SHO'x bolalar. Lekin ishlash mumkin.***

2) *U xayol surar, bu andishalar uning xayolini qurshab olgan edi. – Nima qilmoq kerak?*

4. *To'g'ri kelmoq* fe'lining tuzlangan formasi bilan: *To'xtashga to'g'ri keldi. Bir necha kishi otning jilovidan tortib*

*ushladi*. Bu gapda [Pm] o'tgan zamon, aniqlik mayli, tasdiq kabi ma'nolarni ifoda etmoqda. Adabiyotlarda bu turdagi gaplar kesimining kelasi zamon formasida qo'llanilishi ham uchraydi.

[IWPmY] gaplar nutqda murakkablashishi mumkin. Bu murakkablashuv, asosan, kirish va kiritma qurilma, undalma, ravishdosh, sifatdoshli oborot va boshqa vosita hisobidan bo'ladi.

1.Undalmali: *Qozon qurib, xalqqa osh bermoqchi, dasturxon yozmoqchi, yetim-yesir, och-nochorlarga non ushatmoqchi. Orzuda, bolam.*

2.Kirish qurilmali: 1) *Aytish kerak, albatta;* 2) *Xullas, o'qisa bo'ladi* 3) *Ha, Ona Bayit. Ota-bobolarimiz yotgan qabriston shunday deb ataladi.* 4) *O, qattol. Berahm-beshafqat qattol..*

Bir tarkibli yig'iq sodda gaplar semantik jihatdan turli xil modal ma'nolarni ifodalaydi. Ot kesimli bir tarkibli yig'iq gaplar mavjudlikni tasdiqlagan paytda neytral ma'no, tasdiqni ifodalaydi. Masalan:

1. *Kuz. Bir chekkada, maysa ustida dasturxon yozilgan.*

2. *Tong. Birin-ketin yulduzlar so'nadi.*

3. *Mujda! Bosh Vazir o'ymoqdekkina og'zini yalab kinoyali kulimsiradi.*

4. *Borishga to'g'ri keldi; Tiqib bo'ladi. Yesa bo'ladi* kabi fe'l markazli yig'iq gaplar ham neytral ma'noda qo'llanilgan.

5. Harakat nomlariga *kerak, zarur, shart, darkor, mumkin, lozim* kabi so'zlar qo'shilishidan hosil bo'lgan fe'l markazli yig'iq gaplar, odatda, qat'iylik: qat'iy ishonch, talab, istak kabi ma'nolarni ifodalaydi: *Ketish kerak. Shu qadrdon, dunyodagi yaxshi odamlarning eng yaxshisini tashlab ketish kerak. ... Xudo saqlasin-e! ... Uxlash kerak.*

Modal ma'nolar, ayniqsa, yig'iq gaplar kirish konstruksiyalar bilan murakkablashganda, kengayganda yaqqol ko'zga tashlanadi va gumon, taxmin, ishonch, taajjub, tasdiq, inkor va boshqa ma'nolarni hosil qiladi. Masalan: 1. ... *Albatta, olish kerak.* 2. *Qodir: .... Axir, bu jinoyat-ku!*

Komilov: *Shubhasiz... jinoyat* kabi gaplarda qat'iylik ma'nosi ifodalangan bo'lsa: 1) ... *Ha, ona Bayit. Ota-bobolarimiz yotgan qabriston shunday deb ataladi.* 2) *Ha, darhaqiqat, Bahor!* tipidagi gaplarda aytilayotgan fikrga tasdiq ma'nosi kuchaytirilgan.

Quyidagi gaplar bir tarkibli yoyiq gaplarga misol bo'ladi. Ular bir tarkibli yig'iq gaplarning (ikkinchi darajali bo'laklar

bilan) yoyilgan ko'rinishidir. Ikkinchi darajali bo'lak vazifasida turli so'z turkumi bilan ifodalangan birliklar keladi: 1. *-Bo'lsang-chi! Hali zamon kun yoyilib ketadi. Dalaga chiqish kerak.* (kelasi zamon, aniqlik maylida). 2. *Kecha dunyoning qirg'inli tuni ekan* (o'tgan zamon, aniqlik maylida). 3. *Adabini berish kerak edi. YO ko'pchilik orasida xo'rlab so'kamizmi?* (o'tgan zamon, aniqlik maylida). 4. *Soatli grafikdan to'g'ri foydalanilsin.* (kelasi zamon, buyruq maylida).

Bir tarkibli yoyiq gaplar uchun ham nutqda murakkablashshi hodisasi xos. Bunday gaplar nutqda undalma, kirish qurilma, ravishdoshli oborot va boshqa bo'lak bilan kengayadi. Masalan:

1. Undalmalar bilan murakkablashgan [IWPmYO] gaplar: 1) *Uylanish kerak, inim. Yoshlik ham g'animat* (So'zlashuvdan). 2) *Hamisha ustuvor bo'l, barqaror bo'l hamisha, Ey, ko'hna Sharqimizning hech so'nmas mash'ali. Noming kabi mustahkam, poydor bo'l hamisha.*

2. Ravishdoshli qurilmalar bilan murakkablashgan [IWPmYO] gaplar: 1) *O'qtin-o'qtin shaharga tushib Dumasiga yetib borish kerak.* 2) *Hammangni qator qo'yib bitta-bitta peshonangdan otish kerak.*

3. Kirish qurilmalar bilan murakkablashgan [IWPmYO] gaplar: 1) *- To'g'ri, yo'q. Demak, oyimlarning ustlaridan hech qayerga shikoyat qilib bo'lmaydi.* 2) *Mayli, armaturalarni uchma-uch qilib ulasayam bo'ladi.*

Misollarda qatnashgan murakkablashtiruvchi vositalar so'zlovchining ifodalanayotgan harakat, holatga munosabatini, nutq qarashli bo'lgan shaxs yoki predmetlarni ifodalash uchun xizmat qilgan.

[IWPmYO] gaplar nutqda ro'yobga chiqar ekan, unda yana bir ma'no tajallilanadi. Bu modal ma'nodir. Bu ma'no ham nutqdagi gap uchun xos va zarurdir. [IWPmYO] gaplar modal ma'nosiga ko'ra taxmin, ishonch, gumon, neytral, achinish, taajjub kabi sifatlarga ega bo'lishi mumkin. *Essizgina, o'rim-o'rim sochlar! Attang, ko'p o'qish kerak ekan* tipidagi gaplarda achinish ma'nosi "essizgina", "attang" kabi bo'laklar bilan berilgan. *Mayli, o'tgan ishga salovat! Menimcha, u yigitga ishonsa bo'ladi. Demak, oyimlarning ustlaridan hech qayerga shikoyat qilib bo'lmaydi* kabi gaplarda ham turli modal ma'nolar o'z aksini topgan.

Bir tarkibli yoyiq gaplar ifoda maqsadiga ko'ra darak, so'roq, buyruq, undov va hokazo bo'lishi mumkin (va hokazo deganda buyruq, so'roq gaplarning ichki turlarini nazarda

tutdik).

[IWPmYO] darak gaplar: 1. Dunyoda hamma narsa unutiladi, - dedi u yangroq ovozda. ***Ammo lekin farzand dog'ini unutilib bo'lmaydi.*** 2. ***Qozonda go'sht. Stol ustida esa samovar qaynardi.*** 3. ***Bir haftada ming soat progul.*** 4. ***Kun qizigan paytlar. Ishlar qaynagan.***

[IWPmYO] so'roq gaplar: 1. *Ibn Sino bir sapchib tushdi.*

*Rangi quv o'chib:*

***-Qora o'lat?***

*-Ha, odamlar shunday deydilar...*

2. ***Bozorga qanday borsa bo'ladi?*** 3. ***Kel endi, o'zingni bos, Abubakr. Baqirish-chaqirishdan nima foyda?*** (ritorik so'roq gap)

[IWPmYO] buyruq gaplar: 1. ***Unday ham bo'lish kerak edi!*** 2. ***Qo'ng'iroqni chalish kerak.***

[IWPmYO] undov gaplar: 1. ***SHo'rlik Iffat! Shu vaziyatda "ha" deyilsa ham, "yo'q" deyilsa ham, baribir dardiga dard qo'shiladi.***

Bir tarkibli yoyiq gaplarning inversiyali turi ham adabiyotda uchraydi. Masalan: ***-Endi sen ishingdan qolma. Ruxsat senga.***

Bu gapda kesimning birinchi o'rinda, to'ldiruvchining keyin qo'llanganligini ko'rib turibmiz. Inversiya hodisasi tilshunosligimizda batafsil o'rganilgan. Bu sohada I.Mirzayev, S.Solixo'jayeva, M.Turopova, K.Hayitmetov va boshqa qator olimlarning ishlari ma'lum. Yuqorida keltirilgan gapga o'xshash inversiyali gaplarning boshqa turlari ham adabiyotlarda qo'llaniladi. Ammo bu narsa alohida, batafsil o'rganiladigan tadqiqot mavzuidir. Tahlillarda bunday hodisalarga duch kelganligimiz uchun shunchaki qayd qilib o'tish joiz deb topildi. Yoxud bir tarkibli yoyiq gaplarda [W] ning kengaytiruvchi bo'laklari uyushib kelishi mumkin. Masalan: *Chiroyli, oppoq yosh yigit* (Gazetadan). *Yalang'och, sarg'aygan, kimsasiz o'rmon...*

**Ikki tarkibli sodda gaplar [IIWPm]. Ikki tarkibli egali yig'iq sodda gaplar [E+IIWPmY].** Ikki tarkibli sodda gaplar yuqorida bayon etilgan bir tarkibli sodda gaplardan tarkibida gapning birinchi darajali bo'lagi bo'lgan eganing ifodalanganligi, agar ifodalanmagan bo'lsa, kesim tarkibidagi shaxs-son ko'rsatkichlari asosida tiklanishi mumkinligi jihati bilan farq qiladi. YA'ni ikki tarkibli sodda gaplarda ega ifodalangan bo'ladi, ifodalanmagan taqdirda esa u kesim tarkibidan anglashilib turadi. Eganing gapda ifodalangan va

ifodalanmaganligiga ko'ra [IIWPm ] gaplar ikkiga bo'linadi:

Ikki tarkibli egali sodda gaplar.

Ikki tarkibli egasiz sodda gaplar.

Ikki tarkibli egali sodda gaplar tarkibida ega, albatta, ifodalangan bo'ladi. Bunday gaplar egadan tashqari, ikkinchi darajali bo'laklar bilan ham kengayishi mumkin. Shu jihatdan [E+IIWPm] gaplar yana ikki turga bo'linadi:

ikki tarkibli egali yig'iq sodda gaplar.

ikki tarkibli egali yoyiq sodda gaplar.

Faqat ega bilan kengaygan ikki tarkibli sodda gapga ikki tarkibli yig'iq sodda gap deb aytiladi.

Quyida mana shu tur gaplarning o'ziga xos xususiyati, ifodalanishi va boshqa belgilarini ko'rib o'tamiz. [E+IIWPmY] gaplarda bajaruvchi shaxs ifodalangan bo'ladi. Shaxs tushunchasi gapning egasida o'z ifodasini topadi:

***Inson – Hazrat!***

***Inson – Kabir!***

*Bu gapni ammo uqqanim yo'q.*

*Na padarim va na onamdan.*

***Ummatali indamadi.*** O'rnidan turib u yoqdan–bu yoqqa yura boshladi. Qorong'u tushdi. [E+IIWPmY] gaplarning [W] qismi turli xil so'z turkumlari bilan ifodalangan bo'ladi va bunday gaplarning kesimi sodda (*Men o'qituvchiman; Karim keldi*), tarkibli (*Turdi izoh berdi*), birikmali (*Akam O'zbekiston Qahramoni*), frazema kesimli (*Xotin bosh chayqadi; Abror qotib qoldi*) ko'rinishlarda yuzaga chiqadi.

Kesimi ot bilan ifodalangan [E+IIWPmY] gaplar:

***Inson – Hazrat!***

***Inson – Kabir!***

**Sifat bilan:** *Havo issiq. Kun bo'yi yugurib-yelib charchagan odamlar va otlar halizamon chanqab suv qidirishga muqarrar.*

*Aybi katta. Uni shunday qoldirib bo'lmaydi.*

**Son bilan:** *Xonzoda begim yigirma besh yoshda. Ayni uzatiladigan paytlari.*

*Kitob ikki yuzu o'ttiz betlik ekan. Juda qiziqarli.*

**Olmosh bilan:** *Bahor senikidir, Yugur entikib.*

**Gap shu.** *Ashrafjon shunday dedi-da, o'rnidan turib ketdi, so'ng anchagacha to'g'on atrofida aylanib yurdi.*

**Ravish bilan:** *Bugun yursak, ertaga yaxshi yo'llarga chiqamiz. Loxo'r yaqin.*

Endi ikki og'iz so'z [E+ IIWPm Y] gaplarning egasi xususida. Bunday gaplarda ega turli xildagi so'z turkumlari

bilan ifodalanib, faqat bosh kelishikda keladi. Ega vazifasida, ko'pincha, otlar va ot xarakteridagi olmoshlar, jumladan, turli so'zlar bog'lanmasi, gapga teng sintaktik butunliklar ham kela oladi. Masalan: *Onaxonni qidirib yotoqxonaga borish – uyat! Mehnatsiz turmush – o'g'rilik!*

**Ikki tarkibli egali yoyiq sodda gaplar [E+IIWPMYO].** Ikki tarkibli egali yoyiq sodda gaplar tarkibida ikkinchi darajali bo'laklarning ham ishtirok etishi bilan ikki tarkibli egali yig'iq gaplardan farq qiladi. Shuning uchun ikki tarkibli egali yoyiq gaplar bu bir jihatdan yoyiq bir tarkibli gaplar va egali ikki tarkibli gaplarning qurilish xususiyatlarini o'zida mujassamlashtiradi. Masalan: 1) *Egilgan boshni qilich kesmaydi.* 2) *Nahotki, shu paxtalar yovvoyi navning nasli?* 3) *Mastona yanga bexosdan gandirakladi.*

Yuqoridagi uch bo'limda bir tarkibli yig'iq - [IWPm I], bir tarkibli yoyiq - [IWPm YO], ikki tarkibli egali yig'iq- [E+ IIWPM Y] gap qoliplarining nutqda voqelanishini yuzaki bo'lsa ham ko'rib o'tdik va bunda birinchi qolip hosilalarini ko'rayotgan paytda asosiy diqqat e'tiborni atov vositasi [W] va kesimlikning ([Pm]) ifodalanishiga, turlariga, ko'rinishlariga, ikkinchi qolip hosilalarini ko'rayotganda diqqatni ikkinchi darajali bo'laklarning turlariga, uchinchi qolipni ko'rayotganda – egaga qaratdik. Buning sababi shundaki, [W]ning, [Pm] ning xususiyatlari bu gaplarda takrorlanadi va biz har bir yangi qolipda shu qolip uchun yangi bo'lgan hodisani tahlil etishga urindik. Ajratilgan gaplarimizning qolgan uch qolipida tom ma'noda tamoman yangi narsa yo'q. Zeroki, yoyiq [E+IIWPM YO] gap – bu egali yig'iq [E+ IIWPM Y] gap qolipining bir tarkibli yoyiq [IWPm YO] gap qolipi bilan birikishining hosilasidir. YA'ni:

$$[IWPm YO]+ [E+ IIWPM Y]= [E+ IIWPM YO]$$

Ikki tarkibli gaplarning egasiz ko'rinishlari esa [E+ IIWPM Y] va [E+ IIWPM YO] gap qoliplaridan nutqiy sharoit talablariga ko'ra eganing tushirilib qolishidan iborat. Egani tushirib qoldirish holatlari sof nutqiy hodisa bo'lganligi uchun ularni qat'iy qoidalashtirish mumkin emas. Ular nutq sharoiti bilan, ya'ni har bir gap qo'llanilgan sharoit bilan bog'liq bo'lib, har bir gap, har bir holat uchun xususiydir va uslubiyat hodisalari bilan bog'liqdir.

Shuning uchun qolgan uch turdagi qolip hosilalarini biz yuzakidan yuzakiroq, ya'ni shunday qolipning hosilalari borligini qayd etish maqsadidagina ko'rib o'tdik. Ularning uslubiy vazifalari bir jihatdan o'zbek tilshunosligida ancha



mukammal o'rganilgan. Yangi yo'nalishda esa tamoman yangi jiddiy tadqiqotlarning manbai bo'lmog'i lozim.

**Ikki tarkibli egasiz yig'iq sodda gaplar. [E-IIWPmY].** Ikki tarkibli egasiz sodda gaplar tarkibida ega ifodalanmagan bo'ladi, u kesimning formasidan aniq bilinib turadi. Bunday gaplar o'z navbatida [E-IIWPmY] gaplar kabi ikkiga bo'linadi:

- a) ikki tarkibli egasiz yig'iq gaplar;
- b) ikki tarkibli egasiz yoyiq gaplar.

O'zbek tilshunosligida gapning bu turlari "shaxsi aniq", "shaxsi noaniq", "shaxsi umumlashgan" bir tarkibli gaplar atamasi ostida anchagina mufassal o'rganilgan va bu bizning ishimizni ancha yengillashtiradi. Chunki bu turdagi gaplar tavsifi maktab darsliklari va akademik grammatikalar, A.Muxtorov, I.Rasulov, A.Safoyev, A.Sulaymonov, B.O'rinboyev, A.Hazratqulovlarning monografiyalari va o'nlab maqolalarida muhokama mavzui bo'lgan.

Ikki tarkibli egasiz yig'iq gaplar xuddi bir tarkibli yig'iq gaplardek faqat bir so'z shaklida qo'llaniladi va shu xususiyati bilan ularga o'xshaydi. Ammo [IWPmY] gaplarda shaxs umuman anglashilmaydi. [E-IIWPmY] gaplarda esa shaxs aniq-noaniq-umumlashgan bo'lishi mumkin va bu narsa kesim vazifasida turgan so'zning kesimlik qo'shimchalari qismidan yaqqol sezilib turadi. Masalan: 1. –Men tushunaman. ***Ishonaman. Ammo...*** 2. – ***Ahmoqsan! Bular qallig'ingni tortib olib, Avazning qo'yniga solmoqchi-yu, sen, yolg'on "agitatsiya" ga laqqa tushasan!*** 3. –***Mayli, kelishsin! Balki olib qolishar!***

Keltirilgan 1-2 gaplarda shaxs aniq, 3-gapda noaniq ifodalangan.<sup>1</sup>

[E-IIWPmY] gaplarning shaxsi umumlashgan turi deyarli uchramaydi, desak xato qilmaymiz. Shaxsi umumlashgan gaplar ko'proq [E-IIWPmYO] gaplar uchun xosdir.

[E-IIWPmY] gaplarning [W] qismi biz yuqorida ko'rib o'tgan bo'limlardagi gaplar kabi fe'l va ot (keng ma'noda) so'z turkumlari bilan ifodalanadi:

Ot bilan: 1. – ***Talabasan. Burching. Bilganingni qil...*** 2. ***Raisman. Sizlar a'zo.***

Sifat bilan: 1.– ***Soddasan-da, uka. Bitta meni shunday deb o'ylaysanmi?*** 2. ***G'ofir, chiq! Beodob! Nomahramsan.***

Olmosh bilan: 1. ***Sovchi kim? Menman.*** 2. ***Otam komissar edilar, o'ttiz sakkizinchi yilda hibbs qilishgan – xalq dushmani***

---

<sup>1</sup>Shaxsi aniq gaplarda ifoda qilingan ish-harakatning kimga qarashli ekanligi kesim affikslari orqali aniqlaniladi. Bu tip gaplard

*deb. Tanho o'zimmen.*

Fe'l bilan: 1. –*Yashang! Qandingizni uring. Bopladingiz.* (Gazetadan). 2. *Qaytishdi. Er-xotin har qaysisi o'z o'yi bilan bo'lgani uchun uyga kelguncha churq etmadi.*

[Pm] qismi ham, odatdagidek, yig'ma, yoyma, analitik formada bo'ladi:

1. – *Nochorman! SHo'rim qursin!*
2. ... *Ha, ha, xunuksan!*
3. – *Qisqasi, baxtiyorsizlar.*
4. *Uydagilar men bilan ovora bo'lishib, sendan xabar ham olisholmadi.. Xafamisan!*
5. *So'z beraman. Faqat... Sen oldin.*
6. *Qo'y, qizim, xafa bo'lma.*

Yuqoridagi misollarning 1-2-gaplar kesimida [Pm ] yig'ma, 3-4-gaplarda yoyma, 5-6-gaplarda esa analitik tarzda ifodalangan.

[E-IIWPmY] gaplarda zamon, mayl ko'rsatkichlarining barchasini uchratish mumkin. Ya'ni bunday gaplarning har uchala zamonda ham, har uchala maylda ham qo'llanilganligini ko'rish mumkin. Misol uchun: 1. *Hamma gazeta, radio va televideniye sizning ixtiyoringizda! Yozing! Gapiring!* (hozirgi zamon, buyruq-istak mayli) 2. ... *Ha, ha, xunuksan!* (hozirgi-kelasi zamon, aniqlik mayli) 3.–*Qisqasi, baxtiyorsizlar* (hozirgi-kelasi zamon, aniqlik mayli). 4. *Saida samanni darrov mindi. Jo'nashdi* (o'tgan zamon, aniqlik mayli).

[E-IIWPmY] gaplar ot bilan ifodalanganda ko'proq hozirgi-kelasi zamon, aniqlik maylini, fe'l bilan ifodalanganda esa barcha zamon, mayl ma'nolarini bera oladi. Bu turdagi gaplar ham nutqda murakkablashishi mumkin: 1. *Kula-kula o'libmiz. Buni Kifoyaxonning o'zi boplab aytadi.* 2. *Nachora, ixtiyoring. Nima qilmoqchi bo'layotganingni o'zing ham tushunmasang kerak.* Birinchi gap ravishdosh bilan, ikkinchisi kirish so'z bilan murakkablashgan.

[E-IIWPmY] gaplar nutqda ro'yobga chiqar ekan, turli modal ma'nolarni ham ifodalaydi va ifoda maqsadiga ko'ra darak, so'roq, buyruq, undov gaplar bo'lib shakllanadi.

**Ikki tarkibli egasiz yoyiq sodda gaplar [E-IIWPmYO].** Ikki tarkibli egasiz yoyiq sodda gaplar [E-IIWPmY] gaplarning yoyiq, kengaygan ko'rinishidir. [E-IIWPmYO] gaplar tarkibini kesim va uning tarkibi, ya'ni kesim vazifasida turgan so'z va uning kengaytiruvchi bo'laklari tashkil qiladi. [E-IIWPmYO] gaplar bir tarkibli yoyiq gaplar [IWPmYO] bilan tarkibida

qo'llaniladigan bo'laklari asosida o'xshaydi. Ammo [IWPmY] gaplarda shaxs majhul ifodalangan bo'lib, egani batamom tiklab bo'lmaydi. [E-IIWPmYO] gaplarda esa ega ifodalanmagan bo'ladi, ammo uni tiklash mumkin. Bunday gaplarda shaxs [E-IIWPmY] gaplar kabi aniq-umumlashgan-noaniq formada namoyon bo'ladi.

Shaxsi aniq, shaxsi noaniq, shaxsi umumlashgan [E-IIWPmYO] gaplarga misol: 1) *Jiyaningizni olib ketganim keldim (shaxsi aniq)*. 2. *-Gulzorni buzib tashladi* (shaxsi noaniq). 3. *Bugungi ishni ertaga qo'yma* (Maqol) (Shaxsi umumlashgan).

[E-IIWPmYO]gaplarda ham [W] turli xil so'z turkumlari, otlashgan so'zlar bilan ifodalanadi. Boshqa gaplarda bo'lgani kabi bunday gaplarning [Pm] qismi ham o'sha uch ko'rinishda hosil bo'ladi. Nutqda murakkablashish xususiyatiga ega. Qisqasi, [E-IIWPmY] gaplarga xos bo'lgan xususiyatlar va holatlar [E-IIWPmYO]gaplar uchun ham xos. Bu tur gaplar tarkibida ikkinchi darajali bo'laklarning ishtirok etishi bilan [E-IIWPmY] gaplardan farq qiladi, xolos.

### **Cavol va topshiriqlar**

1. Lisoniy umumiylik haqida gapiring.
2. Nutqiy xususiylik deganda nimani tushunasiz?
3. Lisoniy sintaktik birlik mohiyatini tushuntiring.
4. Nutqiy sintaktik birlik haqida gapiring.
5. Sintaktik qolip nima?
6. Qolip hosilasi nima?
7. Kesim gap markazi deganda nimani tushunasiz?
8. Gap kengaytiruvchisi qanday xususiyatga ega?
9. Kesimlik kategoriyasi maqomi haqida gapiring.
10. Kesimlik shakllarining qanday turlari bor?
11. Yig'iq gap nima?
12. Yoyiq gap qanday bo'ladi?
13. Bir tarkibli gaplarni tushuntiring.
14. Ikki tarkibli gaplar haqida gapiring.
15. Egali gap qanday bo'ladi?
16. Egasiz gap qanday bo'ladi?
17. Atov birligi qanday turlarga bo'linadi?

### 3-BO'LIM

## ЙИҒИҚ ГАП

### Таянч тушунчалар

*Йиғиқ гап, ихчам гап, субстанциал ёндашув, [WP<sub>m</sub>], [WP], [Э-Р], актуал бўлиниш*

**Йиғиқ гап ва ихчам гап атамалари ҳақида.** *Йиғиқ гап* атамасини ўзбек тилшунослигига дастлаб тилшунос А.Ғуломов<sup>40</sup> киритган ва унга муфассал таъриф берган. А.Ғуломов таълимотида йиғиқ гап, юқорида таъкидланганидек, эга ва кесимдан иборат бўлган содда гапнинг бир тури сифатида талқин этилади. Бундай эга ва кесимдан иборат содда гаплар икки таркибли содда гапнинг энг характерли типи эканлиги кўрсатиб ўтилади<sup>41</sup>. Тилшунослар О.Азизов<sup>42</sup>, М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов<sup>43</sup>, Ғ.Абдураҳмонов<sup>44</sup>, Н.Маҳмудов, А.Нурмоновларнинг асарларида<sup>45</sup> ҳам *йиғиқ гап* атамаси *эга ва кесимдан иборат гап* ёки *фақат бош бўлақлардангина тузилган гап* сифатида талқин этилади. Фақат кесимдангина иборат бўлган гаплар назардан четда қолади. Фақат сўнгги аср сўнгида бундай гаплар *ихчам гап* атамаси остида берила бошлади.

*Ихчам гап* атамаси дастлаб ўрта таълим дарслик ва дастурларида акс этди. Шу асосда илмий талқинларда ҳам учрай бошлади. Гап илмий термин ва тушунча ҳақида кетаётган экан, унинг илдизлари хусусида сўз юритишда мазкур манбаларни четлаб ўтиб бўлмайди. Шунинг учун маълум даражада ноқулайлик туғдирса-да, фикрларни илмий манба эмас, балки методик манбалардан бошлашга тўғри келади. Айтиш лозимки,

<sup>40</sup> Ғуломов А.Ғ. Содда гап. -Тошкент: ЎзФА, 1955. –Б. 49.

<sup>41</sup> Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис: университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун дарслик. -Тошкент: Ўқитувчи, 1987.-Б. 67.

<sup>42</sup> Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: ЎзССР “Ўрта ва олий мактаб” давлат нашриёти, 1963. –Б.111.

<sup>43</sup> Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. –Б. 181.

<sup>44</sup> Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –Б. 8.

<sup>45</sup> Маҳмудов Н, Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –Б. 65.

ҳар қандай ҳодиса серқирра бўлганлиги сабабли бунда тушунчанинг ўқитилиши ҳақидаги эмас, балки илмий истеъмолга кириб келиши хусусидаги жиҳатларига таянамиз. Ҳолбуки, манбанинг табиати эмас, балки илмга берадиган далиллари ва асослари муҳимдир. УЎТ ДТС асосидаги дастурга мувофиқ яратилган 5-синф она тили дарслигидан “Кесим. Ихчам гап”<sup>46</sup> мавзулари ўрин олганлиги фикримиз далилидир. Аммо “Ихчам гап” мавзуси 1999 йилгача амалда бўлган дарсликларда берилмаган эди. Чунки истиқлолгача олий ва ўрта таълим муассасаларида ўзбек тилининг гап қурилиши [эга-кесим] тарзида ўқитиб келинди. Ўзбек тилшунослигида гап талқинининг [эга-кесим] кўринишидан [кесим] моделига ўтиши дарсликларда янги “Ихчам гап” мавзусининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

“Ихчам гап” мавзуси остида фақат кесимдан иборат бўлган гаплар талқин этилиб, улар содда йиғиқ гап таркибига киритилмади. Аммо “Содда йиғиқ гап” мавзусида *Олдим. Кўргансиз. Учувчи бўлади. Синфдошимиз. Ёзгансиз*<sup>47</sup>. (Ҳ.Неъматов, А.Фуломов, М.Қодиров, М.Абдураимова. Она тили. 5-синф. 14-бет, 28-машқ.) каби мисоллар ҳам келтирилди. Зотан, худди шу дарсликда содда йиғиқ гапга “фақат эга ва кесимдан иборат бўлган гаплар” деб таъриф берилган эди. Шу тариқа *ихчам гап* атамаси остида ўрганиладиган ҳодиса билан *йиғиқ гап* атамаси англатадиган тушунчаларни фарқлашда чалкашликлар вужудга келди.

Кўринадикки, гапга формал-функционал ёндашув омили асосида таълим мазмунига киритилган *ихчам гап* атамаси ўзбек тилининг субстанциал моҳиятини ўзида акс эттирувчи ҳодиса бўлса, *йиғиқ гап* атамасини сақлаш мақсадида янги *ихчам гап* атамасининг олиниши дастур ва дарслик муаллифларининг анъанавий синтактик назария қолипларини бузишга журъат этолмаганлигидан далолат беради.

Мазкур муаллифларнинг 8-синф учун “Она тили” дарслигида *ихчам гап* атамаси мутлақо ишлатилмайди ва ёйиқ гапга “гап таркибида иккинчи даражали бўлакларидан бирортаси иштирок этса, бундай гап ёйиқ

<sup>46</sup>Қаранг: Неъматов Ҳ., Фуломов А. ва бошқ. Она тили: 5-синф учун дарслик.-Тошкент: Ижод дунёси, 2001. –Б. 14.

<sup>47</sup>Неъматов Ҳ., Фуломов А. ва бошқ. Она тили 5-синф учун дарслик. –Тошкент, 2001. -Б. 14.

гап дейилади”,<sup>48</sup> - деган таъриф берилди. Бу эса зимдан йиғиқ гап эга ва кесимдангина иборат гап деб тушунилганлигидан далолат беради. Назаримизда, муаллифларнинг *ихчам гап* атамасини таълим мазмунига олиб кириши бу борада олдинга қўйилган бир қадам бўлса, *йиғиқ гап* атамасининг аввалги моҳияти нуқтаи назаридан сақланиши орқага ташланган биринчи, 8-синф дарслигида *ихчам гап* атамасининг чиқарилиши ва йиғиқ гапнинг эскича талқинини қолдириш иккинчи қадам дейиш мумкин.

Бундай ҳол бошқа синтактик ҳодисалар талқинида ҳам учрайди. Чунончи, мазкур 5-синф “Она тили” дарслигида гап ва унинг турларига берилган таърифларда ҳам тушунмовчиликлар мавжуд эди. Маълумки, мактаб ўқувчилари гап деб маълум бир тугалланган оҳангга эга бўлган фикрни, нутқ бирлигини тушунишади. Дарсликларда гап иккига содда ва қўшма гапларга бўлиб ўрганилади ва “қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг бирикишидан иборат бўлади” дея талқин этилади. Аммо юқорида кўрсатилган муаллифларнинг 8-синф она тили дарслигида *Пароход пристанга келиб тўхтагач, болалар бирин-кетин ундан тушдилар* (160-бет) гапи берилган ва қўшма гапнинг *Пароход пристанга келиб тўхтагач* қисмидаги кесимда шахс-сон, замон, майл кўрсаткичлари йўқ. Ваҳоланки, лексемаларнинг мазкур унсурлар билан шаклланиши орқали кесимлик хусусиятлари муайянлашади. Бу ўринда тилшуносларнинг “феъл феъл бўлгани учун эмас, балки кесим бўлгани учун тусланади”, – деган фикрларини эслатиб ўтиш кифоя. 5-синф она тили дарслигида ҳам кесим ҳамиша шахс-сон, замон, майл кўрсаткичлари билан шаклланиши уқтирилади. Гап ва қўшма гапга берилган таърифлар эса зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқаради. Демак, *Пароход пристанга келиб тўхтагач* содда гап эмас, шунинг учун *Пароход пристанга келиб тўхтагач, болалар бирин-кетин ундан тушдилар* гапи қўшма гап бўла олмайди. Бу содда гап сифатида талқин этилиши лозим.

Она тили дарсликларининг янги авлодини яратиш, унинг мазмуни ва услубини такомиллаштириш давом

---

<sup>48</sup>Неъматов Ҳ., Фуломов А. ва бошқ. Она тили 8-синф учун дарслик. -Тошкент: Ижод дунёси, 2002. -Б. 57.

этди. Хусусан, дарсликларда синтактик билимлар силсиласини беришда ҳам бу яққол кўзга ташланади. Шу ўринда Н.Маҳмудов ва А.Нурмоновларнинг 5-синф она тили дарслигида *Кесим. Содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплар* мавзусига берилган таърифларга тўхталиш лозим. Унда «Шахс-сон маъноларини ифодалаб, *нима қил(-ди, -япти ва бошқ.)?*, *нима бўл(-ди, -япти ва бошқ.)?*, *кимдир?*, *нимадир?*, *қаердир?* сўроқларига жавоб бўлувчи мустақил сўзлар гапда кесим вазифасини бажаради. Кесим гапнинг мазмуний марказидир. У бошқа бўлакларсиз ҳам гап бўла олади», - дейилади ва *Яхшимисиз? Келди*<sup>49</sup> каби мисоллар келтирилади. Шунингдек, кесим қандай мустақил сўзлар орқали ифодаланишига кўра икки хил бўлиши, феъл орқали ифодаланиб, *нима қилмоқ?* *нима бўлмоқ?* сўроқларига жавоб бўлувчи кесимлар феъл кесим, феълдан бошқа сўзлар орқали (от, сифат, сон, равиш, олмош) ифодаланиб, *ким?* *нима?* *қандай?* сўроқларига жавоб бўлувчи кесимлар от кесим саналиши уқтирилади ҳамда «фақат кесимдан иборат бўлган гап *йиғиқ гап* ҳисобланади. Масалан: *Куз. Қара.* Кесимнинг бошқа бўлаклар билан кенгайишидан ҳосил бўлган гап *ёйиқ гап* дейилади. Масалан: *Мен уни кўрдим*<sup>50</sup> каби мисоллар келтирилади. Аммо барча таъриф ва мисолларда *ихчам гап* атамаси четлаб ўтилади ва умуман ишлатилмайди.

Ўзбек тили грамматик қурилишининг она тили таълим мазмунидаги бундай таърифу тавсифлари, унинг замиридаги чигал муаммолар ўзбек тилшунослиги ва она тили таълимида рус тили андозалилиги қанчалик чуқур илдиз отганлиги, бундай ғайриилмий талқинлардан қутулишнинг нечоғлик мушкул эканлигидан далолат беради.

**Йиғиқ гап муаммосига субстанциал ёндашув омиллари.** Миллий истиқлол, бир томондан, миллийлик яққол намоён бўладиган, “миллат ойнаси” сифатида эътироф этилган она тилимизни унинг ўз ички қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Иккинчи томондан эса, она тили таълими жараёнида грамматик

<sup>49</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. ва б. Она тили: 5 синф учун дарслик. -Тошкент: Маънавият, 2004. –Б.39.

<sup>50</sup>Қаранг: Шу дарслик .-Б 44.

қурилишнинг ўзига хослиги асосида ёш авлодда миллий тафаккурни ўстириш учун кучли замин ҳозирланди.<sup>51</sup> Н.Маҳмудов айтганидек, истиқлолга қадар “ўзбек тили ҳодисаларини рус тили қолипларига солиб тушунтириш” мажбурий эди<sup>52</sup>. Бу нафақат ўзбек тилига, балки барча туркий тилларга муносабатда ҳам кўзга ташланар эди<sup>53</sup>. Ўзбек тили грамматикалари ва илмий тадқиқотларида синтаксиснинг жуда кўп масалалари тадқиқ этилган, аммо уларда бу категориялар система сифатида талқин этилмади. Зеро, систем ёндашув тилларнинг асл барқарор сифатларини очишнинг маҳсулдор усулларида биридир. Фанларда эркин тафаккур тарзининг шаклланиши ва тараққиёти натижасида системавий синтаксис грамматик қурилишининг айрим муаммолари талқинидан ўзбек тилининг мукамал субстанциал синтаксисини яратишга қараб жадал тараққий этди.

Ўзбек тилининг яхлит синтактик таълимотини ишлаб чиқишда гапнинг лисоний сатҳдаги энг кичик қурилиш қолипи, яъни [WP<sub>m</sub>] асос қилиб олинди ва тадқиқ этилди<sup>54</sup>. Бундай субстанциал ёндашув ўзбек тили грамматик қурилиши талқинини тубдан янгилашга олиб келди.

Гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ўзида унинг умумий грамматик маъносини мужассамлаштириб, қурилиш элементлари орасидаги муносабатни ифодалайди. Гапнинг лисоний қолипи нутқда намоён бўлаётган гапларнинг умумий шартли белгиси. Шунинг учун гапнинг энг кичик қурилиш қолипи – [WP<sub>m</sub>] ва унинг тармоқланишидан вужудга келган қуйи лисоний қурилиш қолиплари нутқда воқеланаётган гаплардан умумийлик ва хусусийлик муносабати даражасида фарқ қилади. Нутқий гап қолипнинг кўринишларидан, ҳосилаларидан бири, лекин айнан унинг ўзи эмас.

Ҳар бир миллий тилнинг ўз қонуниятлари, миллий хусусиятлари мавжуд. Тилнинг онтологик табиати

<sup>51</sup> Сайфуллаева Р., Джумабаева Ж. Ўзбек тили синтаксиси масалалари // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент., 2006. –Б.204. Бу ҳақда яна қаранг: Умумий ўрта таълим давлат стандартлари ва ўқув дастурлари. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили // Таълим тараққиёти. 1999й. 1-махсус сон.

<sup>52</sup> Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти //Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. -№4. –Б. 5.

<sup>53</sup> Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. -М.Л., 1948. -С.244.

<sup>54</sup> Нигматов Х. и др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (Тезисы формально-функционального исследования) // Советская тюркология , 1984. -№5. -С.5-10.



масалаларига миллийлик асосида ёндашиш лозим. Яъни миллий тилнинг ўз ички қонуниятларини, хусусиятларини ҳисобга олиб, таҳлил этиш лозим. Зеро, дунёда турли-туман халқлар бўлгани каби уларнинг нутқи, гапи ҳам турличадир. Масалан, туркий тиллар гуруҳига кирувчи ўзбек, қозоқ, қирғиз тилларидаги гапнинг синтактик қурилиши Ҳинд-Европа тиллари гуруҳига кирувчи рус, инглиз ва немис тилларидаги гап қурилишидан тубдан фарқ қилади. Ҳинд-Европа тиллари гуруҳига кирувчи инглиз, немис, рус тилларидаги гаплар «икки чўққили» бўлиб, **айтилганидек**, уларда эганинг ифодаланиши кўп ҳолларда шарт. Чунки бу тилларнинг кесими яхлит ҳолда, бир ўзи келганда, гап ҳисобланмайди. Шунингдек, бу тиллардаги гапларнинг кесимида замон, шахс-сон, майлни ифодаловчи махсус морфологик кўрсаткичлар ўзбек тилидагидек ривожланмаган. Туркий тилларда эса, хусусан, ўзбек тилида гапни сўз, сўз бирикмасидан фарқловчи махсус морфологик кўрсаткичлар тараққий этган. Гапнинг бу махсус морфологик кўрсаткичи кесимлик қўшимчалари, яъни кесимлик шакллари дир. Гап кесимлик қўшимчалари билан шаклланганлиги туфайли сўз ва сўз бирикмаларидан фарқ қилади. Зеро, “энг кичик гап – морфологик шаклланган атов бирлигидир”. Масалан, *Ёздим. Талабаман* гаплари ана шу  $[WP_m]$  нинг ёрқин ва типик кўриниши бўлиб, ундаги *ёз* ва *талаба* қисмлари атов бирлиги, яъни  $W$  бўлса, *-дим* ва *-ман* формантлари морфологик шакллар, яъни қолипнинг  $P_m$  қисмидир. Йиғиқ гапда ўзбек тили гап қурилишининг субстанциал моҳияти кўзга ташланади.

Демак, ўзбек тилшунослигида бир таркибли гаплар масаласининг тўғри қўйилиши, яъни содда гапнинг энг кичик қурилиши асосига  $[WP_m]$  нинг олиниши ва ҳал қилиниши ўзбек субстанциал синтаксисининг ютуғи ва синтактик қурилишни формал-функционал текширишнинг асоси.

Гап асосига олинган кесимнинг мавқеи ҳақида сўз кетар экан, А.А.Дмитриевнинг қуйидаги фикрларига таяниш лозим: «Сказуемое – есть неограниченный властитель, царь предложения; если есть в предложении кроме него другие члены, они ему строго подчинены, от него получают свой смысл и значение; если их нет, даже подлежащего, сказуемое само собой

достаточно выражает мысль и составляет целое предложение. Само предложение есть ни что иное, как сказуемое одно или с приданными ему другими членами»<sup>55</sup>.

Ўзбек тилида кесимлик шакли бошқа морфологик шакллардан фарқ қилиб, у гапнинг моҳиятини белгилайди ва бир неча ички категорияларнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Яъни «кесимлик категорияси кесимлик вазифасини биргаликда қарор топтирувчи шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, майл категориялари синтездан иборатдир»<sup>56</sup>. Морфологик шакллардан фақат кесимлик категориясигина гапнинг моҳиятига тегишли бўлганлиги сабабли усиз гап шаклланиши мумкин эмас. Демак, ўзбек тили синтактик қурилишининг субстанциал моҳияти “атов бирлиги + кесимлик категорияси”, яъни [WPm] тарзида эканлиги исботга муҳтож эмас.

[WPm] – ўзбек тили синтактик қурилишида гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ҳисобланади ва у юқорида айтиб ўтганимиздек, бошқа тиллардаги гап қурилишидан фарқ қилади. Хусусан, Ҳинд-Европа тиллари билан қиёсласак, бу фарқлар тезда кўзга ташланади. Масалан, олима Р.Сайфуллаева таъкидлаганидек, “Ҳинд-Европа тилларига бир таркибли гаплар умуман хос эмас ва гап кўпинча эгасиз бўла олмайди”<sup>57</sup>. Турли структурали тил оилаларига мансуб ўзбек ва инглиз тилларидаги матнлар қиёсий ўрганилганда ўзбек тилидаги матнларда бир таркибли (эгали ва эгасиз) гаплар кўп қўлланганлиги, кириш компонентли гап бошланмалари ранг-баранг ва кўп эканлиги (*аниқ, албатта, модомики, сир эмаски, аслини олганда, керак бўлса...*) маълум бўлди. Инглиз тилидаги матнларда Р.А.Якобс таъкидлаганидек, “...мажхуллик нисбатидаги гапларга урғу бериш, тингловчининг диққатини тортиш, гап таъсирини кучайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган”<sup>58</sup>. Ўзбекча гапларнинг ички ўринларида ҳам бир фикрдан иккинчисига ўтиш

<sup>55</sup> Дмитриев А.А. Практические заметки в русском синтаксисе. Два ли главных члена в предложении? Филол. з. 1987. Вып. IV. С. 23. Общее языкознание. -М., 1972.

<sup>56</sup> Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент, 2002. –Б. 60.

<sup>57</sup> Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини: монография. -Тошкент: Фан, 1994. – Б.18.

<sup>58</sup> Roderick A. Jacobs. English Syntax. A Grammar for English Language ProfessionalsF Oxford University Press. 1993. P. 55.

учун алоҳида сўз, ибора ва, ҳатто гаплар қўлланган (*нега десангиз, аввало, ҳеч шубҳасиз, кўриб турганимиздек, таассуфки, барчамизга аён бўлиши керакки* ва бошқалар). Инглиз тилидаги вариантларида эса ўзбекча бир таркибли гаплар ўрнида *it* формал эгали гаплар ишлатилиши кузатилади. Демак, кесимлик категорияси ривожланган ўзбек тилидагидан фарқли равишда инглиз тилига хос гапларда гап доимо эга билан ифодаланиши шарт: *I read. I write. He went.*

Ўзбек тилида эса кесим шахс-сон жиҳатдан мукамал шаклланганлиги учун у эгасиз ҳам гап ҳосил қилаверади. Масалан: *Ёзьяпман* ва *Мен ёзьяпман.* гаплари орасида эга ҳақида денотатив ахборот узатишда ҳеч қандай фарқ йўқ. Худди шунингдек, “ўзбек тилида от, сифат, сон ёки бошқа сўз туркуми билан ифодаланган кесим предикативликнинг шахс-сон кўрсаткичини қабул қила олади ёки предикатив сўзлар орқали ифодалайди, шунинг учун улар эгасиз гапда ҳам кесим вазифасини бажара олади. Аммо рус тилида эса отлар предикативлик кўрсаткичига эга бўла олмайди, шунинг учун предикатив отлар эга билан келгандагина кесим вазифасини бажара олади”<sup>59</sup>. Бу ҳолатни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин: *Соғ-саломатмисиз? - Здоровы ли вы? Ўқитувчиман. - Я учительница.*

Ўзбек ва рус тилларида кесим ўзига хос грамматик хусусиятларига ҳам эга.

Ўзбек тилида кесим содда ва таркибли бўлиб, турли кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланади. Юқорида таъкидланганидек, кесим вазифасида келган сўзларда шахс-сон, модаллик ва замон кўрсаткичлари бўлиши лозим.

Ўзбек тилида от-кесимдан иборат гаплар ҳам мавжуд. Бу от-кесимларда бирлик ва кўплик, шахс қўшимчалари шахс маъноларини ифодалаши билан бирга, ҳозирги замон маъносини ҳам ифодалайди. Масалан, *Тадбиркорман. Уйдаман.*

Ўзбек тили синтактик қурилишида от-кесимлар ҳам, феъл-кесимлардаги каби эгали ёки эгасиз қўлланиши мумкин. Рус тилида эса, айтиб ўтганимиздек, отларга қўшиладиган предикатив шахс-сон

<sup>59</sup>Азизов О. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. –Тошкент, 1994. -Б.200.; Бўронов Ж., Юсупов У., Ирисқулов М., Содиқов А. Инглиз, ўзбек ва рус тиллари грамматик структураси: (Олий ўқув юртлари учун). -Тошкент: Ўқитувчи, 1986. -312 б.

кўшимчалари йўқлиги туфайли бу тилда “отнинг ўзи мустақил ҳолда маълум бир морфологик кўрсаткич ёрдами билан кесимга айлана олмайди. У фақат эга билан келиб, кесим вазифасини бажариши мумкин».<sup>60</sup> Масалан, *Тадбиркорман. - Я бизнесмен.*

Демак, ўзбек тилидаги гапларнинг лисоний сатҳдаги энг кичик қурилиш қолипи [WP<sub>m</sub>] шаклида бўлса, Ҳинд-Европа тилларида гапнинг минимал қолипи [Э-Р] тарзидадир. Кўринадики, ўзбек тилида йиғиқ гапнинг энг кичик қурилиш қолипини [WP<sub>m</sub>] шаклида бериш мумкин. Бу эса ўзбек тили ва Ҳинд-Европа тиллари орасидаги асосий типологик ҳамда миллий фарқлардан ҳисобланади.

**Ўзбек тилидаги йиғиқ гапнинг кўринишлари ҳақида.** Гапнинг бош бўлақларидан бўлган кесим ва унинг мавқеи ҳақида кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида қатор тадқиқотлар юзага келди. Айниқса, В.Эгамбердиев<sup>61</sup>, Ж.Омонтурдиев<sup>62</sup> тадқиқотларидан сўнг ва улар асосида формал-функционал тадқиқ усулларида иш олиб борган Р.Сайфуллаева, М.Абузалова, Л.Раупова, Р.Бобокалонов<sup>63</sup> каби тадқиқотчиларнинг ишлари, олий ва ўрта мактаб дарслик ва қўлланмаларида ҳам махсус бўлмаса-да, йўл-йўлакай кесим ҳақида баҳс борди. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида кесимнинг ўзига хос морфологик белгиларга эга эканлиги, кесимни ифода этадиган сўз ўзининг грамматик структураси билан бошқа бўлақлардан ажралиб туриши, баъзи бир гапларда эга махсус сўз билан ифодаланмаса-да, кесим орқали эгани аниқлаш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, фақат кесимдан иборат сўзлар гап бўлиб келиши мумкинлиги, бунинг учун у кесимлик мақомига эга бўлиши лозимлиги уқтирилди.

<sup>60</sup> Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини: монография. -Тошкент: Фан, 1994. -Б.8.

<sup>61</sup>Эгамбердиев В. Кесим таърифи ҳақида баъзи мулоҳазалар. Профессор-ўқитувчилар илмий конференциясининг тезислари (Қарши пед.институти).- Қарши, 1967.

<sup>62</sup> Омонтурдиев Ж. Кесимнинг структурасига кўра классификацияси. //Совет мактаби.-1965. -№4. -Б. 26-27.

<sup>63</sup> Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини: монография. -Тошкент: Фан, 1994. -Б.8.; Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари ва унинг нутқда воқеланиши: филол. фан. номз. ... дисс. –Бухоро, 2004. –22 б.; Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи ва [WP<sub>m</sub>-WP<sub>m</sub>] қурилишли гаплар: филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1999. -Б.46.; Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. -Тошкент: Фан, 2006. –Б.35.

Зеро, гап лисоний сатҳда кесимлик категориялари билан шаклланади. Нутқда эса гапнинг муҳим белгиларидан бири унинг тугалланган оҳангга эга бўлиши. “Ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан иборат. Гапнинг лисоний сатҳидаги шаклий ва мазмуний жиҳати унинг нутқий сатҳидаги шакли ва мазмунидан фарқланади”<sup>64</sup>.

Гаплар турли-туман бўлгани каби лисоний синтактик қолиплар ҳам ҳар хил бўлади. Бу тилда шаклланган ва сўзловчининг коммуникатив нияти, узатилаётган ахборотнинг ўзига хослиги умумийликларининг барқарорлашуви натижасида шаклланади. Гап минимал қолипларини тиклашда ана шу жиҳатлар асос қилиб олинади.

Туркийшуносликда кесим муаммосига бағишланган қатор ишлар бўлса-да, уларда мустақиллик-номустақиллик масаласи кун тартибига қўйилмаган ва масала тадқиқ этилмаган эди. “Бунинг сабаби туркий тиллар бўйича XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, XIX асрнинг учинчи чорагигача бўлган даврда туркий тиллар синтаксиси бўйича олиб борилган тадқиқотларда қиёс мезони Ҳинд-Европа тилларининг синтаксиси, хусусан, рус тили синтаксиси бўлган бўлса, ажаб эмас”<sup>65</sup>. Чунки бу тилларда содда гаплар таркибида ҳам, қўшма гап таркибида ҳам кесимнинг формал хусусиятлари фарқланмайди. Шу боисдан яратилган тадқиқотларда кесим дейилганда фақат содда гап кесими олиниб, қўшма гапнинг кесими, у ўзбек тилидаги кесимнинг мезонларига мувофиқ келмаганлиги сабабли, ҳар доим четлаб ўтилган. Бу масала, илк бор формал-функционал синтаксис тезисларида, сўнгра Р.Сайфуллаева ва М.Абузалова, Л.Раупова<sup>66</sup> тадқиқотларида масаланинг ечими даражасида кун тартибига қўйилди.

Кесимни синтактик категория сифатида формал-функционал тадқиқ қилган Л.Раупова унинг

<sup>64</sup>Қурбонова М, Сайфуллаева Р., Боқиева Г, Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. -Тошкент, 2004. –Б. 53.

<sup>65</sup>Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи ва [WP<sub>m</sub>-WP<sub>m</sub>] қурилишли гаплар: филол. фан. номз. ...дисс. –Тошкент, 1999. -Б.46.

<sup>66</sup> Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини: монография. -Тошкент: Фан, 1994. -Б.8.; Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари унинг нутқда воқеланиши: филол. фан. номз. ... дисс. –Бухоро, 2004. –22 б.; Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи ва [WP<sub>m</sub>-WP<sub>m</sub>] қурилишли гаплар: филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1999. -Б.46.

муस्ताқил ва номуस्ताқил шакллари ажратади. Муस्ताқил ва номуस्ताқил кесимлар фарқланишида тадқиқотчи қуршов омилларига таянади.

Л.Раупова ўзбек тилида гап марказини ташкил этувчи ва кўп ҳолларда унинг қурилиш типларини белгиловчи кесимлик шакллари икки турга ажратди:

1. Муस्ताқил кесимлик шакли.
2. Номуस्ताқил кесимлик шакли.

“Муस्ताқил кесимлик шакли деганда кўшма гап таркибида ҳам, содда гап таркибида ҳам бемалол қўллана оладиган воситалар тушунилади”<sup>67</sup>. Номуस्ताқил кесимлик шакллари қатъий белгиланган синтактик вазифага эга бўлиб, улар кўшма гап таркибидагина воқелана олади. Кўшма гап таркибидан бошқа ҳолатларда улар ё тамоман бошқа маъно ва вазифаларда қўлланади, ё кўшимча матний ва нутқий шароит ҳамда воситаларнинг мавжудлигини талаб қилади. Олима номуस्ताқил кесимлик шакллари сифатида ўзбек тилида *-са, -са ҳам, -са-ку, -са-ю, -са-я, -а(р) экан, -а(р)ди, -ган ҳам эди, -ди-ям* каби шакллари олади<sup>68</sup>.

Бу шакллар ўзларининг полисемантиклик хоссаси асосида мазкур белгисига эга бўлади. Яъни маълум бир номуस्ताқил кесимлик шакли содда гап таркибида бошқа, кўшма гап таркибида бошқа маъновий хусусиятини юзага чиқаради. Масалан: 1. *Салим келса, борамиз.* (шарт ёки пайт). 2. *Салим келса.* (истак). Демак, *-са* шаклли кесим тегишли қуршов доирасидан ташқарида бошқа семантик қиррасини намоён қилади.

Кесимларнинг қуршовга “эҳтиёжи” даражаси турли кўриниш ва шаклда юзага чиқиши мумкин. Масалан, *Ўқийман. Борасан. Ишчидир* гапларида кесим орқали *ўқиш, бориш, ишчи* ва уларнинг субъекти ҳақидаги икки хил ахборот яхлитланган ва бу бутунликда бу информацияларнинг мавқеи турлича. Масалан, *ўқийман* гапида *ўқиш* ҳаракатининг бажарилиши, яъни [W] дан англашилувчи қисм ахборотнинг бир қирраси бўлса, [P<sub>m</sub>] узатувчи келаси замон, аниқлик майли, биринчи шахс бирлик, тасдиқ (бўлишлилик) ахборотнинг иккинчи қирраси. Ахборотнинг иккала қисми ҳам

<sup>67</sup>Раупова Л. Ўзбек тилида номуस्ताқил кесим масаласи ва [WP<sub>m</sub>-WP<sub>m</sub>] қурилишли гаплар: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 1999. -Б.97.

<sup>68</sup> Қаранг: Шу асар. –Б. 97.

коммуникатив ният учун муҳим бўлиб, шу ҳолатда ахборотнинг [W] дан англашилувчи қисми муҳимликда биринчи ва [P<sub>m</sub>] дан англашилувчи қисми иккинчи даражали. Ахборот қисмларининг бундай муҳимлик даражасига кўра фарқланиши кесимлик шаклининг қўлланиш хусусиятини, яъни унинг мустаҳкамловчи воситаларга эҳтиёжини белгилайди. Бу эҳтиёжлардан коммуникатив ният талабига кўра баъзан айримлари (биттаси ёки бир нечтаси), баъзан барчаси бир вақтнинг ўзида кучайиши мумкин. Натижада [P<sub>m</sub>] кенгайди. *Мен ўқийман. Бугун ўқийман. Мен бугун ўқийман* каби. Бунда [P<sub>m</sub>] кенгайтирувчилари мустаҳкамловчи унсурлар саналади.

Барча кенгайтирувчилар мустаҳкамловчи бўлавермайди. Масалан, [WP<sub>m</sub>] даги [W] унсури кенгайтирувчи тарз, пайт каби кенгайтирувчи мустаҳкамловчи восита саналмайди. Чунки [W] унсурида мустаҳкамланадиган унсур йўқ. Мустаҳкамланишда такрорланиш мавжуд бўлиши лозим. Масалан, *Мен ўқийман* гапидаги [WP<sub>m</sub>] унсури ҳосиласида “биринчи шахс бирлик” маъносини ифодаловчи восита мавжуд (-ман). *Мен* олмоши ва –ман шахс-сон қўшимчаси семантикаси бир хил. Демак, бу гапда шахс-сон маъносининг икки қават ифодаланиши – мустаҳкамланишнинг ёрқин намунаси. Қаватланиш давом этиши мумкин. Масалан, *Мен ўзим ўқийман* гапида шахс-сон маъноси уч қават ифодаловчига эга. Демак, ёйилиш (кенгайиш) мустаҳкамлаш асосида ҳам, бошқа ҳолда ҳам бўлиши мумкин. Мустаҳкамлашга эҳтиёж ноль даражага тушганда йиғиқ гап кўриниши вужудга келади. Мустаҳкамлаш мустаҳкамловчининг таъкид оҳанги, мантиқий урғу олиши билан қувватланади.

Шундай ҳоллар кузатиладики, мустаҳкамлаш кучайиши натижасида [P<sub>m</sub>] нинг семантик ва функционал қуввати мустаҳкамловчининг функционал салмоғи олдида сезиларсиз ҳолга тушиши мумкин. Бу, одатда, кесимдаги [W] нинг ифодаловчиси исмларга мансуб, [P<sub>m</sub>] замони ҳозирги замон бўлганда юз беради: *Мен ўқитувчи. Биз ишчи. Сен шифокор* каби. Бунда эга тушириб қолдирилса, коммуникатив ифода ноль даражага тушади. [WP<sub>m</sub>] нинг [P<sub>m</sub>] қисми ифодаланмиши учун қуршов ва эга кенгайтирувчиси ифодаловчи

сифатида юзага чиқади. Кесимнинг [W] қисми эгасиз номустақил ҳолга тушади. Натижада кесимнинг номустақил кўриниши пайдо бўлади. Бу номустақилликни номустақил кесимлик шаклидан фарқлаш лозим, албатта. Номустақил кесимлик шаклида [P<sub>m</sub>] ифодаловчиси мавжуд бўлиб, у маъно англатишда номустақил бўлади. Яъни унинг маъноларидан қайсиси юзага чиқаётганлиги, маъноларини фарқлаш учун қуршов зарур бўлса, номустақил кесим [P<sub>m</sub>] маъносини ифодалай олмайётганлиги учун эгага зарурат туғилганлиги сабабли номустақил саналади. Демак, номустақил кесимлик шакли ва номустақил кесим тушунчалари принципиал фарқларга эга. Номустақил кесим мавжуд бўлганда гап қурилиши кесимлик шакллари ривожланмаган Ҳинд-Европа тиллари гап қурилишига монандлик касб этиб, [Э-Р] қолипига тушади. қиёсланг: *Мен ишчи. Я рабочий. I am a worker.*

Кўринадики, *Мен ишчи* гапидаги ишчи узвида [P<sub>m</sub>] ноль ифодаловчилигина эмас, балки мутлақо ифодаловчига эга эмас. Демак, кесим эгасиз мутлақо юзага чиқмайдиган бундай гаплар ҳам ўзбек тили синтактик қурилишида йиғиқ гапнинг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлади. Бундай гапларнинг йиғиқ гаплар сифатида қаралиши янги ҳодиса эмас. Унинг йиғиқ гап эканлиги ўзбек формал тилшунослигида баралла айтилган. Зеро, у рус тилидаги [эга+кесим] типик қолипли йиғиқ гапларнинг айнан ўзи, синтактик универсалиянинг ёрқин намуналаридан бири эди. **Биз бунга ишда йиғиқ гапнинг типик кўринишларидан бири сифатида қараймиз.** “Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда умумтилдагина эмас, балки тилнинг ҳар бир соҳасида ўзига хос кўринишларда содир бўлади. Бу ҳолат ҳозирги ўзбек тили, айниқса, сўзлашув тили учун характерли. Чунки сўзлашув тили алоҳида танланган, чегараланган нутқ бўлмасдан, умумиятга хизмат этадиган, ҳар қандай илмли, маданий савиядаги кишининг ҳам ўзига хос индивидуал нутқини бутунича ўзида акс эттирадиган нутқдир”<sup>69</sup>.

<sup>69</sup>Шодмонов Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз-гаплар: филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1970.

–Б.230.



Ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар 50-йилларга қадар дарслик ва қўлланмаларга киритилмаган. 50-йиллардан сўнг чоп этилган тилшунос С.Усмоновнинг “Ундов гаплар” номли қўлланмаси бу соҳадаги илк қадам бўлди. Профессор С.Усмонов ўзининг мазкур китобида ундов сўзларнинг синтактик вазифасини, яъни улар мустақил сўз-гап вазифасида келишини биринчилардан бўлиб асослаб беради<sup>70</sup>.

Ўзбек тилидаги сўз-гапларни формал-функционал таҳлил қилган Р.Бобокалонов уларнинг семантик ва структур моҳиятини очар экан, бундай гапларнинг структурасида кесимлик қўшимчалари мутлақо йўқ бўлиб, атов бирлиги ўзида ҳам луғавий маънони, ҳам кесимлик маъноларини яхлит ҳолда ташишини таъкидлайди. “Кесимлик маъно ва вазифалари [W] нинг ўзида мужассамлашган бўлади ва уларнинг шундай лисоний бирликларини ташкил этадики, гап ёки гап маркази вазифасида келиш ҳам, кесимлик маъносини ифодалаш ҳам уларнинг онтологик табиатида бирлашган бўлади. Шу сабабли грамматик шаклланган гапларнинг минимал қолипни [WP<sub>m</sub>] сифатида берсак, семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг энг кичик қурилиш қолипи рамзини [WP] сифатида бериш маъқул. Бу рамз кесимлик маъно ва вазифасини [W] нинг ичида, унинг таркибий қисми сифатида мавжудлигига ишорадир. Шу билан бирга, бу рамз худди шундай гапларда кесимлик қўшимчалари (маркерлари)нинг бўлолмаслигига, шунинг учун бундай гапларда [WP<sub>m</sub>] қурилишли содда гапларда бўладиган кесимлик маъноларининг ранг-баранглиги ҳам хос эмаслигига айна бир замонда ишора қилиб туради”<sup>71</sup>.

Семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг кесимлик қўшимчаларидан холилиги уларнинг кенгаймаслигига асос. Бу эса, ўз ўрнида, унинг маъно имкониятлари чегараланганлиги, грамматик шаклларни талаб этмаслиги, ҳар қандай сўзлар билан бирикиш имкониятидан маҳрумлиги, гапда бажарадиган вазифаси чекланганлиги хусусиятларига эгаллигини келтириб чиқаради<sup>72</sup>.

<sup>70</sup> Усмонов С. Ундов гаплар. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1955.

<sup>71</sup>Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. -Тошкент: Фан, 2006. –Б.38.; Шодмонов Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз-гаплар: филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1970.–Б.230.

<sup>72</sup>Қаранг: Шу асарлар. –Б.39; -Б.230.

Анъанавий ўзбек тилшунослигида сўз-гап номзодлик диссертацияси сифатида тадқиқ қилинган бўлса-да, бу билан унинг ўзбек тилидаги моҳияти тўла-тўқис очилган деб бўлмайди. Бу борада иш олиб борган тадқиқотчилар бундай типдаги гаплар йиғиқ гапларнинг [эга+кесим] кўринишли “ўзбекча” қолипига мос келмаганлигидан четлаб ўтганлар. “Тилшуносларимиз ўтган асрнинг 40-90-йиллари давомидаги тараққиётида бу мажмуа моҳиятини очиб беролмади, иккинчи томондан, бу мажмуа функционал синтаксис тадқиқотчилари илгари сурган содда ва кўшма гапларнинг минимал қолиплари  $[WP_m]$  ва  $[WP_m, WP_m]$  талабларига ҳам жавоб бермайди. Демак, формал синтаксис таҳлилида бўлганидек, формал-функционал таҳлилда ҳам бу гетероген (табиатан хилма-хил бўлган – Р.Б.) ҳодисалар мажмуи сўз-гаплар моҳиятини очишда тўғаноқ бўлиб қолди”<sup>73</sup>.

Кўринадики, бу ҳолат семантик-функционал шаклланган сўз-гапларни ҳам ўзбек тилидаги йиғиқ гапларнинг бир кўриниши сифатида қарашга илк асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, гап бўлақларининг кенгайиш-кенгаймаслигига кўра гап икки хил бўлади: йиғиқ ва ёйиқ.

Қисқарувнинг максимал чегарасидаги кенгаймаган минимал гап *йиғиқ гап*дир. Агар йиғиқ гап тизимида [Э-Р] ёки [Е-WP] кўринишли бирликлар бўлмаганда эди, унга “кенгайтирувчиларнинг иштирок этиш-этмаслигига кўра” таснифий белгисини кўйган бўлар эдик. Кўринадики, Гап бўлақлари қисқарувининг максимал чегарасига кўра йиғиқ гап қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1.  $[WP_m]$  – Ёзьяпман.
2. [Э-Р] ёки [Е-WP] – Мен ўқитувчи.
3.  $[WP]$  – Қиш.

Бу қисқаришнинг максимал чегараси бузилса, у гаплик моҳиятини йўқотади.

**$[WP_m]$  қурилишли йиғиқ гаплар.**  $[WP_m]$  қолипи ўзбек нутқида воқеланган аксарият гапларнинг барчаси учун

<sup>73</sup>Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. -Тошкент: Фан, 2006. –Б.35. Бу ҳақда яна қаранг: Шодмонов Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз-гаплар: филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1970. –Б.230.

умумий ва мажбурий бўлиб, у аслида йиғиқ гап. Европа тилларида, хусусан, рус тилида [эга+кесим] рамзи гапнинг энг кичик қурилиш қолипни ва, бир вақтнинг ўзида, йиғиқ гапни ифодаласа, шунингдек, бу тилларнинг туркий ва кесимлик шакли ривожланган бошқа тиллардан онтологик фарқини ифодаласа, ўзбек тили гапларининг энг кичик қурилиш қолипи бўлмиш [WP<sub>m</sub>] рамзи гапнинг бу тилдаги энг кичик қурилиш қолипни ва, бир вақтнинг ўзида, йиғиқ гапни ифодалаб, шунингдек, бу тилларнинг Европа ва кесимлик шакли ривожланмаган бошқа тиллардан субстанциал фарқини кўрсатувчи барқарор белгиси ҳисобланади.

[WP<sub>m</sub>] қурилишли йиғиқ гапларда W ва P<sub>m</sub> компонентлари ёйиқ гаплардагидан шаклан фарқланмайди. P<sub>m</sub> йиғиқ гапларда турлича структур кўринишларга эга.

[WP<sub>m</sub>] қурилишли йиғиқ гапларда кесимлик категорияси маъноси кесимлик қўшимчаларининг фақат ўзи билан ёки боғлама ва кесимлик қўшимчалари воситасида ифодаланиши мумкин.

**“Ўзбек тилининг структурал синтаксиси” китоби муаллифлари таъкидлашганидек, ўзбек тили йиғиқ гапларда кесимлик қўшимчаларининг қуйидаги турлари мавжуд:**

1. [P<sub>m</sub>]нинг маънолари яхлит ифодаланади: *Бор-ай. Ишла-йлик. Юр-ди.* Белгиланган қўшимчалар (-й, -йлик, -ди)дан ҳар бирида шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, майл маънолари биргаликда умумий ифодаланмишга эгадир. Масалан, *Бор-ай* гапидаги -ай қўшимчаси биринчи I шахс (II шахс *Бор*), бирлик (кўпликда *Борайлик*) келаси замон, тасдиқ (-май унинг инкор шакли), буйруқ-истак майли (бунда –син, -нг, (масалан, *Борсин. Боринг*) билан ассоциатив муносабатга киришади), маъноларига эга. Бундай ҳолатни *Борса. Ёзса* гаплари P<sub>m</sub> воқелантирувчилари таркибидаги шарт майли қўшимчасида ҳам кўриш мумкин. Бундай синкретик шаклли маънолар ноль морфемаларда ҳам мавжуд: 1. *Бор!* 2. *Қиш.*

2. [P<sub>m</sub>] таркибида тасдиқ-инкор алоҳида шакл орқали, модаллик, замон, шахс-сон маънолари эса яхлит ифодаланади: *Бор - ма – ди. Кел – ди.*

3. [P<sub>m</sub>] таркибида шахс-сон маъноси алоҳида шакл орқали, тасдиқ-инкор, модаллик, замон маънолари

яхлит ифодаланади: *Бор - са –нг. Кел - са – нгиз. Бил - ди – ми?*

4. [P<sub>m</sub>] таркибида тасдиқ-инкор, шахс-сон алоҳида-алоҳида шакл орқали, модаллик ва замон маънолари яхлит ифодаланади: *Бор-ма-ди-нгиз.*

5. [P<sub>m</sub>]нинг ҳар бир маъноси алоҳида шакл орқали ифодаланади: *Бор-ма-са-йди-нгиз.*

6. [P<sub>m</sub>] маъноларини ифодалашга боғлама ёки тўлиқсиз феъл хизмат қилади. Масалан: *Ишчи бўламан. Ҳамон ёдимдадир: гул чоғи эрди (Уйғ., И.Султ.)*

7. [P<sub>m</sub>] маъносини ифодаловчи воситалар ҳаракат тарзи шакллари таркибида келади: *Бақириб юборди. Бора кўрма.*<sup>74</sup>

[WP<sub>m</sub>] қурилишли йиғиқ гаплар коммуникатив ният ва унинг ифодаланиши билан ёйиқ, шунингдек, баъзан йиғиқ гаплардан фарқланади. Бу ҳақда ишнинг кейинги бобида сўз юритилади.

**[WP] қурилишли йиғиқ гаплар.** Ўзбек тилшунослигида гапнинг энг кичик қурилиш қолипи [WP<sub>m</sub>] сифатида талқин этилгач, баъзи ўринларда зиддиятли, изоҳталаб нуқталар ҳам вужудга келди. Чунки тилимизда шундай сўзлар борки, улар ўзининг алоҳида белгилари билан мустақил сўзлардан ҳам, ёрдамчи сўзлардан ҳам, содда ёки қўшма гаплардан ҳам фарқ қилади. Бу сўзлар – бўлақларга ажралмайдиган гап ёки сўз-гапдир.

Сўз-гап мустақил грамматик ҳодиса бўлиб, ўзбек тилшунослигида улар турли хил атамалар билан талқин этилган.

Тилшунос олим, профессор А.Фуломов сўз-гапларни “ундаш гаплар” сифатида эътироф этса<sup>75</sup>, М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расуловлар ўзларининг “Ўзбек тили” дарсликларидида сўз-гапларни “бўлақларга бўлинмас гаплар” тарзида талқин этадилар<sup>76</sup>.

Ўзбек тилидаги сўз-гаплар моҳиятан гап мақомидалиги, гапнинг бошқа марказий ва кенгайтирувчи қисмлари билан фақат мазмунангина боғланиши, ўз коммуникатив вазифасини кесимлик категорияси шаклларисиз намоён қилиши, семантик

<sup>74</sup>Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. – Тошкент, 2004. – Б. 68-69.

<sup>75</sup>Фуломов А.Ф., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент, 1965. -177-178-б.

<sup>76</sup>Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. –Тошкент, 1966. -224-225-б.

структурасининг одатий гаплардан кескин фарқланиши билан ажралиб туради.<sup>77</sup> Масалан, *Бойсун йўлидан борганмисиз? – Йўқ. Бормаганман.* Бу сўроқ гапнинг жавоби икки гапдан иборат. Улардан бирининг кесими *бормаганман* сўзи билан ифодаланган бўлиб, ранг-баранг кесимлик шаклларига эга бўла олади (*бормаганман, бормагансан; бормаган эдим, бормаган эдинг; бормаган бўлсангиз ва ҳ.к.*) Йўқ сўзи эса якка ўзи гап бўлиб келяпти ва кесимлик шаклларига эга эмаслиги, яъни кесимлик кўрсаткичларини қабул қилмаганлиги билан ажралиб туради. “Сўз-гаплар шундай сўзларки, гап вазифасида қўлланиш, уларнинг луғавий, ички маъносидан ўрин олган ва улар бошқа сўзлар каби кесимлик шакли қўшимчаларига муҳтож эмас. Лекин қўлланишда сўз-гаплар оҳанг, матн билан боғлиқ бўлади»<sup>78</sup>. “Махсус оҳанг билан талаффуз қилинадиган, аммо бирор ҳукм ёки мавжудлик ифодаламаган сўз ва сўз бирикмалари атов гап бўла олмайди. Улар сўз-гапни ташкил этади... Бундай гаплар тобе ёки ҳоким бўлакларни талаб ҳам этмайди, уларда бирор бўлакнинг “яширингани” ҳам сезилмайди. Улар айтиб ўтилган фикрга модал муносабатни ифодалайди”<sup>79</sup>.

Сўз-гапларнинг қўлланиш доираси анча тор ва хусусиятлари зиддиятли бўлгани учун уларнинг тадқиқи ва татбиқи доим «кейин»га кўчириб келинган.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар атрофлича ўрганила бошланди.

Тилшунос олим Ғ.Абдурахмонов сўз-гаплар ҳақида алоҳида тўхталиб, уларни маъно ва вазифасига кўра беш гуруҳга:

1. Тасдиқ билдирувчи сўз-гаплар.
2. Инкор сўз-гаплар.
3. Сўроқ сўз-гаплар.
4. Ҳис-туйғу сўз-гаплар.
5. Модал сўз-гаплар<sup>80</sup>га бўлса, Р.Бобокалонов уларни тўрт гуруҳга бўлади:

<sup>77</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент, 1965. – Б.262.

<sup>78</sup> Неъматов Ҳ, Ғуломов А. ва бошқалар. Она тили: 7-синф учун дарслик. – Тошкент, 2000. – Б.106.

<sup>79</sup> Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б.35.

<sup>80</sup> Юқоридаги дарслик. – Б.35.

1. Модаллар.
2. Ундовлар.
3. Тасдиқ-инкорлар.
4. Таклиф-хитоблар<sup>81</sup>.

Бу сўз-гаплар сўзловчининг баён этилаётган фикрга муносабатини (модаллар), кишиларнинг ҳис-туйғуларини, ҳайдаш, тўхтатиш каби хитобларини буйруқларни (ундовлар) ифодалайди. Масалан: 1. *“Ҳой! Ким бор?» - деб чақирди эшик табақасини бироз очиб Анзират хола.* (О.Мухтор). 3. – *Лаббай! Укажон, ҳозир чиқаман,-деб Зебинисо дарров ўрнидан турди.* (Ойбек). 4. *Манг! Комилахон, бу китобни олинг.* 5. *Кеча бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. – Қани! Сўзланг-чи!* 6. *Кўп гапириш кўп билишданми? – Йўқ.* 7. *Кам гапириш кўп билишданми? – Ҳа.*

Сўз-гапларнинг каттагина қисми мустақил сўзлардан (*шукур, раҳмат, майли, йўқ, шубҳасиз, эҳтимол, сира*), сўз бирикмаларидан (*ҳар ҳолда, ҳар қалай*), гаплардан (*худо хоҳласа, насиб бўлса*) ўсиб чиққанлиги учун мустақил сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар билан алоқалари ҳозир ҳам сезилиб туради.<sup>82</sup>

Гапнинг семантик ва синтактик қурилиши қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат (ўзбек тилидаги йўқлик-мавжудлик белгиси мисолида) олима Д.Лутфуллаеванинг докторлик диссертациясида атрофлича таҳлил қилинган<sup>83</sup>. Шунингдек, «сўз-гаплар ихчам гап сифатида маъно ва вазифаси жиҳатдан хосланганлиги туфайли улар содда гаплар таркибида келганда ҳам бошқа бўлаклар билан боғланмайди, улардан ажралиб туради»<sup>84</sup>. Муаллифлар, юқорида айтилганидек, *ихчам гап* атамасини бизнинг талқинимиздаги йиғиқ гапга нисбатан қўллашган. Шундай экан, сўз-гаплар мустақил гап бўла олиш қобилиятига эга бўлганлиги сабабли уларга нисбатан

<sup>81</sup>Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. -Тошкент:Фан, 2006.

<sup>82</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. –Тошкент, 1965. –Б.262.

<sup>83</sup>Лутфуллаева Д.Э. Гапнинг семантик ва синтактик қурилиши қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат (ўзбек тилидаги йўқлик-мавжудлик белгиси мисолида): филол. фан. докт. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2006.

<sup>84</sup>Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. -Тошкент: Фан, 2006. –Б. 24; Шодмонов Э. Слова-предложения в современном узбекском литературном языке: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Тошкент,1970. –С.230.

*семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар* атамаси ҳам унинг ўзида сўзлик ва гаплик хусусиятларини мужассамлаштирганлиги учун қўлланса, *йиғиқ гап атамаси* эса кенгаймаганлиги ва шундай хоссага эга бўлганлиги учун қўлланади. Шунингдек, улар атипик гаплар<sup>85</sup> ҳам дейилади. Бундай гаплар ҳодисанинг луғавий томонига ишора қилиб туради ва синтактик вазифа бажариши жиҳатидан фақат гап маркази вазифасида кела олиши билан фарқланади.

Кесимлик маъноси сўзнинг луғавий маъноси ва сўзнинг эгаллаган синтактик позицияси ҳамда морфологик шаклланмаганлигидан англашилиб турганлиги учун формал-функционал синтаксис тадқиқотчилари бундай гапларнинг лисоний қолипни [WP] рамзи билан белгилайдилар<sup>86</sup>. Биз ҳам бу типдаги гапларни йиғиқ гапларнинг бир кўриниши сифатида қабул қиламиз.

Тадқиқотчи Р.Бобокалонов тадқиқотида [WP] қурилишли йиғиқ гаплар семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар сифатида батафсил монографик тадқиқ қилинганлиги боис такрорлашдан чекиниш мақсадида унга ҳавола бериш билан кифояланамиз.

**Ўзбек тилида [Э-Р] кўринишли йиғиқ гаплар.** Ўзбек тилшунослиги формал-функционал тамойилга таянган ҳолда иш олиб бора бошлагандан сўнг синтактик категориялар – **сўз бирикмаси ва гапга** янгича талқинда ёндашила бошланди. Айтилганидек, ўзбек тили синтаксисини «байналминаллаштирган» ва «синтаксис интернационал» деган хулосани берган формал ўзбек тилшунослиги тилнинг грамматик қурилишини кўп ҳолларда унинг ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб эмас, «балки рус тилининг грамматик-семантик қурилиши табиатидан келиб чиқиб ағдармачилик заминида»<sup>87</sup> яратди. «Фанимизда гап қурилиши таҳлили, дастлаб Ҳинд-Европа тилшунослигида Ғарбий Европа тилларининг синтактик қурилиши таҳлили асосида қўлга киритилган гапнинг асоси (мантиқий ҳукм каби) икки бош бўлақдан – эга ва кесимдан иборатлиги ва

<sup>85</sup> Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. -Тошкент: Фан, 2006. –Б. 26.

<sup>86</sup> Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. -Тошкент: Фан, 2006.

<sup>87</sup> Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини: монография. -Тошкент: Фан, 1994.-Б. 8.

эганинг мутлақ ҳоқимлиги асосида амалга оширилди»<sup>88</sup>. Лекин 80-йилларга келиб, фанимизда системавий – структурал тадқиқотлар кучая бориши билан боғлиқ равишда Ҳинд – Европа тилшунослиги ва Ғарбий Европа тилларнинг ўзига хос синтактик қурилиши билан алоқадор бўлган ва, **такрор бўлса-да, айтиш лозимки**, гап негизининг «эга-кесим»дан иборат»<sup>89</sup> эканлиги ҳақидаги фикрлар ўзбек тили синтаксиси учун мувофиқ эмаслиги ойдинлаша борди. Бунга сабаб, ўзбек субстанциал тилшунослигининг вужудга келиши ҳамда «туркий гапнинг туркона- кесим марказли қурилишини очиши, уни [WPm] сифатида кўрсатиши»<sup>90</sup> бўлди. Шу асосда она тилимизнинг грамматик қурилиши бутунлай янги талқин этилди. [WPm] – гапнинг энг кичик қурилиш қолипи рамзи сифатида олинди. Бу қолип асосида фақат кесимлик кўрсаткичлари (замон, шахс, майл) билан шаклланган гаплар берилди. «Лекин тилимизда Европа (хусусан, Ғарбий Европа – роман, герман тиллар гуруҳига мансуб) тилларида кенг тарқалган [Э-Р] қурилишли (яъни, эганинг ифодаланиши шарт ва мажбурий бўлган) гаплар ҳам яширин имконият сифатида хос»<sup>91</sup> лиги аниқланди.

Масалан: *Мен ўқитувчи. У - шоир.*

Бундай гаплар ўзбек тилида от-кесим қурилиши кўринишида бўлиб, баъзи тадқиқотчилар бу шаклдаги гапларни рус тили таъсирида пайдо бўлган деган фикрни айтдилар<sup>92</sup>. Лекин [Э-Р] қурилишли гаплар тилимизда қадимги даврларданоқ яширин имконият сифатида хос бўлган. Ҳатто Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида [Э-Р] қурилишли сифатдош кесимли гаплар туркий тиллар қурилишига қадимдан хослигини қуйидаги мисоллар орқали изоҳлайди: *Мен йай қурдуқ. Биз йай қурдуқ. Сен йай қурдуқ. Сиз йай қурдуқ. У йай қурдуқ. Алар йай қурдуқ.*

Ҳозирги ўзбек тилида баъзи гапларда кесимни шакллантирувчи махсус морфологик кўрсаткичлар

<sup>88</sup> Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. -Тошкент:Ўқитувчи, 1965. –Б. 43.

<sup>89</sup> Қаранг: Юқоридаги асар. - Б. 23.

<sup>90</sup> «Ғ.Фулом ва давримиз» (Тўплам).- Қарши, 2003.- Б. 81.

<sup>91</sup> Қаранг: Юқоридаги асар.

<sup>92</sup> Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. -Тошкент: Ўқитувчи, 1965.



бўлмаса-да, бу гапларнинг кесимидан замон, шахс–сон, тасдиқ ва аниқлик маънолари англашилиб туради. Масалан: *Бу ер - мактаб* гапида кесим *мактаб* сўзи бўлиб, у морфологик кўрсаткичсиз шаклланган. Аммо бу гапда ҳам III шахс, бирлик, ҳозирги замон, тасдиқ ва аниқлик майли маънолари англашилиб туради.

Ҳозирги ўзбек тилига хос бўлган *Мен - ўқитувчи. Сиз – шифокор. У - талаба* каби гаплар эса рус тили таъсири асосида шаклланмаган. Бу шаклдаги гапларни биз тилимизга яширин имконият сифатида хос эканлигини билишимиз даркор.

[Э-Р] қурилишли гаплар мавжудлигини файласуф шоир Ғ.Ғуломнинг «*Мен – яҳудий*» шеърида ҳам учратишимиз мумкин. Шоир бу асарида худди «шу гапни (ҳамиша таъкид маъносини кучайтирувчи эксплицит – ифодаланган эга билан) етти марта қўллайди»<sup>93</sup>. Лекин Ғ.Ғулом ўз асарига «*Мен – яҳудий*» деб сарлавҳа қўяди. Бу ерда «*Мен* гапнинг зарурий - мажбурий – структур қисми»<sup>94</sup> бўлиб, унда фақат таъкид маъноси берилмаган, балки фикр зарурий таркибий қисм сифатида акс эттирилган.

Демак, айтиш мумкинки, ўзбек тилида гапнинг туркона – кесим марказли қурилиши [WP<sub>m</sub>] қолипи асосида шаклланган. Шу қолип асосида шаклланган гапларни содда йиғиқ гап деб аташ имкони мавжуд. Бунда гап кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланиши шарт. Бироқ нутқимизда от(исм) кесимли гаплар ҳам қадимдан мавжуд бўлганлиги туфайли содда йиғиқ гапнинг эгаси ифодаланиши шарт бўлган кўриниши ҳам мавжуд. Агар бундай гаплар қурилишидаги эга тушириб қолдирилса, ҳамда *Ўқитувчи. Талаба* шаклида берилса, фикр фақат қайд моҳиятини акс эттириб, атов гап сифатида намоён бўлиши мумкин ва гапнинг коммуникатив субстанцияси бутунлай ўзгариб кетади. Шунга кўра, ўзбек тилининг субстанциал синтаксисида [эга+от-кесим] кўринишида намоён бўлувчи *Сен – шифокор* типигаги йиғиқ гапларни [Э+WP] қолипи асосида ифодалаш мумкин. Бунда *Сен* сўзи қолипнинг [Э] узви воқеланиши бўлса, *шифокор* бирлиги [WP]нинг воқеланишидир.

Кўринадики, ўзбек тилшунослигининг субстанциал

<sup>93</sup>Ғ.Ғулом ва давримиз (Тўплам).- Қарши, 2003.- Б. 81.

<sup>94</sup> Қаранг: Юқоридаги китоб.

синтаксисда содда йиғиқ гапларнинг қурилиш қолипи фақат  $[WP_m]$  кўрсаткичли эмас, балки  $[Э-Р]$  тарзида ҳам берилиши мумкин. Бунда  $[P_m]$  унсурунинг  $[P]$  қисми қолдирилиб,  $[m]$  қисми туширилганлигининг сабаби шундаки, кесим вазифасида келаётган сўзда марказлик хоссаси морфологик кўрсаткичсиз намоён бўлган, у эга ва кесимнинг ўзаро муносабатидан юзага чиқади.

**Гап нутқий ҳосила сифатида** хилма-хил, чексиз кўринишга эга. Гап нутқда воқеланар экан, унда лисоний ва нолисоний омиллар уйғунлашади. Ва, шу асосда, лисоний системага берилган унсурларнинг “бир хил шакллилиги” тамойили мўътадиллашиб, у “ҳар хил шакллилик” белгисига эга бўлади. Чунки нутқий гапда соф лисоний бирликлар билан бирга, нутқнинг бошқа воситалари нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчининг ёш ва характер-хусусияти, коммуникатив мақсади, нутқ шароити каби қатор омиллар гапга “ёпишади” ва яхлитлик касб этади. Яхлитлик эса системадир. Лекин носинтактик ҳодисалар билан қоришган бирлик қанчалик чексиз турланмасин, лисоний сатҳдаги умумийлик барқарор ҳолда сақланган бўлади. Бу умумийлик гапнинг энг кичик синтактик қолипидир. Гапнинг энг кичик синтактик қолипини аниқлаш учун гап носинтактик ҳодисалардан холи қилинади ва фикрни ифодалай оладиган, ҳоким бўлак – кесим вазифасидаги сўз шакли қолади. Айни шу сўз шакли учун  $[WP_m]$  қолипи қабул қилинди.  $[WP_m]$  нинг ранг-баранг хусусиятлари ҳақида юқоридаги фаслларда сўз юритилди ва уни гапнинг энг кичик қурилиш қолипи – лисоний бирлик ҳар қандай онг бирлиги каби бевосита кузатишда берилмаган деб таърифланди.

Гапнинг умумий қолипини тиклаш ва шакллантиришда барча атов бирликлари учун умумий бўлган битта хусусият – “аташ маъноси” ва унга кесимлик мақомини берувчи воситалар учун “кесимликни шакллантириш” вазифа ва маъноси олинди. Зеро, бу қолипнинг таркибий қисми бўлган  $[W]$  нинг ҳам,  $[P_m]$  нинг ҳам ўзига хос минглаб жузъий хусусиятлари мавжуд. Тадқиқотчи М.Абузалова  $[W]$  ни ифодаланиш шакллариغا кўра дастлаб икки турга бўлади:

1. От, сифат, сон, олмош туркумига оид сўзларнинг  $[W]$  вазифасида келиши.

## 2. Феълнинг [W] вазифасида келиши<sup>95</sup>.

Нутқ босқичида эса кесимнинг от ёки феъл билан ифодаланиш хусусиятлари Ж.Омонтурдиев томонидан ўз вақтида тадқиқ қилинган. У “кесим феъл билан ифодаланса ҳам, от билан ифодаланса ҳам, предикативликни ифодалаши, эга ҳақидаги ҳукмни билдириши”<sup>96</sup>ни айтган. Э.Бенвенист<sup>97</sup> эса феъл предикат билан бирга, от предикат мавжудлигини эътироф этади. Тилшунос олим Т.Акромов лисоний сатҳда от сўз туркуми кесим вазифасида ҳам келишини ва бунда эганинг белгисини билдиришини таъкидлайди: “Ўзбек тилида ҳам от-кесим, сифат, сон ва равишлардан ифодаланиб, эгадан англашилган шахс, предмет, ҳодисанинг предметлик белгиси, сифат-хусусияти, жинси, ҳолати, сон-миқдори, мавжудлик ўрни, материали ва шу каби хилма-хил белгиларни билдиради”<sup>98</sup>.

Кўриниб турибдики, кесимнинг от (аслида, исм)<sup>99</sup> ёки феъл билан ифодаланиш хусусияти нутқ босқичида кенг ўрганилган. Шунингдек, юқорида қисман қолипнинг  $P_m$  қисми ифодаланишига  $[WP_m]$  қолипли йиғиқ гаплар мисолида тўхталинди. Шу сабабли қуйида гап марказини – кесимни – отли ёки феълли каби турларга ажратиб,  $[WP_m]$  нинг  $[W]$  қисми нутқий воқеланиши – ифодаланиш шакллари кўрсатиб ўтилади.

1. Йиғиқ гапнинг нутқий воқеланишида  $[W]$  нинг феъл билан ифодаланиши: *Ўқидинг. Боргин. Келади.*

<sup>95</sup> Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари ва унинг нутқда воқеланиши: филол. фан. номз. ... дисс. - Бухоро, 1994. - Б. 47.

<sup>96</sup> Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек тилидаги содда гапларда кесимнинг структура жиҳатдан типлари: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. - Тошкент, 1965. - Б. 44.

<sup>97</sup> Бенвенист Э. Общая лингвистика. - М.: Прогресс, 1974. - 447 с.

<sup>98</sup> Акромов Т. Ҳозирги ўзбек тилида от-кесим: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. - Тошкент, 1967.

-32 б.

<sup>99</sup> Ўзбек тилшунослигида *от кесим* ва *феъл кесим* атамалари кенг тарқалган. Бунда *от кесим* деганда феълдан бошқа туркумлар, асосан, от, сифат, сон англашилади. Бироқ *от* термини сўз туркумини ҳам, кези келганда от, сифат ва сонни ҳам жамлаб аташи она тили таълимида жуда катта чалкашлик туғдиради. Бундай номлашда ҳам ўзга тил ва тилшуносликнинг таъсирини сезиш қийин эмас. Зеро, рус тилшунослигида от, сифат, сон билан ифодаланган кесимлар *именное сказуемое* атамаси билан юритилиб, бирикмали терминнинг биринчи сўзи (яъни *именное*) мазкур туркумлар атамаларининг умумий қисми (*имя*)нинг бирикмага хосланган шаклидир (*имя* существительное, имя числительное, имя прилагательное). Ўзбек тилидаги атама шу сўз (*именное*) айнан отга тенглаштириб, нотўғри таржима қилиниши ва қўлланиши оқибатидир. Шу боисдан биз ўзбек, қолаверса, шарқ тилшунослик асарларида анъана бўлган ва чалкашликларни бартараф этишга хизмат қилувчи *исм* атамасидан фойдаландик. Масалан, *от кесим* атамаси ўрнида *исм кесим* термини ишлатилади.

*Куйласин. Сотиб олдим.*

2. Йиғиқ гапнинг нутқий воқеланишида [W] нинг исм билан ифодаланиши:

а) от билан: *Ўқитувчиман. Шифокордирсиз.*

б) сифат билан: *Чиройлидир. Тириксан. Нодонсан.*

в) сон билан: *Ўнтамиз. Биринчисиз. Ўттиздаман.*

г) олмош билан: *Менман. Ўзингсан.*

Шунингдек, мазкур вазифада содда сўзлар билан бирга, қўшма сўзлар, сўз бирикмалари, фраземалар ҳам кела олади ва [W] нинг акциденцияларини намоён қилади, уларнинг барчаси хусусийлик сифатида бир қатор ўзига хосликларга эга бўлади. Масалан:

[W] вазифасида:

а) қўшма сўзларнинг келиши: *Устабузармонсан. Олиб қочдим. Ишлаб чиқарди.*

б) фраземаларнинг келиши: *Юраги ёрила ёзди. Капалаги учиб кетди. Кўзим тушди. Кўзлари тўрт бўлди каби.*

[P<sub>m</sub>] ҳам аввалги бобларда таъкидланганидек, тасдиқ-инкор, замон, майл, шахс-сон кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган яхлитликдир. Бу кўрсаткич бир бутунлик сифатида умумийлик деб олинадиган бўлса-да, унинг ҳам ўзига хос ифодаланиш шакллари бор. Бу ҳақда юқорида қисман тўхталинди. Бу шаклий турли-туманлик фақат нутқда мавжуд бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам гапнинг синтактик қурилишига таъсир этмайди. М.Абузалова ўзининг номзодлик ишида [P<sub>m</sub>] ни структурасига кўра уч турга бўлади:

1. [P<sub>m</sub>] маъноларининг йиғиқ ифодаланиши:

а) феъл кесимларда: *Ёз. Ёзгин. Борай.*

б) от кесимларда: *Ўқитувчиман.*

2. [P<sub>m</sub>] маъноларининг ёйиқ ифодаланиши:

а) феъл марказли гапларда: *Ёзмасайдингиз.*

б) от марказли гапларда: *Ўқитувчидирман.*

3. [P<sub>m</sub>] маъноларининг тафсилий (аналитик) ифодаланишига:

а) феъл [W] ли гапларда: *Ўқиса бўлади. Олган бўлсангиз.*

б) от [W]ли гапларда: *Баҳор бўлса. Баҳор эди.* каби мисолларни келтиради<sup>100</sup>.

Кўринадики, ўзбек тилида шаклий ифодаланишига

<sup>100</sup>Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари ва унинг нутқда воқеланиши: филол. фан. номз. ... дисс. –Бухоро, 1994.

кўра [P<sub>m</sub>] ўта ранг-баранг. Юқоридаги мисолларда кўрилганидек, у ноль морфемадан бошлаб, морфемаларнинг йиғиқ, ёйиқ кўринишлари ҳамда боғламалар билан ифодаланиши мумкин. Шунинг учун унинг муайян нутқий воқеланишлари бу қолип таркибидаги қисмлар орасида ҳиссаси ҳамма вақт ҳам бир хил бўлавермайди. Баъзи ҳолларда бир маъно бўрттирилса, унинг иккинчи маъноси заифлашади. Тилшунос Б.Менглиев таъкидлаганидек, масалан, «модаллик маънолари бўрттирилганда замон маъноси заифлашади ва, аксинча, замон маъноси бўрттирилганда, модаллик, майл маъноси сусаяди. Шунга ўхшаш бошқа грамматик маъноларнинг ифодаланиш даражаси ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Бу маънолар ифодаланиш даражаси қанчалик кучли бўлмасин, у [P<sub>m</sub>] да мутлақ ёки ягона бўлиши, шунингдек, ўта заифлашиб келиши ёки тамоман йўқолган бўлиши ҳам мумкин эмас»<sup>101</sup>. Ҳатто кесимлик категорияси таркибидаги бирорта маънонинг тамоман йўқолиши натижасида унинг, яъни кесимлик категориясининг ўзи ҳам бутунлай йўқолади ёки бошқа моҳият касб этади.

Гапнинг синтактик қурилишида унинг ҳажми муҳим аҳамиятга эга. “Гап ҳажми қанчалик катта бўлса, унда шунча кўп бўлиниш (бўлакларга ажратиш) мавжуд бўлади”<sup>102</sup>. Маълумки, ҳар қандай ҳажмли гапда актуал бўлиниш икки қисмдан – тема(маълум) ва рема(янги)дан иборат бўлади<sup>103</sup>. Бу атамалар ҳозирги кунда баъзи адабиётларда «янги» ва «маълум» терминлари остида берилади<sup>104</sup>.

<sup>101</sup>Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси: 5A220100 – филология (ўзбек филологияси) йўналиши бакалаври учун ўқув қўлланмаси. –Қарши: Насаф, 2004.

<sup>102</sup>Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. - Фарғона, 2004. –Б. 23.

<sup>103</sup>Крущельницкая К.Г. К вопросу о смысловом членении предложения // Вопросы языкознания, 1956. -№5; Распопов И.П. Актуальное членения предложения. –Уфа, 1961; Ковтунова И.И. Современный русский язык. Порядок слова и актуальное членение предложения. –М., 1976; Панфилов В.З. Грамматика и логика. –М., 1963; Абдуллаев К.М. Актуальное членение предложения в азербайджанском языке // Советская тюркология, 1983. -№ 1; Сибагатов Р.Г. Атрибутивные и предикативные конструкции в плане содержания // Вопросы языкознания, 1982. -№2; Амиров Р.С. Способы актуального членения в казахском языке // Советская тюркология, 1970. -№ 6; Ҳайитметов А. Ўзбек тилида актуал бўлиниши ва позицион масалалар. -Тошкент: Фан, 1984; Маҳмудов Н., Нурмонов А., Аҳмедов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Тошкент: Фан, 1992; Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши: филол. фан. номз. ... дисс. автореф.-Фарғона, 2004. –Б. 23.

<sup>104</sup>Маҳмудов Н., Нурмонов А., Аҳмедов А.ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси: -Тошкент: Фан, 1992; Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши:

Гаплар нутқда турлича намоён бўлади. Юқорида айтилганидек, нутқда иштирок этаёган носинтактик – нолисоний омилларнинг иштироки даражаси турлича бўлади. Сўзловчига боғлиқ бўлган (субъектив) ва боғлиқ бўлмаган (объектив) омилларнинг турли даражада бирлашуви унинг актуал бўлинишини тадқиқ қилишда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, гапнинг актуал бўлиниши билан синтактик бўлинишининг ўзаро муносабатида мувофиқлик ва номувофиқлик ҳолатлари кузатилади. Чунки сўзловчининг мақсади ва нутқ шароитига боғлиқ равишда гапларнинг қурилиши турлича тус олади. Агар актуал бўлиниш билан синтактик бўлиниш муносабати ўзаро мувофиқ келса, эга ёки эга гуруҳи темани, кесим ёки кесим гуруҳи ремани ифодалайди.<sup>105</sup> Бунда нутқ вазиятига мувофиқ равишда гапларнинг қурилиши ва, унга мувофиқ, актуал бўлинишида меъёрий ҳолатлар кузатилади.

Бизга аёнки, маълум–янги муносабатли жумлалар кўпроқ икки таркибли содда гапларда учрайди. Масалан:

Нутқий ҳосила	<i>У</i>	<i>шоир</i>
қолипи	[S - P]	
Актуал бўлиниш и	T	P

Нутқий ҳосила	<i>Булбуллар</i>	<i>сайради</i>
қолипи	[S - WP <sub>m</sub> ]	
Актуал бўлиниш и	T	P

Баъзан актуал тузилиш билан синтактик тузилиш ўзаро мос келмаслиги ёки синтактик бўлинишга эга бўлган муайян гап ёки бир жумла айтилишида актуал бўлинишга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. “Бундай ҳолатларда жумла яхлитлигича янги хабарни ифодалаб,

филол. фан. номз. ... дисс. автореф.-Фарғона, 2004. –Б. 23.

<sup>105</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абдулова М. Ҳозирги ўзбек тили. –Тошкент, 1965. –Б.353.

тўлиқ диктал сўроққа жавоб бўлади”<sup>106</sup>. Масалан:

*Қор ёғди. – Нима бўлди?*

Кўринадики, жумла актуал тузилишининг семантик тузилиш билан ҳам муносабати ўзига хос. “Агар жумлада субъект тема функциясида, предикат рема функциясида келса, актуал тузилиш семантик тузилишга мувофиқ келади. Тема функциясида субъектдан бошқа семантик бўлаклар келганда эса бу мослик бузилади”<sup>107</sup>.

*Эр бойлиги – йўлда,*

*Сўз бойлиги – тилда. (Ўзбек халқ*

*мақоли)*

Бу мисолда боғловчисиз қўшма гапнинг эгалари темани, кесимлар эса ремани ташкил этмоқда.

Тема–рематик ва грамматик мослик кўпроқ Ҳинд-Европа тиллари оиласига хос. Чунки бу тилларда кесим эгасиз ифодаланмайди ва бир таркибли гаплар бу тиллар учун умуман хос эмас. Юқорида келтирилган *Ты читал. Я учительница. Здоровы ли вы?* каби мисолларда субъект, яъни эгалар (*я, ты, вы*) темани, предикатлар, яъни кесимлар (*читал, учительница, здоровы*) ремани ташкил этади ва маълум – янги муносабатли жумлаларни ҳосил қилади ҳамда «тингловчи учун фактдан – хабар, далилдан бошланиб, номаълум янги факт – хабар, далил томон йўналади ва бунда “тема” билан “рема”нинг “маълум” билан “янги”га тўлиқ мос келиши кузатилади”<sup>108</sup>.

Лекин туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида кесим шахс–сон жиҳатдан мукаммал шаклланган ва унинг морфологик таркиби эга ҳақида тўлиқ маълумот бера олади. Шунинг учун у эгасиз ҳам гапни ҳосил қилаверади. Масалан, рус тилидаги *Я учительница* гапини ўзбек тилида *Ўқитувчиман* деб берса ҳам бўлаверади. Ўзбек тилидаги бундай содда йиғиқ гапларнинг актуал бўлиниши семантик тузилиши билан мос келмайди. *Ўқитувчиман* гапида *ўқитувчи* ахборотни, яъни янги хабарни билдиргани учун ремани, шахс-сон

<sup>106</sup>Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Фарғона, 2004. –Б. 23.

<sup>107</sup>Қаранг: Юқоридаги асар. –Б.24.

<sup>108</sup>Қаранг: Юқоридаги асар. –Б. 23.

кўрсаткичи, яъни ишора семаси бўлган –ман эса темани ташкил этапти:

Нутқий ҳосила	<i>Ўқитувчи</i>	<i>ман</i>
Қолипи	[WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниши	Р	Т

Бунда таъкид *Ўқитувчига* қаратилади. Чунки оҳанг ҳам гапнинг энг муҳим, характерли белгиларидан бири бўлиб, у коммуникатив тузилишни ифодаловчи энг асосий воситадир. “Қолган воситалар (шу жумладан, сўзлар тартиби ҳам) ўзларининг бу борадаги функцияларини интонация замирида амалга оширадilar. Бошқа воситалар ақтуал тузилишни ифодалашда қатнашмаса, просодик воситалар яққол етакчилик қилади»<sup>109</sup>. Маълумки, гапни ақтуаллаштирувчи просодик воситаларга урғу ва у билан боғлиқ бўлган нутқ темпи ҳамда пауза, яъни тўхтама киради. Шундай экан, юқоридаги *Ўқитувчиман* содда ихчам гапида таъкид *Ўқитувчига* қаратилгани учун бу жумла **янги-маълум** муносабатли жумлани ташкил этмоқда. Лекин бу гапда таъкидни янада кучайтириб, *Мен ўқитувчиман* тарзида ҳам қўллашимиз мумкин. Чунки гапнинг мазмуний–синтактик таҳлилида «кишилик олмошининг қўлланиб-қўлланмаслиги баённинг ҳиссий-ноҳиссийлиги, аниқроқ қилиб айтганда, тусланиш воситаси (кесимни шакллантирувчи восита)нинг валентлиги ва гапнинг ақтуал (коммуникатив, нутқий) бўлиниши билан узвий боғлиқ»<sup>110</sup>дир. Юқоридаги мисолда таъкид кишилик олмошига қаратилган бўлиб, айти вақтда шу кишилик олмоши ремани ташкил этади.

Нутқий ҳосила	<i>Мен</i>	<i>ўқитувчиман</i>
Қолипи	[Э-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниши	Р	Т

Тилшунос Ғ.Зикриллаев ўзининг «Истиқлол ва адабий тил» рисоласида «... ўзбек тилида ремани таъкидлаш зарурати бўлмаса, кишилик олмоши

<sup>109</sup>Қаранг: Юқоридаги асар. –Б. 23.

<sup>110</sup>Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. -Тошкент: Фан, 2004. –Б. 66.



ишлатилмайди, фикр ифодалаш учун кесим (тусланиш воситаси)нинг ўзи етарли бўлади. Натижада гап биргина сўздан тузилади. ... бутун диққат–эътибор ахборот учун муҳим ҳисобланган сўзга қаратилади. Айни пайтда ихчамлик, тежамкорликка эришилади», - деб таъкидлайди ва «гап рема вазифасидаги биргина сўздан иборат бўлганда хабарнинг бир қисми (темаси) олдинги ёки кейинги гапда муайян восита билан ифода этилади, ё бўлмаса матннинг умумий мазмунидан англашилади», - дейди ҳамда *Арслонбекмисиз? Солиқни айтмадингизми?* – *Айтдик* каби мисолларни келтиради. *Шу ўринда Арслонбекмисиз? Айтдик* каби содда йиғиқ гапларни рема деб эътироф этади ва уларнинг темаси кейинги гап мазмунидан англашилади, деган фикрларни ҳам билдиради<sup>111</sup>. Аслида эса бу ерда олмош тежалгани билан бу сўзларга гап мавқеини бераётган морфологик кўрсаткич, яъни Рт (-ди, -к) маълум (тема) бўлиб, гап ким ҳақида кетаётганлигини шахс-сон кўрсаткичлари (-сиз, -к) дан билиб олишимиз мумкин. Демак, бундай гаплар фақат ремадан иборат эмас, балки рема-тема, яъни янги-маълум муносабатли жумлалардан тузилган. *Арслонбекмисиз? Айтдик* каби мисолларда *Арслонбек, айт* сўзлари ремани, -сиз, -ди, -к кўрсаткичлари эса темани ташкил қилмоқда.

Маълумки, сўз туркумлари билан гапнинг функционал бўлаклари орасида муайян хосланишлар бор, яъни маълум бир сўз туркуми маълум бир синтактик вазифани бажаришга хосланган бўлади. Шундай экан, «сўз туркумлари ва уларнинг морфологик шакллари гапнинг синтактик қурилиш ашёлари (материаллари) ҳисобланади»<sup>112</sup> ҳамда улар тема (маълум) ва рема (маълум)га ҳам бефарқ эмас. Яъни сўз туркумларининг гапдаги вазифаси уларнинг тема-рема муносабатига ҳам боғлиқ.

Содда йиғиқ гапларда от туркумидаги сўзлар эга вазифасида келганда, бу туркумдаги сўзларнинг типик вазифаси темани ифодалашдан иборат бўлади.

<sup>111</sup>Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. -Тошкент: Фан, 2004. –Б.67.

<sup>111</sup>Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. -Фарғона, 2004. –Б.8.

<sup>112</sup>Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши: филол. фан. номз. ...дисс. автореф.-Фарғона, 2004. –Б.8.

Масалан: *Ёз иссиқ. Жимлик ҳукмрон.* Бу содда йиғиқ гапларнинг эгаси, яъни *ёз, жимлик* каби сўзлар тема (маълум) ни, кесимлари – *иссиқ, ҳукмрон* сўзлари эса ремани ташкил этади.

Отлар кесим вазифасида ёки кесим гуруҳи таркибида келганда кўпинча рема вазифасини бажаради. Айтилганидек, содда йиғиқ гаплар уч хил кўринишда намоён бўлади:

1. Эгаси ифодаланмаган содда йиғиқ гап. Бу гапларнинг қолипни  $[WP_m]$  тарзида берган эдик.

2. Эгаси ифодаланиши лозим бўлган содда йиғиқ гаплар. Бу гаплар  $[Э-Р]$  кўринишида намоён бўлади.

3. Сўз-гапдан иборат йиғиқ гап ( $[WP]$ ).

Шунга кўра, биринчи кўринишдаги  $[WP_m]$  қолипга гапларда исм кесим от билан ифодаланганда, яъни, дейлик, *Шифокордирсиз* гапида *W* қисм, яъни *шифокор* – ремани,  $P_m$  қисми эса, яъни *-дирсиз* кўрсаткичи темани ташкил этади. Худди шунингдек, бу қолипга гапларда **исм кесим** сифат, сон, олмош, равиш билан ифодаланганда ҳам, *W* ремани,  $P_m$  темани билдиради. Масалан: *Чиройлидир. Аълочиман. Нодонсан. Ўттиздаман. Оғироёқман.*

Эгаси ифодаланиши шарт бўлган  $[Э-Р]$  кўринишли содда йиғиқ гапларда ҳам содда от кесим ремани ташкил этади. Масалан:

Нутқий ҳосила	<i>Сув</i>	<i>гавҳар</i>
Қолипи	[Э - Р]	
Актуал бўлиниши	Т	Р

Сифатлар аниқловчилик вазифасидан кесим вазифасига олиб ўтилганда, мустақил ҳолда рема мақомига эга бўлади.

Нутқий ҳосила	<i>Атроф Сувлар Осмон</i>	<i>жимжит тиниқ кўм-кўк</i>
Қолипи	[Э - Р]	
Актуал бўлиниши	Т	Р

Сонлар ҳам, сифатлар ҳам атрибутив ҳолатларда рема мақомида бўлади. Лекин сифатлар отлашганда ёки эга гуруҳида келганда, тема шаклида намоён бўлади. Масалан, *Яхшилар кўпайсин.*

Бу йиғиқ гапда эга маълумни, кесим эса янгини ифодаламоқда.

Отлашган сонлар эса вазиятга қараб, йиғиқ гапларда тема ҳам, рема ҳам бўлиб келиши мумкин:

Нутқий ҳосила	<i>Бешови</i>	<i>келди.</i>
Қолипи	[E-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниши	Т	Р

Нутқий ҳосила	<i>Кулган</i>	<i>учови</i>
Қолипи	[E-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниши	Т	Р

Сонлар одатда кесим вазифасини бажарганда мустақил ҳолда рема мақомида бўлади. Масалан: *Икки ўн беш – бир ўттиз. Китобим бешта.*

Шунингдек, нутқий мақсад ва вазифага кўра олмошларнинг аксарияти тема (маълум)ни ифодалашга хизмат **қилади**. Чунки улар бошқа сўз туркумлари ўрнида қўлланганлиги сабабли хабар тингловчи учун коммуникатив жиҳатдан янги эмаслигини кўрсатади. «Лекин бу олмошларнинг ҳар доим тема функциясида келаверишини билдирмайди»<sup>113</sup>. Чунки тема ва рема ҳар доим ҳам маълум ва янгига мос келавермайди.

Кўпроқ гапнинг тема қисмини ифодалашда кишилиқ, кўрсатиш, ўзлик, белгилаш ва гумон, бўлишсизлик олмошлари иштирок этади:

<sup>113</sup>Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. -Тошкент:Фан, 2004. –Б.41.

Нутқий ҳосила	<i>Улар</i>	<i>кетишди</i>
Қолипи	[Э-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниши	Т	Р

Нутқий ҳосила	<i>Бу</i>	<i>китоб</i>
Қолипи	[Э-WP]	
Ақтуал бўлиниши	Т	Р

Нутқий ҳосила	<i>Ҳамма</i>	<i>йиғилди</i>
Қолипи	[Э-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниши	Т	Р

Нутқий ҳосила	<i>Кимдир</i>	<i>келди.</i>
Қолипи	[Э-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниши	Т	Р

Нутқий мақсад ва вазифа сўзловчи ёки тингловчини таъкидлашни тақозо қилса, кишилик олмошлари қўлланади. Бундай пайтда гап камида иккита сўздан иборат бўлиши керак. Бундай гаплар [Э-Р] кўринишли содда йиғиқ гапларни ташкил этишини юқорида кўриб ўтдик ва бунга *Мен ўқитувчи. Сен ишчи* каби мисолларни келтирдик. Бу гапларда мақсад сўзловчини ёки тингловчини таъкидлаш бўлганлиги учун *мен, сен* каби кишилик олмошлари қўлланган ва бу олмошлар рема вазифасини бажарган.

Баъзи содда гапларнинг эгаси жуфт сўзлар билан

ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *Сену мен борамиз.* Бу гапда эга вазифасини иккита субъект – жуфт сўз шаклидаги олмош бажариб, рема мақомида келмоқда. Чунки ушбу мисолда сўзловчи ва тингловчини ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш учун жуфт олмошдан фойдаланилган ва бу жуфт олмошлар маълум хабарни эмас, таъкидни билдиргани сабабли рема вазифасини бажармоқда:

*Сену мен борамиз.*

Р - Т

Бунда тема–рематик силжиш юзага келиб, янги-маълум муносабатли жумлалар пайдо бўлган. Худди шунингдек, сўроқ олмошлари ҳам янги-маълум муносабатли жумлаларни ифодалашга хосланган бўлади. Чунки сўроқ олмошлари кўпинча сўроқ гаплар таркибида бўлиб, уларнинг асосий вазифаси сўровчига номаълум янги нарса, воқеа-ҳодиса белгини аниқлашдир. Шунинг учун ҳам сўроқ олмошлари мана шу номаълум нарса, воқеа-ҳодиса, белги ўрнида қўлланганлиги сабабли рема вазифасини бажаради. Сўроқ олмошлари гапнинг барча ўринларида кела олиши мумкин. Шу сабабли бу олмошларнинг вазифасини бажараётган ремалар ҳам гапнинг барча ўринларида кела олади. Мисол:

Нутқий ҳосила	<i>Бу</i>	<i>нима?</i>
Қолипи	[Э-Р]	
Актуал бўлиниши	Т	Р

Нутқий ҳосила	<i>Нима</i>	<i>гап?</i>
Қолипи	[Э-WR]	
Актуал бўлиниши	Р	Т

Нутқий ҳосила	<i>Уканг</i>	<i>қаерда?</i>
Қолипи	[Э-WP <sub>m</sub> ]	
Актуал	Т	Р

бўлиниш и		
Нутқий ҳосила	<i>Ким</i>	<i>келди.</i>
Қолипи	[Э-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниш и	Р	Т

Содда йиғиқ гапларда кўпинча кесим, яъни феъл–кесим ремани ифодаловчи асосий қисмдир. Бошқачароқ айтганда, феъллар ремани ифодаловчи энг характерли сўз туркумидир. Феъллар “ўзларининг барча майлларида рема сифатида намоён бўла олади”<sup>114</sup>. Масалан, у йиғиқ гапларда қуйидагича:

Нутқий ҳосила	<i>Гуллар</i>	<i>очилди</i>
Қолипи	[Э-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниш и	Т	Р

Нутқий ҳосила	<i>Қушлар</i>	<i>сайради</i>
Қолипи	[Э-WP <sub>m</sub> ]	
Ақтуал бўлиниш и	Т	Р

Битта феъл билан ёки кўшма феъл билан ифодаланиб, йиғиқ гапни гапни ҳосил қилаётган сўзлар ҳам янги хабарни билдираётганлиги учун рема вазифасида келади: *Ёзьяпман. Чарчадим. Йиғлама. Сотиб олдим.* Лекин феълнинг хосланган шакллари (сифатдош, равишдош ва ҳаракат номлари) содда йиғиқ гапларда нутқ вазиятига кўра тема вазифасида ҳам, рема вазифасида ҳам кела олиши мумкин. Ҳаракат

<sup>114</sup>Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(ақтуал) тузилиши: филол. фан. номз. ... дисс. автореф.-Фарғона, 2004. –Б. 23.

номлари йиғиқ гапларда эга вазифасида келганда, асосан, тема мақомида бўлади ва тема-рематик муносабатни ташкил этади. Қиёсланг:

Ёйиқ гапларда:

Нутқий ҳосила	<i>Ўқиш</i>	<i>тугади</i>
Қолипи	[Э- $WP_m$ ]	
Актуал бўлиниш и	Т	Р

Агар ҳаракат номлари йиғиқ гапнинг кесими вазифасида келса, у рема мақомига эга бўлади.

Нутқий ҳосила	<i>Ўқиш</i> <i>Вазифамиз</i>	<i>кони фойда ўқиш</i>
Қолипи	[Э-Р]	
Актуал бўлиниш и	Т	Р

Феълнинг хосланган шаклларида бири бўлган сифатдошлар ҳам худди ҳаракат номларидек, кесим вазифасида келса, рема функциясини, отлашиб эга вазифасини бажарса, тема функциясини бажаради: *У билмаган. Нигора келмаган. Кўзлари сарғайган* каби мисолларда кесим вазифасида келаётган ўтган замон сифатдошлари нутқий мақсаду вазифага кўра тингловчи учун номаълум бўлган янги хабарни билдирмоқда. Шунга кўра, у ремани ташкил этади. *Эшитган. Ўқимаган* каби мисолларда эса отлашган сифатдошлар тингловчи учун маълум бўлган хабарни етказиётганлиги учун тема функциясини бажаради.

Феълнинг равишдош шакли содда йиғиқ гапларда, асосан, кўмакчи феълли сўз қўшилмасини ҳосил қилади ва гапда асосий, етакчи феъл бўлиб келганлиги сабабли ҳамда ҳаракатнинг белгисини ифодалашга хизмат қилаётганлиги учун кўп ҳолларда рема вазифасини бажаради: *Йиғлаб юборди*. Бу гапда эга темани, кесим вазифасида келаётган кўмакчи феълли сўз қўшилмаси эса ремани ташкил этади.

Содда йиғиқ гапларнинг кесими фразеологик бирликлар, идеомалар, ажралмас синтактик

бутунликлар билан ҳам ифодаланади. Бундай пайтда улар янги, таъсирчан маъно ташиганлиги учун рема мақомига эга бўлади.

**Йиғиқ гап қўшма гап таркибида.** Маълумки, гап предикатив бирликларнинг миқдорига кўра иккига бўлинади:

1. Содда гап.

2. Қўшма гап.

Содда гап бир марказдан, яъни битта шаклланган кесимдан иборат бўлса, қўшма гап икки ва ундан ортиқ марказдан, яъни икки ва ундан ортиқ шаклланган кесимдан ташкил топади.

“Мазмуни, грамматик тузилиши ҳамда оҳангига кўра бир бутунликни ташкил этган, боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида бириккан қурилмалар қўшма гапни ташкил этади.

Шаклан қўшма гап бирдан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан таркиб топган бўлса ҳам, умумий бир фикрни, мақсадни ифодалайди”<sup>115</sup>. “Содда гап таркибида кесимлик шаклларига эга бўлган битта кесим бўлади. Содда гап таркибидаги барча бўлақлар шу кесим атрофида бирлашади. Қўшма гап таркибида эса икки ва ундан ортиқ кесим бўлади”<sup>116</sup>.

Демак, қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикишидан ҳосил бўлади ва яхлит синтактик қурилмани ташкил қилади.

Содда ва қўшма гаплар бир-биридан фарқ қилувчи ва ўхшаш томонлари билан ажралиб туради. Бу, биринчидан, синтактик қурилишда кузатилса, иккинчи томондан, актуал бўлинишда ҳам маълум даражада акс этган бўлади.

Содда гап бир предикатив birlikдан иборат бўлганлиги учун битта ҳукми, битта фикрни ифодаласа, қўшма гап бирдан ортиқ ҳукми, яъни кўп фикрни ифодалайди. Содда гап кўп фикрни ифодалаши билан қўшма гапга ўхшаб кетади. Чунки уюшиқ кесимли содда гаплар кўп фикрни ифодалашга хизмат қилади. Бунга мисол қилиб, 8-синф “Она тили” дарслигида берилган 132-машқни келтиришимиз мумкин: *Биз воқеа содир*

<sup>115</sup> Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –Б.123.

<sup>116</sup> Неъматов Ҳ., Ғуломов А. ва бошқ. Она тили: 8-синф учун дарслик. -Тошкент: Ижод дунёси, 2002. –Б.35.



*бўлган жойга боришимиз, ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўришимиз ва ишонч ҳосил қилишимиз керак.*<sup>117</sup>

Тилшунос олимлардан Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, А.Ғуломов, М.Абдураимовалар уюшиқ кесимлар битта бажарувчига - эгага алоқадор бўлиши зарурлигини таъкидлаб, “гап таркибида икки ва ундан ортиқ атов бирликлари (сўз, ибора, сўз бирикмалари) билан ифодаланган кесим бўлиб, кесимни шакллантирувчи воситалар фақат кейинги кесим таркибида ифодаланиб, барчасига алоқадор бўлса, бундай кўп кесимли гап уюшиқ кесимли гап саналади”<sup>118</sup>, - деган фикрларни ҳам айтадилар. Чунки юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, бу гап бир предикатив марказга эга ва унда бир эмас, учта фикр ифодаланган:

1) *боришимиз.*

2) *кўришимиз.*

3) *ишонч ҳосил қилишимиз керак.*

Лекин бу гапда битта эга бўлганлиги ва кесимни шакллантирувчи сўз (керак), яъни бевосита охири кесимга кўшилганлиги учун бу гап уюшиқ кесимли гапдир. Агар бу гапда эга такрорланса ёки кишилик олмошлари қўлланса, шунингдек, кесимлик шакллари хар бир предикатга алоҳида кўшсак, у кўшма гапга айланади. Зеро, «шаклланган, яъни кесимлик шакллари (тасдиқ, инкор, майл, замон, шахс-сон маънолари)га эга бўлган кесим алоҳида бир ҳукмни ифодалайди, алоҳида гап марказини ташкил эта олади. Шунинг учун икки ва ундан ортиқ шаклланган кесимли гаплар кўшма гаплар саналади»<sup>119</sup>. Масалан, *Биз воқеа содир бўлган жойга боришимиз керак, ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўришимиз керак ва ишонч ҳосил қилишимиз керак.*

Кўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро зич боғланган бўлади ва «кўшма гап таркибидаги содда гаплар алоҳида олинган содда гаплардан нисбатан мустақил эмаслиги билан ажралиб туради»<sup>120</sup>. Бу номустақиллик, энг аввало, оҳангда ва грамматик воситаларда учрайди. Мисол қилиб қуйидаги гапни келтиришимиз мумкин: *Айтсанг, бораман.* Бу бир

<sup>117</sup>Қаранг: Юқоридаги китоб. –Б.32.

<sup>118</sup>Юқоридаги китоб. –Б.83.

<sup>119</sup>Қаранг: Юқоридаги китоб. –Б.82.

<sup>120</sup>Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси: 5А220100 – филология (ўзбек филологияси) йўналиши бакалаври учун ўқув қўлланмаси. –Қарши: Насаф, 2003. –Б.128.

таркибли қўшма гапда мазмун зич боғланган бўлиб, биринчи гапдаги мазмун иккинчи гапдаги мазмун учун шарт мақомидадир, шу сабабли биринчи гап иккинчи гапга шарт майли шакли –*са* ёрдамида бириккан ва у қўшма гап таркибидаги содда ихчам гапларни грамматик жиҳатдан зич муносабатга киритган.

Грамматик шаклларсиз, яъни боғловчиларсиз ҳам қўшма гапларни ҳосил қилиш мумкин. Масалан: *Айт, бораман. Иймонлидир, жаннатийдир.*

Қўшма гапларнинг ҳосил бўлишида оҳанг ҳам муҳим роль ўйнайди. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасида оҳанг узилиши натижасида, қўшма гап содда гапларга парчаланиб кетади. *Айт! Бораман. Иймонлидир. Жаннатийдир.*

Қўшма гаплар ҳам содда гапда бўлгани каби йиғиқ ва ёйиқ шаклларда бўлади. Йиғиқ қўшма гапларни ҳам содда гаплардек, дастлаб иккига бўлиш мумкин:

1. Бир бош бўлакли йиғиқ гаплардан иборат қўшма гап.
2. Икки бош бўлакли йиғиқ гаплардан иборат қўшма гап.

Бир бош бўлакли йиғиқ, яъни ихчам қўшма гапда гап неча компонент(таркиб)ли бўлса ҳам, унинг компонентлари фақат кесимдан иборат бўлади. Масалан: *1. Келинг, кўринг, харид қилинг. 2. Ема, ичма, бўл бахил, Бой бўлмасанг, мен кафил.*

Юқоридаги биринчи мисолда бир бош бўлакли йиғиқ қўшма гап учта ихчам содда гапдан ташкил топаётган бўлса, иккинчи қўшма гап тўртта ихчам [WРm] кўринишли ҳамда битта содда йиғиқ [Э-Р] кўринишли гаплардан ташкил топмоқда.

Икки таркибли йиғиқ қўшма гапларда эса у неча компонентдан, яъни содда гаплардан иборат бўлишидан қатъи назар, улар эга ва кесим кўринишида бўлади. Бундай йиғиқ қўшма гаплар ҳам бир неча турли бўлиши мумкин:

а) қўшма гап таркибидаги ҳар бир содда гап алоҳида-алоҳида эга ва кесимдан иборат бўлади: *1. Ер – хазина, сув – олтин (Мақол). 2. Гап – кўп, умр – оз (Мақол). 3. Тил – теша, дил – шиша (Мақол)*

б) қўшма гап таркибидаги содда гап ёки қўшма гапнинг компонентлари кесимдан, кейинги компонентлари эса эга ва кесимдан иборат бўлиши

мумкин: *Аралашдингми, фитнес кўтаради, кўр, Бири-ғийбатчи, чақимчилик қилувчи, Бири – иккиюзлама киши, таъмагир* (Юсуф хос Ҳожиб). Бу қўшма гап бешта содда гапдан ташкил топган бўлиб, уларнинг дастлабки учтаси (*Аралашдингми; фитнес кўтаради; кўр*) [WP<sub>m</sub>] кўринишли содда йиғиқ гаплардан, кейинги иккитаси (*Бири - ғийбатчи, чақимчилик қилувчи; Бири – иккиюзлама киши, таъмагир*) эса [Э-Р] кўринишли содда йиғиқ гаплардан ташкил топган.

в) қўшма гап таркибидаги дастлабки компонентлар эга ва кесимдан, кейинги компонентлар эса фақат кесимдан иборат бўлади. Масалан: 1. *Сен кел, кетаман.* 2. *У айтсин, борақол.*

Ушбу қўшма гапларнинг қолипни шартли равишда [Э-WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] шаклида бериш мумкин.

Қўшма гап таркибида қўлланган бу бирликлар она тилимиз табиати, унинг услуби ҳақида янада қизиқарли маълумотлар бериши табиий ҳол. Бу синтактик бирлик – ихчам гап, унинг қирраларини очиш, турли услубларда қўлланиши, [WP<sub>m</sub>RWP<sub>m</sub>] таркибида келиши келажак тадқиқот ишларининг алоҳида мавзуси бўлади.

### Савол ва топшириқлар

1. *Йиғиқ гап* ва *ихчам гап* атамаларининг фарқини тушунтиринг.

2. *Йиғиқ гап* муаммосига субстанциал ёндашув омиллари қандай?

3. [WP<sub>m</sub>] қурилишли йиғиқ гаплар ҳақида гапиринг.

4. *Йиғиқ гапнинг* [WP] тури ҳақида гапиринг.

5. Ўзбек тилида [Э-Р] кўринишли йиғиқ гаплар қандай хусусиятларга эга?

6. *Йиғиқ гапнинг* қўшма гап таркибида воқеланиш хусусиятларини баён қилинг.

### Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

2. Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари унинг нутқда воқеланиши: филол. фан. номз. ... дисс. –Бухоро, 2004.

–22 б.;

3. Азизов О. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. –Тошкент, 1994. –Б.200.;

4. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. –Тошкент: Фан, 2006. –Б.38.;

5. Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2004. –Б. 23.

6. Бўронов Ж., Юсупов У., Ирисқулов М., Содиков А. Инглиз, ўзбек ва рус тиллари грамматик структураси: (Олий ўқув юртлари учун). –Тошкент: Ўқитувчи, 1986. –312 б.

7. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис: университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун дарслик. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987.–Б. 67.

8. Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. –Тошкент: Фан, 2004. –Б. 66.

9. Қурбонова М, Сайфуллаева Р., Боқиева Г, Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. –Тошкент, 2004. –Б. 53.

10. Маҳмудов Н, Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –Б. 65.

11. Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси: 5А220100 – филология (ўзбек филологияси) йўналиши бакалаври учун ўқув қўлланмаси. –Қарши: Насаф, 2004.

12. Неъматов Ҳ., Ғуломов А. ва бошқ. Она тили: 5-синф учун дарслик.–Тошкент: Ижод дунёси, 2001. –Б. 14.

13. Неъматов Ҳ., Ғуломов А. ва бошқ. Она тили 8-синф учун дарслик. –Тошкент: Ижод дунёси, 2002. –Б. 57.

14. Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи ва  $[WP_m-WP_m]$  қурилишли гаплар: филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1999.

15. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини: монография. –Тошкент: Фан, 2007.

16. Сайфуллаева Р., Джумабаева Ж. Ўзбек тили синтаксиси масалалари // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент.,

2006.

17. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. –Тошкент, 2005.

18. Умумий ўрта таълим давлат стандартлари ва ўқув дастурлари. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили // Таълим тараққиёти. 1999й. 1-махсус сон.

## 4–BO‘LIM

### SO‘Z BIRIKMASI

#### Tayanch tushunchlar

*lison, nutq, lisoniy birlik, nutqiy birlik, valentlik, sintaktik aloqa, sintaktik birlik, tobe aloqa, teng aloqa, kengaytiruvchi, kengayuvchi, birikish usullari, bitishuv, boshqaruv, moslashuv, qolip, hosila, joylashuv omili, shakliy omil, ma‘noviy omil*

**So‘z birikmasi (SB) haqida tushuncha.** Nutqda tushunchalarni aniqroq va muayyanroq ifodalash zarurati tug‘iladi. Bu esa nisbiy noaniq tushuncha ifodalovchi so‘zdan nisbiy aniq tushuncha ifodalovchi so‘z birikmasini afzal qilib qo‘yadi. Qiyoslang: *o‘qimoq – tez o‘qimoq*. Keyingi nutqiy hosilada «harflarni urishtirib ma‘nosini tushunish» harakati (*o‘qimoq*) so‘zidagiga nisbatan aniqroq. Chunki unga *tez* so‘zi ko‘maklashgan. Ko‘rinadiki, so‘z ham, so‘z birikmasi ham tushuncha ifodalaydi. So‘z ifodalaydigan tushuncha noaniq va, demak, kengroq (masalan, *o‘qimoq* fe‘lida harakat *tez* ham, *sekin* ham bo‘lishi mumkin), so‘z birikmasida esa ikki tushuncha o‘z mustaqilliklarini saqlagan holda nisbiy aniq va muayyan harakat («harflarni *tez* urishtirib, ma‘nosini tushunish») ifodalangan. Demak, so‘z o‘z ma‘noviy imkoniyatini to‘laroq va ravshanroq namoyon qilishi uchun boshqa bir mustaqil so‘zga ehtiyoj sezadi. Bu so‘z uning ma‘noviy ehtiyojini qondirmog‘i uchun ham ma‘noviy, ham grammatik jihatdan unga muvofiq bo‘lmog‘i lozim. Buni ravshanroq anglash uchun quyidagi hosilalarga diqqat qilaylik:

*olmaning termoq*  
*osmonni tishlamoq*  
*Halim keldi*  
*kitobni o‘qimoq*

Birikmalarning birinchisida (*olma*) va (*termoq*) so‘zlari ma‘noviy jihatdan muvofiq bo‘lib, biroq ularning grammatik shakli (qaratqich kelishigi) mos emas. Ikkinchi birikuv (*osmonni tishlamoq*)da so‘zlar grammatik shakli jihatdan mos bo‘lsa-da, ma‘noviy tabiatining «beo‘xshovligi» ularning birikuv hosil qilishiga yo‘l qo‘ymaydi. Uchinchi birikuvda a‘zolar ham ma‘noviy, ham shakliy jihatdan muvofiq. Ular

birikuv tushuncha emas, fikr ifodalaydi. To'rtinchi birikuv (*kitobni o'qimoq*) bularning barchasidan farqlanadi va birdan ortiq mustaqil so'zning ma'no va grammatik jihatdan hokim-tobelashuvidan tashkil topib, tushuncha ifodalashga xoslanganligi bilan xarakterlanadi. Bunda bir so'z tobe, ikkinchisi hokim, tobelik va hokimlik xossasi hamda vositasiga ega. Bu – ularning ma'noviy mosligi va tobeligi (hokimligi) grammatik shakli hamda joylashuv (oldinma-keyinlik) xususiyati. Demak, nutqiy so'z birikmalari uchun quyidagi belgilarni ko'rsatish mumkin:

- a) birdan ortiq mustaqil so'z;
- b) a'zolarining ma'noviy va grammatik jihatdan mosligi;
- d) tobelik;
- e) tushuncha ifodalash.

So'z birikmasi bu to'rt belgisining har biri bilan o'ziga yondosh hodisalarga o'xshaydi va bir vaqtning o'zida farqlanadi ham. Masalan, birdan ortiq mustaqil so'zdan tashkil topganligi bilan so'zdan farq qilsa, tushuncha ifodalashi bilan o'xshashlik kasb etadi. Gap birdan ortiq mustaqil so'zning ma'noviy va grammatik jihatdan tobelanishi asosida ham vujudga keladi. Lekin u SBdan farqli o'laroq, fikr ifodalaydi. Demak, SB bilan uning o'xshashlari munosabatiga alohida-alohida to'xtalish lozim bo'ladi.

**SB va so'z.** So'z bir tushunchani ifodalaydi. SBda esa birdan ortiq tushuncha munosabatga kirishgan holda voqelanadi. So'z asosida leksema va morfema hamda ularning birikuv qonuniyati yotsa, SBga leksemalar birikuvini tartibga soluvchi LSQ asos bo'ladi. Aytilganidek, so'zda tushuncha, ma'no keng va mavhum bo'ladi. So'z birikmasida esa bu kenglik va mavhumlik bir qadar barham topgan bo'ladi. Masalan, *qiziq kitob* birikmasida kitobning bir belgisi namoyon bo'lgan. Shu jihatdan u muayyanlik kasb etgan. Ammo bu muayyanlik nisbiy va biryozqlama. Chunki uning badiiy yoki ilmiyligi hali mavhum va noaniq. *Qiziq badiiy kitob* birikmasida bu belgi ham muayyanlik kasb etadi. So'z birikmasida so'z boshqa so'zni o'ziga biriktirib kengayishi bilan ma'noviy jihatdan torayib boradi. Demak, shakliy kengayish ma'noviy torayishni keltirib chiqarsa (so'z birikmasida), shakliy torlik (so'zda) ma'noviy kenglik bilan munosib.

SBda ma'nolar o'zaro munosabatga kirishar ekan, bunda ular yaxlitlanib, bir «vujud»ga aylanib ketmaydi. Bir-biriga qancha yaqinlashmasin, baribir o'z mustaqilliklarini saqlab

qoladi. Masalan, *toza havo* birikmasida bir ma'no ikkinchisiga muayyanlik kiritish uchun xizmat qiladi, lekin, baribir, bunda ikki tushuncha mavjud. Ikki tushuncha orasidagi munosabat ma'lum bir me'yor chizig'idan o'tsa, ular yaxlit tushunchaga aylanadi va bir butun holda yangi ma'no anglatadi. Masalan, *belbog'* so'zi dastlab *belning bog'i* birikuvi shaklida bo'lib, bunda ikki tushuncha munosabati (hokim-tobeligi) mavjud. Biroq bu ularning yaxlitlanishi darajasiga etmagan. (*Belbog'*) so'zida esa munosabatning me'yor chizig'idan keyingi holatiga duch kelamiz.

So'zlarning alohida ko'rinishi bo'lgan qo'shma so'zlar aslida so'z birikmalari uzvlarining yaxlitlanishi – so'z birikmasining ma'noviy taraqqiyoti mahsuli.

**SB va ibora.** SB a'zolari tobe munosabatli mustaqil so'z bo'lsa, ibora ham mustaqil so'zlar birikuvidan tashkil topsa-da, orasidagi sintaktik aloqa so'ngan, bu so'zlar o'zaro yaxlitlanib, ibora o'zida tayyorlik, majburiylik, barqarorlik kabi belgilarni tashiydigan lisoniy birlik qatoridan joy olgan. Ibora tashkil etuvchilari (zohiriy) jihatidan SBga o'xshasa-da, mohiyatan leksemaga yaqinlashadi. Zero, *tarvuzi qo'ltig'idan tushdi* iborasi bilan *bo'shashmoq* so'zining ma'noviy mohiyati yaqin. Leksema kabi ibora ham yaxlit holda yashaydi. So'z birikmasi esa vaqtincha va o'zgaruvchan. So'z birikmasini tashkil etgan so'zlar nutqda o'z mustaqil ma'nolari bilan qatnashgani holda ibora tarkibidagi so'zlar o'zlarining xos ma'nosidan uzoqlashgan (*tarvuzi qo'ltig'idan tushdi* iborasida *tarvuz, qo'ltiq, tushmoq* so'zlari o'zlarining xos ma'nolariga ega emas).

**SBda hokim va tobe, kengayuvchi va kengaytiruvchi so'z.** SBda ma'nosi muayyanlashtirilayotgan so'z hokim va uning ma'nosini muayyanlashtiruvchi so'z tobe a'zo deyiladi (masalan, *kitobni o'qimoq* birikmasida *kitobni* tobe va *o'qimoq* hokim a'zo). Bir so'z bir nechta so'zni o'ziga tobe a'zo sifatida biriktirishi mumkin. Lekin SBda bir so'z faqat bir a'zogagina tobe a'zo sifatida bog'lanishi mumkin, xolos. Masalan, *katta, chiroyli gulchambar* birikmasida *gulchambar* so'zi ikkita so'zga hokim. Lekin *chiroyli* so'zi bir so'zgagina tobe. Hokim mavqeda yuzaga chiqayotgan leksema o'zining hokim, tobe vazifada yuzaga chiqayotgan leksema esa o'zining tobe valentligini namoyon qiladi. Hokim va tobe a'zo vazifalari, grammatik shakli va sintaktik o'rni asosida belgilanadi. Tobe a'zo oldin kelib, keyingisining ma'nosini izohlashga xoslangan bo'ladi va bunga mos grammatik



ko'rsatkich bilan shakllanadi, ma'lum sintaktik o'ringa ega bo'ladi. O'zbek nutqida, odatda, hokim so'z keyin tobe so'z oldin keladi. Nutqiy inversiya (hokim va tobe so'z tartibining buzilishi) asosidagi so'z birikmalarigina bundan mustasno: *o'qidim kitobni, Dilshoda, hamshira* kabi. Hokim so'z *kengayuvchi* va tobe so'z *kengaytiruvchi* so'z deb ham yuritiladi. *Kengayuvchi* va *kengaytiruvchi* atamaları nisbiy mohiyatga ega bo'lib, shaklga nisbatan aytilgandagina to'g'ri bo'ladi. Masalan, *kitobni o'qimoq* birikmasida (*o'qimoq*) so'ziga yana bir so'z birikadi va so'zlar soni ikkita bo'lib, shakliy «yoyilish», ya'ni kengayish yuz berdi. Shakliy kengayish esa ma'noviy torayishni vujudga keltiradi. Bunda shakl va mazmun dialektikasi yanada yaqqolroq namoyon bo'ladi. Chunki *o'qimoq* leksemasining ma'nosi keng, u o'qiladigan barcha narsalar ustida yuz beradigan tegishli harakatni ifodalaydi. *Kitobni o'qimoq* birikmasida esa aytilgan «barcha narsalar»dan asosan «kitob ustida bajariladigan harakat» mohiyatli toraygan ma'nosi qoladi. *Kengayuvchi* atamasini faqat bosh so'zga, *kengaytiruvchi* atamasini faqat ergash so'zga xos qilib qo'yish ham biryoqlamalik. Zero, *kitobni o'qimoq* birikmasida *kitob* leksemasi tobe, *o'qi* leksemasi hokim valentligini namoyon qilganligi kabi unda *o'qimoq* so'zi *kitobni* so'zshakli uchun ma'noviy toraytiruvchi va shakliy kengaytiruvchi vazifani namoyon qiladi. Zero, *kitobni* so'zshakli o'timli harakatni ifodalovchi cheksiz leksema bilan bog'lanish imkoniyatiga ega. *O'qimoq* so'zshakli bilan birikish asosida unda ma'noviy torayish, shakliy kengayish yuz beradi.

**SBda bog'lanish usuli.** SB a'zolari orasidagi bog'lanish, ya'ni tobelanish uch xil: *bitishuv, moslashuv, boshqaruv*. Bu aloqa turining o'ziga xos xususiyati va farqi a'zolari biriktiruvchi ko'rsatkich yoki boshqa vositadan kelib chiqadi. Masalan, *tez yurmoq, qalamni olmoq, kitobning varag'i* birikmalarida tobe so'zning qaysi shaklda kelishi ko'pincha, uning hokim so'ziga (*qalamni olmoq*) bog'liq bo'lsa, ba'zan har ikkala a'zo bir-birining qanday shaklda bo'lishini belgilab qo'yadi (*kitobning varag'i*).

**Bitishuvda** birikkan so'zlarning o'zaro aloqasi, asosan, tartib va ohang bilan belgilanadi. Bitishuv aloqasida morfologik ko'rsatkich bo'lmasa-da, tartib muhim vosita sifatida namoyon bo'ladi. Bunda tobe so'z ushbu mavqeda kelish uchun shakliy jihatdan o'zgarmaydi. Zero, tobe a'zo sifatida namoyon bo'layotgan so'z ma'noviy va vazifaviy

jihatdan bunga xoslangan bo'ladi. Misollar: *qizil gul, oq qog'oz*. Ba'zan ot turkumidagi so'zlar ham hech qanday vositasiz tobe vazifada kela oladi: *oltin soat, tosh yo'l* kabi. Bunda ular mohiyatan tobe a'zolik doimiy belgisi bo'lgan sifat, son, ravish turkumiga yaqinlashadi. Bu hodisa nutqiy bo'lib, *oltin, tosh* leksemasining lisoniy mohiyati bilan belgilanmagan.

Quyidagi so'zlar bitishuv yo'li bilan bog'langan:

- 1) ravish +fe'l: *o'z-o'zidan gapirmoq*;
- 2) sifat+fe'l: *yaxshi so'zlamoq*;
- 3) son+ot: *o'nta qalam, sakkiz daftar*;
- 4) ot+ot: *kumush qoshiq, chang yo'l*;
- 5) olmosh+ot: *hamma odam, qanday kitob*.

Ayrim manbalarda tobe so'z vazifasida ravishdosh (*shoshilib gapirdi*), sifatdosh (*o'qigan bola*) yuzaga chiqqan birikuv ham bitishuvli birikma sifatida qaraladi. Vaholanki, bu erda ravishdosh ko'rsatkichi *-ib* fe'lni fe'lga (*shoshilib gapirdi*), sifatdosh shakli *-gan* fe'lni otga (*o'qigan bola*) bog'lash uchun xizmat qiladi. Shuningdek, bularning morfologiyada lug'aviy-sintaktik shakl sifatida qaralishi ham ular hosil qilgan birikuvni bitishuvli emas, balki boshqaruvli birikuv sifatida baholashni taqozo etadi.

Bitishuvda a'zolarning hokim-tobelik holati, asosan, tartib va joylashuv omili asosida belgilanadi: (tobe a'zo + hokim a'zo), ya'ni tobe so'z oldin, hokim so'z keyin keladi hamda a'zolar orasiga boshqa so'zni kiritib bo'lmaydi, (*kumush qoshiq* birikmasini *kumush o'nta qoshiq* deb o'zgartirib bo'lmaydi). Ba'zan bitishuvda ham tartib ikkinchi o'ringa tushib qolgandek tuyuladi: *Majlis bo'ladi – Majlis kechqurun bo'ladi*. Lekin bunda *majlis* so'zi fe'lga bitishuv asosida emas, balki bosh kelishikda bog'lanayotganligini esdan chiqarmaslik lozim.

Demak, bitishuv aloqasida tartib va ohang muhim rol o'ynaydi. Bunda tobelik tartib va joylashuvdan, so'zning grammatik xususiyati va ma'nosidan anglashilishi ayon bo'lib turadi.

Kelishik affiksi o'z ma'nolarini yo'qotgan *tezda kelmoq, o'z-o'zidan raqsga tushib ketmoq, birdan gapirmoq* birikuvini ham bitishuv aloqasi sifatida qaramoq lozim. Chunki kelishik qo'shimchasi bu SBda o'z tizimidan ajralib, so'z tarkibida «qotib qolgan». Bular – kelishik qo'shimchasini olgan holda ravishga ko'chgan so'z.

**Boshqaruv** aloqasi bir tomonlama shakllangan SBlar

tarkibida amal qiladi. Faqat tobe a'zolari birikish uchun tobelovchi qo'shimcha olgan SB boshqaruv yo'li bilan bog'langan deyiladi. Bunda hokim so'z tobe so'zning qanday shaklda bo'lishini boshqaradi. Masalan, *kitobni o'qimoq* birikmasida tobe so'zning tushum kelishigi shaklida kelishi *o'qimoq* fe'lining o'timliliigi bilan belgilangan. Agar bu fe'l o'timsiz fe'lga aylantirilsa, (*o'qildi*) tobe so'zdagi tushum kelishigi shakli o'z-o'zidan g'oyib bo'ladi: *kitobni o'qimoq-kitob o'qildi*.

Boshqaruv aloqasida tobe so'zni har xil turkumdagi so'z boshqarishi mumkin. Misollar: *uyga bormoq* (fe'lli boshqaruv), *mendan katta* (sifat boshqaruvi), *tovushdan tez* (ravishli boshqaruv), *o'qishda birinchi* (son boshqaruvi), *aytgan bola* (otli boshqaruv).

Boshqaruv uni amalga oshirayotgan vositaga bog'liq ravishda kelishikli boshqaruv, ko'makchili boshqaruv, ravishdoshli boshqaruv, sifatdoshli boshqaruv kabi turga ajraladi.

**Moslashuv** SBning ikki tomonlama grammatik shakllangan turi bo'lib, bunda tobe a'zo hokim a'zoga muvofiq egalik shaklini, hokim a'zo tobe a'zoga muvofiq ravishda qaratqich yoki bosh kelishik shaklini oladi. Masalan, *ukamning daftari, sizning uyingiz, Fuzuliy g'azali* kabi. *Moslashuv* atamasi har ikkala a'zo bir-birini taqozo qiluvchi morfologik vositaga egaligini anglatadi. Moslashuv aloqasida tobe a'zo qaratuvchi, hokim a'zo qaralmish deb yuritiladi.

Moslashuv aloqasida tobe a'zo (*Fuzuliy g'azali*) 0 shaklli bo'lganligi kabi, hokim a'zo ham ko'rsatkichsiz qo'llanishi mumkin: *sizning uyingiz – sizning uy, bizning kitobimiz – bizning kitob* kabi. Bu *siz* va *biz* olmoshi hamda *-ngiz* va *-miz* ko'rsatkichining tarixiy genetik bog'lanishi bilan izohlanadi. Zero, *ularning kitobi* birikmasini *ularning kitob* tarzida qo'llab bo'lmaydi.

**SBda bog'lanish omili.** SBning tuzilishi, tashkil etuvchi a'zolarining o'zaro munosabatini o'rganish jarayonida birikishning ichki qonuniyati ochiladi. SBda bog'lanish a'zolaridan birining faolligi asosida emas, balki har ikki a'zoning ham bir-biriga, avvalo, ma'noviy, qolaversa, shakliy, joylashuv jihatdan moslashishi asosida yuz beradi. Chunki tobelanayotgan leksemaning birikish imkoniyati voqelanishga, hokim a'zoning biriktirish talabi esa qondirilishga intiladi. SBdagi a'zolarining goh bittasining

(*maktabga bormoq*), goh ikkinchisining ham (*maktabning bog'i*) grammatik shakllanishi asosida sintaktik aloqaning ikki xil – bir tomonlama aloqa, ikki tomonlama aloqa turini farqlash ma'qul emas. Unda bitishuvli (*keng dala*) birikmalarni hech qanday aloqasiz birikma deyishga to'g'ri kelgan bo'lar edi. Yuqoridagi aloqaning ikki ko'rinishi bog'lovchi vositaga qarab belgilangan, xolos.

So'z birikmasida aloqa har doim ham ikki tomonlamadir. SB a'zolarining ikki yoqlama birikish imkoniyati (tobe a'zo) va biriktirish talabi (hokim a'zo) aloqadorligi bevosita a'zolarining birikish-biriktirish qobiliyatiga asoslanadi.

SB a'zolari orasidagi bog'lanish har bir so'zda yaxlit holda mavjud bo'lgan ma'noviy (**M**), shakliy (**Sh**), joylashuv (**J**) omillarining o'zaro muvofiqligiga tayanadi. Masalan, *kitobni o'qimoq* birikmasidagi *kitobni* so'zshaklida hokim so'zga birikishini ta'minlaydigan **M**, **Sh**, **J** omillari bo'lganligi kabi *o'qimoq* so'zshaklining ham tobe a'zoga bog'lanishini ta'minlaydigan **M**, **Sh**, **J** omillari mavjud. *Xatni yozmoq* birikmasida tobe so'z (*xatni*)ning hokim so'z (*yozmoq*) bilan birikishini uning shakli *-ni*, ma'nosi va qisman joylashuvi (oldin kelishi) ko'rsatsa, hokim so'zning tobe so'z bilan bog'lanishini ma'nosi, shakli va qisman joylashishi (keyin kelishi) ko'rsatadi.

So'zda bu uch omil yaxlit bo'lib, ma'lum birikish jarayonida birortasi ustunlik qilsa, boshqalari kuchsizlanadi. Keltirilgan *xatni yozmoq* birikmasidagi tobe so'z (*xatni*)da shakliy omil *-ni* tobelikni ko'rsatuvchi yetakchi omil bo'lsa, hokim so'z (*yozmoq*)da ma'noviy omil ustunlik qilgan.

**Ma'noviy omil** deganda so'zlarning bog'lanishi uchun muhim sanalgan lug'aviy ma'nosi, qaysi turkumga xosligi tushuniladi. Lug'aviy ma'no ayon bo'lib, so'zning grammatik ma'noviy xususiyatiga biroz sharh berish lozim. So'zlarning muayyan turkumga xosligi keng ko'lamli tushuncha, mustaqil so'z turkumlari doirasida narsa-predmet (ot), belgi (sifat), miqdor (son), harakat (fe'l), holat (ravish), tasviriylik (taqlidlar), ishoraviylik (olmoshlar) kabi turkumlik ma'nolarini qamrab oladi. Bu ma'nolar so'z turkumi (masalan, ot), uning ichki bo'linishlari (masalan, modda-ma'dan oti, o'rin-joy oti kabi) bilan bog'liq. Shuning uchun *tosh ko'prik* birikmasida (*tosh*) so'zining ot turkumiga mansubligi, modda-ashyo nomi ekanligi, (*ko'prik*) so'zining ma'lum bir harakatning mahsuli bo'lmish predmetni ifodalashi, *so'rida yotmoq* birikmasida esa (*so'ri*) so'zining joy nomini atab kelishi, (*yotmoq*) fe'lining

o'timsizligi kabilar ma'noviy omilni tashkil etadi.

**Shakliy omil** deganda so'zlarni bir-biriga bog'lash uchun xizmat qiladigan aloqa-munosabat (sintaktik) shakllari tushuniladi. Morfologik shakl birikmadagi qaysi a'zoni shakllantirishiga ko'ra ikkiga bo'linadi:

1) tobega xos (kelishik, sifatdash, ravishdosh ko'rsatkichi va ko'makchi);

2) hokimga xos (egalik, nisbat, kesimlik ko'rsatkichi).

**Joylashuv omili** so'zlarning erkin joylashuvi (1) va birikma tarkibida jipslashuvidan (2) iborat.

O'zbek tilining me'yoriy nutqida tartib qat'iy, tobe a'zo oldin, hokim keyin keladi. *Erkin joylashuv* deganda SBdagi tobe va hokim a'zoni bir-biridan ajratish, «uzish», ular orasiga boshqa bo'laklarni kiritish imkoniyati mavjudligi nazarda tutiladi. Masalan, *kecha kelmoq, kitobni o'qimoq, shahrimizning ko'chalari* kabi SBda erkin joylashuv imkoniyati bor, ularda tobe va hokim a'zoni bir-biridan ajratish, «uzish» (*Kecha uyga keldi, kitobni tez o'qidi, shahrimizning keng ko'chalari*), hatto teskari joylashtirish (*kelmoq kecha, ko'chalari shahrimizning*) mumkin. *Jipslashuv* deganda tobe va hokim a'zoni bir-biridan «uzish» mumkin emasligi tushuniladi. Bunga *tosh ko'prik, oltin uzuk, Navoiy romani, kitob o'qimoq* birikmalarini misol qilib keltirish mumkin. Masalan, *tosh ko'prik* birikmasidagi so'zlarning o'rni almashtirilsa, birikma mohiyati o'zgarib ketadi: *Ko'prik – tosh*. Demak, bu so'zlarda birikma mohiyatini belgilashda joylashuv omili ustuvor ahamiyatga ega. Erkin joylashuv J omilining kuchsizligini, jipslashuv esa kuchliligini bildiradi.

Har qanday SBda so'zning mavjud imkoniyati yuzaga chiqadi. Bunda har bir a'zodagi mazkur (**M, J, Sh**) omillar o'zaro va boshqa a'zodagi shunday omillar bilan muvofiqlashadi. So'zdagi bir omilning kuchayishi boshqa omilning kuchsizlanishi evaziga sodir bo'ladi. Buni uchburchak burchaklariga qiyoslash mumkin. Uchburchak burchaklarining yig'indisi 180 gradusga teng. Bir burchak kattalashsa, buning hisobiga boshqalari kichrayadi. Lekin ularning umumiy yig'indisi 180 gradusga teng bo'lib turaveradi. Xuddi shuningdek, tobe yoki hokim so'zdagi bir omil kuchayishi boshqa omillarning kuchsizlanishi hisobiga bo'ladi. Chunki bir omilning yetakchilik qilishi boshqalarning to'la voqelanishiga yo'l qo'ymaydi. Masalan, *uyning egasi* birikmasida birikuv omillari quyidagicha: **ShMJ+ShMJ**.

Chunki har ikki a'zo ham – biriktiruvchi-tobe a'zo tobega xos, hokim a'zo hokimga xos grammatik shaklga ega. Ularning hokim va tobeligini ana shu shakllar ko'rsatib turibdi. Shuning uchun har ikkala a'zoda ham shakliy omil ustuvor. Birikma a'zolarini bir-biridan «uzish» (*uyning asl egasi*), teskari joylashtirish (*egasi uyning*) birikmaning oldingi mohiyatiga ta'sir qilmaydi. Bu esa joylashuv omilining o'ta kuchsizligidan dalolat beradi. Ma'noviy omil esa shakliy va joylashuv omillari oralig'ida bo'ladi. *Shoshilib gapirmoq* birikmasidagi a'zolarining birikuv omillari quyidagicha: **ShMJ-MShJ**. Birinchi uzvda shakliy omilning oldingi o'ringa chiqishi sababi uning ravishdosh shaklidaligi. Ravishdosh shakli *shoshilib* so'zshaklining tobeligini ta'minlamoqda. Joylashuv omilining har ikkala a'zoda ham oxirgi o'ringa o'tishi esa tobe va hokim uzvlar orasida erkin joylashuvning mavjudligi. Ikkinchi a'zo (*o'qimoq*)da ma'noviy omilning kuchayishi uning hokimlik grammatik shakliga ega emasligi va joylashuv omilining kuchsizligi evaziga. *Mart oyi* birikmasidagi a'zolarining birikuv omillari munosabati esa quyidagicha: **JMSh+ShMJ**. SB a'zolarida ma'noviy omilning oxirgi o'ringa o'tishi mumkin emas. Chunki SB uchun dastlabki talab – a'zolarining ma'noviy muvofiqligi.

O'zbek tilida har bir a'zo birikuv omillarining o'rin almashish natijasida 6 xil kombinatsiya vujudga keladi. Tobe a'zo: **MShJ, MJSh, ShMJ, ShJM, JMSh, JShM**. Hokim a'zo: **MShJ, MJSh, ShMJ, ShJM, JMSh, JShM**. Har bir a'zoning 6 xilligi asosida (6x6) SBning 36 mantiqiy-riyoziy turi ma'lum bo'ladi. Olti xil tobe a'zo va olti xil hokim a'zoni ko'paytirish asosida 36 xonali jadval yuzaga keladi. Quyida jadval har bir SB turiga ayrim misollar berish bilan keltiriladi (36-jadval).

Jadvaldagi bo'sh kataklardan o'zbekcha birikmalar o'rin olmaydi. Masalan, **MShJ-ShJM** tuzilishli birikma o'zbek tiliga xos emas. Zero, aytilganidek, a'zolarida ma'noviy omil eng ko'p darajada kuchsizlangan so'z birikmalari nutqimizda yo'q.

**SB tasnifi. Hokim a'zoning ifodalanishiga ko'ra SBning turlari.** SB o'z tarkibidagi hokim a'zoning qaysi so'z turkumiga kirishiga qarab, quyidagi ko'rinishlarga ega bo'ladi.

**Isimli birikmada** hokim a'zo ot, sifat, son, olmosh turkumidan ifodalanadi: *keng dala* (ot), *tuxumdan kichik* (sifat), *ovozdan tez* (sifat), *odamlarning biri* (son), *o'quvchilarning hammasi* (olmosh).

**Fe'lli birikmada** hokim a'zo fe'ldan bo'ladi: *vazifani*

*bajarmoq, tez o'qish, uyalgani uyalgan.*

**SBning tuzilishiga ko'ra turlari.** Biz yuqorida ko'rib o'tgan so'z birikmalari ikki mustaqil so'zli. So'z birikmalari uch va undan ortiq mustaqil so'zli bo'lishi ham mumkin: *bepoyon yashil maydon, o'nta badiiy asar.* Demak, tuzilishiga ko'ra so'z birikmasi ikki turga bo'linadi:

a) sodda birikma; b) murakkab birikma.

**Sodda birikma**, odatda, ikki mustaqil so'zdan tuziladi: *oq qog'oz, ko'm-ko'k osmon* kabi. *Besh qavatli bino, o'n yashar bola, o'rta bo'yli yigit* tipidagi qo'shilish ham sodda birikma sanaladi. Chunki ular tarkibidagi *besh qavatli, o'n yashar, o'rta bo'yli* unsurlari ajralmas birikma bo'lib, bir butun holda tobe a'zo sifatida namoyon bo'ladi. Shuningdek, SBning a'zolari ibora yoki boshqa turg'un birikma bilan ifodalanganda ham birikma sodda hisoblanadi: *kapalagi uchib ketgan bola* (*kapalagi uchib ketgan+bola*), «*Yoriltosh*» *ertagi* (*yoriltosh+ertagi*), *Qush qo'nmas o'simligi* (*qush qo'nmas+o'simligi*).


36-ja

okim T obe	H	HMJ	HJM	SHJ	JSH	MSH	SHM
HMJ	S	<i>uyning egasi, uydan maktabgacha, shamoldan vonilmad</i>		<i>kitobni odamdek shirindan shirin, daraxtdan</i>	<i>xalqqa farihtadek odam, nuragan</i>		
HJM	S						
SHJ	M						
JSH	M			<i>ilg'or ishchi, yaxshi</i>			
MSH	J	<i>mart oyi</i>		<i>temir qoshiq, qo'shn</i>			
SHM	J						


dval



**Murakkab birikma sodda birikma a'zolarining**  
kengayishidan tuziladi. Qiyoslang:




Osmondagi uch o'rdak (*osmondagi+uch+o'rdak*),  
xo'jalikdagi ilg'or terimchilar (*xo'jalikdagi + ilg'or +terimchilar*) SBlarida hokim so'z kengayishi natijasida,  
*hammadan a'lochi o'quvchilar*  
(*hamma-dan+a'lochi+o'quvchilar*) birikmasida esa tobe a'zo kengayishi natijasida murakkab birikma hosil bo'lgan. Ba'zan har ikkala a'zo ham birdan kengayishi mumkin: *hammadan a'lochi faol talabalar*: (*hammadan+ a'lochi+faol+talabalar*).



(*hammadan a'lochi*)

Murakkab birikmada oldin turgan so'zlar oxirgisiga to'g'ridan-to'g'ri bog'lanib birikma hosil qilmaydi, ya'ni *katta semiz qora qo'y* birikmasidagi a'zolar ushbu birikmaning o'zida *katta qo'y, semiz qo'y, qora qo'y* kabi birikuvni

bermaydi:



Chunki bunda tobe so'zlar hokim so'z ifodalagan narsaning turli belgisini ko'rsatadi. Bu esa ularning uyushmaganligiga dalildir. Uyushmagan tobe a'zo esa o'ziga xos ohang bilan aytiladi. Qiyoslang:

*A'lochi, bilimdon bolalar* (uyushgan tobe so'zlar)

*Katta semiz qora qo'y* (uyushmagan tobe so'zlar)

**SB zanjiri.** Ayrim murakkab SBda bir so'z oldingi so'zga hokim, keyingi so'zga nisbatan tobe bo'lishi mumkin. Masalan: *maktabda o'qiyotgan bola* kabi. Bunda *o'qiyotgan* so'zi *maktabda* so'ziga hokim, *bola* so'ziga esa tobe a'zo sanaladi. Uning sxemasini quyidagicha berish mumkin:

*bola*



*o'qiyotgan*



*maktabda*

Birikma esa kengayishi mumkin:

*bola*



*o'qiyotgan*



*maktabda*



*kunduzgi*

So'z birikmasidagi a'zolarning bu tarzda kengayishi SB zanjiri deyiladi. Lekin barcha murakkab birikma ham SB zanjirini hosil qilavermaydi. Masalan, *xo'jalikdagi ilg'or terimchilar* birikmasi kabi. Buning bog'lanishi zanjirsimon emas. Chunki *xo'jalikdagi* so'zi ilg'or so'ziga emas, balki *ilg'or terimchilar* birikmasiga tobelangan:

*terimchilar*



*ilg'or*



*xo'jalikdagi*

**SB va sintagma.** Gapning tuzilish va mazmun jihatdan birlashgan parchalari nutq jarayonida qisqa to'xtam bilan

ajraladi. Bunday parchalar *sintagma* deyiladi. Masalan: *A'lochi o'quvchilar barcha imtihonlarni muvaffaqiyat bilan topshirdilar* gapni uchta sintagmaga bo'linadi:

1) *a'lochi o'quvchilar*; 2) *barcha imtihonlarni*; 3) *muvaffaqiyat bilan topshirdilar*.

Har bir sintagma bir nafas kuchi bilan aytilib, qisqa to'xtamdan so'ng yangi sintagma boshlanadi. Gap yaxlitlik sifatida boshqa gapdan kattaroq pauza bilan ajratilsa, sintagmalarni ajratib turadigan pauzalar undan kichikroq bo'ladi. Sintagma – grammatik-semantik jihatdan yaxlitlangan fonetik butunlik.

Gap bir sintagmali yoki bir necha sintagmali bo'lishi mumkin. Sintagma ba'zan bir so'zdan ham tashkil topadi. Sintagma bir necha so'zli bo'lganda, ko'pincha, yetakchi va unga tobe so'zdan tashkil topadi. Lekin sintagmadagi hokim-tobelik SBdagi hokim-tobelik munosabatidan farq qiladi. Sintagmadagi bir hokim so'z keyingi sintagma uchun tobe bo'lmaydi. Masalan, yuqorida keltirilgan gapdagi *a'lochi o'quvchilar* sintagmasidagi hokim a'zo (*o'quvchilar*) *barcha* so'ziga tobe bo'lolmaydi. Lekin SBning tarkibiy uzvida u uchinchi sintagmadagi *topshirdilar* so'ziga tobelanadi.

Sintagma SBga teng bo'lishi ham mumkin. Bunda SBdagi yonma-yon kelgan tobe va hokim a'zolar sintagma hosil qila oladi: *a'lochi o'quvchilar* birikuvi ham SB, ham sintagma. *O'quvchilar topshirdilar* birikmasi erkin birikuv bo'lsa-da, sintagma emas, chunki a'zolari bir pauza bilan birlashtirilmagan.


Sintagmaning SBdan farqli yana bir xususiyati shuki, uning unsurlari orasiga boshqa sintagmaning uzvi ajralib kirmaydi. Lekin SBning uzvlari orasida nutqda bu SBga daxldor bo'lmagan boshqa SB uzvlari joylashgan bo'lishi mumkin: *kitobni kecha o'qidim* gapidagi *kitobni o'qimoq* SB orasida unga daxli bo'lmagan *kecha* so'zi joylashgan.

Sintagmalanishning o'ziga xos qonuniyati bor. Asosan, yonma-yon kelgan aniqlovchi va aniqlanmish, to'ldiruvchi va to'ldirilmish, hol va hollanmish bir sintagmani hosil qiladi.

So'zlovchining maqsadi gapni sintagmaga bo'lishda muhim rol o'ynaydi. Demak, sintagma nutqiy, individual hodisa bo'lib, har bir so'zlovchi bir gapni turlicha sintagmaga bo'lishi mumkin. Masalan: *Halim shofyor akamning o'rtog'i* gapini quyidagicha sintagmalash va uni turlicha tushunish mumkin; 1. *Halim – shofyor akamning o'rtog'i*. 2. *Halim shofyor – akamning o'rtog'i*. Demak, gapning lisoniy

mohiyatini gap tarkibidagi nutqiy SBning qaysi SB LSQi hosilasi ekanligini aniqlashda sintagmalanishga ham tayanish mumkin.

**SB LSQsini tiklash va uning voqelanishi.** Boshqa lisoniy hodisa kabi SB LSQlarini tiklash va uning voqelanishi farqlanadi. SB LSQining voqelanishi «lison-nutq» yoʻnalishida boʻlib, bu yoʻnalish umumiylikdan oraliq koʻrinish orqali xususiylikka – nutqiy hodisaga qarab boradi. Masalan:



Bunda [W-W] umumiy lisoniy sintaktik qolip boʻlsa, [ot<sup>atoqli</sup> qaratqich kelishigi → ot<sup>turdosh</sup> egalik qoʻshimchasi] – quyi lisoniy sintaktik qolip. *Karimning kitobi* hosilasi – ana shu LSQ asosidagi nutqiy SBdir.

LSQni tiklash xususiylik (nutqiy hosila)dan oraliq koʻrinish orqali umumiylik sari boradi va bu jarayon «nutq-lison» yoʻnalishida kechadi. Nutqiy SBning voqelanishida boshlangʻich nuqta [W → W] qolipi boʻlsa, uni tiklashda *Karimning kitobi* kabi nutqiy SBleri asos boʻlib xizmat qiladi.

Yuqorida aytilganidek, oʻzbek tilida soʻz birikmasining 18 ta umumlashmasi – LSQi mavjud boʻlib, ularni aʼzolarining birikuv omillari asosida jadval <sup>37-jadval</sup> shtirish mumkin (37-jadval).

	Sh	S	M	M	J	J
MJ	hJM	ShJ	JSh	MSh	ShM	

Sh M	M Sh	JS h	Sh J	hJ M	U M h
	[ot <sup>bosh</sup> kelishik → ot <sup>egalik qo'shimchasi</sup> ]				[W <sup>qaratqich</sup> → W <sup>egalik qo'shimchasi</sup> ] [W <sup>chiqish</sup> kelishigi → W <sup>chegara shakli</sup> ]
	[ot <sup>modda</sup> → ot <sup>aniq</sup> ] [ot <sup>shaxs</sup> → ot <sup>shaxs</sup> ]	[ism → ot] [ism → fe'l] [ravish/olmosh → sif			[ism <sup>kelishik</sup> qo'shimchasi → fe'l] [ism <sup>o'xshatish</sup> ]
					[ot <sup>kelishik</sup> qo'shimchasi → ot] [ism <sup>o'xsha-tish</sup> → is

Quyida har bir riyoziy-mantiqiy katakdagi bittadan LSQning asosiy ko'rinishi va ma'noviy turlarini tasvirlashga harakat qilinadi.

[W<sup>qaratqich</sup> kelishigi → W<sup>egalik</sup> qo'shimchasi]=qaratuvchi-qaralmish.

Qolipda a'zolar W belgisi bilan berilgan bo'lib, bu muayyan so'z turkumi belgisi emas. Chunki bunda W unsurini to'ldiruvchi a'zo sifatida turli xil mustaqil so'z turkumi qatnashishi mumkin. Shuningdek, bu LSQning quyi bo'linishi uning tegishli so'z turkumi tomonidan to'ldirilishi asosida bo'lib, ular quyidagilar:

1) [ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> → ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = ot qaratuvchi + ot qaralmish] (*kitobning varag'i*);

2) [ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> → sifat<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = ot qaratuvchi + sifat qaralmish] (*daraxtning mo'rti*);

3) [sifat<sup>qaratqich kelishigi</sup> → ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = sifat qaratuvchi + ot qaralmish] (*gulning qizilining hidi*);

4) [sifat<sup>qaratqich kelishigi</sup> → sifat<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = sifat qaratuvchi + sifat qaralmish] (*olmaning kattasining chuchugi*);

5) [ot<sup>turdosh qaratqich kelishigi</sup> → sifat<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = ot qaratuvchi + son qaralmish] (*gulning bittasi*);

6) [son<sup>qaratqich kelishigi</sup> → Son<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = son qaratuvchi + son qaralmish] (*o'nni yarmi*);

7) [ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> → harakat nomi<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = ot qaratuvchi+fe'l qaralmish] (*Otabekning qaytishi*);

8) [harakat nomi<sup>qaratqich kelishigi</sup> → ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = fe'l qaratuvchi+ot qaralmish] (*uyalishning o'rn*);

9) [harakat nomi<sup>qaratqich kelishigi</sup> → harakat nomi<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = fe'l qaratuvchi + fe'l qaratuvchi] (*olmoqning bermog'i*);

10) [ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> → sifatdosh<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = ot qaratuvchi + sifatdosh qaralmish] (*yurakning to'xtagan*);

11) [sifatdosh<sup>qaratqich kelishigi</sup> → ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = sifatdosh qaratuvchi + ot qaralmish] (*qo'rqqanning ko'zi*);

12) [ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> → ravish<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = ot qaratuvchi + ravish qaralmish] (*mehnatning kecha-kunduzi*);

13) [olmosh<sup>qaratqich kelishigi</sup> → ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = olmosh qaratuvchi + ot qaralmish] (*mening vatanim*);

14) [ravish<sup>qaratqich kelishigi</sup> → ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = ravish qaratuvchi + ot qaralmish] (*hozirning huzuri*).

Umumiy [W<sup>qaratqich kelishigi</sup> → W<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] qolipining bu ko'rinishlari ham bevosita kuzatishda berilgan, ular o'zaro a'zolarining qaysi turkumga mansubligi bilan farqlanar ekan, demak, bu farq lug'aviy mohiyatlar asosidadir.

[W<sup>qaratqich kelishigi</sup> - W<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = qarativchi - qaralmish] qolipi hosilalari turli xil ma'noviy munosabatni namoyon qiladi. Misol sifatida bir-biriga o'xshash bir nechta nutqiy SB ni qiyoslab ko'raylik (38- jadval):

*38-jadval*

	SB	Ma'noviy munosabatlar
1	<i>Halimning qalami</i>	«Ega-egalik qilinuvchi narsa»
2		«Butun-qism»
3	<i>Odamning qo'li</i>	«Narsa-aloqad or shaxs»
4	<i>Ilmning tashabbuskori</i>	«Tur-jins»
5		
6	<i>Odamning yaxshisi</i>	«Belgi egasi-belgi»
7	<i>Uyning tozaligi</i>	«Subyekt-uning harakati»
8		
9	<i>Bolaning yig'lashi</i>	«Holat-uning natijasi»
	<i>Yashashning zavqi</i>	«Jarayon-uning oqibati»
	<i>Urushning asorati</i>	«Sabab-natija»
	<i>E'tiborsizlikning illati</i>	

Bu qatorni yana davom ettirish mumkin. Ko'rinadiki, SBdan SBga o'tish bilan ularning ma'noviy munosabati ham farqlanib bormoqda. Ma'noviy munosabatlar orasida aynan o'xshashlik yo'q.

Bu leksemalar asosida ko'plab SB tuzish mumkin va ularning har biri borliqdagi har xil – «atash», «ajratish», «ega-egalik qiluvchi narsa» kabi munosabatlarni aks ettiradi. Bu obyektiv munosabatning qaysi biri voqelanishi esa birikmadagi grammatik qo'shimcha bilan belgilanadi. Qaratqich kelishigi va egalik qo'shimchasi *Karimning kitobi* birikmasida ikki xil ma'noviy munosabatni voqelantiradi: «ega-egalik qilinuvchi narsa» va «muallif-uning asari». Lekin [W<sup>qaratqich kelishigi</sup> → W<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = qarativchi – qaralmish] LSQi

bu ikki xillikka nisbatan befarq. Chunki bu omonimlikni nutqda yoki lisonda [**W** <sup>qaratqich kelishigi</sup> → **W** <sup>egalik qo'shimchasi</sup>] dan quyida maxsus vositalar farqlaydi. Bu vositalar matn (*Karim kitob oldi. Karimning kitobi qiziq ekan, yoki Karim kitob yozdi. Karimning kitobi qiziq ekan*) yoki SB a'zosining kengayishi (*Karimning yozgan kitobi*) kabidan biri yoki bir nechitasi bo'lishi mumkin.

Demak, ayon bo'ladiki, yuqoridagi jadvalda keltirilgan SB a'zolari orasidagi ma'noviy munosabat [**W** <sup>qaratqich kelishigi</sup> → **W** <sup>egalik qo'shimchasi</sup>] qolipiga daxldor bo'lmay, balki uni to'ldirayotgan leksemalar va ular borliqda ataydigan narsa/predmet orasida bo'ladigan munosabatning aksi bo'lib, bu munosabat leksemaning miqdoriga muvofiq ravishda rang-barang bo'lishi mumkin. Masalan, borliqdagi stol va oyoq jismlari orasida «ega-egalik qiluvchi narsa» munosabati bo'lishi mumkin emas. Shuningdek, bu ma'noviy munosabat qaratqich kelishigi va egalik qo'shimchasining ma'nosi ham emas. Bu jismlar orasida butun-qism munosabati mavjud, u SBda ham aks etgan. SBdagi turli-tuman ma'noviy munosabat bir qarashda qaratqich kelishigi va egalik qo'shimchasi ma'nosidek ham tuyuladi. Lekin qaratqich kelishigi tobe so'zni hokim so'zga, egalik qo'shimchasi hokim so'zni tobe so'zga bog'lash uchungina xizmat qiladi, xolos. Unga tegishlidek tuyulgan ma'nolar qolipni to'ldirayotgan leksemalarning ma'noviy mohiyati bilan bog'liq bo'lib, mazkur qo'shimchalar namoyon qiluvchi vositalardir, xolos.

**[ism** <sup>kelishik qo'shimchasi</sup> → **fe'l**] qolipi. SBning bu LSQi birinchi uzvi morfologik shakllangan va shuning uchun ShMJ birikuv omiliga ega va ikkinchi qismda grammatik ko'rsatkich bog'lanish uchun nisbatan ahamiyatsiz bo'lganligi bois, birikuv omillarining MShJ kombinatsiyasi amal qiladi.

Qolipning birinchi uzvini ism turkumiga oid so'zlar to'ldirib, ular hokim uzvga tushum, jo'nalish, o'rin-payt, chiqish kelishiklari shakllari bilan bog'lanadi. Birinchi uzvi asosida LSQ quyidagi ko'rinishlarga ega bo'ladi (39-jadval):

*39-jadval*

[ism <sup>kelishik qo'shimchasi</sup> → fe'l]		[ism <sup>jo'nalish</sup> → fe'l]		[ism <sup>o'rin-payt</sup> → fe'l]		[ism <sup>chiqish</sup> → fe'l]
[ism <sup>tushum</sup> → fe'l]	[ism <sup>kelishigi</sup> → fe'l]	[ism <sup>kelishigi</sup> → fe'l]	[ism <sup>kelishigi</sup> → fe'l]	[ism <sup>kelishigi</sup> → fe'l]	[ism <sup>kelishigi</sup> → fe'l]	[ism <sup>kelishigi</sup> → fe'l]

LSQning har bir ko'rinishi **ism** uzvining bo'linishi asosida yana tarmoqlanadi. Masalan, [**ism** <sup>tushum kelishigi</sup> → **fe'l**] qolipi



quyidagi bo'linishlarni beradi: [ot<sup>tushum kelishigi</sup> → fe'l], [sifat<sup>tushum kelishigi</sup> → fe'l], [son<sup>tushum kelishigi</sup> → fe'l], [olmosh<sup>tushum kelishigi</sup> → fe'l], [harakat nomi<sup>tushum kelishigi</sup> → fe'l] (*kitobni/yaxshini/o'nni ayir, uni gapirish/o'qimoq/so'ramoq/ boshlamoq/ni bas qil.*) kabi.

LSQning birinchi uzvi morfologik shakllanganligi tufayli uni to'ldiruvchi so'zda shakliy omil birinchi o'ringa ko'tariladi. Joylashuv omili esa oxirgi o'ringa tushadi. Zero, birikma a'zolarini erkin almashtirish, ular orasiga so'zlar kiritish birikmaning mohiyatiga, a'zolar orasidagi ma'noviy munosabatga ta'sir ko'rsatmaydi. Ikkinchi a'zo grammatik shakllanganligi sababli ma'noviy omil kuchayib, birinchi uzvda joylashuv omili o'ta kuchsiz bo'lganligi bois ikkinchi fe'l uzvda ham bu omilning kuchsizlanishi va uchinchi o'ringa surilishini taqozo qiladi.

[ism<sup>kelishik qo'shimchasi</sup> → fe'l] LSQining birinchi uzvida bir necha kelishik umumlashmasi aks etganligi uchun uning mazmuniy jihati ham murakkab tabiatli bo'ladi va uni harakatga tortilgan yoki bog'liq obyekt (joy-harakat) ko'rinishida berish mumkin. Bu ma'noviy umumiylik [ism<sup>kelishik qo'shimchasi</sup> → fe'l] LSQining xususiy ko'rinishlarida alohida kelishik qo'shimchalari tomonidan juz'iyashtiriladi, muayyanlashtiriladi.

Masalan:

[ism<sup>tushum kelishigi</sup> → fe'l = vositasiz obyekt-harakat];

[ism<sup>jo'nalish kelishigi</sup> → fe'l = vositali obyekt/hol-harakat];

[ism<sup>chiqish kelishigi</sup> → fe'l = ajralish manbai/o'rin-harakat] va

hokazo.

[ism → ot] LSQi. Bu LSQ SB [W → W] qolipining alohida turi, u bitishuv aloqali nutqiy hosila berishi bilan xarakterlanadi. [ism → ot] qolipining nutqiy voqelanish bosqichlarini quyidagicha aks ettirish mumkin (40-jadval):

40-jadval

[ot → ot]	[sifa t → ot]	[olmo sh → ot]	[so n → ot]	[ravis h → ot]
<i>as</i>	<i>yax</i>	<i>o'sha</i>	<i>biri</i>	<i>pinho</i>
<i>al</i>	<i>shi bola</i>	<i>bola</i>	<i>nchi</i>	<i>na</i>
<i>bola</i>			<i>bola</i>	<i>suhbat</i>

[ism → ot] LSQ i uzvlari o'zaro hech qanday morfologik vositasiz bog'langan, bunday unsurlarda birikuvning joylashuv omili kuchayadi, shakliy omil o'ta kuchsizlanadi. Ma'noviy omil esa birikuvni ta'minlovchi ustuvor omil maqomida bo'ladi: **MJSh-MJSh**. [ism → ot] LSQining

mazmuniy jihatida birikuvchi unsurlarning ma'naviy munosabatini umumlashtirish asosida lisoniy mazmunga ega bo'ladi, LSQni yaxlit holda [ism → ot = sifatlovchi – sifatlanmish] tarzida ta'riflash mumkin.

Ma'lum bo'ladiki, LSQdan sintaktik shakl yasovchigina joy oladi. Lug'aviy shakl yasovchi esa LSQ uchun ahamiyatsiz, ikkiyoqlama tabiatga ega bo'lgan lug'aviy-sintaktik shakllar qolip uchun ahamiyatli vositalar sifatida lug'aviy shakllar tizimining chekkasidan joy oladi.

**LSQni o'qish va yozish qoidalari.** Lisoniy birlik bevosita kuzatishda berilmagan bo'lib, ular yozish yoki aytish uchun ham shartli belgidir.

Lisoniy birlik bo'lgan LSQ yozuvda turli shartli belgi vositasida beriladi. Biroq bu shartli belgini o'qishning o'ziga xos qonun-qoidalari bor. Ma'lumki, ximiyada moddalar turli shartli belgilar vositasida ifodalansa-da, ular aynan o'qilmaydi. Masalan, H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> ni «Ash ikki S O to'rt» deb o'qish to'g'ri emas. LSQga ham shunday munosabatda bo'lish lozim. Deylik, [W<sup>morfologik vosita</sup> → W<sup>morfologik vosita</sup>] qolipini o'qish buyurilgan. Uni «W morfologik vosita va W morfologik vosita», deb emas, balki, «ikki uzvi morfologik shakllangan atov birligi» deb o'qish tavsiya etiladi. Agar LSQ [ism<sup>kelishik qo'shimchasi</sup> → ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] ko'rinishida bo'lsa, u «ikki uzvi ismli qaratuvchili birikma» tarzida o'qilishi maqsadga muvofiq.

Ma'lum bo'ldiki, LSQning shakliy tomonigina yoziladi va o'qiladi. Zero, ikki yoqlamali birlik bo'lgan leksema va morfemaning ham shakliy tomoni shartli ravishda yoziladi va o'qiladi: *kitob* leksemasi, *-ni* morfemasi kabi. Ularning mazmuniy tomoni bo'lgan semema yoki grammatik ma'no birliklarning shakliy tomoni bilan yaxlit idrok etiladi va yozuvda uni alohida berish uchun zarurat bo'lmaydi.

Demak, LSQ ifodasida ham qulaylik uchun ularning shakliy tomoni bilangina cheklanish ma'qul.

**Turg'un SB va frazemalarning LSQdagi o'rni.** Turg'un SB va frazemalar ham mohiyatan o'zida tayyorlik, majburiylik, ijtimoiylik belgilarini mujassamlashtirganligi bois, bir atov birligi, bir leksemaga teng birlik sifatida qaralib, yaxlit holda LSQning bir uzvini to'ldiradi. Masalan, *Halimning tepa sochi tikka bo'lishi* [W<sup>qaratqich kelishigi</sup> → W<sup>egalik qo'shimchasi</sup>], *qo'y og'zidan cho'p olmagan bola* ([ism → ot]) kabi.

## Savol va topshiriqlar

1. Sintaktik birliklarni sanang.
2. Tobe aloqani tavsiflang.
3. Teng aloqani tavsiflang.
4. Kengaytiruvchini tavsiflang.
5. Kengayuvchini tavsiflang.
6. Birikish usullarini bayon qiling.
7. Erkin birikish omillarini bayon qiling.
8. So'z birikmasi qolipi haqida gapiring.
9. Birikuv omillarini bayon qiling.
10. Joylashuv omili haqida gapiring.
11. Shakliy omil haqida gapiring.
12. Ma'noviy omil haqida gapiring.
13. Turg'un birikmalarning qolipdagi o'rni haqida gapiring.

## 5-BO'LIM

### SODDA GAPNING TARKIBI

#### GAP BO'LAKLARI

##### Tayanch tushunchalar

*gap markazi, kengaytiruvchi, gap kengaytiruvchisi, so'z kengaytiruvchisi, modal kengaytiruvchi, gap bo'lagi, [P<sub>m</sub>], shaxs-son, zamon, tasdiq-inkor, mayl, gap markazi, kesim, kesimlik kategoriyasi, kesimlik shakllari, mustaqil kesimlik shakli, nomustaqil kesimlik shakli, grammatik shakllangan gap, semantik-funksional shakllangan gap, kesimning tuzilishi, ega, egali gap, egasiz gap, atov gap, semantik-funksional shakllangan gap, grammatik shakllangan gap, egasi ifodalangan gap, egasi ifodalanmagan gap, yig'iq gap, yoyiq gap, hol, aniqlovchi, to'ldiruvchi*

**Kesim.** Gap bo'laklari [P<sub>m</sub>] ma'nosi bilan uzviy bog'liq. Shu boisdan gap bo'laklarini ko'rib o'tish uchun bevosita gapning «jon»ini, markazini shakllantiruvchi vosita – kesimlik kategoriyasining tarkibi, ma'nolari va ifodalanish usullariga qisqacha sharh berishi zarur. Zero, gap kengaytiruvchilari tushunchasi, ularni belgilash, shu asosda gapning struktur zaruriy va ixtiyoriy tarkibiy qismlarini ajratish gapning «yuragi», gapning gap ekanligini ta'minlovchi kesimlik kategoriyasi va uning ko'rsatkichi, ifodalanish xususiyati bilan uzviy bog'liq. Shu sababli, gapning gapligini, ya'ni bir nisbiy tugal fikrni boshqalarga yetkazish, ular tomonidan to'g'ri anglanishining eng muhim omili – bu nutq bosqichida nutq sharoiti, lisoniy bosqichda esa kesimlik kategoriyasi.

Demak, kesimlik kategoriyasi fikrni shakllantiruvchi, uni tinglovchiga yetkazishning eng muhim lisoniy vositasi asosi.

Kesimlik kategoriyasi mazmun jihatidan tasdiq-inkor [T], so'zlovchining bayon etilgan fikrga bildirgan munosabati – modallik [M], zamon [Z] va shaxs-son [Sh] ma'nolaridan tarkib topadi (buni qisqacha shartli ravishda T, M, Z, Sh deb belgilaymiz va qulaylik uchun keyingi o'rinlarda ana shu shartli qisqartmalardan foydalanamiz). Bu ma'nolar yaxlit holda voqelangandagina kesimlik kategoriyasi ichki mazmun

tomonini namoyon qila oladi. **T, M, Z, Sh** ma'nolarining har biri alohida-alohida ravishda yuzaga chiqishi mumkin. Masalan, modal so'zlarda mayl (modallik) ma'nosi bo'ladi. Kishilik olmoshlari va egalik qo'shimchalarida shaxs-son ma'nosi yetakchilik qiladi. Tasdiq-inkor so'zlari (*ha, yo'q*)da, bo'lishli-bo'lishsizlik (*-ma, O*)da tasdiq-inkor ma'nosi yorqin ifodalangan bo'ladi. Payt ravishlari, zamon otlari, shuningdek, o'rin-payt kelishigi shakli, ravishdosh va sifatdoshda zamon ma'nosi ifodalanadi. Lekin bularning barchasi alohida-alohida voqelanish bo'lib, kesimlik vazifasida yuzaga chiqishidan boshqa holatda yaxlit sistem tabiatga ega bo'lmaydi. Zero, kesimlik kategoriyasi mazkur alohida olingan kategoriyalarning yaxlitligi (sistemasi)dan iborat. Har qanday tizim–o'z tarkibiy qismlarining oddiy yig'indisidan kattaroq butunlik. Chunki **T, M, Z, Sh** kategoriyalari kesimlik kategoriyasida birlashar ekan, bu butunlik tarkibiy qismlarida avval bo'lmagan, lekin sistema tashkil etganda tug'iladigan hodisalarni ham qamrab oladi. Masalan, *o'tgan yili o'qimagan odam* birikuvidagi *o'qimagan* so'zshaklining birikuvchisi – *o'tgan yili* so'z kengaytiruvchisi (lekin gap bo'lagi emas). *U o'tgan yili o'qimagan* gapidagi *o'tgan yili* so'zshakli – gap bo'lagi (hol). Demak, birinchi qurilmadagi kesimlik kategoriyasi a'zosi emas, shu boisdan uning birikuvchisi (*o'tgan yili*) gap bo'lagi emas. Ammo ikkinchi qurilmada *-gan* kesimlik kategoriyasining tarkibiy qismi bo'lib, uning birikuvchisi gap bo'lagi. Gap kesimlik tarkibidagina gap bo'laklarini o'ziga tobelaydi. Bu uning butunlik tarkibida kasb etgan yoki namoyon bo'lgan belgisi.

Kesimlik kategoriyasining nutqiy gaplarda voqelanishidagi ikki holatni farqlash lozim:

1) kesimlik kategoriyasining grammatik (morfologik) shakllar orqali voqelanishi;

2) kesimlik kategoriyasining semantik-funksional ifodala-nishi.

Bundan kelib chiqqan holda gapni ikkiga ajratish mumkin:

1) grammatik shakllangan gap;

2) semantik-funksional shakllangan gap.

**Grammatik shakllangan gap.** Grammatik shakllangan gapda kesimlik kategoriyasi ma'nosi kesimlik qo'shimchalarining faqat o'zi bilan yoki bog'lama va kesimlik qo'shimchalari vositasida ifodalanishi mumkin.

O'zbek tilida kesimlik qo'shimchalarining quyidagi turlari

mavjud:

1) kesimlik kategoriyasining tarkibiy qismlari sinkretik, ya'ni ajralmas, bitta moddiy ko'rinishda berilgan qo'shimchalar bo'ladi: *o'qiy*, *ketaylik*, *keldi*. Bu qo'shimchalar (-y, -aylik, -di)ning har birida tasdiq-inkor, shakl, zamon va shaxs-son ma'nolari birgalikda umumiy shaklga ega. Masalan, *o'qiy* kesimidagi -y qo'shimchasi bo'lishlilik (-may uning bo'lishsiz shakli), buyruq- istak mayli (bunda -sin, -ng, (*o'qisin*, *o'qing*) bilan paradigma – o'xshashlik qatori hosil qiladi), kelasi zamon, birinchi I shaxs (II shaxs *o'qi*), birlik (ko'plikda *o'qiylik*) ma'nolariga ega. Bunday holatni *borsa*, *yozsa* so'zshakllari tarkibidagi shart mayli qo'shimchasida ham ko'rish mumkin. Bunday sinkretik shaklli ma'nolar nol morfemalarda ham mavjud: 1.*O'qi!* 2.*Shavkat – shoir*. 3.*Qish*;

2) kesimlik qo'shimchasi tarkibida tasdiq-inkor alohida qo'shimcha bilan, modallik, mayli, zamon, shaxs-son qorishiq ravishda bitta qo'shimcha bilan beriladi: *kel – ma – di*, *kel – ma-y*;

3) kesimlik qo'shimchasi tarkibida tasdiq-inkor, modallik, zamon ma'nolari qorishiq holatda bir qo'shimcha bilan, shaxs-son ma'nosi boshqa qo'shimcha bilan beriladi: *bor – sa – ng*, *o'qi – sa – ngiz*, *ko'r – di-mi*;

4) kesimlik qo'shimchasi tarkibida tasdiq-inkor alohida, shaxs-son alohida, modallik va zamon ma'nolari qorishiq qo'shimcha bilan ifodalanadi: *ko'r-ma-di-ngiz*;

5) kesimlik kategoriyasining har bir ma'nosi alohida-alohida qo'shimcha bilan ifodalanadi: *ko'r – ma – sa – ydi – ngiz*;

6) kesimlik kategoriya ma'nolarini ifodalashda bog'lama yoki to'liqsiz fe'l vositalarida yuzaga chiqadi. Masalan: *Borgan yigit men bo'laman* (A.Muxt.). *Hamon yodimdadir: gul chog'i erdi*. (Uyg'. I.Sult.).

Sanab o'tilgan barcha vositalar lisoniy mohiyat nuqtayi nazaridan bir kategoriyaning shakllari sifatida baholanadi va qolipda, aytilganidek, bitta ramz – [P<sub>m</sub>] shartli belgisi bilan beriladi. Quyidagi gaplarning kesimiga diqqat qiling: 1. *Sensan har narsadan mo'tabar aziz* [W-sen, P<sub>m</sub>-san]. 2. *Ha, ha, ammamning buzog'isan* [W – buzog', P<sub>m</sub> – it-san]. 3. *U cho'l burguti edi* [W – cho'l burguti, P<sub>m</sub> – edi]. 4. *U shu yerda yashaydi* [W – yasha, P<sub>m</sub> – ydi].

Ma'lum bo'ladiki, [WP<sub>m</sub>] W va P<sub>m</sub> qismlaridan iborat bo'lib, atash ma'nosini W, kesimlik ma'nosini [P<sub>m</sub>] ko'rsatkichi

beradi.  $[P_m]$  ko'rsatkichlari formal jihatdan ifodalanganda u *morfemali* deyiladi. Masalan, *Uyim shaharda* gapidagi *shaharda* so'zshakli alohida olinganda unda kesimlik ma'nosi, vazifasi mujassamlashgan emas. Bu vazifa unga kontekst (nutq sharoiti, gapdagi o'рни va h.) tomonidan kiritilmoqda. Bunda  $[P_m]$  morfemali ekanligiga uni *shahardadir, shaharda edi, shaharda bo'ladi* tarzida o'zgartirish bilan ham amin bo'lish mumkin. Demak, *Uyimiz shaharda* gapida  $[P_m]$  tarkibiy qismlari quyidagicha: **T** – tasdiq, **M** – aniq, **Z** – hozirgi zamon, **Sh** – III shaxs. Bunda ham kesimning tarkibiy qismlari  $[W]$  va  $[P_m]$  ajralib turibdi. Shu xususiyatga ko'ra ular semantik-funksional shakllangan gaplardan ajralib turadi.

### **Semantik-funksional shakllangan gap.**

Semantik-funksional shakllangan gap to'rtga bo'linadi:

- 1) modal so'z-gap (*Kelasizmi? Albatta*);
- 2) undov so'z-gap (*Beh-beh! Oh-oh*);
- 3) tasdiq/inkor so'z-gap (*Ha, yo'q*);
- 4) taklif-ishora so'z-gap (*Ma*).

Bu so'z-gapning barchasida kesimlik kategoriyasi ma'nosi (**TMZSh**) so'zning lug'aviy ma'nosida mujassamlashgan bo'ladi. Shuning uchun bunday so'z-gap:

a) hech qachon kesimlik qo'shimchalarini qabul qila olmaydi;

b) nutqda alohida gap bo'lib keladi;

d) boshqa gap tarkibiga kirganda, uning biror bo'lagi bilan semantik aloqaga kirishmaydi va o'z mustaqilligini saqlab qolaveradi.

Semantik-funksional shakllangan so'z-gapda kesimlik ma'nosi atov birligi  $[W]$  ning lug'aviy ma'nosi tarkibida mujassamlashgan, bunday gaplar kesimi  $[W_m]$  ramzi bilan beriladi.

Semantik-funksional shakllangan gaplarda kesimlik ma'nosi so'z-gapning lug'aviy ma'nosi bilan bir butunlikni tashkil etganligi sababli kesimlik kategoriyasi uchun xos bo'lgan tasdiq-inkor, modallik, mayl, zamon, shaxs-son (**TMZSH**) ma'nolarining rang-barangligi yo'q. Bunda ham kesimlik kategoriyasining barcha ma'nolari uchburchak burchaklarining yig'indisiga o'xshaydi. Aytilganidek, uchburchak burchaklarining yig'indisi  $180^{\circ}$ ga teng bo'lib, bir burchak kattaroq bo'lsa, buning evaziga boshqa burchaklar kichrayadi. Semantik-funksional shakllangan gaplarda ham kesimlikning to'rtta ma'nosidan biri yuzaga chiqqanda

boshqalari 0 (nol) ga teng bo'ladi. Bu tasdiq-inkor, mayl, zamon, shaxs-son ma'nolarining har biri uchun alohida-alohida so'zlar borligi bilan belgilanadi. Masalan, «qat'iy bo'lishlilik» ma'nosi (ya'ni mayl ma'nosining ko'rinishi) *albatta* so'zi bilan ifodalansa, kesimlik shaklidagi *-ma* qo'shimchasi ifodalaydigan shunday bo'lishsiz ma'no *mutlaqo* so'z-gapi bilan beriladi. *Ha* so'zida tasdiq, *yo'q* so'zida inkor ma'nosi mavjud.

Kesimlik kategoriyasi ma'nolari kesimdagi atov birligi lug'aviy ma'nosiga singganligi tufayli so'z-gaplarda bu ma'nolarning har birini alohida-alohida va rang-barang ko'rinishlarda ifodalash imkoniyatlari cheklangan. Shu boisdan o'zbek tilida kesimlik qo'shimchalarini qabul qiladigan, kesimlik kategoriyasining barcha ma'nolarini ifodalay oladigan, lug'aviy ma'nosi kesimlik qo'shimchalariga befarq bo'lgan, ya'ni ularni erkin biriktira oladigan mustaqil so'z (fe'l, ot, sifat, son, ravish, taqlid va olmosh)lardan lug'aviy ma'nosida kesimlik kategoriyasi qo'shimchalarini biriktira olmaydigan, lekin ularning ma'nolaridan birini o'z lug'aviy ma'nosi bilan kuchaytirgan holda ifodalab, boshqalarini nutqqa o'ta kuchsiz holda voqelantiruvchi so'z-gaplar guruhi alohida ajralib turadi.

**Mustaqil va nomustaqil kesimlik shakllari.** O'zbek tilida kesimlik qo'shimchalari o'z voqelanishi uchun boshqa bir gapni talab qilishi ham, talab qilmasligi ham mumkin. Quyidagi gaplarning kesimiga diqqat qiling: 1. *Men kecha maktabga bordim.* 2. *O'qituvchi kelsa, dars boshlanadi.* 3. *Yomg'ir yog'masa edi, ekin-tikin ishlarini saranjomlab olgan bo'lur edik.*

Birinchi gapning kesimi (*bordim*) o'z ma'nosini boshqa gaplarga ehtiyoj sezmasdan voqelantirmoqda. Ikkinchi gapdagi *kelsa*, uchinchi gapdagi *yog'masa edi, saranjomlab olgan bo'lur edik* kesimlarining ushbu gaplarda voqelangan ma'nolari uchun boshqa gap talab qilinadi. Boshqacha aytganda, *kelsa* va *yog'masa edi* kesimlaridan anglashilgan shart ma'nosi *boshlanadi, saranjomlab olgan bo'lur edik* kesimlari yordamida, *saranjomlab olgan edik* kesimning ma'nosi esa undan oldindagi *yog'masa edi* kesimi yordamida yuzaga chiqadi. Agar ikkinchi va uchinchi gapning ikkinchi qismi olib tashlansa, oldingi gapdagi kesimdan shart emas, balki istak ma'nosi yuzaga chiqadi: *O'qituvchi kelsa. Yomg'ir yog'masa edi. Saranjomlab olgan bo'lur edik* kesimi esa oldingi gapsiz hech qachon, boshqacha bo'lsa ham,



ma'nosini voqelantira olmaydi. Ma'nosini yordamchisiz voqelantiradigan kesimlik shakli *mustaqil kesimlik shakli* (**MKSH**) deyiladi.

Boshqa gaplarsiz, ya'ni qurshovsiz o'z ma'nosini voqelantira olmaydigan, voqelantirgan taqdirda esa butunlay boshqa ma'no kelib chiqadigan kesimlik shakli nomustaqil kesimlik shakli (**NKSH**) deyiladi.

Kesim – tasdiq/inkor, zamon, modallik, shaxs/son (ya'ni kesimlik kategoriyasi) ma'no va shakllariga ega bo'lgan so'z, gap markazini tashkil qiluvchi bo'lak.

Nutqimizda kesimsiz gap bo'lishi mumkin emas. Gapda kesim bo'lmasa, u o'zbek tili (nutqi) uchun to'liqsiz gap. Kesim gapning shunday konstruktiv bo'lagiki, u o'zini shakllantiruvchi grammatik kategoriya – kesimlik kategoriyasi voqelanishiga ega. Shu sababdan hamma vaqt gapda kesim tarkibi murakkab.

O'zbek tilidagi ayrim gaplarda eganing qo'llanilishi shart bo'ladi: 1. *Otam – o'qituvchi*. 2. *Men – yahudiy*. (G'.G'ul.) Bunda [m] tushirilgan bo'lib, uning vazifasi ega va kesim birligidan iborat bo'ladi. Bu turdagi gaplarning kichik qolipi [E-WP] ko'rinishida. Qolipning bu turi o'zbek tilining tipologik sintaktik belgisi bo'la olmaydi. Chunki o'zbek tilidagi gaplarning aksariyati [WP<sub>m</sub>] minimal qolipi va uning kengayishi asosida hosil bo'ladi.

[P<sub>m</sub>] ma'nosi kesimda mujassamlashgan tasdiq/inkor, modallik/mayl, shaxs/son ma'nolarining yaxlitligidan iborat. Shu bois [P<sub>m</sub>] ning me'yoriy ma'nosi ushbu to'rtta grammatik ma'noning majmui sifatida ajratiladi. Istalgan gap tarkibida bu majmua butunlik sifatida bo'lishi shart, lekin muayyan nutqiy voqelanishlarda majmua tarkibi qismlarining hissasi hamma vaqt bir xil bo'lavermaydi. Masalan, modallik ma'nolari bo'rttirilganda, zamon ma'nosi zaiflashadi va aksincha, zamon ma'nosi bo'rttirilganda modallik ma'nosi susayadi. Shunga o'xshash boshqa grammatik ma'nolarning ifodalanish darajasi ham xilma-xil bo'lishi mumkin. Bu ma'nolar ifodalanish darajasi qanchalik kuchli bo'lmasin, u [P<sub>m</sub>] da mutlaq yoki yagona bo'lishi mumkin emas. Shuningdek, o'ta zaiflashib kelishi yoki tamoman yo'qolgan bo'lishi ham mumkin emas. Chunki kesimlik kategoriyasi tarkibidagi har bir ma'no tizim hosil qiluvchi ma'no va ulardan birortasi tamoman yo'qolsa, kesimlikning o'zi ham yo'qoladi yoki butunlay boshqa mohiyat kasb etadi.

Shakliy ifodalanishga ko'ra [P<sub>m</sub>] o'zbek tilida o'ta

rang-barang. Uning nol morfema (*Otam – o'qituvchi*)dan boshlab morfemalar tizmasi bilan (*aytmasaydingiz*), turli xil bog'lamalar bilan ifodalanishi mumkinligi aytiladi.

Kesimning lug'aviy asosi ham nutqda tub, sodda, yasama, qo'shma, qisqartma, erkin so'z birikmasi, turg'un so'z birikmasi, parafraza, frazema, kengaygan birikma, transformatsiyalashgan gaplar kabi struktura jihatidan rang-barang bo'lgan nominativ birlik bilan ifodalanishi mumkin.

**Kesimning W ga ko'ra turlari.** Kesimlikdagi atov birligi vazifasida barcha mustaqil so'z turkumi kela oladi. Shunga ko'ra, kesimlarni umumlashtirib, *ism* (ot, sifat, son, ravish, taqlid olmosh) *li* va *fe'l* (fe'l, olmosh) *li* kesimlarga ajratish mumkin.

**Ism bilan ifodalangan kesimlar.**

**Ot:** *Qarg'a nima deyotganini bilmaymiz, chunki u qarg'a, biz – odam.* («Husnobod»)

**Sifat:** *E taqsir, qissamiz uzun.* (Oyb.)

**Son:** *Ikki karra ikki – to'rt.*

**Ravish:** *O'zlashtirishing – yodaki.*

**Taqlid:** *Hamma tomon g'ovur-g'uvur, tinchlik yo'q.*

**Olmosh:** *Sen – mensan-u, men – senman, qissamni bayon etsam.*

**Fe'l bilan ifodalangan kesim:**

1. *Maqsadim – o'qimoq.* 2. *Qarasam, qaramaysan.* 3. *Ishning boshi boshlanguncha.* 4. *Yashnaganim – yashnagan.* 5. *Yigit kishining uyalgani – o'lgani.* 6. *Ko'rdi-yu, kapalagi uchib ketdi.*

Kesim tuzilishiga ko'ra sodda, murakkab va tarkibli bo'ladi.

**Sodda kesim** bir mustaqil so'z bilan ifodalanadi: 1. *Sen bahorni sog'inmadingmi?* (A.Orip.) 2. *Majlis shunga qaror qildi.* 3. *Mana bu – yeryong'oq.* 4. *Sherzod – talaba.*

**Murakkab kesim** so'z birikmasi holidagi kengaygan so'z bilan ifodalanadi: 1. *Bu kun biz uchun og'ir kun.* 2. *Sherzod yulduzni benarvon uradigan yigit.*

**Tarkibli kesim** yetakchi va yordamchi a'zodan tuzilib, yetakchi a'zo lug'aviy ma'noga ega bo'ladi, yordamchi a'zo esa grammatik ma'no tashiydi. Misollar: 1. *Anjir kulchaday yirik va holvaytarday yumshoq edi.* (Oyb.): *yumshoq* – yetakchi a'zo, *edi* – yordamchi a'zo. 2. *Hammasi sen uchun, dilovar uchun.* *sen+* yetakchi a'zo, *uchun* – yordamchi a'zo, *dilovar* – yetakchi a'zo, *uchun* – yordamchi a'zo. 3. *Bunday*

*odamlarni nodon hisoblashadi.* («Kalila va Dimna»): *nodon* – yetakchi a'zo, *hisoblashadi* – yordamchi a'zo. 4. *Hamma ham xalqiga xizmat qilgisi keladi.* (N. Saf.): – *xizmat qilgisi* – yetakchi a'zo, *keladi* – yordamchi a'zo.

**Ega.** Ega gap kesimini shakllantiruvchi [Pm] – kesimlik kategoriyasida mujassamlashgan shaxs-son (Sh) ma'nosini muayyanlashtiruvchi gap kengaytiruvchisi: 1. Elchibek asta o'rnidan turdi. (A.Mux.) 2. Biri – sensan, biri – men. (Oyb.) 3. Shunday o'lka doim bor bo'lsin. (H.Olim.) 4. (Sen) Aytar so'zni ayt, (sen) aytmas so'zdan qayt. (Maqol) Birinchi gapda Elchibek so'zi kesimdagi uchinchi shaxs birlik (nol) kesimlik qo'shimchasining, ikkinchi gapdagi biri so'zlari sensan kesimining ikkinchi shaxs birlik (-san) va men so'zidagi birinchi shaxs birlik (-man), uchinchi gapdagi o'lka so'zi bor bo'lsin kesimidagi uchinchi shaxs (-sin), to'rtinchi gapdagi ifodalanmagan (sen, sen) ayt, qayt so'zlari bilan ifodalangan kesimdagi ikkinchi shaxs birlik (nol) kesimlik ma'nosining muayyanlashtiruvchisi, kengaytiruvchisi. Ega gapdagi fikr o'zi haqida borayotgan, belgisi kesim tomonidan ko'rsatilayotgan bo'lak. Kesimdan axborot (kommunikatsiya) anglashilsa, ega ana shu kommunikatsiya predmetidir.

Ega bevosita kesimlik shakli – [Pm]ga bog'lanayotganligi tufayli, hol va kesim bilan birgalikda, gapning konstruktiv bo'laklari qatoriga kiradi.

**Egali va egasiz gaplar.** Gapning lisoniy qurilishida eganing ifodalangan yoki ifodalanmaganligiga ko'ra ikki ko'rinishi bo'ladi:

- 1) egali gaplar;
- 2) egasiz gaplar.

Egali va egasiz gap gapning lisoniy sintaktik qolipi bilan emas, balki gap kesimining lug'aviy [W] va kesimlik qo'shimchalari [Pm] qismlarining ba'zi bir ifodalanish xususiyatlari bilan bog'liq.

**1. Egasiz gaplar.** Bunday gaplarda kesim tarkibidagi [Pm] ning shaxs-son ma'nosi o'ta kuchsizlanib, gap tarkibidagi eganing mutlaqo bo'lmasligini keltirib chiqaradi. Egasiz gaplarning mavjudligiga olib keluvchi omillar kesimdagi [W] va [Pm]ga bog'liq ikki guruhga bo'linadi.

**[W] ga bog'liq ravishda egasiz gapning vujudga kelishi.** 1. O'timsiz fe'llar (masalan, *bormoq*, *yurmoq*, *yugurmoq*, *qolmoq*, *erishmoq*) vositasiz to'ldiruvchiga ega bo'lganligi tufayli majhul nisbat shaklini olganda, gap egasiz qo'llanadi: 1. *Bugun stadiongga boriladi.* 2. *O'n minut qadar yo'l yurildi.*

(Oyb.) 3. *Institutning o'ttiz yili davomida ulkan yutuqlarga erishildi.* 4. *Katta trassaga chiqish uchun o'ng tomonga yuriladi.* 5. *Jizzaxga borish uchun Samarqanddan o'tiladi.* Bu gaplardan bittasining lisoniy qolipini kuzatamiz (43-jadval):

43-jadval

	H	W	P <sub>m</sub>
	<i>o'ttiz yili davomida</i>	<i>erishil</i>	<i>di</i>
	<i>Institutni</i>	<i>Yutuqlarga</i>	
	<i>ng</i>	<i>Ulkan</i>	

Ma'lum bo'ladiki, gapning maksimal lisoniy qolipidagi eganing o'rnini bo'sh. Buning boisi, aytilganidek, o'timsiz fe'l (*erishmoq*) majhul nisbatga o'tganda ega o'z-o'zidan tushib qoladi. Agar fe'l o'timli bo'lsa edi, (masalan, *o'qimoq*), uning vositasiz to'ldiruvchisi ega mavqeini egallar edi: *Nilufar kitobni o'qidi* – *Kitob Nilufar tomonidan o'qildi* tarzida. *to'g'ri kelmoq* qo'shma fe'li «O'zbek tilining izohli lug'ati»dagi 8-ma'nosida jo'nalish kelishigidagi harakat nomi bilan zich aloqaga kirishib, egasiz gaplar hosil bo'lishiga olib keladi: 1. *Nargizaga og'ir bo'ldi, ko'p qiyinchiliklarni yengishga to'g'ri keladi.* 2. *Buning uchun Toshkentga o'z vakillarimizni yuborib, korxonadan zarur yordamni so'rashimizga to'g'ri keladi.* Bu gaplarning lisoniy strukturasi quyidagi ko'rinishda bo'ladi (44-jadval):

Bu gaplar kesimidagi *mumkin, shart, kerak* kesimlik so'zi [Pm] dagi mayil ma'nosi ifodalovchilari bo'lib, ulardan keyin zamon va tasdiq, inkor ma'nolarini ifodalovchi vositalar keladi.

44-jadval

	H	W	P <sub>m</sub>
	<i>Bugun yuborib</i>	<i>kel</i> → <i>to'g'ri</i>	<i>adi</i>
		<i>so'rashi mizga</i>	

	<i>Toshkentga</i>	<i>yordamni</i> ↑
<i>o'z</i>	→	<i>zarur</i>
<i>vakillarimizni</i>		<i>Korxonadan</i>

Yuqoridagi gaplardan birining lisoniy struktur sxemasini keltiramiz (45-jadval):

45-jadval

E	H	W	P m
	<i>har</i> <i>doim</i>	<i>rivojlanti</i> <i>rmoq,</i> <i>davom</i> <i>ettirmoq</i>	<i>ke</i> <i>rak</i> <i>edi</i>
		↑ <i>ishini</i> ↑ <i>Ustozlar</i>	

Kesimi *fe'lining III shaxs shart mayli+bo'ladi* qurilmasi asosida ifodalangan gaplar ham o'zbek tilida egasiz gaplarni hosil qiladi: 1. *Hosilni o'n-o'n besh kunda yig'ib olsa bo'ladi.* 3. *Bu ig'voning sabablarini tahlil qilsa bo'ladi.* Bunda kesimlarning *yig'ib ol, tahlil qil* qismlari [W] (lug'aviy birlik) va *-sa bo'ladi* qismlari esa [P<sub>m</sub>] voqelanishi.

Kesim ravishdoshning *-(i)b* shakli va *bo'lmoq* fe'lining turli ko'rinishlari bilan ifodalanganda ham egasiz gap vujudga keladi: 1. *Bu xatning mazmunini birovga aytib bo'lmaydi.*(A.Qah.) 2. *Falakka qo'l uzatib, shamsu anvorni olib bo'lmas.* (Mashr.) Bu kesimlarda *aytib bo'l, olib bo'l* qismlari [W] va *-maydi, -mas* qismlari P<sub>m</sub> voqelanishi. Sxemasi (46-jadval):

46-jadval

E	H	W	P m
	<i>uzati</i> ↑ <i>bo'</i>	<i>olib</i> ↑ <i>bo'l</i>	<i>M</i> <i>as</i>



	<i>Qo'l</i>	<i>Sham si anvorni</i>	
	<i>Falak ka</i>		

**O'zbek tilidagi atov gap** – egasiz gapning o'ziga xos turi:  
 1. *Keng sahro. Quruq cho'l. Suv manbalaridan darak yo'q.*  
 2. *Yoqimli ohang. Zavqli qo'shiqlar. Anorxon yo'llaridan to'xtab tinglaydi.* (I.Rah.). Bu gaplar bir qarashda kesimsiz, faqat egadan iborat gaplardek tasavvur uyg'otadi. Biroq gaplarni zamonlar bo'yicha paradigmaga solsak, quyidagi ko'rinish hosil bo'ladi:

1. *Keng sahro – Keng sahro edi.*
2. *Tun – Tun edi.*

Demak, atov gap – hozirgi zamon ko'rinishidagi kesimdan iborat egasiz gap. Qiyoslang:

1. *Navbahor, ochildi gullar, sabza bo'ldi bog'lar.* (Muq.)
2. *Hamon yodimdadir, gul chog'i erdi.* (Uyg'., I.Sult.)
3. *Ko'rishgan maskanim, gul bog'i erdi.* (Uyg'., I.Sult.)

**Semantik-funksional shakllangan gap** ham egasiz gapning alohida ko'rinishi: 1. – *Bugun bormoqchimisan? – Ha.* 2. – *U ham bormoqchimi? – Yo'q.* 3. – *Kitobni olasanmi? – Bo'lmasam-chi!* 4. *Nasriddin xaltani uloqtirib yubordi: Ma! Sen to'y!* («Afandi latifalari»dan). 5. *Salom, – dedi ko'rish bilan hamma birdan. Qo'llar o'tdi biqinlarning orasidan.* (G'.G'ul.).

**Egali gap.** Egasiz gap tilimizda chegaralangan bo'lib, ular egali gapga nisbatan kam. Egali gap esa tilimizning me'yoriy xususiyatidan biri. Chunki gap markazini tashkil etuvchi kesimning tarkibidagi **[Pm]** (kesimlik kategoriyasi) ning qismlaridan biri shaxs-son ma'nosi bo'lib, u hamisha o'zining to'ldirilishini, muayyanlashtirilishini talab qiladi. Bu esa gaplarning egali bo'lishini taqozo qiladi.

Aytilganidek, o'zbek tilidagi gaplarning lisoniy strukturasi uch a'zo (ega, hol, kesim) dan iborat, egali gaplarda ega pozitsiyasi bo'sh bo'lmaydi, to'ldirilgan bo'ladi. U nutqda esa yuzaga chiqqan hol, yuzaga chiqqan kesim bo'lishi mumkin. Quyidagi ikki gapni qiyoslang:

1. *Men kitobni o'qidim.*
2. *Kitobni o'qidim.*

Har ikkala gap ham [E-H-P<sub>m</sub>] qolipi hosilasi bo'lib, ularning kesimidagi [P<sub>m</sub>] ga xos shaxs-son qo'shimchalari ega, uning tabiati (qaysi shaxs, son) haqida to'liq axborot berib turibdi. Har ikkala gap uchun ham ega – I shaxs birlikdagi kishilik olmoshi. Biroq, ulardan birinchisida bu lisoniy to'liqlik (ega pozitsiyasining bo'sh emasligi) nutqda namoyon bo'lgan, ikkinchisida esa nutqiy ehtiyoj bo'lmaganligi tufayli yuzaga chiqmagan. Ko'rinadiki, har ikkala gap ham lisoniy egali, ega pozitsiyasi to'ldirilgan gap qismining hosilasi.

Egali gaplarning o'zi quyidagi turlarga ajratilishi mumkin:

- 1) egasi ifodalangan (nutqda namoyon bo'lgan) gap;
- 2) egasi ifodalanmagan (nutqda namoyon bo'lmagan) gap.

**Egasi ifodalangan gap.** Kesimdagi [W], [P<sub>m</sub>] xususiyati va ularning o'zaro munosabati tufayli nutqda egani tushirib qoldirish mumkin bo'lmaydi. Bunda eganing nutqiy voqelanishini zarur qilib qo'yadigan:

I. [W] ga bog'liq omil.

II. [P<sub>m</sub>] ga bog'liq omil mavjud.

**I. Kesimdagi Wga bog'liq holda ega ifodalanishining zarurligi.**

1. Kesimning [W] qismi vazifasida frazema (ibora) kelganda, egani tushirib qoldirishning iloji yo'q: 1. *Bu voqeadan Jamshidning kapalagi uchib ketdi.* (Gaz.). 2. *Markazga kelib, bo'lib o'tgan voqealarning butun tafsilotini eshitgan Qalandarovning fig'oni falakka chiqdi.* Bunda ega ifodalanishining zarurligi, ko'rinib turibdiki, gapning qolipiga emas, balki iboralarda ega bilan kesim aloqasining o'ta zichligi, iboralarning barqaror hodisa ekanligi bilan bog'liq.

2. Ma'lumki, ayrim hollarda o'timli fe'lning semantikasi ularning vositasiz to'ldiruvchi bilan kompletiv (o'ta zich) aloqada bo'lishini taqozo qiladi (masalan, *kuzatmoq, ko'rmoq, aytmoq*). Bu so'zlarning obyekt valentligi (tushum kelishigidagi kengaytiruvchisi) zaruriy. Shu boisdan fe'l majhul nisbatga o'tgach, ularning vositasiz to'ldiruvchisi egaga aylanadi, shuningdek, mazkur kompletiv aloqa ham saqlanib qoladi, avval to'ldiruvchi, endi esa eganing ifodalanishi zarur bo'lib qoladi: 1. *Oqibat, hozirgacha ham ayrim fuqoralar, ayniqsa, yoshlar orasida ikkilanishlar, hatto muxolifat tomoniga og'ib ketish kabi achinarli hollar kuzatilmoqda.* (Gaz.). 2. *Natijada, ko'plab fuqarolar uchun buzg'unchi muxolifatning asl basharasi, uning maqsad va vazifalari, mohiyati, kirdikorlari to'laqonli bayon etib*

*berilmadi. (Gaz.). 3. Yig'inda fermer xo'jaliklari taraqqiyoti uchun mahalliy fermerlar tomonidan qo'yilayotgan sun'iy g'ovlarning sabablari ham aytili. (Gaz.).*

3. Kesimning [W] qismi taqlid so'zlardan yasalgan fe'l bilan ifodalanishi ham eganing voqelanishini taqozo etadi: *1. Eshik taq-taq qildi. 2. Yuragim shuvillab ketdi. 3. Qarg'a qag'illaydi.*

4. Tabiat hodisalarini ifodalovchi ayrim fe'llar ham eganing mazmuni bilan o'ta zichlashib ketganligi bois nutqda eganing tushib qolishiga yo'l qo'ymaydi: *Tong otdi. Kun botdi. Chaqmoq chaqdi. Qorong'i tushdi.*

**Yig'iq va yoyiq gap.** O'zbek tilidagi yig'iq gaplar formal yondashuvda asosan rus tili qoliplari asosida ajratilgan. Substansial yondashuvda esa bu masalada ham gapning eng kichik qurilish qolipiga tayaniladi.

Ma'lumki, o'zbek tilida ot, sifat, son yoki boshqa so'z turkumi bilan ifodalangan kesim predikativlikning shaxs-son ko'rsatkichini qabul qila oladi yoki predikativ so'zlar orqali ifodalaydi, shuning uchun ular egasiz gapda ham kesim vazifasini bajara oladi. Ammo rus tilida esa otlar predikativlik ko'rsatkichiga ega bo'la olmaydi, shuning uchun predikativ maqomdagi otlar ega bilan kelgandagina kesim vazifasini bajara oladi. Bu holatni quyidagi misollarda ko'rishimiz mumkin: *1. Sog'-salomatmisiz? – Здоровы ли вы? 2. O'qituvchiman. – Я учительница.*

O'zbek va rus tillarida kesim o'ziga xos grammatik xususiyatga ham ega. O'zbek tilida kesim sodda va tarkibli turga ega, turli kesimlik ko'rsatkichlari bilan shakllanadi. Kesim vazifasida kelgan so'zlarda, odatda, tasdiq-inkor, shaxs-son, modallik va zamon ko'rsatkichi bo'lishi lozim. O'zbek tilida ot-kesimdan iborat gap ham mavjud. Bu ot-kesimlarda birlik va ko'plik, shaxs qo'shimchalari shaxs ma'nolarini ifodalashi bilan birga, hozirgi zamon ma'nosini ham ko'rsatadi. Masalan, *Tadbirkorman. Uydaman.*

O'zbek tili sintaktik qurilishida ot-kesimlar ham, fe'l-kesimlardagi kabi egali yoki egasiz qo'llanishi mumkin. Rus tilida esa, tilshunoslar e'tiroficha, otlarga qo'shiladigan predikativ shaxs-son qo'shimchalari yo'qligi tufayli bu tilda otning o'zi mustaqil holda ma'lum bir morfologik ko'rsatkich yordami bilan kesimga aylana olmaydi. U faqat ega bilan kelib, kesim vazifasini bajarishi mumkin. Masalan, *Tadbirkorman. – Я бизнесмен.*

Demak, o'zbek tilidagi gaplarning lisoniy sathdagi eng



kichik qurilish qolipi asosan [WP<sub>m</sub>] shaklida bo'lsa, Hind-Yevropa tillarida gapning minimal qolipi asosan [E-WP] ko'rinishida. Bu esa bu tillar orasidagi asosiy tipologik va milliy farqlardan hisoblanadi.

O'zbek tilida sodda yig'iq gap uch xil ko'rinishda namoyon bo'ladi:

1) egasi ifodalanmagan sodda yig'iq gap. Bu gapning qolipi [WP<sub>m</sub>] ko'rinishida berildi.

2) egasi ifodalanishi lozim bo'lgan sodda yig'iq gap. Bu gap [E-WP] qolipi hosilasi: *Men – shoir. Ukam – talaba.*


3) So'z-gapdan iborat yig'iq gap ([WP]): *Xo'p. Rahmat. Balli* kabi.

[WP<sub>m</sub>] qolipli gaplar boshqa har qanday, [E-WP] qolipli gaplar ikkinchi darajali bo'laklar bilan kengaysa, yoyiq gap hisoblanadi. So'z-gap tipidagi yig'iq gap kengaymaydi.

**Hol.** Hol ega kabi gap kesimidagi kesimlik shakllari – [Pm]ning ma'noviy xususiyatini muayyanlashtiruvchi, oydinlashtiruvchi bo'lak, ya'ni gap kengaytiruvchisi sanaladi. Quyidagi gaplarni qiyoslaylik:

1. *Jamshid ishladi.*
2. *Jamshid kecha ishladi.*
3. *Jamshid ertaga ishlaydi.*

Keltirilgan gaplardagi *ishladi* va *ishlaydi* so'zshakllari gap kesimi vazifasida kelgan bo'lib, boshqa bo'laklar ana shu markaziy bo'lakning muayyanlashtiruvchilari:



*Jamshid* so'zi har uchala gapda ham kesimdagi [Pm]ning shaxs-son, *kecha*, *ertaga* so'zlari esa payt ma'nosini muayyanlashtirgan. Ega va gap markazidagi shaxs-son

ma'nolari kabi, hol va kesimlik kategoriyasi [Pm] voqelanishidagi zamon ma'nolari ham bir-biriga muvofiqlashgan. Aniqrog'i, kesimlikda o'tgan zamon ma'nosi voqelanganda, hol hozirgi yoki kelasi zamon ma'nosida bo'lmaydi. Demak, ma'lum bo'ladiki, gap qurilishida gap markazidagi kesimlik kategoriyasi ma'nosi bilan uzviy bog'langan gap kengaytiruvchisi payt holi. Payt holi kesimga bog'lanar ekan, undagi lug'aviy qism ma'nosi bilan emas, balki kesimlik kategoriyasi tarkibidagi zamon ma'nosi bilan bog'liq ekanligi ot-kesimli gaplarda yanada yaqqol ko'zga tashlanadi. Masalan, ot leksema o'z semantik valentligini to'ldiruvchi har xil aniqlovchilar bilan erkin birikuv hosil qila oladi: *a'lochi talaba, shaharlik talaba, o'nta talaba* va h. Bunda birikuv hosil qilish uchun *talaba* so'zining gap hosil qilishi, gap tarkibidan o'rin egallashi shart emas. Qiyoslang: *a'lochi talaba, Jamshid a'lochi talaba*. Har ikkala holatda ham hosil bo'lgan birikuv me'yoriy. Chunki aniqlovchi so'z kengaytiruvchisi. Biroq *bugun talaba, ertaga talaba, kecha talaba* kabi so'z birikmalari g'ayrime'yoriy. Lekin ular gap tarkibiga kiritilganda va *talaba* so'zi kesim mavqeini egallaganda, bu g'ayrioddiylik yo'qoladi: *1. Men bugun talabaman. 2. Sen kecha talaba eding*. Demak, *bugun, kecha* so'zlari gap kengaytiruvchisi bo'lganligi va gap markazidagi [Pm]ga tortilganligi, bog'langanligi sababli so'z birikmasidagi nome'yoriylik gap tarkibida barham topadi.

O'rin holi ham so'z kengaytiruvchisi emas, balki gap kengaytiruvchisi ekanligi bunday vazifada keluvchi so'zlarni gapda va gapdan tashqarida SB hosil qilish uchun ot-leksemaga tobelab ko'rish asosida amin bo'lish mumkin. Qiyoslang: *1. Qishloqda muallim, zavodda ishchi. 2. Halim shaharda o'qituvchi, G'afur zavodda ishchi*.

Ko'rinadiki, birinchi guruh birikuvlar g'ayrime'yoriy, ikkinchi guruh birikuvlar esa o'zbek nutqiga xos me'yoriy qurilma ekanligi hech kimda shubha uyg'otmaydi. Demak, o'rin hollari payt hollari kabi gap kengaytiruvchilaridir.

Endi holning boshqa turlariga diqqat qilamiz:

1. *Ilgari ikkalamiz birga talaba edik.*
2. *Bu payt sen kabi o'qituvchiman.*
3. *Shu boisdan dadam ishchi edi.*

Birinchi gapda *birga* so'zi ravish, ikkinchi gapda *sen kabi* o'xshatish, uchinchi gapdagi *shu boisdan* so'zshakli sabab holi. Ular gap kengaytiruvchilarimi yoki so'z kengaytiruvchilari ekanligini aniqlash uchun birikuvlarni gap

tarkibidan chiqarib, zikr etilgan soʻzshakllar *talaba, oʻqituvchi, ishchi* soʻzshakllarining maʼnoviy valentligini toʻldirayotgan-toʻldirmayotganligini tekshiramiz:

- 1) *birga talaba;*
- 2) *sen kabi oʻqituvchi;*
- 3) *shu boisdan ishchi.*

Koʻrinadiki, birikuvlar nomeʼyoriy va tobe soʻzshakllar hokimlarining lugʻaviy-maʼnoviy birikuvchisi emas, balki ularning kesimlik vazifasi, mavqei bilan har doim mantiqan bogʻlangan.

Demak, holning mazkur turlari ham gap kengaytiruvchilaridir.

Holning gap kengaytiruvchisi ekanligini asoslash uchun ot-kesimli gaplardan foydalandik. Bunda holning bu xususiyati yaqqol koʻzga tashlanadi.

Hol gap markazini shakllantiruvchi **[Pm]** bilan bogʻlanar ekan, u, umuman, gap konstruktiv tizimida qanday mavqega ega boʻladi?

Hol gapning bevosita konstruktiv uzvi emas. Chunki holsiz ham gap tashkil topaveradi. Demak, hol kesimdan quyi mavqeni egallaydi. Koʻpincha holning gap tarkibiga kiritilishi **[Pm]** maʼnolari bilan zich bogʻlanmaydi. Shu boisdan hol egadan ham quyi mavqeni egallaydi. Chunki nutqiy gaplarda kesim orqali egani tiklash holni tiklashdan ancha qulay. Ifodalanmagan holni tiklash qiyin. Ammo shuni taʼkidlash lozimki, baʼzan kesimning **[W]** si maqomida oʻrin, payt, sabab, maqsad va boshqa maʼnoli aktantlar bilan kuchli aloqada boʻladigan leksema yuzaga chiqqanda, gapning yuza qolipida hol egadan koʻra zarurroq mavqega ega boʻladi. Masalan, yurish feʼllari (*bormoq, kelmoq, etmoq, ketmoq*) kesim vazifasida kelganda gapda oʻrin hollarining ishtirok etishi zaruriyati kuchayadi: *Uyga bordi. Shahardan keldi. Maktabga ketdi. Manzilga yetdi.* Bu, albatta, kesimlik kategoriyasi birikuvchanligi bilan emas, balki kesim vazifasida kelayotgan feʼlning maʼnoviy xususiyati bilan belgilanadi.

Demak, holning gap qurilishidagi zaruriy boʻlak darajasiga koʻtarilishi kesimdagi **[W]** ning muayyanlashish ehtiyoji bilan belgilanadi. Hol gapning konstruktiv boʻlaklari sifatidagi kesim va egadan keyin uchinchi oʻrinni egallaydi.

**Holning maʼnoviy turlari haqida.** Hol nutqda gapdan anglashilgan mazmunning, kesim ifodalagan ish-harakat, holat, voqea-hodisaning oʻrni, payti, tarzi, miqdor-darajasi,

sababi, maqsadi, natijasi, sharti (qatorni yana davom ettirish mumkin) kabi ma'noni ifodalaydi.

Boshqa gap bo'laklariga nisbatan holning ma'noviy turlari nisbatan ko'proq. Lekin, olaylik, aniqlovchining rang-tus aniqlovchilari, xususiyat aniqlovchilari, hajm-shakl aniqlovchilari kabi turlarini ajratish grammatik, sintaktik qurilish nuqtayi nazaridan mantiqsiz bo'lgani kabi, holning ma'noviy turi ham gap sintaktik qurilishi uchun daxlsiz. Shuningdek, ko'p hollarda o'rin-payt (*Botir urushda bilinadi*), sabab va maqsad (*O'qish uchun Toshkentga keldi*), ravish va miqdor holini (*Isroil qayta-qayta o'qidi*) farqlash qiyin. Chunki hol va so'zlararo munosabat nutq sharoiti, voqea-hodisaning tabiatiga va so'zlovchining maqsadiga mos ravishda turlicha voqelanishi mumkin.

**Holning tuzilish turlari.** Lisoniy sintaktik qolipning asosiy xususiyatidan biri shuki, uni to'ldiradigan nutqiy birlik bir a'zo huquqiga ega va har qanday katta-kichiklikda bo'lishi mumkin:

I. Holning bir so'z bilan ifodalanishi: 1. *Tog'am shaharga meni ham olib bordi.* 2. *Shalola shoshilib jo'nadi.* 3. *Qiz bilan salomlashib suhbatlashdi.*

II. Holning so'z birikmasi bilan ifodalanishi: 1. *Tog'am nota-nish shaharga meni ham olib bordi.* 2. *Shalola favqulodda shoshilib jo'nadi.* 3. *Qiz bilan do'stlarcha salomlashib suhbatlashdi.*

Demak, bir so'zshakl bilan ifodalangan hol sodda, kengaygan (birikma holdagi) birlik bilan ifodalangan hol murakkab deyiladi.

**Holning ifodalanishi.** Hol barcha mustaqil so'z turkumi bilan ifodalanadi:

- 1) fe'l: *Shalola shoshilib gapirdi;*
- 2) ot: *Uydan chiqarib ketdi;*
- 3) sifat: *U yaxshi o'qiydi;*
- 4) son: *Bir keldi, bir ketdi;*
- 5) olmosh: *Bunda ari keltiradi bo!*
- 6) taqlid: *U piq-piq kuldi;*
- 7) ravish: *Ish kech tugadi.*

**Holning kesimga bog'lanish usuli** – bitishuv va boshqaruv.

**Bitishuv aloqasida** hol vazifasida tobe uzvlik vazifasiga xoslangan so'z keladi. Ular sifat, ravish, son, olmosh va taqlid: 1. *Vazifani xo'b uddaladi* (sifat). 2. *Qo'qqisdan kulib yubordi* (ravish). 3. *G'ong'ir-g'ong'ir suhbatlashdi*

(taqlid). 4. *Bir gapirib, o'n kular* (son). 5. *Kun botguncha kelmadi* (fe'l).

Ot, fe'l, olmosh hol vazifasida kesimga *boshqaruv usuli*da bog'lanadi. Buning uchun ot kelishik shakli va ko'makchi, o'xshatish, fe'l esa ravishdosh va o'xshatish shakliga ega bo'ladi:

1. *Shahardan qaytdi*. 2. *Shoshilib gapirdi*. 3. *Odamdek yashadi*. 4. *Uxlagandek yotardi*. Holning kesimga birikishida bog'lanish omillari munosabati quyidagicha bo'ladi:

1. **ShMJ-MShJ**: 1. *Uydan keldi*. 2. *Go'dakday kuldi*. 3. *Shoshilib gapirdi*.

2. **MJSh-MShJ**: 1. *Tez o'qirdi*. 2. *Qo'qqisdan kulib yubordi*. 3. *Chindan qiynaldi*.

Demak, hol va kesimning bog'lanishida birikuvchi unsurlarda bog'lanish omillari munosabati ikki xil kombinatsiyali bo'ladi: **ShMJ-MShJ** va **MJSh-MShJ**. Bu hol va kesim birikuvida LSQlardan biri [ $W^{\text{morfologik shakl}} \rightarrow WP_m$ ] va ikkinchisi [ $W \rightarrow WP_m$ ] ekanligini ko'rsatadi.

**To'ldiruvchi**. Aytilganidek, so'z kengaytiruvchisi gapning konstruktiv bo'laklari sirasiga kirmaydi, balki gapdagi so'zlarning lug'aviy ma'nosini muayyanlashtiruvchi vosita sanaladi. To'ldiruvchi ham nutqiy gap qurilishida so'z kengaytiruvchisi sifatida ishtirok etadi va fe'l bilan ifodalangan har qanday bo'lak yoki bo'lak qismining ma'noviy valentligini to'ldiradi. To'ldiruvchi faqat kesimgagina bog'lanmaydi. Quyidagi gaplarga diqqat qiling: 1. *Kitobni olib kel*. 2. *Kitobni olib kelishni unutma*. 3. *Kitobni keltirish sening vazifang*. 4. *Kitobni tushunishning yaxshi tomonlari ko'p*.

Ko'rinadiki, to'ldiruvchi birinchi gapda kesimga (*olib kel*), ikkinchi gapda to'ldiruvchiga (*olib kelishni*), uchinchi gapda egaga (*keltirish*), to'rtinchi gapda aniqllovchiga (*tushunishning*) bog'langan. Kesimga bog'langanda ham undagi [Pm] ma'nolariga emas, balki **W**ga «tortiladi» – uning ma'nosini muayyanlashtirishga xizmat qiladi. To'ldiruvchi qaysi gap bo'lagiga aylanishidan qat'i nazar, shu bo'lak ifodalanayotgan fe'lning ma'nosini muayyanlashtiradi. To'ldiruvchi so'z kengaytiruvchisi bo'lganligi bois, u kengaytirayotgan ma'nosi muayyanlashayotgan so'z gap bo'lagi maqomiga ega bo'lmasligi ham mumkin. Yuqorida aytilganidek, kesim, ega, hol gapning konstruktiv bo'laklari bo'lib, to'ldiruvchi va aniqllovchi bo'lakning bo'laklari sifatida keladi. Bu, ayniqsa, kengaygan ravishdosh, sifatdosh, harakat

nomi gap bo'laklari modeliga ega bo'lganda, yaqqol ko'zga tashlanadi. E'tibor bering: 1. *Shalola kitobni keltirdi.* 2. *Kecha kitobni keltirgan Shalola bugun kelmadi.* Birinchi gapda *kitobni* to'ldiruvchisi kesimga bog'langan. Ikkinchi gapda esa aniqlovchiga (*keltirgan*) tobelangan. Birinchi gapda to'ldiruvchi kesim (*keltirdi*) ning emas, balki uning tarkibiy qismi bo'lgan *keltir* fe'li ma'nosini izohlagan va gap bo'lagining bo'lagiga daxldor. Ikkinchi gapda esa aniqlovchi (so'z kengaytiruvchisi) ning kengaytiruvchisi vazifasida kelgan. To'ldiruvchi o'zi bog'lanayotgan fe'lning obyekt valentligini to'ldiradi va shunga muvofiq ravishda, uning mazmunidan shaxs/predmetlik ma'nosi anglashilib turadi.

Harakatni bajarish vositasini ifodalovchi gap bo'lagini uning predmet yoki nopredmetlik ma'nosidan qat'i nazar, to'ldiruvchi yoki hol deb atashning o'zi ham muammoli. Chunki ular bir vaqtning o'zida *nimada* so'rog'iga ham, *qanday, qay holda, qay yo'sinda* so'roqlariga ham javob bo'lishi tabiiy hamda ularning mohiyatini to'laroq ochishga xizmat qiladi. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, misollardagi so'zlarning bunday so'roqlarni olishida o'rin-payt kelishigi ko'rsatkichining roli muhim. O'rin ma'nosini ifodalovchi *-da* kelishik shakli gap propozitsiyasining tayanch bo'lagi bo'lgan makonni ifodalashda alohida mavqega ega. Ma'lumki, makon va zamon ma'nosidagi hollar gap kesimini shakllantiruvchi [Pm] ning o'rin va payt ko'rsatkichlariga mos keladi. Xususan, quyidagi ko'rinishli (47-jadval):

*47-jadval*

		<i>Yashayman</i>
		<i>o'qituvchiman</i>
<i>Men</i>	<i>hozir</i>	<i>Birinchiman</i>
<i>Qarshida</i>		<i>Xursandman</i>

Gaplarda o'rin ma'noli *Qarshi* so'zi bilan *yasha* fe'li orasida, *Qarshi* so'zi bilan *o'qituvchi* so'zi orasida, shuningdek, sifatga xos *xursand*, songa xos *ikkinchi* so'zlarining bir-biriga bog'lanish xususiyati yo'q edi. Keyin keluvchi hokim uzvga kesimlik qo'shimchalarining qo'shilishi unga kengayish imkoniyatini berdi va natijada [WP<sub>m</sub>] hosilasi bo'lgan gap shaxs kengaytiruvchisi qatorida o'rin va payt kengaytiruvchilariga ham ega bo'ldi. Demak, zikr etilgan gaplarda qatnashgan *havoda, dengizda* so'zshakllaridagi o'rin-payt shakli [Pm] ta'siriga berilgan bo'lib, bu ularning gap kengaytiruvchisi ekanligidan dalolat beradi. To'ldiruvchi esa

soʻz kengaytiruvchisi boʻlib, [Pm] ga befarq.

**Toʻldiruvchining maʼno turlari.** Toʻldiruvchi oʻzi birikayotgan feʼlning tabiatiga koʻra vositali va vositasiz turga ajraladi.

Vositasiz toʻldiruvchi bilan birikish faqat oʻtimli feʼlga xos. Shu boisdan vositasiz toʻldiruvchi – oʻtimli feʼlning obyekt valentligini toʻldiruvchi soʻz kengaytiruvchisi. Vositasiz toʻldiruvchi vazifasida bosh yoki tushum kelishigidagi soʻz keladi: 1. Bosh kelishidagi vositasiz toʻldiruvchi: 1. *Bunda bulbul **kitob** oʻqiydi.* 2. *Bunda qurtlar **ipak** toʻqiydi.* 3. *Bunda ari keltiradi **bol**, Bunda qushlar topadi **iqbol**.* 2. Tushum kelishigidagi vositasiz toʻldiruvchi: 1. *Sen **bahorni** sogʻinmadingmi?* 2. *Har bir tuki **kiyimlarini** teshib chiqib ketgan edi.*

Vositasiz toʻldiruvchi vazifasidagi soʻz turli-tuman maʼnolarni ifodalaydi. Vositasiz toʻldiruvchi oʻtimli feʼlga bogʻlanadi deyish oʻtimli feʼl vositali toʻldiruvchini qabul qila olmaydi degani emas. Oʻtimli feʼllar ham vositali, ham vositasiz toʻldiruvchini oʻziga biriktiradi. Oʻtimsiz feʼllar esa faqat vositali toʻldiruvchilarnigina tobelaydi.

Vositasiz toʻldiruvchi bevosita harakatni oʻz ustiga olgan predmetni anglatasa, vositali toʻldiruvchi harakatni qamrab olgan, lekin harakatga daxldor boʻlmagan predmetni ifodalaydi. Vositali toʻldiruvchi turli grammatik koʻrsatkichlar bilan ifodalanadi:

- 1) joʻnalish kelishigi: *Senga oldim.*
- 2) chiqish kelishigi: *Sendan oldim.*
- 3) oʻrin-payt kelishigi: *Menda qoldi.*
- 4) koʻmakchi: *Sen uchun oldim.*

**Toʻldiruvchining tuzilish turlari.** Boshqa boʻlak kabi toʻldiruvchi ham sodda yoki murakkab boʻladi:

1) **sodda toʻldiruvchi** bir soʻz yoki bir soʻzga teng birlik bilan ifodalanadi: 1. *Xotirangiz mening **xotiramdan** oʻtkir ekan.* 2. *U yana **Pushkinga** murojaat qildi.* 3. *Turmushimizda hamma narsa **bir-biri bilan** bogʻliq;*

2) **murakkab toʻldiruvchi** kengaygan birikmalar bilan ifodalanadi: 1. *Men Mirzachoʻlni ham, Surxon diyoringning **Sherobod dashtini** ham, Fargʻona vodiysining **Yozyovon qumliklarini** ham koʻrganman.* 2. *Hasharchilarning shart-sharoitlarini yaxshilash, **ularga yordam koʻrsatish toʻgrisida** koʻrsatma berildi.* 3. *Tevarak-atrof **qushlar chugʻuriga**, anvoyi **gullar isiga** toʻlib ketdi.*

Izohlanayotgan feʼlning boʻsh oʻrnini toʻldirishda sodda

to'ldiruvchi ham, kengaygan to'ldiruvchi ham bir xil mavqega ega bo'ladi – u qancha kengaygan bo'lmasin, baribir bir o'rinni to'ldiradi. Bir so'zdan iborat to'ldiruvchiga ham, bir necha so'z bilan kengaygan to'ldiruvchiga ham fe'l valentligidan bitta bo'sh o'rin «ajratilgan».

**Aniqllovchi.** Aniqllovchi ot bilan ifodalangan, shuningdek, bo'lak yoki bo'lak bo'laklarining, undalma yoki kirish birikmalarining kengaytiruvchisi. To'ldiruvchi kabi aniqllovchi ham so'z kengaytiruvchisi sifatida gap tarkibida qatnashayotgan otlarning lug'aviy valentligini to'ldiradigan vosita sifatida namoyon bo'ladi va gap konstruktiv tuzilmasidan o'rin egallamaydi. Uning lisoniy sathga aloqadorligi – muayyanlashuvchi otning qanday valentligiga muvofiq kelishi va uni sintaktik aloqa bilan voqelantirishi.

Aniqllovchi so'z kengaytiruvchisi ekan, u istagan gap bo'laklariga tobelanishi mumkin:

- 1) kesim aniqllovchisi: *Nilufar a'lochi talaba;*
- 2) ega aniqllovchisi: *Kimning gapi to'g'ri;*
- 3) hol aniqllovchisi: *Solim va xushhavo vodiya o'rnashdilar,*
- 4) to'ldiruvchi aniqllovchisi: *Bizning yorni ko'rgan bormi?*
- 5) undalma aniqllovchisi: *Xayr endi, yashil vodiya, xushmanzara tog'.*

Aniqllovchi mustaqil holda biror bo'lakka bog'lanishi ham, kengaytiruvchilar tarkibida kelishi ham mumkin. Qiyoslang:

*Bir yonda lojuvard Bahri Muhit bor,  
Bir yonda za'faron Sahroyi Kabir.  
Bir yonda oq sochli tog'lar purviqor  
Sening toleinga o'qiydi takbir.*

Misralardagi *lojuvard* so'zi *Bahri Muhit* (ega), *za'faron* so'zi esa *Sahroyi Kabir* (kesim) so'ziga aniqllovchi bo'lib, bo'laklar kengaytiruvchisi sifatida namoyon bo'lgan. Uchinchi misradagi *sochli* so'zi *tog'lar* (ega) so'ziga tobelangan bo'lib, o'z navbatida *oq* so'zini o'ziga tobelagan.

**Aniqllovchining ifodalanishi.** Aniqllovchi gapda turlicha ifodalanishga ega. Aniqlashning o'ziga xosligiga ko'ra, aniqllovchining ifodalanishi ham, shunga muvofiq, uning kengayuvchi so'z bilan sintaktik aloqasi ham turlicha bo'ladi.

Predmetning qandayligi, tusi, xususiyati, maza-ta'mi, shakli, tabiati kabilarni muayyanlashtirish lozim bo'lganda aniqllovchi sifat, sifatdosh, ba'zan ot turkumidan bo'lgan so'z bilan ifodalanadi. Biror shaxs yoki predmetga qarashlilikni anglatish zaruriyati bo'lganda aniqllovchi ot yoki ot o'rnidagi



soʻz bilan ifodalanadi. Shunga koʻra, aniqlovchi ikki xil boʻladi:

- 1) belgini muayyanlashtiruvchi aniqlovchi (sifatlovchi);
- 2) qarashlilikni muayyanlashtiruvchi aniqlovchi (qaratuvchi).

Sifatlovchi-aniqlovchi quyidagicha ifodalanadi:

- 1) sifat bilan: *Aʼlo mamlakatning aʼlo farzandi, bilib qoʻyki, seni Vatan kutadi;*
- 2) sifatdosh bilan: *Oqar daryo oqmasdan qolmas;*
- 3) ravish bilan: *Kechagi noxush manzarani bir umr unutmasa kerak;*
- 4) son bilan: *oʻninchi yillarning sargardonligi;*
- 5) belgi aniqlovchisi (sifat vazifasidagi) ot bilan: *anor yuz, oltin kuz;*
- 6) olmosh bilan: *Qaysi yuzim bilan unga qarayman?*

Qaratuvchi aniqlovchi quyidagi soʻzlar bilan ifodalanadi:

- 1) ot yoki ot oʻrnidagi soʻz: 1. *Ona yerning otash qaʼridan «oʻgʻlim», degan nido keladi.*(E.Voh.) 2. *Mening ikki onam bor, ikkisi ham mehribon;*

- 2) otlashgan soʻz bilan: 1. *Koʻpning duosi koʻl.* 2. *Oʻqiganning tili koʻp uzun boʻldi.*

**96-§. Aniqlovchining maʼnoviy turlari.** Aytilganidek, aniqlovchi mohiyatan uch xil boʻladi: sifatlovchi, qaratuvchi, izohlovchi.

**Sifatlovchi.** Sifatlovchili birikmada tobe aʼzo (sifatlovchi) hokim uzvning biror xususiyatini aniqlab keladi va unga tobe aloqaning bitishuv yoʻli bilan bogʻlanadi. Sifatlovchining qoʻllanishida ikki holatni farqlash lozim:

- 1) sifatlovchining sifatlanmish maʼnosini toraytirishi – muayyanlashtirishi: *Oq ilon, oppoq ilon, oydinda yotganing qani?* Bunda *oq* soʻzi bilan ifodalangan sifatlovchi sifatlanmish zamiridagi tushunchani ajratish, farqlash vazifasini bajargan (*qora ilon, sariq ilon, oq ilon*);


- 2) sifatlovchining taʼkid vazifasini bajarishi. Bunda ajratish, muayyanlashtirish vazifasi kuzatilmaydi: *oppoq qor, oq sut bergan ona, oq paxta.* Bu holat nutqiy jihatdan meʼyoriy boʻlsa-da, lisoniy nuqtayi nazardan ortiqlik sanaladi. Chunki *qor, sut, paxta* tabiatan oq boʻlganligi sababli uni yana aniqlovchi bilan takrorlab oʻtirishga hojat boʻlmaydi.

Sifatlovchi vazifasida tabiatan tobe uzvlikka xoslangan soʻz kelganligi bois, u sifatlanmishga bitishuv yoʻli bilan bogʻlanadi. Sifatlovchi vazifasida kelgan ot ham «tobega xos»lardek xususiyat kasb etib, hokim uzvga bitishuv yoʻli bilan birikadi.

Sifatlovchi qaratuvchili birikmaga kengaytiruvchi bo'lganda, ikki holat farqlanadi. Sifatlovchi bunda qaratuvchili birikmaga butunicha yoki undan faqat qaratuvchigagina kengaytiruvchi sifatida qo'llanilishi mumkin. Quyidagi gaplarda sifatlovchi kengaytiruvchining kengayuvchiga munosabatini qiyoslaymiz: *yangi xo'jalik rahbari* – *yangi xo'jalik rahbari*. Birinchi gapda *yangi* so'zi *xo'jalik* so'zining kengaytiruvchisi bo'lib, bu hokim so'zning qaratqich kelishigini olishini taqozo etadi. Keyingi birikuvda *yangi* sifatlovchisi – *xo'jalik rahbari* birikmasining kengaytiruvchisi.

Sifatlovchilar ketma-ket kelib sifatlovchi zanjirini tashkil etadi. Sifatlanmish uyushiq holatda bo'lganda, sifatlovchining barcha uyushgan birliklarga yoki ularning biriga tegishli ekanligi anglashilmay qoladi. Bunda belgining qaysi birlikka xos ekanligi matndan, biriktiruvning valentlik imkoniyati yoki boshqa nutqiy omillardan ayon bo'lib turadi.

Qiyoslang:  
1. *Aqlli bolalar, qizlar.*



2. *Gulli chit, tufli*



Sifatlovchi va sifatlanmish izofa shaklida – sifatlanmish-sifatlovchi ko'rinishini olgan bo'lishi mumkin: *majnuni gumroh, devonai Mashrab, oynai jahon* va boshqalar. Bunday birikuv o'zbek nutqi nuqtayi nazaridan sifatlovchili birikma sifatida qaralmaydi.

Sifatlovchi va sifatlanmish tobelanishida sifatlovchining birikuv omillari **MJSh** tartibida bo'ladi. Chunki sifatlovchi maxsus ko'rsatkichlarsiz tobe a'zo maqomini egallaydi. Shu

boisdan unda shakliy omil o'ta kuchsizlanadi. Sifatlovchi va sifatlanmish orasiga so'z kiritish, ularni bir-biridan uzish imkoniyati bo'lmaganligi, bog'lanishda sintaktik pozitsiya ustuvor ahamiyatga ega bo'lganligi bois joylashuv omili faollashadi. Birikuvda ma'noviy omil birinchi o'rinda bo'ladi. Uning joylashuv omilidan ustunligi birikuvchi unsurlarning ma'noviy muvofiqligi har doim ham ahamiyatli bo'lib qolishi bilan belgilanadi.

**Qaratuvchi aniqlovchi.** Qaratuvchili birikmada qaralmishdan anglashilayotgan predmet yoki predmet tasavvuridagi narsaning qaratuvchidan anglashilgan narsa/shaxsga mansublik, tegishlilik kabi daxldorligi anglashiladi. Qaralmish vazifasidagi so'zning lisoniy valentligida qaratuvchi to'ldiradigan qaram bo'lgan bo'sh o'rin fakultativ, nozaruriy. Shu boisdan qaralmish egalik qo'shimchalari bilan shakllanib, bu lisoniy nozarurlikni zaruriyatga aylantiradi.

Qaratuvchi va qaralmish munosabati ikki tomonlama. Birinchi a'zo (qaratuvchi) qaratqich kelishigi yoki bosh kelishik bilan, hokim a'zo esa egalik qo'shimchasi bilan yoki usiz shakllanadi.

1. Qaratuvchining qaratqich kelishigi bilan shakllanishi: *olmaning shoxi, ammamning daftari, Halimning kitobi.*

2. Qaratuvchining bosh kelishikda bo'lishi: *mart oyi, bozor kuni, nafrat hissi.*

3. Qaralmishning egalik qo'shimchasisiz shakllanishi: *bizning uy, sizning ayvon, Bizning yorni ko'rgan bormi?*

Qaratuvchili birikmadagi so'zlarning o'zaro munosabatidan turli ma'no anglashilishi mumkin:

1) qarashlilik: *Azizaning kitobi, mening onam;*

2) xoslik: *olmaning bargi, piyozning po'sti;*

3) butun-bo'lak: *stolning oyog'i, uyning eshigi;*

4) tur-jins: *olmaning yaxshisi, odamning aqllisi;*

5) bajaruvchi va harakat munosabati: *bolaning yig'isi, itning hurishi.*

Bu ma'nolarning barchasi [ism<sup>qaratqich kelishigi</sup> → ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup> = **qaratuvchi va qaralmish**] qolipi emas, balki so'zlarning ma'noviy munosabati hosilasi.

Qaralmishdagi egalik affiksi qaratuvchining qaysi shaxsda ekanligini bildirib turadi. Shu boisdan ko'p hollarda qaratuvchi qo'llanilmasligi ham mumkin: *ukang, kitobing* kabi. Bunda ta'kid muhim rol o'ynaydi. Qaratuvchini ta'kidlash lozim bo'lganda, u, albatta, qo'llanadi. Boshqa hollarda

qaratuvchining qo'llanishi nutqiy ortiqchalikni keltirib chiqaradi.

Umuman, qaratuvchining qo'llanmasligi quyidagi hollarda yuz beradi:

1) qaratuvchi vazifasida o'zlik olmoshi qo'llanishi lozim bo'lganda: *Halim o'rtoqlariga xat jo'natdi;*

2) qaratuvchidan anglashilgan ma'no oldingi gaplardan ma'lum bo'lib turgan bo'lsa, uslubiy ortiqchalikdan qochish maqsadida: *1.Men (mening) sevgan qizimga uylandim. (Mening) Xotinimning otasi savdogar edi;*

3) ta'kidlash lozim ko'rilmaganda: *Bog'imda anorim bor.*

### Savol va topshiriqlar

1. Gap bo'lagi haqida gapiring.
2. [P<sub>m</sub>] nima?
3. Shaxs-son, zamon, tasdiq-inkor, mayl ma'nolarini tushuntiring.
4. Gap markazi haqida gapiring.
5. Kesim shakllarini bayon qiling.
6. Grammatik shakllangan gapda kesimning xususiyatlari qanday?
7. Semantik-funksional shakllangan gapda kesimning xususiyatlari qanday?
8. Kesimning tuzilishi haqida gapiring.
9. Kesimning ifodalanishi haqida gapiring.
10. Egali gap haqida gapiring
11. Egasiz gap haqida gapiring.
12. Atov gap haqida gapiring.
13. Semantik-funksional shakllangan gapda ega qanday ahamiyatga ega?
14. Grammatik shakllangan gapda ega qanday ahamiyatga ega?
15. Egasi ifodalangan gap qanday gap?
16. Egasi ifodalanmagan gap qanday gap?
17. Yig'iq gapda ega qanday xususiyatga ega?
18. Yoyiq gap egasining qanday xususiyati bor?
19. Gap maksimal qolipida holning o'rni qanday?
20. Holning ma'noviy turlari haqida gapiring.
21. Holning tuzilish turlari haqida gapiring.
22. Holning ifodalanishi haqida gapiring.
23. Gap maksimal qolipida to'ldiruvchining o'rni qanday?
24. To'ldiruvchining ma'noviy turlari haqida gapiring.

25. To'ldiruvchining tuzilish turlari haqida gapiring.
26. To'ldiruvchining ifodalanishi haqida gapiring.
27. Gap maksimal qolipida aniqlovchining o'rnini qanday?
28. Aniqlovchining ma'noviy turlari haqida gapiring.
29. Aniqlovchining tuzilish turlari haqida gapiring.
30. Aniqlovchining ifodalanishi haqida gapiring.

## SO‘Z VA GAP KENGAYTIRUVCHILARINING MUVOFIQLASHUVI VA FARQLANISHI

### Tayanch tushunchalar

*gap markazi, kengaytiruvchi, so‘z kengaytiruvchisi, minimal qolip, maksimal qolip, yoyiq gap, yig‘iq gap, birikuv usullari, birikuv omillari, aktant, hokim a‘zo, tobe a‘zo*

So‘z kengaytiruvchisi – so‘z semantik imkoniyatidagi bo‘sh o‘rinni to‘ldiruvchi aktant. Aktant nutqiy gaplar tarkibida so‘z birikmasini hosil qiladi. Bu birikuvlarda bo‘sh o‘rni to‘ldirilayotgan (biriktiruvchi) so‘z hokim so‘z, bo‘sh o‘rinni to‘ldirayotgan so‘z tobe so‘z sifatida namoyon bo‘ladi. Masalan, *qizil olma* birikuvida *qizil* so‘zi *olma* so‘zi zamiridagi ma‘noviy mohiyatning «belgi» ma‘no bo‘lakchasini muayyanlashtiruvchi aktant bo‘lib, *olma* so‘ziga «xizmat qilayotganligi» bois unga tobe unsur maqomida bo‘ladi. Demak, biror so‘zga tobelanib kelayotgan so‘z *bo‘sh o‘rinni to‘ldiruvchi, aktant* atamaları bilan yuritiladi. Aktantlar nutqda, an’anaviy tahlil usullari asosida aytganda, *ega, hol, to‘ldiruvchi, aniqlovchi* atamasi bilan nomlanadi. Biroq bu atamalar ostida tushuniluvchi hodisalar so‘z va gap kengaytiruvchisi farqlanishi nuqtayi nazaridan baholansa, butunlay boshqa holat vujudga keladi. Kengayuvchi so‘z gapning kesimi mavqeida kelganda, gap kengaytiruvchisi gap lisoniy strukturasiiga bevosita daxldor bo‘ladi. Masalan, *Jahongir kitobni tez o‘qidi* gapining lisoniy struktur sxemasi quyidagicha (48-jadval):

*48-jadval*

E	H	W	Pm
		<i>o‘qi</i>	<i>-di</i>
		↑	
		<i>kito bni</i>	
<i>Jah ongir</i>	<i>tez</i>		

Bundagi uchta so‘z – bevosita konstruktiv bo‘lak voqelantiruvchisi. Bular: *Jahongir, tez, o‘qidi*. Faqat *kitobni*

so'zi bevosita *o'qi* so'zi orqaligina lisoniy strukturaga daxldor bo'ladi. Bular *Jahongir tez o'qigan kitobni men olaman* tarzida o'zgartirilsa, oldingi gapda gap kengaytiruvchisi va gapning konstruktiv bo'laklari ifodalovchisi bo'lgan *Jahongir, tez* so'zlari endi avvalgi mavqeidan mahrum bo'ladi. Ulardagi konstruktiv bo'laklarga bevosita daxldorlik bilvositalikka, gap kengaytiruvchilik so'z kengaytiruvchilikka aylanadi. Bu gapning struktur sxemasiga diqqat qiling (49-jadval):

49-jadval

	E	H	W	Pm
			<i>ol</i>	<i>-ama</i>
			↑	<i>n</i>
			<i>kitobni</i>	
	<i>M</i>		↑	
	<i>en</i>		<i>tez</i>	
			→ <i>o'qigan</i>	
			<i>Jahon</i>	
			<i>gir</i>	

Oldingi gapda bevosita gap kesimidagi **[Pm]** ga daxldorlik kasb etib turgan *Jahongir* va *tez* so'zlari kesimdagi atov birligi **[W]** kengaytiruvchisi bo'lgan *kitobni* so'zshaklining aktanti hisoblangan *o'qigan* so'zining kengaytiruvchilaridir.

Ko'rinadiki, gapning konstruktiv tizimidan faqat **[Pm]** ga bog'langan hokim a'zo o'rin oladi. Hokim uzvga tobelangan, ergashib kelayotgan aktant nutqiy gap tarkibidagina bo'ladi. Nutqiy gap qanchalik kengaymasin, u, kengaymagan ko'rinishida bo'lgani kabi, lisoniy strukturaga bir xil daxldor bo'ladi. Misolga murojaat qilamiz: *Shavkat tayyorlanayotganda bexabar edi*. Bu gapning struktur sxemasi quyidagicha (50-jadval):

50-jadval

	E	H	W	P
	<i>Sh</i>	<i>tayyorla</i>	<i>be</i>	<i>m</i>
	<i>avkat</i>	<i>nayotganda</i>	<i>xabar</i>	<i>E</i>
				<i>di</i>

Bunda bo'laklarning barchasi bir so'z bilan ifodalangan. So'zning har biri qanchalik kengaysa ham, gapning lisoniy strukturaga munosabati o'zgarmaydi. Gapning *Olimlikni orzu qilgan Shavkat pedagogika universitetini imtiyozli diplom bilan tamomlab, magistraturaga kirish uchun tayyorlanayotganda o'z faoliyatiga daxldor bu gaplardan bexabar edi* tarzidagi kengaygan ko'rinishi struktur sxemasiga diqqat qilaylik (51-jadval):



51-jadval

E	H	W	P
<i>Sh</i> <i>avkat</i>	<i>tayyorlan</i> <i>ayotganda</i>	<i>bexab</i> <i>ar</i>	<i>m</i> <i>e</i> <i>di</i>
▲ <i>orzu</i> <i>qilgan</i> ▲ <i>olimlikni</i>	<i>kirish</i> <i>uchun</i> ▲ <i>magistraturaga</i> ▲ <i>tamomlab</i> ▲ <i>diplom bilan</i> ▲ <i>imtiyozli</i> ▲ <i>universitetini</i> ▲ <i>pedagogika</i>	▲ <i>gaplar</i> <i>dan</i> ▲ <i>daxldor</i> <i>bu</i> ▲ <i>faoliyatiga</i> ▲ <i>o'z</i>	

Ko'rinadiki, bu gap qanchalik keng bo'lmasin, uning struktur qolipi o'ta sodda va oldingi nutqiy gap qolipidan mutlaqo farqlanmaydi.

So'zlarning nutqiy voqelanishi ular bevosita konstruktiv bo'lakka bog'langanda yuz beradi. Konstruktiv bo'lak bo'lishi uchun kesimlik shakllanishi zarur bo'ladi. Chunki kesim mavjud bo'lsagina, unga bog'langan ayrim so'zlar konstruktiv bo'lak tabiatiga ega bo'ladi. Masalan, *Qizim Muniraning yosh rassomlar ijodiy festivali butun jahon bosqichi mintaqada tanlovida yuqori o'rinni egallashi* nutqiy hosilasi xabar ifodalash xususiyatiga ega emas. Chunki unda kesim yo'q. Demak, bu hosila gap emas va unda gap bo'laklari ham mavjud emas. Bu hosila gap qolipiga daxldor qilinsa, qolip to'ldiruvchisi maqomini olsa, so'zlardan mutlaq hokimlarining mavqei o'zgaradi va boshqalari ham shu hokim unsur orqali gap qolipiga kiradi. Bu yoyiq unsur gapda kesim, ega, hol mavqeini egallashi mumkin: kesim: *Mening orzum – qizim Muniraning yosh rassomlar ijodiy festivali*

*butun jahon bosqichi mintaqa tanlovida yuqori o'rinni egallashi; ega: Qizim Muniraning yosh rassomlar ijodiy festivali butun jahon bosqichi mintaqa tanlovida yuqori o'rinni egallashi – mening orzum; hol: Qizim Muniraning yosh rassomlar ijodiy festivali butun jahon bosqichi mintaqa tanlovida yuqori o'rinni egallaganligidan biz juda quvondik.*

Demak, dastlabki nutqiy hosila gap tarkibiga kiritilsa, undagi asosiy kengayuvchi unsur (*egallashi*) gapning konstruktiv bo'lagiga aylanadi, sifat o'zgarishiga uchraydi, gap qolipiga bevosita daxldorlik kasb etadi. Lekin uning kengaytiruvchilari u orqali – gap qolipiga bilvosita aloqador bo'ladi, ular mavqeidagi o'zgarish sifat o'zgarishi darajasida bo'lmaydi.

So'z va gap kengaytiruvchilari bir-biriga aylanib turadigan hodisa. Masalan, *Kecha kelgan bolani tanimadim* gapida *kecha* so'zi *kelgan* so'zining kengaytiruvchisi. Lekin *Bola kecha keldi?* gapida u gap kengaytiruvchisi maqomini olgan. Birinchi birikuvda u *kelgan* so'zshaklidagi zamon ma'nosiga bog'langan. Ikkinchi gapda esa so'zshakl kesimlik kategoriyasi tarkibidagi zamon ma'nosiga daxldor. *Kecha kelgan bola* birikuvidagi *kelgan* so'zshakli zamon ma'nosi bilan *keldi* so'zshaklidagi zamon ma'nosi farqlanadi. Birinchi so'zshakldagi zamon sifatdosh shaklining ma'nosi bo'lsa, *keldi* gap markazida tasdiq-inkor, modallik, shaxs-son va kesimlik pozitsiyasi unsurlari sistemasidan iborat butunlikning tarkibiy qismi. To'g'ri chiziq uchburchakning tomoni sifatida boshqa mohiyatga, kvadratning tomoni sifatida boshqa mohiyatga ega bo'lgani kabi, zamon ham *Kecha kelgan bola* birikuvida boshqa, *Bola kecha keldi* birikuvida boshqa butunlikning tarkibiy qismi. Harakatning bajaruvchisi ham goh so'z kengaytiruvchisi, goh gap kengaytiruvchisi sifatida namoyon bo'lishi mumkin. *Halim kecha kelgan. Halim kecha kelganda men yo'q edim* juftligining birinchisida *Halim* gap kengaytiruvchisi (ega), konstruktiv bo'lak, ikkinchi gapda esa so'z kengaytiruvchisi, ya'ni konstruktiv bo'lak emas. Shuningdek, keltirilgan misoldagi *mintaqa bosqichida* unsuri *egallashi* so'zi kesim mavqeyida kelganda konstruktiv bo'lak, boshqa hollarda (hol va egaga bog'langanda) esa so'z kengaytiruvchisi.

Ma'lum bo'ladiki, muayyan aktant birlikning gap yoki so'z kengaytiruvchisi mavqeyida bo'lishi kengayuvchi so'zning sintaktik mavqeyi bilan belgilanadi.

Gap bo'lagi maqomida so'z ham, so'z birikmasi ham

kelishi mumkin. Gap bo'lagi vazifasida kelgan so'z o'z kengaytiruvchisi bilan bir butun holda bitta gap bo'lagi (yoki bo'lakning bo'lagi) sanaladi.

Gapni bo'laklarga va so'z birikmasiga ajratish – sintaktik tahlilning ikki xil ko'rinishi. Gapni bo'laklarga ajratish kommunikativ birlik tahlili bo'lsa, so'z birikmalariga ajratish nominativ birlik tahlili. Masalan, *Gulnora o'qigan kitobni men kecha tugatgan edim* gapining gap bo'laklari bo'yicha tahlili quyidagicha bo'ladi: 1) *tugatgan edim* – kesim; 2) *men* – ega; 3) *kecha* – hol. *Gulnora o'qigan kitobni* birikuvi gap bo'lagi emas va u bo'laklar tahlilida e'tiborga olinmaydi.

Demak, to'ldiruvchi va aniqlovchi so'z kengaytiruvchisi bo'lganligi bois gap bo'laklari tahlilida nazardan chetda qoladi. Gapni so'z birikmalariga ajratishda esa kengayuvchi so'z kengaytiruvchi so'z bilan birikma sifatida olinadi. Gap kengaytiruvchisi biror so'z (atov birligi) ma'nosini emas, balki kesimlik qo'shim-chasi ma'nosini muayyanlashtirganligi bois, so'z birikmalari sifatida olinmaydi. Shunday qilib, yuqoridagi gapdan kommu-nikativ sathga daxldor, ya'ni [Pm]ga bog'lanuvchi so'zlarni chiqarib tashlasak:

- a) *Gulnora o'qigan;*
- b) *o'qigan kitob;*
- d) *kitobni tugatmoq*

kabi uchta so'z birikmasi mavjudligi ayon bo'ladi. Chunki gap tarkibidagi *Gulnora, o'qigan, kitobni* birliklari so'z kengaytiruvchisi.

Demak, xulosa qilish mumkinki, so'z kengaytiruvchisi va gap kengaytiruvchisi munosabatidan kelib chiqqan holda so'z birikmalari tahlilini gap bo'laklari tahlili bilan qorishtirmaslik kerak.

### Savol va topshiriqlar

1. Gap bo'laklari va kengaytiruvchilar munosabati qanday?
2. So'z birikmasi va gap bo'lagi munosabati qanday?
3. Konstruktiv bo'lak nima?

### GAPDA AJRATILGAN SO'ZSHAKLLAR

#### Tayanch tushunchalar

*minimal qolip, maksimal qolip, so'z kengaytiruvchisi, gap*

*kengaytiruvchisi, ajratilgan gap kengaytiruvchilari, ajratilgan soʻz kengaytiruvchilari, ajratilgan gap boʻlagi, ajratilgan hol, ajratilgan toʻldiruvchi, ajratilgan hol, ajratilgan ega, ajratilgan kesim*

**Ajratilgan soʻzshakllar.** Gapda ishtirok etayotgan atov birliklarining maʼnosi soʻzlovchi uchun yetarli darajada ochilmagan boʻlishi mumkin. Shunda ularning maʼnolarini muayyanlashtirish maqsadida alohida, taʼkid ohangiga ega boʻlgan atov birliklari nutqqa kiritiladi. Quyidagi gaplarga eʼtibor bering: 1. *Shavkat sheʼr oʻqidi.* 2. *Yurtim – Nurota.* 3. *Uning kafolati kerak boʻladi.* 4. *Soy buyida uzoq turdi.* 5. *Seni sogʻindim.* Tinglovchi uchun ushbu gaplardagi maʼlum bir soʻzlar maʼnolari izohlarsiz noaniq boʻlishi mumkin. Buni eʼtiborga olgan holda soʻzlovchi ularni muayyanlashtiruvchi soʻzlar bilan qoʻllaydi: 1. *Shavkat, shoir, sheʼr oʻqidi.* 2. *Yurtim – Nurota, togʻlar orasi.* 3. *Uning, Ikrom Imomzodaning, kafolati kerak boʻladi.* 4. *Soy boʻyida, qoʻsh yongʻoqning tagida, uzoq turdi.* 5. *Seni, vafodorimni, sogʻindim.* Birinchi gapda ega (*Shavkat*)ning maʼnosini *shoir* soʻzi, ikkinchi gapda kesim (*Nurota*)ning maʼnosini *togʻlar orasi*, uchinchi gapda aniqlovchi (*uning*)ning maʼnosini *Ikrom Imomzodaning* soʻzshakli, toʻrtinchi gapda hol (*soy boʻyida*)ning maʼnosini *qoʻsh yongʻoqning tagida* soʻzshakli, beshinchi gapda toʻldiruvchi (*seni*)ning maʼnosini *vafodorimni* soʻzshakli izohlagan, toʻldirgan, muayyanlashtirgan. Bu soʻzlar oʻzi izohlayotgan soʻzlar bilan bir hokim soʻzga tobelanadi. Undan faqat nisbatan tor maʼnoga egaligi va taʼkid ohangi bilan ajralib turadi. Bunday atov birliklari *gapning ajratilgan kengaytiruvchisi* deyiladi. Gapning soʻz kengaytiruvchisi ham, gap kengaytiruvchisi ham ajratilishi mumkin. Yuqoridagi birinchi va ikkinchi gaplarda gap kengaytiruvchisi, 3-, 4-, 5- gaplarda esa soʻz kengaytiruvchisi ajratilgan. Shu boisdan ajratilgan kengaytiruvchilarni:

a) ajratilgan gap kengaytiruvchilari;

b) ajratilgan soʻz kengaytiruvchilari

koʻrinishida ikkiga boʻlib oʻrganish mumkin.

*Gap ajratilgan kengaytiruvchilari* bilan *ajratilgan boʻlaklar* muqobil atamalar emas. Chunki ajratilgan boʻlaklar deganda, gap konstruktiv boʻlaklarining ajratilishi tushuniladi. *Ajratilgan kengaytiruvchilar* atamasi esa boʻlak mavqeyiga ega boʻlmagan atov birliklarini ham oʻz ichiga qamrab oladi.

Masalan, *Men seni, vafodirimni, sog'inganimni ayta olmayman* gapida *vafodirimni* so'zshakli ajratilgan kengaytiruvchi, lekin gap bo'lagi emas.

Ajratilgan kengaytiruvchining gap struktur sxemasiga munosabati ular izohlayotgan atov birliklariniki kabi. Ajratilgan kengaytiruvchi ajralmish (muayyanlashtirilayotgan) atov birliklari-ning «soyasi» bo'lganligi bois, ular bilan bir butun holda bevosita yoki bilvosita gap struktur qolipiga daxldor bo'ladi. Yuqoridagi gapning struktur qolipga munosabatini kuzating (52-jadval):

52-jadval

E	H	W	Pm
<i>Men</i>		<i>ayta</i> ol ↑  <i>sog'in</i> <i>ganimni</i> ↗ ↑ <i>vafod</i> <i>orimni,</i> <i>seni,</i>	<i>May</i> <i>man</i>

Yoki *Shavkat, shoir, she'r o'qidi* gapining struktur sxemasi quyidagicha (53-jadval):

53-jadval

E	H	W	Pm
<i>shoi</i> <i>r,</i> <i>Shav</i> <i>kat,</i>		↑ <i>o'qi</i>  <i>she'r</i>	<i>di</i>

Ajratilgan kengaytiruvchi muayyanlashtirilayotgan bo'lakning «soyasi» bo'lganligi bois, sof nutqiy hodisa. Shuning uchun uning mavjudligi va o'ziga xosligi sof nutqiy omil – ohang bilan ham bog'liq. O'ziga xos ohangdan mahrum qilinsa, u boshqa nutqiy hodisa- – undalmaga monand bo'lib qoladi. Masalan, *Erkin, ukam, injener bo'ldi* gapida *ukam* atov birligi ajratilgan kengaytiruvchiga xos ohangdan mahrum etilsa (*ukam* birligidan keyin ajratish pauzasi qo'llansa), u egaga va eganing atov birligi esa

undalmaga aylanib qoladi.

Gap va so'z kengaytiruvchilarining ajratilishida o'ziga xosliklar bor.

Gapda izohlovchining ajratilishi boshqa kengaytiruvchilarga nisbatan o'ziga xos. Izohlovchi odatda izohlanmishdan oldin keladi: *traktorchi Toshpo'lat, oshpaz Mamatqulov, professor Jo'rayev* kabi. Izohlovchi ajratilganda, izohlanmish qanday mavqeda bo'lsa, u ham shunday mavqega ega bo'ladi. Masalan, *Traktorchi Toshpo'lat aka smenani topshirdi* gapida izohlovchi (*traktorchi*) ega (*Toshpo'lat aka*) ga tobe. Biroq u ajratilsa, gap egasiga tobeligi yo'qoladi va o'zi ham egaga aylanadi. *Toshpo'lat aka, traktorchi, smenani topshirdi*. Bu gapda *traktorchi* so'zshakli o'rni o'zgargan izohlovchi emas, balki tamoman yangi mavqe (gapning konstruktiv bo'lagi – ega) olganligini izohlanmish (*Toshpo'lat aka*)ni gapning boshqa konstruktiv yoki nokonstruktiv bo'laklari vazifasiga qo'yish bilan amin bo'lish mumkin:

- 1) *Bu kishi – Toshpo'lat aka, traktorchi;*
- 2) *Toshpo'lat akani, traktorchini, taniyman,*
- 3) *Toshpo'latning, traktorchining, obro'yi baland, hurmati joyida.*

Birinchi gapda «sobiq» izohlovchi bo'lmish *traktorchi* kesim, ikkinchi gapda to'ldiruvchi, uchinchi gapda qaratuvchi aniqlovchi vazifasida kelgan. Demak, bunday holda ajratilish natijasida izohlovchi o'z sifatini o'zgartiradi.

**Ajratilgan sifatlovchi.** Sifatlovchi aniqlovchi ajratilganda ham aniqlanmishdan keyinga o'tadi: 1. *Ipaklari tillodan do'ppi tikdim – Do'ppi tikdim, ipaklari tillodan.* 2. *Yalang oyoq Qobil bobo dag'-dag' titraydi – Qobil bobo, yalang oyoq, dag'-dag' titraydi.*

Gapning boshqa turdagi kengaytiruvchilari ajratilganda, ajralmish va ajratilgan kengaytiruvchilar grammatik shakl va sintaktik mavqe jihatidan sifat o'zgarishi kasb etmaydi.

**Ajratilgan ega.** Izohlovchi ta'kidlanganda, ajratilgan egaga aylanadi: 1. *Dotsent Jumayev Tursunali ilmiy safarga jo'nadi – Jumayev Tursunali, dotsent, ilmiy safarga jo'nadi.* 2. *Kapitan Xudoynazarov so'z oldi – Xudoynazarov, kapitan, so'z oldi.*

Quyidagi gaplarda eganing o'zi ajratilgan: *Siz, yoshlar – bizning umidimizsiz.* Bunda *yoshlar* so'zshaklini ajralmish egadan oldinga o'tkazib bo'lmaydi. Ajratilgan ega izohlovchidan oldin bo'lganda uning o'rnini almashtirish

mumkin: *Jumayev domla – domla Jumayev* kabi.

**Ajratilgan hol.** Bunda gapning bo'lagi ma'nosi juda ham aniq bo'lmagan, umumiy so'zshakl bilan ifodalanadi. Ajratilgan holning ma'nosi nisbatan muayyan va tor bo'ladi: *Qishda, chillada, bo'rilar odamga ham hamla qiladi.*

Ajralmish holsiz ajratilgan hol bo'lishi mumkin: *Ikrom aka, xayolga cho'mib, bozorga qarab ketmoqda edi.* Bunday ajratilmishni ajratish-ta'kid deb atash mumkin.

**Ajratilgan to'ldiruvchi.** Ajratilgan to'ldiruvchi odatdagi to'ldiruvchining – olmoshning ma'nosini izohlaydi: *Kecha kunduz seni, vafodorimni, o'ylayman.*

Ajratilgan bo'laklar tahlilida yana quyidagiga e'tibor berish lozim:

1) uyushiq bo'lakli gaplarda umumlashtiruvchi so'z yoki uyushiq so'zlar ajratilgan bo'lishi mumkin: 1. *Ikrom va Otabek – sinfdoshlar, yo'lga tushishdi.* 2. *Sinfdoshlar – Ikrom va Otabek yo'lga tushishdi.* Birinchi gapda *sinfdoshlar*, ikkinchi gapda *Ikrom va Otabek* uyushiq so'zlari ajratilgan kengaytiruvchidir;

2) ajratilgan bo'laklarni aniqlashda tartib muhim rol o'ynaydi. Ajratilgan kengaytiruvchi keyin, ajralmish kengaytiruvchi oldin keladi: 1. *U shaharga, Qarshiga, ketdi.* 2. *U Qarshiga, shaharga, ketdi.* Birinchi gapda *Qarshiga*, ikkinchi gapda *shaharga* so'zshakli–ajratilgan birlik.

Ajratilgan aniqlovchi bilan aniqlanmish distant holatda bo'lganda, ularning aloqasi kuchsizlanib, aniqlovchining nisbiy mustaqillik holati kuchayadi: *Haligi yigit, qo'lida tuguni bor edi-ku, sartarosh, ertaga ta'tilga chiqar ekan.*

## Savol va topshiriqlar

1. Ajratilgan kengaytiruvchilarning gap lisoniy strukturasiga munosabati qanday?
2. Ajratilgan gap kengaytiruvchilari haqida gapiring.
3. Ajratilgan so'z kengaytiruvchilari haqida gapiring.


## SODDA GAPDA TENG BOG'LANISH

### Tayanch tushunchalar

*uyushish, uyushiqlik, uyushganlik, bog'lovchisiz ochiq qator, bog'lovchili ochiq qator, tenglanish qatorida bog'lovchi, uyushiq kesim, teng bog'lanish*

**Teng bog'lanish haqida.** Gap o'zaro teng bog'lanishga ega so'zlar bilan ham kengayishi mumkin: *Bodomlar, shaftolilar va o'riklar gulladi.* Bu gapdagi *bodomlar, o'riklar, shaftolilar* so'zshakllari sintaktik mazmun jihatdan biri ikkinchisiga tobe bo'lmasdan, teng aloqaga kirishgan va bu aloqa teng bog'lovchilar yoki ohang vositasida amalga oshirilgan. Bunday tenglanish qatorini hosil qilgan so'zshakllar bir kengayuvchi so'zshaklga tobelanib, sintaktik jihatdan bir xil mavqega ega bo'ladi. Bunday so'zshakl uyushiq so'zshakl deyiladi.

Formal va substansial yo'nalishlar gap qurilishi talqiniga doir ixtiloflardan asosiysi uyushiq bo'lak masalasida namoyon bo'ladi. Chunki kesimga munosabat bu ikki yo'nalishda tubdan farq qilar va u butun grammatik qurilish talqinining markazida turib, ayniqsa, sodda va qo'shma gaplarni farqlashda tayanch nuqta vazifasini o'taydi. Bu tayanch nuqta, ayniqsa, uyushiq kesim doirasida yaqqol bo'rtib turadi. Kesim har doim ham boshqa uyushiq bo'laklarga xos bo'lgan xususiyatlarga ega emas, ya'ni u uyushiqlikka doir qonun-qoidalarga har doim ham bo'ysunmaydi. Gapning biror boshqa bo'lagi kesimga o'xshab hukmni bildirmaydi. Shuning uchun uni uyushiq bo'laklar qatorida emas, balki alohida tarzda tahlil etish ma'qul ko'rildi. Kesimning gap asosiga olinishi ham buni taqozo qiladi. Zero, "определение предложения на языковом уровне как [WP<sub>m</sub>] позволяет коренным образом пересмотреть вопрос о природе однородных сказуемых, поскольку каждая [WP<sub>m</sub>] является предложением."<sup>121</sup>

Substansial talqinda uyushiq kesim masalasi birinchi bor tilshunos H.Ne'matov rahbarligidagi bir guruh olimlar tomonidan oldinga surildi. Ular 1984 yilda o'zbek sintaksisining substansial tadqiqi yo'nalishini belgilab berishdi.  Maqolada sintaksisning asosiy xususiyatlari haqida fikr yuritilib, unda turkiy sintaksisga yangicha munosabat g'oyalari tezislarda ko'rinishida ifoda etildi. Keyinchalik uyushiq kesim masalasi uyushiq bo'laklar qatorida bir necha risola va maqolalarda o'rganildi.

Tezislarda mualliflari sodda gapning eng kichik qurilish qolipini bizga ma'lum (WP<sub>m</sub>) shaklida belgilaydilar va gapga

---

<sup>121</sup> 59



ta'rif berishar ekan, bunda nutqiy gaplarning lisoniy sathdagi umumiylikini nazarda tutishadi: "Поскольку формирование предложения не определяется наличием или отсутствием подлежащего, то на уровне языка может быть сформулировано следующее определение: предложением можно назвать словоформу в категориях сказуемости и её распространители."<sup>122</sup>

Uyushgan so'zshakllari gap bo'laklari bo'lishi ham, bo'lmasligi ham mumkin. Shuning uchun ular umumiy "uyushgan so'zshakl" atamasi bilan berildi. Ammo ular orasidagi aloqa tenglanish aloqasi bo'lib, uyushayotgan so'zshakllar tenglanish qatorini hosil qiladi.

Tenglanish qatori gapda har qanday sintaktik mavqeni egallashi mumkin:

Kesim: *Siz aqlli va tadbirkorsiz.*

Ega: *Go'yo Navoiy va Boyqaro qarshimda edi.*

Hol: *Suv o'ynoqlab, ko'piklanib oqardi.*

To'ldiruvchi: *U qalam, daftar, ruchka oldi.*

Aniqlovchi: *Nasibaning va Karimaning opalari keldi.*

Undalma: *Aziz do'stlar, yurtdoshlar, sizlarni sog'inib yashadim.*

Ko'rinadiki, gapning konstruktiv bo'laklari ham, nokonstruktiv bo'laklari ham uyushishi mumkin.

Uyushiq so'zshakllar bir butun holda, yaxlit a'zo sifatida gap struktur qolipiga bevosita (uyushiq kesim, ega, hol) yoki bilvosita (to'ldiruvchi, aniqlovchi va boshqa so'z kengaytiruvchisi) daxldor bo'ladi. Tenglanish qatoridagi so'zshakllar sintaktik jihatdan bir xil mavqega ega bo'lmasligi ham mumkin. Ya'ni ular bir hokim uzvga tobelanishsa va o'zaro teng aloqaga kirishishsa-da, sintaktik vazifa jihatdan farqlanadi. Masalan: *Har joyda va har kimga sen haqingda gapirdim.* Bunday *har joyda va har kimga* so'zshakllari o'zaro teng aloqaga kirishgan, lekin biri gap kengaytiruvchisi (*har joyda*), ikkinchisi esa so'z kengaytiruvchisi (*har kimga*). Bunday tenglanish qatori *uyushmagan tenglanish qatori* deyiladi. Uyushmagan tenglanish qatori a'zosining har biri har xil lisoniy-sintaktik o'rinlarning to'ldiruvchisi bo'ladi. Xususan, mazkur gapdagi *har joyda* so'zshakli gap lisoniy strukturasiidagi hol o'rnini to'ldirsa, *har kimga* so'zshakli gap markazidagi atov birligi **[W]** ning kengaytiruvchisi, gap lisoniy strukturasiiga bevosita daxldor bo'lmagan a'zo.

---

<sup>122</sup> 59, 4

Tenglangan soʻzshakllarining har biri kengaygan boʻlishi ham mumkin: 1. *U dengiz qiyofasini kasb etgan keng paxtazorga va undagi marra uchun kuyib-pishayotgan terimchilarga uzoq tikildi.* 2. *Shoʻx yigitlar, erka qizlar quvnashar.*

**100-§. Uyushgan soʻzshakl.** Uyushgan soʻzshakl har doim sintaktik mavqe va morfologik shakllanish jihatidan bir xil boʻladi. Ular boshqa soʻz bilan bogʻlanishda tenglik saqlaydi. Ammo ularning qanday soʻz bilan ifodalanishi – soʻz turkumi jihatdan bir xil boʻlishi va, demak, bir xil soʻroqqa javob boʻlishi shart emas: *Seni (olmosh) va Salomatning ukasini (ot) taqdirlashadi.*

Uyushgan soʻzshaklning oxirgisi tegishli grammatik shaklni olib, oldingilari olmagan boʻlishi ham mumkin: *Maydonni begona oʻt, tosh va har xil chiqindilardan tozaladik.* Bunda uyushgan soʻzshaklning oxirgisi (*chiqindilardan*) chiqish kelishigi bilan shakllangan. Bu uyushgan soʻzshaklning grammatik shakllanishi har xil boʻlishi ham mumkin degani emas. Chunki oxirgi soʻzshakldagi chiqish kelishigi uyushgan soʻzlarning boshqalariga ham tegishli. Faqat nutqiy tejam grammatik koʻrsatkichning barcha soʻzshaklda takrorlanishiga monelik qiladi.

Uyushiq soʻzshaklning muhim nutqiy belgisidan biri sanash ohangi bilan aytilishi. Sanash ohangi boʻlmasa, sintaktik mavqe, grammatik shakl va ifodalanish jihatlari bir xilligiga qaramasdan soʻzshakllar uyushiq sanalmaydi. Masalan, *Mening diqqatimni dumaloq oppoq toshlar tortdi* gapidagi *dumaloq* va *oppoq* soʻzshakli *toshlar* soʻzshakliga tobelanib, ifodalanish va grammatik shakl jihatdan bir xil. Biroq ular uyushtiruvchi (sanash) ohangsiz uyushmagan kengaytiruvchi hisoblanadi.

Demak, sintaktik mavqe, grammatik shakl bir xilligi va uyushtiruvchi ohangga egalik uyushgan tenglanish qatorining zaruriy belgisidir.

**Uyushiq kesimning oʻziga xos xususiyati.** Uyushgan ega, hol, toʻldiruvchi va aniqlovchida tegishli grammatik shakl har bir soʻzshaklda alohida-alohida mavjud boʻlishi ham, faqat oxirgisida boʻlib, oldingilarida boʻlmasligi ham mumkin. Biroq uyushgan kesimlarda kesimlik shakllari bilan faqat oxirgi kesim shakllangan, boshqalari esa bu qoʻshimchani olmagan boʻladi: 1. *Bizning yoshlar dono va zukkodirlar.* 2. *Doʻkondorlar molini maqtab va xaridorlarni chorlab turardilar.* 3. *Voqea sodir boʻlgan joyga zudlik bilan borishimiz va*

*masalaga oydinlik kiritishimiz lozim.*

Soʻz kesimlik koʻrsatkichi bilan shakllangan va kesimlik sintaktik pozitsiyasini egallagan boʻlsa, u alohida hukm va tugal maʼno ifodalaydi hamda gap hosil qiladi. Yuqorida keltirilgan gapda ham uyushgan kesimning barchasi [Pm] koʻrsatkichi bilan shakllantirilganda, ularning har biri alohida-alohida gapni hosil qiladi va natijada qoʻshma gap vujudga keladi. Qiyoslang: 1. *Siz aʼlochi va jamoatchi kishisiz* (uyushiq kesimli gap) – *Siz aʼlochisiz va jamoatchisiz* (qoʻshma gap). 2. *U vaqtlarda otam kosib, onam tikuvchi edi* (uyushgan sodda gap) – *U vaqtlarda otam kosib edi va onam tikuvchi edi* (qoʻshma gap).

Ikkinchi gapning har bir kesimini [Pm] bilan toʻla shakllantirib, qoʻshma gap tarzida qoʻllash uslubiy gʻalizlikni keltirib chiqaradi. Shu bois ushbu oʻrinda qoʻshma gap emas, balki uyushiq kesimli sodda gapni ishlatish oʻngʻay.

Uyushiq kesimning har xil soʻz turkumi bilan ifodalanishi ham uchraydigan hodisa. Bu ot va olmoshda mavjud: *Taniganim, bilganim sen va Halimdir*. Biroq feʼl va boshqa turkum soʻzi uyushiq kesim hosil qila olmaydi. Chunki ot, feʼl boshqacha va qolgan turkumlar boshqacha tuslanishga ega boʻladi: *Itingdurman va boʻzlagaydirman*. Bu gapda kesimlik koʻrsatkichlarini ikkala soʻzshakl uchun bitta qilib boʻlmaydi: *Itingdur va boʻzlagaydirman* kabi.

Uyushiq kesimlarning oldin turgani *-i(b)* shaklli ravishdosh bilan ifodalanganda, hol bilan monand boʻlib qoladi: 1. *U koʻrqib baqirib yubordi*. 2. *U tanib, bilib soʻray boshladi*. Har ikkala qoʻllanishda ham feʼl soʻzshakllar bir-biriga oʻxshaydi. Biroq gaplardan birinchisida feʼl hol (*koʻrib*) va kesim (*baqirib yubordi*) vazifasida. Keyingi gapda esa uyushiq kesim mavjud. Biroq birinchi gapda uyushiqlikning zaruriy belgisi – uyushtiruvchi ohang mavjud emas.

**Tenglanish qatorida bogʻlovchi.** Tenglanish qatori bogʻlovchili yoki bogʻlovchisiz boʻlishi mumkin. Bogʻlovchisiz qator faqat ohang yordamida hosil qilinadi: 1. *Karima, Gulnora, Halima bogʻga joʻnadilar*. 2. *U tanib, bilib, soʻray boshladi*.

Bogʻlovchili qator bogʻlovchi vosita yordamida hosil qilinadi: 1. *Eshikdan yosh yigit va chol kirib keldi*. 2. *Farzandlarimiz dono va baxtiyordir*.

Tenglanish qatori nisbatan cheklanmagan yoki cheklangan aʼzodan tashkil topishi mumkin. Bu aʼzolararo

munosabatning turi bilan bog'liq. Shunday tenglanish qatori mavjudki, bunda bemalol qatorni to'ldirish, yangi a'zo bilan davom ettirish mumkin bo'ladi: *U ko'k, qora, qizil qalamlar oldi*. Bunday tenglanish qatori **ochiq qator** deyiladi. Ochiq qator shunday a'zolaridan tuziladiki, bunda bir a'zo boshqalariga qanday munosabatda bo'lsa, boshqa a'zo ham unga shunday munosabatda bo'ladi. Yopiq qator esa shunday a'zolaridan tashkil topadiki, ularda qatordagi a'zolarining munosabati taqsimlangan bo'ladi: bir a'zo ikkinchisiga boshqacha, ikkinchisi birinchisiga boshqacha munosabatda bo'ladi: *Bog'da nafaqat olma, balki nok ham o'sadi*. Ochiq tenglanish qatorida tartib, asosan, erkin: *Bog'da o'rik, olma, shaftoli o'sadi* gapi *Bog'da o'rik, olma, shaftoli, balki nok ham o'sadi* shaklida berilsa ham, mazmunga putur etmaydi. Yopiq tenglanish qatorida tartib, ko'pincha, qat'iy bo'ladi. *Bog'da shaftoli, olma, balki nok ham o'sadi* gapi *Bog'da nafaqat nok, balki olma ham o'sadi* ko'rinishini olsa, avvalgi mazmunni bermaydi (Qiyoslang: *pishirib, yedi – yeb pishirdi, to'y va tomosha – tomosha va to'y*).

Ba'zi bog'lovchi faqat ochiq qatorni, ba'zilari esa faqat yopiq qatorni tashkil etadi.

Ayiruv bog'lovchilari ochiq qatorni tashkil qiladi: 1. *Biz uchun maktab yo hayot, yo mamot, yo najot, yo halokat ishi bo'lmog'i lozim*. 2. *Bunda bor na ofat, na g'urbat, na g'am*.

Biriktiruv va zidlov bog'lovchilari yo yopiq qatorni tashkil etadi, yoki qatorni yopadi: 1) yopiq qatorni tashkil etish: *Gullar va maysalar ajib bir go'zallik baxsh etardi*; 2) qatorni yopish: *Gullar, rayhonlar va maysalar ajib bir go'zallik baxsh etardi*.

Tenglanish qatorining har ikkala turi – ochiq qator ham, yopiq qator ham bog'lovchisiz bo'lishi mumkin:

1. **Bog'lovchili ochiq qator**. Ayrim bog'lovchi tenglik munosabatiga kirishayotgan har bir so'zshakl uchun qo'llanib, qatorni bemalol davom ettirishi mumkin: *Halim ham o'qiydi, ham ishlaydi, ham davolanadi* gapida ochiq qatorni tashkil etuvchi bog'lovchi, aytilganidek, asosan, ayiruv bog'lovchilar va *ham* yuklamasi.

2. **Bog'lovchisiz ochiq qator**. Bog'lovchisiz ochiq qatorni tashkil etuvchi a'zolar o'zaro uyushtiruvchi ohang yordamida bog'lanadi:

*Muhayyo, Surayyo, Dilshoda, Muqaddas,  
Ko'zimni yashnatib kiyibsiz atlas.*

2.1. Bog'lovchisiz ochiq qatorning ikki turi mavjud:

a) har xil predmet, belgi va shu kabilar nomi beriladi:  
*Nonsiz, tuzsiz, suvsiz uch kun qiynaldi.*

b) darajalanuvchi, ko'payuvchi, to'ldiruvchi a'zolar beriladi: *Tutab, burqsib, yonib, kuydi bechora.*

2.1.1. Yopiq bog'lovchili qator a'zolari orasida:

a) uyg'unlik ( *Halim qattiqqo'l va jiddiy edi*);

b) zidlik ( *Sekin, ammo chiroyli yozadi* )

ma'nosi mavjud.

2.1.2. Bog'lovchisiz yopiq qatorda tenglanuvchi a'zolar juftlashadi: 1. *Erta-indin kelarman (erta yoki indin kelarman).*

Ba'zan ayrim vosita ham bog'lovchisiz qatorni tashkil qilishda qo'llanadi: *Senga emas, qizimga aytaman.*

### Savol va topshiriqlar

1. Uyushish hodisasi haqida gapiring.
2. Bog'lovchisiz ochiq qatorni tushuntiring.
3. Bog'lovchili ochiq qatorni tushuntiring.
4. Tenglanish qatorida bog'lovchining o'rne qanday?
5. Uyushiq kesimning o'ziga xos xususiyatini bayon qiling.

### UNDALMA

#### Tayanch tushunchalar

*minimal qolip, maksimal qolip, so'z kengaytiruvchisi, gap kengaytiruvchisi, undalma, shakliy aloqa, mazmuniy aloqa*

Gap undalma bilan ham kengayishi mumkin. Undalma gap tarkibidagi II shaxs kishilik olmoshi bo'lgan so'zshakl ma'nosini muayyanlashtiruvchi unsur bo'lib, u mantiqan so'z kengaytiruvchisi maqomida bo'ladi. Biroq u kengayayotgan so'z bilan bog'langanda, grammatik aloqaga ega emas. Undalma mazmunan bog'langan so'zshakl nutq yo'naltirilgan shaxs yoki narsa predmetni ifodalaydi. Undalma vazifasida, odatda, bosh kelishikdagi ot, ba'zan otlashgan so'zshakllar keladi.

Demak, undalma gap lisoniy strukturasi bevosita daxldor bo'lmagan, gap tarkibidagi ifodalangan yoki ifodalanmagan ikkinchi shaxs olmoshining so'z

kengaytiruvchisi hisoblanadi. Ajratilgan bo‘lak ajralmish bo‘lak bilan mazmunangina munosabatga kirishganligi kabi, undalma ham nutq yo‘naltirilgan shaxs, predmet bilan mazmuniy bog‘lanishga ega bo‘ladi.

Undalma kengaytirgan olmosh so‘zshakl gapning barcha bo‘laklari, bo‘lakning kengaytiruvchilari, qolaversa, bo‘lak bo‘laklarining kengaytiruvchilari bo‘lishi mumkin:

kesim: *Do‘stim, ishonganim **sensan**;*

ega: *Oybek, **sen** maktabga kechikyapsan;*

hol: *Halim, **sen tufayli** murodimga etdim;*

aniqlovchi: *Gulbadan, **sening** muhabbating dilingda pinhon;*

to‘ldiruvchi: *Qarchig‘ay changalim, **senga** yo‘l bo‘lsin.*

Undalma qo‘llanganda u kengaytirgan so‘z tushib qolishi ham mumkin. 1. *Ey Sharqning bo‘stoni, dilimga payvand!* 2. *Kel, ey Furqat, suxanni muxtasar qil.*

So‘zlovchining nutqi qaratilgan shaxs/predmetni ifodalovchi so‘zshakl gap tarkibidayo‘q bo‘lishi va uni tiklab ham bo‘lmasligi mumkin: 1. *Hoy qizlar, mana bo‘ldi pora-pora paranji.* 2. *Yigitcha, mashina jo‘nayapti.* Ammo baribir, undalma ifodalanmagan ikkinchi shaxs olmoshi mazmunining muayyanlashtiruvchisi ekanligi ma‘lum bo‘lib turadi.

Undalma vazifasida qo‘llanadigan so‘z:

ot: *Xola, bemahalda nima qilib yuribsiz?*

otlashgan so‘z: 1. *Ko‘rganlar, gapiring.* 2. *Tentagim, nima deysan?* 3. *Birinchi, men ikkinchi!*

Undalma kengayishi ham mumkin: 1. *Yaxshi yigit, sevganingdan ayrilma.* 2. *Oq ilon, oppoq ilon, oydinda yotganing qani?*

Undalma uyushishi ham mumkin. Bunda nutq turli narsalarga qaratiladi. *Daraxtlar, bo‘stonlar, sizdan so‘rayman.*

Undalma gapning barcha o‘rinlarida kela oladi. Gap boshida kelganda uni ochadi, oxirida esa yopadi: 1. *Aziz do‘stim, omonmisan?* 2. *Omonmisan, aziz do‘stim.*

Undalma mustaqil gap maqomini ham olishi mumkin: 1. *Opa! Sen ham odam edingmi?* 2. *Bola qichqirdi: «Dada!»* Bunda u vokativ gap bo‘ladi.

## Savol va topshiriqlar

1. Undalmaning gap lisoniy strukturasi munosabati qanday?

2. Undalmaning ifodalanishi qanday?
3. Undalmaning kengayishi haqida gapiring.

## GAPNING KIRISH VA KIRITMA KENGAYTIRUVCHILARI

### Tayanch tushunchalar

*minimal qolip, maksimal qolip, soʻz kengaytiruvchisi, gap kengaytiruvchisi, shakliy aloqa, mazmuniy aloqa, kirish, kiritma*

**Kirish kengaytiruvchilar.** Maʼlum boʻladiki, gap [Pm] i tarkibida mayl/modallik maʼnosi ham mavjud. Modallik gap kesimini shakllantirishda muhim ahamiyatga ega. Tilshunoslikda modallikning oʻziga gapni tashkil etadi degan qarash ham mavjud. Chunki gap [Pm]ida mavjud va xilma-xil vosita bilan ifodalangan taxmin, gumon, shubha, ishonch, qatʼiylik, shart, istak, tilak, buyruq, imkoniyat, zaruriyat, majburiylik kabi maʼno ifodalangan har qanday hukm, fikrda ustuvor qiymati bilan ajralib turadi. Shu boisdan gap tarkibida gap boʻlaklari bilan grammatik aloqaga kirishmagan, soʻz birikmasi hosil qilmagan boʻlsa-da, [Pm]dagi mazkur maʼnoga bevosita daxldor boʻlgan subyektiv modallik munosabatini ifodalaydigan atov birliklari koʻplab uchraydi: 1. *Aka, bugun ota-onalar yigʻilishiga dadam boradilarmi? – Dadam, **albatta**, boradilar, balki, onam ham borarlar.* 2. *Toʻgʻri, yomon odam jazosini tortishi kerak, – dedi Saida.* 3. *Bu chol, **qizining soʻziga qaraganda**, hali juda baquvvat ekan.* 4. *Siz, **oʻylab qaragam**, shu lavozimga loyiq nomzod ekansiz.*


Bunday atov birliklari va qurilmalar gap tarkibiga kirar ekan, [Pm] tarkibidagi modal va tasdiq/inkor maʼnosini muayyan-lashtiradi, yaʼni gapning kesimi bilan bogʻlanadi. Shu boisdan ular *modal* yoki *kirish kengaytiruvchi* deb ataladi. Kirish kengaytiruvchilar gapning konstruktiv boʻlaklari sanalmish ega va hol kabi faqat va toʻgʻridan-toʻgʻri gap markaziga munosabatda boʻladi. Biroq kirish kengaytiruvchi [Pm] ga grammatik jihatdan bogʻlanmaganligi bois unga nisbatan **konstruktiv** sifatini qoʻllab boʻlmaydi. Biroq unga zich mazmuniy munosabatda boʻlganligini inobatga olib ularni boʻlak, gap boʻlagi, gap kengaytiruvchisi deyish mumkin. Demak, kirish kengaytiruvchi soʻz va gap kengaytiruvchisi orasida «oraliq uchinchi» boʻlganligi bois

ularni gapning *konstruktiv bo'lmagan bo'lagi* atamasi bilan nomlash mumkin. Atamaning *konstruktiv bo'lmagan* degan qismi hodisaning so'z kengaytiruvchisi sifatiga egaligini ko'rsatsa, *bo'lak* uzvi gap kengaytiruvchi sirasiga daxldorligini bildiradi.

Kirishlarning gap struktur qurilishidagi o'rnini quyidagicha berish mumkin (54-jadval):

54-jadval.

E	H	W	P <sub>m</sub>	Kiri sh
---	---	---	----------------	------------



Kirish kengaytiruvchi so'z, birikma va gap ko'rinishida bo'lishi mumkin: 1. *Farg'onada, balki, balqarsan.* (A.Orip.) 2. *Tabibning ta'biricha, shohning sog'ayishi uchun uch narsa zarur ekan.* (Ert.) 3. *Men sizga aytsam, bir kunda uch mahal shaharga qatnashning o'zi bo'lmaydi.* (S.Nur.) Shu sababli kirish kengaytiruvchi kirish so'z, kirish birikma, kirish gap kabi turga bo'lib o'rganiladi. Aslida barcha kirish kengaytiruvchisi nominativ birlik. Garchi ularning ayrim ko'rinishi gap xarakterida bo'lsa-da, ularni tom ma'nodagi gap deb bo'lmaydi. Masalan, yuqorida keltirilgan, *men sizga aytsam* qurilmasi mazkur gap tarkibida shaklan gap ko'rinishida bo'lsa-da, uning zimmasiga fikr ifodalash, axborot uzatish vazifasi yuklatilmagan. Unda [Pm] shakli mavjud bo'lsa-da, tegishli ma'nolar voqelanishi o'ta kuchsizlangan. Shu boisdan undagi [Pm] shakllari va unga mos gap kengaytiruvchisi o'zgartirib ko'rilsa, uning kirishlik mohiyati butunlay yo'qoladi.

Kirish kengaytiruvchilarning umumiy va o'ziga xos xususiyatlari quyidagilar:

1) kirish gap tarkibiga muayyan denotativ ma'nolari bilan kirmaydi. Masalan, yuqorida keltirilgan *Men sizga aytsam* kirish gapidagi so'zlarda harakat, harakatni bajaruvchi shaxs, obyekt kabi ma'no ifodalanmagan. Unda bir butun holda «ishontirish» modal ma'nosi mavjud;

2) kirishlar grammatik shakllanganlik nuqtayi nazaridan rang-barang. Unda tustlangan fe'l ham (*aytsam*),



tuslanmagan fe'l ham (*shunday qilib*), ot ham (*chamasi*), olmosh ham (*menimcha*) kirish vazifasida keladi. Ammo ular, aytilganidek, ba'zan qisman, ba'zan butunlay o'z lug'aviy ma'nosini yo'qotib, paradigmasidan vaqtincha uzilgan bo'ladi;

3) kirish kengaytiruvchining barchasi o'ziga xos yagona «so'zlovchining o'z fikriga munosabatini bildirish» umumiy ma'nosi ostida birlashadi;

4) kirish kengaytiruvchilarning gapdagi o'rni qat'iy emas.

Bu belgilarning barchasi kirish kengaytiruvchilar o'ziga xos lug'aviy-sintaktik guruhni tashkil etishini ko'rsatadi.

Kirish kengaytiruvchi gapda quyidagi ma'nolarni ifodalaydi:

1) ta'kidlash, tinglovchining diqqatini bayon qilinayotgan fikrga tortish: *takrorlayman, muhimi, ishonsangiz, masalan, misol uchun, ta'kidlayman, aytish kerakki*;

2) subyektiv munosabat, his-tuyg'ularni ifodalash: *baxtimizga, baxtga qarshi, o'ylayman, umid qilaman, o'ylaymanki, shubhasiz, ehtimol, shu ma'noda, qaysidir ma'noda, afsuski, attang, essiz*;

3) fikrni bayon qilish usuliga munosabat: *to'g'risini aytganda, bir so'z bilan aytganda, sodda qilib aytganda, aniqrog'i, qisqasi, gapning indallosi*;

4) fikrning bog'lanishini, matn tarkibiy qismlari orasida munosabat, ichki aloqa kabilarga so'zlovchining qanday qarashini ifodalash: *demak, xulosa, sababi, shunday qilib, ko'rinadiki, ma'lum bo'ladiki, buning ustiga, odatda*;

5) aytilayotgan fikrning kimga tegishli ekanligini bildiruvchi so'z: *menimcha, fikrimcha, uning so'ziga qaraganda, aytishlaricha, xabar berishiga qaraganda*;

6) fikrning tartibini, izchilligini bildiradigan so'zlar: *birinchidan, avvalo, ikkinchidan*.

**Kiritma qurilma.** Kiritma qurilma gap holatida bo'lib, nutqda gapdan anglashilayotgan fikrga qo'shimcha tariqasidagi yangi fikrni bayon etish vositasi. Kiritma kirish gapdan o'zining gaplik mohiyatiga to'la egaligi (kirish gap garchi shaklan gap tarzida bo'lsa-da, ko'proq kirish so'z tabiatiga ega bo'ladi), asosiy gap bilan mazmuniy bog'liqlikning o'ziga xosligi bilan ajralib turadi: *Buvamga (hamma band bo'lganligi uchun) men qarashib turadigan bo'ldim.* Bu gapdagi *hamma band bo'lganligi uchun* qurilmasi kiritma gap bo'lib, u asosiy gap bilan grammatik

ji hatdan bog'lanmasa-da, mazmunan undan anglashilgan voqea/hodisaning sababini bildirib, mazmunan qo'shma gapda bo'lgani kabi izohlash vazifasini o'tamoqda. Kiritma gapning nisbiy mustaqilligi gap ohangidan ham anglashilib turadi.

Kiritma gapning qo'shma gap tarkibidagi sodda gapdan farqi – uning ma'lum gapga nutq momentida tug'ilib qolgan ehtiyojga ko'ra kutilmagan tarzda birdan kiritilishi. Bu uni sof nutqiy hodisadek tasavvur qilishga olib keladi. Biroq so'zlovchi ongida kiritma qurilmalarni gapga kiritish ko'nikma va malakasi mavjud bo'lib, bu uning lisoniy hodisa tajallisi ekanligidan, lisonda uning nutqiy qo'llanish andozasi mavjudligidan dalolat beradi.

Kiritma qurilmaning o'rne ham gap tarkibida qat'iy. U asosiy fikrga qo'shimcha, ilova fikrni ifodalaganligi bois gap avvalida kela olmaydi. Chunki asosiy fikr boshlanmasdan ilova fikrni berish noo'rin. Shuningdek, kiritma, odatda, gap oxirida ham bo'lmaydi.

Kiritma gapning yana bir xususiyati uning yig'iq (kesimdangina iborat) bo'lmasligi: 1. *Yalpiz (cho'l yalpizini aytganim yo'q) oshga solinadi.* 2. *O'sha yosh bolani (u ota-onasiz qolgan edi) boyga qarol qilib berishdi.* Chunki, birinchidan, fikr qo'shimcha bo'lsa-da, u muhim, shu boisdan, odatda, uni faqat kesim bilan berishning imkoni yo'q. Ikkinchidan, kiritma bir so'z bilan berilsa, u ajratilgan bo'lakka aylanib qoladi: *Onam (o'gay) meni ko'p urishardi.* Bunday ko'rinishdagi ajratilgan bo'lak ba'zi darslik va qo'llanmada kiritma gap sifatida talqin qilinadi. Aslida *Otam (o'gay) qazo qildi* gapida *o'gay* birligi ajratilgan aniqlovchi (*Bayroq, havo rang, hilpiramoqda* gapidagi kabi).

Demak, kiritma qurilmali gap mohiyatan qo'shma gapga o'xshaydi. Biroq grammatik aloqa va intonatsion o'ziga xoslik ularni farqlovchi belgi. Misol sifatida *O'rmondan (u yerda yirtqich hayvonlar bor edi) bo'kirgan ovozlar eshitilardi* gapini olaylik. Gap mazmunini *O'rmonda yirtqich hayvonlar bor, shuning uchun u yerda bo'kirgan ovozlar eshitilardi* deya tushunish mumkin. Biroq uni *O'rmonda bo'kirgan ovozlar eshitilardi, u yerda yirtqich hayvonlar bor edi* tarzida o'zgartirilsa, gaplardagi grammatik mustaqillik kuchayib, qo'shma gaplik xususiyati susayadi, alohida sodda gaplarga intilish o'sadi.

## Savol va topshiriqlar

1. Kirish va kiritmalarning gap lisoniy strukturasi munosabati haqida gapiring.
2. Kirishlarga tavsif bering.
3. Kiritmani tavsiflang.

19.



## 6-BO'LIM

### QO'SHMA GAP

#### Tayanch tushunchalar

*gap markazi, axborot, lisoniy mohiyat, kesim, MKSH, NKSH, intonatsiya, grammatik shakl, mazmun, sintaktik aloqa*

**Qo'shma gap haqida umumiy ma'lumot.** Qo'shma gap sodda gap bilan mustahkam bog'langan, biroq undan ham struktur, ham uzatilayotgan axborot miqdori va sifati nuqtayi nazaridan farqlanuvchi sintaktik qurilma. Shu bois qo'shma gapning umumiy lisoniy mohiyati uning sodda gap bilan o'zaro munosabatida ochiladi. Lisoniy struktura jihatidan qo'shma gapning sodda gapdan farqi ma'lum darajada ravshan. Aniqrog'i, sodda gapda shakllangan kesim bitta bo'lsa, qo'shma gapda u birdan ortiq bo'ladi va birdan ortiq sodda gaplarning mazmun hamda grammatik jihatdan birikuvidan tashkil topadi. Misollar: 1. *Men sizni bilaman, siz bunday qilmaysiz.* (Oyb.) 2. *Nima qilasan, qishloqqa qaytasanmi?* (Oyb.) 3. *Dunyoda nima ko'p – kulgu ko'p.* (Oyb.) 4. *Bilamanki, sodda barmoqlaring tilla uzuk taqmagan.* (Uyg'.) 5. *Majlisda ko'riladigan masalalarning muhim tomoni shundaki, unda cho'l yerlarni suvga serob qilish masalasi muhokama qilinadi.*

Ko'rinadiki, 1-gapda *bilaman* va *qilmaysiz*, 2-gapda *qilasan* va *qaytasanmi*, 3-gapda *ko'p* va *ko'p*, 4-gapda *bilaman* va *taqmagan*, 5-gapda *shundaki* va *muhokama qilinadi* kabi har bir gapdagi birdan ortiq kesim sintaktik qurilmaning qo'shma gapligini ta'minlovchi muhim asoslardan biri. Kesimlarning birdan ortiqligidan tashqari, har bir qo'shma gapda ifodalanayotgan birdan ortiq fikr, axborotning o'zaro zich munosabati, gaplararo grammatik taqozo etuvchilik hamda intonatsion yaxlitlik kabilar ham bu sintaktik qurilmalarning qo'shma gapligini ta'minlaydi.

Kommunikativ nuqtayi nazardan sodda gap bir fikrni, axborotni uzatish vazifasini bajarsa, qo'shma gapda birdan ortiq hukm o'z ifodasini topgan bo'ladi. Shuningdek, bu alohida axborotlar asosidagi munosabat ham qo'shma gapda qaysidir darajada bo'rtib turadi. Masalan: *Jahongir*

*keldi. Men shu ondayoq jo'nadim* gaplarida ifodalangan fikrlar bir-biriga o'zaro bog'liq bo'lib, gaplarning biri ikkinchisini taqozo etadi. Bu jihatdan ular *Jahongir keldi va men shu ondayoq ketdim* gapidan ajralib turadi.

Demak, qo'shma gap grammatik shakllangan va birdan ortiq axborotni tashish uchun mo'ljallangan nisbiy mustaqil sodda gapning grammatik, semantik, intonatsion va kommunikativ jihatdan yaxlitlangan butunligidir.

Qo'shma gap tarkibidagi sodda gap alohida olingan sodda gapdan nisbatan mustaqil emasligi bilan ajralib turadi. Avvalo, bu – grammatik va intonatsion nomustaqillik. *Bahor keldi, shuning uchun dala ishlari qizib ketdi* qurilmasiga ergash gapli qo'shma gap tusini bergan jihat mazmuniy va grammatik taqozo etish va birdan ortiq axborot mavjudligi. Birinchi gapdagi mazmun ikkinchi gapdagi mazmun uchun sabab maqomida. Biroq bunday mazmuniy zich bog'lanishsiz ham qo'shma gap hosil bo'lishi mumkin. *Osmonda turnalarning «qurey-qurey»i eshitilardi, uzoqlardan cho'ponlarning hay-haylagani quloqqa chalinardi.* Ikkinchidan, *shuning uchun* bog'lovchisi qo'shma gap a'zolarini grammatik jihatdan zich munosabatga kiritgan (Biroq bu bog'lovchisiz ham qo'shma gap hosil qilish mumkin: *Bahor keldi, dala ishlari qizib ketdi.*) Ammo sodda gaplar orasidagi intonatsion uzilish qo'shma gapni sodda gapga parchalab yuborishi mumkin: *Bahor keldi, shuning uchun dala ishlari qizib ketdi – Bahor keldi. Shuning uchun dala ishlari qizib ketdi.*

Demak, ma'lum bo'ladiki, qo'shma gap tarkibidagi sodda gapning o'zaro zichlashuvi mazmun, grammatik shakl va intonatsiya nuqtayi nazaridan bo'ladi. Ammo bu omillar darajali ziddiyatda turadi:

*intonatsiya – grammatik shakl – mazmun*

Chunki mazmuniy bog'liqlik va grammatik shakl mavjud bo'lsa ham, birlashtiruvchi intonatsiya bo'lmasa, ayrim gaplar qo'shma gapni tashkil eta olmaydi. Ammo mazmuniy bog'liqlik va grammatik aloqa bo'lmasa ham, intonatsiya asosida qo'shma gap hosil qilish mumkin (bog'lovchisiz qo'shma gap). Sodda gaplar asosida ajratuvchi pauza bo'lganda, qo'shma gapning yaxlitligiga putur yetadi. Masalan, *Men sen bilan bormoqchi edim. Biroq sen qarshilik qilmasliging kerak.* Gaplar orasida qo'shma gapning barcha belgilari mavjud. Birgina birlashtiruvchi ohangning yo'qligi sodda gaplarning mustaqil bo'lishiga olib kelgan.

Qo'shma gapni uyushiq kesimli sodda gapdan, sodda va qo'shma gap orasidagi uyushgan gapdan farqlash lozim. Uyushiq kesimli sodda gap egasi bitta, bitta umumiy [Pm]ga ega bo'lgan birdan ortiq kesimdan tashkil topgan gap. Misollar: 1. *Jamshid o'qir, yozar va chizar edi.* 2. *Do'kondorlar do'konlarini ochib, mudrab o'tirishardi.* 3. *Qushlar tinimsiz chug'urlashar va charx urishar edi.* Uyushgan gap esa, aytilganidek, birdan ortiq egaga, shuningdek, bitta umumiy [Pm] li birdan ortiq kesimga ega bo'lgan gap. Misollar: 1. *Bahor kelar, dala ishlari qizib ketar edi.* 2. *Jamshid o'qir, Jahongir yozar, Isroil esa chizar edi.* 3. *Do'kondorlar savdoga chorlab, attorlar esa mollarinini maqtab o'tirishardi.*

Qo'shma gap esa har biri o'z [Pm] ga ega bo'lgan birdan ortiq kesimdan tashkil topadi: 1. *Jamshid o'qirdi, Jahongir yozardi, Isroil esa chizardi.*

Substansial yondashuvda bir egali, lekin birdan ortiq kesimli gap ham qo'shma gap sifatida qaraladi. Chunki har bir kesimda shaxs-son, zamon, tasdiq-inkor, modallik (kesimlik) ma'nolari birdan ortiq shakl bilan ifodalanadi. Bu esa semantik nuqtayi nazardan ularning har birida alohida axborot mavjudligidan dalolat beradi.

Qo'shma gap tarkibiga kiruvchi sodda gap orasida teng yoki tobe sintaktik aloqa mavjud bo'ladi. Agar u teng bog'lovchi yordamida amalga oshirilgan bo'lsa, tenglanish deyiladi: 1. *O'g'lim keldi va to'yni boshlab yubordik.* 2. *Bahor keldi va dala ishlari qizib ketdi.* To'g'ri, bu gaplar orasida sabab-oqibat aloqasi mavjud va ularni mazmunan tobe-hokim gaplarga kiritish mumkin. Biroq gaplarda mazmunan tobelik, shaklan tenglik mavjud bo'lganda, formal yondashuv gaplarni teng munosabatli qo'shma gap sifatida qaraydi. Shu boisdan bog'lovchili qo'shma gap bog'lovchining tabiatiga ko'ra, bog'langan qo'shma gap va ergash gapli qo'shma gapga ajraladi.

Sodda gapdagi tenglanish va tobelanish qo'shma gaplardagi tenglashish va tobelanishdan farq qiladi. Bu quyidagilarda ko'rinadi:

1) sodda gapda teng va tobe aloqa turli qurilmalarni vujudga keltiradi. Aniqrog'i, teng aloqa uyushiq bo'laklarni o'zaro bog'laydi: 1. *Yashil o'rmonlar va qorli tog'lardan o'tdik.* 2. *Javohir o'qir va yozar edi.* So'z birikmalarini faqat tobe aloqa vujudga keltiradi: *kitobning varag'i, kitobni o'qimoq* kabi. Qo'shma gapda esa teng va tobe aloqa bitta lisoniy



birlik – qo‘shma gapning turli ko‘rinishi uchun xizmat qiladi.

Tobe va teng bog‘lovchi vosita bir xil semantik munosabatni ifoda etishi mumkin. Faqat ularda ushbu ma‘no kuchli yoki kuchsizligi bilan farqlanadi: *Bahor keldi va dala ishlari qizib ketdi – Bahor keldi, shuning uchun dala ishlari qizib ketdi.* Har ikkala qo‘shma gap a‘zolari orasida ham sabab-oqibat munosabati mavjud. Gaplarning ikkinchisida u kuchli, birinchisida kuchsiz. Gaplarning propozitsiyasida bu munosabat bir xil, faqat *va* bog‘lovchisi buni kuchsiz, *shuning uchun* bog‘lovchisi kuchli namoyon qilgan;

2) sodda gapdagi teng bog‘lanish qo‘shma gapdagi teng bog‘lanishga nisbatan mustaqil. Chunki sodda gapda teng bog‘lanish uyushiqlik bilan «yo‘ldosh». U sodda gapni kengaytirish vazifasini bajarsa, qo‘shma gapda tarkibiy qismlarni bir yaxlitlikka birlashtirish vazifasini bajaradi;

3) tenglanish va tobelanish aloqasi ifodalaydigan ma‘noviy munosabati jihatidan sodda va qo‘shma gap farqlanadi. Sodda gapda bog‘lovchisizlik, asosan, tenglanish munosabatini ifodalaydi va uyushiq bo‘laklarda yuz beradi. So‘z birikmasi tarkibidagi grammatik vositali tobelanishni bog‘lovchisizlik, vositasizlikka almashtirib bo‘lmaydi. Qo‘shma gapda esa ergash gapli qo‘shma gap tarkibidagi sodda gaplarni ham, bog‘langan qo‘shma gap tarkibidagi sodda gaplarni ham bog‘lovchisiz gapga aylantirish mumkin. Uning aloqa turi bog‘lovchisiz aloqadir. 1. *Botirlari kanal qazadi, shoirlari g‘azal yozadi.* (H.Ol.) 2. *Bor boricha, yo‘q holicha.* 3. *Yaxshi otga bir qamchi, yomon otga ming qamchi.* (Maq.) 4. *Yuragida qanday dard bor – mana bu menga sir.* (Oyb.)

Bog‘lovchisiz qo‘shma gap tarkibidagi sodda gap o‘zaro tobe yoki teng bog‘lovchi vositasiz birikadi. Ammo bu gapda mazmuniy va intonatsion yaxlitlik kuchayadi. Chunki bog‘lovchi vosita, mazmuniy va intonatsion birikuvchanlik omili qo‘shma gap tarkibida yaxlitlikni tashkil etib, ulardan biri kuchsizlansa, boshqalari buning evaziga kuchayadi. Demak, bog‘lovchisiz qo‘shma gapda bog‘lovchi vositaning hissasi mazmuniy va intonatsion birikuvchanlik omili zimmasiga yuklatiladi.

Ko‘rinadiki, ikki yoki undan ortiq sodda gapning bir murakkab butunlikni tashkil etishi ularning shakliy (grammatik), mazmuniy va intonatsion muvofiqligi natijasida yuz beradi. Qo‘shma gapni tashkil etayotgan sodda gap ohang jihatidan mutlaq tugallikka ega bo‘lmaydi. Ammo

mazmuniy va grammatik jihatdan nisbiy yakunlangan bo'ldi. Bu nisbiylik mustaqil sodda gapdagi tugallanganlikdan farqlanadi. Qo'shma gap tarkibida birikayotgan bir sodda gapning modal sifatlari ikkinchisiga ta'sir etmasdan qolmaydi. Natijada yangi modal ma'no vujudga keladi. Bu masala kesimning MKSh va NKSh turi bilan ham zich aloqador hodisa. Shuningdek, qo'shma gap tarkibiy qismini bog'layotgan bog'lovchi vositadagi modal ma'no ham ana shu hosila modal ma'noga qorishadi.

**Кўшма гапларни ўрганиш тарихидан.** Кўшма гап ҳақидаги таълимот узоқ тарихга эга. Ғарб ва славян тилларида кўшма гап ҳақидаги таълимот деярли бир хил.

Дунёда кенг тарқалган инглиз тили грамматикалари, асосан, XVI асрнинг охиридан бошлаб пайдо бўла бошлаган. Ўрта асрлар антик ва латин грамматистлари гап ҳақидаги таълимотни яратишмаган эдилар. Мантиқ фани таъсирида гапнинг тугал фикрни ифодаловчи шакл эканлиги ҳақида таърифи вужудга келади. Биринчи инглиз грамматикасида (1585) "Синтаксис" бўлими йўқ эди. Гап ҳақида фикр боғловчилар бобида, уларнинг таърифида берилади. Б.Джонсон ва Бутлерларнинг (XVII асрнинг биринчи ярми) грамматикаларида пунктуация қоидаларига боғлиқ равишда гап ҳақида тушунча келтирилади, холос.

XVII аср иккинчи ярмида К.Купер томонидан яратилган грамматика ва ўқув қўлланмасида пунктуация қоидалари изоҳланишида содда ва таркибли гаплар тушунчалари ҳақида фикр берилади. Купер бу янги тушунчалар билан бир қаторда бош феъл, бош гап, тобе гаплар ёки гап қисмлари каби тушунчалари билан ишлайди. Содда ва таркибли гаплар тушунчалари кўшма гап ҳақидаги таълимотда XIX асрнинг ўрталаригача яшади, тобе қисмлар ва гаплар ҳамда бош гаплар ва феъллар тушунчаларидан XIX асрнинг ўртасидан инглиз грамматиклари фойдалана бошлайдилар.

Дж.Брайтленд яратган ва XVIII асрнинг бошида чоп этилган грамматикада асос сифатида гап ва унинг содда ҳамда таркибли гапларга бўлиниши ҳақидаги таълимотлар олинди. Шу давр грамматиклари Гринвуд ва Фэрроу Дж.Брайтленднинг издошлари бўлиб, улар

янги таснифга унча кўп ўзгартиришлар кирита олмадилар. Уларнинг фикрича, содда ва биргина гап (*a single sentence*) мавжуд; биргина (единичный) гап белгисини биргина феъл ташкил этган; таркибли гап эса – содда гаплардан тузилган (*made up or composed*)дир. Бу таълимотнинг асосида XVII –XVIII асрда Англияда мантиқ бўйича чоп этилган кўлланмалар ётганини тилшунос олим Л.Л.Иофик ўз вақтида қайд этган эди.<sup>123</sup>

В.Г.Адмонининг фикрича, бу давр олимлари гап структурасини тушунишда содда ва таркибли гаплар таълимотида грамматик бўлмаган тушунчаларга таяниб риторика ва мантиқнинг тушунчаларини асосга олганлар ва бу грамматикларга нутқий бўлинишда мазмундан шаклга қараб бориш йўлини кўрсатган.

XVIII аср иккинчи ярмининг етакчи грамматикаси Лоут 1762 йилда нашр этган грамматикасида гапга грамматик шаклланишни ҳисобга олиб, мантиқий таъриф беради: “Предложение – это группа (*assemblage*) слов, выраженных в соответствующей (*proper*) форме и расположенных в соответствующем порядке для выражения законченного смысла (*complete sense*)”.<sup>124</sup>

Р.Лоутнинг издоши А.Муррий 1795 йил чоп этган асариди Лоутнинг гапга берган таърифини қисқартирди. Олимнинг Лоут грамматикаси матни асосида яратган грамматикаси кенг тарқалди. Бу грамматика XIX аср биринчи ярми тилшунослари учун намуна мавқеида эди, балки шунинг учун ҳам уларнинг асарларида синтактик назария ривожлантирилмагандир.

XVIII аср иккинчи ярмида грамматиклар таркибли гап таълимотига *clauses* тушунчасини киритишди. Лоут бу тушунчадан фойдаланмаган. Пунктуация бўлимида содда ва таркибли гаплар қисмлари ҳақида фикр юрита туриб, уларни *members* (бўлақлар) деб атаиди, бу тушунча периоднинг бўлиниши билан боғлиқ эди. *Clauses* атамаси XIX асрнинг биринчи ярмида ўз терминологик маъносига эга эмас эди ва олимлар унга нималарни (боғловчи – таркибли гаплар – бир нечта гаплар ...) киритиш мумкинлиги ҳақида турли фикрлар билдирардилар.

XIX асрнинг ўрталарида қўшма гап таълимотида

<sup>123</sup>Иофик Л.Л. Сложное предложение в новоанглийском языке. –Л.: Изд. ЛГУ. 1968.

<sup>124</sup>Lowth R, A short introduction to English grammar. –London. 1783. –P. 138

силжиш бошланди, яъни қўшма гапларнинг дихотомик таснифи трихотомик тасниф билан алмаштирилди. Шу даврда *clause* тушунчаси қўшма гап назариясининг марказидан ўрин эгаллайди ва терминологик маънога эга бўлади, яъни таркибли ва қўшма гапнинг қисмларини номлайди. *Clause*нинг таснифи пайдо бўлади. Ўзининг синтактик мавқеига қараб қисмлар тенг ва тобега бўлинади ҳамда синтактик жиҳатдан етакчи қисмни белгилаш учун *етакчи қисм*, *бош қисм* ва *асосий феъл* каби атамалар киритилади. Бу янги назариянинг асосида бошқа Ғарбий Европа тиллари грамматикалари таъсири бўлиши мумкин. Шунингдек, таркибли гап таълимотига *clause* атамасининг киритилиши ҳам муҳим роль ўйнаган бўлиши мумкин. Олимларнинг бу ҳақда ягона фикри йўқ. Кейинги даврда чоп этилган асарларда эски ва янги назариялар ўртасида келишувчилик ҳолатларини, трихотомик тасниф асос сифатида олинганини ҳам кўриш мумкин.

Қўшма гапга таъриф берилаётганда олимлардан айримлари эга ва кесимлар сони ҳақида, баъзилари қўшма гап таркибидаги содда гаплар сони ва яна баъзилари эса бу икки ҳолатни бирлаштирадилар. Таърифларда қўшма гап қисмларининг синтактик ва семантик жиҳатдан нотенглиги таъкидланган. Инглиз тилидаги қўшма гап назарияси XIX асрнинг иккинчи ярмида инглиз норматив грамматикасида тўла шаклланган ва ҳозирги давргача ҳеч ўзгаришсиз сақланиб келган.

Таркибли гап таърифида “сон” белгиси *эга* ва *шахсли феъл* атамаларида ифодаланилмайди. Ўзаро боғланган икки ёки ундан ортиқ бош гаплар ва икки ёки ундан ортиқ мустақил қисмлар таркибли гапни ташкил этади.

XIX аср охиридан бошлаб классик илмий грамматика ривожлана бошлайдики, XX аср норматив грамматика янглиз тилшунослигида грамматиканинг ягона типи бўлмай қолади. Бу икки грамматика бир даврда яшай олганининг сабаби шуки, XX асрда XIX асрда яратилган асарлар қайта ишланиб, бир неча марта нашр этилади. Масалан, XIX аср охирида чоп этилган Несфильд грамматикаси XX асрда қайта ишланиб, кўп марта чоп этилди.

Структурал йўналишдаги грамматикаларда айрим

олимлар анъанавий трихотомик таснифни сақлаб қоладилар, айримлари уни четлаштирадилар – у, ammo бу четлаштиришнинг назарий асосини келтирмайдилар, баъзиларида эса терминология янгиланган, ammo система анъанавийлигича қолган. Структурал лингвистиканинг айрим вакиллари қўшма гап назариясига содда ва қўшма гапларнинг фарқли томонларини йўқотишга йўналтирилган фикрни сингдирмоқчи эдилар. Демак, норматив грамматика вужудга келтирган содда гап – тенг таркибли гап – тобе таркибли гаплар ўртасида фарқларнинг йўқлигини тарғиб қилиб, гапларнинг умумий трихотомик таснифини бузмоқчи бўлганлар. Хуллас, илмий грамматикада бошланган ва структурал лингвистикада ривожланган содда ва қўшма гаплар ўртасидаги структур чегараларнинг бартараф этилиши Ҳарриснинг трансформацион грамматикасида ўз ниҳоясига етди. Ҳарриснинг мақсади нутқ таҳлилига ҳалақит бермаслиги учун трансформация ёрдамида матнни меъёрлаштириш эди. Унингча, гап ва унинг қисмларини бир хил структурага келтириш зарур. Демак, муаллифни “сўз бирикмалари” компонентлари ёки гаплар “кетма-кетлиги”нинг ўхшашлиги (структур эмас, балки мантиқий ўхшашлик) кўпроқ қизиқтирган, уларнинг фарқлари, ўзига хос хусусиятлари диққат марказида бўлмаган, шунинг учун ҳам гап мавқеи уюшиқ бўлаклар ҳам, изоҳловчи (аниқловчи) ва феълнинг шахссиз шакллари ҳам берилган эди. Кўриниб турибдики, қўшма гап масаласи ҳозиргача ҳам ўз тўлиқ ечимини топганича йўқ.

Инглиз ва немис тили грамматикаларида қўшма гапга таъриф берилаётганда, икки ва ундан ортиқ синтактик конструкцияларнинг структур ва семантик бирлиги ҳамда ҳар бир конструкциянинг предикатив маркази мавжудлигига аҳамият берилади. Қўшма гаплар тобе қисмларининг ўзаро боғланиш усуллари, қўшма гапнинг ички бўлинишлари ғарбий тиллар грамматикалари ва бошқа тиллар (славян, туркий ва ҳ) грамматикаларида ҳам деярли бир хил. Уларга берилган таърифларда, талқин ва таснифи асосларида ҳам ўхшашлик мавжуд. Бу масала ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқ этилган. Биз бир-икки мисол билан чегараланамиз: “Сложное предложение состоит из двух

или нескольких простых предложений, выражающих одну сложную мысль. Сложные предложения бывают двух типов: сложносочиненные (*compound sentences*) и сложноподчиненные (*complex sentences*)” ёки “Соединение нескольких простых предложений в одно целое составляет сложное предложение. Сложное предложение может быть сложносочиненным (*die Satzreihe*) и сложноподчиненным (*das Satzgefuege*).”<sup>125</sup> Шу билан бирга, кўшма гапга таъриф берилаётганда ҳар хил тилларга оид илмий асарларда келтирилган асосларни акс эттираётган чизмани ҳавола қиламиз.



126

Таҳлил жараёнида ҳар хил оилаларга мансуб тилларга олимлар бир хил ёндашгани кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам олима Ф. Убаеванинг “Кўшма гапнинг традицион классификациясида ўзбек тили кўшма гапларининг семантик, грамматик хусусиятлари етарлича ҳисобга олинмаган. Шу сабабли кўшма гапга ҳар томонлама ёндашиб, унга тўғри баҳо бериш учун

<sup>125</sup> Качалова К.Н., Израилевич Е.Е. Практическая грамматика английского языка. – Бишкек. 2005; Иванова И. П. и др. Теоретическая грамматика английского языка. – М., 1981; Эккерсли К.Э. Практический учебник АНГЛИЙСКОГО языка. 2-часть. – Екатеринбург, 2001; Панкова О.Т., Антипов А.Ф., Болдырева Л.М. Учебник немецкого языка для гуманитарных вузов. – М., 1984; Марфинская М.И., Монахова Н.И. Грамматика немецкого языка. Учебное пособие. – М. 2001; Жуманиёзов О., Аллаёров Р, Исмоилова Х. Deutsch. Немис гили. – Т., 1997.

<sup>126</sup> Джумабаева Ж.Ш. Мустақиллик даври публицистик асарларида кўшма гаплар талқини. (ўзбек ва инглиз тилларидага матнларнинг қиёсий таҳлили асосида): Филол. фанлари номзоди дисс. – Т., 2006.

традицион классификацияни қайта кўриб чиқиш зарур” дея берган янги таснифи эътиборга лойиқ. Олима қўшма гапларнинг таснифини беради: “...биринчидан, қўшма гап компонентларининг мазмунига қараб классификация қилинади:

- 1) тенг компонентли;
- 2) тобе компонентли қўшма гаплар.

Иккинчидан, қўшма гап компонентларининг ўзаро боғланиш усулига қараб тасниф қилинади:

- 1) боғловчили қўшма гап;
- 2) боғловчисиз қўшма гап.

Учинчидан, қўшма гап компонентларининг миқдорига кўра турлари:

- 1) икки компонентли;
- 2) кўп компонентли.

Тўртинчидан, қўшма гап компонентларининг таркибига кўра турлари:

- 1) бир таркибли қўшма гаплар;
- 2) икки таркибли қўшма гаплар.

Бешинчидан, қўшма гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари:

- 1) дарак;
- 2) сўроқ;
- 3) буйруқ қўшма гап; эмоционалликка кўра эмоционал ва эмоционал бўлмаган қўшма гаплар.

Қўшма гап унсурларининг функционал таҳлили масалалари Н.Турниёзов ва издошлари ишларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, қўшма гапнинг қуйидаги таснифи ҳам диққатга сазовор: “1) содда гап шаклларининг мавжуд бўлиши; 2) камида иккита содда гап шаклнинг мавжуд бўлиши; 3) бундай гап шаклларнинг мазмунан ўзаро зич боғлиқ бўлиши; 4) биргаликда гаплик оҳанги билан яхлитланиши”.

Юқорида қайд этганимиздек, бу таснифларда ҳам анъанавий талқин асосларидан келиб чиқилган.

Ўзбек тилини ўрганиш узоқ тарихга эга ва унинг тўнғич асарларидан бири, шубҳасиз, XI асрда яратилган шоҳ асар “Девону луғотит-турк”дир.

XI асрдан XIX асргача ўзбек тилини ўрганиш араб тилшунослигининг назарий асосларига таянган ҳолда олиб борилди ва у биз ҳозир кўниккан талқиндан, асослардан анча фарқ қилади. Биз кўниккан ва ҳозир кенг амалда бўлган Европа тилшунослиги меъёрларида

ўзбек тилини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди.

Бу асосда ўзбек тилини ўрганишни тўрт асосий даврга бўлиш мумкин:

XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг йигирманчи йилларигача;

20-йиллардан то 40-йилларгача;

40-йиллардан то 70-йилларгача;

70-йиллардан то 90-йилларгача бўлган давр.

Биринчи даврда ўзбек тили амалий талаблар асосида ўрганилади. Бу даврда ўзбек тилини ўрганувчиларга ёрдам сифатида М.А.Терентьевнинг “Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская”, В.П.Наливкиннинг “Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда” (Казань, 1884), А.Алексеев, А.Вышнегорскийларнинг “Самоучитель сартовского языка” (чтение, письмо и грамматика сартовского языка – Ташкент, 1884) сингари ишлари нашр этилади. Бу ишларда асосий эътибор луғатта, таржимага қаратилади, йўл-йўлакай морфология ҳақида ҳам маълумот берилади. Жумладан, А.Алексеев, А.Вышнегорскийларнинг ишлари икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида йигирма тўртта дарснинг тафсили келтирилади. Иккинчи қисми морфологияга бағишланган бўлиб, турланиш, тусланиш, сўз туркумлари, сўз ясаши ҳақида қисқа маълумотлар берилади. Синтаксис, унинг текшириш объекти бўлган гап ҳақида ҳеч нима дейилмайди. Умуман олганда, 1920- йилларгача ўзбек тили синтаксиси эътибордан четда бўлган. Бунинг боиси шундаки, XIX-XX асрларда Европада ҳукмрон бўлган ёш грамматикларнинг, жумладан, Ф.Востоков, Ф.Ф.Фортунатовларнинг тадқиқот йўналишлари, асосан, фонетика, лексика, морфологияни ўрганиш билан боғлиқ эди. Синтаксис эса кўп ҳолатларда уларнинг назаридан четда қоларди. Э.В.Севортяннинг таъбири билан айтганда, бу даврда туркологияда ҳам гап ҳақида фикр билдирилмаган. 1920 йилларга келиб ўзбек тилини, унинг грамматикасини ўрганиш бобида давр талаби билан ўзига яраша бурилиш ясалди. Яъни ўзбек тилини, унинг грамматикасини фан сифатида ўрганишга интилиш



бошланди. Шу мақсадда мактаблар учун дарсликлар, қўлланмалар яратишга аста-секин қўл урилди. Грамматиканинг тенг ҳуқуқли қисми бўлган синтаксисга ҳам эътибор берила бошланди. Бу борада Фитратнинг 1924 йилда нашр этилган “Наҳв” (Синтаксис) китоби эътиборга моликдир. “Наҳв” ўзбек мактаблари учун қалдирғоч дарслик бўлиб, унда гап ҳақида анча фикрлар бор. Фитратнинг дарслиги 1925-1930 йиллар давомида уч марта нашр этилди. Унинг 1930 йилда нашр этилган варианты нисбатан мукаммал бўлиб, унда синтаксиснинг кўпгина масалалари ўша давр савиясига мос равишда ёритилган. Масалан, дарсликда гап, гап бўлақларининг ифодаланиши, эга ва кесим мослиги, уюшиқ ва кириш бўлақлар, сўзлар бирикмаси ва гап ҳақида маълумотлар берилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда ўзбек тили грамматикасини ўрганишга қизиқиш кучая борди. 1929 йилда Фитратнинг “Наҳв”и билан бир қаторда Қ.Рамазон, Ш.Зуннунларнинг “Ўзбек тили” (Иш китоби, II бўлим) дарслиги нашр этилди. Ундан кейин 1933 йилда Н.Саид, А.Йўлдошевларнинг “Грамматика”си (II қисм, “Наҳв”, ўрта мактабнинг 7-синфи учун дарслиги) босилади. 1936 йилда эса шу китоб сал ўзгартириш билан қайта нашр этилади. 1938 йилда Ҳ.Ғозиевнинг “Ўзбек тили грамматикаси” (II бўлим, Синтаксис, тўлиқсиз ва ўрта мактаблар учун дарслик), 1940 йилда эса шу муаллифнинг “Ўзбек тили грамматикаси” босмадан чиқади. Бу дарсликлар ўша давр мактаблари талаби даражасида бўлиб, уларда кўпроқ содда гапга аҳамият берилади. Кўшма гапга эса анча кам ўрин ажратилади. Ушбу ишларда содда-кўшма гапларни фарқлашда эгага таянилади. Яъни бунда ҳар бир кесимнинг ўзига мос келадиган эгаси бўлиши назарда тутилади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, бу даврда эга ва кесим билан субъект ва предикатни қориштириш ҳоллари ҳам учрайди. Бу даврнинг синтаксисни ўрганиш бобидаги улкан хизмати шундан иборатки, у Овropa тилшунослигидан “гап”, “содда гап”, “гап бўлақлари”, “эга”, “кесим” – бош ва иккинчи даражали бўлақлар, уларни ифодалаш усуллари каби синтаксиснинг энг муҳим тушунчаларини олиб кирди, оммалаштирди. Албатга, бу даврга шу тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаш, уларни мантиқий ҳодисалардан кескин

фарқлаш талабларини қўйиб бўлмайди, чунки бу навбатдаги, учинчи давр вазифаси эди.

1940 йилда тарихда биринчи марта сиртқи педбилим юрти ўқувчилари учун синтаксисдан дарслик яратилди. У Айюб Ғуломовнинг “Ўзбек тили грамматикаси” (II қисм, Синтаксис) китобидир. Бу китоб фақат синтаксисга бағишланган бўлиб, унда содда ва қўшма гаплар тўлиқсиз ва ўрта мактаблар учун яратилган дарсликлардагига нисбатан анча кенг ёритилди. Ишда қўшма гап даставвал иккига бўлиб ўрганилади:

- а) боғланган қўшма гаплар;
- б) эргашган қўшма гаплар.

Боғланган қўшма гаплар ўз ичида яна иккига бўлинади:

- а) ёрдамчили боғланган қўшма гаплар;
- б) ёрдамчисиз боғланган қўшма гаплар.

Асарда эргашган қўшма гапнинг равиш, пайт, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсизлик, эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ўрин, натижа каби ўн бир тури ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, бир неча эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида ҳам қисқача фикр баён этилади.

Дарсликнинг ўзигача бўлган бошқа дарсликлардан афзал томонлари кўп, лекин қўшма гапнинг назарий асосига баҳо бериш бир хил. Бу асарнинг тарихий аҳамияти, айниқса, қўшма гапни ўрганиш борасида, шундан иборатки, унда биз ҳозир ўрта ва олий мактабларда ўрганишга кўниккан ва бизнинг ишимизда “анъанавий” деб номланган синтаксиснинг назарий таҳлил усуллари мукаммал шаклланган. Булар, асосан, қуйидагилардан иборат:

1) содда гап икки бош бўлақдан – эга ва кесимнинг бирикишидан иборат;

2) қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапнинг бирикишидан ҳосил бўлади;

3) кесим эга ҳақидаги бирор хабарни тасдиқ ёки инкор формада ифодалашга хизмат қилади. Бош бўлақлар ичида эгага мавқе берилади;

4) кесим эга билан шахс-сонда мослашади;

5) содда ва қўшма гапларни аниқлашда эгага таянилади, яъни қўшма гапда ҳар бир эганинг ўзига мос келувчи кесими бўлади.

Бош бўлақларга бундай ёндашиш мантиқий

субъект-предикат муносабатларини грамматик эга-кесим муносабатлари билан қориштириб юборишга олиб келади. Жумладан, китобнинг 71-бетида қуйидагича ёзилади: “Аниқловчи гапларнинг кесими сифатдошлардан бўлади. Сифатдошларнинг ҳар уч замони ҳам аниқловчи гапда кесим бўлиб кела олади:

1. Сиз айтган ашулани биз ҳам биламиз.

2. Сиз айтаётган ашулани биз ҳам биламиз.

3. Сиз айтадиган ашулани биз ҳам биламиз.”

Шу боис А.Ғуломовнинг бу ишида гап қурилишида отга ўтиб, от каби турланувчи феъл функционал формалари, шунингдек кўмакчили конструкциялар ҳам кесим ва булар иштирокида тузилган гаплар қўшма гап дейилади. Масалан, *Бедана сайраб юборганини мен билмай ҳолибман, Ёмғир ёққани ҳақида ҳамма сўзлади* типдаги гапларда *сайраб юборганини, ёққани ҳақида* кесим ва булар иштирокида тузилган гаплар қўшма гаплар қаторига киритилади. Бундай ҳоллар биргина ўзбек тилшунослигида эмас, бошқа туркий тилларда ҳам учрайди. Жумладан, татар тилшунослигида *Кукта кечкенагена болыт кесэге куренуне да зарыгыт котасен, қозоқ тилшунослигида Егин биыл жаксы шыкканга колхозшылар катта куанула* каби тушум келишиги шаклидаги *куренуне, жўналиш* келишиги формасидаги *шыкканга* бўлаклари кесим дейилиб, гаплар қўшма гап қаторига киритилади.

Эргаш гапли қўшма гаплар таснифи эргаш гапнинг мазмуни асосида, яъни бош гапнинг кесимига нисбатан қандай ўринни эгаллаши асосида берилган.

1941 йилга келиб, ўзбек тилининг илмий грамматикасини яратишда бир қадам олға босилди. Бу Айюб Ғуломовнинг “Ўзбек тилида аниқловчилар” (Ўзбек тили илмий грамматикаси учун материаллар, I серия) китобининг нашр этилиши билан боғлиқдир. А.Ғуломов ўзининг бу китобида аниқловчининг гап бўлакларидан бири эканлиги, аниқловчининг турлари, ифодаланиш материаллари, изоҳловчи, унинг ифодаланиши каби бир қанча масалаларни илмий асосда анча кенг ёритади. Бу материаллар ҳақиқатда ҳам илмий грамматикани яратишга асос бўлди. А.Ғуломов шу асариде аниқловчилардан кейин “Аниқловчи гап” деган сарлавҳа қўйиб, бу ҳақда махсус тўхтади ва сиртқи педбилим юрти ўқувчилари учун ёзилган китобидаги

фикрларни такрорлаб, барча ёйиқ аниқловчиларни (*Раҳим айтган ҳикоя ҳаммани қизиқтирди. Ҳунари йўқ кишининг мазаси йўқ ишинииг. Меваси кўп оғочлардан бири шафтолидир*) аниқловчи гап деб тасдиқлайди. Булар қатнашган гапни эса кўшма гап дейди.

А.Ғуломовнинг педбилим юрти ўқувчилари учун яратган дарслигидан бир неча йил кейин – 1948 йилда А.Н.Кононовнинг “Грамматика узбекского языка” номли иши майдонга келди. Бу иш ўзбек тили грамматикасига бағишланган, Европа тилшунослиги мезонида тузилган нисбатан тўлиқ ва мукаммал грамматика бўлиб, олий ўқув юртларининг талабаларини тайёрлашга мўлжалланган илк дарслик эди.

А.Н.Кононовнинг бу китоби умумтуркологик таҳлил асосларига таянган ҳолда ёзилган эди. У Н.К.Дмитриевнинг “Строй турецкого языка” (–М., 1929), “Грамматика башкирского языка” (М-Л., 1949) асарлари билан бир қаторда ва айни бир назарий асосда А.Фитрат, Ҳ.Ғозиев асарлари орқали кириб кела бошлаган Европа тилшунослиги синтактик тушунчалари ва таҳлил усуллари негизида туркий тиллар синтаксиси таҳлилига бағишланган мукаммал асар эди. Мақсадимиз кўшма гап талқини бўлганлиги сабабли бу асарнинг фақат шу қисмига батафсилроқ, тўхташни лозим топдик.

А.Н.Кононов китобида, қисқа бўлса ҳам, кўшма гапга алоҳида ўрин беради. У А.Ғуломов каби кўшма гапни дастлаб иккига бўлиб ўрганади:

- а) сложносочиненное предложение;
- б) сложноподчиненное предложение.

А.Ғуломов фақат боғланган кўшма гапни боғловчили ва боғловчисиз деб иккига бўлиб ўрганса, А.Н.Кононов эргаш гапли кўшма гапларни ҳам худди шундай иккига бўлиб ўрганади ва эргаш гапларнинг бир қанча турларини қайд этади. Шунини айтиш керакки, эргаш гапнинг баъзи бир турларига баҳо беришда А.Н.Кононов А.Ғуломов сингари эргаш гапли кўшма гапларга хос бўлган мазмун ва интонацион бутунликка риоя қилмайди, фақат субъектга таянади. Натижада у ўз фикрини шундай баён қилади: “Изменение формы выражения подпешашего повлекло за собой изменение всей структуры предложения, превратив развернутый член предложения в самостоятельное предложение,

превратив тем самым простое предложение в сложное. Так в примере: *Опамнинг айтган ашуласи ҳаммага ёқди* – форма на *-ган* включенная в состав определительной группы *Опамнинг... ашуласи* не может быть выделена (без ущерба для смысла) из неё и, следовательно, лишена одного из наиболее характерных признаков придаточного предложения. В примере: *Опам айтган ашула ҳаммага ёқди* – сочетание *опам айтган*, являясь законченным предложением, обладает всеми признаками, присущими придаточному предложению, что превращает всю конструкцию в сложное предложение.”

АН.Кононов 1960 йилдаргача шу фикрда бўлса, А.Ғуломов 1955 йилларда бу фикрдан (эга билан субъектни, кесим билан предикатни бир планга қўйиб ўрганишдан) қайтганга ўхшайди. Бунинг далили сифатида А.Ғ.Ғуломовнинг “Содда гап” (1955) китобини келтиришимиз мумкин. Бу китобнинг “Аниқловчи” бўлимида, биринчидан, аниқловчи гап эслатилмайди, иккинчидан, аниқловчи гап сифатида берилган бой мисоллар четлаб ўтилиб, уларнинг гап ёки ёйиқ аниқловчи эканлиги айтилмайди (иккиланиш бўлса керак), учинчидан, аниқловчи гап деб берилган мисолларга ўхшаш баъзи бир мисоллар дастлабки ишларда ёйиқ аниқловчи сифатида кўрсатилади. Масалан, *Китобни келтираётган бола* типигаги мисолларда *китобни келтираётган* аниқловчи деб олинади. *Сиз айтган* бирикмаси билан *китобни келтираётган* бирикмаси субъектнинг бор-у йўқлиги билан фарқ қилади. Балки шунинг учун ҳам А.Ғуломов *китобни келтираётганни* аниқловчи дегандир.

Ўзбек тилининг анъанавий синтаксисига бир эгага эргашувчи бир қанча кесимлари бўлган қурилмалар уюшиқ кесимли содда гап ҳисобланади. Ф.Камол бу традицион фикрни фақат қисман маъқуллаб, бир қанча кесими бўлган конструкцияларни иккига бўлиб ўрганади. Чунончи, “...эгаси умумлашган гапларнинг кесимлари ёнма-ён келса, кейинги кесим составсиз бўлиб, у кенгайтирилмаса ва махсус эга билан таъминланмаса, ундай гапларни уюшиқ кесимли содда гаплар жумласига киритиш мумкин. Бундай ҳолларда гапнинг эгаси кўпинча кишилиқ олмошларидан бўлиб, кейинги кесимни ўзига хос эга билан birlikда

ифодалаш имконияти туғилмайди... Масалан, *Биз институтга борамиз, ўқиймиз ва ёзамиз ёки Улар институтга борадилар, ўқийдилар ва ёзадилар* каби.

“...кесимлари ёнма-ён келмасдан, кейинги кесим ўз составидаги сўзлар воситаси билан олдинги кесимдан ажратилса ёки у кесим махсус эга билан таъминланса, бундай гаплар кўшма гап характерига эга бўлади. Кейинги кесимларни ўзларига мансуб эга билан таъминлаш учун олдинги гапларнинг эгаси олмошдан бошқа сўз туркумларидан бўлиши шарт. Масалан, *Тоҳиржон институтга боради, турли бадиий асарларни қунт билан ўқийди, чиройли ҳикоя ва гўзал шеърлар ёзади* каби. Бу гапларнинг умумлашган эгаси *Тоҳиржон* бўлиши билан бир қаторда, кейинги кесимларнинг ҳар бирини ўзига хос эга билан таъминлаш мумкин: *Тоҳиржон институтга боради, у турли бадиий асарларни қунт билан ўқийди, ўзи ҳам чиройли ҳикоя ва гўзал шеърлар ёзади*. Келтирилган матнлардан кўринадики, Ф.Камол содда ва кўшма гапларни фарқлашда, бир томондан, эганинг ифодаланиши материални ҳисобга олса, иккинчи томондан, эга ва кесимнинг дистант ҳолатини, учинчи томондан кесимларни ўзига мос келувчи эга билан таъминлаш мумкин – мумкин эмаслигини назарда тутди. Лекин бир умумий эгага эргашувчи кесимларнинг морфологик тузилишига аҳамият бермайди.

Ф.Камолнинг бундай талқини 1955 йилдан кейин анъанага айланган, лекин ҳали тўла шаклланмаган кўшма гап синтаксиси таълимида туб ва кескин бурилиш эди. Чунки, олим кўшма гапни баҳолашда эга билан чекланиб қолмасдан диққатни кесим ва унинг тузилишига ҳам қаратилиши лозимлигини кўтариб чиққан. Ф.Камолнинг бу фикри ривожлантирилмади ва ўзбек тилшунослигида кўшма гап таълими эга марказида давом эттирилди.

1940-1950 йиллар бошида кўшма гапнинг белгилаш мезонини изланиш даври деб олинса, бу даврга хос икки асоснинг мавжудлигини кенг тарқалган, оммалашган эга асосини; йўл-йўлакай, ўта қатъиятсизлик билан ва қатор мустаснолар билан (“...кесимлари ёнма-ён келмасдан, кейинги кесим ўз составидаги сўзлар воситаси билан олдинги кесимдан

ажратилса ёки у кесим ўзига махсус эга билан таъминланса...” кесим асосини кўрамиз.

Биринчи йўналиш содда гап ҳақидаги таълимот билан асосланган ва у билан боғланган эди. Иккинчи йўналиш эса, биринчидан, йўл-йўлакай айтилган, содда гап ҳақидаги таълимотдан айрилган, ажратилган ҳолда илгари сурилган фикр. Иккинчидан, биринчи йўналиш (эга йўналиши) XX асрнинг ўрталарида беқиёс катга ютуқларни қўлга киритган Овropa тилшунослигининг гапнинг, албагта, икки таркибдан иборат бўлиши, эгасиз гапларнинг бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таълимоти билан, мантиқнинг ҳукм, албатта, икки бўлакли – субъект ва предикатдан иборат бўлишлиги, субъектнинг ҳокимлиги, предикатнинг тобелиги билан мустаҳкамланар эди. Шунинг учун ҳам ўзбек тили синтаксисини ўрганиш тараққиётида эга йўналиши бош йўналиш бўлди. Шу асосда устозларимиз Ғ.Абдураҳмонов, М.Асқароваларнинг ишларида қўшма гап ҳақидаги мукамал таълимот ишлаб чиқилди.

Қўшма гап масаласи ўзбек тилшунослигида биринчи марта илмий асосда Ғ.Абдураҳмонов томонидан чуқур ўрганилди. Қўшма ва содда гапларнинг ўзаро муносабати, фарқлари, қўшма гапнинг турлари, ҳар бир турнинг умумий, хусусий жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинади.

Боғланган қўшма гап, боғланган қўшма гап таркиби (компонентлари)ни бириктирувчи воситалар, боғланган қўшма гапнинг интонацион ва мазмун хусусиятлари, боғланган қўшма гап компонентларининг, худди эргаш гапли қўшма гапнинг компонентларидек пайт, сабаб, натижа, тўсиқсизлик каби муносабатларда бўлиши; эргаш гашш қўшма гап, унинг бош ва эргаш гапдан тузилиши, бош ва эргаш гапларнинг ўз табиатидан келиб чиққан хусусиятлар, бош ва эргаш гапларни бириктирувчи воситалар, гап қурилишида бош ва эргаш гапларнинг ўрни сингари умумий хусусиятлар қатор далиллар асосида пухта, мукамал текширилади.

Ғ.Абдураҳмонов эргаш гапли қўшма гапни мазмунан дастлаб 13 турга бўлиб ўрганади: аниқловчи, тўлдирувчи, эга, кесим, пайт, ўрин, сабаб, шарт, мақсад, тўсиқсиз, натижа, равиш, қиёслаш эргаш гапли қўшма гаплар. Қиёслаш эргаш гапли қўшма гаплар эса ўз ичида учга бўлиб таҳлил қилинади: чоғиштириш, ўхшатиш,

миқдор-даража эргаш гапля қўшма гаплар. Шундай қилиб, эргаш гапли қўшма гапнинг 15 тури кўрсатилади.

Ғ.Абдурахмонов томонидан, юқоридагилардан бошқа, яна боғловчисиз қўшма гап, унинг компонентларини бириктирувчи воситалар, боғловчисиз қўшма гапнинг турлари, боғловчисиз қўшма гап компонентларининг мазмун (сабаб, натижа, шарт, тўсиқсиз каби мазмун) муносабатлари, мураккаб қўшма гап, унинг турлари сингари бир қанча масалалар атрофлича ўрганилиб, илмий асосда батафсил ёритилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ғ.Абдурахмонов бундан қарийб 49 йил илгари қўшма гапни шу даражада синчковлик билан ўрганганки, натижада қўшма гапнинг ҳеч кимнинг ақлига келмаган нозик томонларига ҳам аҳамият берган. Масалан, уюшиқ кесимли гаплар ҳақида ёзади: “Содда ва қўшма гапларни фарқлашда қийинчилик туғдирган ҳолат шундан иборатки, баъзи бир синтактик конструкцияларнинг таркибида фақат бир эга – субъект бўлишига қарамай, қўшма гап саналади, чунки бу хил конструкцияни ташкил этган қисмларнинг ҳам грамматик, ҳам семантик жиҳатдан ўзига мустақил эканлиги кўриниб туради; бу хил конструкцияни ташкил этган қисмларнинг ҳар бири маълум фикр тугаллигини ифодалайди, уларнинг предикативлик ва модаллик хусусиятлари бўлади.” Бу фикрда Ф.Камол томонидан эҳтиётлик билан кўтарилган, лекин кейинчалик ривожлантирилмаган қарашнинг давом эггирилишини кўриш қийин эмас, албатта. Муаллиф “Қўшма гап синтаксиси асослари” китобининг “Сўз боши” қисмида қуйидаги жуда тўғри фикрни олға суради: “Равишдош, сифатдош, шарт феъли формаларини эргаш гапни бош гапга боғловчи грамматик, восита сифатида талқин қилиш тўғри бўлмайди.” Лекин амалий таҳлилда эса бу фикрга изчиллик билан амал қилинмайди.

М.Асқарова ишларида қўшма гапнинг ўрганилиши давом эттирилди. У қўшма гапларни боғланган, эргашган, боғловчисиз каби турларга ажратади. У эргашган қўшма гапларнинг турларшш белгилашда маълум аниқлик киритади. Олима Ғ.Абдурахмонов томонидан ажратилган эргаш гаплар турларидан фарқли ўлароқ ўхшатиш ва чоғиштириш эргаш гапларни



хам муайян тур сифатида беради, таснифда (эргаш гапларнинг турлари таснифида) бундан бошқа ўзгариш йўқ. Устоз олима мураккаб типдаги қўшма гаплар, боғловчисиз қўшма гаплар, уларнинг турларини синчковлик билан таҳлил қилади ва қимматли маълумот беради.

Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, А.Ғуломовларнинг эга марказида турган синтактик таҳлилларида яна қуйидаги ҳал қилувчи ҳолатларни қайд этиб ўтиш лозим:

1) қўшма гап бўлиши учун гапда икки ва ундан ортиқ эга-кесим маркази бўлмоғи лозим;

2) “боғланган” тушунчаси асосида тенг боғловчи, яъни “боғловчи туркумидаги тент боғловчи турига оид ёрдамчи сўз бор” мазмунида тушунилади.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг “эргаш” гапининг турини белгилашда мазмун-вазифа омилига таянилади. Бошқача қилиб айтганда, эргаш гап гап бўлагига ўтказилса (трансформация қилинса), у қандай бўлак ва унинг маъно турига айланса, шу асосда эргаш гапнинг тури аниқланади. Чунончи, буни қуйидаш жадвалда кўрсатши мумкин:

№	Эргаш гапли қўшма гап	Қўшма гапнинг трансформацияси	Қўшма гапнинг тури (атамаси)
1	<i>Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.</i> (Мақол)	<i>Бировга чуқур қазиганнинг ўзи шу чуқурга йиқилади.</i>	Эга эргаш гапли қўшма гап
2	<i>Бизда одат шундайки, уйга келган меҳмонга ҳам кўсак чувитамиз.</i> (Ойбек)	<i>Уйга келган меҳмонга ҳам кўсак чувитиш одатимиз.</i>	Кесим эргаш гапли қўшма гап
3	<i>Мен шундан қўрқаманки, орамизда ҳам иккиланувчилар бор.</i> (Ҳ.Ҳ.Ниёзий)	<i>Мен орамизда иккиланувчилар ҳам борлигидан қўрқаман.</i>	Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап
4	<i>Шундай ҳаёт туғилдики, у сенсиз яшнай олмайди.</i> (Ас.Мухтор)	<i>Сенсиз яшнай олмайдиган ҳаёт туғилди.</i>	Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап

5	Кунботир, димоғи чоғ бўлиб, Балқиён йўлига равона бўлди.	Кунботир димоғи чоғ бўлган ҳолда Балқиён йўлига равона бўлди.	Равиш эргаш гапли қўшма гап
6	У кучаниб қанча қаттиқ пуфласа, пилик шунча ловиллаб ёнарди. (Ойбек)	У кучаниб қаттиқ пуфлаган сари пилик ловиллаб ёнарди.	Ўлчов-дараж а эргаш гапли қўшма гап
7	Қуёш ҳавони иситса, дўстлик қалбни иситади. (Газетадан)	Дўстлик қалбни, қуёш ҳавони иситади.	Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплар
8	Гапни чўзишнинг ҳожати йўқ, сабабки одамлар тайёр. (АҚодор)	Одамлар тайёр бўлгаяи учун гапни чўзишнинг ҳожати йўқ.	Сабаб эргаш гапли қўшма гап
9	Ўтни ловуллатинг, токи батамом куйдирсин, кул қилсин душманимизни. (Ойбек)	Душманимизни кул қилиш, куйдириш мақсадида ўтни ловуллатинг.	Мақсад эргаш гапли қўшма гап
10	Холмурод очиқ турган мактаб эшигини берки - тишга борганда, ичкаридан овозлар эшитилди. (П.Турсун)	Холмурод очиқ турган мактаб эшигини беркитишга борган пайтда ичкаридаги овозларни эшитди.	Пайт эргаш гапли қўшма гап
11	Гулсум қаерда ўйнаса, Холмуроднинг кўзи ҳам, ўша ерда эди. (П.Турсун)	Холмуроднинг кўзи Гулсум ўйнаган жойда эди.	Ўрин эргаш гапли қўшма гап
12	Кўзим илгари очилган бўлса эди, мен ўз юрагимни бўриларга едирар эдимми? (Ойбек)	Содда гапга айлантириш мумкин эмас.	Шарт эргаш гапли қўшма гап
13	Соқчи ҳайдаса ҳам, Курашевич	Соқчининг ҳайдашига	Тўсиқсиз эргаш гапли

	қирғоқдан нари кетмади (Ас.Мухтор)	қарамасдан Курашевич қирғоқдан нари кетмади.	қўшма гап
1 4	Япроқлар шундай товланадики, кўзингиз қамашади. (Ойбек)	Япроқларнинг товланиши оқибатида кўзингиз қамашади.	Натижа эргаш гапли қўшма гап

Кўринадики, тобе эргаш гап вазифа жиҳатдан гапнинг кесими вазифасида келган сўзнинг синтактик ва маъновий бирикувчанлиги (валентлиги) нинг қайси аъзоси ўрнини эгалласа, шу аъзо номи билан айтилади. Бунда ҳол маъно турларининг фарқланиши сақланади, тўлдирувчи, ва аниқловчиларни турларга ажратишда изчиллик давом эттирилмайди. Бунинг сабаби шундаки, тўлдирувчи ва аниқловчининг содда гап синтаксисид а ажратилиш асослари маъновий омилга эмас, балки шаклий, грамматик (морфологик) омилга таянади. Ҳолнинг турларини ажратиш эса маъновий асосда амалга оширилади.

Эргаш гап турларини аниқлашда вазифа омилига таяниш изчиллик билан давом эттирилмади. Акс ҳолда барча эргаш гаплар беш турга – эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳолга ажратилиши ва ундан кейин ҳар бирининг ўз ичидаги маъно тури аниқланиши лозим эди.

Ўзбек тилшунослигида эргаш гап турларини “эга бор ёки йўқ”лиги ва маъно омилларига таяниб ўрганиш 60-70 йилларда, умуман, қўшма гапларни ўрганишнинг манбаи бўлди. Бу соҳада Ғ.Абдураҳмонов, М.Асқарова, А.Азизова, Э.Азларов, Ф.Убаева, Э.А.Грунина, А.Коклянова, С.Равшанова, Х.Рустамов, Н.Турниёзов ва бошқа қатор олимларнинг ишларини тилга олиб ўтиш зарур. Бу тадқиқотларда ўрганиш манбаи қилиб олинган қўшма гапларнинг ифодаланиш турлари ва воситалари, уларда эга ва кесимнинг ифодаланиш шакл ҳамда воситалари, тобе гапнинг бош гапга боғланиш қонуниятлари энг нозик хусусиятларигача баён ва тавсиф этилди. А.Бердиалиев 80- йилларга келиб, қўшма гап синтаксисига янги йўналиш – систем йўналиш таҳлили усулларини изчил равишда тадбиқ

этишга уринди. А.Бердиалиев қўшма гап синтаксиси соҳасига систем тилшуносликнинг ўхшашлик (парадигматика), синтактик зиддиятлар (синтактик оппозиция) каби тушунчаларни олиб кирди.<sup>127</sup> Лекин қўшма гапларни ажратиш ва уларни тасниф этиш асосларини А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова ишларида кўриш мумкин. 80-йилларда шаклланган ва юқорида кўриб ўтилган ажратиш асослари ва тасниф меъёрлари ўтган аср охирига қадар сақланди.

## Savol va topshiriqlar

1. Qo'shma gapning xususiyatlarini bayon qiling.
2. Qo'shma gapda MKSH haqida gapiring.
3. Qo'shma gapda NKSH haqida gapiring.
4. Intonatsiya, grammatik shakl va mazmun mutanosibligi qanday?
5. Qo'shma gapda sintaktik aloqa qanday?
6. Қўшма гапнинг ўрганилиш тарихини баён қилинг.

## QO'SHMA GAP TURLARI

### Tayanch tushunchalar

*tasnif, tasnif asosi, ma'noviy tasnif, struktur tasnif, sintaktik aloqa, [WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>], [WP<sub>m</sub> → WP<sub>m</sub>], [WP<sub>m</sub> ↔ WP<sub>m</sub>], bog'lovchi vosita, ma'nodoshlik va vazifadoshlik, tarkibiy qism, ma'noviy munosabat, funksional munosabat, irreallik*

**Qo'shma gap tasnifi asoslari.** Lisoniy birlik serqirra mohiyatli bo'lganligi bois kamida ikkita paradigmaga kiradi. Shu sababli biror butunlikka kiruvchi lisoniy birlikni kamida ikki tomondan tasniflash mumkin bo'ladi.

Qo'shma gap ham lisoniy birlik sifatida murakkab tabiatli bo'lib, bu murakkablik uning lisoniy sathda tutgan o'zni, tarkibidagi sodda gapning grammatik shakli va bog'lovchi vositalari hamda mazmuniy munosabatining


<sup>127</sup> Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкциялари омонимиясининг баъзи масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1986, –№ 6.–Б. 72-77; Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик- сигнификатив парадигматика. –Тошкент: Фан, 1989; Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним модели эргаш гапли қўшма гаплар. – Тошкент: – Фан. 1990; Бердиалиев А. Ўзбек тилининг парадигматик синтаксиси. Схемалар ва программа. –Ленинобод, 1990; Бердиалиев А. Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гапларида синтактик алоқа ва носинтактик муносабатлар. –Тошкент.: ТошДУ нашри, 1993.

rang-barangligi bilan belgilanadi. Shuningdek, qo'shma gap turlarini xilma-xil asoslarda turlicha tasniflash mumkin bo'ladi. Tasnif asosining aniqligi va izchil amalga oshirilishi masala mohiyatini oydinlashtirishda juda muhim.

Qo'shma gapning ma'noviy va struktur tasnifi ko'p holda o'zaro farqlanadi.

Formal sintaksis qo'shma gap tasnifida ko'p hollarda ularning nutqiy belgi-xususiyati, zohiriy alomatiga tayanadi. Substansial sintaksis tasnifi esa qo'shma gapning lisoniy mohiyatidan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi.

Qo'shma gap, avvalo, sodda va uyushgan gapdan o'z qurilish usulining boshqachaligi bilan farqlanadi. Demak, umumiy lisoniy mohiyat sifatida gaplar qurilish qolipiga ko'ra dastlabki tasnifda uchga bo'linadi. (Tasnifda gaplarning eng kichik qurilish qolipiga tayanamiz).



Bunda, aytilganidek, sodda va qo'shma gap tasnifning chekka, uyushgan gap oraliq vaziyatini egallaydi.

Qo'shma gap ham, o'z navbatida, qolipning tur va ko'rinishiga ega bo'ladi.

$[WP_m-WP_m]$  umumiy qolipining yuzaga chiqish turini, umumiy qolip bilan nutqiy ko'rinish orasidagi turli bosqichdagi oraliq qolipni aniqlash me'yori, belgi va mezonlarni muayyanlashtirmoq lozim bo'ladi.

Ma'lumki, qo'shma gapning tur va ko'rinishini o'rganishda sodda gapning eng kichik qolipi asos qilib olingan. Sodda gapning eng kichik qolipi  $[WP_m]$  dan iborat bo'lsa, mantiqan qo'shma gapning qurilish qolipi

$[W_1P_{m1}-W_2P_{m2}-W_3P_{m3} \cdot n]$  dir.

Qo'shma gapning lisoniy qolipi  $[W_1P_{m1}-W_2P_{m2}-W_3P_{m3} \cdot n]$  ekanligini nazarda tutgan holda qo'shma gapning eng kichik qolipi uchun  $[WP_m-WP_m]$  ramzidan foydalaniladi.

Qo'shma gapning voqelanish usullarini belgilashda uch ko'rsatkichga tayaniladi:

1)  $[WP_m]$  larning egasi (E) bor-yo'qligiga, bir xil yoki boshqa xil ekanligiga;

2)  $[WP_m]$  lar tarkibidagi  $[W]$ ning xususiyatiga ( $W$  larning bir xil yoki boshqa-boshqa bo'lishi, bir xil yoki har xil so'z turkumi bilan ifodalanishiga) ko'ra;

3)  $[WP_m]$  tarkibidagi  $[P_m]$  larning bir xil yoki qisman bir xil ekanligiga ko'ra.

$[WP_m-WP_m]$  qolipining to nutqiy muayyan gaplargacha bo'linishlarini bundan boshqa o'lchov asosida ham berish mumkin. Masalan, ikkita  $[WP_m]$  ning bog'lanish usuli va yo'li,  $[WP_m-WP_m]$  umumiy qolipining turli xil ko'rinishida tarkibiy qismlarining bog'lanish xususiyati va ularni bog'lovchi vositalar, qo'shma gap tarkibiga kirayotgan har bir  $[WP_m]$  da to'liq o'xshash, qisman o'xshash, yaqin va zich a'zoning bo'lish-bo'lmasligi, birinchi  $[WP_m]$  tarkibida ikkinchi  $[WP_m]$ ga ishora qiluvchi vositaning bor-yo'qligi,  $[WP_m]$  tarkibida nisbiy, bir-birini taqozo qiluvchi unurning bor-yo'qligi kabilar shular jumlasidan.

**Ega (E)ga ko'ra  $[WP_m-WP_m]$  turlari.** Qo'shma gap bir umumiy egali va ikki xususiy egali qurilmaga bo'linadi:

a) bir egali qurilmaning qurilish qolipi  $[E (WP_m - WP_m)]$  ko'rinishida bo'ladi: *Men yanglishmayman, balki qanoatlanib so'zlayman.* (A.Qod.).

b) ikki egali qurilmaning qurilish qolipi  $[(E_1 - WP_{m1}) + (E_2 - WP_{m2})]$  ko'rinishida bo'ladi: *Bunda bulbul kitob o'qiydi, Bunda qurtlar ipak to'qiydi.* (H.Olim.).

**$[W]$ ga ko'ra  $[WP_m-WP_m]$  turlari:** a) bir xil  $W$  li qurilmalar.  $WP_m-WP_m$ ning bu turi bir necha ko'rinishda bo'ladi:

1a)  $[W]$  lari bir xil so'zdan: *Siz so'zlamasangiz, men so'zlamoqchi edim.* (A.Qod.);

1b)  $[W]$  lari bir xil turkumdan: *Endi ortiq turma, tinch o'tir.* (A.Qod.).

2a) har xil  $[W]$  li qurilma. Bunda  $[W]$  lar turli turkumga oid so'z bilan ifodalanadi: 1. *Yoki mening ko'nglim hamma vaqt yosh, Yoki senga chiroy umrbod yo'ldosh.* (M. Bob.) 2. *Yana nima balo ismlari bor, tilim ham kelishmaydi.* (Oyb.)

**$[P_m]$ ga ko'ra  $[WP_m + WP_m]$  turlari:**

a) bir xil  $[P_m]$  li qurilmalar: *Xotinim bordi, keldi.* («Musht.»);

b) har xil  $[P_m]$  li qurilmalar: *Qaraysanmi, qaray qolgin.* («Musht.»)

Demak, gap markazini shakllantirishda muhim rol o'ynaydigan  $[P_m]$  qo'shma gap tarkibidagi sodda gapda bir xil ham, har xil ham bo'lishi mumkin. Shunday hol ham bo'ladiki,  $[P_m]$  umumiy – bitta bo'lishi ham mumkin. Bunda

endi qo'shma gap emas, balki uyushgan gap vujudga keladi. Ma'lumki,  $[WP_m+WP_m]$  qolipida  $[P_m]$  tarkibi har xil bo'lgan hollarda o'zbek tilining tabiati uni qavsdan chiqarish imkonini beradi. Chunki o'zbek, umuman, turkiy tillarda, bir necha so'zlar uyushganda umumiy shakl oxirgi so'z tarkibida kelishi qonuniyatiga tayansak, bunday gaplarning qolipi  $[(W,W)P_m]$  ko'rinishida bo'ladi. Misollar: 1. *Kelgan, ketgan edim.* 2. *Men o'qigan, yozgan edim.*

Kesimlarning har biriga ega qo'yilishi bilan ular uyushgan gapga aylanadi: 1. *Men kelgan, Jamshid ketgan edi.* 2. *Men o'qigan, sen yozgan eding.*

Har bir kesimni shakllantirish bilan uyushgan gap qo'shma gapga aylanadi: 1. *Men kelgan edim, Jamshid ketgan edi.* 2. *Men o'qigan edim, sen yozgan eding.*

Susbtantsial tilshunoslik uqtirishicha, har bir lisoniy birlik ongimizda ma'lum bir shakl va mazmunning barqaror yaxlitligi sifatida yashaydi va xususiy hodisa sifatida nutqqa chiqadi. Bu nutqiy ko'rinish behisob miqdorga ega. Biroq ular bilan lisoniy birlik (umumiylik) orasida tipik ko'rinish mavjud bo'ladi. Yuqoridagi  $[WP_m-WP_m]$  tipik ko'rinish  $[WP_m, WP_m]$ ,  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  va  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  oraliq ko'rinishlari orqali nutqiy gapga aylanadi.

Qo'shma gap tarkibiy qismlari o'zaro bog'lovchi yoki bog'lovchi vazifasidagi so'z vositasida yoki mutlaqo ularsiz bog'lanadi. Bundan kelib chiqqan holda, qo'shma gaplarni bog'lovchili va bog'lovchisiz qo'shma gapga ajratish mumkin bo'ladi. Bog'lovchili qo'shma gap grammatik vosita bilan bog'langan qo'shma gap, leksik-grammatik vosita bilan bog'langan qo'shma gap va leksik vosita bilan birikkan qo'shma gapga ajraladi. Qo'shimchani funksiyasiga ko'ra teng bog'lovchili va ergashtiruvchi bog'lovchili bog'langan qo'shma gap farqlanadi.

Qo'shma gap tarkibida sodda gapning o'zaro munosabati asosida ham qo'shma gapni tasniflash mumkin. Mazmun, grammatik va intonatsion munosabati nuqtayi nazaridan qo'shma gap quyidagi turlarga bo'linadi:

1) tarkibidagi sodda gap bir-birini mazmun va grammatik jihatdan taqozo etadigan qo'shma gap: 1. *Kunlar isidi va paxtalar yana qiyg'os ochildi.* 2. *Yovlariga osmon tutundir, shuning uchun bag'ri butundir.* (H.Ol.) 3. *Agar dunyoning narigi burchiga sizni opichlab borishga to'g'ri kelsaydi, men sevina-sevina bajarardim.* (Oyb.) 4. *Men shunday bir ish qildimki, o'lgunimcha bundan faxrlanaman;*

2) tarkibidagi gaplar bir-birini mazmuniy va intonatsion taqozo etadigan, biroq grammatik jihatdan talab qilmaydigan qo'shma gap: 1. *Biz yetib keldik, kutubxona ochildi.* 2. *Menga pul kerak, qayerdan olaman?* (Oyb.) 3. *Siz ishonmayapsiz, ishonmaysiz ham.* 4. *Endi men bir jumboq aytaman, sizdan javob kutaman.*

3) tarkibidagi gaplar bir-birini na mazmuniy, na grammatik taqozo etadigan, biroq intonatsion yaxlit bo'lgan gap: 1. *U otasini uyga tortdi, ukasi sekin qayrildi* (S.Nur). 2. *Bahor keldi, yoz ham kelib qoladi.* 3. *Sen o'z ishingni qil, men o'z ishimni.*

Xullas, qo'shma gapning o'zi kabi uning tasnifi ham turli-tuman.

**Qo'shma gapning lisoniy qurilishiga ko'ra tasnifi.** Qo'shma gapning umumiy lisoniy qolipi  $[WP_m-WP_m]$  bo'lib, u quyidagi yana uchta oraliq ko'rinishga ajraladi:

$[WP_m, WP_m]$ ,  $[WP_m \rightarrow WP_m]$ ,  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$

Bu oraliq ko'rinishlar bir qarashda an'anaviy bog'lovchisiz, ergash gapli va bog'langan qo'shma gaplarning ramziy ko'rinishidek tasavvur uyg'otadi. (Masalan, *Bahor keldi va gullar ochildi* –  $[WP_m, WP_m]$ , *Bahor kelsa, gullar ochiladi*  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  va *Bahor kelsa va gullar ochilsa* –  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  kabi). Aslida bu qurilish qoliplari qo'shma gap tarkibidagi sodda gapni bog'lovchi vositaga ko'ra emas, balki qo'shma gap tarkibidan chiqarilganda mustaqil qo'llana olish-olmaslik belgisi asosida amalga oshirilgan. Bunda, albatta, asos sifatida kesimlik turlari – MKSh va NKSh ga tayaniladi.

Demak, qo'shma gaplarning lisoniy struktur turlarini belgilashda asosiy omil – qo'shma gap tarkibidagi to'liq shakllangan sodda gaplarning o'zaro munosabati va sodda gapning har birining nutqiy jarayonda qo'shma gap tarkibida voqelangan ma'nolari bilan qo'llana olish yoki qo'llana olmasligi belgisi.

**$[WP_m, WP_m]$  tipik ko'rinishli qo'shma gap.**  $[WP_m, WP_m]$  qolipli qo'shma gapning mohiyati shundaki, uning tarkibiy qismi bo'lgan sodda gap kesimining har biri mustaqil shakllangan bo'lib, ularni osongina alohida sodda gapga aylantirib yuborish mumkin: 1. *Men seni o'ylayman, shuni bilasanmi?* (X.To'xt.) 2. *Borish kerak, borish kerak.* (X.To'xt.) 3. *Yigitni uchratish kerak, haytovur sovib qolgandir.*(N.Til.) 4. *Men seni deymen, lekin sen kimni deysan?* (S. Nur.)

$[WP_m, WP_m]$  tipik ko'rinishli gaplarda mustaqil kesimlik



shakli (MKSh)dagi gaplar birlashtiriladi. Birlashish intonatsion va mazmuniy omil asosida, ko'p hollarda bog'lovchi vositasida amalga oshiriladi.

[WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] tipik ko'rinishli qo'shma gapni tashkil etuvchi sodda gap orasida turli ma'noviy munosabat mavjud bo'ladi. Masalan, mazkur qolip asosidagi *O'qituvchi keldi, dars boshlandi* gapida quyidagi rang-barang munosabatlari bor:

- a) uzilishli birin-ketinlik;
- b) uzilishsiz birin-ketinlik;
- d) payt munosabati;
- e) natija munosabati;

f) sabab munosabati va hokazo. Bu munosabat har bir gapning tarkibidagi [W] va [P<sub>m</sub>] lar, qo'llangan bog'lovchi vositaning ma'no va vazifalari bilan bog'liq, bevosita sintaktik strukturaga daxldor emas. Chunki bir fikrni turli sintaktik shaklda, turli fikrni bir sintaktik shaklda berish mumkin bo'ladi.

Demak, [WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] tipik ko'rinishining umumiy xususiyatini quyidagicha belgilab olamiz: [WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] bu mustaqil sodda gap sifatida qo'llana oladigan birdan ortiq gapning nutqda ma'lum bir bog'lovchi vosita bilan o'zaro bog'lanishi va bitta tugal ohangga, bitta gap to'xtamiga ega bo'lishi. Ma'lum bo'ladiki, [WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] [WP<sub>m</sub>-WP<sub>m</sub>] umumiy qolipining oraliq bir ko'rinishi sifatida lison va nutqqa daxldor bo'ladi. [WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] tipik qurilishli gap [W] va [P<sub>m</sub>], shuningdek, (S) xususiyatiga ko'ra farqlanadi.

[WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] tipik ko'rinishli gapni ular kengaytiruv-chilarining xususiyati (tuzilishi, ifodalanishi), bog'lovchi vositalarining xossalari asosida ham yanada kengroq va batafsilroq tavsiflash mumkin.

[WP<sub>m</sub> → WP<sub>m</sub>] tipik ko'rinishli qo'shma gap. [WP<sub>m</sub> → WP<sub>m</sub>] tipik ko'rinishli gapda har ikkala sodda gap ham shakllangan [P<sub>m</sub>]ga ega bo'lsa-da, birinchi gapning markazi mustaqil sodda gap kesimi (MKSh) bo'la olmaydi. U hamisha tobe gap markazini shakllantiruvchi vosita sifatida o'z mazmunini namoyon qilish uchun o'zidan keyin mustaqil holda namoyon bo'la oladigan, voqelanishi uchun oldingi gapga ehtiyoj sezmaydigan gap bo'lishini taqozo qiladi. Boshqacha aytganda, bu tipik ko'rinishli gap tarkibidagi oldingi sodda gapning kesimi NKSh bilan, keyingisi MKSh bilan shakllangan bo'ladi: 1. *Firuz toshli uzukni olar ekan, Saidaxonning ko'zlari quvonchdan yaltirab ketdi.* (S.Ahm.) 2. *Dilshoda guruchni endi tuzlagan ham ediki, ichkaridan Anvar*

*chiqib keldi. (A.Qod.) 3. Botirjon telefonda endi gaplashib bo'luvdiyam, choy ko'tarib Qirmizxon kirib keldi. (N.Amin.) 4. Havo ochilsa, aylanishga boramiz. (S.Nur.) 5. Unga ustozini chin dildan «barakalla», «barakalla» desa, Aziz ko'nglida to'lib turgan niyatini ham aytadi. (S.Ahm.)*

Bu gaplarning barchasidagi birinchi sodda gap mustaqil qo'llana olmaydi, qo'llanganda ham ushbu qo'shma gap tarkibidagi ma'noni bera olmaydi. Keyin turgan sodda gap esa bunday emas.

[WP<sub>m</sub> → WP<sub>m</sub>] turli qo'shma gap tarkibidagi nomustaqil kesimni hosil qiluvchi turli-tuman vosita bor. Nomustaqil kesim shaklining o'zbek tilidagi tipik vakili shart mayli qo'shimchasi *-sa* dir. Masalan, *Men o'qisam, u eshitadi* gapida *U eshitadi* gapi o'z holicha mustaqil sodda gap bo'lib kela oladi, *Men o'qisam* qismi esa qo'shma gap tarkibidan tashqarida shu holicha mazkur mazmuni bera olmaydi.

*-sa* qo'shimchasi bilan shakllangan kesimli gap mustaqil qo'llanaverishi ham mumkin. Masalan: 1. *Avra-astarini ag'darib mohiyatiga nazar tashlasangiz. (S.Az.)* 2. *Qishloqqa borsam. (A.Qah.)* 3. *Vatangadolikning men tortmagan azob-uqubati, ozori bo'lmasa kerak. (S.Az.)* 4. *Nahotki, o'ldirsalar. 5. Menga, Iskandariyadagi mashhur devonaga, Berlindan telegramma kelsa bo'ladimi? (S.Az.)* 6. *Qani, hey Mamadali, gapirsang-chi.. (A.Qah.)* Ushbu gaplarda *-sa* shart mayli qo'shimchasi istak, achinish, sevinch, qistash kabi ma'noviy bo'yoqlarga ega. Bu gaplar o'zidan keyin keluvchi gaplar bilan mazmunan bog'lanib, matn yaxlitligini ta'minlashga xizmat qiladi. Shu kabi gaplar qanchalik mustaqil qo'llana olmasin, baribir o'zidan keyin qandaydir qurilmalarning bo'lishini taqozo qiladi. Masalan, – *Uyga qaytsam. Nima deysiz? – Yaxshi bo'lardi* kabi.

*-sa* biriktiruvchi unsur sifatida quyidagi mazmunning ifodalanishiga sabab bo'ladi:

a) payt: *Borsam, joyi gulzor ekan, ko'rsam o'zi jonon ekan. (Qo'shiqdan);*

b) to'siqsizlik: *Alisher Navoiy dunyodan o'tgan bo'lsa, uning asarlari tirik;*

d) shart: *Sen bo'lmasang, gullar kulmaydi, sen bo'lmasang, bo'lmaydi bahor.*

*-sa* unsuri tobelik vositasi sifatida ko'p hollarda ergash gapning kesimini shakllantiradi (yuqoridagi misollar). *Mehmonlarni jo'natdik, endi tarqalsak* gapidagi bosh gapni, *Mehmonlar kelsa, men ketsam* gapida ergash gapni ham,

bosh gapni ham shakllantirgan.

*-sa* unsurining qo'shma gap tarkibida shart mazmunini ifodalashi bir xil emas. *-sa* shaklli ba'zi gapda shart mazmuni kuchli bo'lsa, ba'zilarida kuchsiz namoyon bo'ladi. Shart ergash gapli qo'shma gapda shart ma'nosi o'ta kuchli bo'ladi: *Siz bo'lmasangiz, men yashay olmayman*. Boshqa ergash gapli qo'shma gaplarda shart ma'nosi boshqa ma'nolar «soya»sida juda kuchsizlanadi: 1. *Aytsam, ko'nmadi*. 2. *Chaqirsam, eshitmadi*. 3. *Dutor chalib o'tirsam, tori uzilib ketdi*. 4. *Kim gapirsa, o'sha aybdor sanaladi*.

Ko'rinadiki, *-sa* shart mayli shakli faqat shart ergash gapli qo'shma gap uchungina xizmat qilmaydi.

*-(a)r+di* shakli ham  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  tipik ko'rinishidagi gapni hosil qiladi. Bu shakl ko'p hollarda *-ar edi* ko'rinishida keladi.

*-(a)r+di* shakli qo'shma gap tarkibidagi sodda gap kesimini shakllantirganda ikki xil vazifa bajaradi: *Halim o'qirdi* gapida fe'lning zamon shakli vazifasida kelgan. *Halim o'qirdi, ukasi qo'ymadi* gapida esa *-(a)r+di* «o'qigan bo'lardi» ma'nosini voqelantirishi uchun keyingi gap zarur. Demak, bunday holda *-(a)r+di* bog'lash, tobelash vazifasini bajarmoqda. Ko'rinadiki, *Halim o'qirdi, ukasi qo'ymadi* gapi omonimik tabiatga ega.

Ya'ni:

*Halim o'qirdi,  
ukasi qo'ymadi.*

*Halim har kuni o'qir edi, bugun  
esa ukasi qo'ymadi.*  
 $[WP_m, WP_m]$

*Halim o'qigan bo'lur edi, ukasi  
o'qigani qo'ymadi.*  
 $[WP_m \rightarrow WP_m]$

*-(a)r ekan* shakli qo'shma gapning  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  tipik ko'rinishining ham nomustaqil kesimini shakllantiradi. Misol: *Davron papirosini og'ziga keltirar ekan, qo'li hayajondan qaltirardi*. *-(a)r ekan* shakli  $[WP_m, WP_m]$  qolipli gaplar uchun ham xizmat qiladi: *U kelar ekan, demak, mening bormaganim ma'qul*.

*-(a)r* shakli qo'shma gapning  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  tipik ko'rinishi hosilalari tarkibida kelganda quyidagi ma'nolarni ifodalaydi:

a) shart: *Agar ana shu ishga munosib hissa qo'shar*

*ekanman, xalq ishonchini oqlagan bo'laman.*(Sh.Rash.);

b) payt: *Jannat xola begona betob bola tepasida o'tirib, o'z bolasini o'ylarkan, ko'zlaridan dumalab tushayotgan achchiq yoshlari ajinli yuzlarini kuydirardi.* (S.Ahm.);

d) sabab: *Kechani kecha, kunduzni kunduz demay ter to'kar ekanmiz, turmushimiz ham farovon bo'lishi shart.* (Sh.Rash.).

-*gan edi* shakli, odatda, [WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] qolipli gaplarni ham hosil qiladi. Chunki bu ham omonimik tabiatli shakl. Lekin uning tarkibiga boshqa birlik kiritilishi bilan qo'shma gap a'zolari orasidagi tenglik munosabati so'nib, tobelik munosabati vujudga keladi. Masalan, *Qopqon tomonga burilgan edi, baqiriq-chaqiriq boshlandi* gapi [WP<sub>m</sub>, WP<sub>m</sub>] va [WP<sub>m</sub> → WP<sub>m</sub>] qolipiga tushadi.

-*gan ham edi.* *Ergash ko'ringan ham edi, bolalar yugurishdi.* (S.Nur.).

-*gan edi hamki:* *Arz qilishga og'iz juftlagan edi hamki, kulimsirab turgan Burgut polvonga ko'zi tushdi.* (S.Ahm.).

-*ganda edi:* *Bizning duomiz ijobat bo'lganda edi, hammamiz sevinardik.* (A.Shorah.).

Keltirilgan misollarning barchasida gaplarning birinchi qismlari ikkinchi qismlarining kelishini talab qiladi.

-(*i*)*b edi* shakli ham ayrim hollarda [WP<sub>m</sub> → WP<sub>m</sub>] tipini vujudga keltirishda ishtirok etadi: *Shu kuni endi ko'chaga chiqib edi, Zunnun boshliq besh nafar bola poylab turgan ekan.* (M.Ism.)

*deb* vositasi: 1. *Xolmurod Gulsunning o'qituvchisini ko'rsam deb, deraza orqasidan sekin qaradi.* (P.Turs.) 2. *Bolalar ovqatlanamiz deb, birdan shiypon tomon yo'l oldilar.* (H.Naz.)

Qo'shma gapning [WP<sub>m</sub> → WP<sub>m</sub>] tipik ko'rinishi hosilalari tarkibiy qismlari uchun nafaqat qo'shimcha, balki ularga ko'makchi maqomidagi nisbiy so'zlar ham muhim: 1. *Kim ko'p ishlasa, ko'p haq oladi.* 2. *Kimki chindan sevsa yorini, umri hamisha bahor.* 3. *Har kimki vafo qilsa, vafo topqusidir, Har kimki jafo qilsa, jafo topqusidir.* (Bob.) 4. *Gulnora qachon kelsa, Jahongir hozir-u nozir.*

Ko'rinadiki, qo'shma gap tarkibiy qismlarining hokim-tobelik munosabatini namoyon qilishda nisbiy so'z nomustaqil kesimlik shakliga qo'shimcha vositadir.

Qo'shma gap tarkibiy qismlari inversiya holatida ham bo'ladi: 1. *Borishim kerak, aytmasa ham.* Bunday gaplar qo'shma gapning [WP<sub>m</sub> ← WP<sub>m</sub>] qolipi ham mavjudligidan

dalolat bermaydi, balki ular  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  tipik ko'rinishining nutqiy xoslangan mahsuli. Demak, qo'shma gapning ko'p hosila beruvchi tipik qolipidan biri  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  dir. Bunda birinchi gap kesimi shaklan va mazmunan ikkinchi bir gapga ehtiyoj sezadi, lekin aksincha emas.

Tobelik munosabatini ta'minlashda sof nomustaqil kesimlik shakli ham, omonimlik kesimlik shakllari ham xizmat qiladi.

Nisbiy so'zlar nomustaqil kesimlik shakllarining vazifasini mustahkamlovchi vositadir.

$[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  tipik ko'rinishli qo'shma gap.  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  umumiy ko'rinishli qo'shma gapni tashkil etuvchi sodda gap kesimining biri ikkinchisini, ikkinchisi birinchisini taqozo qiladi. Ikkalasing ham kesimi NKSh hisoblanadi. Boshqacha aytganda, bu sodda gap qo'shma gapdan anglashilgan mazmuni ifodalash uchun bir-biriga ehtiyoj sezadi: 1. *O'zi so'rasa ekan, men aytsam.* (P.Tur.) 2. *Agar suv bo'lsami, hosilga hosil qo'shildirdi.* (Sh.Rash.) 3. *Agar Bozor o'qiganda edi, momosining orzusi ushalgan bo'lur edi.* (N.Ilh.) Bunday qo'shma gap tarkibidagi sodda gaplarni mustaqil qo'llash mumkin. Lekin ular mustaqil qo'llanganda, butunlay boshqa ma'no yuzaga chiqadi: 1. *Halim biznikiga kelardi* (o'tgan zamon davom fe'li – *Tez-tez kelib turar edi* ma'nosida). 2. *Biz birga borardik* (o'tgan zamon davom fe'li – *Birga borib turar edik* ma'nosida). Ammo gaplar ushbu kesimlik shakllarini o'zgartirmasdan birlashtirilib, qo'shma gap hosil qilinsa, *Halim biznikiga kelardi, biz birga borardik* (Mazmuni: *Halim biznikiga kelsa edi, biz birga borgan bo'lur edik*) va gap kesimlari  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  ko'rinishidagi birikuvni hosil qiladi.

$[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  tipik ko'rinishli qo'shma gaplarning kesimlarini shakllantiruvchi vositalar kam miqdorni tashkil etadi:

I. a) birinchi qismda *-sa*, ikkinchi gap kesimida *-(a)rdi* shakli keladi: 1. *Oyi, havo ochilib ketsa, birga daryo bo'yiga borar edik.* (M.Saf.) 2. *Yoz kelsa, bitta asbobni olib, boshqa yurtlarga ish qidirib ketardi.* (P.Turs.);

b) birinchi gap kesimida *-sa ekan*, ikkinchi gap kesimida *-sa* shakli keladi: 1. *Otam bo'lsa ekan, men endi yursam.* (F.Yo'ld.) 2. *Yoz bo'lsa ekan, daryoda cho'milsang.* (S.Nur.);

d) birinchi gap kesimida *-sa+mi*, ikkinchi gap kesimida *-ardi* shakli keladi: 1. *Bo'z o'tlarning ming-ming yillardan buyon chirib yotgan ildizlari bu yerlarni o'g'itlab, semirtirib*

*yuborgan, agar suv bo'lsami, tog'-tog' hosil bitardi.* (Sh.Rash.). Ba'zan *-mi* yuklamasi *-sa* shakliga bevosita qo'shiladi: 1. *Mabodo uning qo'lidan yetaklasa bormi, mushkuli osonlashib, ahvoli yengillashardi.* (A.Qah.). 2. *G'ing desa bormi, jonini sug'urib olardi.* (S.Nur.).

e) birinchi gap kesimida *-sa edi*, ikkinchi gap kesimida *-(a)rdi* shakllari keladi: 1. *Onam bo'lsa edi, qishlog'imga ketardim.* (Oyb.) 2. *Agar Bozorning aqli bo'lsa edi, menga, senga o'xshash kambag'allar bilan maslahat qilar edi.* (S.Ayn.)

f) birinchi qismi *-sa* va ikkinchi qismi *-ma+sin ekan* shakli bilan keladi: 1. *Yetim qoladigan bo'lsa, onadan tug'ilmasin ekan.* (P.Tolib.) Bu shakllar bilan qo'llangan gap, asosan, shart, istak, ishonchsizlik, shart-istak kabi ma'nolarni ifodalaydi.

Yuklamalar gap tarkibiga kirib qo'shma ma'no berish bilan birga, kesimlarning nomustaqilligini yanada kuchaytiradi:

a) *-u/yu* yuklamasi: *Ko'zim tezroq ochilsa-yu, bog'larni mayсалarni ko'rsam.* (Sh. Rash.)

b) *-da* yuklamasi: *Quvonchi ko'ksiga sig'masa-da, odob yuzasidan o'zini hazin tutishga tirishar edi.* (Oyb.)

d) *axir, nahotki* yuklamalari: 1. *Axir xotinim deb, bola-chaqam deb olov ichidan kelsa-yu, bu tantiq undan yuz o'g'irsa.* (S. Ahm.). 2. *O'g'li qahramon bo'lsa-yu, nahotki, undan shunday ish kelib chiqsa.* (S.Ahm.)

Yuklamalar qo'shma gapdan anglashilgan yuqoridagi shakllar ma'nosida taajjub, ta'kid kabi bo'yoqlarini orttiradi.

II. a) birinchi gap kesimida *-sin edi*, ikkinchi gap kesimi tarkibida *-(a)rdi* birliklari qo'llanadi: 1. *O'zi kelsin edi, aytardi.* (N.Til.) 2. *Keksa ovora bo'lmasin edi, o'zi berib kelardi.* (N.Til.)

b) birinchi qism kesimi tarkibida *-sin edi*, ikkinchi gap kesimi tarkibida *-sa* shakli keladi: 1. *Oltin-kumush qurib ketsin edi, hammaning oyog'iga to'kilaversa.* (Oyb.) 2. *O'zi borsin edi, ko'ngli to'lmasa.* (S.Nur.)

III. Birinchi gap kesimida boshqa shakllar, ikkinchi gap kesimida *-(a)rdi/-(a)r edi* shakli keladi: 1. *Men bo'lmasam, qo'yning yarmi yo'qolar edi.* (G'.G'ul.) 2. *Lekin hozir Gulorning gavdasini parchalab tashlasalar ham, og'riq sezmaganda bo'lur edi.* (Oyb.)

IV. Birinchi gap kesimi *-gan edi* birligi bilan, keyingisi boshqa birliklar bilan keladi: 1. *Agar bu ikki batalon bu yerdan ketmaganda edi, to'plar himoyasiz qolgan bo'lur edi.*

(L. Tols.)

Qo'shma gap tarkibida nisbiy so'z ishtirok etganda, sodda gaplar nomustaqillik kasb etgandek tasavvur uyg'otadi: 1. *Kim devorning narigi tomonida bo'lsa, u omon qoldi.* (R.Fay.) 2. *Qayer obod bo'lsa, o'sha yer mehrni tortadi.* 3. *Qushning tilini nechog'lik yaxshi bilsang, uni tutish shunchalik oson bo'ladi.* (Hamz.) Biroq bunda mazmuniy va shakliy nomustaqillik-mustaqillikni farqlash lozim bo'ladi. *Halim kelsa, u voqeani aytib beradi* qo'shma gapi shakliy jihatdan  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  tipik ko'rinishi hosilasi. Chunki birinchi gapni ikkinchisiz qo'llab bo'lmaydi. *Kim kelsa, u voqeani aytib beradi* gapining har ikkala qismi mazmunan bir-birini taqozo etadi, shaklan esa  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  qolipi mahsulida ham,  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  mahsulida ham nisbiy so'zlar ishtirok etadi. Ammo  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  qolipli gaplarda u mutanosiblikni kuchaytiradi, ammo uni hosil qilmaydi.

Demak,  $[WP_m - WP_m]$  umumiy qolipining ko'rinishidan bo'lgan  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  qolipi har ikkala uzvi kesimlarining ham nomustaqilligi bilan xarakterlanadi.

**123-§. Qo'shma gapning tarkibidagi bog'lovchi vositalariga ko'ra tasnifi.** Bu tasnif sof shakliy bo'lib, gap orasidagi ma'noviy bog'lanish qanday qo'shimcha (shakliy) vosita bilan ta'minlanishiga tayanadi. Bu asosga ko'ra qo'shma gapning quyidagi turlari ajratiladi:

- a) faqat ohang bilan bog'langan qo'shma gap;
- b) yuklamalar vositasida bog'langan qo'shma gap;
- d) teng bog'lovchilar vositasida bog'langan qo'shma gap;
- e) ergashtiruvchi bog'lovchilar vositasida bog'langan qo'shma gap;
- f) nisbiy so'zlar vositasida bog'langan qo'shma gap.

**Bog'lovchi vositalarning ma'nodoshligi va vazifadoshligi.** Qo'shma gaplarning bog'lovchi vositalarga ko'ra yuqorida berilgan 5 turi asosida ma'nodoshlik munosabati juda kuchli. Xususan, faqat ohang bilan bog'langan qo'shma gapda ifodalangan ma'noviy munosabat qo'shma gapning boshqa turi bilan ham berilishi mumkin. Biriktiruv bog'lovchilari yordamida bog'langan qo'shma gap va faqat ohang bilan bog'langan qo'shma gap sinonimiyasi juda keng. Qiyoslang: 1. *Bahor boshlandi, dalada ishlar qizidi.* 2. *Bahor boshlandi va dalada ishlar qizidi.*

**Qo'shma gapning tarkibiy qismlari orasidagi ma'noviy munosabatga ko'ra turlari.** Bu tasnifda qo'shma gap tarkibidagi qism (gap)lar o'rtasidagi ma'noviy munosabatga

asoslaniladi va ikkita muhim nuqtaga e'tibor qaratiladi:

1) qo'shma gap tarkibiy qismlari orasida qanday ma'noviy munosabat (masalan, payt, o'rin, sabab, birin-ketinlik, bir vaqtdalik, izohlash, qiyoslash va h.) ifodalanganligi;

2) aynan bir ma'noning turli yo'llar bilan ifodalanishi mumkinligi (yoki aksincha).

Shakl va mazmun munosabati nisbiy mutanosiblikda (ya'ni asimmetrik) bo'lganligi sababli qo'shma gapda polisemiya va omonimiya hodisalari kuzatiladi.

Jumladan, payt munosabatini ifodalashda quyidagicha sinonimiya hodisasini kuzatishimiz mumkin:

1. *O'qituvchi keldi, dars boshlandi.*
2. *O'qituvchi kelsa, dars boshlanadi.*
3. *O'qituvchi keldi-yu, dars boshlandi.*
4. *O'qituvchi keldi, shu zahoti dars boshlandi* va h.k.

Yoki shart shaklida bir nechta semantik munosabat ifodalanishi natijasida sintaktik polisemiya hodisasi kuzatilishi mumkin:

- a) payt ma'nosi – *Borsam, ukam yo'q ekan;*
- b) shart ma'nosi – *Ozodaxon kelsa, aytaman,*
- d) to'siqsizlik ma'nosi – *Aqidaxon kelsa ham, aytaman* va h.k.

Qo'shma gap tarkibiy qismlari orasidagi ma'noviy munosabatga ko'ra tasnifi bilan qo'shma gap qismlari orasidagi funksional munosabatlarga ko'ra tasnifi o'zaro bog'liq. Tom ma'noda bu tasnif tarkibiy qismlarini o'zaro bog'lashga xizmat qiluvchi bog'lovchining o'z ma'nolari bilan aloqador. Masalan, *agar* shart va payt ma'nolarini beradi.

Bog'lovchilar ma'nosi va gap semantikasi, juda ko'p holatda bog'lovchilarning o'zgarishi gaplararo o'zaro munosabatlarning qisman yoki butunlay buzilishiga olib keladi. Masalan, *O'qituvchi keldi, dars boshlandi* qo'shma gapi turli bog'lovchi bilan bog'langanda har xil munosabatni yuzaga keltirishi mumkin. Jumladan:

1. *O'qituvchi keldi, dars boshlandi.*
2. *O'qituvchi keldi, chunki dars boshlandi.*
3. *O'qituvchi keldi, shu sababli dars boshlandi.*
4. *O'qituvchi keldi, natijada dars boshlandi* va h.k.

**Qo'shma gapning qismlari orasidagi funksional munosabatlarga ko'ra turlari.** Bu tasnifda qo'shma gap tarkibidagi gaplar bir-biriga qanday sintaktik munosabatda ekanligi nazarda tutiladi. Qismlari orasida funksional



munosabatiga ko'ra qo'shma gap har xil bo'ladi. So'z qo'shilmasida, uyushiq bo'lakda bo'lgani kabi, gap orasidagi munosabat tenglik (birikish, zidlanish, ayirish) yoki tobelik tabiatida bo'lishi mumkin. Tenglik munosabati ko'p holatda faqat ohang bilan bog'langan qo'shma gap, yuklama bilan bog'langan qo'shma gap esa teng bog'lovchilar vositasida bog'langan qo'shma gap orasida ko'riladi. Bog'lovchi va yuklamaning ma'nosiga ko'ra qo'shma gap tarkibiy qismlari orasidagi munosabat:

a) mo'tadil birin-ketinlik: *Bahor boshlandi, dalada ishlar qizidi. Bahor boshlandi va dalada ishlar qizidi;*

b) uzilmas birin-ketinlik: *Bahor boshlandi-yu, dalada ishlar qizidi;*

d) ayiruv: *Goh yig'ladi, goh kuldi;*

e) zidlov: *Keldi, lekin gapirmadi. Tortindi, lekin kirdi.*

Qo'shma gap tarkibiy qismlari orasida tobelik aloqasi mohiyatan so'z birikmasi tarkibiy qismlari orasidagi hokim-tobelik munosabati bilan o'xshash. Farq shundaki, bunda tobe qism ham, hokim qism ham alohida gap bilan ifodalanadi. Bu masala tilshunosligimizda «Ergash gapli qo'shma gaplar» mavzusi doirasida chuqur va atroflicha o'rganilgan.

Gap bo'laklariga muvofiq ravishda bunday qo'shma gaplar 5 turga ajratiladi.

1. Kesim tobe gapli qo'shma gap: *Meni hayratda qoldirgan narsa shuki, qiz juda og'ir yarador bo'lishiga qaramay jilmayar edi.* (Oyd.)

2. Ega tobe gapli qo'shma gap: *Kim birovga chuqur qazisa, unga o'zi yiqiladi.* (Maq.)

3. Hol tobe gapli qo'shma gap: *Yomg'ir aralash qor yog'ib turgan bo'lsa ham, u negadir shoshilmas, xayol bilan band edi.* (O.Yoq.)

4. To'ldiruvchi tobe gapli qo'shma gap: *Shunga erishishimiz kerakki, ayollar hayotning har bir sohasida yerlar bilan teng bo'lsin.* (A.Qah.)

5. Aniqlovchi tobe gapli qo'shma gap: *Umrlar bo'ladiki, tirigida o'likdir. Umrlar bo'ladiki, mangulikka tirikdir.* (M.Shayx.)

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, bu tasnif ma'no bilan bog'liq bo'lganligi sababli bir qo'shma gapning o'zi xilma-xil tasnif etilishi mumkin.

**Qo'shma gap tarkibiy qismlarining irreallikka munosabatiga ko'ra turlari.** Nutqdagi qo'shma gaplar tarkibiy

qismi kesimlari shakllarining erkinligi yoki o'zaro mutanosibligi, bog'liqligi jihatidan tasnif etilishi mumkin. Bu belgiga ko'ra qo'shma gap ikki turga ajratiladi. Katta guruhni  $[WP_m, WP_m]$  LSQ hosilalari tashkil etadi. Bunday gaplarda qo'shma gap tarkibiy qismlari kesimlari rang-barang ko'rinish va shaklda bo'ladi. Chunonchi, xabar mayli+xabar mayli (*Yozibdi, keladi yoki U keldi, biz yozamiz*), xabar mayli + buyruq mayli (*Yozibdi, boraylik*), buyruq mayli + buyruq mayli (*Boring, ko'rishsin*), buyruq mayli + xabar mayli (*Keling, boramiz*). Bu bo'linishda ikkinchi guruhni  $[WP_m \rightarrow WP_m]$ ,  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  LSQ hosilalari – tobe va mutanosib tarkibli qo'shma gaplar tashkil qiladi. Bu turdagi qo'shma gaplarda tobe tarkib (odatda qo'shma gapning birinchi gapi) kesimi nomustaqil kesim shaklida bo'ladi. Bunda o'ziga xos qonuniyat mavjud. Tobe gapning kesimi irreal (ya'ni kelasi zamondagi hali sodir bo'lmagan, sodir bo'ladigan) harakat holatini atab kelsa, ikkinchi gap kesimi ham shunday ma'noga ega bo'ladi va odatda hozirgi – hozirgi-kelasi, kelasi zamon yoki buyruq mayli shakllarida bo'ladi. Masalan: *Kelsa, boradi*.

Bu holatda qo'shma gap tarkibiy qismlari kesimi o'zaro muvofiqlashadi. Agar ikkinchi gap kesimi o'tgan zamon shakllaridan birida bo'lsa, kuchli ifodaviylik voqelanadi: *Kelsa, ish bitdi!* yoki *So'rab qolsa, tamom deyavering!*

Bunda qo'shma gap kesimlari o'tgan zamon shakllarida kelganda, to'siqsizlik (irreallik) ma'nosi voqelanadi: *Kelsaydi, ko'rardik* yoki *Ukam bo'lsangiz edi, baxtiyor bo'lardik*.

### Savol va topshiriqlar

1. Qo'shma gapni tarkibidagi bog'lovchi vositalariga ko'ra tasniflang.
2. Bog'lovchi vositalarning ma'nodoshligi va vazifadoshligini bayon qiling.
3. Qo'shma gapning tarkibiy qismlari orasidagi ma'noviy munosabatga ko'ra turlarini bayon qiling.
4. Qo'shma gapning qismlari orasidagi funksional munosabatlarga ko'ra turlarini ayting.
5. Qo'shma gap tarkibiy qismlarining irreallikka munosabatiga ko'ra tasnifini bering.
6. Tasnif haqida gapiring.
7. Qo'shma gapning ma'noviy tasnifi qanday?
8. Qo'shma gapning struktur tasnifi qanday?

9. Qo'shma gapning sintaktik aloqaga ko'ra turlari qanday?

10.  $[WP_m \rightarrow WP_m]$  qolipli qo'shma gap haqida gapiring.

11.  $[WP_m \leftrightarrow WP_m]$  qolipli qo'shma gap haqida gapiring.

12.  $[WP_m, WP_m]$  qolipli qo'shma gap haqida gapiring.

## 7-BO'LIM

### UYUSHGAN GAP

#### Tayanch tushunchalar

*ega, kesim, uyushish, uyushiqlik, uyushganlik, sodda gap, qo'shma gap, uyushtiruych unsur, uyushuychi unsur*

### УЮШГАН ГАП

**Уюшиқлик ҳақида.** Уюшиқлик умумий бир ҳолат бўлиб, содда гапга ҳам, қўшма гапга ҳам хосдир. Содда гапда анъанавий синтаксисга кўра гап бўлаклари уюшиб келса, қўшма гапда гап бўлаклари, қўшма гап қисмларининг ўзи, ўрни билан, қўшма гап уюшиб келади. Кейинги қурилмада қўшма гапнинг қурилиш материали қўшма гап бўлади.

Уюшиқлик икки бирлик (унсур)дан иборат бўлади:

- а) уюшувчи бирлик (унсур)лар;
- б) уюштирувчи бирлик (унсур).

Уюшувчи бирликлар – саналувчилар. Уюштирувчи бирликлар – саналувчиларни бирлаштириб, марказлаштириб турувчилардир. Уюшувчи бирлик грамматикада уюшиқ бирлик (унсур), бўлак, гап дейилади.

**Уюшиқ** сўзи ҳозирги замон тилшунослигида, асосан, гап бўлакларига нисбатан қўлланилади. Гапларга нисбатан эса бу терминни (уюшиқ, уюшган) ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб Р.Расулов қўллаган.<sup>128</sup> Олим уюшган гапларнинг ўзига хос хусусиятлари, тузилиши, қўлланилишини “Алпомиш” достони материали асосида текширади ва қизиқарли маълумотлар беради.

Мавжуд адабиётларда бир семантик гурпуага кирувчи бўлакларнинг уюшиб келиши, уюшиқ бўлакларнинг санаш оҳанги билан айтилиши, умумий бўлакка эргашиши ва умумий бўлакни эргаштириб келиши, уюшиқ бўлакларнинг бир хил сўз туркуми билан ифодаланиши, бир хилдаги сўроққа жавоб бўлиши кабилар қайд этилади. Бу қайд этилган фикрлар тўғри.

<sup>128</sup>Расулов Р. «Алпомиш» достонида уюшган гапларнинг қўлланишига доир. Рус группаларида ўзбек тили ўқитишнинг баъзи масалалари. Илм

Лекин ҳамма вақт ҳам, ҳар хил жойлашиш (позиция)да ҳам уюшиқ бўлакларнинг шу юқоридаги хусусиятларга тўла эга бўлиши, шу қонуниятлардан четга чиқиши мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрларга қаноат ҳосил қилиб бўлмайди.

Тил ҳодисасига ҳар бир миллий тилнинг ўз қонунияти, ҳар бир халқнинг миллий-ментал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш керак. Масалан, рус халқи барча жонли предметлар учун *кто* сўроғини қўлласа, ўзбек халқи кишилар учун *ким*, кишидан бошқа барча жонли ва жонсиз предметлар учун *нима* сўроғини қўллайди. Бундан уюшиқ бўлакларнинг турли хил сўроқларга жавоб бўлиши келиб чиқади. Бундан ташқари, уюшиқ бўлаклар жонли ва жонсиз предметларни ифодаловчи турли хил отлар билан ифодаланиб келади: *Ариқларда қий-чув билан чўмилиб, қизғин тупроққа ағанаган қора-кура болалар. ўрикзорда ўрик қоққан қизлар, ҳавода зарғалдоқнинг "биёв-биёв"и ва тракторнинг гулдирови, девор орқасида тандирда пишаётган. ноннинг ҳиди, олисларда чайлалардан, дала шийпонларидан кўтарилаётган тутуп кўмалари боғларда меваларни қушлардан кўриқловчиларнинг шовқини – ҳамма нарса унга тинч ҳаётни ва эркин меҳнат нашъасини гавдалантирар эди* (Ойб.). Бу гапда еттита эга уюшиб келган бўлиб, уларнинг иккитаси (*болалар, қизлар*) *кимлар*, бештаси (*биёв-биёви, гулдирови, ҳиди, тутун кўмалари, шовқини*) *нималар* сўроқларига жавоб бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, бу характерли мисоллардан уюшиқ бўлакларнинг турли хил сўроққа жавоб бўлиши аниқ кўриниб турибди.

Уюшиқ бўлаклар, худди уюшмаган бўлаклардай, от, олмош, феъл, феълнинг равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари, равиш каби сўз туркумлари билан ифодаланади. Ўрнига қараб, от ва олмош билан ифодаланган бўлаклар бир уюшиқлик занжирни ташкил этади. Масалан, *Мамлакат, Лола, Маҳфуза, Зиёда, яна кимлар келди* гапида *Мамлакат, Лола, Маҳфуза, Зиёда, кимдир* бўлаклари уюшиқ бўлак бўлиб, уларнинг олдинги тўрттаси от, кейинги биттаси, якунловчиси олмош билан ифодаланган. Демак, уюшиқ бўлаклар бир хил туркумдаги сўз билан ифодаланади ва улар бир хил сўроққа жавоб бўлади деган фикрлар нисбийдир.

Уюштирувчи унсур бир семантик группани ташкил

қилган уюшиқ бўлақларни ҳам, бошқача айтганда, турли жинсли уюшиқ бўлақларни ҳам марказлаштириб келаверади. Бир мисолни қиёслаб, таҳлил қилиб кўрайлик: *Норали икки қўллаб, сортларга ажратиб, тез, тоза ва кўп терди* (И.Раҳ.). Бу мисолда *терди* уюштирувчи унсур бўлиб, *икки қўллаб, сортларга ажратиб, тез, тоза, кўп* уюшувчи унсурлардир. Уюшувчи унсурлар иккита семантик группани ташкил қилади:

а) *икки қўллаб, сортларга ажратиб, тез, тоза* – равиш ҳоллари;

б) *кўп* – миқдор ҳоли.

Мана шу турли жинслардан иборат ҳоллар бир уюшиқлик занжирини ташкил қилади.

Тўлдирувчи ва ҳолнинг умумий томонлари бор:

а) иккаласи ҳам кесим составига киради, яъни кесим билан синтактик алоқага кириб, унга эргашади;

б) грамматик кўрсаткичлари деярли бир хил;

в) ифодаланиш материали жиҳатидан ҳам яқинлиги бор.

Ана шунинг учун бўлса керак, тўлдирувчи билан ҳол баъзан бир уюшиқлик занжирини ташкил қилади: *Ашулани мана шундай жойда айтсанг! Овозинг ҳамма-ҳамма жойга, ҳамма одамларга, осмонларга, юлдузларга етиб борсин* (А.Мух.). Бу мисолда *етиб борсин* – уюштирувчи унсур, *ҳамма-ҳамма жойга, ҳамма одамларга, осмонларга, юлдузларга* уюшувчи унсурлардир. Уюшувчи унсурлар – гапнинг икки хилдаги бўлақларидир:

а) *ҳамма-ҳамма жойга, осмонларга* – ҳол;

б) *ҳамма одамларга, юлдузларга* – тўлдирувчи.

Бундан кўринадаги, гап бўлақларининг икки семантик турларигина эмас, балки шу билан бирга, турли хил гап бўлақлари ҳам, ўрнига қараб, бир уюшиқлик занжирларини ташкил қилиши мумкин.

Юқоридагилардан англашиладики, ўзбек тилида (ўзбек тили анъанавий синтаксисиди), шунингдек, умуман, туркий тилларда уюшиқ бўлақ бир ва турли жинсли бўлади. Унинг бир жинслиси (*Буғдой, арпа, тариқ экилди*) рус тилидаги “однородный”га тенг келади. Турли жинслиси рус тилида ҳам, туркий тилларда ҳам ўрганилмаган. Шуниси аниқки, русча *однородный*га нисбатан ўзбекча *уюшиқ* сўзининг маъноси кенгдир.

Турли жинсли уюшиқ бўлақлар гап бўлақларининг барчасига хос эмас. Масалан, ҳол билан аниқловчи, тўлдирувчи билан аниқловчи бир уюшиқлик занжирини ташкил қилмайди. Чунки, уларнинг семантик-грамматик табиати шунга мос эмас, жумладан, аниқловчи отли бирикманинг унсури бўлса, тўлдирувчи билан ҳол феълли бирикманинг унсурларидир.


Юқорида қайд этилганидек, уюшувчи ва уюштирувчи унсурлар фақат содда гап бўлақларигагина эмас, шу билан бирга қўшма гап қисмларига ҳам хосдир, Буни “Уюшиқ қисмли қўшма гап” номи остида кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

**Уюшиқ қисмли қўшма гаплар.** Маълумки, қўшма гап икки ва ундан ортиқ қисмли бўлади. Иккидан ортиқ қисм (компонент) ли қўшма гап мураккаб қўшма гап дейилади. Уюшиқ қисмли қўшма гап бу қўшма гапнинг бир кўринишидир. Уюшиқ қисмли қўшма гаплар, уюшиқ бўлақли содда гаплардек, кенг миқёсда ўрганилмаган. Шунинг учун унинг ўзига хос хусусиятлари очилганича йўқ.

Қўшма гапнинг уюшиқ қисмлари ҳам, худди содда гапнинг уюшиқ бўлақларидек, асосан, санаш оҳанги билан айтилади. Бундай қисмлар грамматик жиҳатдан ўзаро тенг бўлиб, ўзлари учун умумий бўлган бирлик (унсур) ка, умумий қисм (компонент) га эргашади, умумий қисм (компонент) нинг бирор бўлагини изоҳлайди. Агар изоҳланувчи мавжуд бўлмаса, умумий қисмни бутунича изоҳлайди. Уюшиқ қисмлари, худди содда гапнинг уюшиқ бўлақларидек, умумий қисм (компонент) га эргашади ёки уни эргаштириб келади. Агар бош гап уюшиб келса, улар учун эргаш гап умумий қисм ҳисобланади. Эргаш гап уюшиб келса, улар учун бош гап умумий қисм саналади. Агар бош ва эргаш гаплар бир пайтда уюшиб келса, ҳар бир бош гап эргаш гапнинг ҳаммаси учун умумий бўлади. Бу ҳолат схемада қуйидагича кўринади<sup>129</sup>:

---

<sup>129</sup>Шартли ҳолда эргаш гап доира, бош гап тўртбурчак билан кўрсатилди.



Кўшма гапнинг уюшиқ қисмлари, кўпинча, бир жинсли бўлиб, тенгланиш оҳанги ва тенг боғловчи ёрдамида бирикади. Тенг боғловчилар охириги қисмларни бириктириб боғласа, санашнинг тугалланганлигини, хулосалашни ифода этади. Масалан, *Қирғин қуроллари йўқотилса, осмонимиз мусаффолиги таъминланади, халқимиз осойишта яшайди ва тупроғимиз янада фаровон бўлади* (Газ.). Бу гап тўрт қисмли кўшма гап бўлиб, биринчиси эргаш гап, иккинчи, учинчи, тўртинчиси – бош гап. Бош гапнинг кейинги иккитаси *ва* боғловчиси ёрдамида бирикади ва бу боғловчи санашнинг тугалланганлигини кўрсатади.

Мураккаб кўшма гапнинг деярли барча турлари – тенг қисмли, эргаш қисмли кўшма гапнинг ҳамма турлари (эргаш гапнинг бош гапга кетма-кет бирикувчи туридан ташқари) уюшиб келиш хусусиятига эга.

Содда гапнинг уюшиқ бўлақларини, ўрни билан, умумлаштирувчи бўлақлар умумлаштириб, изоҳлаб келади. Кўшма гапнинг уюшиқ қисмларини эса умумлаштирувчи гап (умумлаштирувчи қисм) лар умумлаштириб келади. Умумлаштирувчи гаплар умумлаштириш билан бирга, хулосалаш, яқунлаш мазмунини ҳам ифода этади. Яна шуни ҳам қайд қилиш керакки, содда гапнинг уюшиқ бўлақларини фақат умумлаштирувчи бўлақлар умумлаштириб келади. Кўшма гапнинг уюшиқ қисмларини эса умумлаштирувчи гап билан бир қаторда, умумлаштирувчи бўлақ ҳам умумлаштириб келади. *Жумладан, ... ўзи ким, турмуши*



*қандай, ота-онаси борми, хотини қандай хотин – буларнинг ҳаммасини жуда сўраб билгиси келди-ю, сўрамади* (А.Мух.) гапида шундай ҳолатни кўрамиз. Бу мисолда *ўзи ким, турмуши қандай, ота-онаси борми, хотини қандай хотин* деган тўртта гап уюшиқлик занжирини ташкил қилади. Бу уюшиқ гапларни умумлаштирувчи гап эмас, балки умумлаштирувчи бўлак (буларнинг ҳаммасини) умумлаштириб келади.

Уюшувчи ва умумлаштирувчи унсурларнинг битта қурилма ичида бўлиши шарт эмас. Жумладан, юқоридаги мисолни иккита гап шаклига келтирсак ҳам, умумлаштирувчи бўлак умумлаштирувчи бўлаклича қолаверади: ... *ўзи ким, турмуши қандай, ота-онаси борми, хотини қандай хотин? Буларнинг ҳаммасини жуда сўраб билгиси келди-ю, сўрамади* каби.

Қўшма гапнинг қисмлари уюшиб келганидек, қўшма гапнинг ўзи ҳам уюшиб келади. Бундай вақтда қўшма гап, қўшма гапнинг қурилиш материали бўлади. Кўпинча, бир эргаш, бир бош гапдан иборат бўлган қўшма гаплар бирдан ортиқ бўлиб, уюшиб келади ва қўшма гапнинг қурилиш материали ҳисобланади. Бу хил қурилмаларда шартли ҳолда *ички қўшма гап, ташқи қўшма гап* атамаларини қўллаш мумкин.

*Ички қўшма гап* деганда қўшма гапнинг қурилиш материали бўлган қўшма гап тушунилса, *ташқи қўшма гап* деганда шу қурилиш материалларидан ҳосил бўлган қўшма гап тушунилади. Мана шу икки хил қурилмадан ташкил топган қўшма гапларни шартли ҳолда уюшиқ қўшма гаплар деймиз.

Уюшиқ қўшма гапларда, асосан, икки ҳолатни кўриш мумкин:

а) қўшма гапнинг қурилиш материали бўлган қисмлар, яъни номустақил содда гаплар (предикатив бўлақлар) уюшиб келади;

б) қўшма гап қўшма гапнинг қурилиш материали бўлиб, уюшиб келади.

Мисолларга мурожаат қилайлик: 1. *Кўсаклар териб олиниб, ғўзапоя юлинса, ерлар бир текис шудгор қилинса,янги молхона ишга туширилса, умуман, мўлжалдаги ишлар бажарилса, дам олиш ҳаҳида ўйлаш мумкин.* 2. *Кунлар оғди келмадинг, қуёш ботди, келмадинг, Тун қора чодирин бошга ёпди, келмадинг.* (Кўшиқ)

Биринчи кўшма гап, таҳлилимизга кўра, беш қисмдан иборат:

- а) *кўсақлар териб олиниб, ғўзапоя юлинса,*
- б) *ерлар бир текис шудгор қилинса,*
- в) *янги молхона ишга туширилса,*
- г) *умуман, мўлжалдаги ишлар бажарилса,*
- д) *дам олиш ҳақида ўйлаш мумкин.*

Шу беш қисмнинг олдинги учтаси уюшиқ қисмлар бўлиб, тўртинчи қисм орқали умумлаштирилади. Кейинги – бешинчи қисм эса етакчи (бош) қисм бўлиб, умумлаштирувчи қисм томонидан изоҳланади. Тўртинчи қисм санаш оҳанги жиҳатдан олдинги уч қисм қаторига кирса ҳам, уюшиқлик занжирига илинмайди. Агар шу тўртинчи қисмни кенгайтириб, *мўлжалдаги бошқа ишлар ҳам бажарилса* десак, бу қисм ҳам уюшиқлик занжирининг бир унсури ҳисобланади.

Иккинчи мисол (*Кунлар оғди, келмадинг, қуёш ботди, келмадинг, Тун қора чодирин бошга ёпди, келмадинг*) олтита предикатив бирликдан иборат бўлиб, учта жуфтликни ташкил қилади. Ҳар бир жуфтлик, яъни ички кўшма гаплар уюшиб келиб, ташқи кўшма гапни ҳосил қилади.

Кўшма гапнинг, кўшма гап қисмларининг, ички ва ташқи кўшма гаплар, умумлаштирувчи қисмлар, кўшма гапнинг уюшиқ қисмларини умумлаштириб келувчи бўлақлар ҳалигача етарли даражада ўрганилмаган. Булар махсус текширишни талаб қилади. Лекин келгусидаги талқинимиз учун юқоридаги таҳлил ҳам кифоя. Юқоридагй таҳлилдан хулоса қилиб қуйидагиларни айта оламиз:

1. Уюшиқ гап фақат мураккаб кўшма гаплар таркибидагина бўлади.

2. Уюшиқ гаплар моҳиятан кўшма гапнинг таркибий қисмларидан бирининг ёки ҳар иккаласининг уюшиб (мазмун ва вазифа жиҳатидан бир хил бўлиб) келишидир. Бошқача қилиб айтганда, уюшиқ гаплар деганда бир бош гапга бўйсундирилган икки ва ундан ортик бир типдаги эргаш гаплар, бир ёки бир кеча бир хил типдаги эргаш гаплар бўйсунган икки ва ундан ортиқ бир типдаги бош гаплар тушунилади.

3. Уюшиқ гаплар қурилишига кўра содда ва кўшма гап бўлиши мумкин.

Маълумки,  $\{(S_1, W_2Pm), (S_2-W_2 Pm)\}$  таркибли кўшма

гапларда [Pm] қўшма гапнинг ҳар иккала таркибий қисмлари учун умумий бўлганлиги сабабли “қавсдан чиқарилиши” – умумлаштирилиши мумкин. Бунда анъанавий синтаксисда мавжуд бўлган уюшиқ гаплардан моҳиятан фарқ қилувчи ҳосилалар – уюшган гаплар ҳақида фикр юритилиб, буларнинг энг кичик қурилиш қолипи асосига  $\{(S_1-W_1), (S_2 -W_2)\}Pm$  шакли олинган эди. Аслида эса уюшган гаплар учун  $\{(S_1 - W_1),(S_2 - W_2 )\}Pm$  қолипнинг олиниши тўғри эмас, чунки унинг математик ечими  $[2SWPm - 2SWPm ]$  га олиб келади. Уюшган гапларнинг қолипи

$$\begin{array}{ccc} S_1 & & S_2 \\ | & & | \\ (W_1 & + & W_2) \end{array}$$

тарзида берилиши шарт ва зарур. Лекин ҳар гал бу қолипдан фойдаланиш учун имкониятимиз йўқ. Шунинг учун ҳам  $\{(S_1-W_1),(S_2-W_2) \} + Pm$  қолипини

$$\begin{array}{ccc} S_1 & & S_2 \\ | & & | \\ (W_1 & + & W_2) \end{array}$$

тарзида тушуниш кераклигини таъкиддашни лозим топдик. Масалан, *Укаси расм чизар эди; синглиси телевизор кўрар эди* мисоли икки эга (*укаси, синглиси*), икки кесим (*чизар эди, кўрар эди*)дан иборат. Кесим таркибидаги кўрсаткичлардан бири – *эди* тўлиқсиз феъли икки марта қўлланган. Мана шу кесимлик кўрсаткичини бемалол “қавсдан ташқари”га чиқариш мумкин:

*Укаси расм чизар,*

*эди*

*Синглиси телевизор кўрар*

Демак, бу гапнинг тўлиқ қолипи  $\{(S_1, - T_1-W_1),(S_2-T_2-W_2)\}Pm$  дир. Бунда кўпроқ уюшган гапларнинг энг кичик қолипи билан иш кўрилади, яъни зарурат бўлмаса, тўлдирувчи, ҳол, аниқловчилар тушириб қолдирилади:  $\{(S_1 - W_1), (S_2 -W_2)\}Pm$ . Кўринадики, бундай гапларда битта шаклланган кесим,

бир неча ва ҳар хил эга ҳамда бошқа бўлаклар қўлланган бўлади.

Талқин этилаётган уюшган гапларни рус ва ўзбек тилшунослигида ишлатилиб келаётган “уюшиқ қисм (компонент)ли қўшма гаплар”дан фарқлаш лозим. Юқорида айтганимиздек, уюшиқ гаплар деганда бир бош гапга тобе бўлиб келган икки ва ундан ортиқ бир типли эргаш гаплар тушунилади. Масалан, *Ҳамма биладики, отам қурувчи, онам заводда ишлайди* гапи уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми – бош гап. Мана шу бош гапга (*ҳамма билади*) иккита тўлдирувчи эргаш гап – *отам қурувчи, онам заводга ишлайди* – бирикиб келади. Бу қурилма қолипни қуйидагича бериш мумкин:  $\{(S_1-W_1P_m), (S_2-W_2P_m), (S_3-W_3P_m)\}$ . Қурилманинг юқорида келтирилган қолипидан кўриниб турибдики, бундай гаплар  $\{(S_1-W_1), (S_2-W_2)\}P_m$  қолипли уюшган гаплардан тубдан фарқланади. Бу фарқлардан энг асосийси шундаки, уюшиқ гаплар фақат қўшма гап таркибидагина бўла олади. Уюшган гаплар эса содда ва қўшма гаплар оралиғида туради ва ўзбек нутқи синтаксисиди гапларнинг қурилишига кўра алоҳида бир хили (тури) ни ташкил этади, анъанавий синтаксисдаги уюшиқ гаплар билан алоқаси ва ўхшашлиги йўқ. Шунинг учун анъанавий синтаксисда гаплар қурилишига кўра содда гаплар ва қўшма гаплар каби икки бош турга ажратилса, субстанциал жиҳатдан ёндашилганда улар уч асосий турга ажратилади:

1) содда гап – битта шаклланган кесимга  $[WP_m]$  эга бўлган гап;

2) уюшган гаплар (икки ва ундан ортиқ эгага, ҳар бир эгага алоқадор бўлакларга (сўзларга) эга бўлиб, битта кесимнинг кўрсаткичи билан шаклланган гап);

3) қўшма гап – икки ва ундан ортиқ шаклланган кесимга эга бўлган (яъни  $[WP_m + WP_m]$  қурилишли) гап.

Содда ва қўшма гап қурилишини белгилашда асосий омил гапда нечта шаклланган кесимнинг бўлишидир. Эгаларнинг миқдори, бор-йўқлиги, бир хил ёки ҳар хиллигининг аҳамияти йўқ. Уюшган гапни ажратишда эса бош омил иккита:

1) битта шаклланган кесимнинг мавжудлиги;

2) икки ва ундан ортиқ уюшмаган эганинг мавжудлиги.

Мана шу хусусияти билан уюшган гаплар уюшиқ


эгали содда гаплардан (эгалар уюшган бўлиб, битта шаклланган кесим мавжуд: *Раҳима, Карима, Салима бордилар*), уюшиқ кесимли содда гаплардан (кесимнинг луғавий қисми иккита ва ундан ортиқ, кесимликни шакллантирувчи воситалар битта, эга бор ёки йўқ, уюшган ёки уюшмаган.

Субстанциал талқинда эса уюшиқ кесимли содда гаплар бир эга, бир неча иккинчи даражали гап бўлаклари, бир қанча кесимнинг луғавий қисми [W] ҳамда биргина кесимлик кўрсаткичига эга бўлади: *Мен аввал шогирд, кейинроқ мустақил ишлайдиган ишчи, сўнг уста бўлдим*. Бу каби гаплар қурилишининг кичик қолипи  $[S(W_1W_2\dots W)P_m]$  дир. Уюшиқ кесимли содда гаплар масаласи алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Уюшган гапларда эга, албатта, икки ва ундан кўп бўлади, лекин бу эга уюшмаган ҳолатда қўлланади. Шунингдек, кесимнинг [W] қисми икки ва ундан кўп,  $[P_m]$  қисми эса биттагина бўлади. Шунда уюшган гапларнинг энг кичик қурилиш қолипи  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}P_m]$  шаклида қўлланилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, икки ва ундан ортиқ  $[WP_m]$  ларнинг бирикуви  $[WP_m + WP_m]$  қўшма гапни ҳосил қилади. Анъанавий грамматикада мазмун ва грамматик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ қисмлардан ташкил топган гаплар қўшма гаплар дейилади. Қўшма гап содда гапдан ҳам тузилиши, ҳам қурилиш материали билан фарқ қилади. Агар содда гап бир конструктив марказдан иборат бўлса, қўшма гапда бир-бирига боғланган бир неча конструктив марказ мавжуддир. Содда гап бир предикатив марказ, қўшма гап эса бир неча предикатив марказдан тузилган бўлади. Акам *врач бўлиб ишлайди, синглим эса ўқитувчи бўлиб ишлайди* гапида иккита қисм, иккита предикатив марказ бор, кесим такрор ҳолда қўлланган. Синтактик тежам нуқтаи назаридан ёндашилса, биринчи кесим тушириб қолдирса ҳам бўлади ва бу гапни *Акам врач, синглим эса ўқитувчи бўлиб ишлайди* тарзида келтириш мумкин. Бу ҳолда кесим луғавий қисмининг бир бўлаги бўлган, ҳар иккала гап учун умумий *бўлиб ишлайди* қавсдан ташқарига чиқарилади ва  $\{(S_1 - W_1P_{m_1}), (S_2 - W_2P_{m_2})\}$  қолипли қўшма гапдан  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}P_m]$  қолипли ҳосила юзага келади. Бу ҳосилани на уюшиқ бўлакли содда гапга, на қўшма гап каторига

критиш мумкин. Лекин бу ҳосилалар кейинги категорияларга мутлақо ўхшамайди дейиш ҳам тўғри эмас, албатта. Масалан, уюшиқ бўлакли содда гап қисмлари санаш оҳанги билан айтилади, *Отам раис, онам бригадир бўлган эди* типдаги ҳосилаларнинг қисм (компонент) лари ҳам санаш оҳангида айтилади. Уюшиқ бўлақлар орасига бириктирувчи боғловчиларни қўйиб ва уюшиқлик занжирини давом эттириб бўлганидек, юқоридаги ҳосилалар қисмлари орасида боғловчиларни қўллаш ва бу қаторни давом эттириш ҳам мумкин. Шу билан бирга, уюшиқ бўлакли содда гапларнинг яна бир хусусияти шундаки, уюшиқ бўлақларни умумлаштирувчи бошқа бир сўз бўлақ бўлади. *Боғда етилган олма, анор, узумлар – ҳаммасидан олдик* гапида тўлдирувчи уюшиб келмоқда. Уюшиқ тўлдирувчиларни бир сўз – *ҳаммасидан* тўлдирувчиси уюштириб, бу занжирнинг охирида қўлланиб келмоқда. Бу хусусият юқорида қайд этилган ҳосилаларга ҳам хос. Масалан, *Мен ҳайрон қолдим: дўкандорларнинг баъзилари китоб ўқиб баъзилари тасбеҳ ўгириб, бошқа бирлари эснаб ўтиришарди* (Ё.Шук.). Анъанавий грамматикада бу типдаги гаплар қўшма гаплар қаторига киритилиб, биринчи қисм бош гап, кейингилари тўлдирувчи эргаш гаплар деб қаралади (қисман “сабаб” маъноси бор). Формал-функционал тадқиқот “Тезислари” муаллифларининг фикрича, қўшма гапнинг минимал модели [WPm+WPm] қурилипига эга. Бу туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг ички агглютинатив тузилиши (структураси)дан келиб чиқади.<sup>130</sup>



*Дўкандорларнинг баъзилари китоб ўқиб, баъзилари тасбеҳ ўгириб, бошқа бирлари эснаб ўтиришарди* гапи учта қисмдан ташкил топган, буларнинг ҳар бири ўз навбатида [S] ва [W] ларга ҳамда ҳаммаси учун умумий бўлган [Pm] бирлигига эга. Демак, бу ҳосила  $\{(S_1 - W_1),$

<sup>130</sup>Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Махмудов Н.М., Мухамедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. Тезиси формально-функционального исследования // Советская тюркология. – 1984. – № 5. – С. 3-10.

$(S_2 - W_2), (S_3 - W_3)\}Pm]$  тузилишига эга бўлиб яна бир умумий бирликка ҳам эга. Бу умумий бирлик худди уюшиқ бўлакли гапларда қўлланадиган умумлаштирувчи сўз вазифасини бажариб келмоқда. Бунини биз гапнинг шаклини ўзгартирганимизда яққол сезамиз: *Дўкондорларнинг баъзилари китоб ўқиб, баъзилари тасбеҳ ўгириб, бошқа бирлари эснаб ўтиришларини кўриб ҳайрон қолдим*. Бир предикатив марказга эга бўлган бу бирлик содда гапдир. *Мен ҳайрон қолдим* бирлигининг умумлаштириш, жамлаб кўрсатиш хусусиятлари ҳисобга олиниб, шартли равишда умумлаштирувчи гап деб аталди. Бу  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2), (S_3 - W_3)\}Pm]$  тузилишли гап бўлиб, уюшиқ бўлакли содда гапларга ва кўшма гапларга, юқорида кўриб ўтилганидек, ҳам ўхшаш, ҳам фарқли томонлари бор. Шундай экан,  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}Pm]$  тузилишли ҳосилаларни нима деб аташ ва қайси категория ичида ўрганиш мумкин? Яна шуниси қизиқки, кесимликни шакллантирувчи бирликнинг ўзи ҳар хил, турли шаклда бўлади, Куйида уларнинг айрим парадигмалари берилади:

1.  $\{(Унинг қўллари ишда), (кўзи шудгорда), (аммо хаёли Зебихонда)\}эди // экан // эмиш$  (С.Аҳм.).

2.  $\{(Унинг қўллари ишда), (кўзи шудгорда), (аммо хаёли Зебихонда)\}бўлади // бўлар // бўлган$ .

3.  $\{(Унинг қўллари ишда), (кўзи шудгорда), (аммо хаёли Зебихонда)\}$ .

4.  $\{(Отам раис), (онам бригадир)\}$ .

Кейинги гапда кесимликни шакллантирувчи бирлик йўқ, ноль кўрсаткичга эга, лекин у ҳар доим қўлланиши ва ҳар хил шаклда бўлиши мумкин: *(отам раис), (онам бригадир) – дир // эди // бўлади* ва бошқалар. Кўриниб турибдики, бундай бирликларнинг кесимликни шакллантирувчи бирлиги бўлмаса ҳам, қўлланиши ғайритабиий ҳол эмас. Аммо айрим ўринларда  $[Pm]$  ни қўлламаслик гапнинг семантикасига таъсир қилади. Чунончи, *чаккаси тиришиб, кўзи қизариб кетибди* гапининг қисмида *чаккаси* – эга, *тиришиб* – кесимнинг лексик маъно ташувчи қисми  $[W]$ , иккинчи қисмда *кўзи* – эга  $[S]$ , *қизариб* –  $[W]$ , *кетибди* – кесим таркибидаги ўз маъносини йўқотиб, ёрдамчи унсур вазифасини бажарувчи феъл. Бу гаптаги кесимликнинг шакллантирувчи унсурни “қавсдан ташқари”га

чиқаришимиз мумкин: {(чаккаси тиришиб), (кўзи қизариб)} кетибди. Бу гапни икки мустақил қисмга ҳам бўлса бўлади: *Чаккаси тиришиб кетибди. Кўзи қизариб кетибди.* Бироқ ҳар икки қисмнинг кесимини шакллантириш учун хизмат қилувчи *кетибди* бирлиги у ёки бу сабабларга кўра қўлланмаса, кесимгина эмас, балки гап ҳам шаклланмай қолади: *чаккаси тиришиб, кўзи қизариб...* Агар феълнинг равишдош шакли ҳар иккала ўринда тусланувчи феъл билан алмаштирилса, унда бу birlik қўшма гап бўлади: *Чаккаси тиришди, кўзи қизарди.*

Айрим ҳолларда эса кесимликни шакллантирувчи birlik ноль кўрсаткичга эга бўлади. Чунончи, *У бароққош, кўзи чақчайган, афти ишшайган* (Ҳ.Наз.) гапида бу birlik бўлмаса ҳам, ноль кўрсаткичга эга бўлса ҳам, гапнинг мазмуни (семантикаси) ва тузилиши (структураси)га таъсир қилмаган. Демак, кесимни шакллантирувчи birlik ҳам турли шаклларда бўлиши, ҳам ноль кўрсаткичга эга бўлиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилган хусусиятларга эга бўлган  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}P_m$  тузилишли ҳосилалар уюшган гаплар деб аталди.

Уюшган гап бир жиҳатдан содда гапга, бошқа жиҳатдан қўшма гапга ўхшайди. Унинг содда гапга ўхшаш томони шундан иборатки, уюшган гапда кесимдаги шакллантирувчи birlik  $[P_m]$  содда гапда бўлгани каби, битта. Қўшма гапга ўхшаш жиҳати – таркибида икки ва ундан ортиқ эга мавжудлиги ва ҳар бир эганинг ўз  $[W]$  си (яъни кесимнинг лексик қисми) борлиги, лекин кесимларни шакллантирувчи  $[P_m]$  нинг умумийлиги. Шунинг учун уюшган гапларни бир эга-кесимли (яъни,  $S - WP_m$  структурали), уюшган эгали (яъни  $S_1 S_2 \dots - WP_m$ ), уюшган кесимли  $[S - (W_1, W_2, W_3 \dots W_n)P_m]$  тузилишли содда гаплардан ҳам, икки ва ундан ортиқ предикатив марказли (яъни  $WP_m R WP_m$  структурали) қўшма гаплардан ҳам фарқлаш лозим, чунки уюшган гаплар  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}P_m$  тузилишига эга. Уюшган гаплар, содда ва қўшма гап оралиғида, тилшунос Ҳ.Р.Неъматов таъкидлаганидек, “оралиқ учинчи” (включенное третье) мавқеига эга<sup>131</sup>, яъни унда содда ва қўшма гапларнинг қарама-қарши қўйилиш

<sup>131</sup> Нигматов Х.Г. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков // Советская тюркология. 1976. №3. С. 35-37.



белгилари маълум маънода бетарафлашиб, диалектик бирликда юзага чиқади.

**Уюштирувчи воситаси [WPm] билан ифодаланган уюшган гаплар.**

Субстанциал ёндашувда кесим ҳамиша мураккаб тузилишга эга бўлиб, у луғавий маънони ўзида ташувчи қисмдан, унинг кенгайтирувчиларидан, кенгайтирувчиларнинг кенгайтирувчиларидан (буларнинг барчаси ихчамлик учун [W] ишораси билан ифодаланган эди) ва кесимлик категориясининг маъно ва вазифаларини бу [W] га киритувчи воситадан иборатдир. Чунончи, *Уч-тўртта катта-кичик болалар кўчада бароқ ит билан ўйнашарди* содда гапи икки таркибга – [S] таркибига (яъни эга таркибига) ва – [WPm] таркибига (ёки кесим таркибига) ажратилади:

а) [S] таркиби – *уч-тўртта катта-кичик болалар*. Бунда марказ – *болалар, уч-тўртта* ва *катта-кичик* аниқловчилари эса бу марказнинг қуршови, кенгайтирувчиларидир;

б) [WPm] таркиби – *кўчада бароқ ит билан ўйнашарди*. Бунда – *ш + – ар + – ди* = [Pm], *ўйна –* = [W] бўлиб, *кўчада* ва *бароқ ит билан* [W] нинг кенгайтирувчиларидир; *бароқ ит билан* бирикмасидаги *бароқ* аниқловчиси эса кенгайтирувчисининг (яъни *ит билан* сўзшаклининг) кенгайтирувчисидир.

Уюшган гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро умумийлиги (ва шу асосда умумлаштирувчи бўлаги) турли хил бўлади:

1) ҳамма қисмлари хусусан алоҳида – алоҳида бўлиб, фақат [Pm] қисми умумий бўлган уюшган гаплар. Бундай гапларнинг ўзи ўз навбатида бир неча турли кўринишларда бўлади. Чунончи:

а) “эга – ҳол – тўлдирувчи” лари билан фарқланувчи гаплар: *Раҳим боғдан гул, Салим дўкондан гул олди*,

б) “эга – ҳол” лари билан фарқланувчи уюшган гаплар: *Раҳим бугун, Салим эртага қайтади* кабилар шулар жумласидандир;

2) [WPm] ва унинг кенгайтирувчи бўлаклари умумий бўлиб, фақат эга ва [WPm] кенгайтирувчисининг кенгайтирувчиси билан фарқланувчи уюшган гаплар:

*Раҳим оқ,*

*гул олди*

Уюшган гапларнинг бундай хусусиятига таянган ҳолда куйида [Pm] ва [WPm] уюштирувчи восита бўлиб келган уюшган гап турлари кўриб ўтилади.

**[Pm] – уюштирувчи восита.** Нутқда шундай гаплар борки, уларда кесим таркибий қисмининг маълум бир бирлиги такрор келмай, фақат охирги кесим билан бирга қўлланилади. Охирги кесим билан қўлланган бу бирликлар одинги кесимларга ҳам тегишли бўлиб, уларни бирлаштириш, уюштириш вазифасини ўтайди. Бу уюштирувчи бирликлар олдинги уюштирувчи бирликларга ўхшамайди. Олдинги уюштирувчи бирликлар (гап ва гап бўлаклари) ўз мазмун (семантик) тузилиши (структураси) га эга. Улар ўзларининг мазмун тузилиши (семантик структураси) га мос равишда гапнинг маълум бир бўлакларини ёки қисмларини уюштириб келади ва улар билан ўзаро синтактик муносабатга киришади. Кейинги, учинчи, уюштирувчи бирликлар эса бундай хусусиятга эга эмас. Бу хил уюштирувчи бирликлар кесим таркибида келиб, бир бутун мазмун тузилишига эга бўлади. Шу бутунлигича гапнинг бошқа бўлаклари билан синтактик алоқага киришади. Кесим таркибидаги бу уюштирувчи бирликлар ўз-ўзидан қўлланилмайди, албатта. Улар гап кесимини шакллантиради, кесимга шахс-сон, замон, модаллик кабиларни ифодалаш имкониятини беради.

[Pm] нутқда жуда кўп қўлланиб, турли хил ўринда келади. У гапнинг охирида келиб, ҳамма кесимларни (гапларни) бирлаштиради. Гап кенг ҳажмли ва, шу билан бирга, гапда ифода этилган фикрлар маълум даражада бир-биридан мазмунан йироқ бўлса, ўртада келиб, ўзидан олдинги кесимларгагина тегишли бўлади. Кесим таркибида қўлланувчи мана шу [Pm] жуда хилма-хил кўринишларга эга бўлади ва булардан асосийларини куйида кўриб чиқамиз.

**Ҳамма қисмлари хусусий (алоҳида-алоҳида) бўлиб, фақат [Pm] қисми умумий бўлган уюшган гаплар.** [Pm] қисмининг ифодоланишига кўра уюшган гапларнинг кўринишлари жуда кўп ва хилма-хилдир. Улардан энг кўп қўлланадиган кўринишлари куйидагилар.

**1. [Pm] – тўлиқсиз феъллар.** Тўлиқсиз феъллар ҳақида анча ишлар мавжуд. Улар орасида энг

мукаммали А.Ҳожиёвнинг “Тўлиқсиз феъл”<sup>132</sup> китобидир. Бу китобда тўлиқсиз феълнинг *эди, экан, эмиш* шакллари шу қадар кенг ўрганилганки, унга ниманидир қўшимча қилиш ортиқча туюлади. Бунда “Тўлиқсиз феъллар” сарлавҳаси остида А.Ҳожиёвнинг бу борадаги баъзи бир фикрларига бошқача ёндашмоқчимиз. Бизнинг диққатимиз, асосан, бир ҳодисага – тўлиқсиз феъл шакллари уюшган гапларни шакллантиришдаги хусусиятларини тасвирлаш ва умумлаштиришга қаратилади.

**Эди тўлиқсиз феъли.** Бу тўлиқсиз феъл бошқа тўлиқсиз феълларга нисбатан, жуда унумли бўлиб, у сўз туркумларининг деярли барчаси билан, сўз бирикмалари билан бирга келади ва уларни кесим шаклига киритади. Тўлиқсиз феъллар, шунингдек унинг бир кўриниши бўлган *эди* тўлиқсиз феъли шахс-сон, замонни кўрсатади. Шундай бўлса ҳам, “тўлиқсиз феълга нисбатан тусланиш ҳақида гапириш мумкин эмас. Чунки, шахс-сон қўшимчалари ҳаракат бажарувчисини кўрсатади. Тўлиқсиз феълда эса бажариладиган нарса (ҳаракат) йўқ. Шахс-сон қўшимчалари тўлиқсиз феълга қўшилса-да, у кесим вазифасидаги феълга оид бўлади.”<sup>133</sup> -*Эди* тўлиқсиз феъли, кўпинча, феъл ва кенг маънода от туркумидаги сўзлар билан бирга келиб, уларни кесим шаклига киритади ва асосан, ҳаракат-ҳолатнинг, бирор воқеанинг ўтган замонда юз берганлигини кўрсатади. Масалан, от кесим ҳозирги замонни ифодалайди, *эди* тўлиқсиз феъли билан бирга келганда эса ўтган замонни кўрсатади: *Бу бино – мактаб. Бу бино мактаб эди.* Феъл кесим билан бирга келганда узоқ ўтган замонни англатади: *У келган эди* каби.

*Эди* тўлиқсиз феъли, юқоридаги каби биргина кесим таркибида келиш билан бирга, бир пайтнинг ўзида, яъни бир гап ичида бирдан ортиқ кесимлар билан ҳам кела олади. Баъзан эса услуб талабига кўра *эди* тўлиқсиз феъли кесимларнинг охириги билан бирга келиб, ҳаммаси учун барабар бўлади. Бу фикрни А.Ҳожиёв ҳам қайд этади. Масалан, мазкур китобнинг 109-бетида бу ҳақда куйидагича фикр баён этилган: “...*эди* тўлиқсиз феъли уюшиқ кесимларда уларнинг энг

<sup>132</sup>Ҳожиёв А. Тўлиқсиз феъл. – Тошкент: Фан. 1970.

<sup>133</sup>Ҳожиёв А. Тўлиқсиз феъл. – Тошкент: Фан. 1970. – Б. 328.

охиргисига «қўшилиши мумкин.» Бу фикр тўғри. Лекин ёндашувимиз сал ўзгачароқ бўлиб, “уюшиқ кесим” тушунчасидан узоқлашади, чунки уюшиқ кесимли содда гапларнинг талқини субстанцил таҳлилида бошқачароқдир. Шундай қилиб, *эди* тўлиқсиз феъли бир гап ичидаги кўп кесимларнинг ҳар бири билан бирга “қўлланади ёки уларнинг энг охиргиси билан келади ва ҳаммаси учун умумий бўлиб, бирлаштириш, уюштириш вазифасини ўтайди.”

Демак, *эди* тўлиқсиз феъли бир хил, шу билан бирга, турли хил грамматик шаклдаги кесимларни уюштириб келади. Бизни эса  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}Pm$  қолипни уюшган гаплар таркибида *эди* тўлиқсиз феъл шаклининг уюшган гапларни уюштиришдаги вазифасини таҳлил этиш қизиқтиради. Уюшган гаплар кесимининг луғавий асоси  $[W_1]$  ва  $[W_2]$  бир ёки турли сўз туркумларида, бир хил ёки турли хил грамматик шаклларда бўлиши мумкин. Текширишларимиз уюшган гаплар кесимининг луғавий асоси  $[W]$  қуйидаги кўринишларда кўпроқ учрашини кўрсатади:

- а) ...  $[W_1] = \text{от}, \dots [W_2] = \text{сифатдош} + [Pm];$
- б) ...  $[W_1] = \text{сифат}, \dots [W_2] = \text{сифатдош} + [Pm];$
- в) ...  $[W_1] = \text{бор, йўқ сўзлари};$
- г) ...  $[W_1] = - \text{моқда}, [W_2] = \text{ҳаракат номи} - (и) + [Pm];$
- д) ...  $[W_1] = \text{сифатдош}, \dots [W_2] = \text{ҳаракат номи} + [Pm];$
- е) ...  $[W_1] = \text{сон}, \dots [W_2] = \text{от} + [Pm];$
- е) ...  $[W_1] = \text{от}, \dots [W_2] = \text{кўмакчи} + [Pm];$
- ж) ...  $[W_1 + Pm] = \text{буйруқ майли} \dots [W_2] = \text{истак майли} (- \text{син}, - \text{гин}) + [Pm];$
- з) ...  $[W_1 + Pm] = \text{шарт майли}, \dots [W_2] = \text{сифатдош}, (- \text{са}, - (a)p) + [Pm];$
- и) ...  $[W_1 + Pm] = \text{шарт майли} \dots [W_2] = \text{шарт майли} + [Pm]$

*Эди* тўлиқсиз феъли кесимларни ўзгартириб келганда кесим таркиби бир хил ва турли хил бўлиши мумкин.

I.  $[WPm]$  нинг таркибида *-ган* шаклининг қўлланилиши ва *эди* га нисбатан қандай ўринда туриши, ёлғиз ўзи ёки бошқа шакллар билан қай тарзда ишлатилишини кўриб чиқамиз:

- а) ...-ган, ...-ган *эди*, *Кун қайтган ва баҳор кунларининг учдан икки улуши ўтган эди.* (С.Аҳм.);

б)...-ган, ...-йўқ эди. Қадимги замонда аёллар ўзига–ўзи аёл, яъни мунгли, муштипар деб қараш табиий бўлган, чунки унинг кўз ёшидан бошқа орқа таянчи йўқ эди. (А.Каҳ.);

в)...-ган, ...- сифат -эди. Эрта ёғиб ўтган ёмғир чанг ва ғуборни ювиб кетган дарахтларнинг, япроқлари тиниқ ва тоза эди. (С.Аҳм.); баъзан сифатдош билан ифодаланган кесим энг кейинги қисмга қўшилиб келади: Уларнинг чақчайган кузлари нурсиз, сўлжайган юзлари жонсиз.\_ кўпларининг лаблари кўпикланган эди (А.Турс.);

г)биринчи қисм кесими –ган, кейинги қисмлар кесими бошқа бир хил шаклли birlikлар билан шаклланган: Пахта далаларида энди салқин кучайган, тунги еллар эсар, меваси оғирлигидан қад буккан дарахтларни вазмин силкитар, сап-сарик жўхориюяларни шилдиратар эди (Ойб.) Мисолдан кўриниб турибдики, -ган бевосита феълнинг лексик қисмига қўшилиб келмоқда;

д)биринчи қисм кесими -ган, кейинги қисмлар кесими эса бошқа ҳар хил шаклдаги birlikлар билан шаклланган: Ростдан ҳам танқидга Қаландаровнинг эти ўлган бундан бир мунча вақт бурун уни биров шунчалик танқид қилса, у ҳақиқатан тиззасини кўкрагига қўйиб, тилани суғуриб олишга жон-жаҳди билан уринар эди. (А.Каҳҳор)

Баъзан эди га вазифаси жиҳатдан тенг бўладиган -ди қўшимчаси қўлланади ва у, кўпинча, кейинги қисм кесимига қўшилиб келади: Ҳамма бир-биридан яхши кийинган лекин ҳеч кимнинг кийими бировникига ўхшамасди. (П.Турс.) Полга ҳам гилам сингари ўт ташланган столда ҳам, дераза токчасида ҳам ўтлар ётарди. (С.Боб.)

2. [WPm] таркибида -мас шакли ҳам турли ўринларда келади. Баъзан бу шакл ҳамма қисм кесимларига, баъзан биринчи қисм кесими ва айрим ҳолларда охириги кесими таркибида қўлланади. Масалан:

а) {[W<sub>1</sub>] + -мас, W<sub>2</sub>] +-мас эди. Сиддиқжон ўзига бундоқ савол бермас ва бундоқ савол хаёлига ҳам келмас. эди. (А.Қаҳ.);

б) {[W<sub>1</sub>] + -ар, W<sub>2</sub>] +-мас эди. Холмурод билан кўп гаплашгиси келар эди. (П.Турс.);

3. [WPm] таркибида равишдош қўшимчаларидан -(а)

*p* кўп қўлланади ва у худди *-мас* шаклидек турли ўринларда келади. Қисмларнинг энг охирги кесимини *-(a)p* эди шакли шакллантиради.

а) {...[W<sub>1</sub>] + *-ар*, ...[W<sub>2</sub>] + *-ар*} эди. Қисмлар орасида тенг боғловчилар қўлланган: *Акаскин қиз билан рус тилида гаплашар ҳам Комила унинг фикрларини жуда тез англаар ва амалга оширишга тиришар эди.* (Ойб.) Қисмлар орасида *баъзан-баъзан, гоҳ-гоҳ, дам-дам* каби бирликлар қўлланган: *Гоҳ супа четига экилган райҳон ҳиди димоққа урилар, гоҳ том орқасидаги йўнғичқазорда ҳашоратларнинг бир қиёмда чириллаши эътиборни тортар эди.* Биринчи мисолнинг учала қисми, иккинчи қўшма гапнинг икки қисми ҳам *-(a)p* шакли билан шаклланган.

б) {...[W<sub>1</sub>] + *-(a)p* сифатдоши, ...[W<sub>2</sub>] + бошқа унсурлар} + P<sub>m</sub>]. Масалан, *Холмурод унинг ёнида ўтирар ва беихтиёр унинг кўзларига қараб кўяр, назарида Фотима тобора узоқлашиб, бегона бир кишига айланиб бораётгандек эди.* (П.Тур.)

в) {...[W<sub>1</sub>] + *-(a)p*, ...[W<sub>2</sub>] + *-моқда*} эди, *Чорпоянинг бериги ёнида қариган Абдураҳимбой, унинг ёнида Абдуҳаким ва Мулласобит номли иккита катта ўғли ўтирар ва буларнинг рўпарасида туманнинг бойларидан бир неча киши ўтирмоқда эди* (С.Аҳм.)

Айрим пайтларда бир қисмнинг кесими *-(a)p* бирлиги, иккинчи қисмнинг кесими от билан шаклланган бўлиб, кейинги қисмдан сўнг эди қўлланган. Масалан, *Козетани ҳушидан кетгунча урар – бунинг айбдори –хотин, у қиш кунлари оёҳ яланг юрар-бунинг айбдори эр эди.* (В.Гюго)

1. ...*-(a)p*, ...*-мас* эди. *Нури эса Гулнорнинг гапларига қулоқ солгани каби кўринар, Лекин фикри бошқа нарсалар билан банд бўлгани учун, сўзлари, савол-жавоблари сира бир-бирига қовушмас эди.* (Ойб.)

Эди тўлиқсиз феъли кўп сифатдош кесимли гапларда ҳам такрор, ҳам гап охирида қўлланилади. Бу ҳол анча унумли. Равишдошларнинг бундай қўлланиши эса анча унумсиздир. Масалан, *у келиб эди, Санам уларникига бориб эди, У келиб, Санам бориб эди* каби мисоллар жуда кам учрайди.

2. *Экан* тўлиқсиз феъли. Бу тўлиқсиз феъл кесимлар билан бирга келиб, кўпинча, воқеанинг юз бериш-бермаслигини шахсан кўриш, баъзан бировдан

эшитиш орқали баён қилишни билдиради. Маълумки, агар *экан* тўлиқсиз феъли от кесимлар билан қўлланса, тасдиқ-инкорни, яъни бир нарсани тасдиқлаш, шу билан бирга бошқа бир нарсани инкор этишни англатади: *Бу китоб экан. Бу бино мактаб экан. Бу яхши экан каби. Экан* кесим таркибида келиб, шу юқоридаги маъноларни сақлаган ҳолда [Pm] вазифасини ўтайверади. *Экан* [Pm] вазифасида келганда икки хил қўлланади:

а) [W] билан такрорланади. Бундай ҳолларда [Pm] умумлаштиришни эмас, таъкид маъносини касб этади: *У борган. Ўзи кексаларни тўплаган, сухбатлашган экан* (“Гулистон”) Бу гапнинг модели  $\{(S_1-W_1), (S_2 - W_2)\}Pm$ , [WPm]; б) [Pm] охирги [W] билан келиб, худди *эди* дек умумлаштириш, уюштириш функциясини бажаради: *Петька Пензалик колхозчи, аскарликка уруш бошланганда чақирилган, у фронтга Аҳмаджондан уч ой чамаси бурунроқ келган ва бир неча жангда қатнашган экан* (А.Қаҳ.) Бу гапда тўртта [W] ва битта [Pm] мавжуд. Қолипи:  $\{(S_1-W_1, W_2), (S_2-W_3, W_4)\}Pm$ .

Текшириш натижаси кўрсатдики, [Pm] вазафасидаги *экан* тўлиқсиз феълнинг қўлланиши ҳам *эди*, тўлиқсиз феълдагидек жуда хилма-хил.

Айниқса, қуйидаги ҳоллар кўпроқ учрайди: 1.  $\{(S_1-W_1) (S_2, S_3 - W_2)\}Pm$   
 2.  $\{(S_1-(W_1, W_2),) [S_2 - (W_3, W_4)]\}Pm$ . 3.  $\{(S_1 - W_1), (S_2-W_2, W_3)\}Pm$ . 4.  $\{(S_1 - W_1), (S_2-W_2)\}Pm$ . 5.  $\{(S_1-W_1, (S_2-W_2)\}Pm$ . 6.  $\{(S_1 - W_1), (S_2-W_2)\}Pm, [(S_3-W_3, W_4), (S_4-W_5)] Pm$ . *Трактор ер ҳайдар, трактор чигит экар экан, трактор чопик килар, пахта терар, трактор гўзапоя юлар экан* (А.Қаҳҳор) Бу қурилма мураккаб бўлиб, иккита уюшган гапи ўз ичига олган ва бундай жуфтликларнинг чеки бўлмаслиги ҳам мумкин.

Юқорида келтирилган олтинчи банддаги қолипда маълум бир пайтгача, маълум бир босқичгача бўлган воқеалар таъкидланади. Шу воқеалардан кейинги, бир-бирига яқин бўлган воқеалар эса умумлаштирилади, бирлаштирилади, уюштирилади. Келтирилган бошқа моделларда ҳам ёзувчи ёки сўзловчининг қандайдир ниятлари, воқелик акс эттирилади, албатта. *Экан* бобида бундай мисоллар таҳлилини узоқ давом эттирса бўлади. Юқорида [Pm]= *эди* билан бир бутунлик ҳосил қилган [W] нинг турли хил грамматик шаклларини

кўрсатган эдик. [Pm] – экан билан бир бутунлик ҳосил қилган [W] нинг ҳам грамматик кўрсаткичлари кўп. Шунини айтиш керакки, таркибида [Pm] эди бўлган [W] нинг грамматик кўрсаткичлари билан таркибида [Pm] – экан бўлган [W] нинг грамматик кўрсаткичлари, асосан, бир хил.

Таркибида экан [Pm] мавжуд бўлган [W] ифодаланиш материалларининг характерли кўринишлари қуйидагича:

- |    |  |  |
|----|--|--|
| а) | ... [W <sub>1</sub> ] = от,              | ...[W <sub>2</sub> ] = от                  |
| б) | ... [W <sub>1</sub> ] = сифат,           | ...[W <sub>2</sub> ] = сифат               |
| в) | ... [W <sub>1</sub> ] = сифат,           | ...[W <sub>2</sub> ] = бор, йўқ,           |
| г) | ... [W <sub>1</sub> ] = сифатдош,...;    | ...[W <sub>2</sub> ] = олмош;              |
| д) | ... [W <sub>1</sub> ] = сифатдош,        | ...[W <sub>2</sub> ] = сифатдош;           |
| е) | ... [W <sub>1</sub> ] = сифатдош,        | ...[W <sub>2</sub> ] = бор, йўқ,           |
| ё) | ... [W <sub>1</sub> ] = феъл,            | ...[W <sub>2</sub> ] = феъл                |
| ж) | ... [W <sub>1</sub> ] = шарт майли,      | ...[W <sub>2</sub> ] = шарт майли;         |
| з) | ... [W <sub>1</sub> ] = буйруқ майли, .. | ...[W <sub>2</sub> ] = шарт майли;         |
| и) | ... [W <sub>1</sub> ] = сифатдош,        | ...[W <sub>2</sub> ] = – моқчи,            |
| й) | ... [W <sub>1</sub> ] = сон,             | ...[W <sub>2</sub> ] = сон ( <i>Сайёра</i> |

*ҳам биринчи, укам ҳам биринчи экан. ("Муштум").*

[Pm] экан тўлиқсиз феъли шаклида бўлганда яна бир қанча қизиқарли ҳолларни учратиш мумкин. Юқорида айтганимиздек, кесим таркибида келувчи кўрсаткичларнинг кўринишлари жуда кўп ва хилма-хил:

а) [... W<sub>1</sub>+Pm= – ган, ... W<sub>2</sub>+Pm = – ган экан, [... W<sub>1</sub>+Pm= – (ган), ... W<sub>2</sub>+Pm = – (а)р) экан ва бошқалар;

б) [... W<sub>1</sub>+Pm= – ган, ... W<sub>2</sub>+Pm = – мас) экан. *Маткарим бўқоқ ҳақиқатдан болалигида отаси билан ҳажга борган, лекин отаси камбағал бўлгани учун, икковини ҳам ҳеч ким ҳожи демас экан (А.Қаҳ.);*

в) [... W<sub>1</sub>= от, ... W<sub>2</sub> = от] бўлган экан (*Булар Мирзачўлга кўчиб келишганда ҳам Қаландаров Ворошилов колхозида бригадир, Хуринисо ипакчилик эвеносининг бошлиғи бўлган экан (А.Қаҳ.).* Бу мисолда ҳар иккала қисм кесимлари от билан ифодаланган бўлиб, иккинчи қисм кесими мураккаб шаклда. Кесим таркибидан ҳам бўлган экан ҳам экан шакллари қавсдан ташқарига чиқариш мумкин: (*...Ворошилов колхозида бригадир, ... эвеносининг бошлиғи*) бўлган экан, (*... Ворошилов колхозида бригадир, ... эвеносининг бошлиғи бўлган*) экан.

Тўпланган материаллар ичида таркибида [Pm] =



бўлган [W]нинг баъзи бир кўринишлари, масалан, от-кўмакчи кабилар [W] + [Pm] = *экан* грамматик формалари қаторида учрамади.

**Эмиш тўлиқсиз феъли.** Тўлиқсиз феълнинг бу шакли [W] билан бирга келиб, предмет ҳаракат-ҳолатини, бирор нарса ёки бирор белгининг бошқа кишилардан эшитиш орқали баён этилишини, баъзан эса ишонмаслик, гумонсираш кабиларни ифода этади. *Эмиш* тўлиқсиз феъли *эди*, *экан* шаклларига нисбатан кам қўлланади. Айниқса, [Pm] вазифасида жуда сийрак учрайди. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, бошқа кишилардан эшитиб баён қилишнинг, ишонмаслик ва гумонсираш каби тушунчаларни акс эттиришнинг ўзгача ифода этиш йўллари ҳам бор: *айтишларига қараганда, унинг фикрича ...; (.. эртага келармиш) – эртага келишига ишонмайман ...* Бизнингча, ана шу важдан тўлиқсиз феълнинг *эмиш* шакли унумсиз ишлатилади.

*Эмиш* тўлиқсиз феълнинг [Pm] вазифасида келиши, кўпинча, қуйидаги шаклларда бўлади:

1.  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}Pm$ : *Аҳмад тикувчи, Салим боғда қоровул эмишми ("Қишлоқ ҳақиқати"). Қуш борган сари баландлашар, ер эса кўзига коптокдек бўлиб кўринар эмиш* (Ж.Абд.);

2.  $\{(S_1 - W_1, W_2), (S_2 - W_3)\}Pm$  *Нодир ака шаҳарга бормоқчи, артелга ишга кирмоқчи, укаси кейинчалик бола-чақаларини ҳам кўчириб кетмоқчи эмиш* ("Қишлоқ ҳақиқати").

Таркибида [Pm] – *эмиш* мавжуд бўлган [W] нинг ифодаланиш материали ҳам кўп эмас, унинг характерли кўринишлари, асосан, қуйидагича:

- а) ... [W<sub>1</sub>] = от, ... [W<sub>2</sub>] = от;
- б) ... [W<sub>1</sub>] = сифат, ....[W<sub>2</sub>] = сифат;
- в) ... [W<sub>1</sub>] = сифатдош, ... [W<sub>2</sub>] = сифатдош(-ган);
- г) ... [W<sub>1</sub>] = феъл,.. ....[W<sub>2</sub>] = феъл (-моқчи).

Бундай парадигмалар [W] нинг ифодаланиш материали жиҳатдан аралаш тарзда келиш ҳоллари деярли учрамайди.

**Эмас тўлиқсиз феъли.** *Эмас* тўлиқсиз феъли [Pm] вазифасида келганда ҳам худди юқоридаги каби от ва феъл туркумидаги сўзлар билан келади. Бу тўлиқсиз феълнинг [Pm] вазифасида келган ва [Pm] вазифасида

келмаган ҳолатида ҳам деярли катта фарқ йўқ, яъни тўлиқсиз феъл иккала ҳолатда ҳам ҳам ёрдамчиси билан ва усиз кела олади: *Бу бедана эмас, Бу бедана ҳам эмас. Бу каптар ёки униси бедана эмас. Бу каптар ҳам, униси бедана ҳам эмас.*

Бу келтирилган гапларнинг ҳар бирида ўзига хос мазмун билан бир қаторда, ўзига хос мазмун бўёғи ҳам бор. Энди шуни айтиш керакки, *эмас* тўлиқсиз феъли [Pm] вазифасида келганда, [W] кўпинча, *ҳам* ёрдамчиси билан бирга қўлланади. Унинг *ҳам* сиз қўлланиши жуда сийрак учрайди. Келтирилган мисолларнинг бирида *ёки* бирлиги бор. Мана шу *ёки* ишлатилмаса, бир тасдиқ бир инкор келиб чиқади ёки *Бу каптарни бедана деб бўлмайди* деган мазмун англашилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам *эмас* сўзи [Pm] лик вазифасини йўқотади, уни қавсдан ташқарига чиқариб бўлмайди. Шундай қилиб, *эмас* тўлиқсиз феълнинг [Pm] вазифасида келишида ўзига хос маълум бир хусусиятлар борлиги маълум бўлди.

*Эмас* тўлиқсиз феъли [Pm] вазифасида келганда қурилма, асосан, юқорида қайд этилган шаклларда бўлади. Масалан, *Пиримқул кетмоқчи, унинг ўрнига амакиси келмоқчи эмас* (“Муштум”). Бу гапнинг қолипи –  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}Pm$ .

[Pm] = *эмас* қўлланганда [W]нинг ифодаланиш материали мураккаб эмас, у асосан, қуйидагича:

... [W <sub>1</sub> ] = от,	...[W <sub>2</sub> ] = от;
... [W <sub>1</sub> ] = сифат,	...[W <sub>2</sub> ] = сифат;
... [W <sub>1</sub> ] = сифатдош,	...[W <sub>2</sub> ] = сифатдош;
... [W <sub>1</sub> ] = феъл,	...[W <sub>2</sub> ] = феъл (-моқи,

-моқчи).;

Энди [Pm] нинг баъзи бир хусусиятлари устида тўхталиб ўтамиз. Юқорида, асосан, [Pm] нинг бир бирликдан иборат эканлиги ҳақида фикр юритдик. Бунга махсус тўхталинмаган бўлмаса-да, мисол ва таҳлиллар шунга қаратилган эди. Текширишлар кўрсатдики, [Pm] ҳамма вақт ҳам биргина бирликдан иборат бўлавермайди. У, ўрни келганда, икки ва ундан ортиқ бирликлардан иборат бўлади. Икки бирликдан иборат бўлганда ҳам бир хил тузилишли бўлмайди. Бу, асосан, икки турда бўлади:

[Pm] қўшимча + тўлиқсиз феъл: *Кўнгли ғашлиги даромаднинг пастлиги ишнинг сустлиги раҳбарнинг*

*нўноклигидан экан.* (Газетадан) Бу гапда [Pm] – *дан + экан* га тенг.

[Pm] икки ва ундан ортиқ сўз: *Сиз айтган йигит хуш феъл, буниси эса жуда софдил, меҳнаткаш йигит экан.* ([Pm] = *от+экан*). Умуман бу борада [Pm]нинг шакли *-дан / -да / -мас экан / -дан* иборат

**[Pm] = кесимлик аффикслари.** Маълумки, *-ман,-сан,-дир, -миз, -сиз* кесимлик аффиксларидир. Булар от кесимларида қўлланиб, шахс-сонни ва ҳозирги замонни кўрсатади. Шу билан бирга таъкидлашни ҳам ифодалайди. Кесимлик аффикслари қўлланмаса ҳам, ҳозирги замон тушунилади. Фарқи шундаки, бу аффикслар қўлланганда, шахс-сон, замон билан бир пайтда таъкидлаш ҳам қайд этилади.

Кесимлик аффикслари кўп от кесимли гапларда ҳар бир кесимга қўшилиб келиши ва фақат охиригида бўлиб, бошқалар учун ҳам умумий бўлиши мумкин. Улар ҳар бир кесимга қўшилиб келса, таъкид одатдагидан кучлироқ бўлади. Охиридаги кесимга қўшилиб келса, таъкид одатдагича бўлади. Фақат кейинги кесимга қўшилиб келган кесимлик аффиксларида саналувчиларнинг ҳаммаси бир нарса, ҳаммасида бир хил хусусият бор, ҳаммаси нимаси биландир бирлашади, деган мазмун мужассамлашади. Масалан, *Мен инженер ва ўқитувчиман* гапида *инженер ва ўқитувчи* сўзлари ўз лексик маъноси билан фарқ қилади, аммо грамматик маъноси билан иккаласи бир қаторда туради. Гапнинг [WPmRWPm] шаклида ҳам иккала [W<sub>1</sub>,W<sub>2</sub>; Pm<sub>1</sub>, Pm<sub>2</sub>] ларнинг грамматик жиҳатдан бир нарса эканлиги кўриниб турибди, лекин, назаримизда, гапнинг  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}Pm$  шаклида бир ҳосила эканлиги кучлироққа ўхшаб кўринади, жипслаштириш, мужассамлаштириш ҳоллари сезилиб туради.

Кесимлик аффиксларининг *-дир* шакли бошқаларига нисбатан анча унумли қўлланади. Бу аффиксларнинг ҳам қўлланишида юқоридаги икки ҳолат бор. Биринчи ҳолатда *-дир* ҳар бир кесим [W] сига қўшилиб келади: *Кўнгил хазинасининг қулфи тилдир ва ул хазинанинг калити сўздир* (Нав.). Иккинчи ҳолатда, яъни  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}Pm$  ҳолатида худди бошқа шакллардагидек, уюштириш, бирлаштириш хусусияти кучлироқ: 1. *Кўнгил хазинасининг қулфи тил ва ул хазинанинг калити сўздир.* 2. *Қариндошларнинг аҳволи*

*пачава, тирикчилиги бемазадир* (Ойб.) Бу қурилма от кесимли қурилма бўлиб, унинг кесимлари *пачава* ва *бемазадир*. Гапнинг семантик ва граматик тузилишидан кўриниб турибдики, кейинги кесимдаги [Pm] бирлиги олдинги кесимга ҳам тааллуқлидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, шеъриятда [Pm] нииг қўлланиши ўзгача хусусият касб этади, яъни унда [Pm] нинг, асосан, гап охирида келиши шарт эмас. Гап бошида ҳам, ўртаси ва охирида ҳам келаверади. Бир мисолни таҳлил қилиб кўрайлик:

*Шаҳарлар боқийдир,  
Умр ўткинчи,  
Дарёлар собитдир,  
Сувлар кўчкинчи.*

(Шухр.)

Бу мисол тўртта қисмдан иборат бўлган битта қўшма гапдир. Бу қўшма гапнинг биринчи қисми (компоненти) даги [Pm] иккинчи қисмга, учинчи қисмидаги [Pm] тўртинчи қисмга мана шундай, яъни [Pm]  $\{(S_1-W_1), (S_2-W_2)\}$ , Pm $\{(S_3-W_3), (S_4-W_4)\}$  тариқасида қўлланган. Бу хил қурилмаларни одатдаги  $[S_1-W_1+\emptyset, S_2-W_2+\emptyset, S_3-W_3+\emptyset, S_4-W_4+\emptyset]$  шаклида ҳам ишлатиш мумкин, албатта.

Шеъриятда юқоридагидан бошқа қурилмалар ҳам кўп учрайди:

- 1)  $[(S_1 - W_1)Pm (S_2-W_2)]$ .
- 2)  $\{(S_1-W_1), (S_2 - W_2)\} Pm = \emptyset$
- 3)  $\{(S_1 - W_1W_2), (S_2 - W_3(W_4))\} Pm$
- 4)  $\{(S_1, S_2-W_1), (S_3-W_2, W_3)\} Pm$
- 5)  $\{(S_1-W_1, W_2), S_2-(W_3, W_4)\} Pm$

Бундай қолиплар сирасини яна давом эттириш мумкин.

**[Pm] = мустақил сўз туркумлари.** Кесимлик аффикслари кесимни шакллантиргандай, мустақил сўз туркумлари ҳам уни шакллантиришда хизмат қилади.

От сўз туркумини ташкил қилувчи сўзлар кесим вазифасида кўп қўлланади, от кесим бўлиб келганда гап тузилишидан ҳозирги замон маъноси англашилади. От кесимлик қўшимчалари, шунингдек, *экан, эмиш, эмас* каби тўлиқсиз феъллар билан қўлланганда ҳам ҳозирги замон маъноси тушунилади:

<i>Мен</i>		<i>Мен</i>		<i>-ман</i>
<i>Сен</i>	<i>инжене</i>	<i>Сен</i>	<i>инжене</i>	<i>-сан</i>
	<i>р</i>		<i>р</i>	
<i>У</i>		<i>У</i>		<i>-дир</i>
<i>Мен</i>		<i>экан-ман//эмиш-ман//</i>		
		<i>эмас-ман</i>		
<i>Сен</i>	<i>инжене</i>	<i>экан-сан//</i>	<i>эмиш-сан//</i>	
	<i>р</i>	<i>эмас-сан</i>		
<i>У</i>		<i>экан//эмиш//эмас</i>		

Юқоридаги кўринишларнинг ҳаммасидан ҳозирги замон маъноси сезилиб туради.

От кесимли қурилмаларда ўтган ва келаси замон маъноси ҳам ифодаланади. Бу маънолар, албатга, ўз-ўзидан эмас, балки уларни ифодалаш учун бошқа воситалардан фойдаланилади. Масалан, ўтган замон учун *эди* тўлиқсиз феъли, шунингдек, *бўлмоқ*, *саналмоқ* сингари ўз асл маъносидан узоқлашган феъллар ишлатилади. *Бўлмоқ*, *саналмоқ* каби феъллар ўз навбатида келаси замонни ҳам кўрсатади. От билан бирга келиб, замон, шахс-сон, модаллик кабиларни кўрсатувчи юқоридаги бирликлар биргина отни кесим шаклига келтириш билан бирга, бир пайтнинг ўзида (бир гап ичида) бирдан ортиқ отларни ҳам кесим шаклига келтиради. Бирдан ортиқ отларни кесим шаклига келтирганда икки хил қўлланади:

а) ҳар бир от билан бирга;

б) фақат кейинги от билан бирга келиб, ҳаммаси учун умумий бўлади ёки бошқа отларни ҳам марказлаштириб, уюштириб, уларни кесим шаклига киритади, яъни шахс-сон, замон, модалликни ифодалайди: *Қодиржон студент бўлди ... Назокат ўқитувчи, Бибигул тўқувчи бўлди.* (Газетадан) Биринчи мисолда *бўлди* феъли *студент* деган биргина отни, иккинчи мисолда *ўқитувчи*, *тўқувчи* деган иккита отни кесим шаклига киритади. Кейинги мисолдаги *бўлди* феъли иккала отни бир марказга бирлаштириб келади, иккала отнинг вазифа жиҳатдан бир хил эканлигини кўрсатиб келади. Шу жиҳатдан қарасак, биринчи гап [S – WPm] моделида бўлса, иккинчи гап [(S<sub>1</sub> – W<sub>1</sub>), (S<sub>2</sub> – W<sub>2</sub>)]Pm] қолипидадир.

*Эди* тўлиқсиз феъли от кесимларда, худди феъл кесимларидагидек, жуда унумли қўлланади. Бошқа боғламалар эса анча кам учрайди.

Феълнинг асосий етакчи вазифаси кесим бўлиб келишидир. Шунинг учун ҳам феъл кесимлар жуда унумли қўлланади. Унинг бу борадаги унумлилиги  $[(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)]Pm$  сингари қолипда ҳам кўринади. Отнинг кесим вазифасида келиши, феълнинг кесим вазифасида келишига нисбатан кам. Худди шунингдек, унинг кесим бўлиб келиши қайд этилган қолипда қурилмаларда ҳам сезиларли даражада оз учрайди.

Сифат ҳам от каби кесим вазифасида келиши мумкин. Сифат кесимларнинг боғлама билан келиши бир томондан феъл ва от кесимларга ўхшаса, бошқа томондан улардан фарқ қилади. Яъни феъл кесимларда ҳам, от кесимларда ҳам феъл боғлама вазифасида қўлланади. Сифат кесимларда эса феъл, ўрни билан от боғлама вазифасида келади. Бу ерда шуни айтиш керакки, феъл кесимларда *бормоқ, келмоқ, юмшоқ, бўлмоқ, чиқмоқ, етмоқ, ўтмоқ, бошламоқ, ташламоқ, қуймоқ, қолмоқ, чақирмоқ, кўрмоқ, олмоқ, демоқ* каби тусланувчи феъллар, шунингдек тўлиқсиз феъллар боғлама вазифасида келса, сифат кесимларда тўлиқсиз феъл, камроқ бўлса ҳам, тусланувчи феъллар боғлама вазифасида келади: *бўлмоқ, ҳисобланмоқ, саналмоқ* каби: *Муҳаббат инсон ҳисларининг энг гўзали, энг ширини, нафрат энг аччиғи эмиш* (М.Исм.). Кесимликка хос бўлган шахс-сон, замон, модаллик каби белгиларни ифодалаш учун бу хил қурилмаларни турли кўринишларда (боғламаси турли кўринишларда) қўллаш мумкин. Чунончи:

- Ø

- дир

емиш

екан

*Муҳаббат инсон*

*ҳисларининг энг гўзали, энг*

*ширини, нафрат энг аччиғи*

бўлади

бўлармиш

бўлар екан

бўлсин

ҳисобланади

От ва сифат бир-бирига боғлиқ, бир-бирига жуда яқиндир. Чунки от предметни ифодаласа, сифат шу предметнинг белгисини кўрсатади. Шунинг учун от ва сифат айна бир пайтда, яъни бир қурилма ичида уюшиқлик занжирини ташкил қилади. Жумладан, *Алпомиш–у Рустамлар сизга ёр ва Равшанбек, Авазхонлар мададкор бўлсин* жумласида ёр сўзи от бўлса, *мададкор* сўзи сифатдир. Бу уюшиқликни эса боғлама (бўлсин) таъминлаб туради. Бу қурилмани ҳам юқоридаги каби турли кўринишларда кўриш мумкин:

*-дир / эди / экан / бўлди / бўлаётир / бўлсин  
/ҳисобланади*

*сизга ёр ва мададкор*

*Алпомишу Рустамлар Равшанбеку Авазхонлар*

Бу гапларнинг қолипи  $\{(S_1, S_2 - W_1=ot), (S_1, S_2 - W_3=сифат)\} Pm]$  дир.

Сон, асосан, тартиб сонлар, худди сифатлардек, кесим вазифасида келиб, боғлама билан қўлланади. Масалан, *Мусобақада спортнинг бир тури бўйича Наргиза биринчи, бошқа бир тури бўйича Нодира иккинчи бўлди* гапида *биринчи* ва *иккинчи* тартиб сонлари кесимнинг асосий қисми бўлса, *бўлди* феъли боғлама бўлади. Бу боғлама ўтган замонни кўрсатади. Келаси замонни кўрсатганда *бўламан, бўларсан, бўлади* шаклларида қўлланади. Соннинг боғлама билан келиб, юқоридаги каби кесим вазифасида келиши унумсиздир.

**[Pm] = бор, йўқ сўзлари.** Бу сўзлар тасдиқ ва инкор маъносини ифодалаб, кўпинча, кесим вазифасида келади. Кесим вазифасида келганда содда гапнинг, қўшма гапнинг, шунингдек, уюшиқ гаплар кесимининг бирлиги бўлиб келади. Уюшиқ гаплар кесимининг бирлиги [Pm] *эди* сингари бирликлар билан қўлланади. Бирор нарса ҳақида аниқ хабар берилганда, албатта, *эди, экан* сингари бирликлар ишлатилмайди: *Ўргилай, эгачи, Назокатхоннинг иши кўп. Хар куни унинг институтга бориб ўқиши, жамоат ишларига қатнашиши, кечқурун келиб, кечаси билан дарс тайёрлаши бор. Дам олиш кунлари эса уй-рўзғор ишлари, тозалик, озодалик*

*билан банд бўлиб, куёв ҳақида ўйлашга ҳам вақти йўқ. Ўқишини битирсин, ўргилай, кейин бир гап бўлар.* ("Саодат") Бундан фақат маълумот бериш англашилади. Шунинг учун ҳам *бор* сўзини бошқа бирликлар билан қўллаш мумкин эмас. Яна шуни айтиш керакки, *бор, йўқ* сўзларининг *мумкин, керак* сўзларининг, юқоридаги чизмада кўрсатилган бошқа бирикмалар билан қўлланиш доираси кенг эмас. Чунки уларнинг (*бор, йўқ* сўзларининг) мазмун тузилиши (семантик структураси) барча бирликлар (юқоридаги каби) билан қўлланишга имкон бермайди. *Унинг на Кўлобда уй-жойи бор, на бу ерда оёқ босадиган жойи* (С.Айн.) гапида ҳам кесим бутунча қавсдан ташқарига чиқарилади, чунки у биринчи қисм кесимини шакллантираётган бўлса ҳам, иккинчи қисмга тегишлидир. Бу гапнинг кичик қурилиш қолипни  $[(S_1 - X_1)(S_2 - X_2) W P_m]$  шаклида бериш мумкин.

Мустақил сўз туркумларидан олмош ва равишларнинг кесим бўлиб келиб, боғлама, аниқроғи,  $[P_m]$  вазифасидаги боғлама вазифасида қўлланиши деярли учрамайди.

$[P_m]$  = **керак лозим, шарт, мумкин**. Юқорида феъл, от, сифат, сон каби сўз туркумларининг кесимларини уюштириб келиши ҳақида тўхталинди. Энди бу туркумларга кирмайдиган баъзи бир сўзларнинг кесимларни (гапларни) уюштириб, қавсдан ташқарига чиқарувчи  $[P_m]$  вазифасида келиши ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз (*керак, лозим, шарт, мумкин* каби модал, *мақсад, ният, ҳаракат, умид*) сингари нисбий сўзлар киради. Бу сўзлар худди олдинги қисмларда фикр юритилган сўзлар сингари, ҳар бир кесим, аниқроғи кесимнинг  $[W]$  бирлигидан кейин такрорланиб келса, қўшма гап, кўпинча, кейинги кесим билан бирга келиб, уни қавсдан ташқарига чиқариш имконияти бўлса, уюшган гаплар ҳосил бўлади деб қараш керак:  $\{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2) \dots (S_n - W_n)\} P_m$  = уюшган гап  $[\{(S_1 - W_1 P_m), (S_2 - W_2 P_m)\}_n]$  = қўшма гап.

Энди юқорида кўрсатиб ўтилган сўзлар устида қисқача тўхтаб, улар иштирок этган гапларнинг уюшган гап қолипига тушишини текшириб кўрамиз.

**Мумкин сўзи**. Бу сўз, аниқки, бирор ҳаракат-ҳолат, бирор воқеа-ҳодисанинг юз бериши-бермаслиги ҳақида имконият бор-йўқлигини кўрсатади. Сўзловчи ёки ёзувчининг воқеликка муносабатини, моддалигини



англатади. Бу сўзнинг инкор шакли *эмас* тўлиқсиз феъли орқали берилади.

*Мумкин* сўзи ва унинг инкор шакли (мумкин эмас ва, шунингдек, модалликни кўрсатувчи бошқа бирликлар ҳам) қурилмада энг охири кесим (охири предикатив бирлик) билан бирга келиб, уюшган гапларни ҳосил қилади. Масалан, ... *жуда зарур бўлса, у телеграмма юбориши мумкин ёки синглиси телефонда гаплашиши мумкин гапи* қўшма гап бўлса, ... *жуда зарур бўлса, у телефонда гаплашиши ёки синглиси телеграмма юбориши мумкин*. ("Саодат") гапи уюшган гапдир. Биринчи гапнинг энг кичик қолипи – [... WPmRWPm]. Иккинчи гапнинг қолипи – [{{(S<sub>1</sub>–W<sub>1</sub>), (S<sub>2</sub>–W<sub>2</sub>)}}Pm]. Иккинчи қолип гап уюшган ва икки қисмдан иборат. Биринчи қисми кесимнинг [W<sub>1</sub>] бирлиги *юбориши* бўлса, иккинчи қисми кесимнинг [W<sub>2</sub>] *гаплашиши* бирлигидир. Қурилманинг *мумкин* бирлиги, яъни кесимнинг [Pm] қисми ҳар иккала [W] га ҳам тегишли бўлиб, уларнинг вазифаси жиҳатдан бир планда туришини кўрсатади.

*Мумкин* сўзининг ўзи модалликни ифодалайди. Бу сўз модалликнинг янада нозик фарқ (отгенка) ларини акс эттириш учун бир қанча бирликлар билан қўлланади. Бу, асосан, қуйидагича:

	<i>-дир</i>
	<i>Ø</i>
	<i>Эди</i>
<i>...мумкин экан</i>	<i>Эмиш</i>
	<i>Бўлади</i>
	<i>Бўлмайди</i>
	<i>бўлмайди</i>
	<i>бўлар</i>
	<i>бўлармикан</i>
<i>...мумкин бўлар экан</i>	<i>бўлар эмиш</i>
	<i>бўлмаса керак</i>

Бундан кўринадики, қурилма *мумкин* бирлигининг бир ўзи, шу билан бирга, ўрнига қараб, *мумкин* бирлиги чизиқ орқали кўрсатилган бирликларнинг ҳар бири

билан келиб, қавсдан ташқарига чиқарилади ва [Pm] васифасини бажаради.

**Керак** сўзи. Бу ҳам модал сўз бўлиб, бирор ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодисанинг юз бериш-бермаслиги ҳақида кишиларнинг муносабатини ифодалайди. *Керак* сўзининг ҳам инкор шакли *эмас* тўлиқсиз феъли орқали ифодаланади. *Керак* сўзи бирор воқеанинг юз бериш-бермаслигини истаб, қатъийлик билан баён қилиш, ифода этишни англатади. Бу сўз маъно фарқи билан сал фарқ қилган ҳолда *лозим, даркор, зарур* сўзлари билаи, ўрнига қараб, синонимик қатор ҳосил қилади. Лекин *лозим, даркор, зарур* сўзларига қараганда *керак* сўзи унумлироқ ишлатилади.

*Керак* сўзи ҳам, худди *мумкин* сўзидек, такрорланиб, гапнинг ёки қўшма гапнинг энг кейинги қисми билан келиб, уюшган гаплар ҳосил қилади: *Фашистнинг қўлига тикан ташлаш, томоғига қилтаноқ бўлиб қадалиши керак* (Шухр.) *Халқ умид узмаслиги, суд кунини яхши ниятлар билан кутиши, у судга инсоф сўраши керак* (Шухр.)

*Керак* сўзи ҳам, худди *мумкин* сўзидек, ҳаракат номлари билан кўлланади. Шунини ҳақ айтиш керакки, *керак* сўзи баъзан от билан, ўрнига қараб, от ва ҳаракат номи билан аралаш ҳолда ҳам кела олади: *Менга китоб, укамга елим керак.*

*Керак* сўзи модалликнинг нозик фарқ (оттенка)ларини ифодалаш учун ҳар хил бирликлар билан кўлланади. Бу қуйидагича:

	<i>дир</i>
	<i>еди</i>
	<i>экан</i>
<i>...керак</i>	<i>эмиш</i>
	<i>эмас</i>
	<i>бўлади</i>
	<i>бўлар</i>
	<i>бўлиб қолар емиш</i>

*Керак* сўзининг синонимлари бўлган *зарур, лозим, даркор* сўзлари ҳам юқоридаги шаклларда кўлланиб, турли хил фарқ (оттенка)лари ифодалайди.

**Мақсад, ният, умид, ҳаракат** каби нисбий сўзлар. Бу нисбий сўзлар ҳам, худди *керак, мумкин* сўзларидек

кесимнинг [W] бир қисми (бирлиги) бўлиб келади. Бу birlik бир қанча [Pm] birlikлар билан бирга қўлланади ва уюшган гапларни шакллантиради.

*Мақсад* тапидаги нисбий сўзларнинг [Pm] бирлиги олдинги сўзлардагидек (мумкин, керак) ранг-баранг эмас. Бу типдаги сўзларда, асосан, *-дир* ва *эди*, *экан*, *эмиш*, *эмас* тўлиқсиз феъллари [Pm] вазифасида келади.

	<i>дир</i>
<i>У марказий шаҳарга бориб</i>	<i>эди</i>
<i>ўқиш, синфдоши эса</i>	<i>эмиш</i>
<i>ишлаш ниятида</i>	<i>эмас</i>

**Ҳақида, тўғрисида** сингари кўмакчилар. Бу кўмакчилар ўзларининг асосий вазифаларидан, яъни нима биландир бирга келиб, объектни ифодалашдан ташқари, кесим таркибида ҳам келади. Кесим таркибида келганда бирлаштириш, уюштириш вазифасини ўтайди. Масалан, *Раиснинг доклади белгиланган меъёрга тўла амал қилиш яқин кунларда агрономнинг ахборот бериши, унинг маърузаси эса ишнинг сифатли бажарилиши ҳақида* ("Шарқ юлдузи") гапида *доклади, маърузаси* сўзи эга бўлади, *амал қилиш, ахборот бериши, бажарилиши* сўзлари кесимнинг [W] бирлиги бўлса, *ҳақида* сўзи кесимнинг [Pm] бирлиги ҳисобланади. Келтирилган мисолдаги таркибида *ҳақида* сўзи бўлган ёки таркибида *ҳақида* сўзининг бўлиши мумкин бўлган бирикмаларни (амал қилиш, ахборот бериши, бажарилиши ҳақида) ҳаракат объектини ифодаловчи қурилмалар дея бўлмайди. Чунки *ҳақида* сўзи қурилмаларни бир нуқтада жамлаб, уюштириб келади ва ҳукм белгиси ҳам шу сўз (*ҳақида*) орқали акс эттирилади, ҳукмнинг грамматик кўрсаткичларидан бири бўлган *-дир* унсури ҳам шу сўзга қўшилиб келади: *ҳақидадир* каби. Шундай қилиб, *амал қилиш, ахборот бериш, бажариш* сўзлари кесимнинг [W] бирлиги бўлса, *ҳақида* кўмакчиси кесимнинг [Pm] бирлигидир. Бу гапдаги *ҳақида* сўзи, яъни [Pm], ўз навбатида, *эди, экан, эмиш, эмас* каби birlikлар билан бирга келиб, турли хил маъноларни, жумладан, замон, модаллик каби маъноларни ҳам англатади.

*О*  
*ҳақида*                    *-дир*  
                                   *эди*  
                                   *экан*

Бу ерда шунга ҳам эътибор бериш керакки, мумкин, керак сўзлари кесимнинг [Pm] бирлиги бўлиб келганда тўлиқсиз феъллардан ташқари *бўлмоқ* феълининг турли хил кўринишлари билан ҳам қўлланади. *Ҳақида* сингари сўзлар *бўлмоқ* феъли билан келса, гап тузилиши бутунлай ўзгаради, яъни *ҳақида*, *тўғрисида* каби сўзлар ўз асл вазифасига қайтади. Масалан, *Раиснинг доклади белгиланган меъёрга амал қилиш, яқин кунларда агрономнинг ахборот бериши, унинг маърузаси эса ишнинг сифатли бажарилиши ҳақида бўлди, бўлади // бўлар эмиш // бўларкан...* Бу гап “субъект – объект – субъект – предикат” қолипидадир. Предикат – *бўлди, бўлади, бўлармиш, бўларкан* ва бошқалар.

*ҳақида бўлди / бўлади / бўлармиш / бўларкан*  
*амал қилиш,            ахборот            бажарилиши*  
                                   *бериши*  
                   *меъёрга            агрономнинг            сифатли*  
*белгиланган            яқин            ишнинг*  
                                   *кунларда*  
                                   *доклади            маърузаси эса*  
                                   *Раиснинг            унинг*

**Учун** типдаги кўмакчилар ва нисбий сўзлар. *Учун* ўз асосий вазифасига кўра объектни, шунингдек, сабаб, мақсад каби маъноларни ифода этишда кўмаклашса, *туфайли* кўмакчиси ва *сабабли, сабабдан* нисбий сўзлари сабаб маъносининг ифодаланишига ёрдам беради. Шунини айтиш керакки, *учун* типдаги кўмакчи ва нисбий сўзлар ўз вазифаларидан ташқари, кесим вазифасида ҳам кела олади. Масалан, *Унинг бу ҳаракатлари оилани боқиш, турар жой шароитини яхшилаш, қайнонасининг бу гаплари эса "Сентинч-қўшнинг тинч" иборасининг ҳаётий ҳақиқат эканлигини исботлаш учун ("Муштум") гапида боқиш, яхшилаш, исботлаш* сўзлари *учун* кўмакчиси билан

бирга келиб, кесим вазифасини бажаради. Бу гапда *боқиш, яхшилаш, исботлаш* сўзлари кесимнинг [W] бирлигига тенг бўлса, *учун* кесимнинг [Pm] бирлигига тенг келади. Бу гап қуйидаги қолипга эгадир:  $\{(S_1-W_1, W_2), (S_2-W_3), (S_3-W_4), Pm=0-W_5\}Pm$ . Юқорида келтирилган гап шаклини бироз ўзгартириб, унга тенг бўлган *учун* бирлигини *туфайли, сабабли* сўзлари билан алмаштириш мумкин.

*Учун* типидagi [Pm] бирликлар кесимнинг [W] бирлиги билан бирга келиб, ўзидан кейин ҳеч нарсани талаб қилмаслиги ва ҳар хил модаллик фарқ (оттенка)ларининг ифодаланиши учун юқоридаги сўзлар сингари, турли хил қўшимча бирликлар билан кела олади:

	∅
	–дир
	экан / эканмикан
	эмиш
...учун	эмас / эмасмикан
	бўлса керак
	бўлса керакдир
	бўлаётгандир
	бўлаётганмикан

*Туфайли, сабабли* сўзлари ҳам *учун* типидagi сўзлар бўлганидан юқоридаги қўшимча сўз, сўз бирикмалари билан қўлланиб, турли хил модаллик фарқ (отгенка)ларни кўрсатади. *Туфайли, сабабли* сўзларининг юқорида санаб ўтилган бирликлар билан қўлланиши, албатга, айнан бир хил эмас. Сўзларнинг мазмун (семантик) структураси, услуб талабларига кўра фарқли томонлари бор, чиқиш келишиги қўшимчаси –даннинг қўлланишида ҳам буни кўриш мумкин.

[Pm] ва унинг таркибий қисмлари ҳақида қуйидагиларни баён этиш мумкин. Маълумки, бизни қизиқтирган [Pm] – кесимнинг “қавсдан ташқарига чиқарилиши” мумкин бўлган қисми. Кесимнинг мана шу [Pm] қисми замон, майл, модаллик кабиларнинг ифодаланишига хизмат қилади, шунингдек, услубга кўра турли тусга киради, яъни шахс-сон қўшимчалари билан

қўлланади, сўз ва сўзлар бирикмаси билан келади. Масалан, *Боғишамол гуллари чиройли ва ҳиди хушбўй* типидаги сифат кесимли гапларни қуйидагича турли тусга киритиш мумкин:

	<i>–дир</i>
	<i>эди</i>
<i>чиройли ва ҳиди хушбўй</i>	<i>экан</i>
	<i>эмиш</i>
	<i>бўлади</i>
	<i>бўлар экан</i>

Мана шу каби кесимларнинг [W] бирлигини турли тусга киритувчи восита ҳар хил шаклдаги [Pm] бирлигидир. Жадвалдан кўриниб турибдики, [Pm] уч хил шаклга эга:

- сўзга қўшилувчи қўшимча шаклига;
- бир сўз шаклига;
- кўп сўз шаклига: *бўлар экан, бўлар эмиш...*

Юқорида келтирилган бу мисолда тўлиқсиз феълларнинг ёлғиз ўзи [Pm] вазифасида келади, шу билан бирга, [Pm] нинг таркибий қисми ҳам бўлиб келади. Албатта, бундай қўлланиш ўз-ўзидан бўлмайди. Тўлиқсиз феъллар биринчи қўлланишда замон ва модаллик каби тушунчаларни ифодалаш билан белгини характерласа, иккинчи қўлланишда белгининг белгисини характерлайди.

[Pm]нинг таркибий қисми юқоридагидан ҳам кўп бўлиши мумкин. Юқорироқда *керак бўлиб қолиши мумкин экан* сингари мисоллар келтирилган эди. Ушбу мисолларда [Pm] нинг таркиби тўрт бирликдан иборат бўлиб, улар қуйидагича: 1) *керак*, 2) *бўлиб қолиши*, 3) *мумкин*, 4) *экан* ёки *эмиш*. Бу ерда [Pm] нинг биринчи бирлиги (*керак*) ўзидан олдинги сўзга (кўпинча ҳаракатга) нисбатан модалликни, иккинчиси биринчисига, учинчиси иккинчисига, учинчиси тўртинчисига нисбатан модалликни англатади. Бундай мисоллар қанча бирликдан иборат бўлса ҳам, битта [Pm] ҳисобланади. Айрим мисолларни қиёслаб кўрамиз: 1. *Абжурдан таралган кўкиш нур унинг юзида товланар, хаёлга чўккан қора кўзлари Саодатхонга бемалол кўринарди* (С.Зун.) Бу қурилмада *-ди* қўшимчаси уюштириш вазифасини бажармоқда. Гап шаклини *Абжурдан таралган кўкиш нур унинг юзида*

товланарди, хаёлга чўккан қора кўзлари Саодатхонга бемалол кўринарди тарзида ўзгартирсак, икки қисм кесими ҳам шаклланади ва кўшма гап ҳосил бўлади. 2. Назокатнинг бағридан нимадир кўчган, нимадир ярақлаб чиққан, нимадир калқиб кетгандек бўлди. (Шухр.) Бу қурилма ўз таркибида учта қисми бирлаштириб, уюштириб келмоқда. Ҳар бир қисм ўзининг [W] си, [Pm] ига эга, умумлаштирувчи [Pm] -дек бўлди га тенг бўлиб, олдинги икки қисмга ҳам тегишли. Демак, бу қурилмани уюшган гап шаклига келтиришда [Pm]нинг -дек бўлди га тенг бўлиши муҳим роль ўйнайди. 3. Кўзини очганда, кечагина хунук ва бевафо кўринган олам ажиб бир чирой кашф этган, ерда ётган ҳар бир тош бўлаги гавҳарга айланиб, тилга киргандек бўлиб кўринди (Шухрат) Бу уюшган гап икки қисмдан иборат, шу қисмларни таркибида учта унсур иштирок этган биргина [Pm] уюштириб келмоқда. Уюштириш вазифасини бажарувчи [Pm] бу ўринда -дек бўлиб кўринди га тенгдир.

Таркибли [Pm]лар бир қарашда сўз бирикмаларига ўхшайди. Аслида эса улардан фарқ қилади: сўз бирикмаларида олдинги сўз кейинги сўзга алоқадор бўлса, таркибли [Pm] да кейингиси ўзидан олдинги сўз билан алоқадор, яъни кейинги сўз олдинги сўзни у ёки бу жиҳатдан характерлайди. Шунини ҳам қайд қилиш керакки, тўпланган фактик материалларда тўртта таркибий қисмли [Pm] лар учради.

**Уюштирувчи восита [Pm] = феъл.** Юқорида кесимлик аффикслари, тўлиқсиз феълларнинг [Pm] и вазифасида келиши устида тўхталинган эди. Қуйида тусланувчи феълнинг шу вазифада келиши ҳақида фикр юритилади.

Феъл, юқорида айтилганидек, вазифа ва мазмун доираси анча кенг бўлган мураккаб сўз туркуми бўлиб, унинг мазмуни ҳамда бирикувчанлиги (валентлиги) гапни вужудга келтиради, уни шакллантиради. Қурилмаларда гап бўлақларини уюштириш, марказлаштиришга ҳам феълнинг ўрни ва роли кўзга ташланади. Бу борада феъл, асосан икки хил вазифани бажаради:

1. Уюшиқ бўлақларни марказлаштиради.

2. Гапларни марказлаштиради.

Биринчисида гапнинг у ёки бу бўлақлари уюшиб

келади. Феъл кесим эса шу бўлақларнинг ҳар бири билан кела олади ёки гап охирида келиб, ҳаммаси учун умумий бўлади. Мана шу умумий бўлақ уюшиқ бўлақларни марказлаштиради. Масалан, *Сиз ҳажга кетаётганлар кимлар эканлигини, Ҳаж қилишдан бошқа яна нима мақсадлари борлигини, Ҳажга нима кўтариб кетаётганларини инглизларга шипшитиб туринг* (М.Исм.) Бу гапда *шипшитиб туринг* кесими учта тўлдирувчини бирлаштириб, уюштириб келмоқда. Иккинчисида феъл феъл кесимнинг бир бирлиги бўлиб, шу феъл кесимнинг [W] бирлиги учун умумий бўлади. Бу хил қурилмаларда [W] лар кўп бўлиб, [Pm] битта бўлади. Шу битта [Pm] худди битта феъл кесим уюшиқ бўлақларнинг ҳаммаси учун умумий бўлганидек (биринчи банддаги), кўп [W] лар учун ҳам умумий бўлади, шу кўп [W] ларни уюштириб, бирлаштириб келади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда гапнинг уч тури келиб чиқади:

1) кўп уюшиқ бўлақли-битта кесимли (*Тинчликни, халқ манфаатини ҳимоя қилиш керак*);

2) умумлаштирувчи (уюштирувчи) бирликсиз икки ва ундан ортиқ қурилма (*Китобни севинг, чунки у сизга кўп нарсани ўргатади*);

3) умумлаштирувчи (уюштирувчи) бирлиги икки ва ундан ортиқ қурилмали:

а) *У Москвада туғилиб ўсган, умрининг охиригача ўша ерда яшаган эди.*

	<i>туғилиб ўсган</i>	
<i>У</i>		<i>Эди</i>
	<i>яшаган</i>	

б) *Қишлоқларни кўрдингизми? Эгалари хору зорликдан, фақир у ҳақирликдан қирилиб, уйлари йиқилиб ётибди* (М.Исм.):

<i>Эгалари ...</i>	
<i>қирилиб</i>	<i>Ётибди</i>

*Уйлари йиқилиб*



Мана шу юқоридаги икки тур гапни бир қаторга қўйиб бўлмайди. Уларнинг биринчиси содда, иккинчиси қўшма гап дейилса, учинчисини – а) банддагисини, юқорида айтилганидек, уюшиқ кесимли содда гап, б) банддагисини эса, уюшган гап дейиш мумкин.

Феъл уюштирувчи восита [Pm] сифатида кўп қўлланади. У икки, уч, тўрт, ўрнига қараб, ундан кўп кесимлар [W] ни бирлаштириб, уюштириб келади. Бу вазифада, кўпинча, ҳаракат-ҳолат, нутқ феъллари қўлланади. Ҳаракат-ҳолат феълларининг баъзилари ўз асл маъносидан узоқлашиб, кўмакчи феъл ҳолига келиб қолган бўлади. Бундай феълларга, асосан, *кетмоқ, бўлмоқ, ташламоқ, келмоқ* ... кабилар киради. Мисоллар: 1. *Кетмоқ* феъли: *Ватанни ҳимоя қилишда, муқаддас ишда бутун мамлакат дўстлашиб, ҳаммаси иноқлашиб кетди* (“Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб” Бундан кейин “Мактуб” дейилади). 2. *Бўлмоқ* феъли: 1. *Душманлар меҳр билан қурган каналларимизни қон дарёларига айлантирмоқчи, улар Бухородаги манғит амирларининг, Қўқон ва Хивадаги қонхўр хонлардаги даврдан ҳам баттар бир даврни қайтариб келирмоқчи бўлади* (“Мактуб”дан). 2. *Ногаҳон биз ётган қир қаттик силкингандай, қаердадир олдинда катта қоя ағдарилиб йиқилгандай бўлди* (О.Ёқ.). *Алпомиш-у Рустамлар сизга ёр ва Равшанбек, Авазхонлар мададкор бўлсин* (“Мактуб” дан). *Бўлмоқ* феълнинг инкор шакли ҳам қавсдан ташқарига чиқарилиши, уюшган гап ҳосил қилиши мумкин: *Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат* (Мақол). *Гул тикансиз бўлмас, дур-садафсиз* (Мақол). 3. *Чиқмоқ* феъли: ... *баъзилари негадир яқиндаги боғларга яширинмай, болохона ва сомонхоналарга бекинишиб, тонг отгунча излашиб, баъзилари қувлашиб чиқишарди.* (О.Ёқ.) *Зиёфатга келганлардан айримлари шошиб, баъзилари эса эринмай, секин-аста чиқишарди* (Газетадан). 4. *Ётмоқ* феъли: *Урушдан аввал бундай пайтларда усталар ва ҳашарчилар тўлиб кетадиган катта ҳовли бўм-бўш, рўпарама-рўпара урилган иккита катта бино ҳувиллаб ётарди* (О.Ёқ.). *Ким билади, у туришга дармони етмай, тик этса, эшикка термилиб, ҳамроҳи эса мажолсиз ётибдими?* (Шуҳр.) 5. *Ўтмоқ* феъли: *Савр ойининг булутлари ҳавода ўкириб, селлар қуйиб ўтди* (Ойб.) Бу

хато сендан, олдингиси, тўғри, дугонангдан ўтган эди (“Шарқ юлдузи”). 6. Ютмоқ феъли: Сувга тушганда балиқ бўлган, ўрмонга кирганда шер бўлган ютади (Шухр.). Акаси ҳар доим шахматда ютади, синглиси – шашкада... (Газетадан). 7. Бажармоқ феъли: Бунақа мардликни покиза йигит, юрагида ўти бор, лабзи ҳалол йигит бажаради (Шухр.) “Меҳнат” командасининг вакили биринчи шартни, бизнинг командамиздан Севара иккинчи шартни бажардилар. 8. Бошламоқ феъли: Энди теварагидаги гузалликни фарк кила, синглиси унга хаваслана бошлади. (М.Исм.) 9. Қўймоқ феъли: Буниси кузни кўр қилиб, униси кулоқни гаранг қилиб қўяди (Шухр.). 10. Юрмоқ феъли: У мазза қилиб ўқиб, укаси ишлаб юрибди. Салим заводда ишлаб, Қодир университетда ўқиб юрибди (Газетадан). У Дилшоднинг “Садои Фарғона” газетасида гоҳ-гоҳ босилиб қоладиган шеърларини ўқиб, таъби тирриқ бўлиб юрарди (М.Исм.). 11. Қолмоқ феъли: Бой ота жавоб тополмай, Эшонхон қизариб, дудуқланиб колди (Ойб.) Ҳаммамиз ҳам шунақа деймиз-у, ўзимизга келганда қўш сурнай буюриб, ҳаммамиз импорт мебель қидириб қоламиз.

Шуни айтиш керакки, [Pm] қавсдан ташқарига чиқарилиб, бир неча кесимларни уюштирганда, оҳанг муҳим роль ўйнайди. Кесимларнинг бири тез, бири иккинчисига боғлиқ равишда талаффуз этилса, табиий, уларнинг (кесимларнинг) сони камаяди, яъни кесимлардан бири ҳолга ўтади, Одатда, бундай ҳол бир хил [Pm] билан шаклланган кесимларда бўлади. *Бой ота жавоб тополмай, Эшонхон қизариб, ҳолда дудуқланиб қолди* гапини икки қисмдан иборат десак, уни қуйидагича ўзгартириш мумкин: *Бой ота жавоб тополмай, Эшонхон қизарган ҳолда дудуқланиб колди*. Биринчи кесимни (жавоб тополмай) бу тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Агар биринчи кесимни жавоб тополмади, охиргисини дудуқланди деб ўзгартирсак, гапнинг шакли қуйидагича бўлади ва қурилманинг мазмунига таъсир қилмайди: *Бой ота жавоб тополмайди, Эшонхон қизариб дудуқланди* каби. Бунда *қизариб* равиш ҳоли вазифасини бажарарди. *Қизариб* бўлагидан кейин пауза бўлмаса (ёзувда вергул қўйилмаса), қурилмада *колди* кесими қавсдан ташқарига чиқарилиб, икки қисмни уюштириб келади: *Бой ота жавоб тополмай, Эшонхон қизариб дудуқланиб*

ҳолди. Бу қурилмани *Бой ота жавоб тополмай колди, Эшонхон кизари, дудуқланиб қолди* тарзида ҳам келтириш мумкин. Бундай вақтда қўшма гап ҳосил бўлади. 12. *Бормоқ феъли: Йўл бўйи Нодири китоб ўқиб, Ноила, эртак айтиб борди* ("Ёшлик"). 13. *Чақирмоқ феъли: Катта акам мени индамай қараб турмасликка, кичик акам сабр-тоқат қилишга чақирди. Бу қурилмада чақирди феъли икки қисмни уюштириб келмоқда.* Шу қисмларнинг тўлдирувчилари бир хил грамматик шаклда келиши ва шунда ҳам қавсдан ташқарига чиқариладиган сўз билан биргаликда яхлит бир ҳосилани вужудга келтириши табиий. Чунончи, *қараб турмасликка* бўлаги ўрнида *сўзимдан кайтмасликка, ҳайиқмасликка, кўрқмасликка* каби бир неча хил сўзларни қўллаш мумкин. *Чақирди* кесими ўрнида эса *ундади* феълени ишлатса бўлади. Демак, уюшган гап қисмларини уюштирувчи бирликларни, гарчи улар бутун сўз сифатида (бу ўринда феъл) "қавсдан ташқари"га чиқарилса ҳам, уларнинг ўхшаш (аналогик) кўриниши (вариант)лари билан алмаштириш қурилманинг мазмунига деярли путур етказмайди. 14. *Демоқ феъли: Онаси ўқисин, отаси ишласин деди. Омон – жонинг бор, ўша караб турди деди* (М.Исм.) 15. *Бермоқ феъли: Бирни биров беради, кўпни меҳнат* (Мақол). *У менга китоб, Салима унга қалам берди.* 16. *Гапирмоқ феъли: Дўст ачитиб, душман кулдириб гапирар* (Мақол). *Раҳима "Граф Монте Кристо" ҳақида, ўртоғи курган киноси ҳақида гапирар.* Биринчи мисолда [Pm] иккинчи қисм таркибида қўлланган. У *ачитиб, кулдириб* равиш ҳоллари ёнида келиб, ҳам бу бўлақларни ва шулар орқали ҳар иккала қисмни бутунча уюштириб келмоқда. Иккинчи мисолда эса воситали тўлдирувчи ёнида турган кесим ўзи қавсдан ташқарига чиқарилади, Бу кесим ҳар иккала қисм тўлдирувчисидан сўнг қўлланса, қурилма уюшган гап ҳолидан чиқиб, қўшма гапга айланади. Гапнинг кичик қурилиш қолипи –  $[(S_1 - X_1)(S_2 - X_2)]WPm$ . 17. *Қайтмоқ феъли: Арслон изидан қайтмас, йигит сўзидан* (Мақол). *Оқ "Волга" ўнг томондаги муюлишга, "Жигули" эса чап томондаги кўчага қайтди.* *Қайтмоқ* феълнинг равишдош шакли гапнинг биринчи қисмида қўлланган. Гапнинг биринчи қисмида [Pm] ҳолдан сўнг, иккинчи қисмида тўлдирувчидан сўнг қўлланади, Иккинчи мисолда эса

[Pm]дан олдин ҳар икки қисмда ўрин ҳоли келмоқда. 18. *Ўлмоқ феъли: Иккиси ҳам аҳмоқ ... Бири йиғиб, бири еб ўлади* (Ойб.) *Бу йил жуда зарар кўрдик: қишда сигиримиз ўлди, баҳорда касалланиб икки кўйимиз* (Газетадан). 19. *Урмоқ феъли: Бирники мингга, мингники туманга уради* (Мақол). *Э, товба, энди сени Азроил ҳам уради, шайтон ҳам* (“Муштум”). 20. *Ортмоқ феъли: Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан душман* (Мақол). *Акаси муҳаббатимни, укаси нафратимни орттирди* (“Шарқ юлдузи”). *Қизимнинг боласи ишимни, гапи ташвишимни орттирган эди* (“Туркистон”) 21. *Севмоқ феъли: Булбул чаманни севар, одам Ватанни* (Мақол). *Қизиқ, Шоирани Акбар, Акбаржонни Гулчеҳра,севади* (Газетадан). 22. *Пайқамоқ феъли: Унинг келганини на Қурбон ота пайқади, на Сиддиқжон* (А.Каҳ.) Бу мисолда [Pm] биринчи қисмда эгадан кейин қўлланган. Иккинчи қисм эса фақат эгадангина иборат, яъни жуда қисқа шаклда берилган: *унинг ва келганини бўлаклари қўлланилмаган*. Грамматикада бу синтактик тежам номи билан юритилади. 23. *Кор қилмоқ феъли: На қаттиқ гап кор қилади ва на юмшоқ гап.* (Уйғ.) Бу мисолдаги иккинчи қисм фақат аниқловчи ва эгадан иборат бўлиб, биринчи қисмда қўлланган [WPm] га тенг бўлган *кор қилади* унга ҳам тегиши. Бунда “қавсдан ташқари”га чиқариладиган бирлик бевосита эгадан кейин жойлаштирилган. 24. *Сўзламоқ феъли: Яхши топиб сўзлар, ёмон қошиб* (Мақол). *Ҳакима ўз дардини, Муножот унинг гапини эшитмай, менга ўз ташвишини сўзлар эди* (Газетадан). 25. *Едирмоқ феъли: Яхши қанд едирар, ёмон панд* (Мақол). 26. *Ёрмоқ феъли: Тўғри тил тош ёрар, эгри тил – бош* (Мақол). *Аччиқ сўз дилни ёради, тоза асал тилни* (“Тошкент оқшоми”). 27. *Билмоқ феъли: Бу феъл айрим қурилмаларда ўз маъносида, айримларида ўз маъносини йўқотган ҳолда қўлланади. Ҳар икки ўринда у бир қисмдан кейин қўлланса ҳам, иккаласига ҳам тегишли бўлади, “қавсдан ташқари”га чиқарилади. Масалан: 1. Акаси телпак тикишни, укаси маҳсидўзликни билади. 2. Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса қариганини* (Мақол). *Бунинг ҳароратини севги ўтида енган, висол онини орзиқиб кутган билади* (Шухр.). 28. *Тегмоқ феъли: Яхшининг шарофати тегар, ёмоннинг касофати* (Мақол). *Укангиз давлатимга, Нодира ўзимга тил тегизмасин, қўрқмайман* (“Муштум”).

29. *Қўймоқ феъли: Айтсам, тилим куяди, айтмасам дилим (А.Қаҳ.) ... гапираверсин, дили ҳам қуймайди, ўзи ҳам ("Тошкент оқшоми").*

Маълум бўладики, [Pm] нинг таркибий қисми бир хил ва ҳар хил бўлиши мумкин. Шу билан бирга, унинг қурилмадаги жойлашиш ўрни ҳам ҳар хил бўлиши кўзга ташланади. Бунда, асосан, икки ҳолат аниқланади:

1) қавсдан ташқарига чиқариладиган [Pm] тўлиқсиз феъл билан ифодаланган бўлса, кўпинча, қурилманинг, охирида келиб, уюшган гап қисмларини умумлаштиришга хизмат қилади;

2) агар қавсдан ташқарига [WPm] чиқарилса;

а) қурилманинг охирида;

б) мақоллар таркибида қўлланган бўлса, биринчи қисмдан сўнг келиб, кейинги қисмларни ҳам уюштиришга хизмат қилади.

Маълум бўладики, юқоридаги каби қурилмаларда [W], асосан, сифатдош билан ифодаланади. Унинг равишдош ёки бошқа сўз билан ифодаланиши камроқ учрайди. Шунингдек, [Pm] нутқ феъллари билан ҳам кам ифодаланади. Умуман, [Pm] вазифасида қайси феълларнинг кўп, қайсиларининг кам қўлланиши, қайсилари бу вазифада келмаслиги сабабларини аниқлаш галдаги вазифалардандир.

**[WPm] кенгайтирувчилари билан фарқланувчи уюшган гаплар.** Гап таркибида [W] ўзининг кенгайтирувчилари (бирикувчанлик аъзолари), зарурий ва факультатив актантлари билан ҳам келади. Бу кенгайтирувчиларнинг гап қурилишадаги ўрни масаласи мунозарали ва мутлақо ўрганилмаган. Аммо бу кенгайтирувчиларнинг кесим луғавий асосига алоқадорлиги шубҳасиздир. Шунинг учун гапнинг актуал бўлинишида бу кенгайтирувчиларнинг биринчи қисми таркибига қўшилади. Мана шу асосда субстанциал таҳлил асосларида гапнинг энг кичик қурилиш қолипи [WPm] сифатида қабул қилишган, яъни [W] нинг кенгайтирувчилари энг кичик қолипдан чиқарилган, аниқроғи, субстанциал ёндашиш асосида бу кенгайтирувчилар [W] нинг маъно хусусияти ва синтактик қобилияти [W] нинг ўзида мужассамланганлиги эътироф этилган. Бу кенгайтирувчилар [WPm] нинг таркибий қисмлари эканлиги сабабли кичик қурилиши [WPm] бўлган содда

гапларда ўзаро уюшиш нафақат [Pm], соф [W], балки [W] нинг кенгайтирувчилари асосида ҳам содир бўлиши мумкин. Мисол сифатида икки гапни бир-бирига арифметик усул билан қўшайлик: *Раҳим гул олди + Салим китоб олди*. Бу қуйидагича икки ҳосилани бера олади:

- а) *Раҳим, Салим гул, китоб олдилар,*
- б) *Раҳим гул, Салим китоб олди(лар):*

а) йиғинди мазмуни билан қўшилувчилар – (*Раҳим гул олди, Салим китоб олди*) мазмуни орасида кескин фарқ мавжуд;

б) ҳосила эса мазмунан қўшилувчилар мазмунига тенгдир, лекин б) ҳосилада *Раҳим гул олди, Салим китоб олди* содда гапларни бир-бирига қўшиш эмас, балки бу икки гапни бир гап таркибида бирлаштиришда гаплардаги умумий қисмларни қавсдан ташқарига чиқариш амалиёти бажарилган; *гул* нинг *олди* орқали *Раҳим* га *китоб* нинг яна *ўша олди* орқали *Салим* га алоқадорлиги сақланиб қолган.

Яна бошқа икки гапни уюштирайлик:

1. *Ўртоғини кўришга кеча Раҳим гул олиб борди.*

2. *Ўртоғини кўришга бугун Салим китоб олиб борди.*

Юқорида зикр этилган қоида асосида бу икки гапни қўшиш қуйидаги ҳосилани беради: *Ўртоғини кўришга кеча Раҳим гул, Салим бугун китоб олиб борди*. Бу гапнинг қурилиш қолипи:  $X_m + (S_1 - X_n) (S_2 - X_n) \{X_m + [(S_1 - X_n - T'), (S_2 - X_{n_2} - T_2)]WP_m\}$ , яъни ҳаракат номи (кенгайтирилган бирикмаси) билан ифодаланган мақсад ҳоли ва *олиб борди* билан ифодаланган [WPm] умумийлик сифатида “қавсдан ташқарига чиқарилган”.

Баъзи бир уюшган гаплар таркибида бир гап бўлаги бор-у, иккинчисида йўқ ёки акси. Яна баъзи бирларида бир бўлакнинг ҳар хил кўринишлари учраши мумкин. Айримларида эса гап бўлаклари аралаш ҳолда келади. Шу каби қўлланишни текшириш уюшган гаплар қисмлари таркибининг ранг-баранглигини кўрсатади, Қуйида бундай қўлланишни кўриб ўтамиз:

1) уюшган гап биринчи қисмида тўлдирувчи қўлланади, иккинчисида эса қўлланмайди: *Эрта ёғиб ўтган ёмғир чанг ва ғуборни ювиб кетган. Дарахтларнинг япроқлари тиниқ ва тоза еди* (Ҳ.Наз.):

*... чанг ва ғуборни ...ювиб кетган Эди*

*... япроқлари... ...тиниқ ва тоза*

2) биринчи қисмида тўлдирувчи йўқ, иккинчисида мавжуд: *Уйғонганда суяклари сирқирар, у ўзини ланж туйганди.*

*... суяклари*

*...зирқирар*

*... ўзини*

*...ланж туйган*

*эди*

3) ҳар иккала қисмда ҳам тўлдирувчилар мавжуд:

а) воситасиз тўлдирувчилар қўлланади: *Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса – қариганини* (Мақол). *Аҳмоқ қизини мақтар, тентак – ўзини* (Мақол). Бу гапларнинг қурилиш қолипи қуйидагича:  $\{(S_1-T_1), (S_2-T_2)\}WPm$ ;

б) воситали тўлдирувчилар қўлланади: *Нигора ўртоғига, укаси велосипедга қаради гапида каради сўзи қавсдан ташқарига чиқарилади ва у қисмлар таркибидаги ўртоғига, велосипедга бўлақларини ҳам уюштиришга хизмат қилади.*

*Бердиқулов очик чехра билан гапирар, унинг хурсаналигу сўзидан ҳам, ҳаракатидан ҳам сезилиб турар эди.* (С.Наз) гапининг ҳар икки қисмида тўлдирувчи қўлланган, булардан иккинчи қисмдагиси уюшган ҳолда келган. Ва ҳар бир тўлдирувчи ўз ҳоким бўлагига тобе. Икки гапни қуйидаги схемалар тарзида бериш мумкин:

*... ўртоғига*

*Қаради*

*... велосипедга*

*Қаради*

*... очик чехра билан гапирар*

*... сўзидан ҳам,ҳаракатидан* *Сезилиб турар*

*эди*

2) уюшган гап қисмларида аниқловчиларнинг қўлланиш-қўлланмаслиги: а) биринчи қисмда аниқловчи қўлланади, иккинчисида – йўқ: *Баланд столбалардаги лампочкалар нури ҳам тарвақайлаб кетган, сояси ҳовлига тушиб тврарди* (С.Зун.) *Андижон миробларининг бошлиғи бўлган бу одам гардани жуда гўштдор бўлганлиги учун хўкизга ўхшаб бўйнини бир оз олдинга эгиб юрар. шунинг учун танишлари орқаворатдан уни “гов” деб аташар эди* (С.Зун.); б)

иккинчи қисмда аниқловчи мавжуд, биринчисида – йўқ: *Ой кўринмас, азим тол ва теракларга сероб кўчалар яна ҳам қоронғи эди* (С.Зун.) *Аксига олиб ой кўринмас, беҳисоб милтиллаган юлдузлар эртақдаги бағри тош*

маликаларга ўхшар, ерга ёруғлик туширмас эди (П.Қод.); в) ҳар иккала қисмда ҳам аниқловчи мавжуд: *Унинг отаси жамоа хўжалигининг, менинг отам совхознинг бошлиғи эди* гапида бошлиғи эди тўлалигича “қавсдан ташқари”га чиқарилади ва унга қаратқичли аниқловчилар эргашади. ... *У бизнинг ўғлимиз, у сизнинг биродарингиздир* гапида аниқловчиларнинг ҳар бири кесимига эргшиб келмоқда, “қавсдан ташқари”га эса -дир унсури чиқарилади. Бу гапларнинг қурилиш қолипни қуйидагича бериш мумкин: 1.  $[(S_1-A_1), (S_2-A_2)]WPm$ . 2.  $[(S_1 - A_1 - W_1), (S_2 - A_2 - W_2)]Pm$ .

3.1) уюшган гап биринчи қисмида ҳол қўлланади, иккинчи қисмида эса қўлланмайди: а) биринчи қисмида ҳол қўлланади, иккинчисиди эса – йўқ: *Кечки пайт бир аёл келган, уни Вера Ивановна танимаган эди* (С.Зун.) *Сирож эртага жўнаб кетиши керак, Вера Ивановна кўз ёшини тиёлмас эди* [С.Зун); б) иккинчисиди ҳол мавжуд, биринчисиди – қўлланмаган: *У борган, доктор хотин қаергадир касал кўргани кетиб қолган экан* (“Шарқ юлдузи”) *Қор аралаш ёмғир ёғар, намгарчилик ернинг бағри–бағрига сингиб кетганга ўхшарди* (С.Зун.); в) ҳар иккала қисмда ҳам ҳол мавжуд: *Бу орада Қосимбек Бобур мирзонинг устози Хўжа Абдуллани уйдан қидириб топган, улар икковлашиб, арқдаги беклар олдиға чиқишган эди* (П.Қод.). *Бунинг устиға Василий Матвеевичға жуда ҳам ўрганиб қолган қишлоқ аҳолиси дам-бадам уни йўқлаб турар, Вера Ивановна бўлса, қўлидан келганича эрининг йўқлигини сездирмасликка тиришар эди* (С.Зун.).

... дам-бадам                      ...йўқлаб турар  
 ...                      қўлидан    ...тиришар                      эди  
 келганича

Бу гапларнинг кичик қолипи –  $[(S_1-X_1-W_1), (S_2 - X_2 - W_2)]Pm$ .

Энди уюшган гапли қурилмалар таркибиди, асосан, бевосита кесимнинг кенгайтирувчилари, уларнинг кўринишларидан қайси бирлари кўпроқ келишиға диққат қаратилади. (Масалан, баъзи гап бўлаклари ҳар хил ифодаланган ҳолди келиб, қисмларди бир хил вазифани бажариши, айрим гап бўлакларининг бир хил, айримлариники ҳар хил кўринишларди қўлланиши



мумкин, чунончи: 1) эга-эга: а) ифодаланиш материали бир хил: **Бердиқулов очик чеҳра билан гапирар, унинг хурсандлиги сўзидап ҳам, ҳаракатидан ҳам сезилиб турар эди.** (С.Наз.) **Саодатхон жим қолган, кўнглида ғазаб ёнар эди.** ("Шарқ юлдузи"); б) ифодаланиш материали ҳар хил: **Сув жилдирар, бу эса йигитларни ўйлатар эди** (С.Зун.). **Ҳамма бир-биридан яхши кийинган, лекин ҳеч кимнинг кийими бировникига ўхшамас эди** (С.Наз.); 2) тўлдирувчи-тўлдирувчи: а) ифодаланиш материали бир хил: **Яхшидан от қолади, ёмондан – дод** (Мақол). **Бирники мингга уради, мингники туманга** (Мақол);

б) ифодаланиш материали ҳар хил: **Тўтиқизнинг онаси эри ҳасратида эртадан кечгача ўтириб, дўппи, қийиқ, палак, сўзана сардеворлар тикар, буларни чиқариб сотар, кичкина Тўтисини ўзи боқар эди** (М.Исм.) **Акаскин қиз билан рус тилида гаплашар, ҳам Комила унинг фикрларини жуда тез англав ва амалга оширишга тиришар эди.** (Ойб.)

Келтирилган мисоллар қисмларида тўлдирувчининг воситали ва воситасиз кўринишлари бир хил шаклда (воситали-воситали ёки воситасиз-воситасиз) ва ҳар хил шаклда (воситали-воситасиз) қўлланган. Қиёсланганда мисоллар таркибида тўлдирувчининг бу турлари кўпроқ аралаш ҳолда келиши аниқланди: **Гоҳ супа четига экилган райҳон ҳиди димоққа урилар, гоҳ том орқасидаги йўнғичқазорда ҳашаротларнинг бир қисмда чириллаши эътиборни тортар эди** (П.Қод.) **Дарё томондан ғувиллаб эсиб турган шабада йўл бўйидаги ўт-ўланларни тебратар ҳамда сарғайиб бораётган арпалар ундан мавж урар эди** (А.Қаҳ.); 3) аниқловчи – аниқловчи: **Лекин, биродар, ҳар ёмоннииг бир "аммо"си бўлиши керак, ҳар яхшининг бир "лекин"и** (А.Қаҳ.) **Кампирнинг ранги оқарган, кўз атрофи қизарган, лаблари пирпираб учар эди.** (А.Қаҳ.) Иккала қурилмада аниқловчининг бир тури қўлланган (қаратқичли аниқловчи): **Кўзини очганда, кечагина хунук ва бевафо кўринган олам ажиб бир чирой кашф этган, ерда ётган ҳар бир тош бўлаги гавҳарга айланиб, тилга киргандек бўлиб кўринди** (Шухр.); 4) ҳол-ҳол: ҳолнинг бир ва ҳар хил тури қўлланган: **Полга ҳам ўт ташланган, столда ҳам, дераза токчасида ҳам ўтлар ётарди** (С.С.Бабаевский). Ўрин ҳоллари ҳар икки қисмда қўлланиб келмоқда. Ҳар



таъсар қилган, қизларнинг қий-чуви тинган эди (Газетадан); 4) тўлдирувчи-ҳол: ... хавотир юрагидаги **қўрқувдан ғолиб келар, у борган сари тезроқ, жадалроқ юрарди** (С.Зун.) Бу одам ҳамма вақт хурсанд юрар, юзидан **табассум аримасди**. Соё гувиллаб **оқар** ва унинг муздек **шамоли қирғоқда ўсган ўтларни силкитар** эди (Ойб.). Қолиплари:  $[(S_1 - T_1 - W_1), (S_2 - X_1, X_2 - W_2)]Pm$ ;  $[(S_1 - X_1 - W_1), (S_2 - T_2 - W_2)]Pm$  ва ҳоказо; уюшган гапларнинг бир қисмида воситасиз, иккинчисида воситали тўлдирувчилар қўлланади. Чунончи, *Дарё томондан гувиллаб эсиб турган шабада йўл бўйидаги ўт-ўланларни тебратар ҳамда сарғайиб бораётган арпалар ундан мавж урар эди* (А.Қаҳ.) гапида ўт-ўланларни ва ундан тўлдирувчилари қўлланган ҳамда уларнинг ҳар бири ўз  $[W]$  сига тегишли (*тебратар, мавж урар*)дир. *Гоҳ супа четига экилган райҳон ҳиди димоққа урилар, гоҳ том орқасидаги йўнғичқазорда ҳашаротларнинг бир қиёмда чириллаши эътиборни тортар эди*. (П.Қод.)  $[WPm]$  ларнинг бу икки қурилмада қўлланган ва қавснинг ичида қоладиган қисми бир хил шаклланган (*-ар билан*) бўлса, **Ҳамма бир-биридан яхши кийинган, лекин ҳеч кимнинг кийими бировникига ўхшамас эди** (П.Турс.) гапининг  $[W_1]$  қисми тасдиқ,  $[W_2]$  қисми инкор шаклларда қўлланиб келмоқда [*- ган, - мас*]; 5) аниқловчи – ҳол: *Булар Мирзачўлга кўчиб келишганда ҳам Қаландаров Ворошилов колхозида бригадир, Хуринисо ипакчилик звеносининг бошлиғи бўлган экан* (А.Қаҳ.); 6) ҳол-ҳол: *Қирда ўтловчи қўй-қўзилар тинмай маърашар, узоқларда кимдир янгротиб най чалар эди* (И.Раҳ.). Бу гапнинг кичик қолипи: Баъзан биргина  $[Pm]$  эмас, балки  $WPm$  қавсдан ташқарига бутунча чиқарилади. Масалан, *Бири инграган, бири бақирган, бири ҳушсиз ётарди* (Ойб.) гапида ётарди  $[WPm]$  дир. Бу қурилмада қўлланган икки равиш ҳоли сифатдош билан, учинчиси сифат билан ифодаланган (... *инграган, ... бақирган, ... ҳушсиз*). Бу гапнинг қолипини қуйидагича бериш мумкин:  $[(S_1 - W_p), (S_2 - X_p), (S_3 - X_p) WPm]$ . *Дўст ачитиб, душман кулдириб гапирар қурилмаси ҳам  $[(S_1 - X_p), (S_2 - X_p)]WPm$*  қолипида текширилади. Схемаси:

... тинмай

...маърашар

... янгротиб

...чалар

эди

... инграган  
... бақирган  
...хушсиз

**ётарди**

...ачитиб  
... кулдириб

**гапирар**

Қурилма қисмларида баъзан ҳоллар уюшган тарзда келиши мумкин. Чунончи, *Полга ҳам ўт ташланган, столда ҳам, дераза тоқчасида ҳам ўтлар ётарди* (С.Бабаевский). Бу қурилманинг икки қисмини -ди унсури уюштириб келмоқда, у бевосита *ташланган, ётар* каби бирликлар билан боғлиқ бўлиб, кесимларни шакллантиришга хизмат қилади. Бу қурилманинг қолипни  $\{(S_1 - X_{\bar{y}} - X_{\bar{y}} - W_1), (S_2 - X_{\bar{y}} - X_{\bar{y}} - W_2)\}P_m$  ташкил этади. Қурилма таркибида ҳар хил умумий бўлак (умумий ҳол, тўлдирувчи) ларнинг ўзига хос хусусий бўлаклари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *Нигора сариқ, Наргиза оқ гуллардан олди* гапида *гуллардан тўлдирувчиси сариқ* ва *оқ* аниқловчилари умумий бўлак ҳисобланади. Бу қурилмада *олди* уюштирувчилик вазифасини бажариб келмоқда:

*Нигора*

*сариқ*

*гуллардан олди*

*Наргиза*

*оқ*

Бу қурилманинг қолипи:  $\{(S_1 - A_1), (S_2 - A_2)T_{ym}\}WP_m$ . *Раҳим хатни, Салим дастурни олиш учун келди* типдаги гапларда ҳам шундай ҳолни кўрамиз. Бунда  $[WP_m]$  *келди* га тенг ва у қавсдан ташқарига чиқарилади. Лекин қисмлардаги воситасиз тўлдирувчилар *келди* га бевосита эргашадилар, яъни улар учун олиш учун унсури зарур бирликлардандир: *нима учун келди? – олиш учун*. Олиш учун унсури қўлланмаслиги мумкин эмас, гап мазмунига путур этади, у ҳар бир тўлдирувчидан кейин қўлланиши мумкин, лекин келиш унсури олиш учун аҳамиятсиз бўлади: *Раҳим хатни келди, Салим дастурни келди* каби. Бу гапда умумий мақсад ҳоли иккита тўлдирувчини тобелантириб келмоқда. Бу қурилманинг қолипни қуйидагича бериш мумкин:  $\{(S_1 - T_1), (S_2 - T_2)X_{ym}\}WP_m$ . Агар гапни *Раҳим хатни олиш учун, Салим*


*дастурни олиш учун келди* деб ўзгартирсак, қолипни  $[(S_1 - T_1 - X_M), (S_2 - T_2 - X_M)]WP_m$  тарзида бериш лозим бўлар эди.

**Уюшган қурилмаларда уюштирувчи бирликлар.** Маълумки, синтаксисда *умумий* ва *умумлаштирувчи бўлаклар* деган атама бор. Умумий бўлак деганда бирдан ортиқ аниқланмиш учун умумий бўлган аниқловчи, бирдан ортиқ кесим учун умумий бўлган тўлдирувчи ва ҳол, бирдан ортиқ эга учун умумий бўлган кесим, бирдан ортиқ кесим учун умумий бўлган эга кабилар тушунилса, умушлаштирувчи бўлак деганда уюшиқ бўлакларни жамлаб кўрсатувчи, жинс тушунчасини ифодаловчи бўлаклар тушунилади. Синтаксисда булардан бошқа “умумий гап”, “умумий предикатив бирлик” каби тушунчалар ҳам бор. Бундай қурилмалар уч хил:

- а) умумий бош гап;
- б) умумий эргаш гап;
- в) умумий бош, умумий эргаш гаплар.

Биринчисида эргаш гаплар уюшиб келади ва ўзлари учун умумий бўлган бош гап билан узвий алоқада бўлиб, уни (бош гапни) ёки бош гапнинг бирор бўлагини изоҳлайди. Иккинчисида бош гаплар бирдан ортиқ бўлади. Бош гаплар ўзлари учун умумий бўлган эргаш гап томонидан изоҳланади. Эргаш гап бош гапларни бутунча ёки уларнинг бирор бўлагини изоҳлайди.

Учинчисида эса бош гап ҳам, эргаш гап ҳам бирдан ортиқ бўлиб, эргаш гапларнинг ҳар бири бош гапларнинг ҳар бири билан синтактик муносабатда бўлади: *Халқлар ўртасидаги зиддият тугатилса, осмонимиз мусаффо бўлади, халқимиз осойишта яшайди* ("Туркистон").



Бу чизмадан бош ва эргаш гапларнинг бир пайтда уюшиб келганлиги, ҳар бир эргаш гап, ҳар бир бош гапнинг бир-бирлари учун умумий бўлганлиги кўриниб турибди.

Юқорида фикр юритилган қурилмаларда бир хил бирликлар уюшиқ бирликларни умумлаштириб, уюштириб келгани каби баъзан эса турли хил ёки бир сатҳдаги бирликлар уюшиқ бирликларни уюштириб,

умумлаштириб келади. Бундай вақтда бир элемент қурилма шаклида (гап шаклида) бўлса, уюштирувчи бирлик уюшиқ қурилмалар кесимнинг таркибий қисми, яъни [W]нинг [P<sub>m</sub>] бирлиги бўлади. *Шуни яхши билингки, халқимизнинг диди нозик, талаби каттадир* (Газетадан) қурилмаси уч қисмли бўлиб, унинг биринчи қисми кейинги икки қисмлар (уюшиқлик ҳосил қилувчи қисмлар) ни бирлаштириб, уюштириб келади. Бу уюштирувчи қурилмани такрор қўллаш мумкин: *Шуни яхши билингки, халқимизнинг диди нозик, Шуни яхши билингки, халқимизнинг талаби катта. Шуни яхши билингки, халқимизнинг диди нозик, талаби катта* қурилмасида қурилма шаклидаги уюштирувчи унсурни (*Шуни яхши билингки*) қўлламаслик ҳам мумкин: *Халқимизнинг диди нозик, талаби катта* каби. Мана шундай қўлланмаслик уюшувчи қурилманинг кесимларида ҳам бор. Бошқача айтганда, *нозик, катта* кесимларининг таркибий қисми бўлиши мумкин. Бу таркибий қисм *-дир, бўлади* бирликларидир. Бу бирликлар ҳам юқоридаги уюштирувчи қурилмадек такрор қўлланиши ёки кейинги кесим билан бирга келиб, олдингисига ҳам тегишли бўлиши мумкин: *Халқимизнинг диди нозикдир, талаби каттадир. Халқимизнинг диди нозик бўлади, талаби катта бўлади.* Демак, *-дир, бўлади* сингари бирликлар ҳам қурилмани уюштириб, марказлаштириб келади. Кўринадики, юқоридаги типли қурилмаларда кесимлик (предикатив) белгиларга эга бўлган турли сатҳдаги икки бирлик уюшиқликни ҳосил қилади. Бу хил гапларни уюшган гаплар дейиш тўғри бўлади ва улар қуйидаги қолип маҳсули:  $[(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)]P_m$ . Аниқки, гап мазмунида объектив ва субъектив томонлар мавжуд. Дастлаб Ш.Балли гап мазмунини ташкил қилувчи объектив томонини диктум, субъектив томонини модус деб номлаган. Бу ҳодиса узоқ йиллар давомида тилшуносларни қизиқтириб келди. Тилшунос Н.Маҳмудов айтганидек, “гап маъносининг субъектив қисми анча илгаридан тилшуносларнинг диққатини ўзига тортган бўлса-да, гап маъносидаги объектив томон нисбатан анча кейин бевосита синтактик семантиканинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолатда, унинг бевосита объекти сифатида ўрганила

бошланди”<sup>134</sup>. Ҳар қандай гап семантикасининг асосини объектив мазмун ташкил этса-да, субъектнинг шу объектив мазмунга турли муносабати модус билан ифодаланади. Демак, диктумнинг бўлиши шарт, модуснинг ифодаланиши-чи? Айрим категорияларнинг ифодаланиш-ифодаланмаслиги ҳақида олимлар (Б.Уорф, С.Д.Канцельсон, В.А.Звегинцев, Н.Д.Арутюнова, Д.Н.Шмелев ва бошқалар) ўз фикрларини билдириб, уларни турлича номлаганлар. Шунга кўра, баъзан модус ва диктум алоҳида ҳамда тўлиқ эксплицит ифодаланиши мумкин. Бунга мисол сифатида айрим эргаш гапли қўшма гапларни олиш мумкин. Яъни бунда бош гап субъектив, эргаш гап объектив мазмунни ифодалайди. Гап мазмунида бевосита иштирок этмаган қурилмалар гапга ҳам, сўз бирикмаси ва гап бўлакларига ҳам тенг бўлиши мумкин ва мана шундай яширин қурилмалар грамматик категорияларга таъсир қилади. Масалан, гап соддалигича қолса ҳам, унинг семантик субстрати мураккаблашади, яъни кўп фикрлар қисқа шаклда баён этилади.

Юқорида келтирилган Халқимизнинг диди нозик, талаби катта типдаги ҳосилаларни уюштирувчи қурилмалар табиий, ижтимоий характерга кўра икки хил:

а) объектив воқеликни ифодаловчи уюштирувчи қурилмалар;

б) субъектив-воқеликни ифодаловчи уюштирувчи қурилмалар.

Объектив воқеликни ифодаловчи қурилмалар воқеаларнинг асл моҳиятини, аслида нимадан, нима сабабли, нималар натижасида юз берганлигини кўрсатса, субъектив воқеликни ифодаловчи уюштирувчи бирликлар кишиларнинг диққатини юз берган воқеликка тортиш, таъкидлаш, турли хил шарт-шароитлар ва бошқа ўхшашликларни кўрсатади. Баъзи бир мисолларни қиёслаб кўрайлик: *Ўн тўрт кунлик ой Ўрда кўпригининг чап ёнидаги бақатерак учидан олтин баркашдай порлаб турар, қорамтир тиниқ кўкка сочилган тарқоқ юлдузлар чақнарди (Ҳ.Ғул.) Баҳор одамларни уйдан етаклаб чиққан, офтоб зах*

<sup>134</sup>Махмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Фан, 1984.

*уйларнинг деразасидан мўралаб, қишдан қолган рутубатни ҳайдамоқда эди* (С.Аҳм.) Биринчи гап икки қисмдан иборат бўлиб, уларни кесимнинг бирлиги *-ди* (тўлиқ шакли *эди*) бирлаштириб турибди. Уюшган гапларни бирлаштириб турувчи яна бир birlik борки, у грамматик шаклланмаган. Бу (грамматик жиҳатдан шаклланмаган қурилма) гапнинг ички структураси, яъни мазмун тузилишидан сезилиб турибди.

Уюшган гапларни бирлаштириб турувчи, ифодаланмаган birlik икки хил:

а) объектив воқеликни;

б) субъектив воқеликни ифодаладиган бўлса, масалан, *Ҳаво очиқ эди, шунинг учун ўн шўрт кунлик ой Ўрда кўпригининг чап ёнидаги бақатерак учида олтин баркашдай порлаб турар, қорамтир тиниқ кўкка сочилган тарқоқ юлдузлар чақнарди* гапидаги *Ҳаво очиқ эди* (Бундан бошқа гап ҳам бўлиши мумкин) объектив воқеликни ифодалайди. Агар гап *Сиз айтгандек ўн тўрт кундик ой Ўрда кўпригининг чап ёнидаги бақатерак учида, олтин баркашдай порлаб турар, қорамтир тиниқ кўкка сочилган тарқоқ юлдузлар чақнарди* деб ўзгартириб олинса, *сиз айтгандек* қурилмаси субъектив воқеликни ифодалайди. Иккинчи мисол ҳақида ҳам юқоридагиларни айтиш мумкин. Шунини айтиш керакки, ҳар қандай қурилмада объектив ва субъектив воқеликнинг мавжудлиги табиий, лекин унинг ифодаланиш-ифодаланмаслиги қисмларни умумлаштириб келувчи birlikларнинг қўлланиш-қўлланмаслигига боғлиқ. Юқоридаги гапларга ўхшаш қурилмалар шартли равишда тўлиқсиз гаплар деб аталади.

Умумлаштирувчи гаплар [P<sub>m</sub>] қандай кўринишда иштирок этган бўлса ҳам, уюшган гапларни жамлаб, умумлаштириб келади. Умумлаштирувчи гаплар берилган матн ичида нимага кўпроқ аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаш, бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Қуйида уларнинг баъзи бир парадигмалари берилади:

*У нима қилишини билмасди.* [(и<sub>пи</sub> узун), (игнаси синиқ)] *эди / экан / эмиш,*

*У нима қилишни билмасди.* [(и<sub>пи</sub> узун), (игнаси синиқ)] *бўлади,*

*У нима қилишни билмасди.* [(и<sub>пи</sub> узун), (игнаси



синиқ)].

Парадигмадан кўриниб турибдики, уюшган гапларда умумлаштирувчи гапнинг иштирок этиши [P<sub>m</sub>] нинг турли хил кўринишда бўлиш-бўлмаслигига боғлиқ эмас, [P<sub>m</sub>] ноль кўрсаткич [Ø] шаклида бўлса ҳам, умумлаштирувчи гап қўлланаверади. Ва, айрим пайтларда, умумлаштирувчи гап кесимининг ўзи ҳам ноль кўрсаткичда бўлиши мумкин, бу ҳол кўпроқ от кесимлар қўлланганда учрайди: *Ўша аҳвол; кўзи кўр, қулоғи гараиг, тили соқов.*

Умумлаштирувчи гапнинг кесими баъзан шаклланмаган бўлади. Бу ҳол бошқа гапларни уюштириб келишта ҳалақит бермайди, албатта. Юқорида кўриб ўтган мисолларимизнинг ҳаммасида умумлаштирувчи гап қурилманинг бошида келган ва ўзидан кейинги ҳамма қисмларни уюштирган. Шундай қурилмалар борки, умумлаштирувчи гаплар ҳамма қисмларни уюштириб келмайди. Чунончи, *Дунё тарозусининг икки палласи: бирида қувонч, бирида ғам, бирида нур, бирида зулмат бўлса, Назокат энди фақат биттасини – қувонч билан нурга тўласини кўрарди* (Шухр.) гапида *Дунё тарозусининг икки палласи* қисми умумлаштирувчи гап бўлиб, унда кесим шаклланмаган (*палласи-палласи*). Мана шу умумлаштирувчи гап ўзидан кейинги икки қисмнигина уюштириб келмоқда: *бирида қувонч, бирида ғам, бирида нур, бирида зулмат бўлса*. Бу қурилманинг биринчи қисми қуйидаги моделга [Умумлаштирувчи гап] (*бирида қувонч, бирида ғам*), (*бирида нур, бирида зулмат*) бўлса] эга. Қурилма кесими феълнинг шарт майли шакли –*са* билан шаклланган, чунки бу зарурат бўлиб, ундан кейин ажратилган бўлакли содда гап қўлланган.

Умумлаштирувчи гаплар бор бўлган қурилмаларда уюшган гаплар таркибида келган [P<sub>m</sub>]лар ҳам ҳар хил ўринда келиши мумкин. Масалан, ... *қайта-қайта такрорладилар: “Биз эгрига эгримиз, биз ёмонга-ёмон, фашистнинг тумшуғини эзамиз”* (Ойбек) қурилмасида *қайта-қайта такрорладилар* гапи уюшган гапларни ва алоҳида қўлланган содда гапни ҳам умумлаштириб келмоқда. Айрим пайтларда умумлаштирувчи гап бир қурилмада икки марта, такрор ҳолда қўлланиши мумкин: *У шунча қилди, бўлмади, акаси ширин ҳам гапириб, сўнг мурватини ҳам онаси бураб кўрди –*

*бўлмади.* Биргина феъл билан ифодаланган умумлаштирувчи гап (*бўлмади*) икки марта қўлланган бўлиб, булардан биринчисини тушириб қолдириш, қўлламаслик мумкин, лекин иккинчисининг қўлланиши шарт. Биринчи умумлаштирувчи гапдан олдин *шунча килди* гапи қўлланган бўлиб, бунинг ҳам мазмунидан уюштириш, хулосалаш сезилиб турибди ва у худди *бўлмади* гапидек кейинги иккала гапга тегишли, мазмунан уларга боғлиқдир. Демак, айрим ҳолларда умумлаштирувчи гапнинг ўзи ҳам ўз эквивалентига эга бўлиши, уюшиб келиши мумкин. Шунда булардан қайси бири такрор ҳолда қўллана олмаса, уни тушириб қолдириш мумкин эмас, гап мазмунига путур етади. Бу ўринда шунча қилаи бирлигини такрор қўллаш ва, шунингдек, тушириб қолдириш ҳеч ҳам мумкин бўлмаса, *бўлмади* birlikларидан биринчисини қўлламаса бўлади. Кўриниб турибдики, қисмларни уюштириб келишга хизмат қилувчи кесимлик кўрсаткичлари [P<sub>m</sub>] нинг, умумлаштирувчи birlikларнинг кўринишлари, таркибий қисмлари турлича.

Умумлаштирувчи гаплар, одатда, икки ва ундан ортиқ қисмларни уюштириб, хулосалаб келади. Кўпинча, бу қурилма, гапнинг бошида келади. Умумлаштирувчи гапдан кейин келадиган қисмлар ўзаро сабаб, шарт, тўсиқсизлик, пайт, хабар бериш каби мазмунни ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан:

1) хабар бериш, воқеа-ҳодисаларнинг ўтиш жараёнини ифодалайди. Одатда, бундай қурилма қисмларини алоҳида тарзда қўллаш мумкин: *Меҳнат завқи тутар ўлкани; саҳар кетар чўпон тоғига, бири ариқ қазир, ер ҳайдар, бири гул ўтказар боғига* (Ҳ.Олим.). *Тошкентда уч фасл – Ёз: Баҳор – шошган ички ёз, Ёз – катта асл ёз, Куз – кечиккан кечки ёз.* (Шухр.)

2) сабаб мазмуни: *Мен у йил деҳқончиликдан ҳеч нарса ололмадим: кузги буғдойнинг бошоқлари шира олаётган пайтда ҳавода ола булут пайдо бўлди, бошоқлар куйиб-қовжираб кетди* (С.Айн.) Бу мисолда умумлаштирувчи гап, икки кейинги қисм ҳам ўзаро сабаб муносабатидадир (чунки *ола булутлар пайдо бўлди, шунинг учун бошоқлар куйиб, қовжираб кетди*). *Ҳуринисо икки ёқлама қайғуда қолди: бир томондан, эрига ичи ачиса, иккинчи томондан, у ўғлининг ноқобиллигидан куйиб, жизғанак бўлаёзди.* (А.Қаҳ.)

Умумлаштирувчи гап билан кейинги қурилма яхлитлигича ўзаро сабаб муносабатига киришган. Иккинчи компонент кесими гарчи *-са* унсури билан шаклланган бўлса ҳам, бу ерда шарт ёки бошқа мазмун муносабати йўқ. Бу қисмлар ўзаро тенг *-са + -й + -ди* бирлигининг вазифасида келмоқда (... *ичи ачиса ачийди //... жизғанак бўлаёзди* – ичи ачиган ва жизғанак бўлгани учун ... қайғуга қолди қайғуга қолиш сабаби кейинги қисмлардан англашилмоқда).

3) шарт мазмуни: *Яхшлик қилмоқ керак: Элнинг, юртнинг бахти барқарор бўлса, салтанат ҳам бехатар бўлур* (Ойб.). Кейинги икки қисм ўзаро шарт муносабатида. *У жамоа хўжалиklarини бирлаштирсин, агроном тушунтирсин, қизиқтирсин – ҳар бирининг юрагидан бўрон қўзғалади* (Ойб.) Бу қўшма гап тўрт қисмдан иборат, учала қисм кесими буйруқ майли қўшимчаси билан шаклланган. Тўртинчи қисм (*ҳар бирининг юрагидан бўрон қўзғалади*) – умушлаштирувчи гап. Бу мисолдаги ҳамма қисмлар ўзаро шарт муносабатида.

4) тўсиқсизлик мазмуни: *Саида телефонга жавоб берадими, келган-кетган одамлар билан муомала қиладими, у қўлида қоғоз, капалакдек учиб, ҳали у эшикка, ҳали бу эшикка кириб чиқадими – бошидан хаёл айрилмай қўйди* (А.Қаҳ.). Энг охирида келган умумлаштирувчи гап учта қисмни уюштириб келмоқда. Кейинги қисм ифода этган ҳаракатнинг бажарилишига олдинги компонент ифода этган ҳаракатларнинг бажарилиши акс таъсир этмайди. Олдинги учта ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслиги охириги ҳаракатнинг бажарилишига тўсиқ бўлолмайди.

5) қатъийлик, ишонч мазмуни: *Мен биламан, енгишимиз аниқ, бизнинг ғалабамиз таъмин этилгандир* (Ўйғ.). *Шуни яхши билинг; ўчмас номингиз, ўчмасдир бу боғларда изингиз.* (Т.Тўл.) Ҳар иккала мисол уч қисмдан иборат бўлиб, биринчилари – умумлаштирувчи гап. Мана шу умумлаштирувчи гап грамматик шакл жиҳатидан ҳам, мазмунан ҳам, оҳанг жиҳатидан ҳам тугалланган (*Мен биламан. Шуни яхши билинг.*) Кейинги қисмларни ҳам алоҳида-алоҳида қўллаш, уларни бошқа қурилмалар билан бемалол алмаштириш мумкин. Умумлаштирувчи гаплар билан кейинги гаплар ўзаро қатъийлик, таъкидлаш, айтилаётган фикрга ишонч каби

муносабатдадир.

Кўриб ўтилган мисолларда умумлаштирувчи гаплар қурилманинг бошида, охирида келганини ва, энг камида, икки, кўпи билан, тўртта гапни хулосалашини кўрдик. Умумлаштирувчи гаплар ўзаро уюшган ва уюшмаган гапларни ҳам яқунлаб келиши мумкин. Бунда қурилма ичидаги гаплардан иккитаси ўзаро уюшган, бошқаси уюшмаган ёки ҳаммаси уюшган тарзда қўлланиши учрайди. Қуйида мисолларни таҳлил қиламиз: 1. *Мен биламан: иқбол бизники, бизникидир саодат, шараф* (Уйғ.). 2. *Уни таниб олиш қийин елкалари кенгайган, қиёфаси анча кескинлашган, катта кўзлари думалоқ шакл олган, аммо бақувват келган қомати аввалгича эди.* (С.Бабаевский). *Саробарга ўхшаш қизларнинг ҳаммаси шундай: баъзилари бир йиғлаб, ўн кулиб, баъзилари хўрсиниб қўяди* ("Тошкент оқшоми"). *Майдонга жимлик тушди: на музика чалади, на болаларнинг қувноқ ашулалари эшитилади, на бошқаларнинг ўйин-кулгуси* (С.Бабаевский). Агар олдинги мисолларда *-дир* ва *-эди* бирликлари қавсдан ташқарига чиқарилса, кейинги гапларда *қўяди* ва *эшитилади* сўзлари қавсдан ташқарига чиқариладиган  $[P_m]$  вазифасини ўтамоқда. Тўртинчи мисолда учта қисм уюшмоқда, улардан иккинчиси ва учинчиси уюшган гаплардир. Булар қурилишининг энг кичик қолип:

1. Умумлаштирувчи  $WP_m \{(S_1-W_1), (S_2-W_2-W_3)\}P_m$

2. Умумлаштирувчи  $WP_m \{(S_1-W_1), \{S_2-W_2\} (S_3-W_3), (S_4-W_4)\}P_m$

5. *Бу замонда ҳеч ким кўчада қрлмас экан: заводда бири опам, бири акам бўлди – йўлимни топиб олдим.* (А.Қаҳ.) Бу мисолда биринчи ва тўртинчи гаплар умумлаштирувчи гаплар бўлиб, на грамматик шакланганлиги билан, на мазмунан бир-бирига ўхшайди, лекин вазифаси бир – ўртада қўлланган икки гапни хулосалаш. Бу гапнинг кичик қолип – [Умумлаштирувчи  $WP_m \{(S_1 - W_1), (S_2 - W_2)\}$  Умумлаштирувчи  $WP_m$ ]. Қурилма ўртасида қўлланган гап тенг қисмли қўшма гап, шу ўринда биринчи қисм кесими *опам*, иккинчи қисм кесими *акам* бўлди тарзида шакланган бўлиб,  $[P_m]$  вазифасини ўтаётган бўлди иккинчи қисмда қўлланган. ... *пайқамай қолди; бакларга тегдими у, моторга тегдими у ёки бомбалар солинган*

*кассеткаларгами – билмади.* (Б.Пол.) Бу мисолда ҳам икки умумлаштирувчи гап қўлланган бўлиб, улар йиғиқ шаклда, қурилмадаги учинчи ва тўртинчи қисмларда *тегдими* [P<sub>m</sub>] вазифасида келиб, “қавсдан ташқари”га чиқарилиш имкониятига эга. Демак, бу икки кесим уюшган гапларни ташкил қилишда хизмат қилади. Юқорида келтирилган мисолдаги умумлаштирувчи гапларда, ҳатш айтганмиздек, ҳеч қандай ўхшашлик йўқ эди. Бу мисолда эса умумлаштирувчи гаплар мазмундошлик муносабатида қўллана оладиган феъллар (*пайқамай қолди – билмай қолди*) билан ифодаланган; иккала кесим учинчи шахс, бирлик сонда, аниқ майл, инкор шаклда қўлланган.

Айрим пайтларда умумлаштирувчи гап икки ва ундан ортиқ уюшган гапларни умумлаштириб келади. Бунда уюшган гаплар таркибидаги уюштирувчи бирликлар, одатда, бир хил бўлади. Мисол: *Одамлар ҳар хилдир: бири сергапдир, бири – камгап, буниси шилцим ва ўзига бино цўйгандир, униси – тортинчоқ ва ўзига ишонмайдиган...* (М.Гор.) Бу гапнинг қолипи: Умумлаштирувчи WP<sub>m</sub> {(S<sub>1</sub> – W<sub>1</sub>, (S<sub>2</sub>-W<sub>2</sub>)} P<sub>m</sub>, {(S<sub>3</sub>-W<sub>3</sub>), (S<sub>4</sub>-W<sub>4</sub>)} P<sub>m</sub>, {(S<sub>5</sub>-W<sub>5</sub>), (S<sub>6</sub>-W<sub>6</sub>)} P<sub>m</sub>

б) фикрга аниқлик киритиш, қўшимча маълумот бериш мазмунини ифодалаш учун қўлланган гаплар жуда кўп учрайди. Бундай гапларда умумлаштирувчи қисм, одатда, биринчи ўринда келади ва ундан сўнг *яъни* сўзини қўллаш мумкин. Чунончи, *Қарияларнинг яхши сўзи бор – яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон* (Ойд.). Кейинги икки қисм биринчи қисм мазмунига аниқлик киритмоқда: *қарияларнинг яхши сўзи бор, яъни яхшига яхши бул, ёмонга ёмон* каби. Мисоллардан кўриниб турибдики, уюшган гаплар қисмларининг ўзаро муносабати ҳам бирикиш воситалари, ҳам мазмун боғлиқлигига кўра турлича бўлиши мумкин экан.

**Уюшган гапларда бир таркибли гапларнинг қўлланиши.** [1WP<sub>m</sub>] ларнинг ҳосилалари нутққа ўз эгасига эга бўла олмайди ва гапнинг эгасига эҳтиёж қолмайди. Шунинг учун [1WP<sub>m</sub>] ларнинг кесими ихтисослашган махсус шакл билан ифодаланиши мумкин. Мана шу ихтисослашган махсус шакллардан айримлари ёрдамида ҳосил бўлган [1WP<sub>m</sub>]лар баъзан уюшган гаплар қисмлари сифатида келади. Шулардан айримларини кўриб ўтамиз: *Жуда зарур бўлса,*

*телефонда гаплашиш, телеграмма юбориш муҳим.* (П.Турс.) гапи тузилиши жиҳатдан мураккаб бўлиб, унинг кейинги икки қисми уюшган гапни ҳосил қилади. Икки қисмни уюштиришда *мумкин* сўзининг хизмати бор. Бу сўзни *телефонда гаплашиш* қисмидан кейин ҳам қўллаш мумкин, шунда гапнинг шакли ўзгариб, уч қисмдан иборат бўлган қўшма гап вужудга келади: *Жуда зарур бўлса, телефонда гаплашиш мумкин, телеграмма юбориш мумкин* каби. *Фашист йўлига тикан ташлаш, томоғига қилтаноқ бўлиб қадалиш керак* (Шухр.) мисоли эса икки қисмдан иборат бўлиб, *керак* сўзи орқали уюштирилмоқда. Бу қурилмада *керак* сўзи “қавсдан ташқарига” чиқарилади.

Худди шу ҳолни *У кишини кўрса, у киши билан гаплашса бўладими?* типидagi гапларда ҳам кўрамиз. Қурилмада қўлланган *бўладими* бирлиги ҳар икки қисмга тегишли бўлиб, уюшган гапни ҳосил қилишга хизмат қилмоқда. Юқорида қўлланган қурилмалар икки таркибли уюшган гаплардан фарқ қилади. Икки таркибли гаплардан ташкил топган уюшган гапларда “*қавсдан ташқари*”га чиқариладиган бирликнинг қўлланиш ўрни муҳим эмас, уни хоҳлаган қисмдан кейин қўлласа бўлади. Бир таркибли.уюшган гапларда “*қавсдан ташқари*”га чиқариладиган бирликнинг қўлланиш ўрни муҳим, у одатда, кейинги қисмдан кейин ишлатилиши маъқул, чунки шунда ҳам у ҳар икки қисмни уюштириб келувчи муҳим восита саналади. Шуниси қизиқки, кўпроқ икки қисми ҳам бир таркибли бўлган гаплар уюшиб келади, бир қисми икки таркибли, иккинчиси бир таркибли гаплардан иборат уюшган гаплар ниҳоятда кам қўлланади.

Демак:

*Биринчидан*, табиийки, бизнинг талқинимиздаги уюшган гаплар анъанавий синтаксисдаги уюшиқ гаплардан тубдан фарқ қилади. Уюшган гапларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уюшиқ кесимли содда гаплар ҳамда қўшма гаплардан фарқли томонлари мавжуд. Уюшган гапларнинг содда ва қўшма гаплар ўртасида турган бир ҳосила эканлиги, буларнинг ўхшаш ва фарқли томонларга эгаллиги, уларни содда ва қўшма гап орасида турган “*оралиқ учинчи*” ўрнини эгаллашини кўрсатади.

*Иккинчидан*, уюшган гапларни ҳосил қилишда уюштирувчи восита жуда муҳим мавқега эга. Ишда

мана шу восита [Pm] бирлаштирувчи кесимларнинг грамматик шакллари, асосан, қуйидагича кўринишларга эга эканлиги аниқланади:

1) барча кесимлар бир хил шаклда бўлади:

- |    |                                  |                                 |      |
|----|----------------------------------|---------------------------------|------|
| а) | ... [W <sub>1</sub> ] + -ган,    | ... [W <sub>2</sub> ] + -ган    |      |
| б) | ... [W <sub>1</sub> ] + -ганда,  | ... [W <sub>2</sub> ] + -ганда  |      |
| в) | ... [W <sub>1</sub> ] + -гандай, | ... [W <sub>2</sub> ] + -гандай | [Pm] |
| г) | ... [W <sub>1</sub> ] + -(а)р,   | ... [W <sub>2</sub> ] + -(а)р   |      |
| д) | ... [W <sub>1</sub> ] + -са,     | ... [W <sub>2</sub> ] + -са     |      |
| е) | ... [W <sub>1</sub> ] + -иб,     | ... [W <sub>2</sub> ] + -иб     |      |

2) кесимларнинг грамматик шакли ҳар хил бўлади:

- |    |                                |                               |      |
|----|--------------------------------|-------------------------------|------|
| а) | ... [W <sub>1</sub> ] + -ган,  | ... [W <sub>2</sub> ] + -(а)р |      |
| г) | ... [W <sub>1</sub> ] + -(а)р, | ... [W <sub>2</sub> ] + -мас  | [Pm] |
| д) | ... [W <sub>1</sub> ] + -мас,  | ... [W <sub>2</sub> ] + -ган  |      |
| е) | ... [W <sub>1</sub> ] + -(и)б, | ... [W <sub>2</sub> ] + -(а)р |      |

Биринчи ва иккинчи пунктларда кўрсатилган грамматик шаклларнинг ҳар бири [W] феъл билан ифодаланганини кўрсатиб турибди. Далиллар яна шуни кўрсатдики, [W] кенг маънода от туркумига кириши, яъни от билан ифодаланиши, чунончи:

- |      |                                |                               |  |
|------|--------------------------------|-------------------------------|--|
| а)   | ... [W <sub>1</sub> ] = от,    | ... [W <sub>2</sub> ] = от    |  |
| г)   | ... [W <sub>1</sub> ] = сифат, | ... [W <sub>2</sub> ] = сифат |  |
| [Pm] |                                |                               |  |
| д)   | ... [W <sub>1</sub> ] = сон,   | ... [W <sub>2</sub> ] = сон   |  |
| е)   | ... [W <sub>1</sub> ] = от,    | ... [W <sub>2</sub> ] = феъл  |  |

шакллари аралаш ҳолда қўлланади.

- |    |                                |                               |      |
|----|--------------------------------|-------------------------------|------|
| а) | ... [W <sub>1</sub> ] = от,    | ... [W <sub>2</sub> ] + -ган  |      |
| г) | ... [W <sub>1</sub> ] = сифат, | ... [W <sub>2</sub> ] + -ган  | [Pm] |
| д) | ... [W <sub>1</sub> ] = сифат, | ... [W <sub>2</sub> ] + -(а)р |      |

Учинчидан, [W] нинг грамматик шакли ранг-баранг бўлганидек, [Pm] нинг ҳам кўринишлари кўп. Масалан, унга кесимлик аффикслари, ўз лексик маъносидан узоқлашган феъллар (маълум маъноси билан келган), тўлиқсиз феъллар, баъзи бир отларни, ўрни билан баъзи бир юкламаларни ҳам (-ми) киритиш мумкин.

[Pm] кўпинча, бир бирликдан, баъзан икки, уч

бирликдан иборат бўлади. Унинг бир бирликдан иборат бўлгани кўп, икки бирликдан иборат бўлгани ундан камроқ. Шундай қилиб, бирликлар кўпайиши билан қўлланиш доираси камаё боради.

Уюшиқ кесимли содда гап, уюшган гап ва қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги жадвалда умумлаштирилган:

Уюшиқ кесимли содда гаплар	Уюшган гаплар	Қўшма гаплар
1.Бир ёки бир неча уюшган эга мавжуд.	1.Бир неча уюшмаган эга мавжуд.	1.Бир ёки бир неча эга мавжуд.
2.Кесимнинг бир неча луғавий асоси мавжуд.	2.Кесимнинг бир ёки бир неча луғавий асоси бўла олади.	2.Бир неча кесим мавжуд.
3.Битта умумий кесимлик кўрсаткичи мавжуд.	3.Битта умумий кесимлик кўрсаткичи мавжуд.	3.Ҳар бир кесим ўз кесимлик кўрсат-кичи билан шаклланган бўлади.
Қолипи: [ $\{S(W_1W_2) *n\}$ ] Pm	Қолипи: [ $\{(S-W_1), (S_2-W_2)-n\}$ Pm]	Қолипи: [ $(WPm +WPm) *n$ ]

### Savol va topshiriqlar

1. Uyushish haqida gapiring.
2. Uyushganlik nima?
3. Uyushgan gap sodda va qo'shma gapdan qanday farq qiladi?
4. Uyushtiruvch unsur haqida gapiring.
5. Uyushuvchi unsur haqida gapiring.



## 8- BO'LIM

### SINTAKTIK BIRLIKLARNING NUTQIY VOQELANISHIDA SATHLAR HAMKORLIGI

#### Tayanch tushunchalar

*Sistema, sath, fonetik sath, leksik sath, morfologik sath, sintaktik sath, hamkorlik, umumiy ma'no, oraliq ma'no, xususiy ma'no, lisoniy-sintaktik qolip, oraliq sintaktik qolip, grammatik shakl, morfologik vosita, morfologik shakl, egalik shakli, kelishik, grammatik ma'no, sintaktik shakl, kesimlik shakli, gap markazi, gorizontalar darajalanish, vertikal darajalanish, butun va bo'lak*

Til yaxlit sistema ekan, bunda uning butunlik sifatida o'z tarkibiy qismlarining oddiy arifmetik yig'indisiga teng emasligini esda tutish lozim. Zero, sistema uchun asosiy shart munosabatlar bo'lib, bu esa, aytilganidek, tarkibiy qismlarning butunlik tashkil etishida hal qiluvchi ahamiyatga ega. Masalan, geometrik figura sifatida kvadrat to'rtta to'g'ri chiziqning yig'indisidagina iborat emas, balki tomonlarning perpendikulyar va parallel munosabatlari hamda bu munosabat ta'sirida tug'iladigan to'g'ri burchaklar konyunksiyasi asosida tiklanadi. Nutqda voqelangan har qanday, deylik, fonetik, lug'aviy, morfologik, sintaktik hodisalardan har birida boshqa sath hodisalari muntazam bo'lmagan hamkorlikda harakat qiladi. Keltirilgan har ikkala dalil esa, zohiran bog'liqdek tuyulmasa-da, botinan yagona qonuniyat asosida hukm suruvchi "vahdat-ul-vujud"ning ikki parchasi sifatida bir-birini mustahkamlovchi asoslardir.

Borliq "vahdat-ul-vujud" qonuniyati sifatida hukm surar ekan, uning yashashi, namoyon bo'lishi substansiya va tajalli musanniyati asosida tushuntiriladi. Substansiya va tajalli qarama-qarshiligi esa bugungi kunda lison va nutq dixotomiyasini oydinlashtiruvchi asosiy, tayanch metodologik xususiyat kasb etayotganligi bilan xarakterlanadi.

Sharq ma'naviyati va madaniyatida, xususan, ilmida, metodologiyaga, aniqrog'i, ilmiy tadqiq metodologiyasiga alohida e'tibor bilan qarashgan. Metodologik tayanchsiz yoki uni uqmagan tadqiqotchi ko'rga (Navoiyda) yoxud qorong'ulikdagi kishiga (Rumiya) qiyoslanadi.

Tasavvuf dialektikasida bilish borliq va Haq munosabatini anglash asosida tushuntirilar ekan, bunda dastlab ikki – fahmiy va idrokiy bosqichlar farqlanadi. Afsuski, bugungi kunda tasavvufdagi fahmiy va idrokiy bilimlar va ularning ixtilofi haqidagi ma'lumotlar fanimizga bevosita Yevropa falsafasi asosida kirib keldi. Ma'lum bo'ladiki, zamonaviy falsafadagi dialektik-gnoseologik tadqiq omillari zotan sharq tafakkuri mahsuli – tasavvuf dialektikasidagi bilish konsepsiyasidan farq qilmaydi. Demak, milliy istiqlol ilmiy tadqiq jarayonida ilmiy-metodologik qadriyatlar – sharq ma'rifiy adabiyotining dialektik-gnoseologik mag'zidan ham oziqlanish uchun keng imkoniyatlar ochib bergan ekan, undan oqilona foydalanish zarur. Buning esa milliy mafkura takomilidagi roli beqiyos.

Lisoniy birliklar umumiy ma'nosi oraliq ma'nolar orqali nutqqa chiqadi. Masalan, leksik sath birligi bo'lgan leksema nutqda voqelanar ekan, bunda umumiylikning xususiylashuvi bir necha oraliq "zina"lar asosida kechadi. Oraliq lug'aviy ma'no deb ataluvchi bu parchalarning farqlanishi va voqelikka aylanishida morfologik va sintaktik sathlar hamkorlik qiladi va bunda ularning "hissa"lari nisbati turlichadir. Masalan, sintaktik qolip leksemani nutqqa olib kiradi, morfologik vosita uni shakllantiradi. Biroq uning oraliq lug'aviy ma'nolarini farqlashda goh sintaksis, goh morfologiya ustunlik qiladi, Agar sintaksis leksemani nutqqa olib kirish va uning oraliq lug'aviy ma'nolarini farqlash imkoniyatiga ega bo'lsa, morfologiya uni shakllantirish bilangina cheklanadi. Sintaksis qolipning vazifasi birlikni nutqqa olib kirish bilangina cheklansa, unda morfologiyaning faolligi ortadi. U endi nafaqat leksemani shakllantirish, balki oraliq bo'g'inlarni farqlash bilan ham mashg'ul bo'ladi.

Morfologik shakllar umumiy grammatik ma'nosi va ularning parchalari bo'lgan oraliq grammatik ma'nolari masalasi tadqiqotlarda birmuncha kengroq o'rganilgan. Biroq ularning oraliq grammatik ma'nolarini farqlashda sathlararo munosabatlar masalasini o'rganish ham muhimdir. Morfologik shaklni sintaktik qolip nutqqa olib kiradi va lug'aviy hodisalar deganda ayrim leksemalargina emas, balki, leksemalarning lug'aviy ma'noviy guruhlari, birliklarning kategorial guruhlari ma'nolari ham tushuniladi.

Quyida sintaktik birliklarning nutqqa chiqishi jarayonida ular umumiy ma'nolarini oraliq ma'nolarga parchalash va ularni farqlashda boshqa sathlarning roli va o'рни masalasiga

to'xtalamiz.

**So'z birikmasi qoliplarining oraliq shakllari xususida.** O'zbek tilshunosligida oraliq sintaktik qoliplar muammosi ilk bor tilshunos M.Qurbonova tomonidan qo'yildi.<sup>135</sup>

Mohiyat e'tibori bilan oraliq sintaktik qolip lisoniy darajalanishning bir ko'rinishidir. O'zbek tilshunosligiga darajalanish qonuniyatini olib kirgan O.Bozorov va Sh.Orifjonovalar uni bir sathga mansub turli til hodisalari misolida tadqiq qilishgan edi.<sup>136</sup> Ular bir necha lisoniy birliklardan birining boshqasiga (masalan, kichik-o'rta-katta, tor-o'rta-keng) ma'noviy darajalanish asosida munosabatda bo'lishini asoslashib, uning qonuniyat ekanligini isbotlashgan edi. Buni shartli ravishda darajalanishning gorizontol yo'nalishdagi ko'rinishi sifatida ham baholash mumkin. Biroq, shuni alohida ta'kidlash lozimki, "falsafa va mantiqda borliqdagi umumiylikning xususiylashuvi, xususiyliklarning aqliy yo'l bilan umumiylikka munosabatini tiklash ham turli bosqich va darajalarga ega bo'ladi.<sup>137</sup> Masalan, "daraxt" umumiyligi "o'rik daraxti" xususiyligigacha "mevali daraxt", "mevasiz daraxtlar" oraliq bosqichini quyiga qarab bosib o'tadi. Demak, "daraxt" umumiyligidan "daraxt" xususiyligiga quyilash yoki, aksincha, keyingisidan yuqorilash bir necha bosqich orqali amalga oshadi. Bu darajalanish umumlashtirish yoki xususiylashuv bosqichlari bo'lib, uni vertikal yo'nalishidagi darajalanish sifatida qarash mumkin.

Har qanday umumiylik nutqiy voqelanishgacha pog'onama-pog'ona xususiylashar ekan, quyilashgan sari har xil o'zga hodisalar tajallilari bilan boyib boradi. Bu boyish esa birlikning tub mohiyatini qorong'ilashtiradi. Vazifasi umumlashtirish bo'lgan tadqiqotchi bu tajallilarni chetlatish bilan mashg'ul bo'lsa, umumiylikning nutqiy voqelanishini tadqiq qiluvchi uchun tajallilarning birikish qobiliyatlari, qonuniyatlari va har bir tajallining funksional tabiatini oydinlashtirish birlamchi ahamiyat kasb etadi.

So'z birikmasi umumiy sintaktik qolipi tilning yuqori

<sup>135</sup>Неъматов Х., Сайфуллаева Р., Курбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. 1-қисм. Лисоний синтактик қолиплар ва валентлик. Филолог талабалар учун қўлланма. – Т.: Университет. – 1999. – Б.12-15.

<sup>136</sup>Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фанлари докт... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 153.

<sup>137</sup>Неъматов Х., Сайфуллаева Р., Курбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. 1-қисм. Лисоний синтактик қолиплар ва валентлик. Филолог талабалар учун қўлланма. – Т.: Университет. – 1999. – Б.12.

sathiga – sintaksisga daxldor hodisalar bo'lib, tom ma'nodagi lisoniy sintaktik mohiyatlardir. Umumiy sintaktik qolip, uning tip va turlari sintaksis sathidan quyi tushmagan bo'lib, mavhumlashtirishning yuqori bosqichida turishsa-da, o'zaro umumiylik va xususiylik munosabatida bo'ladilar. Qolipning turlari lisonda sintaktik sathning quyi sarhadidan joy oladi. Muayyan sintaktik qurilmalarga aylangunga qadar qolip turlari ham ularni to'ldiruvchi lug'aviy birliklarning umumlashish qobiliyatiga bog'liq ravishda bir necha oraliq bosqichlarni bosib o'tadi. "Umumiy shakl bilan xususiy shaklning orasida qancha oraliq shakllarning mavjudligi xususiy qo'llanishda bevosita voqelangan umumiylik sintaktik sath umumiyligidan qancha uzoqda turishi bilan bog'liq. Shuning uchun tadqiqotchi M.Qurbonova *Karimning kitobi* xususiy so'z birikmasini [Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup>+ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] qolip turi bilan bog'lovchi oraliq shakllar kitobning muqovasi so'z birikmasini bu umumiy shakl bilan bog'lovchi oraliq shakllardan bir bosqichga farq qilishini ta'kidlaydi.

[Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup>+ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] qolip turining *Karimning kitobi* va *kitobning muqovasi* muayyan so'z birikmalarigacha bo'lgan oraliq bo'g'inlarni farqlash masalasiga izchil yondashuv uning boshqacharoq talqiniga olib keladi. Chunki ikkinchi oraliq qolip sanalgan [Turdosh ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> + turdosh ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] bo'g'ini bevosita *Karimning kitobi* so'z birikmasini voqelantira olmaydi. Zero, oraliq qoliplardagi "Turdosh ot<sup>qaratqich kelishigi</sup>" uzvini ham, "Atoqli ot<sup>qaratqich kelishigi</sup>" uzvini ham *Karimning* so'z shakliga daxldor qilib qo'yish ma'qul emas. Qolip oraliq bo'g'inlardagi "Turdosh ot<sup>qaratqich kelishigi</sup>" uzvi "Atoqli ot<sup>qaratqich kelishigi</sup>" uzvi bilan bir qatorga qo'yilsa, izchillik vujudga keladi va har ikkala hosilaning [Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup>+Ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] qolip turidan bir xil "uzoqlikda" ekanligi ma'lum bo'ladi:

- |   |   |
|---|---|
| 1.[Исм <sup>қаратқич келишиги</sup> ....        | 1.[Исм <sup>қаратқич келишиги</sup> ....        |
| 2.[От <sup>қаратқич келишиги</sup> ....         | 2.[От <sup>қаратқич келишиги</sup> ....         |
| 3.[Аниқ от <sup>қаратқич келишиги</sup> ....    | 3.[Аниқ от <sup>қаратқич келишиги</sup> ....    |
| 4.[ Турдош от <sup>қаратқич келишиги</sup> .... | 4.[ Турдош от <sup>қаратқич келишиги</sup> .... |
| 5.[Якка от <sup>қаратқич келишиги</sup> ....    | 5.[Якка от <sup>қаратқич келишиги</sup> ....    |
| 6.[Атоқли от <sup>қаратқич келишиги</sup> ....  | 6.[Турдош от <sup>қаратқич келишиги</sup> ....  |
| 7.[Каримнинг ....                               | 7.[Китобнинг ....                               |

Agar "[Turdosh ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> ...." uzvi "narsa-buyum

oti<sup>qaratqich kelishigi</sup> tarzida xususiylashsa, *kitobning muqovasi* o'z umumiyligidan *Karimning kitobi* so'z birikmasiga qaraganda bir pog'ona quyiroq ekanligi ayon bo'ladi.

Demak, [Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] umumiy qolipi bilan *Karimning kitobi* so'z birikmasi orasida quyidagi oraliq qoliplarni ajratish mumkin:

1. [Ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup>]
2. [Ot<sup>aniq</sup> qaratqich kelishigi + ot<sup>aniq</sup> egalik qo'shimchasi]
3. [Ot<sup>yakka</sup> qaratqich kelishigi + ot<sup>yakka</sup> egalik qo'shimchasi]
4. [Ot<sup>atoqli</sup> qaratqich kelishigi + ot<sup>turdosh</sup> egalik qo'shimchasi]

*Salimning ukasi, kitobning muqovasi va mening kitobim* so'z birikmalari oraliq qoliplari o'zlari mansub umumiylik [Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup> + Ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] dan quyidagicha ajraladi:

- [Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>]
- [Ot<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup>]
- [Olmosh<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup>]
- [Ot<sup>yakka</sup> qaratqich kelishigi + ot<sup>yakka</sup> egalik qo'shimchasi]
- [Ot<sup>aniq</sup> qaratqich kelishigi + ot<sup>aniq</sup> egalik qo'shimchasi]
- [Olmosh<sup>kishilik</sup> qaratqich kelishigi + ot<sup>aniq</sup> egalik qo'shimchasi]
- [Olmosh<sup>shaxs</sup> qaratqich kelishigi + ot<sup>turdosh</sup> egalik qo'shimchasi]
- mening kitobim*

[O<sub>t</sub><sup>atoqli</sup> qaratqich kelishigi + o<sub>t</sub><sup>turdosh</sup> egalik qo'shimchasi]  
 [O<sub>t</sub><sup>shaxs</sup> qaratqich kelishigi + o<sub>t</sub><sup>turdosh</sup> egalik qo'shimchasi]  
*Salimning ukasi*

[O<sub>t</sub><sup>turdosh</sup> qaratqich kelishigi + o<sub>t</sub><sup>turdosh</sup> egalik qo'shimchasi]  
 [O<sub>t</sub><sup>narsa-buyum</sup> qaratqich kelishigi + o<sub>t</sub><sup>narsa-buyum</sup> egalik qo'shimchasi]  
*kitobning muqovasi*

Ma'lum bo'ladiki, oraliq sintaktik qoliplar sintaktik sathning quyi chegarasigacha davom etadi. Qolip turdan ajralar ekan, unda morfologik, lug'aviy va fonetik sathlar o'z izlarini bosqichma-bosqich qoldiraveradi. Har bir sathning ham yuqori va quyi chegaralarigacha qolip to'ldiruvchi va shakllantiruvchi birliklarning umumiy va xususiy holatlariga muvofiq o'z tabiatini o'zgartirib boradi. Biroq ustiga qanchalik tajallilar qavatlanmasin, [Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] umumiylik har bir ko'rinishda takrorlanaveradi.

**So'z birikmasi qoliplari oraliq ko'rinishlarini shakllantirish, farqlash va voqelantirishda lug'aviy va morfologik sathlar hamkorligi.** Ta'kidlanganidek, qolip sintaktik sathdan quyida xususiylashar ekan, shunga muvofiq ravishda, uni shakllantiruvchi morfologik vositalar ma'noviy tabiati ham o'z umumiylikidan xususiy voqelanishga tomon siljiy boshlaydi, qolip uzvlari esa muayyan xarakter kasb eta boradi.

Har ikkala uzvi morfologik shakllangan LSQlar oraliq ko'rinishlarini morfologik vositalar nutqqa olib kiradi. Morfologik shakllarning qolipni nutqqa olib kirishdagi faolligi leksemalarning mazkur vositalarsiz ushbu uzvni to'ldira olmasligi xossasi bilan belgilanadi. Xususan, ot turkumiga oid leksemalarning, asosan, hokim uzv maqomini egallashga ixtisoslashganligi uning tobe unsur sifatida kelishi uchun maxsus tobelik vositalarini qabul qilishini taqozo etadi. Shu boisdan [Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] qolipi hosilalari birinchi uzvi, asosan, ot yoki ot vazifasidagi so'zlardir (*kitobning muqovasi, Karimning kitobi, kattaning kichigi* kabi). Morfologik vositalarsiz ko'rinishidagi qolip turlari esa bevosita ularni to'ldiruvchi tobe unurning shu vazifasiga xoslanganligi xususiyati asosida tiklangan (*yaxshi bola, asal bola, birinchi bola, o'sha odam* kabi). To'g'ri, mazkur birikmalarda tobe unsur sifatida ot turkumiga mansub birliklar ham ishtirok etgan. Biroq bunda mazkur unurning tabiatida predmetlik xossasi susayib, belgi ifodalashga

xoslanish kuchayganligi yaqqol sezilib turadi.

Morfologik shakllangan ayrim oraliq qoliplarda lug'aviy birliklar o'z umumlashgan ma'nosi asosida qoliplarni to'ldirish, farqlash va nutqqa olib kirish vazifasini o'taydi. Masalan, [Ism<sup>qaratqich kelishigi</sup> + ism<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] qolipi hosilalari bo'lmish *to'rtning yarmi*, *qizilning qizili*, *bolaning tug'ilishi* so'z birikmalarining farqlanishi birinchi oraliq bo'g'indayoq yuz beradi. Ya'ni:

[Исм <sup>қаратқич келишиги</sup> + исм <sup>эғалик қўшимчаси</sup> ]		
[От <sup>қаратқич келишиги</sup> + ҳаракат НОМИ <sup>эғалик қўшимчаси</sup> ]	[Сифат <sup>қаратқич келишиги</sup> + сифат <sup>эғалик қўшимчаси</sup> ]	[Сон <sup>қаратқич келишиги</sup> + от <sup>эғалик қўшимчаси</sup> ]

Lug'aviy to'ldirilishga muvofiq ravishda har bir muayyan so'z birikmasi turlicha nutqiy mazmuniy xususiyatga ega bo'ladi. Masalan, *bolaning tug'ilishi* SB "holat", *to'rtning yarmi* "butun-bo'lak", *qizilning qizili* "kuchaytirish" ma'nolariga ega bo'ladi. Bu rang-barang ma'noviy munosabatlar qolip mohiyatiga daxldor bo'lmay, bevosita to'ldiruvchi lug'aviy birliklarining o'zaro munosabatidan kelib chiqadi.

Tipik morfologik vositalar asosida shakllangan ayrim qolip turlarida lug'aviy birliklar ularni to'ldirish vazifasini o'taydi, oraliq shakllar orqali olib o'tish va ularga mos ravishda shakllantirish vazifasini esa morfologik shakllar ado etadi. Masalan, [Ism<sup>kelishik qo'shimchasi</sup> + Fe'l] qolip turida tobe uzvning kelishik qo'shimchalaridan qaysidir biri bilan birikish ixtiyoriyligi aks etgan. Shu bois u quyidagicha xususiylashadi va oraliq ko'rinishlarga ega bo'ladi:

[Исм <sup>келишик қўшимчаси</sup> + Феъл]			
[Исм <sup>тушум келишиги</sup> + Феъл]	[Исм <sup>жўналиш келишиги</sup> + Феъл]	[Исм <sup>ўрин/пайт келишиги</sup> + Феъл]	[Исм <sup>чиқиш келишиги</sup> + Феъл]
<i>Китобни ўқимоқ</i>	<i>Шаҳарга бормоқ</i>	<i>Кузда йиғмоқ</i>	<i>Нондан емоқ</i>

Bu qolip turining birinchi oraliqlanish bosqichi bo'lib, oraliq shakllar morfologik vositalar asosida farqlanadi. Zero, shakllarni qoldirib, so'zlarni o'rin almashtirish birikma mohiyatini o'zgartirmaydi (*shaharni ko'rmoq* kabi).

Shu o'rinda mazkur oraliq qolipda munozarali nuqta borligi seziladi. Haqiqatan ham oraliq qoliplar [Ism<sup>kelishik qo'shimchasi</sup> + Fe'l] qolip turining sintaktik sathdan quyidagi nosintatik

oraliq shaklimi? Agar shunday bo'lsa, ular [Ism<sup>chiqish kelishigi</sup> + Fe'l<sup>majhul nisbat</sup>] qolip turidan qanday farqlanadi? Bizningcha, morfologik shakllar bilan farqlanuvchi qoliplar sintaktik, ammo morfologik shakli o'xshashu, biroq lug'aviy to'ldirilishi o'xshash bo'lmagan, farqlanuvchi ko'rinishlar sifatida baholanmog'i lozim. Bunda ham, albatta, mustaqil sintaktik qolip uchun qo'yilgan shakl va mazmun yaxlitligi tamoyilidan kelib chiqishimiz lozim. Unda [Fe'l<sub>ravishdosh</sub> + Fe'l] qolip turining hosilalari bo'lgan *kula-kula gapirmoq, yonib yashamoq* birikmalari uchun asos bo'lgan turli morfologik shakllardagi [Fe'l<sup>(i)b</sup><sub>ravishdosh</sub> + Fe'l], [Fe'l<sup>(a)y</sup><sub>ravishdosh</sub> + Fe'l] oraliq qoliplarining lisonga munosabati qanday? Bunda ham farqlanish morfologik vosita evaziga-ku? To'g'ri, biroq qolip mazmuni o'zgarmasdan qolmoqda. Har ikkala shakl ham "holat" ma'nosini yuzaga chiqaradi. Qolipning shakl asosida mazmuniy farqlanmasligi uning lisonga xos emasligidan dalolat beradi. Ikkinchidan, yuqorida qayd qilingan kelishik shakllari bir kategoriyaga mansub birliklardir. Biroq *-a(y)*, *-(i)b* ravishdosh shakllarining esa bir ma'noviy mohiyatning, bir kategoriya shakli (ravishdosh)ning boshqa kategoriyalar ma'nolari tajallilari asosida farqlanuvchi turli ko'rinishlari ekanligi asoslangan<sup>138</sup>.

Morfologik shakllanmagan LSQlarni nutqqa kiritishda ham, farqlashda ham leksik-semantik omil muhim ahamiyat kasb etadi va morfologik omil ancha kuchsizlanadi. Tilshunos S.Nazarova birikuvning turida ma'noviy va joylashuv omillari yetakchilik qilishini ta'kidlaydi.<sup>139</sup> [Ism + Fe'l] LSQi quyidagi oraliq bo'g'inlarga ega bo'ladi:

[Ism + Fe'l]			
[Ot + Fe'l]	[Ravish + F]	[Cifatdosh+ F]	[Sifat + F]

Bunda qolip uzvlari ularni nutqqa olib kirish bilan birgalikda o'z turkumiy xossalari asosida oraliq sintaktik qoliplarni ikkinchisidan farqlab ham turadi. Bunda qolip, shuningdek, nutqqa chiqayotgan leksema ma'nolarini muayyanlashtirishda joylashuv omili ma'noviy omilga hamkorlik qiladi.

<sup>138</sup> Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Т., 1996. – 26 б.

<sup>139</sup> Назарова С.А. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: Филол. фанлари номз. дисс. ... автореф. – Т., 1997. – Б. 13.



Ayrim qolip turlarida ham sof lug'aviy sathga daxldor mohiyatlar ularni farqlash uchun xizmat qiladi. Masalan, [W<sup>morfologik vosita</sup> + W<sup>morfologik vosita</sup>] qolip tipiga mansub [Ot<sup>bosh kelishik</sup> + Ot<sup>egalik qo'shimchasi</sup>] turi boshqa turlardan, asosan, lug'aviy to'ldirilishning muayyanligi va joylashishning qat'iyligi asosida farqlanadi. Zero, yuqorida qayd qilingan boshqa qolip turlarida uzvlarning lug'aviy to'ldiruvchilari kamdan-kam bunchalik muayyan aks etadi. Shuningdek, qolip hosilalari bo'lgan birikmalar uzvlarini inversiya holatida va distant vaziyatda qo'llash imkoni chegaralangan (*Pomir tog'i, Qarshi shahri*).

Shuningdek, [Ot<sub>modda</sub> + Ot<sub>aniq</sub>], [Ot<sub>shaxs</sub> + Ot<sub>shaxs</sub>] qoliplarida lug'aviy omil ustuvor ahamiyat kasb etib, birliklarni boshqa LSQlardan ajratib turadi. [Ot<sub>modda</sub> + Ot<sub>aniq</sub>] qolipida lug'aviy omil ham shakllantiruvchi, ham farqlovchi va voqelantiruvchi omil sifatida namoyon bo'lib, morfologik va joylashuv omillari buning evaziga so'nish darajasigacha kuchsizlanadi. Chunki bu qolip hosilasi bo'lgan so'z birikmalari inversiya holatida bo'la oladi. *Temirchi Jo'ra – Jo'ra temirchi, mulla Karim – Karim mulla* kabi.

Ma'lum bo'ladiki, LSQlarning lug'aviy va morfologik omillar asosidagi oraliq ko'rinishlari orqali voqelanishlarida bu sathlar turli darajada hamkorlik qiladi. Biror sathga xos hodisaning hamkorligi darajasi boshqa sathlar birligining ehtiyoji va zaruriyatiga muvofiq bo'ladi. Umuman olganda, morfologik shakllar, asosan, LSQlarni nutqqa olib kiruvchi leksemalarni shakllantiruvchilik hamda qolip tip va turlarini farqlovchilik xususiyatiga ega bo'lsa, leksema qoliplarni to'ldirish va qolip turi oraliq ko'rinishlarini farqlash vazifasini o'taydi.

**Gap sintaktik qolipini shakllantirish, farqlash hamda voqelantirishda leksik va morfologik sathlar hamkorligi.** Ta'kidlash lozimki, sintaktik qolip nazariyasi asosida o'zbek tilshunosligida ishlab chiqilgan grammatik shakllangan sodda gapning minimal qolipi – [WP<sub>m</sub>] mohiyatan morfologik shakldir.<sup>140</sup> Morfologiya va sintaksis yaxlitligini isbotlovchi bundan-da kuchliroq omilni topish qiyin. Chunki bu qolip gapning grammatik shakllangan markazi strukturasi belgilaydi, morfologik hodisa sintaktik mohiyat kasb etadi. Demak, sintaksisda eng asosiy kategoriya bo'lmish gap markazi morfologik asosda shakllanadi. Lekin [WP<sub>m</sub>] qolipiga

<sup>140</sup>Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Т., 1996. –Б. 6.

o'zbek tilidagi barcha so'zlar ishora qila olmaydi. Tavsiflovchi leksemalar – bugungi kunda ular o'zbek tili grammatik talqinida so'z-gaplar yoki semantik-funksional shakllangan so'z-gaplar deb ataladi – gap kesimi mavqeida kelganda o'ziga xos leksik-semantik qolip strukturasi ega bo'ladi. YA'ni so'z-gaplar sintaktik funktsiya jihatidan faqat kesim mavqeida kela oladigan leksemalar bo'lib, sintaktik vazifa ularning lug'aviy ma'nosida mujassamlangan. Bundan xulosa qilish mumkinki, grammatik shakllangan gaplarning markazi morfologik usul bilan shu qiyofaga kirsam, semantik-funksional shakllangan gaplarning markazi leksik-semantik usul bilan vujudga keladi. Bu esa – sintaksisning eng muhim kategoriyasi bo'lgan gap markazi mutlaq nosintaktik hodisalar – morfologik va leksik omillar bilan shakllantirilishi haqidagi xulosaga olib keladi. Bu tilshunos I.I.Meshchaninovning lisoniy sistemaning moddiy tomoni e'tibordan soqit qilinsa, u leksika va sintaksisdangina iborat bo'ladi degan xulosasi bilan uyg'undur.<sup>141</sup> Shunday pirovard xulosa asosida tildan sintaksisni soqit qilib, unda faqat morfologiyani qoldira olamizmi, degan savol tug'ilishi tabiiy. Bu savolga ijobiy javob berish qiyin. Zero, morfologik shakllarning sintaktik funktsiyasidan tashqari, sintaksisning o'ziga xos eng muhim va kuchli omili – joylashuv ham mavjud bo'lib, u morfologiya va leksikadan ayri holatlar sifatida sintaksisda qolaveradi.<sup>142</sup> Shu boisdan dunyo tillarida morfologiyasiz yoki morfologiyasi o'ta kuchsiz rivojlangan tillar ko'p bo'lsa-da, sintaksissiz til bo'lishi mumkin emas. Go'yo sintaksisning leksika va morfologiya bilan chatishuvi masalasini tahlil etishni shu bilan ham yakunlash mumkindek tuyuladi. Biroq tilda shunday holatlar ham mavjudki, ular gap sintaksisining morfologiya va leksika bilan juz'iy aloqalarini belgilab boradi. Quyida ulardan ayrimlarini sanab o'tishga harakat qilinadi.

**1. Kesimlik so'zlari.** Bugungi grammatik talqinlarda bunday so'zlarning ikki turini ajratish mumkin:

a) funksional jihatdan ixtisoslashayotgan (*kerak, lozim, zarur, mumkin, darkor*) va genetik jihatdan sifatga yaqin so'zlar;

b) funksional jihatdan ixtisoslashayotgan (*shart*) va

<sup>141</sup>Мещанинов И.И. Общее языкознание. К проблеме стадильности в развитии слова и предложения. – Л.: Учпедгиз. Ленинградское отделение, – 1940.

<sup>142</sup>Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII вв. – Т.: Фан, 1989.

genetik jihatdan otga yaqin soʻzlar.<sup>143</sup>

Bu soʻzlar *-(i)sh* va *-moq* harakat nomi shakllari bilan birikishda bir tarkibli gaplarning oʻziga xos kesimini shakllantiradi – shaxssiz kesim mavqaida keladi. Bunda yuqoridagi soʻzlar kesimdagi shaxs-son maʼnosini chetlashtiradi: *Bu ishlarni bajarish kerak* kabi. Shaxssiz kesim va shaxssiz kesimlikning bunday koʻrinishlari tarixan qayta boʻlinish asosida ega-kesim qurilmali ikki tarkibli gaplardan rivojlangan<sup>144</sup> va u bilan aloqalari hozirgacha saqlanib qolgan. Qiyoslang: *Biz borishimiz kerak – Bizning borishimiz kerak – Bizga borish kerak*.

**2. -niki qoʻshimchasi bilan shakllangan soʻzlar.** *-niki* qoʻshimchali soʻzlar ham kesim vazifasida kelishga ixtisoslashgan nutqiy yasama soʻzlardir. Chunonchi, *Kitob Ahmadniki* kabi. *-niki* qoʻshimchali soʻz otlashmagan holatda faqat shaxssiz kesim vazifasidagina kela oladi. Qizigʻi shundaki, oʻta zarur boʻlgan paytlarda shaxs maʼnosi bunday soʻzlarda leksik usul – kishilik yoki oʻzlik olmoshi bilan ifodalandi. *Kitob oʻzimniki. Vazifa seniki. Oʻzimdagi oʻzimniki* kabi.

**3. Qaratqich kelishigi.** Barcha turkiyshunoslarning hamfikrligi asosida aytish mumkinki, qaratqich kelishigi aniqlovchini shakllantiradi va uning tilshunosligimizda yuzdan ortiq maʼnolari sanalgan.<sup>145</sup>

**4. Tushum kelishigi.** Turkiyshunoslarning yakdil fikrlariga koʻra, bu morfologik shaklning sintaktik mohiyati vositasiz toʻldiruvchini shakllantirishdir va uning oʻnlab maʼnoviy turi qator tilshunoslar tomonidan sharhlangan. Qaratqichli aniqlovchining ham, vositasiz toʻldiruvchining ham ajratilgan oʻnlab maʼnoviy turlari morfologiya yoki sintaksis bilan aloqador boʻlmay, tobe yoki hokim soʻzlarning oʻzaro maʼnoviy munosabatlari, yaʼni leksik-semasiologik omillar bilan belgilanadi.<sup>146</sup>

**5. Joʻnalish-chiqish kelishigi.** Bu kelishiklar vositasiz toʻldiruvchi yoki holni shakllantiradi.<sup>147</sup> Hol va vositali

<sup>143</sup>Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. – Т.: Фан, 1974. – Б. 173.

<sup>144</sup>Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тилида гап бўлаклари типологияси. – Т.:Ўқитувчи, 1988.

<sup>145</sup>Майзель С.С. Изафет в турецком языке. – М., – Л.: Изд-во АН СССР, 1957; Чариев А. Синтаксическо – семантические признаки родительного падежа узбекском и английском языках. – Т.: Фан, 1990.

<sup>146</sup>Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал – функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол. фанлари докт. ... автореф. – Т. 2001.

<sup>147</sup>Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол. [WP<sub>m</sub>] валентлиги асосида. Филол. фанлари номз. дисс. ... автореф. – Т., 1997; Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек

to'ldiruvchini farqlash to'la-to'kis leksik omilga tayanadi. Masalan: *Kitobni javonga qo'ydi*. Shuning uchun o'zbek tilshunosligida o'rin, payt, sabab, maqsad hollarini vositali to'ldiruvchidan farqlash sohasidagi urinishlarning barchasi leksik farqlarni qidirishdan boshqa narsa emas. Unda grammatikani axtarish hech qanday natija bermaydi. Shuning uchun tilshunos A.N.Kononov bu hodisaga "obstoyatelstvenniye-dopolneniye" degan grammatik "tashxis" qo'yadi.<sup>148</sup> Turkman tilshunosligida esa vositali to'ldiruvchi va hol mutlaqo farqlanmaydi.<sup>149</sup>

**6.O'rin kelishigi.** Bu kelishik o'zbek tili gap qurilishida o'zining sintaktik funksiyasini to'la betaraflashtirib, kesim vazifasida kelgan holatlardan o'zga voqelanishlarda holning rang-barang turlarini kiritishga xizmat qiladi.<sup>150</sup> Qurol-vosita ma'nosida kelgan *shaharga avtobusda keldi, do'stim bilan telefonda gaplashdim* kabi holatlarda *avtobusda* va *telefonda* so'zshakllari ba'zi tadqiqotlarda vositasiz to'ldiruvchi sifatida baholanadi. Lekin vosita ma'noli to'ldiruvchi (ruscha *орудийный объект*)ning to'ldiruvchi va holga munosabati o'ta munozarali. Tilshunoslar V.Gak va V.Admoni uni hol sifatida baholashadi.<sup>151</sup> Chunki yuqoridagi misollarda *avtobusda* va *telefonda* so'zshakllariga nisbatan *nimada* so'rog'idan ko'ra *qay tarzda, qay usulda* so'roqlarini berish maqbulroqdir.

**7.Ko'makchilar.** Ko'makchilar kelishik ma'nolarini muayyanlashtiruvchi, ularni to'ldiruvchi yordamchi so'zlar bo'lganligi sababli so'zlarni o'zaro bog'lashga xizmat qiladi va ma'lum bir ma'noviy hamda so'zlarni bir-biriga bog'lash sintaktik vazifasini qorishtirgan holda leksika (yordamchi so'z) – morfologiya (kelishiklar) va sintaksis (so'zlarni bog'lash)ni o'zida mujassamlashtiradi. Bu ko'makchilarga bag'ishlab yozilgan o'nlab ishlarda qayd etilgan.<sup>152</sup>

**8.Bog'lovchilar.** Bog'lovchilar o'z sintaktik vazifasi –

---

адабий тилида гап бўлаклари типологияси. – Т.:Ўқитувчи, 1988.

<sup>148</sup>Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1960.

<sup>149</sup>Туркмен дилинин грамматикаси. Болум 2. – Ашгабат, 1977.

<sup>150</sup>Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол. [WP<sub>m</sub>] валентлиги асосида. Филол. фанлари номз. дисс. ... автореф. – Т., 1997; Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тилида гап бўлаклари типологияси. – Т.:Ўқитувчи, 1988.

<sup>151</sup>Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. Система отношений и система построения. – Л.: Наука, 1973.


<sup>152</sup>Шаҳобиддинова Ш. Босқичли мавҳумлаштириш умумий грамматик маънони очиш усули сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. – № 3. – Б. 31-34; Ўзбек тили грамматикаси. 1 – том. – Т.: Фан, 1975.

so'zlarni so'z qo'shilmalari yoki SBlarga, yoki gaplarni bir-biriga bog'lashga xoslangan. Shuning uchun tilshunos R.Sayfullayeva ko'rsatganidek, qo'shma gap paradigmasida bog'lovchilarning almashtirilishi gaplarning sintaktik-semantik mohiyatiga kuchli ta'sir ko'rsatadi.<sup>153</sup>

**9.Yuklamalar.** Yuklamalar qo'shimcha ma'no ifodalash bilan birga gaplarni bir-biriga bog'lash xususiyatiga ham ega ekanligi ilmiy adabiyotlarda keng sharhlangan.<sup>154</sup>

**10.Fe'l turlari.** Ravishdoshlarning fe'lni fe'lga bog'lash, sifatdoshlarning fe'lni ism va fe'lga bog'lash, harakat nomining otga xos sintaktik vazifa va ma'nolarga ega bo'lishi tilshunoslikda keng sharhlangan va ularda morfologiya va sintaksisning qorishuvi masalasini isbotlash zarurati yo'q.<sup>155</sup> Bu haqda ishning morfologiya bobida aytilgan va zarur adabiyotlar keltirilgan. Bundan tashqari, bu shakllar gapni – xoh u sodda yoki qo'shma bo'lsin – kengaygan bo'lakka aylantiruvchi muhim morfologik omil sanaladi.<sup>156</sup>

**11.**Shuningdek, tobe aloqali gaplarda turli morfologik shakllarning nomustaqil kesimni shakllantirishi o'zbek tilining sof ontologik, substansial tabiati sifatida talqin qilinmoqda.<sup>157</sup>

Leksika bilan morfologiyaning sintaksis bilan hamkorligi uchun namuna sifatida keltirilgan yuqoridagi dalillar bu uch sath orasidagi yaxlitlikning substansial, ontologik tabiatga ega ekanligini ko'rsatib turibdi. Bunday hodisalar sirasini, aytib o'tilganidek, ancha davom ettirish mumkin. Lekin morfologik hodisalarning sintaktik qobiliyati, sintaktik hodisalarning morfologik shakllantirilishi zarurati masalalari muallifning nomzodlik dissertatsiyasida maxsus tadqiq manbai bo'lganligi sababli  misollar va hodisalar sirasini

<sup>153</sup>Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал – функционал талқини. – Т.: Фан, 1994.

<sup>154</sup>Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII вв. – Т.: Фан, 1989; Шаҳобиддинова Ш. Босқичли мавҳумлаштириш умумий грамматик маънони очиш усули сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. – № 3. – Б. 31-34.

<sup>155</sup>Шаҳобиддинова Ш. Босқичли мавҳумлаштириш умумий грамматик маънони очиш усули сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. – № 3. – Б. 31-34; Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Т., 1996; Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик ва хусусийлик диалектикаси талқинида. Махсус курс учун маърузалар. – Андижон: Нашриётсиз, 1994; Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Грамматик маъно талқини ҳақида. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994.

<sup>156</sup>Маҳматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси. – Т.: Университет, 1998.

<sup>157</sup>Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи ва [WP<sub>м</sub> – WP<sub>м</sub>] қурилишли гаплар. Филол. фанлари номз. дисс. ...автореф. – Т., 1999.

davom etirish lozim ko'rimadi. Ushbu o'rinda shuni ta'kidlash lozimki,

a) leksika (semantika)ning morfologiya va sintaksis bilan aloqalari va hamkorligi o'rganilardi darajada;

b) morfologiyaning leksika va sintaksis bilan aloqalari va hamkorligi oydin;

v) sintaksisning morfologiya hamda leksika bilan aloqalari va hamkorligi substansial, tabiiy va ontologikdir.

Sathlararo o'zaro bog'lanishlarda mana shunday darajalanish sirasini ko'rish mumkin. Til sathlari bo'ylab qancha yuqorilansa, uning quyi sathlar bilan aloqasi shunchalik zichlashuvining guvohi bo'lamiz. Bu til sathlari iyeraxiyasining – yuqori sath birliklari quyi sath birliklarining birikishidan tashkil topishining yorqin namunasidir. Shuning uchun eng katta lisoniy substansiya – kommunikativ vazifani bajaruvchi sintaktik birlik bo'lgan gap mohiyati leksika va morfologiyaning birikib, yangi butunlik – sintaktik butunlikni hosil qilishida ochiq-oydin namoyon bo'ladi va bu esa yana ishning birinchi bobida qo'yilgan eng asosiy falsafiy metodologik masala **[butun ≠ tarkibiy qismlarning yig'indisi]** muammosiga olib keladi.

Demak, xulosa sifatida aytish mumkinki, sintaktik hodisalarning vujudga kelishi, asosan, leksik va morfologik asosdadir. Sintaksisning asosiy birligi bo'lgan gap mohiyatining «mayl-zamon, shaxs-son, tasdiq-inkor ko'rsatkichlari bilan shakllangan mustaqil so'zlar» tarzida ta'riflanishining o'ziyoq bu sathlar orasidagi aloqadorlik darajasini yaqqol namoyon qiladi. Biroq bu sintaksisda u morfologiya va leksikadan xoli qilinsa, hech narsa qolmaydi degan "hayratomiz" to'xtamga olib kelmasligi kerak. Zero, "morfologik shakllangan mustaqil so'z" uchun bulardan tashqari, kesimlik pozitsiyasi ham talab qilinadi. Aks holda *Qo'ydi-chiqdi eskidan qolgan odat* kabi birikuvlarda morfologik shakllangan so'z (*qo'ydi-chiqdi*) har doim ham kesim bo'laverar edi.

Sintaksisda semantik-funksional shakllangan gaplarning vujudga kelishi sof leksik asoslarda bo'lib, sintaktik hodisalar farqlanishida leksika ustuvorlik kasb etadi va buning hisobiga morfologiyaning passivlashishi kuzatiladi.

Gap va so'z kengaytiruvchilarining o'zaro farqlanishi, asosan, morfologik asoslarda bo'lib, ba'zi o'rinlarda so'z semantikasiga tayanish zarurati tug'iladi. Uzoq vaqtlardan beri munozara bo'lib kelayotgan to'ldiruvchi va holni farqlash

masalasida grammatika hech qanday rol o'ynamaydi, bunda farqlovchi mezon sifatida leksik omilga asoslanish zarur va yetarlidir.

Sintaksisda oraliq shakl muammosi qo'yilgan. Tadqiqotchilar oraliq bo'g'in deganda LSQning sintaktik sathdan quyidagi, nutqiy sathgacha bo'lgan bo'linishlarini nazarda tutadi. Biroq oraliqlanish uzluksiz bo'lib, u [W + W] umumiy sintaktik qolipidan muayyan gaplarga cheksiz davom etadi.

Sintaktik qoliplarda ham sathlarning hamkorligi muhim rol o'ynaydi. Leksika, asosan, sintaktik qoliplarni to'ldirish va ba'zan oraliq qoliplarni farqlash bilan mashg'ul bo'lsa, morfologik vositalar, asosan, qoliplarni shakllantirish va farqlash mas'uliyatini zimmasiga oladi.

Demak, lisoniy sistemaning voqelanishida sathlarning uzviy aloqasi juda zich bo'lib, bunda ularning hamkorligi turli daraja kasb etadi. Leksikaning morfologiya va sintaksis bilan aloqalari nisbatan kuchsiz bo'lsa, morfologiyaning leksika va sintaksis bilan aloqasi o'rtacha, sintaksis uchun esa leksika va morfologiya hamkorligi o'ta muhimdir.

### **Savol va topshiriqlar**

1. Lisonning yaxlit sistemaviyligini izohlang.
2. Lisoniy sathlar hamkorligini qanday tushunasiz?
3. Umumiy ma'no bilan xususiy ma'noni bog'lovchi bo'g'in nima?
4. Lisoniy-sintaktik qolip nutqda qanday voqelanadi?
5. Sintaktik sath birligi voqelanishida sathlar hamkorligi qanday?
6. Sintaktik sath birligi voqelanishida leksik sath ustuvorlashuviga misol keltiring.
7. Sintaktik sath birligi voqelanishida morfologik sath ustuvorlashuviga misol keltiring.

## 9–BO‘LIM

### PUNKTUATSIYA

#### Tayanch tushunchalar

*nuqta, so‘roq belgisi, undov belgisi, vergul, nuqtali vergul, ikki nuqta, ko‘p nuqta, tire, qavs, qo‘shtirnoq*

Tinish belgisi – yozma nutqni to‘g‘ri, ifodali, mantiqli bayon qilishda, uni ixchamlashtirishda xizmat qiluvchi, yozma nutq qismlarining o‘zaro mazmun munosabatlarini ko‘rsatuvchi muhim yozuv vositasi. Ular quyidagilar: nuqta (.), so‘roq belgisi (?), undov belgisi (!), vergul (,), nuqtali vergul (;), ikki nuqta (:), ko‘p nuqta (...), tire (–), qavs ( ( ) ), qo‘shtirnoq ("").

**Nuqtaning ishlatilishi.** Nuqta quyidagi o‘rinda qo‘yiladi: 1) tinch ohang bilan aytilgan darak, buyruq va undov (his-hayajon) gapdan keyin: *Oltin kuz fasli kirib keldi. Darslarni o‘z vaqtida tayyorlab yurgin. Koshki, uning kuchi yetsa.* 2) birinchi qismida nuqta, ko‘p nuqta, undov yoki so‘roq belgisi bo‘lgan ko‘chirma gap o‘rtasida kelgan muallif gapidan keyin: *“Men hozir jo‘nayman, – dedi u. – Siz esa yarim soatlardan keyin yo‘lga chiqing”.* 3) qisqartirilgan ism va familiyaning birinchi harfi yoki qismidan keyin: *M.Ism. (Mirzakalon Ismoilij).* 4) sanash yoki ayrim fikrning qismini ifodalagan va oy, kun, yilni bir-biridan ajratish uchun qo‘llangan raqam yoki harfdan keyin: *27.09.2002* kabi. Qavsga olingan manbadan oldingi gap oxiridagi tinish belgisi o‘z o‘rnida saqlanadi va qavsdan keyin hech qanday tinish belgisi qo‘yilmaydi: *Ketdi.* (A.Qah.) Shuningdek, sarlavhadan keyin (darak gap bo‘lsa) nuqta qo‘yilmaydi. Lekin sarlavha birdan ortiq mustaqil sodda gapdan tuzilgan bo‘lsa, oldingilaridan keyin nuqta qo‘yilib, oxirgisidan keyin qo‘yilmaydi: *Gap. Sodda gap*

**So‘roq belgisining ishlatilishi.** So‘roq belgisi quyidagi holda ishlatiladi: 1) so‘roq gapdan keyin: *Ishga tayyormisiz?* 2) so‘roq gap birdan ortiq bo‘lishi mumkin. Bunda: a) so‘roq gap mustaqil bo‘lsa, har biridan so‘ng so‘roq belgisi qo‘yiladi: *Qishloq qanday? Og‘aynilar yaxshi yurishibdimi?* b) agar so‘roq gap mazmunan umumiy bir fikrni ifodalasa, va qo‘shma gap tarzida bo‘lsa, eng so‘nggi so‘roq gapdan keyin qo‘yiladi: – *Kim kelyapti: Savrimi, Rahbarmi, yo*



*akangning bolalarini yetaklab kelyapsanmi?* 3) gap darak gap, undagi biror soʻz yoki ibora noaniq boʻlsa va gumon ifodalansa, undan keyin soʻroq belgisi qoʻyiladi: *Bu ishning hammasini yarim soat (?) ichida bajarar ekanmiz.* Baʼzan qoʻshma gap tarkibidagi sodda gapning oldingisi soʻroq, qolgani esa uning izohi sifatida kelishi mumkin, bunday holda ular orasiga vergul yoki tire qoʻyilishi mumkin, lekin qoʻshma gapning qismi vergul yoki tire bilan ajratilishi shart boʻlganligi tufayli soʻroq belgisi qoʻyilmaydi: *U ertaga keladimi, kelmaydimi, bu men uchun qorongʻi.*

**Undov belgisining ishlatilishi.** Undov belgisi quyidagi holda ishlatiladi: 1) his-hayajon ifodalagan gapdan keyin: *Yoshligimizda naqadar baxtiyor edik!* 2) buyurish, tilak, orzu maʼnosini ifodalagan gapdan keyin: *Hoziroq bularni koʻzimdan yoʻqot! Qani endi qush kabi osmonda parvoz qilsa!* 3) gap boshida kelib, kuchli his-hayajon ifodalagan undalma, undov hamda *ha* va *yoʻq* soʻzidan keyin: *Yoʻq! Rustam bunday qabihlikka bormaydi hech qachon! Azizlar! Sizni mustaqillik bayrami bilan tabriklayman!* Bunda undovdan oldingi soʻz mustaqil gap sifatida qaraladi.

**Koʻp nuqtaning ishlatilishi.** Koʻp nuqta quyidagi oʻrinda qoʻyiladi: 1) fikr tugallanmaganda: *Agar hozir gapingizni toʻxtatmasangiz...* 2) soʻzlovchining oʻylashi, mulohaza qilishini koʻrsatadi: *Bugun... bugun oldingizga oʻtsam boʻladimi?* 3) baʼzan kimningdir savoliga javob bermay, indamay turganini koʻrsatish uchun: – *Mendan rozimassiz, bilaman, kechirmaysiz...* 4) biror soʻz yoki gapning tushirilganini koʻrsatish uchun: *Bugun yettinchi boʻlimga kelib, ... figʻoni oshdi.*

**Koʻp nuqta, undov va soʻroq belgisining birga kelishi.** Gap mazmuni mazkur tinish belgisining birga qoʻllanishini taqozo qiladi. Bunda: 1) soʻroq mazmunidan his-hayajon kuchliroq boʻlgan gapdan keyin avval undov, keyin soʻroq belgisi birikkan holda (!?) qoʻyiladi: *Goʻzallik olamni qutqarishiga kim ishonmaydi!?* 2) kuchli his-hayajon bilan berilgan savolni ifodalaydigan soʻroq gapdan soʻng avval soʻroq, keyin undov belgisi birikkan holda qoʻyiladi: – *A?! – Xonkeldiyeva turgan yerida surat boʻlib qoldi. – Direktorimiz-a?!* 3) kuchli his-hayajon ifodalagan va mazmunan tugallanmagan gapdan keyin avval undov, keyin koʻp nuqta birikkan holda (!...) qoʻllanadi: – *Nafisa!.. Nafisaoy!...* 4) mazmunan tugallanmagan soʻroq gapdan soʻng avval soʻroq, keyin koʻp nuqta birikkan holda (?...) ishlatiladi: – *Nima dedingiz?*

*Bularning hammasi men uchun?...*

**Vergulning ishlatilishi.** Vergul quyidagi o'rinda qo'yiladi: 1) uyushiq bo'lak orasida: 2) bog'lovchisiz birikkan uyushiq bo'lak orasida: 1. *Andijon, Namangan, Qo'qon, Marg'ilon – O'zbekning chamani, bog'-u bo'stoni.* 3) takrorlanuvchi bog'lovchi bilan birikkan uyushiq bo'lak orasida: *U goh kulimsiraydi, goh chuqur o'yga toladi.* 4) zidlovchi bog'lovchi yordamida birikkan uyushiq bo'lak orasiga: *Zamiraning baland, ammo mayin ovozi bor edi.* 5) undalmani gapdan ajratish uchun: *Ertaga, azizim, toqqa jo'naymiz;* 6) kirish so'zni va tuzilishiga ko'ra murakkab bo'lmagan kirish gapni ajratish uchun: a) *Xullas, ertaga shu yerda yotiladigan bo'ldi.* b) *Men sizga aytsam, odamning yomoni bo'lmaydi;* 7) *ha* va *yo'q* so'zini gap bo'lagidan ajratish uchun: *Ha, bu gapingiz to'rg'i. Yo'q, ertaga kela olmayman;* 8) gapning ajratilgan bo'lagini ajratib ko'rsatish uchun: *"Biz, 22-guruhda o'quvchi qizlar, Xayriniso ham biz bilan yonma-yon turib o'qishini istaymiz";* 9) bog'lovchisiz bog'langan qo'shma gapda: *Eshik ochildi, ichkariga muzday havo yopirilib kirdi;* 10) *va, ham, hamda, yoki* (yolg'iz kelgan holda) dan boshqa bog'lovchi bilan bog'langan qo'shma gapda: *hamma gapirdi, lekin u bir chekkada xomush o'tirar edi;* 11) ergash va bosh gapni ajratish uchun: *Hamma yig'ilsa, majlis boshlanadi;* 12) muallif gapini ko'chirma gapdan ajratish uchun: – *Bugungi qilgan ezgu ishlarimiz, – dedi ota, – kelajak uchun mustahkam poydevor vazifasini bajaradi;*

**Nuqtali vergulning ishlatilishi.** Nuqtali vergul quyidagi o'rinda qo'llanadi: 1) o'z ichida vergul bo'lgan va guruh-guruh qo'llangan yoki yoyiq uyushiq bo'lak orasida: *Mehnat, ijod, odam sharafi; Dil yorug'i, hayot quvonchi - Hammasining asli manbai Sen, Vatanim – tinchlik tayanchi.* 2) o'z ichida verguli bo'lgan, mazmunan ma'lum darajada mustaqillikka ega sodda gaplar orasida hamda har xil turdagi gapni o'z ichiga olgan qo'shma gapda: *Daraxtlar, butalar shitirladi; kuzning salqin nafasi yuziga urildi;* 3) qavsli harf yoki raqam bilan tartiblangan gapning oxirgisidan boshqasida: *Qo'shma gap uchga bo'linadi: a) bog'langan qo'shma gap; b) bog'lovchisiz qo'shma gap; d) ergash gapli qo'shma gap.*

**Ikki nuqtaning ishlatilishi.** Ikki nuqta quyidagi holda ishlatiladi: 1) uyushiq bo'lakdan oldin kelgan umumlashtiruvchi so'zdan so'ng: *Yig'ilishda tajribali ishchilar: Salim aka, Abdulkarim aka va Sobirjonlar so'zga chiqishdi;* Ba'zan umumlashtiruvchi so'z yashirinishi mumkin,

lekin ikki nuqta qo'yilaveradi: *Qilinishi kerak: traktorlar ta'mirdan chiqarilsin, ishchilarga yetarli sharoit yaratilsin.* 2) quyidagi ma'noni ifodalagan bog'lovchisiz qo'shma gapda: a) bir gap ikkinchi bir gapdan anglashilgan ish-harakatning sababini ko'rsatsa: *U ichkariga shoshib kirib ketdi: telefon anchadan beri jiringlayotgan ekan;* b) bir gap ikkinchi bir gapdan anglashilgan ish-harakatning natijasini ko'rsatsa: *Shamol juda zo'raydi: daraxtlarning ancha-munchasi sinib tushdi;* d) agar biror gap boshqa bir gapning mazmunini to'ldirsa yoki izohlasa: *Vazifangiz shu: bironta odam bu xonaga kirmasligi kerak.* e) ko'chirma gapdan oldin, muallif gapidan so'ng: *U baland ovozda so'radi: - Kim bor?*

**Tirening ishlatilishi.** Tire quyidagi o'rinda qo'llanadi: 1) ot, son, olmosh va harakat nomi bilan ifodalanib, kesim bilan bog'lamasiz birikkan ega va kesim orasida: *O'zbekistonning poytaxti – Toshkent. Ikki o'n besh – bir o'ttiz. Bularni amalga oshiradigan – siz. O'qish – hayotni uqish;* 2) uyushiq bo'lakdan so'ng kelgan umumlashtiruvchi so'zdan oldin: *Akam, opam va singlim – barchasi meni kutib o'tirishgan ekan;* 3) ajratilgan bo'lak bilan izohlanmish orasida: *Men – Valiyev To'ychi, 1973- yilda Dehqonobodda tug'ilganman;* 4) kirish gap bilan gap bo'laklari orasida: *Tunov kungi ovchi – uni o'rmonda uchratib qoldim – menga qiziq bir voqeani so'zlab berdi;* 5) muallif gapi bilan ko'chirma gap orasida: – *Bugun kelasizmi? – so'radi qizi;* 6) dialog tipidagi ko'chirma gapda: – *Keldimi? – Keldi;* 7) kutilmagan voqea-hodisani ifodalagan gapdan oldin: *Kecha sizlarnikiga borgan edim – Asqarjon kelibdi!* 8) zid ma'noli bog'lovchisiz qo'shma gap orasida: *Jismimiz yo'qolur – o'chmas nomimiz.*

**Qavsning ishlatilishi.** Qavs quyidagi holda ishlatiladi: 1) ifodalanayotgan fikrga yoki uning biror bo'lagiga qo'shimcha izoh beruvchi so'z yoki ibora qavsga olinadi: *Karimjon (sinfimizning a'lochisi) oliy o'quv yurtiga kiribdi;* Qavsdan oldingi tinish belgisi (vergul, nuqtali vergul, ikki nuqta, tire) qavsdan keyin qo'yiladi: *Chavandoz bu gapni Ertoyevga aytishni ham, aytmaslikni ham bilmay (aytsa Ertoyev xafa bo'ladi, aytmasa bir joydan chatog'i chiqishi mumkin), boshi qotib ... turganda... Gulchehra mojarosi chiqsa bo'ladimi?* 2) kiritma gap yoki dramatik asardagi remarka qavs bilan beriladi: a) *Ukam (sen uni taniysan) bu yil maktabni bitirdi.* b) *Aziz Kamol (xayol og'ushida). Vatanimizga qarshi ko'tarilgan ruhiy va iqtisodiy hujum shu kunlarda cho'qqisiga chiqdi;* 3) misol yoki ko'chirmaning manbai:

*Eshik qars etib yopildi. (O.Yoq.); 4) kirish soʻz yoki iboraga oid tinish belgi qavsning ichiga olinadi: Toʻsatdan uning xayoliga akasining bundan besh-olti oy oldin... yozgan xati (oʻshandan beri undan dom-darak yoʻq!) ... tushdi.*

**Qoʻshtirnoqning ishlatilishi.** Qoʻshtirnoq quyidagi holda ishlatiladi: 1) koʻchirma gapni ajratib koʻrsatish uchun: *“Ertaga kelaman “, - dedi;* 2) koʻchma, shartli nom yoki taxallus maʼnosidagi ayrim soʻz va soʻz birikmasi ham qoʻshtirnoqqa olinishi mumkin: *“Togʻ asali” sotadigan yigit ... dovonning naryogʻiga oʻtib ketgan.* Qoʻshtirnoqqa olinishi kerak boʻlgan soʻzda turlovchi (kelishik) qoʻshimcha mavjud boʻlsa, bu qoʻshimcha qoʻshtirnoqdan keyin qoʻyiladi: *Buni koʻrgan Aziz oʻzi haydab kelayotgan «GAZ 69”ning yurishini tezlatib, yoʻlga chiqdi-da, “Jiguli “ tomonga burildi.*

### **Cavol va topshiriqlar**

1. Nuqtaning ishlatilish oʻrinlari haqida gapiring.
2. Soʻroq belgisi qanday oʻrinlarda qoʻllanadi?
3. Undov belgisi qanday hollarda qoʻyiladi?
4. Vergul vazifasi nimadan iborat?
5. Nuqtali vergul qanday hollarda ishlatiladi?
6. Ikki nuqtaning vazifalari nimadan iborat?
7. Koʻp nuqta qanday hollarda ishlatiladi?
8. Tire qanday vazifalarni bajaradi?
9. Qavsning roli haqida gapiring.
10. Qoʻshtirnoqning qoʻllanish oʻrinlarini bayon qiling.

## ХУЛОСА

Жаҳон замонавий тилшунослиги бир неча асрлик тараққиёт тарихига эга бўлиб, ҳар бир давр бу фан олдига ижтимоий заруратдан келиб чиққан ҳолда тегишли вазифаларни қўйди. XIX асрда фанда етакчилик қилган қиёсий-тарихий йўналиш тил системалари генезиси ва фарқлари бўйича тадқиқотлар олиб борган бўлса, XX асрда фаоллик кўрсатган формал ва структур лингвистика тил системаларининг структураси ва имкониятларини очиш ва тушунтириш билан машғул бўлди. XXI асрда тил системаларидан амалий фойдаланиш муаммолари тилшуносликнинг янги парадигмаларини ўзида бирлаштирган антропоцентрик ёндашувнинг диққат марказида бўлмоқда. Ўзбек тилшунослиги жаҳон тилшунослиги тараққиётининг иккинчи босқичида унга қўшилди ва у ҳам ўз ўрнида XX асрда ўзига хос мақсад ва вазифаларга эга бўлган икки босқични босиб ўтди.

Формал ёндашув босқичида фан адабий тил меъёрларини ишлаб чиқиш ва омма онгига сингдириш зарурати асосидаги ижтимоий вазифани адо этди.

Структур ёндашув босқичида тилшунослигимиз ўзбек тилининг имманент имкониятларини очишдан иборат ижтимоий буюртмани адо этди ва тилнинг трансцендент хусусиятларини очиш учун замин яратди. Янги аср ўзбек тилшунослигининг вазифалари умумий тарзда ўзбек тилини авайлаб-асраш, бойитиш устида тинимсиз ишлаш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигига эришиш ва ўзбек тилини ахборот-коммуникация технологиялари тилига айлантириш алоҳида ўрин тутди.

Бу вазифаларнинг барчаси марказида инсон туради ва тадқиқ антропоцентрик характер касб этади. Демак, шаклланаётган ўзбек антропоцентрик тилшунослигининг асосий вазифаси тилимизнинг XX асрда очилган имманент имкониятларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, унда инсон омилига эътибор устуворлик қилади.

Структур босқичида ўзбек тилшунослигида тилнинг фонетик, лексик ва грамматик сатҳлари лисон–нутқ дихотомияси асосида тадқиқ этилиб, яхлит субстанциал таълимот яратилди. Ўтган асрнинг 80-йилларида тор

Йўналиш сифатида иш бошлаган субстанциал лингвистика бугунги кунда жаҳон тилшунослиги томонидан эътироф этилди ва, ҳатто, унга таъсир кўрсата бошлади. Ўзбек тили лисоний қурилишига берилган янги илмий-назарий баҳо қатор монография, дарслик ва қўлланмаларда ўз ифодасини топди. Шубҳасиз, эришилган ютуқлар эндиликда миллий тилнинг лисоний қурилишини ўрганишдан унинг воқеаланиш хусусиятларини ҳар томонлама тадқиқ этишга ўтиш учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Жаҳон тилшунослигида лисоний имкониятларнинг амалий воқеланишини – унинг нутқ, жамият, маданият, миллий тафаккур, ҳатто сунъий интеллект билан узвий муносабатини текширувчи йўналишларнинг аллақачон шаклланиб бўлганлиги ҳам фанимиз олдидаги янги вазифаларнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигида синтактик бирликларнинг субстанциал тадқиқи натижасида уларнинг лисоний минимал ва максимал қолиплари аниқланди. Содда ва қўшма гап орасида “оралиқ учинчи” қонуниятининг яққол ифодаси сифатида уюшган гап фарқланиб, синтактик структураларнинг даражаланиш асосидаги тавсифи берилди.

Ўзбек тилшунослигининг навбатдаги вазифаси лисоний бирлик ва структуранинг нутқий воқеланишини текшириш бўлиб, бунда лисон бошқа лисоний ва нолисоний омиллар қуршовида таҳлил қилинади. Зеро, ҳар қандай лисоний бирлик нутқда соф ҳолда воқеланмайди ва бошқа нолисоний ҳамда лисоний омиллардан ажратилган бирлик мавҳумлигича қолаверади. Ўзбек субстанциал тилшунослигида лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишида бошқа лисоний сатҳлар ҳамкорлиги масаласи кун тартибига қўйилган эди. Бироқ нутқ яхлит воқелик бўлиб, уни нолисоний омиллардан ҳам холи текшириш мумкин эмас. Демак, бошқа тил бирликлари каби, синтактик бирликларни ҳам лисоний ва нолисоний омиллар муштараклигида – дискурсив муҳитда текшириш зарурати вужудга келмоқда. Субстанциал ёндашувнинг янги босқичи дискурсив таҳлилни тақозо қилмоқда.

## TAVSIYA ETILADIGAN ADABIYOTLAR

### Tavsiya etiladigan adabiyotlar

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаева Д.А. Семантик-синтактик валентлик ва ўзга гапли қурилмалар: филол.фан. номз.... дисс. автореф. –Самарқанд, 2002.
3. Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
4. Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиши қолип ва унинг нутқда воқеланиши: филол.фан. номз.... дисс. – Тошкент: 1994.
5. Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол [Wp<sub>m</sub>] валентлиги асосида: филол.фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент: 1997.
6. Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фанлари докт... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 153.
7. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини: монография. – Тошкент: Фан, 2006.
8. Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши: филол.фан. номз.... дисс. автореф. –Фарғона: 2004.
9. Бошмонов М. Ўзбек тилининг гап бўлақларини «тил-нутқ» дихотомик бўлинишида ўрганиш. Тил сатҳи: филол.фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент: 1991.
10. Ёров Б. Уюшиқ кесим: унинг зотий (субстанциал) табиати ва гаптаги мавқеи: филол.фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 2001.
11. Замонавий ўзбек тили. Морфология // Муаллифлар жамоаси. Масъ.муҳ. Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008.
12. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1960.
13. Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал – функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол. фанлари докт. ... автореф. – Т. 2001.
14. Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили: содда гап синтаксиси учун материаллар. – Тошкент: 2002.
15. Маҳматқулов С. Ўзбек тилида предикатив

синтагманинг трансформацияси. – Т.: Университет, 1998.

16. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

17. Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: 1984.

18. Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. – Қарши: Насаф, 2003.

19. Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Т., 1996.

20. Менглиев Б.Р. Тил яхлит система сифатида. – Тошкент: Ниҳол, 2010.

21. Мещанинов И.И. Общее языкознание. К проблеме стадиальности в развитии слова и предложения. – Л.: Учпедгиз. Ленинградское отделение, – 1940.

22. Муҳаммаджонова С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида уюшган гаплар: филол.фан. номз.... дисс. автореф. – Самарқанд, 1999.

23. Назарова С. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: филол.фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент: 1997.

24. Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Курбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. 1-қисм. Лисоний синтактик қолиплар ва валентлик. Филолог талабалар учун қўлланма. – Т.: Университет. – 1999. – Б.12-15.

25. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII вв. – Т.: Фан, 1989;

26. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И. и др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (тезисы формально-функционального исследования) // Советская тюркология, 1984. – №5. – С. 3-9.

27. Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. – Тошкент: Фан, 1988.

28. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992.

29. Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тилида гап бўлаклари типологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1988.



30. Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. – Т.: Фан, 1974. – Б. 173.
31. Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи ва [WРm-WРm] қурилишли гаплар: филол.фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент.: 1999.
32. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини: монография. – Тошкент: Фан, 1994.
33. Сайфуллаева Р., Менглиев Б. Боқиева Г. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технология, 2010.
34. Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси: филол.фан. номз.... дисс. автореф. –Самарқанд, 2006.
35. Ўзбек тили грамматикаси. Т.II. Синтаксис. – Тошкент: Фан, 1976.
36. Ўзбек тили грамматикаси. Т.I. – Т.: Фан, 1975.
37. Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик ва хусусийлик диалектикаси талқинида. Махсус курс учун маърузалар. – Андижон: НС,1994;
38. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Грамматик маъно талқини ҳақида. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994.
39. Шокирова Ҳ. Ўзбек тилида кесимлик категорияси: шахс актанти ва унинг нутқий воқеланиши: филол.фанлари номзоди дисс....автореф. – Т., 2009.
40. Юлдашева Н. Йиғиқ гапнинг формал-функционал талқини: филол.фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 2010.
41. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис: университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....

### 1-БЎЛИМ

Ўзбек синтактик таълимоти ва унинг тараққиёти.  
(*Ҳ.Неъматов*).....

Синтаксиснинг тадқиқ манбаи ва предмети  
(*Б.Менглиев*)  
.....

Лисоний синтактик қолип (*Б.Менглиев*).....

Валентлик ва синтактик алоқа (*М.Қурбонова*).....

### 2-БЎЛИМ

Содда гапнинг лисоний қурилиши (*М.Қурбонова, М.Абузалова*).....

### 3-БЎЛИМ

Йиғиқ гап (*Б.Менглиев, Н.Йўлдошева*).....

### 4-БЎЛИМ

Сўз бирикмаси (*Б.Менглиев, С.Назарова*).....

### 5-БЎЛИМ

Содда гапнинг таркиби (*Б.Менглиев*).....

Гап бўлаклари (*М.Қурбонова, Ш.Акрамов*).....

Сўз ва гап кенгайтирувчиларининг мувофиқлашуви ва фарқланиши (*Б.Менглиев*).....

Гапда ажратилган сўзшакллар (*Б.Менглиев*).....

Содда гапда тенг боғланиш (*Б.Менглиев*).....

Ундалма (*М.Қурбонова*).....

Гапнинг кириш ва киритма кенгайтирувчилари  
(*Б.Менглиев*).....

### 6-БЎЛИМ

Қўшма гап (*Р.Сайфуллаева, Л.Раупова*).....

### 7-БЎЛИМ

Уюшган гап (*Р.Сайфуллаева, С.Муҳаммаджонова*).....

### 8- БЎЛИМ

Синтактик бирликларнинг нутқий воқеланишида  
сатҳлар ҳамкорлиги  
(*Б.Менглиев*).....

### 9-БЎЛИМ

Пунктуация (*Б.Менглиев, Б.Баҳриддинова*).....

Хулоса (*Б.Менглиев, Л.Раупова*).....

Тавсия этиладиган адабиётлар.....